

Y 15  
E-83

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУЛАРИ  
УЧУН ҮКУВ ҚҰЛАНМАСИ

---

ЁШ  
ПСИХОЛОГИЯСИ  
ВА ПЕДАГОГИК  
ПСИХОЛОГИЯДАН  
ПРАКТИКУМ

ЎШ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА  
ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯДАН  
ПРАКТИКУМ

Профессор А. И. Шчербаков таҳрири остида

*СССР Маориғ министрлиги педагогика  
институтларининг студентлари учун  
ўқув қўлланмаси сифатида руҳсат этган*

V 15  
E-83

Авторлар колективи: А. А. Алексеев, И. А. Архипова, В. Н. Бабий, Е. И. Степанова, А. Ф. Тихонова, Л. А. Матвеева, А. И. Шчербаков, А. К. Юров, В. В. Богословский, А. И. Раев, Л. А. Регуш, Д. В. Ронзин, А. А. Степанов,

Тақризчилар: Москва Давлат сиртқи педагогика институтининг психология кафедраси (кафедра мудири профессор М. В. Гаме зо), М. Г. Данильченко (Владимир педагогика институтининг профессори)

Ушбу ўқув қўлланмаси ёш психологияси ва педагогик психология программасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда болаларни ўрганиш, уларнинг ривожлашиши устидан кузатишлар олиб бориш кўникмаси ва малакасини ҳосил қилиш учун студентларга зарур бўлган мустақил ишларнинг хилма-хил форма ва методлари келтирилган. **Хар** бир тема юзасидан семинар ва амалий машғулотларнинг планлари ҳамда уларга доир адабиётлар берилган.



Ш 4306010000—188  
353(04)—90 202—90

© Издательство «Просвещение», 1987 г.  
© Узбек тилига таржима, «Ўқитувчи», 1991 й.

ISBN 5—645—00333—0.

## Редактордан

Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳамда «Ёшларга умумий ўрта таълим беришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг амалга оширилиши муносабати билан ўқитувчи кадрларнинг профессионал тайёргарлигида психологик билимларнинг роли анча ортиб боради. Педагогика институтларида таълим олиш жараёнида бўлғуси ўқитувчи-студентлар ўсиб келаётган инсон шахснинг психик ривожланиши ва шаклланишига оид умумий қоидаларнигина ўзлаштириб қолмай, шу билан бирга мактаб ўқувчисининг ҳаёт йўли турли босқичларида унинг ички дунёсини ҳам тушунишга, ўқувчининг потенциал имкониятларини мустақил равишда билиб олишга ҳам ўрганиб боришлари; ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги қолоқлиги ҳамда ёмон хулқатвори сабабларини билиб олишга ва шундай сабабларни йўқотишнинг энг самарали йўлларини танлай билишга ҳам ўрганиб боришлари лозим. «Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум» ўкув қўлланмаси мана шу вазифаларни бажаришга хизмат қиласди.

Қўлланма СССР Маориф министрлигининг ўкув юртлари Бошқармаси томонидан тасдиқланган ёш психологияси ва педагогик психология курсининг янги программасига мувофиқ тайёрланди. Мазкур қўлланмани ишлаб чиқишида муаллифлар худди «Умумий психологиядан амалий машғулотлар»<sup>1</sup>, қўлланмасини тайёрлаш давомида қўлланилган принциплар ва вазифаларга амал қилдилар: яъни ҳозирги замон ёш психологияси ва педагогик психологиянинг назарий асосларини онгли равишида ижодий ўзлаштириб олишга ёрдам беришни ҳамда студентларда психологик билимга барқарор қизиқишини шакллантириш, бу билим ва қўникмани ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия бериш соҳасидаги амалий фаолиятларида тадбиқ этишга ўргатишни мақсад қилиб қўйдилар.

Ёш психологияси ва педагогик психология курси бўйича семинарлар ва амалий (лаборатория) машғулотлар учун ўкув планида

<sup>1</sup> Қаранг: «Умумий психологиядан амалий машғулотлар» (А. И. Шербаков таҳрири остида) Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1984 йил.

ажратилган вақтга ҳамда факультетнинг профилига қараб ўқи-  
тувчилар айрим олинган ҳар бир ҳолатда студентларнинг муста-  
қил ишлари учун материал танлаб олишлари, топшириқларни ба-  
жарилиши натижаларини баҳолаш ҳамда материалларни қайта  
ишлаш тадбирларини белгилаб чиқишлири мумкин. Бу тадбирлар  
студентларда билиш активлигини ривожлантиришга, мазкур фан  
бўйича уларнинг ўқув фаолиятидаги мустақллигини ўстиришга  
купроқ даражада ёрдам беради. Практикумда ҳар бир тема юза-  
сидан студентлар семинар ва амалий машғулотларга тайёрла-  
нишлари учун ўқув қўлланмаларидан ташқари қўшимча адабиёт-  
лар тавсия этилиб, уларнинг авторлари, асарнинг номи ва бет-  
лари кўрсатиб қўйилди. Бироқ бу студентлар ўз ўқитувчилари  
билиш келишган ҳолда мустақил яна бошқа қўшимча адабиётлар  
танлашини истисно қилмайди.

Мазкур ўқув қўлланмаси СССР Педагогика фанлари академия-  
сининг таълим ва тарбия асослари бўйича илмий тадқиқот инсти-  
тутларининг ўқитувчиларини психологик-педагогик тайёргарлигини  
ошириш лабораторияси томонидан А. И. Герцен номидаги Меҳнат  
Қизил Байроқ орденли Ленинград Давлат Педагогика институти-  
нинг психология кафедраси колективи билан ҳамкорликда нашр-  
га тайёрланди. Практикумни тайёрлашда қўйидаги муаллифлар  
иштирок этдилар: А. А. Алексеев (2-тема), И. А. Архипова (7-  
тема), В. Н. Бабий (3-тема), В. В. Богословский, (2, 8-темалар),  
Л. А. Регуш (2, 11-темалар), Л. А. Матвеева (5, 7-темалар),  
Д. В. Ронзин (кириш, 6-тема), А. И. Раев (5, 7-темалар),  
Е. И. Степанова (7-тема), А. А. Степанов (10, 11-темалар),  
А. Ф. Тихонова (4-тема), А. И. Шчербаков (кириш, 1, 3, 12-те-  
малар), А. К. Юров (9-тема).

Қўлланма педагогика институтининг кундузги ва сиртқи бў-  
ливлари студентларига мўлжалланган. Лекин у ўқувчилар тўғ-  
рисидаги, уларни ўқитиш ва тарбиялашнинг психологик асослари  
тўғрисидаги ўз билимини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни ис-  
таган мактаб ўқитувчилари, методистларга ҳам фойдалидир.

Проф. А. И. Шчербаков

## Кириш

### СТУДЕНТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШҚИЛ ЭТИШГА ДОИР УМУМИЙ МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Практикунинг вазифалари ва унинг тузилиши принциплари. Ҳозирги замон умумтаълим мактаби ўқитувчисининг профессионал фаолияти мураккаб ва кўп қирралидир. Ўқитувчи ўсиб келаётган ёш авлодга тарбия бериш вазифасини бажаради, ўқувчиларнинг ўқув ҳамда ўқишидан ташқари ижтимоий-фойдали ишларини ўюштиради, ўқувчиларнинг ота-оналари ва бошقا катта ёшдаги аҳоли ўртасида ижтимоий-сиёсий ва психологик-педагогик билимларни тарғиб қилишда иштирок этади.

Ўқитувчи тарбиячи сифатида доимо турли педагогик вазиятларга дуч келиб туради. Бундай вақтларда ундан ўша вазиятнинг социал-психологик моҳиятини чуқур тушуниш, мустақил равишда бир қарорга келиш маҳорати талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчи ўқув предметидан чуқур билимга эга бўлиши билан бирга психологик-педагогик билимларга ҳам эга бўлмоғи, хусусан турли ёш группаларидағи ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини, уларни умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари талабларига мувофиқ ўқитиши ва тарбиялаш ўқонуниятларини ҳамда шу жараёнларни оптималлаштириш шарт-шароитларини ҳам билмоғи керак. Ёш психологияси ва педагогик психология курси мана шу вазифаларни бажаришга хизмат қиласди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, студентлар адабий манбалар устида мустақил ишламай, болалар билан педагогик мулоқотга киришиш маҳорати ва малакаларини эгалламай, ўқувчилар билан психологик қузатишлар ҳамда психологик экспериментлар ўтказиши методларини ўрганиб олмай туриб, ёш психологияси ва педагогик психология курсини чуқур ўзлаштириб олишлари мумкин эмас. Студентлар — бўлғуси ўқитувчилар болаларга таълим-тарбия беришга оид педагогик вазифаларни ҳал қилишда ҳозирги замон психологияси соҳасидаги билимларини қўллана олиш маҳоратига эга бўлишлари керак.

Мазкур практикум уч бўлимдан иборат: I — «Умумий масалалар», II — «Ёш психологияси», III — «Педагогик психология». Ҳар бир бўлимда курснинг программасига мувофиқ равишда студентлар мустақил ўрганиши лозим бўлган темалар акратиб кўрсатилган. Ҳар бир теманинг бошида семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик қўришда олиб бориладиган мустақил ишларни

ташкил этишга доир муфассал методик курсатмалар берилади, машғулотларнинг планлари ҳамда адабиётлар рўйхати келтирилади.

Семинарлар ва амалий машғулотларнинг планларини ишлаб чиқиши вақтида авторлар ёш психологияси ва педагогик психологияга оид назарий билимларни умумий психология ҳамда ўқитувчининг амалий фаолияти билан маҳкам боғлиқ ҳолда олиб боришга ҳаракат қилдилар.

Семинар машғулотларининг планларида студентлар учун билиш шарт деб ҳисобланган энг муҳим методологик, назарий ва методик масалалар алоҳида ажратиб берилди. Шу билимларга эга бўлмай туриб, студентлар боланинг ташқи ҳулқ-автори билан уларнинг психик ҳолати — ички ҳолати ўртасидаги алоқаларни түгри белгилай олиш ҳамда таълим-тарбиянинг турли босқичларида болага таъсир кўрсатишнинг самарали методларини белгилаб олишга қодир бўлмай қоладилар. Ҳар бир темага доир аннотация ёзиш ёки конспект тузиш учун зарур адабиётлар кўрсатиб ўтилди. Реферат ва докладларнинг тематикаси, шунингдек, курсда олиб бориладиган тадқиқот ишларининг намунавий тематикаси берилди. Реферат ва докладлар учун зарур адабиётлар кўрсатиб ўтилди. Курс ишлари — курсдаги тадқиқотлар бўйича эса студентларнинг ўзлари ўқитувчи раҳбарлигида мустақил равища тадқиқот предметини белгилаб чиқадилар, иш учун зарур материалларни танлайдилар, гипотезаларни ифодалайдилар ҳамда иш плани тушиб чиқадилар. Бешинчи темага доир тайёрланган методик ишланмалардан курс ишини планлаштиришда мисол тариқасида фойдаланиш мумкин. Студентларнинг мустақил ишларига оид барча формалар уларни методологик ва назарий қоидаларни чуқур, ижодий тарзда ўрганишларига қаратилгандир. Мана шу назарий ва методологик қоидалар ўқувчининг психик ривожланишини ҳаракатга келтираётган кучлар, ўкувчининг ҳозирги жамият идеаллари руҳида тарбиялананаётган шахсининг самарали шакллантиришнинг шарт-шароитларини диалектик-материалистик тарзда тушуниб олишига ёрдам беради.

Практикумда студентларнинг мустақил ўқув ишларининг хилма-хил форма ва методлари берилган. Булар студентларнинг мустақил билим олишига ҳамда болаларни ўрганиш ва уларнинг ёш жиҳатдан ривожланишининг турли босқичларида болалар билан тарбиявий ишлар олиб бориш учун зарур бўлган педагогик кўникма ва малакаларни шакллантиришга ёрдам беради.

Студентлар институтда ўқиш жараёнида боланинг психик ривожланиш даражасини диагностика қила олишга, унинг ўзига хос хусусиятларини кўра билишга, унда шахснинг барқарор фазилатларини, ўқув фаолиятининг онгли субъектини шакллантириш учун оптимал шарт-шароитларни топа билишга ўрганиб боришлари керак. Шунинг учун практикумда ўқувчининг психологик жиҳатдан ўрганиш методларига, унинг психик ривожланиши ёш динамикасини ёритиб беришга, шунингдек, ўқувчи шахсини шакллантириш ва ҳар томонлама ривожланириш шарт-шароитларини

ўрганишга катта эътибор берилади. Шу мақсадда практикумда «Ёш психологияси ва педагогик psychology методлари» деган маҳсус тема алоҳида ажратиб берилган.

Практикумда педагогик масалалар ҳам берилган булиб, уларни ечиш студентларда ўз назарий билимларини педагогик практикага тадбиқ этиши кўнгламишини шакллантиришга ёрдам беради; унда ўқитувчи ўқув-тарбиявий фаолиятининг асосий формаси сифатида педагогик кузатиш ва дарсни анализ қилиш методикаси ҳам баён этилади; курсда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар тематикаси келтирилади. Бундай тадқиқотларнинг ўтказилиши студентларга педагогик билимларни чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради, бўлгуси ўқитувчиларга уларнинг ижодий искеъдодларини ривожлантирилишига ёрдам қиласди.

Студентлар қайси факультетда ўқишлирага ҳамда кундузги ёки сиртқи бўлимдаги ўқув жараёнини ташкил этишининг шартшароитларига қараб ўқитувчилар темани, шунингдек, студентлар мустақил ишларининг форма ва методларини ўзгартиришлари мумкин. Чунончи, кундузги бўлимда курс илмий тадқиқотларнинг тематикаси унинг актуаллиги, амалий жиҳатдан аҳамияти ва студентнинг мазкур темага қизиқишига қараб ўзгартирилиши мумкин. Ўқитувчи сиртқи бўлимда педагогик-педагогик анализ ўтказиш ишига студентларнинг ўзини жалб қилиши мумкин. Бунинг учун студент ўзига бириктириб қўйилган синфда ўтказган тажриба материалини анализ қиласди, студент ўзи бириктириб қўйилган сифларда илмий тадқиқотлар ўтказиш ишига жалб қилинади. Бунинг учун у сиртқи бўлимлар учун контрол ишлар бўйича чиқарилган маҳсус кўлланмадан фойдаланади.

Студентлар мустақил ишининг форма ва методлари ҳамда унирасмийлаштириш. Ёш психологияси ва педагогик psychology курсини мустақил ўрганишнинг формалари хилма-хил булиши мумкин: адабиётларни аннотация қилиш ва улардан конспект олиш; реферат ёки доклад ёзиш; курс ва диплом ишларини бажариш шулар жумласидандир.

Адабиётларни аннотация қилиш — автор томонидан қараб чиқилаётган у ёки бу илмий ишдаги асосий масалаларни санаб чиқишдан иборатdir. Бунда ўқитувчининг фаолиятига ёки ўрганилаётган проблемага бевосита алоқаси бўлган масалаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Адабиётлардан конспект тузиш. «Конспект» деган терминнинг ўзи бирорта мақола, китоб, нутқ ва шу сингари бошқа пшларнинг қисқача мазмунини баён қилиш деган маънони англатади. Конспект тузиш бирор материални (масалан, лекцияни) яхшироқ эсда сақлаб қолиш учунгина зарурдир, деган фикр мавжуд бироқ, бу ўринда ўша ўзлаштирилаётган материални чуқурроқ ёки унинг янгича (яъни бошқачароқ нуқтаи назардан) ўрганиш мақсадида конспект тузиш янада муҳимроқ тадбирлардан хисобланади. Бунинг учун конспект қисқа, равон, тўлиқ ва аниқ бўлмоғи керак.

Конспект тузиш вақтида дастлаб автор текстидан ажралиб чиқиши, номұғам деталларни абстракт, яғни мавҳум тарзда тасаввур этиш қиін бұлади. Лекин автор фикрларини үзлаشتира бориши үз сүзи билан ифодалаб беріш жараёнида ёзувларда талаб қилингандык аниқлик ва қисқаликка әришиб борилади.

Қисқа ифодалилык фикрнинг тұла ва аниқ бұлмаслик талабини бажармаслик ҳисобига бұлмаслиги керак. Чunksи, бусиз конспект үқиб чиқылған китоб юзасидан ёзилған мақолага айланиб қолади. Асарнинг асосий мазмунини катта аниқлик билан ифодалашга әришиш үчун ұша жойларни авторнинг таърифи бүйича ёзіб олиш ҳамда ұша ёзіб олинаётган фикр баён әтилған китоб саҳифасини құрсатиб қўйиш керак. Конспектнинг тұлиқ булишига ұша илмий ишнинг асосий қоидаларини ёзіб олиш, материалнинг автор томонидан баён әтилған мантиқий мазмунини қайта тиклаш ҳисобига әришилади.

Конспект үзіда кейинчалик қайта ишлаш, унга тааллуқлы фикр ва мулоҳазаларни ёзіб бориши имкониятига эга бўлиш учун тузилаётган конспектни варақнинг бир томонига ёзіб, иккинчи томонини буш қолдирған маъқул.

К. Маркс конспект тузиш ва конспектлар билан ишлашнинг моҳир устаси бўлған. У вақти вақти билан үз ёзувларини кўздан кечириб туришни одат қилған ва ҳар сафар ундан янги-янги фикрлар илғаб олган эди. В. И. Лениннинг «Фалсафа дафтарлари»<sup>1</sup> конспект тузишнинг зур намунаси ҳисобланади.

Киши ҳар бир маҳоратга ўргангани сингари, конспект тузишга ҳам ўрганиш керак. Шундай қилинганды вақти келиб киши үзи ўқыған китобнинг асосий мазмунини тез ва аниқ ёзіб қўйиш қобилиятини эгаллаб олади. Бу ишни энди бошлаётган кишиларнинг конспектлари, одатда, катта ҳажмли бұлади, чunksи студент ҳар доим ҳам бутун бир китобдан асосий проблемаларни ажратиб ола билмайди. Конспект тузатында ўрганилаётган манбани камида икки марта үқиб чиқиши фойдали бўлади. Биринчи марта үқылганида ұша иш тўғрисида умумий тасаввур ҳосил бўлади, иккинчи марта сида унинг асосий мазмуни яққол кўзга ташланади ва уни конспект қилиб олинади.

Тажрибали үқувчи илмий ишни конспектлаштираётганда унинг асосий структура элементларига: гипотезага, гипотезани назарий ва экспериментал жиҳатдан текшириш ва фактларни аниқлашга, эмпирик ҳамда назарий умумлашмаларга, эксперимент методикасига таянади.

Гипотеза — бу ҳодиса ёки бир-бирига алоқадор ҳодисалар ўртаспда қандайдир қонуният, сабаблар мавжудлиги тўғрисида (эгалланған билимларга асосланған ҳолда) билдирилған тахминдер. Масалан, таълим жараёнида бола психикасининг ривожланиши тўғрисидаги фактлар асосида юқори синф үқувчилари ўсмирларга нисбатан ўтилған дарсларни яхшироқ эслаб қолиш имкониятига әгадирлар, уларнинг бу соҳадаги қобилиятлари кўпроқ

<sup>1</sup> Қаранг: Ленин В. И. Фалсафа дафтарлари. Тұла асарлар тұплами, 29-том.

даражада ривожлангандир, деган тахминни айтиш (гипотезани олға суриш) мүмкін. Ё бұлmasa, одам психикаси бутун бир таълим жараёни сифатида ривожланиб бориши ва фаолият курсатишини билиб олинганидан кейин нұтқ ва тафаккурнинг ривожлашиш даражаси үртасида үзаро алоқа мавжудлиги тұғрисидаги гипотезани олға суриш мүмкін. Ёки гипотезага оид бошқа бир мисолни олайлик: киши үз қадрини билиши шахснинг хусусиятларидан бири сифатида кишининг үсмирилек ёшида күпроқ даражада интенсивлик билан шаклланишини ҳамда үсмирининг үзига үзи қандай баҳо бериши күп жиҳатдан теварак-атрофдаги кишиларнинг унга бұлган муносабатлари билан белгиланишини билган ҳолда шундай тахмин қилиши мүмкінки, үсмирини у ёки бу группага киритилиши уннинг шахсига нисбатан теварак-атрофдаги кишилар томонидан ҳурмат билдириш әхтиёжининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу әхтиёж айни мана шу группада қондирілади.

*Гипотезани назарий жиҳатдан текшириш* — бу тахмин қилинаётган фикрни аллақақочын исботланған ва илмий адабиётларда мавжуд бұлған қоидалар, принциплар билан таққослашдан иборат бұлиб, натижада олға сурилаётган гипотеза билан үша принциплар үртасида мантиқий қарама-қаршилик йўқлиги аниқлаб олинади. *Гипотезаны эксперимент тарзида текшириб чиқиш жараёнида уннинг тўғрилиги ёки тўғри эмаслиги илмий тадқиқотлар орқали олинған маълумотларни анализ қилиш асосида, тажрибалар уtkазиш йўли билан белгиланади.*

Тадқиқотчи томонидан аниқлаб олинған ва ёзиб қўйилған воқеалар, ҳодисалар фактлар деб аталади. Шунинг учун кузатувчанлик илмий ходимнинг қимматли фазилатларидан ҳисобланади: у бундай қараганда тадқиқ этилаётган объектдаги унча муҳим эмасдек туюлған хусусиятларни ҳам, тажриба утказиш шарт-шароитларини ҳам тез илғаб олиш ва уларга тўғри баҳо бера олиш қобилиятига эга бўлмоғи керак. Қатъий илмий тушуниш маъносидаги факт деганда кузатилаётган ҳодисани янги тажрибада ёки бошқа тадқиқотчи олиб бораётган тажрибада қайта тиклаш имконияти назарда тутилади.

*Эмпирик умумлашма* — бу объект ҳодисаларни фақат уларнинг ташқи аломатлари асосида бирлаштирилишидир. *Назарий умумлашма* — бу объектларни (ҳодисаларни) уларнинг муҳим бир-бирига үхашлик белгиларига қараб, яъни мазкур ҳодисанинг үзига хос хусусиятини белгиловчи томонларига қараб бирлаштирилишидир.

Чунончи, барча ўқувчиларни кузатиш асосида икки интизомли ва интизомсиз ўқувчилар группасига ажратиш мүмкін. Бундай ажратиш эмпирик умумлаштириш бўлади, чунки бу үринда ўқувчиларнинг фақат ташқи характеристикаси ҳисобга олинмоқда. Агар биз ўқувчиларни уларнинг темпераменти хусусиятларига қараб, улардаги ижобий шахс хусусиятларининг шаклланиб боришига қараб, функционал ҳолатининг үзига хослиги ва шу сингариларга қараб бирлаштирадиган бўлсак, бу хилдаги группа-

ларга ажратылган ишимиз назарий умумлашманинг натижаси бўлади, чунки бу ўринда биз бир хил ўқувчиларнинг интизомсизликлари, бошқаларининг эса интизомли эканликлари сабабини изоҳлаб берамиз.

Эксперимент методикасига тадқиқот ўтказилувчилар учун топшириқ (иши учун инструкция, материал ва ҳоказолар), тажриба ўтказиш шарт-шароитларининг баёни (эксперимент группа ёки индивидуал тарзда ўтказилиши, қанча вақт давом этиши), синалаётган кишиларнинг состави ва миқдори, тажриба ўтказилаётганда алмашиниб турган кишиларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва боғлиқ эмаслик даражасини аниқлаш сингари тадбирлар киради.

Юқорида келтирилган тушунчаларни билиш илмий нашрларни (илмий нуқтаи назардан) саводхонлик билан ўқишига ҳамда конспект тузишга ёрдам беради. Ҳар қандай илмий ишни юқорида курсатиб ўтилган тушунчалар асосида анализ қилиш мумкин ва лозим. Конспектда қўйидаги саволларга жавоблар уз аксини топиши зарур: «Нашр этилаётган илмий иш авторининг гипотезаси (ёки гипотезалари) нималардан иборат?», «Ушбу гипотеза қандай усул билан текширилади?», «Исбот қай даражада ишончли чикқан?», «Қандай фактларга эга бўлинган?» ва ҳоказо.

Конспект тузиш вақтида тушунпарли бўлмаган терминларнинг маъносини дарҳол аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун справочниклар тарзида чиқарилган адабиётлардан фойдаланилади. Масалан:

- Большая советская энциклопедия: В 30 т. /Гл. ред. А. П. Прохоров 3-е изд. М.: Советская энциклопедия, 1969—1978.
- Философский энциклопедический словарь /Гл. ред. Л. Ф. Ильинчев и др.— М. Советская энциклопедия, 1983.
- Педагогическая энциклопедия / Гл. ред. И. А. Каиров.— М.: Советская энциклопедия, 1964—1968.
- Психологический словарь /Под ред. В. В. Давыдова, А. В. Запорожца, Б. Ф. Ломова и др.—М.: Педагогика, 1983.
- Краткий психологический словарь /Под общ. ред. А. В. Петровского и М. Г. Ярошевского.— М.: Политиздат, 1985.
- Словарь иностранных слов /Под ред. А. Г. Спиркина и др.— 7-е изд., перераб.— М.: Русский язык. 1979.
- Словарь русского языка: В 4 т. / Гл. ред. А. П. Евгеньева.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Русский язык, 1981—1984.

Манбаларни конспектлаштириб бўлгач, конспектлар картотекасини тузиб чиқиш фойдалидир. Конспектларнинг алфавитли ва системали рўйхатини тузиб чиқилса, яна ҳам яхши. Алфавитли рўйхат у ёки бу иш юзасидан конспект бор ёки йўқми эканини тезда билиб олиш имконини берса, иккинчи системали рўйхат у ёки бу проблема юзасидан қандай конспектлар борлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир конспектга иккитадан карточка тузилади: уларнинг бири алфавитли картотека тузишга, иккинчиси эса системали картотека тузишга кетади. Ҳар бир карточкада конспектнинг тартиб номери кўрсатиб қўйилса, уни тез

топиб олиш осон бұлади. Бу ҳақда муфассалроқ маълумотларни маҳсус адабиётлардан үқиб олиш мүмкін (Библиографическое описание произведений печати: Инструктивно-методическое указание.— М.: Гос. библиотека СССР им. В. И. Ленина, 1978, 198-бет).

Қүйида биз китоб ёки мақолага библиографик тавсифлар тай-ёрлашда зарур бўлган маълумотларни — ёзиш тартиби тўғрисидаги, тиниш белгилари ҳақидаги ҳамда ҳарфларнинг катта кичиклиги (бош ҳарф ёки кичик ҳарф) тўғрисидаги энг асосий маълумотларни келтирамиз.

### 1. Мақоланинг тавсифи

Авторлар тўғрисидаги маълумотлар. Асосий сарлавҳа.— Нашр этилгани тўғрисидаги маълумотлар // мақола қаерда чоп этилган.— Йили.— Номери. Бетлари.

Масалан: а) журналдаги мақола- Толстых Н. Н. *Психология воспитания воли у младших школьников* // Вопросы психологии — 1979.—4-сони.—146—151-бетлар;  
б) тўпламдаги мақола: Лузгин В. В. Единство учебно- и научно-исследовательской работы студентов и их роль в системе подготовки педагогических кадров // Проблемы подготовки учителя: Қозон Давлат Педагогика институти иш тажрибасидан).— Казань: КГПИ, 1976,—188—206- бетлар.

### 2. Китобнинг тавсифи

Авторлар тўғрисида маълумотлар. Асосий сарлавҳа /Редакторлар тўғрисида маълумотлар.— Китобнинг неchanчи нашри эканлиги тўғрисидаги маълумотлар.— Нашр этилган жой: Нашриёт, нашр этилган йили.— Бетларининг сони.

Китоб кўпчилик авторлар томонидан ёзилган ҳолларда (масалан, илмий ишлар тўплами, уқув қўлланмаси ва бошқалар), дастлаб китобнинг номи ёзилади, кейин эса эгри чизиқ чизиб редакторнинг номи кўрсатилади.

Масалан: а) китобни 1—2 автор ёзган: Новиков Э. А., Егорова В. С. Информация и исследователь.— Л., Наука, 1974.—00-бетлар.  
б) китобни бир нечта авторлар ёзган: Практические занятия по психологии /А. В. Петровский таҳрири остида.— М.: Просвещение, 1972.—000- бетлар.

### 3. Кўп томли нашрнинг тавсифи

Асосий сарлавҳа /Редакторлар тўғрисида маълумотлар.— Китобнинг неchanчи нашри эканлиги тўғрисида маълумотлар.— Нашр этилган жой: нашриёт, нашр этилган йил.— Том.

**Масалан:** а) барча томлар ҳали босилиб чиқмаган; Большая медицинская энциклопедия /Под ред. Б. В. Петровского.— З-е изд.— М.: Сов. энциклопедия, 1974;  
б) барча томлар босилиб чиққан; Большая советская энциклопедия и Ежегодник Большой советской энциклопедии /под ред. А. М. Прохорова — З-е изд.— М.: Сов. энциклопедия, 1969—1978.

Реферат ёки доклад тайёрлаш, Реферат ишлари ҳам худди илмий докладлар сингари уч хил бўлиши мумкин. 1) илмий ишга ёзилган танқидий тақриз, 2) тема бўйича тадқиқот ишининг аналитик обзори, 3) баҳснинг танқидий таҳлили.

Кўрсатиб ўтилган ишлар танланган проблема бўйича адабиётларнинг анализини қамраб олади. Шу асосда экспериментал тадқиқот ишлари олдига қўйилган вазифалар белгиланади.

Рефератнинг структураси унинг турига қараб белгиланади.

Танқидий тақриз қўйидаги ишларни қамраб олиши мумкин:

а) тақриз қилинаётган ишнинг актуаллигини асослаб бериш;

б) тақриз қилинаётган иш авторининг назарий позициясини қисқача баён этиб бериш (авторнинг позицияси ҳар доим ҳам етарли даражада аниқ ифодаланавермаслиги, у уша ишнинг таркибига гўё яширинган шаклда бериб кетилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда реферат автори уни ажратиб кўрсатишга ва далиллашга уриниб кўрмоғи керак, баъзи бир ишларда назарий материал берилмайди, бунинг ўрнига фақат эмпирик материал баён этилади, буни ҳам таъкидлаб кўрсатиш лозим);

в) авторнинг назарий позициясини методологик, философик қоидалар нуқтаи назардан қараб, уни танқидий таҳлил қилиш ҳамда (агар шундай имконият бўлса) автор назарий позициясини бошқа олимларнинг назарий қарашлари билан таққослаб танқидий таҳлил қилиш;

г) гипотеза исбот қилинган далилларни танқидий таҳлил қилиш, бу далиллар назарий ва экспериментал тарзда баён қилинган бўлиши мумкин. Биринчи галда уларнинг мантиқини таҳлил қилиб чиқиш лозим, иккинчи ҳолда эксперимент методикаси танланганлиги қай даражада асослаб берилганлигини таҳлил қилиб чиқиш керак (эксперимент исбот қилмаслиги балки у фақат гипотезага мувофиқ келишини ёки унга зидми эканлиги аниқлаб бериши мумкин), шунингдек эксперимент тадбирлари методик жиҳатдан қай даражада саводли утказилаётганлиги, эксперимент ўтказиш шароитини танлаш, ўрганилаётган ҳодисага ўз таъсирини ўтказиш мумкин бўлган омиллар етарли даражада ҳисобга олинганлиги, математик ечимларнинг асосланганлиги ва етарли эканлиги аниқланади;

д) баён қилишнинг ўзига хос хусусиятлари: аниқ ифодаланганлик ёки чалкашлик, тўлиқ баён этиш етарли ёки етарли эмаслиги (айниқса, экспериментал маълумотларни баён этишдаги тўлалик, мукаммаллик назарда тутилади);

е) ўтказилган анализ асосида чиқарилиши мүмкін бұлған ху-  
лосалар, бунда тақриз қилинаётган ишда нималар қимматли ҳи-  
собланishi, нималар құшимча текшириш ва аниқлик киритишни  
талаб қилиши ва нималар нотұғри эканлигини күрсатиб бериш  
керак.

Проблема юзасидан аналитик обзорни иккى хил шакл-  
да тузиш мүмкін: а) проблемани ўрганиш тарихини баён этиш  
шаклида (у ёки бу тадқиқотчилар ушбу проблемага қандай янги-  
лик киритгандыларини күрсатиб берилади); б) проблеманинг  
хозирги вактдаги ҳолатини анализ қилиш шаклида (қараб чиқи-  
лаётган ишлар бир-бирига яқынлық даражасига қараб умумлаш-  
тириб, группаларга ажратиб чиқилади).

Проблема бүйіча мавжуд адабиёттарни обзор қилишнинг бу  
иккى хил шакли айни маҳалда адабий манбаларни ишлаб чиқыш  
босқычлари ҳам ҳисобланади.

Ҳар қандай күринишдеги обзор ҳам компиляциядан ҳоли бу-  
лиши, яғни унда ишлар анализ қилиниши ва бир-бирига қиёсла-  
ниши, бир-бирини тасдиқловчи ёки бир-бирини инкор әтувчи маъ-  
лумотлар аниқ күрсатиб берилши керак. Бундай тақослаш  
хulosаларнигина қиёслаш, автор томонидан умумластирилган  
таърифларни солишириш билан кифояланиб қолмаслик керак.  
Қандай конкрет фактлар (конкрет қайси экспериментда) қайси  
умумлашмалар орқали олинганини билиш керак. Акс ҳолда сохта  
зиддиятли йўлга тушиб қолиш ёки адабиётлардаги мавжуд маъ-  
лумотлар умумийлиги тўғрисида сохта хulosса чиқариб қўйиш ҳеч  
гап эмас.

Обзорни қисқа-қисқа хulosалар билан тугатиш керак: пробле-  
манинг тадқиқ этилган аспектларини, тадқиқот натижаларини,  
баҳсли масалаларни ўртага қўйиш, шунингдек, ўрганиш талаб  
қилинадиган янги-янги аспектларни санаб ўтиш лозим.

Баҳс-мунозарани таңқидий анализ қилиш деганда  
бирор масала юзасидан зид бұлған нұқтаи назарларни чукурроқ  
ўрганиш тушунилади. Баҳснинг моҳиятини аниқлаш — унинг асо-  
сий мақсадидир. Бунинг учун эса ҳар бир позицияни құнт билан  
таҳлил қилиб чиқыш керак, проблемага у ёки бу хилда ёндашиш  
учун қандай фактлар ва (ёки) назарий қоидалар асос бўлиб хиз-  
мат қилгандыгини билиш зарур.

Реферат иш тури аниқланғач, унинг планы тузиб чиқилади  
ва уни психология ўқитувчиси билан муҳокама қилинади. Шун-  
дан кейин реферат текстини ёзишга киришиш мүмкін.

Фойдаланилган адабий манбаларни күрсатиб ўтиш қоидалари-  
га қатъий риоа этиш керак. Кўчирма қилиб келтирилаётган ав-  
торларнинг сўзлари қўштироқ ичига олиб қўйилади, қавс ичидә  
ўша асарнинг реферат охирида бериладиган адабиётлар рўйхатид-  
даги тартиб номери берилади; сўнгра вергул қўйиб китобнинг  
бетлари кўрсатилади. Агар бирорта авторнинг фикри узлаشتариб  
бериладиган бўлса, у ҳолда қўштироққа олинмайди-ю, лекин  
адабий манбанинг номери қавс ичидә албатта күрсатиб қўйили-  
ши керак. Борди-ю ўша фикр бир нечта ишда кетма-кет тақрора-

надиган бўлса, у ҳолда ҳар бир тегишли адабий манбадан кейин нуқтали вергул қўйиб, ўша манба номери кўрсатилади.

Адабиётлар рўйхати қўйидаги қоидаларга биноан тузиб чиқилади: дастлаб марксизм-ленизм классикларининг асарлари, сўнгра КПСС ва Совет ҳукумати раҳбарларининг асарлари, КПСС съездларининг, КПСС Марказий Комитети пленумларининг қарорлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари, бошқа ҳукумат ҳужжатлари, шундан кейин эса илмий ишлар авторларининг фамилиялари алфавит тартибида берилади.

Ҳар бир адабий манба бўйича авторларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиши керак. Ишнинг номи.— Нашр этилган жойи: нашриётнинг номи, китоб нашр этилган йил.— бетларининг сони. Агар мақола келтириладиган бўлса, у ҳолда иккита бир-бирга параллел ётиқ чизиқлар (//) дан кейин авторнинг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, мақоланинг номидан сўнг тўплам ёки журналнинг номи ҳамда журнал сони кўрсатилади.

Қўйидагилар реферат ёзишда йўл қўйиладиган характерли хатолар ҳисобланади: реферат ёзилаётган манбалардан бутун-бутун бўлакларни кўчириб оладилар-у, олинган манбани кўрсатмайдилар, шахсан ўз анализлари ва умумлашмаларини келтирмайдилар; ишда аниқ структура (яъни план, асосий фикрларни ажратиб кўрсатиш) мавжуд бўлмайди, хulosалар чиқарилмайди, фикрлар далилларсиз баён этилади (яъни хulosаларда мантиқий ёки экспериментал асослаб бериш мавжуд бўлмайди) реферат авторининг шахсий позицияси кўринмайди, шунингдек, ишда адабиётлар рўйхати ёки реферат ёзилаётгандан фойдаланилмаган мақолалар кўрсатилмайди ҳамда реферат текстида ҳам уларга ишора қилинмайди.

Ўқув-тадқиқот ишлари. Мустақил ишнинг бир кўриниши бўлган ўқув-тадқиқот ишларининг биринчи босқичи кузатиш ёки эксперимент тарзида (адабиётларни аналитик обзор қилиш асосида) вазифаларини таърифлашдан иборат бўлади. Шундан кейинги қилинадиган иш экспериментал методикани қидириб тошишдан, кузатиш планини тузиб чиқишидан, кузатиш ёки экспериментлар ўtkазишидан, олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат булиши мумкин.

Бу ерда соф ўқув самараисига эришишдан (муайян психологик экспериментал методикаларни, кузатиш малакаларини, материални қайта ишлашнинг оддий (усулларини ўрганиб олинишидан) ташқари, бундай ишларни бажариш яна илмий мақсадларни ҳам, яъни психологик фактларни ҳосил қилиш, уларни текшириш ва қайта текшириш мақсадини, шунингдек, у ёки бу методиканинг афзалликлари ва камчилкларини аниқлаш мақсадини ҳам назарда тутади. Психология бўйича экспериментлар ўtkазишида амалий мақсадлар рўёбга чиқарилса (масалан, айрим ўқувчиларнинг ўзлаштираслиги ёки улар ахлоқидаги салбий жиҳатларга таъсир қилган психологик сабабларни ўрганиш ва шунга ўxаш ишларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилса) яна ҳам яхши.

Үқув, илмий ва амалий мақсадларнинг бир-бирига қўшиб олиб борилиши бўлғуси ўқитувчининг шахсида тадқиқотчилик фазилатларини тарбиялашга яна ҳам кўпроқ ёрдам беради.

Тажриба тариқасида ўқув-тадқиқот ишларининг қўйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1. Кузатишлар ўтказиш (яъни мактаб ўқувчисини кузатиш, норасмий ҳолдаги мактаб ўқувчиларидан ташкил топган микро-группани ва синф коллективини кузатиш ўқитувчини кузатиш ва ҳоказо).

2. Муайян экспериментал методикани эгаллаб олиш.

3. Мазкур ўқув группасида (ёки мазкур синфда) муайян психик ҳолатлар юзасидан ўқувчилардаги индивидуал-психологик фарқлар ҳамда ўртача кўрсаткичларни ўрганиш.

4. Турли ўзига хос психик хусусиятларнинг ифодаланиши ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш.

Санаб ўтилган иш турлари амалга оширилганда, шунингдек, ўқувчилар эксперимент малакаларини эгаллаш босқичларидан ҳам ўтадилар.

Ишнинг биринчи тури психологик кузатиш олиб бориш малақасини ҳосил қиласди. Уни бажараётгандан кузатиш планини тузиб чиқиш, обьектларни танлаш, мақсадни белгилаб олиш, алоҳида эътибор берилиши зарур бўлган белгиларни аниқлаб қўйиш лозим; кузатишини вақт бўйича тақсимлаб чиқиш лозим ва ҳоказо. Янги фикрларнинг олға сурилиши, эксперимент тарзида текшириб чиқиш талаб қилинадиган янги-янги масалаларни ўртага қўйиш ушбу иш турининг илмий мақсади булиши мумкин. Айрим ўқувчиларни, ўқувчилар группаси ёки ўқитувчиларни таърифлаб берадиган маълумотлар тўплаш бу ишнинг амалий мақсади булиши мумкин.

Ишнинг иккинчи тури муайян методикани эгаллаб олиш билан боғлиқ булиб, турли шароитларда сипов ўтказиладиган турли кишиларга нисбатан кўп марта тадбиқ этишини талаб қиласди. Бундай ишнинг илмий мақсади у ёки бу методикани қулланиш чегараларини қидириб топиш ва унинг варианtlарини ишлаб чиқишдан иборатdir.

Ишнинг учинчи тури группа учун ўртача аҳамиятга эга бўлган (ёки анча характерли) жиҳатларни статистик аниқлашнинг элементар методларини эгаллаб олишни назарда тутади.

Ишнинг тўртинчи тури проблеманинг ўрганилаётган ўзига хос айрим томонлари ўртасидаги статистик алоқаларни аниқлаш методларини эгаллаб олишга ёрдам беради. Бу ўринда турли ёшдаги ва ҳар хил ихтисосдаги синалаётган кишиларнинг психик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари тўғрисида, психик ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳақида янги ахборотлар олиш, маълумларини қайта текшириш ва шу сингари ишлар илмий мақсад булиб хизмат қилиши; ишнинг амалий мақсади — турли курсдаги студентлар ва ҳар хил синфдаги мактаб ўқувчилари тўғрисида факультет ёки мактаб учун зарур бўлган маълумотлар олишдан иборат булиши мумкин.

Эксперимент тарзида қараб чиқилган иш турларини (институтта ёки база мактабида) амалий машғулотлар үтказиш вақтида, педагогик практика даврида, маҳсус курс ва маҳсус семинарлар вақтида үтказилиши мумкин ва ҳоказо. Улар психология бўйича курс иши ва диплом ишларининг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўтказилган экспериментал тадқиқот юзасидан ёзма ҳисоботлар тайёрланадиганда қўйидаги бир қатор умумий талабларга риоя қилиш зарур:

а) ишда үтказилган экспериментларнинг протоколлари бўлиши (конвертга солиб, ишга қўшиб қўйилиши) керак;

б) эксперимент методикасини етарли даражада муфассал ва тўлиқ ҳолда баён этиш ва синалаётган кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг сонини, шунингдек, тажриба үтказиш шартларини кўрсатиб ўтиш лозим;

в) барча хуносалар конкрет маълумотлар (жадваллар, графиклар) га мурожаат қилинган ҳолда асослаб берилиши керак;

г) ишнинг якуний қисмида баъзи хуносаларнинг тўғри эканини шубҳа остида қолдирадиган айрим фактларни таҳлил қилиб чиқиш, олинган маълумотларни аниқлаш, текшириш, кенгайтириш ва улардан фойдаланиш эҳтимоли баён этилган йўллар тўғрисида ҳар ким ўз шахсий хуносаларини баён этиб бериши керак.

Ёзма ҳисббот ва рефератда титул вараги, бетлар кўрсатилган мундарижа ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлиши керак (текстда цитата келтирилган, ҳавола этилган адабиётлар гина кўрсатилади). Тажриба билан боғлиқ бўлган рефератларга ҳам (экспериментларнинг протоколлари, баъзи бир жадваллар, синалаётганларга бериладиган топшириқ ва бошқалар) илова қилинади.

Шуни эсда тутиш керакки, машинкада кўчирилган текст қўл ёзма ҳолидаги текстга қараганда яхшироқ идрок этилади. Шунинг учун ҳисббот ва рефератлар албатта ёзув машинкасида кўчирилган бўлиши керак.

Реферат ва ўқув-тадқиқот иши асосида оғзаки нутқ тайёрлаш (яъни амалий машғулотларда, семинарларда, илмий тўғарак машғулотларида, мактабларда — ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқалар олдида сўзга чиқиш) мумкин. Нутқнинг мазмуни ва шаклини аудиториядаги кишиларнинг составига қараб ўзгартириш ҳам мумкин. Чунончи, студентлар ҳузурида ўз шахсий тадқиқотларингиз юзасидан сўзга чиқар экансиз, бунда эксперимент методикасининг муфассал баён этилиши, эксперимент «хомаки» протоколларининг ёзилиши ва намойиш этилиши, олинган маълумотларни таҳлил қилишга бўлган барча уринишларни (шу жумладан, ижобий натижага бермаган тажрибаларни ҳам қўшиб) муфассал баён қилиниши, олинган маълумотлар ва чиқарилган хуносаларнинг тўғрилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг қараб чиқилиши, бундан буёнги тадқиқотларни давом эттириши йўлларини белгилаб олиш сингари моментларга алоҳида эътибор бериш керак.

Үқитувчилар ёки ота-оналар ҳузурида сүзга чиқилаётган вақт да юқорида санаб үтилган технологик жиҳатдан «нозик» масалаларга муфассал тұхталиб үтириш шарт әмас, бунда күпроқ амалий хулосалар хусусида гапирған маңқул. Нихоят, мактаб үқитувчилари ҳузурида сүзга чиқилаётган вақтда күпроқ материални қизықарлы тарзда баён этиб беришга ҳаракат қилиш керак. Ассоций мазмунга келгандың эса эътиборни ушбу материалдан үзүзини тарбиялаш мақсадида фойдаланиш мүмкінлігінің қараташ лозим.

Реферат маълумотларининг оғзаки тарзда баён этилиши студентлар учун күп жиҳатдан фойдалидир: у талабаларнинг үзлери шахсан бажараётган ишларнинг натижасини чуқурроқ англағанда етишларига күмаклашади, педагогик жиҳатдан ғоят мұхим бүлгандың оғзаки нутқ масалалари ҳосил қилишга ёрдам беради, баён этиши формаси устида күп ишлеш зарурлигини күрсатади.

Психологик масалаларни ечиш. Студентларда турли психологик фактларни анализ қилиш күнінмасини шакллантиришда ҳам тұғри, педагогик жиҳатдан асосланған амалий ишларни бажаришда ёш психологияси ва педагогик психология курси юзасидан психологик масалаларнинг ечилиши катта роль үйнайды<sup>1</sup>. Психологик масалалар шарт-шароитларни ҳамда үқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини албатта ҳисобға олиш керак-лигини талаб қылады. Студентларға ҳал қилиш учун тақдим этилаётган ҳар бир масаланиң мүқаддимасыда ҳозирги замон психологиясыда қарор топған назарий қоидалар баён этилади. Шундан кейин мактаб ҳәйти ва практикасидан олинған айрим эпизодлар тавсифи ёки таълим-тарбия масалалари юзасидан вақтли матбуотда билдирилған фикр-мулоҳазалар келтирілади. Тавсиф охирда учта савол берилади. Бириңчи ва иккінчи саволлар студентлар у ёки бу назарий қоидаларнинг мөһияттінің қай дара жада тушунишларини аниқлаб олиш билан, психологиядан үқилған лекцияларда ёритилған қоидаларни қанчалик үзлаштирганлигі билан, шунингдек, конкрет факт ва вазиятларни ҳозирги замон ёш психологияси ва педагогик психология позициясидан туриб анализ қила олиш күнінмасини қанчалик әгаллаб олғанлығы билан боғлиқдир. Учинчі савол эса студентларда педагогик тафаккур қай даражада ривожланғанлиғи, үсіб келаётган ёш авлодни таълим-тарбия жараёнларини оптималлаштырыш масалалари бүйіча совет психологиясынинг у ёки бу қоидаларнинг тұғрилигини испеб қила олиш маҳорати билан боғлиқдир.

Студентлар томонидан психологик масалаларнинг мустақил равишида ечилиши уларни психология курсидан олған назарий би лимларини амалда құллана олишга үргатишини мақсад қилиб құйяды. Психология үқитиши тажрибаси шуны күрсатады, психо-

<sup>1</sup> Қаранг: Штербаков А. И. Психологические задачи: Задания для самостоятельной работы студентов по курсу возрастной и педагогической психологии.— Л., 1980.

логия масалаларини ечиш ушбу предметга фан сифатида студентлар қизиқишини оширади, олинган назарий билимларини мустаҳкамлайди, шунингдек, бўлғуси ўқитувчилар — студентларда ижодий қобилиятларнинг пайдо булиши ва ривожланишига, педагогик жиҳатдан тўғри фикрлаш қобилиятини шакллантиришга ҳамда ўқувчи шахсига тўғри, ахлоқий жиҳатдан асосланган тарзда таъсир кўрсатишни амалга ошириш маҳоратини эгаллашга ёрдам беради.

Курсадаги тадқиқот ишлари. Ўқитувчининг професионал тайёргарлик системасида психологиядан курс ишлари ёзиш муҳим ўрин тутади. Практикумда ва методик ишланмаларда ёш психологияси ва педагогик психология курсидан бажариладиган бундай ишларнинг намуна тарздаги темалари келтирилган. Бу студентларнинг мустақил тадқиқот ишларири, шунинг учун ҳам бу ўринда биз ҳар бир темага доир план бермаймиз ва ҳар гал адабиётлар рўйхатини кўрсатиб ўтирумаймиз. Бу ишни студентларнинг ўзлари бажаришлари лозим.

Студентлар курс ишини 5—6-семестрларда, мактабда методик практика ўtkазаётганларida бажарадилар. Темани танлаб олгач, курс ишининг назарий қисмини етарлича пухта ишлаб чиқиш имкониятига эга бўладилар, практика вақтида эса ўқувчилар билан тажриба ишларини ўтказадилар (кузатадилар, эксперимент қилидилар, анкета тарқатадилар, сұхбат ўтказадилар ва ҳоказо), яъни бу даврда етарлича фактик материал олиш имкониятига эга бўладилар.

Курс ишини бажариш жараёнида студентлар психологияяга доир илмий адабиётлар билан ишлаш малакасини такомиллаштирадилар ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти билан боғлиқ дастлабки кўнинка ва малакалар ҳосил қиласидилар.

Студентларнинг курс ишлари ўқув-тадқиқот топшириқларига қараганда анча жиддийроқ ҳисобланади. Курс иши билан боғлиқ тадқиқотларни бажариш ўқитувчи билан студентнинг бутун се-местр, ҳатто бутун ўқув йили мобайнинда бошқа вақтлардагидан кўра анча мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боришларини тақозо этади.

Реферат ва тажриба тарздаги ўқув-тадқиқот ишларини бажариш баён этилган вақтда тадқиқот ишларига қўйиладиган талаблар юқорида қараб чиқилган эди, қўйида курс ишлари учун характеристерли бўлган, фақат ҳаракатларнинг давомийлиги хусусида тұхталиб ўтамиз.

Курс ишининг темасига қараб тадқиқотлар назарий ҳамда экспериментал булиши мумкин. Назарий тадқиқот курс ишларида илмий мақолаларни ўрганишини (агар иложи бўлса), ўша мақолани таңқидий кўз билан қараб чиқиш назарда тутилади. Эксперимент курс ишларида назарий тадқиқотларга қўшимча тарзда тажрибалар ўтказилади ва натижалари умумлаштирилади. Айтиб ўтилган тадқиқотларнинг ҳар бир вариантида уларнинг ўз тартиби, ўз изчиллиги мавжуддир. Назарий вариант учун қўйидаги иш босқичлари характеристидир: 1) тема танлаш; 2) адабиётлар тан-

лаш ва уларни ўрганиш; 3) план тузиш ва тезислар ёзиш; 4) мазмунни баён этиш (тезислар мазмунини фактли материалларни келтириб, фикр-мулоҳазаларни исботлаш орқали ёритиб бериш); 5) хуросаларни таърифлаш.

Экспериментал варианнда босқичлилик қўйидаги тартибда бўлади: 1) тема танлаш; 2) уни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш (адабиётлар танлаш, уларни ўрганиш, тдқиқот проблемасини ажратиб кўрсатиши); 3) вазифаларни таърифлаш ва уни бажариш методикасини ишлаб чиқиш; 4) ўқувчилар билан тажриба ишлари олиб бориш; 5) ҳосил қилинган материални идрок этиш, уни анализ қилиш ҳамда назарий қоидаларни ҳисобга олиб баён этиш; 6) хуросаларни таърифлаш.

**Тема танлаш.** Мазкур қўлланмада курсда олиб бориладиган тадқиқотларнинг танланиши мумкин бўлган темалар келтирилган. Лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, курс тадқиқотлари темасини одатда лекция курсини ёки амалий машғулотларни ўtkазадиган ўқитувчи таклиф қилади. Табдиики, у ўз илмий манфаатларига яқин бўлган ҳамда студентлар шуғулланётган факультет профилiga мувофиқ келадиган темаларни таклиф қилади. Масалан, жисмоний тарбия, бадиий-графика факультетларида ишлайдиган психология ўқитувчиси курсда тадқиқот ишлари олиб бориш учун студентларнинг ўз предметлари фаолиятига яқин бўлган темаларни таклиф этса, тўғри иш қилган бўлади: старт олди ёки кураш мусобақаси олдидаги ҳаяжонли ҳолат психологияси тўғрисида, ранг ёки формани идрок этиш психологиясига доир тема берниш мумкин ва ҳоказо. Бошқа факультетларда ҳам худди шунга ўхшаш вазият вужудга келиши мумкин. Бундай вақтларда баъзан студентнинг ўзи ҳам ташаббус кўрсатиши эҳтимолдан ҳоли эмас: психология курси юзасидан олиб борилаётган ишлар давомида студентда у ёки бу проблемага катта қизиқиш пайдо бўлиши мумкин. Студент мазкур проблемани чуқурроқ ўрганиш ва шу соҳадаги ўз билимини кенгайтириш истагини билдириши мумкин. Бундай вақтларда студент ташаббусини бўғмаслик керак. Аксинча, темани шакллантиришда унга ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир.

**Темани назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши.** Темани аниқлаш вақтида ўқитувчи озгина адабиёт тавсия этади. Бунда у студентларнинг катталар қаторида библиографик тўпламлар билан мустақил равишда ишлай олиш истагидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан студентларга «Педагогика» нашриёти чоп этган «Литература по педагогическим наукам и народному образованию» деб номланган библиографик тўпламни тавсия этиш жуда фойдалидир. Ундан студентлар ўзлари танлаган темага алоқадор бўлган илмий мақолалар, монографиялар, илмий-оммабоп адабиётлар, шунингдек, мазмунан улар темасига яқин бўлган адабиётларни топишлари мумкин. Студентлар танланган адабиётни ўз ўқитувчиларига кўрсатиб, у билан келишиб оладилар.

Турли авторларнинг бир нечта мақоласини ўқиб чиқиш вақтида студент улар орасидан ўзига тегишли бўлган мақолаларни

ажратиб олиши ва уларда баён этилган фикр-мулоҳазаларни, авторларнинг нуқтаи назарларини таққослаб кўриши, айrim қоидаларни таърифлашда ҳамда уларни исбот қилиб беришдаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларни қидириб топиши зарур. Агар студент эксперимент характеристидаги илмий мақола устида иш олиб бораётган бўлса, унинг диққатини қўйилган вазифани шакллантиришга ҳамда тадқиқотчи томонидан фойдаланилган методикага қаратилиши лозим. Ўша мақолани ўқиш давомида студентда умуман курс иши тўғрисида тўла тасаввур ҳосил бўлиши керак; бундан ташқари у конкрет вазифаларнинг қандай тарзда қўйилганлигига ҳам эътибор бериши керак. Бу ишлар осон бўлмайди, албатта. Ўқитувчининг студентга ёрдами бундай ҳолларда жуда зарур.

**Тадқиқот вазифасини шакллантириш ва унинг методикасини танлаш.** Тадқиқотчининг умумий вазифаси студентга тушунарли, аниқ-равшан таърифлаб берилиши керак. Уни хусусий вазифаларни ажратиб кўрсатиш йўли билан яна ҳам деталлаштирилиши мумкин. Агар шу иш бажарилган бўлса, у ҳолда студентга хусусий ва умумий вазифалар орасидаги алоқалар аён бўлиб қолиши лозим. Масалан, курс ишининг темаси — «ўқувчилар ўртасидаги келишмовчиликларнинг психологик характеристикаси» деб аталган бўлсин. Бунда умумий вазифа: ўқувчилар ўртасидаги конфликтли вазиятларнинг психологик илдизларини аниқлашдан ва уларга психологик характеристика беришдан иборат бўлади. Хусусий вазифалар эса: а) конфликтлар манбай ва турларини ажратиб кўрсатиш; б) конфликтли вазиятларнинг вужудга келиши ва давом этишида ўқувчиларнинг шахсига хос бўлган хусусиятлар ролини белгилаш; в) конфликтларни хал қилиш усусларини ўқувчиларнинг ўзлари белгилашдан иборат бўлиши мумкин.

Чунончи, мактаб шароитида ўрганиш методикасини танлаш студентлар учун хийла қийинчлилк туғдиради. Бу нарса шу билан боғлиқки, студентларда ҳали бу хилдаги конкрет мисолларни ишлаб чиқиши соҳасида ҳам, уларни амалда қўлланиши соҳасида ҳам элементар тажриба йўқdir. Шунинг учун бу ерда уларга раҳбарнинг ёрдами керак бўлади. Табиийки, бундай ёрдам бўлмаса, студентлар мураккаб методикани ўзларича уddyалай олмайдилар, бундай методикани ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиш учун уларнинг вақти етишмайди. Шунинг учун раҳбар уларга мураккаб бўлмаган табиий эксперимент ўтказишни, анкеталар тарқатишни, иншо олишни, социометрия тадбирлари ва суҳбатлар ўтказишни, ўқувчиларни кузатишни тавсия этмоғи керак.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, студентлар ўқувчиларни кузатиш ва улар билан суҳбатлар ўтказишдаи кўра уларга анкета тарқатиш, улардан иншо олиш, ўқувчилар билан социометрия тадбирини ўтказиш методикасидан муваффақиятлироқ фойдалана олар эканлар. Ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш олдиндан белгилаб қўйилган планга риоя қилиш, танланган тема мазмунидан четга чиқиб кетиши мумкин эмаслиги туфайли қийиндир. Студентлар шу боис ҳар доим ҳам бундай ишнинг уддасидан чиқавермай-

дилар. Бундан ташқари, студентларда ҳали үқувчилар билан жонли мулокотга киришиш малакаси, улар билан очиқ-ойдин сұхбат қуриш маҳорати етишмайды. Студентлар ҳар доим ҳам аниқ мақсадға қаратылған ва олдиндан планлаштириб қўйилған кузатиш ишларини уddyалайвермайдилар. Конкрет методикани (анкеталарни, иншо темларни, социометрия учун мезонларни) ишлаб чиқиши вақтида студентларнинг ташаббусларига кенг йўл очиб бериш мақсадға мувофиқдир, яъни методиканинг биринчи вариантини ишлаб чиқишида уларнинг ўзларига имконият яратиб бериш, кейин эса улар билан ҳамкорликда иш олиб борилаётган вақтда йўл-шулакай тузатишлар киритиб бориш лозим.

**Ўқувчилар билан тажриба ишлари ўтказиш.** Тажриба ишларни методик практика ўтказиши вақтида амалга оширилади. Студент энг аввало ўзи ўқитувчи ва тарбиячи сифатида бириктириб қўйилған синфдаги имкониятлардан фойдаланади. Одатда, бу қуий ёки ўрта синфлардир. Тема бўйича тажриба ишларини икки-уч үқувчидаги синов тарзида бошлаб кўриш лозим. Бу биринчидан, тажриба материали ўз мазмуни ва шакли жиҳатдан қай даражада муваффақиятли тузиб чиқилғанлигини аниқлаш имконини беради, иккинчидан, тажриба ишининг боришини «ўйин тариқасида» бажариб кўриш имконини беради; учинчидан, икки-уч мисолда олинадиган натижаларни кўриш имконияти туғилади. Шундай синов ўтказилгач, студент ё методиканинг мазмунига ёки ишни ўтказиш тартибиға тегишли ўзgartышлар киритади ва шундан кейингина кўпчилик ўқувчиларни топшириқи бажаришга жалб қиласди. Мактаб ўқувчилари билан тажриба ишларини практиканга ўрганиб қолганларидан, студент ўз ўқувчиларини яхши билиб олганидан кейингина бошлаш мақсадға мувофиқдир.

Танданган тема ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ўрганишни тақозо этиши мумкин. Бундай ҳолларда студентлар ўзлари билан бирга қуий (юқори) синфларда практика ўтказаётган ўртоқлари билан алоқа ўрнатишлари ҳамда уларнинг биридан мазкур экспериментни (савол-жавобни, анкета тарқатишни, иншо олиш ва ҳоказоларни) ўтказиб беришни илтимос қилиши мақсадға мувофиқдир.

**Олинган материални анализ қилиш, уни идрок этиш ва баён қилиш.** Методик практика тугаганидан кейин студентлар ихтиёрида темани назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши ҳамда ўқувчилар билан ўтказилған тажрибалар материали қолади. Энди мана шу материалларнинг ҳаммасини қўшиб бир бутун ҳолда расмийлаштириши ишини бажариш керак бўлади.

Раҳбар тажриба ишининг материаллари билан танишиб чиқади ва студентлар билан биргаликда анализ параметрларини белгилаб олади. Бир неча мисоллар келтириб анализни қандай ўтказиш кераклигини кўргазмали тарзда намойиш қилиб кўрсатади. Бунда у студентларга улар олиб борган тажриба ишлари давомида ҳал қилинган умумий ва хусусий масалаларни доимий равишда ёдда тутиш кераклиги тўғрисида эслатиб туради. Студент

дентлар мустақил рационале анализни давом эттирадилар ва якунлайтилар. Анализ тугагач, назарий ва тажриба материаллари умумлаштирилган тезислар тузиб чиқиши фойдалы, туғрироғи шундай тезислар тузиб чиқиши шарт. Тезислар ёзиш осон эмас. Бунинг учун назарий материалларни пухта әгаллаб олиш ҳамда тажриба ишларни түғрисида аниқ маълумотлар тадаб қилинади. Буларнинг барчасини ихчамлаштириб, аниқ таърифлаб бериш лозим. Тезислар бутун ишни бир қараашдаёқ қамраб олишга ёрдам беради. У шунинг учун ҳам фойдалидир.

Тезислар шакллантириб булингач, уларни ёритиш, яъни мазмунини муфассал баён этиб бериш лозим. Бунинг учун исбот қилинган, мантиқий фикрлар, фактлардан фойдаланиш, илмий мақола материалини ишга солиш сингари форма ва усулларидан фойдаланиш зарур.

**Хуласаларни шакллантириш.** Бу курс ишининг якунловчи қисмидир. Унда автор ўз ишида баён этилган ва исбот қилинган асосий қоидаларни санаб ўтади. Хуласалар қисқа ва мазмунли бўлмоғи керак.

*Курс ишининг назарий варианти, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, экспериментал вариантидан фарқ қиласди. Студент назарий иш темасици ташлаб олар экан, у тажриба иши ўтказиш зарур эканлиги түғрисида ўйламайди. Шунинг учун мазмунга қизиқиш, турли авторларнинг фикрларини билиб олишга ҳаракат қилиш, ўз билим доирасини кенгайтириш, ёхуд зарур адабиётларнинг мавжуд эканлиги (мавжуд эмаслиги) ишнинг кўп ҳажмли эканлиги ва шу сингари мотивлар биринчи планга чиқиб қолади. Назарий вариантда тадқиқот вазифалари ҳам бошқачароқ тарзда қўйилади. Улар адабиётларни ўрганиб чиқишидан олдин умумий планда таърифлаб берилади. Шундан кейингина: босилган мақолалар ўрганиб чиқилади, турли нуқтаи назарлар анализ қилиниб, бир-бирига таққосланади, авторнинг ўз шахсий позицияси шакллантирилади, яъни у мазкур масалани ўзи қандай тушуниши таърифлаб берилади ва шуларнинг ҳаммаси ёзма рационале баён этилади.*

Назарий вариантдаги хуласалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бу хусусиятлар анализ қилинаётган ишга баҳо бериш (уни ижобий ёки салбий баҳолаш), қиёсий характеристика бериш (бир ишда фикрлар түғри, исботланган, яхши ифодаланган шаклда берилган бўлса, иккичи ишда нотўғри, далил, исботларсиз, ёмон ёритилган) шаклда ёхуд констатация кўринишида (яъни мазкур ишларда нима янгилик аниқланганлигини таъкидлаш шаклида) тақдим этилиши мумкин.

**Педагогик практикада психологияядан бериладиган ўқув-тадқиқот топшириқлари.** Студентлар мактабда педагогик практика ўтказиш даврида бажарадиган ўқув-тадқиқот топшириқлари, уларнинг психология бўйича олиб борадиган мустақил ишларининг энг муҳим формаларидан биридир. Кундузги ва сиртқи бўлим студентлари методик ва стажёрлик практикаси ўтказаётган вақтда улар оладиган топшириқлар иккичи хил кўринишида: ҳамма учун

умумий бұлған топшириқлар ҳамда индивидуал топшириқлар шаклида бўлиши мүмкін. Умумий топшириқларни бажарадиган студентларга ёрдам учун практикумда синф колективини ўқувчи шахсини ўрганиш ҳамда психологияк мавзуларда (уқувчилар учун, уларнинг ота-оналари ёки ўқитувчилар учун) доклад ёки лекциялар тайёрлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тажриба ёки эксперимент ишлари ўтказиш сингари тадбирлар студентларга индивидуал топшириқ тарзида берилиши мүмкін. Бундай ишларнинг вариантлари юқорида «Студентларнинг ўқувтадиқот ишлари» деган бўлимда келтирилган.

Сўнгги вақтларда бўлғуси ўқитувчининг психологик-педагогик жиҳатдан тайёргарлик самарасини оширишда қўйи курсларда ўтказиладиган педагогик практика тобора катта роль ўйнамоқда. Бу ерда студентлар психологияга доир қўлларидан келган кичик топшириқларни бажарадилар. «Ўқитувчининг болалар билимини баҳолаш фаолияти устидан кузатиш олиб бориш» деган топшириқни улар бажариши мүмкін бўлған топшириқ вариантларидан бирни сифатида келтириш мүмкін. Бундан мақсад ўқитувчи дарс вақтида ўқувчилар билимини баҳолашнинг қўлланадиган ҳар хил усуллари билан танишиб чиқишида студентларга ёрдам бериш, бу усулларни анализ қилиш ҳамда ижобий педагогик тажриба тұррисида тегишли умумлашмалар чиқаришдан иборатdir.

Маълумки, ишига моҳир ўқитувчи ўқувчиларнинг хулқ-автори ва ўқув фаолиятига баҳо беришда хилма-хил усуллардан фойдаланади. Одатдаги журналга ёки кундаликка баҳо қўйиш, ўқитувчининг кундалик дафтариға турли фикрларни ёзиб бериш сингари анъянавий фикрлардан ташқари у яна оғзаки нутқнинг бой имкониятларига ҳам мурожаат қиласди. Ўқитувчи айтилаётган фикрнинг мазмунини турли шаклда ифодалаб («Ёмон эмас», «Бугун сен яхши жавоб бердинг», «Агар яна озгина ҳаракат қилсанг, сен бундан ҳам яхшироқ бажаришинг мүмкін», «Мен ишонамайки, сен ҳозиргидан кура анча яхшироқ ишлашишинг, вазифани бундан ҳам яхшироқ бажаришинг мүмкін» дейиши ва шу сингари рағбат-лантирувчи сўзларни айтиши мүмкін), ўқитувчи ўз овозининг интонацияси, кучини ва тембрини ўзгартыриб болага таъсир кўрсатиши (битта сўзнинг ўзи ёки бир хил маънодаги сўзлар, агар уларни турли интонация билан айтилса, тамомила қарама-қарши маънода эшитилиши мүмкін), ўқитувчи шундай усулларни қулланиб ўзи учун зарур бўлған психологик таъсир кўрсатишга ҳамда педагогик самараға эришади.

Бундай топшириқни бажарайтган студентлар диққатини тегишли йўналишга солиб юбориш учун уларга кузатиш схемаси таклиф қилинади. Бу схема протокол шаклида бўлиб, унда ўқитувчининг баҳолаш фаолиятига оид турли аспектлар кўрсатилган бўлади: унинг нутқи (мазмуни ва интонацияси), имо-ишоралари, қўл ҳаракатлари, бутун гавдасини ишга солиб бажарадиган жисмоний ҳаракатлари — ана шундай аспектлар жумласидандир. Ўқитувчи нималар қилаётганини ёзиб борар экан, студент тегишли

графаларга юқорида айтиб үтилган аспектларни белгилаб құяды, педагогнинг баҳолаш фаолиятига тааллуқли гапларни ёзіб боради. Кейинчалик унга мураккаб бўлмаган ҳисоб-китоблар қилиш ва таққослаш йўли билан студент мазкур үқитувчи фаолиятида қайси аспектлар кўпроқ, қайсилари камроқ эканини анализ қиласди; мазкур үқитувчи қўйған баҳолар ичидаги ижобийлари кўпроқми ёки салбий баҳолар кўпроқми, деган саволга ҳам жавоб беради; ниҳоят, үқитувчи томонидан қўлланилган баҳолаш усусларининг қайси бири кўпроқ самара берганлиги кўрсатиб үтилади.

Студентлар бажарадиган мустақил ишларнинг юқорида биз қараб чиққан формалари ақлий меҳнатни аниқ-пухта ташкил этилишини ҳамда студентларнинг юксак даражадаги интеллектуал активлигини талаб қиласди. Студентлар шу нарсани доимо ёдда тутишлари мухимки, китоб билан ишлаш малакасини ва реферат ёки доклад устида ишлаш маҳоратини эгаллаш, экспериментал тадқиқотлар үтказиш ҳамда психологияга доир курс ишлари ёзиш студентларда ижодкорликка бўлган интилишни ривожлантиришда, уларда илмий-психологик кузатишлар ҳамда педагогик ҳодисаларни тадқиқ этиш малака ва маҳоратларини шакллантиришда, педагогик маҳоратни тўхтовсиз такомиллаштириб бориш ва мустақил равишда ўз билимини ошириб боришига тайёр бўлиб туриш одатини шакллантиришда фавқулодда мухим роль ўйнайди.

Студентларнинг мустақил ишларини контрол қилиш ва ўз-ўзини контрол қилиш. Психологияга доир мустақил ишлар турили дарражадаги изчилиқда бажарилиши мумкин. Масалан, студент дастлаб бирорта адабий манбани диққат билан үрганиб чиқади ва унга танқидий тақриз ёзди. Бу уринда у илмий адабиётларни ўқишини үрганади. Шундан кейин тақриз қилинаётган ишда баён этилган фактларни экспериментал тарзда текшириб чиқади. Бунда у ўша илмий ишнинг практикада қўлланиш методикасини эгаллайди ҳамда унинг қўлланиш чегараларини белгилайди, шунингдек мазкур иш натижаларига таъсир кўрсатадиган қўшимча омилларни ҳам аниқлаб чиқади.

Экспериментал ишни бажариш студентга рецензия — тақриз қилинаётган ишни тўғри тушуниш ҳамда унинг мазмунини тўғри баҳолаш имконини беради. Ёзма ҳисобот үтказилган экспериментлар натижасини саводли тарзда баён этишига ўргатади.

Студентни мазкур темага доир бажарилган бошқа ишлар билан таништириш ва унга аналитик адабий обзор ёздириш — бу ишнинг навбатдаги босқичи бўлиши мумкин. Бунда каталоглар билан ишлаш, адабий маълумотлар бўйича проблеманинг ҳолатини мантиқий анализ қилиш масаласига эга бўлинади, фикр-мулоҳазаларни тартибиш ҳамда уларни аниқ-равшан баён этиш маҳорати эгаллаб борилади.

Эксперимент үтказилганидан кейин ва студент аналитик адабий обзор ёзіб бўлгач, унинг амалий машгулотларда, тўгарак

йиғилишида ва бошқа жойларда сұзға чиқиб ахборот бериши мақсадға мувофиқдір.

Шундан кейин янги экспериментал босқыч бошланади. Бу босқыч аналитик обзор давомида пайдо бұладиган турли мақсадларға эришиш учун хизмат қилиши мүмкін: адабиётта мавжуд бұлған фактни текшириб күриш, проблеманинг мантиқий структурасыда етишмай турған звенони тұлдириш учун зарур бұлған янги фактни олиш ва бошқалар шундай ишлар жумласидандыр. Бу босқычда студент әмпирік гипотезаны шакллантириш ва уни экспериментал тарзда текширишни үрганади.

Реферат устида бундан кейин олиб бориладиган ишлар қандайдыр бирор масала бүйіча баҳс-мунозараны танқидий анализ қилиш заруратини көлтириб чиқариши мүмкін. Ишнинг бу босқычыда студент анализ қилинаётган материалга диалектик нұқтадан назардан ёндошишни үрганади, яғни у ҳодисаларнинг моҳиятiga тушунишга, мавжуд фактларни түрі изохлаб беришга, уларнинг ички механизмини очиб күрсатишга үрганиб боради.

Күрсатиб үтилған босқычларнинг ҳар бирида студенттің ба жараёттан иши дифференциал баллар асосида баҳоланиши мүмкін. Масалан, қылинған ишнинг сифат күрсаткичи — бир балл булиши мүмкін, лекин иш яхлит олиб қараладиган бұлса, у күп қирралидір, унда студент фаолияттіннег күпгина томонлари мұжассамлашған бұлади. Шунинг учун үқитувчи ишни яхлит баҳолаёттанды қойыдаги күрсаткичлар: тема мазмунини тұла очиб берилиши, фикр мұлоғазаларнинг оригиналлығы (оригиналлік назарий билем ва тажриба материаллари асосида белгиланади), фактли материалнинг янги эканлиғи, анализнинг чуқурлығы, назарий ва фактік материалларнинг узвій бир-бири билан құшилиб кетиши, ишни бажарыш вақтіда студенттің мустақиллігі ҳамда у бажараёттан ишнинг амалий ақамияти ҳисобға олинмоги кепік.

Курс ишига берилған умумий бақо студенттің зачёт дафтар-часига құйилади, лекин иш автори бу тұғрида үртоқларининг фикрини, бошқачароқ қилиб айтганды, жамоат фикрини билиши мақсадға мувофиқдір. Құпчилик педагогика олий үқув юртларыда тадқиқот ишларига конкурслар үтказиш яхши анъана булиб қолди: бундай конкурслар дастлаб кафедраннег үзіда, кейинчалық олий үқув юрті бүйіча үтказилади. Құпинча бундай ишларнинг натижасы студенттің Республика ва бутунниттифоқ конкурсларыда қатнашишға йўл очиб беради. Студентларни маънавий рағбатлантириш ва қизиқтиришнинг бошқа, яна бир фойдалы во-ситаси конференция ҳисобланади. Студент ғылымнан курсда олардың үқитувчилари иштирокида үзі бажарған тадқиқот ишлары тұла баён қылинған текстни ёхуд үша ишнинг қисқартылған вариантини үқиб беради. Шу ҳам әхтимолдан ҳоли эмаски, психологияяда доир курс ишини мұваффақиятты топширган студентлар психология соҳасидаги тадқиқот ишларини давом эттириш истагини билдиришлари мүмкін. Бундай қизиқишини ҳар томонлама рағбатлантириш керак. Психология соҳасида курсда олиб борил-

ган тадқиқот ишлари тажрибасидан фойдаланиб, студент яхшигина бити्रув дипломи ишини тайёрлаши ва ўзига ижодкор тадқиқотчи педагог номини олиши мүмкін.

Бирок, ўқытувчилар студентларнинг мустақил ишлари устидан контролни ҳар қанча амалга оширмасынлар, бары-бир етарлы бўлмайди. Студентлар ўз-ўзини контрол қилишга ўрганиб олишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Ишни энг сўнгги марта кўриб чиқиб уни расмийлаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак<sup>1</sup>. Биринчи уринища яхши иш ёзиш — бу мумкин бўлмайдиган ишdir. Ҳатто Л. Н. Толстойдек сўз усталари ҳам ўз асарларининг айrim жойларини, гоҳо эса бутун бобларини қайта-қайта кўчириб ёзганлар. Лев Николаевич бир сафар ўз купдалигига шундай деб ёзиб қўйган эди. «Тузатмасдан ёзаман деган гапни калладан бутунлай чиқариб юбориш керак. Уч, тўрт марта бошқатдан ёзиб чиқиш — бу ҳали камлик қиласи... Фикрлар қандай жойга тушаётганини ва тўғрилигини ўйлаб утирасдан, қоралама қилиб ёзавериш керак. Иккинчи марта кўчирилганда барча ортиқча сўзларни чиқариб ташлаб ва ҳар бир фикрни ўзининг ҳақиқий жойига қўйиб қайта кўчириш керак. Учинчи марта кўчирилганда фикрларнинг қай даражада тўғри ифода этилганлиги устида иш олиб бориш керак»<sup>2</sup>.

Ишнинг дастлабки варианти ёзиб бўлингач, уни «тиндириб қўйиш» яъни уни бир-икки ҳафта мобайнида ўқимай ташлаб қўйиш керак. Ишни қайта ўқиб чиқилаётган вактда қўйидаги ишларни бажариш лозим:

- 1) темага бевосита алоқаси бўлмаган материални чиқариб ташлаш;
- 2) такрор жойларни олиб ташлаш;
- 3) айтилмоқчи бўлган фикр тушунарли бўлишига хизмат қилмаётган сўз ва жумлаларни олиб ташлаш (масалан, «барча тақрор жойларни олиб ташлаш керак» деган жумладан «барча» деган сўзни бемалол олиб ташлаш мумкин);
- 4) тушуниш осон бўлиши учун узун-узун гапларни қисқароқ қилиб бўлиб юбориш;
- 5) равишдошли оборотларни ўзгартириб, улардан қутулишга харакат қилиш;
- 6) ҳар хил луғатларга мурожаат қилиб, терминлардан тўғри фойдаланилганлигини аниқлаб чикиш;
- 7) сўзларнинг тўғри ёзилганлиги ва тиниш белгилари тўғри қўйилганлигини аниқлаш;
- 8) кучирмалар ва бошқа асарлардан олнинг парчаларнинг тўғрилигини текшириб чикиш;
- 9) терминларни, қисқартма сўзларни, ўлчов бирликларини қўлланишда бир хилликка риоя қилиб, ёзиб чиқиш;

<sup>1</sup> Қаранг: Ашмарин Б. А., Хентов Р. Я. Методика самостоятельной работы.—  
Л., 1974.

<sup>2</sup> Толстой Л. Н. Полн. собр.— М., 1937, 46- том, 244- бет.

10) саҳифаларни, жадвалларни, расмларни тұғри номерланган-  
лигини текшириш;

11) ишни бошқатдан яна күчириб ёзиш, үқиб чиқиш ва үқиб  
келиш учун ұртогига тақдим этиш.

Студентларнинг үқув фаолияти мұваффақиятлы бўлиши учун  
улар бажарадиган мустақил ишларнинг вақт жиҳатдан тұғри  
планлаштирилиши: планларни бир йилга, бир семестрга, келгуси  
бир ҳафтага мүлжаллаб тузиб чиқилиши ҳамда үқув меҳнатини  
оз вақт сарфлаб, юксак самарадорликка эришадиган қилиб уюш-  
тира олиш маҳоратини әгаллаш катта аҳамиятга эгадир. Шу жи-  
ҳатдан факультетда белгилаб қўйилган мустақил ишлар графиги-  
нинг студентлар вақтида бажарып боришлари ва уларнинг ақлий  
меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилишларининг роли кат-  
тадир.

## ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

### 1- тема. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети ва вазифалари

#### Методик кўрсатмалар

Ёш психологияси ва педагогик psychology — ҳозирги замон psychology фанининг энг ривожланган соҳаси бўлиб, у одамнинг психик ҳәётининг табиати ва унинг қонуниятларини ёритиб берувчи умумий psychology билан маҳкам боғлиқдир.

Рус педагогика фанининг асосчиси К. Д. Ушинский бундан юз йил муқаддам ўзининг «Одам тарбия предмети сифатида» деган асарининг муқаддимасида шундай деб ёзган эди: «Психология, ўзининг педагогикага яқинлиги ҳамда педагог учун ниҳоятда зарур эканлиги жиҳатидан бошқа барча фанлар ичидан биринчи ўринни эгаллади»<sup>1</sup>. К. Д. Ушинский айниқса шундай бир фикрни алоҳида таъкидлаб бундай деган эди: «агар педагогика одамни ҳар жиҳатдан тарбиялашни истар экан, у энг аввало ўша тарбияланадиган одамни ҳар томонлама билмоғи керак»<sup>2</sup>.

Ёш психологияси ва педагогик psychology бир-бирига маҳкам боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар иккиси битта умумий обьектни — улфайиб бораётган кишининг психик фаолияти ҳамда унинг хулқатворини тадқиқ этади. Лекин шунга қарамасдан, булар psychology илмининг мустақил соҳалариdir. Уларнинг ҳар бири ўз предмети ва ўз тадқиқот вазифасига эгадир.

Студентлар мазкур тема бўйича семинар машғулотларида ва мустақил иш бажараётганларида улар psychology фани мана шу соҳаларининг ҳар бирига тааллуқли предмет ва тадқиқот вазифалари ўртасидаги фарқни аниқ билишлари керак.

Ёш психологияси одамнинг психик ривожланишиятларини онтогенезда (яъни организмнинг вужудга келгандан бошлаб то умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиши ўюлини) ўрганади. Ёш динамикаси, психик жараёнларнинг ривожланишидаги қонуниятлар ва етакчи омиллар ҳамда одам ҳаётий ўюлининг турли босқичларида унинг шахсга хос бўлган хусусиятлар ёш psychologyсининг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Семинар машғулотларида ҳозирги замон ёш psychologyсининг асосий ўналишларини ёритиб бериш ҳамда (одамнинг психик

<sup>1</sup> Ушинский К. Д. Человек как предмет воспитания // избр. пед. соч.— М., 1974, 1- том, 260- бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 237- бет.

ривожланишини даврларга бўлиб чиқиш қоидаларига мувофиқ равишда) ёш психологиясининг болалар психологияси, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар психологияси, ўсмирлар психологияси, йигит-қизлар психологияси, катта ёшли кишилар психологияси деган тармоқларининг асосий характеристикасини қараб чиқиш керак.

Педагогик психология таълим ва тарбиянинг психологик қонуниятларини ўрганиади. Ўқувчиларнипг билиш фаолияти ва уларнинг ақлий ривожланиши, билишнинг мулоқотга киришиш ва меҳнатнинг онгли субъектлари сифатида шаклланиб бориши педагогик психологиянинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Педагогик психология таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар ақлий фаолиятини бошқаришнинг форма ва методлари ўрганилади, билиш жараёнларининг, ирода активлигини ҳамда ўқиш ва ижтимоий фойдали фаолият соҳасидаги мустақилликни шакллантириш қонуниятлари тадқиқ этилади. Бундан ташқари, педагогик психология ўқитувчи меҳнатининг психологияси масалаларини, педагог ва ўқувчиларнинг мактаб коллективидаги ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари масаласини қараб чиқади. Таълим ва тарбия бериш психологияси ҳамда ўқитувчининг педагогик фаолият субъекти сифатидаги психологияси — булар педагогик психологиянинг асосий шохобчаларидир.

Тавсия этилган адабиётларни ўрганиш жараёнида ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнларини оптималлаштириш учун аҳамиятли бўлган психология фанининг маҳсус соҳалари сифатида ёш психологияси ва педагогик психологиянинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши тарихига алоҳида эътибор бериш лозим. Студентлар болалар психологияси ва педагогик психологиянинг асосчиси, буюк рус педагоги К. Д. Ушинскийнинг педагогик назария ва практика учун психологик билимларнинг роли тўғрисидаги фикрлари билан; Н. К. Крупскаянинг болаларга уларнинг психик ривожланишидаги ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга индивидуал ёндашиш проблемасига багишланган асарлари билан; А. С. Макаренконинг ўсиб келаётган инсон шахсининг бир бутун ҳолда шаклланиш қонуниятлари тўғрисидаги таълимоти билан; совет олимларининг ёш психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишига оид ҳамда уларнинг ўқитувчи, тарбиячининг педагогик малакасини такомиллаштиришдаги ролига оид (П. П. Блонский, Л. С. Виготский, С. Л. Рубинштейн ва бошқаларнинг) қараплари билан танишиб чиқишилари керак. Семинар машгулотларида студентларнинг ўсиб келаётган инсон психикасини ривожаниши ва унинг шахси шаклланиши хусусида марксча-ленинча концепция тўғрисида қисқа ахборотлар тинглаш, шунингдек, таълим-тарбия беришнинг асосий психологик назариясини қараб чиқиш, ёш психологияси назариясини ва практикасини бузиб кўрсатадиган педагогик қарапларни танқид қилиш, ёш психологияси ва педагогик психологияни ривожлантириш соҳасида биогенетик ҳамда социогенетик йўналишларнинг моҳия-

тини танқидий равишда анализ қилиб чиқиш керак. Ёш психологияси ва педагогик психологияни ривожлантириш соҳасидаги биогенетик ва социогенетик йўналишларни қараб чиқилаётганда совет олимларининг тадқиқотларига таяниш лозим.

Совет психологлари (Б. Г. Ананьев, А. А. Бодалев, В. В. Даудов, А. Н. Леонтьев, Б. Ф. Ломов, А. М. Матюшкин, А. В. Петровский, С. Л. Рубинштейн ва бошқалар) томонидан шу нарса аниқланганки, одам психологиясининг ривожланиши маддий ва маънавий маданият предметларида ўз аксини топган инсониятнинг социал тажрибасини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириб борилади. Бундай ўзлаштириш одамнинг теварак-атрофдаги ҳаёт билан ўқиш, мулоқотга киришиш, меҳнат билан муттасил алоқада бўлиши ва ўзаро тўхтовсиз таъсир кўрсатиб туришини назарда тутади. Бундай шароитда индивидда унинг ҳаётида содир бўлаётган реал дунёнинг психик акс этиш механизми, унинг ҳаётий позициясини барқарор қилувчи «мен» тушунчаси, социал ориентировкалар шаклланиб ва ривожланиб боради. Шахснинг ҳаётий позицияси ҳаёт ва фаолиятнинг актуал масалаларини ҳал қилишда унинг шахсини мустақил ва актив ҳаракат қилишга тайёрлади.

Совет психологлари ўқувчиларнинг билимларни эгаллаб олиш жараёнини актив психик фаолиятнинг натижаси сифатида қараб чиқадилар. Шу туфайли қабул қилинаётган ахборот ҳаракат програмаси ҳамда эҳтиёжларига тақрибан идрок қилиниб, тартибга солиб борилади. Ўқиши жараёнида ўқувчи ҳаётий тажриба туплаб боради, бу тажрибани бошдан кечиради, билимларни ўзлаштиради, булар ҳақида гапиради, уларни муайян бир структурага солади, сунгра эса ташқи социал хатти-ҳаракатлари ҳулқ-авторига ўша билимлар таъсирини ўтказади. Боланинг, мактаб ўқувчисининг объектив ҳаёт билан бу хилдаги бир-бирига таъсир кўрсатиш жараёни ҳамда инсоният тўплаган социал тажрибани эгаллаб бориши ўқиш ва ўқишдан ташқари фаолият жараёнида ўқитувчи томонидан назорат қилиб, тартибга солиб борилади. Ўмумий психология курсидан студентлар яхши биладиларки, одам ривожланишининг турли ёш босқичларида унинг социал тажрибаси, маънавий-ахлоқий тушунчаларининг шаклланиб қолган системаси, билимларини эгаллашдаги ёшга оид ва индивидуал имкониятлар унинг шахс йўналишини, қизиқиш ва интилишларини, майл ва қобилиятларини, социал хатти-ҳаракат ва ҳулқ-автор мотивларини белгилаб беради. Бу ўринда шуни таъкидламоқ лозимки, социалистик жамиятда социал тараққиётнинг актив иштирокчиси бўлган янги инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилгандир.

Боланинг психик ривожланишидаги барча босқичларда ўқувтарбия жараёнининг самарадорлигини оширишда ўқитувчи шахси катта аҳамиятга эгадир. Мазкур темани ўрганишда студентлар эътибори ўқитувчининг ўқувчилар билан педагогик мулоқоти маданиятига қаратилиши лозим. Юксак маданиятли педагогик мулоқот боланинг психик ривожланиши ҳамда бола шахсининг

шаклланиши жараёнини самарали равища бошқариб бориш имкониятини таъмилайди. Мазкур масалалар практикунинг тегишли темаларидаги мұфассал қараб қыллади.

Психологик масалалардан мустақил иш учун топшириқ сифатида фойдаланиш мүмкін. Бу студентларга умумий психология курсида әгаллаган билимларини амалда қўлланиш имконини беради. Улар ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети, вазифалари нимадан иборат эканлигини бу фанлар психологиянинг мустақил соҳаси эканлигини аниқроқ тасаввур қиласидилар.

Бўлажак ўқитувчилар — студентларнинг психология соҳасидаги билдирикнинг такомиллаштиришда ҳамда уларда педагогик кўнико ва малакаларни шакллантиришда студентлар томонидан УНИРС (студентларнинг илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш) ва НИРС (студентларнинг илмий-тадқиқот ишлари) факультетлари плани бўйича студентлар курсда олиб борадиган тадқиқот ишлари катта роль ўйнаши мүмкін. Бу топшириқларни студентлар психология ўқитувчисининг раҳбарлигига мустақил равища бажарадилар.

### **Семинар машғулотларининг планлари**

#### **Адабиётлар**

#### **Биринчи машғулот (семинар)**

**Психология фанининг мустақил соҳаси сифатида ёш психологияси ва педагогик психологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши.**

1. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети ва вазифалари.

2. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи (П. П. Блонский, Л. С. Вигодский, С. Л. Рубинштейн ва бошқалар).

3. К. Д. Ушинский педагогик назария ва практика учун психология билимларнинг роли тўғрисида.

4. Н. К. Крупская ва А. С. Макаренко педагог-тарбиячи учун боланинг нёш хусусиятлари ҳақидаги билимларнинг аҳамияти тўғрисида.

5. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг шохобчалари.

#### **Иккинчи машғулот (семинар)**

**Ҳозирги замон ёш психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишидаги асосий йўналишлар**

1. Психик ривожланиш ва янги инсон шахсини шакллантиришнинг марксча-ленинча коцепцияси.

2. Совет психологларининг асарларида психиканинг ривожла-

ниш проблемалари (П. П. Блонский, Л. С. Вигодский, С. Л. Рубинштейн ва бошқалар).

3. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишидаги биогенетик ва социогенетик йўналишларининг танқид қилиниши.

4. Ёш психологиясининг назарияси ва практикасида педагогик бузгунчиликларнинг танқид қилиниши.

5. Ҳозирги замон совет психологиясида таълим-тарбия ва тараққётнинг асосий психологик назариялари.

**Ленин В. И.** Материализм ва эмпириокритицизм (Тўла асарлар тўплами, 18- том, 13—32, 147—154- бетлар.

ҚПСС XXVII съездининг материаллари. Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1986.

ҚПСС Программаси (янги таҳрирда)— Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1986.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари: ҳужжатлар ва материаллар. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1984.

Актуальные проблемы возрастной и педагогической психологии /Ф. И. Иващенко, Я. Л. Коломинский таҳрири остида.— Минск: Высшая школа, 1980.

**Блонский П. П.** Избранные педагогические и психологические сочинения /А. В. Петровский таҳрири остида. М.: Педагогика, 1979, 2- том, 8—117- бетлар.

**Бодалев А. А., Ломов Б. Ф., Матюшкин А. М.** Психологическая наука реформы школы // Вопросы психологии.—1984.—3- сони, 12—24- бетлар.

Возрастная и педагогическая психология /А. Б. Петровский таҳрири остида.— Тузатилган ва қайта ишланган 2- нашри.— М.: Просвещение, 1979, 5—20- бетлар.

Возрастная и педагогическая психология /М. В. Гамезо ва бошқалар таҳрири остида.— М.: Просвещение, 1984, 10—46- бетлар.

**Виготский Л. С.** Развитие высших психических функций.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1960.

**Давыдов А. А.** Психологическая наука в школе // Вопросы психологии 1982, 6- сони, 21—315- бетлар.

Краткий психологический словарь / А. В. Петровский ва М. Я. Ярошевский таҳрири остида.— М.: Политиздат, 1985.

**Крупская Н. К.** Об учителе.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1960, 141—144; 215—326; 256—258- бетлар.

**Крутецкий В. А.** Основы педагогической психологии.— М.: Просвещение, 1972, 5—8; 23—40- бетлар.

**Лейтес Н. С.** Возрастные предпосылки умственных способностей // Хрестоматия по психологии / А. В. Петровский таҳрири остида.— М.: Просвещение, 1977, 386—394- бетлар.

**Лихачев Б. Т.** Воспитание личности развитого социалистического общества и задачи педагогики и педагогической психологии /Вопросы психологии.—1984, 2- сони, 5—19-бетлар.

**Ломов Б. Ф.** Методологические и теоретические проблемы психологии.— М.: «Наука», 1984. 77—130- бетлар.

**Никольская А. А.** Вопросы развития мышления в трудах П. П. Блонского // Вопросы психологии.—1967, 5-сони, 89—102-бетлар.

**Никольская А. А.** Психология обучения в трудах К. Д. Ушинского // Вопросы психологии.—1983, 6-сони, 92—103-бетлар.

**Петровский А. В.** Психологические взгляды П. П. Блонского // Советская педагогика.—1964, 5-сони, 113—121- бетлар.

**Пилиповский В. Я.** Псевдогуманистические концепции формирования личности в современной буржуазной педагогике // Советская педагогика, 1980, 9-сони, 123—128- бетлар.

**Рубинштейн С. Л.** Проблемы общей психологии: Психологическая наука и дело воспитания.—2- нашри,— М.: Педагогика, 1976, 183—193- бетлар.

**Смирнов А. А.** Развитие и современное состояние психологической науки в СССР.— М.: Педагогика, 1975, 66—77; 147—179; 252—270- бетлар.

**Талызина Н. Ф.** Теория поэтапного формирования умственных действий // Хрестоматия по психологии / А. В. Петровский таҳрири остида.— М.: Просвещение, 1977, 425—431- бетлар.

**Макаренко А. С.** Проблемы школьного советского воспитания // Соч. М.: Изд-во АПН РСФСР, 1958, 5- том, 210—223- бетлар.

**Маркова А. К.** Актуальные проблемы педагогической психологии // Вопросы психологии.—1980, 6-сони, 5—16- бетлар.

**Ушицкий К. Д.** Человек как предмет воспитания // Собр. соч. М.; Л.: Изд-во АПН РСФСР, 1950, 8- том.

**Щербаков А. И., Раев А. И.** Управление умственной деятельностью учащихся как актуальная проблема педагогической психологии // Управление умственной деятельностью и умственное развитие учащихся.— Л., ЛГПИ, 1973, 3—9- бетлар.

**Ярашевский М. Г., Анцыферова Л. Н.** Развитие и современное состояние зарубежной психологии.— М.: Педагогика, 1974.

### **Мустақил ишлаш учун топшириқлар**

#### **Адабиётларни аннотациялаш ёки конспект олиш**

**Возрастная и педагогическая психология / А. В. Петровский таҳрири остида.**— Тузатилган ва қайта ишланган 2- нашри,— М.: 1979, 5—20- бетлар.

**Леонтьев А. Н.** Деятельность. Сознание. Личность.— М.: Политическая литература, 1975, 235—302- бетлар.

**Петровский А. В.** Личность. Деятельность. Коллектив.— М.: Политиздат, 1983.

#### **Рефератлар ёки докладларнинг темалари**

1. Мактаб ислоҳотининг Асосий йўналишларидан келиб чиқувчи педагогик психологиянинг актуал проблемалари.

2. Психик ривожланишнинг ёшга хос динамикаси — ҳозирги замон ёш психологиясининг актуал проблемаси.

3. Бола тўғрисидаги: боланинг ривожланиши, ўқиши ва тарбияси ҳақидаги психологик билимлар системасида ёш психологияси ва педагогик психологиянинг ягоналиги.

4. К. Д. Ушинскийнинг «Педагогик антропология» деган асарида психиканинг ривожланиш проблемалари.

5. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг ривожланишида П. П. Блонский, Л. С. Вигодский ва С. Л. Рубинштейн психологик концепцияларининг роли.

6. Шахсларнинг бири-бирини тушуниши ва унинг педагогик мулоқотдаги роли.

## Психологик масалалар ечиш

### 1-масала

Совет психология фани янги одам шахсини шакллантириш проблемасини марксизм-ленинизм позициясида туриб ҳал қилас экан, шахснинг эҳтиёжлари унинг активлигининг манбай ҳисобланади, деб ўргатади. Лекин социал мавжудот сифатидаги инсоннинг эҳтиёжлари туфма ҳисобланмайди, балки у одамнинг теварак-атрофдаги ҳаёт билан мақсадга қаратилган алоқага киришиш жараёнида, социал тажрибага эга булиш ва тарбия жараёнида шаклланади ҳамда ривожланади. «Шахснинг социал тажрибани ўзлаштириб олиш жараёни,— деб ёзди профессор А. В. Петровский,— шахснинг ички дунёси воситаси орқали амалга оширилади. Шахснинг ички дунёсида одам ўзи бажараётган ишга ҳамда ўзига нисбатан нималар бўлаётганлигига муносабат ифода этилади. Активлик шахс учун характерли бўлган хулқ-атвор мотивларида ҳамда ҳаракат усулларида намоён бўлади, янада кенгроқ маънода қарайдиган бўлсак — теварак-атрофдаги ҳаётни қайта ўзгартиришга қаратилган кўп қиррали фаолиятида намоён бўлади. Шахснинг ижодий активлиги унинг ҳаёттий позициясида ифода этилади. Бундай позицияни одам ўзининг ҳаётдаги аҳволи ва тутган ўрнини онгли равишда тушунган ҳолда эгаллайди»<sup>1</sup>.

Шахснинг ахлоқий жиҳатдан ўз-ўзини англаб ривожланишининг юксак даражаси — бу унинг онгли билиш субъект сифатидаги граждан етуклигининг ҳамда ҳаётни актив равишида ўзгартирувчи эканлигини кўрсатувчи энг мухим омилdir.

И. Б. Шкарина билан А. Прохоровнинг айтган фикрлари ва саволларига берилган жавобларни қунт билан ўқиб кўринг.

И. Б. Шкарина: «Ўқитувчининг ижодкорлиги ҳеч қаерда ғоявий-тарбиявий ишлардаги қадар катта аҳамиятга эга бўлмаган. Биз тарихчилар ёшларнинг граждан етуклигини, улардаги коммунистик эътиқодни шакллантириш учун курашнинг биринчи саф

<sup>1</sup> Общая психология: Учебник для студентов педагогических институтов / А. В. Петровский таҳрири остида.— М., 1976, 97- бет.

ларида турамиз. Ёшларда империалистик пропаганданинг идеологик хуружларига зарба бера олиш маҳоратини тарбиялаш, уларнинг ҳар қандай обивателларча фикрларини рад эта олиш ва барҳам беришга ўргатиш бизнинг бурчимиздир.

Албатта, биз ўқитувчиларнинг қўлида ғоят бой ғоявий хазина мавжуд: марксча-ленинча ғоявий назария, В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятининг буюк намунаси, партия ҳужжатлари (...) бизнинг ҳаётимиз, реал социалистик воқеликнинг ўзи ҳам шулар жумласидандир. Биз мана шу ғоявий бойликни ёшлар онгига эмоционал образли тарзда, кўрсатма қуроллар орқали, ишонарли қилиб етказишимиз лозим. Қўл учida ишлаш, бир қолипда ишлаш, идеология ишида мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ишлигини яхши тушунамиз.

Шунга қарамай, гоҳо ўқитувчи айтган сўзлар ўқувчининг онгига, юрагига етиб бормайди, «бекор» кетади.

Бу ўринда бизга душман бўлган идеология диверсияларини ҳам ҳисобга олмай бўлмайди. Улар бизга чет эллардан турли техника воситалари ва обивателларча суҳбатлар орқали етиб келади. Бундай суҳбатларни болалар уйларида ҳам кўча-кўйларда ҳам эшигадилар. Ўқувчиларни бундай ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига партиявий, синфий позицияда туриб онгли равишда баҳо беришга ўргатиш бизнинг бурчимиздир. Бунинг учун эса улар айниқса, тарих, жамиятшунослик дарсларида амалга ошириладиган мустақил ишлар жуда зарурдир. Ўқувчининг фактларни бир-бирiga таққослай олиши, анализ қила билиш, умумлаштириш, зарур хуносалар чиқара олиши — булар ғоят муҳим ишлардир.

Ҳар бир ўқувчини яхшилаб ўрганишини ниҳоятда муҳим ишлардан ҳисоблайман. Болани ўрганганда у қандай ўқувчи бўлиб кўринишини эмас, балки аслида у қанақалигини билиб олиш зарур. Ҳар бир ўқувчининг қалбига қулоқ солиш — бу ижтимоий циклдаги предметлар ўқитувчисининг маҳоратини кўрсатувчи энг муҳим бўлгидир<sup>1</sup>.

А. Прохоров. «Қишлоқ жойларда кўпинча шундай гап қулоққа чалиниб туради: бизга клублар, Маданият саройлари қуриб берилсайди. Ҳа, булар керак, албатта. Лекин клубнинг ўзи ҳали маданият дегани эмас. Айтайлик, кўчанинг чеккасидаги ёш ниҳолларни ҳеч ким синдириб кетмаса, мана буни маданият дейиш мумкин. Қишлоқ йигити джинси шим кийиб, қулида транзистор ёки магнитофон кўтариб юрса, бу ёмон эмас, албатта, аммо, афсуски, ҳали бу — маданият деган сўз эмас. Худди уша йигитнинг ўзи, айтайлик, тракторчи бўлса-ю, гуллаб-яшнаб турган ўтлоқни пайхон қилмай, уни айланаб ўтса — мана буни маданият дейиш мумкин. Маънавий маданият оқими қишлоқдан шаҳарга, шунингдек, шаҳардан қишлоқка худди мана шу даражада оқиб бормоги керак»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шкарина И. Б. Пусть дойдет до сердца // Учительская газета.—1980, 13 марта.

<sup>2</sup> Прохоров А. На меньшее не согласны. / Правда.—1979, 24 апрель.

1. Ўқувчи ёшларда граждан етуклиги ва коммунистик эътиқоднинг шаклланишини таъминлаш учун, тарбияланаётган ўқувчиларда империалистик пропаганданинг идеологик хуружларига зарба бера олиш маҳоратини тарбиялаш, обивателларча фикр-мулоҳазаларга рад жавобини қилиб, уларга барҳам беришни ургатиш учун совет ўқитувчиси қандай билим ва маҳоратга эга бўлиши кераклигини айтиб беринг.

2. Нима учун ўқитувчи ўз ўқувчиларини, муаллима И. Б. Шкарина ёзганидек, «улар қандай туюлса шундай эмас, балки улар аслида қандай бўлса шундай билиш зарур» эканлигини исбот қилиб беринг.

## 2-масала

Психология фани шахсни психик жараёнлар, хусусиятлар, муносабатлар ва одамнинг социал ҳатти-ҳаракатлардан иборат бир бутун функционал-динамик системани яхлит ҳолдаги куриниши сифатида қараб чиқади. Кишининг табиат ва социал мухит билан доимий ўзаро алоқага киришиш жараёнида унинг активлиги ортибгина қолмай, балки у бажарадиган иш шароити, фаолиятининг характеристига қараб (ўқиш, мулоқот, меҳнат) ўша киши шахсига хос барқарор сифатлар пайдо бўлади, социал тараққиётнинг онгли иштирокчисига хос индивидуал услуг шаклланиб боради.

Георгий Яковлевнинг «Она» деган ҳикоясидан олинган қўйидаги парчаларни қунт билан ўқиб чиқинг ҳамда берилган саволларга жавоб қайтаринг.

Г. Яковлев: «Қадим-қадимларда Донецк шаҳридаги Киров райони ўрни-тагида йўқ вақтларда, бу ерларни Собачевка деб аташган. Одамлар бу ердаги шахталардан кўмирни қўлда — кўмир чопадиган теша билан қазиб, орқалаб ер юзасига олиб чиқишиарди. У вақтларда на электр, на радио, на мактаб ва на клублар бор эди. Кунларнинг бирида ўн икки яшарли қизалоқ бу ерга ишга ёлланиш учун келди. Унинг бу ерга келишига сабаб, отаси шахтада ишлаб туриб ҳалок бўлди ва унинг еттита боласи етим бўлиб қолди. Шуларнинг ичida катта қизи — Дуся эди (...).

Қизалоқнинг ниҳолдек қўлларига шунча куч қаердан келганига ҳайрон қоласан киши?! У зилдек тош аралаш кўмир парчаларини икки қўллаб даст кутарар ва ўзидан нарироқдаги яшикка отарди. Гоҳо бу яшик унинг назарида шунча чуқур бўлиб кўринар эдики, гўё унинг туви йўқдек туюларди. Буни қарангки, ўз вақтида пенсияга чиқиб кетмаган Королёва бутун ҳаётини меҳнат билан ўтказиб, ўз баҳтини меҳнатдан топди. У ёши 87 га борганидагина пенсиясини расмийлаштириди. У ҳаётда «энг фахрли лавозимлар»да ишлади — плитачи, стволчи бўлиб ишлади, қазиб олинган тупроқ аралаш хом ашёни саралаб кўмирини ажратди, ҳаммомда техничка бўлиб ҳам ишлади. Фақат фашистлар бу ерлардан қувиб юборилганидан кейин ва Қарағанда шаҳридан шахтёрлар қайтиб келишгач, Королёвани шахтанинг уй-жой бўлимига комендант қилиб тайинлашди, лекин орадан бир ҳафта ўт-

гач у шахтага — күмир қазишига ўтиб кетди. Үзининг айтишига қараганда: «Күмирга — яқинроқ бўлгиси келди».

Қарагандада уруш йиллари шахтага Алексей Стаканов бошлиқ қилган эди. У чурткесар, ишда ниҳоятда қаттиққўл киши эди,— деб эслайди уни Королёва, лекин шунга қарамай ҳамма уни яхши кўрар эди. Ҳеч ким унинг гапини икки қилмасди. Шахтада ишлар кўп бўлиб, Стакановнинг ортиқча вақти бўлмаса-да, лекин у маҳаллий ҳокимият бошлиқлари билан гаплашишига вақт топди ва бу ерларга эвакуация қилиб келтирилган болалар учун шахта қошида ФЗО очишига муваффақ бўлди. Королёва эса хотин-қизлар кенгашини бошқарди, шахтага янги келганларни оталиққа олди: уларнинг қандай кийиб, еб-ичгани, қандай яшаётгани ва ишлаётганини хабардор бўлиб турди. Бу ерда у бажарган бекиёс ишлардан бири — болалар уйи қуриш учун пул йиғишини ташкил этгани ва ўзи ҳам болалар уйи очгани бўлди.

Ишнинг оғири сменадан кейин бўлар эди. Чунки, ҳеч ким соат билан ҳисоблашмайдиган, сени сўраб-суриштирмайдиган вақтларда бажарилар эди. Шунга қарамай, одамлар уни доимо шодон кўришар эди. У үзининг «делегат» қизил пешонабогини танғиб олганча доимо одамлар орасида эди (...).

Ўшанда, 43-йили Евдокия эвакуациядан кейин ўзи туғилиб ўсган Рутченковка қишлоғига қайтиб келди. У душманлар вайрон қилган жойларни кўриб «вой худойим-эй», деб ёқа ушлади. Ҳамма нарса бузилган-ёрилган, вайрон қилинган эди; шахтанинг ишланадиган жойларини сув босиб ётиди, асбоб-ускуналар иўқ, кўмирни ер остидан қандай қилиб қазиб олишни билмай, бошинг қотади. 17—17- бис шахтаси эса ҳамон ишга туширилмаган. Забойларда нима билан ишлашни билмайсан. Шунда Королёва уйма-уй юриб ўзига ўхшаган аёлларни тұплади. Улар саройларни, омборларни, қўйингчи, қайси бино ишга яроқлилигини қараб чиқишиди. Кўмир қазишида ишлатиладиган 120 та белкурак ва 100 дан ортиқ катта ҳажмли белкурак, 150 тача шахтёрлар лампочкаси, кўмир қазийдиган кирка, чўқмор, насослар, моторлар учун турли хил запас қисмлари топиб келишиди... Ўшанда жонни жабборга бериб, белларигача сувга ботиб ишладилар. Шундай қийинчилклар билан оз миқдорда бўлса ҳам кўмир қазиб чиқардилар, яна ишдан кейин, қурилишга бориб ишлашарди. Ахир, бирорта ётоқхона ҳам, боқча-ясли, магазин ҳам бутун қолмаган эди-да... Ҳаммасини ўз қўллари билан бунёдга келтирилар. Мана, шу ишларда Королёванинг хизматлари катта бўлди. Боя айтилган 17 шаҳардан дастлабки Бремсберг — яъни катта миқдорда кўмир қазиб олинган куни ҳамма бараварига,— бу Королёванинг ҳосили,— деб тан олишиди. Кейинчалик кон хариталарида ҳам бу шахтани Королёваники деб кўрсатиб қўядиган бўлишиди (...).

Бу аёл ҳар бир ишга қизиқиб қарайди... Бир кун слесарларнинг машҳур бригадирини койиб берди: «Сен ударниксан. Хўш, нега бундай исқирит юрасан?»— деди. У бўлса: «Онажон, ишимиз шунақа, слесарлик, қора мой ичиди юрамиз»,— деб жавоб берди.

Королёва ҳам бүш келмади: «Сени қара-ю, бригадирга үхшамайсан. Яңында одамлар сени,— ана олабұжи келяпти деб күрсатиб, болаларни құрқитадиган бұладилар,— деди. Буни қарангки, әртасыға ёк бригадир озода кийиниб, яна бүйніга галстук ҳам тақиб келди. Биров атайин қылғандек худди шу пайт авария тұғрисида хабар келиб қолди. Зудлик билан шахта ичига тушиб ишлаш керак. Мана шу тоза кийим-бош билан аварияни бартараф қилиб чиқди. Воқеани эслаб Королёва билан биргә роса кулиши...

Королёва шаҳар ва облыс советининг депутати, партком, шахтком альзосп, лекин шүниси ғалатики, у ҳеч қачон минбарга қиқиб сұзламаган, агар сұзламоқчи бұлса, пастда шундоқ бириңчи қаторда үтирган одамларнинг рұпарасида туриб олиб, айтилған масалалар тұғрисида, хамманы ҳаяжонлантирадиган мұаммолар тұғрисида гапиради. «Сиз гапирганингизда хафа бұлған, әзтиroz билдирған кишилар ҳам бұлғанми?— деб сұрайман ундан. «Эслай олмайман, чунки ҳақиқат гапирилса, ким ҳам унга қарши әзтиroz билдиради?— деб жавоб беради у.

Евдокия Фёдоровна 84 ёшга тұлғанида сұнгги марта район советига депутатлик мандатини олди. «Үйилларим бұлды әнди,— деди у,— ёшларни сайланғиз. Мен бир активингиз қатори келиб шундай ҳам ёрдам беріб тураман» (...).

Королёванинг бутун ҳәёти совет Донбаси тарихи билан бөлікдір. Құмір қазиб чиқариладиган ушбу районнинг тақидири ажойиб рус аёлининг кундалик ташвишларида үз ифодасини топди. Шахта парткомининг секретари Королёванинг юз йиллик юбилейида худди шундай деб айтди.

Юбилейнинг үзи эса район байрамига, күхна Рутченковка байрамига құшилиб кетди. «Кировский» шахтасининг кончилари меңнат вахтасида туриб мәхрибон ая шарафига ишладилар. Королёвани муборакбод этиш учун шахта Маданият уйига одамлар Донецкнинг ҳамма томонларидан тұпландилар, уларнинг күплари аянинг нурлы нигохини яна бир бор күриш учун келгандилар.

Она президиумда үзининг фақат тантанали байрамларida кийиб юрадиган шахтёрлик кителини кийиб үтиради. Кителини Ленин ордени, Мемлекеттік Қызыл Байроқ ордени, «Хурмат белгиси» ордени, «Шахтерская слава» нишонлари безаб туаради. Бошига эса ҳар доим үраб юрадиган үша күлранг рұмолини үраб олган әди. У мажлис тұрида виқор билан үтиради. Теварак-атрофда эса унинг «фарзандлари» үтиришарди. У үз құвончини ҳам, ғамандуұларини ҳам, ташвишлари-ю, ҳаяжонларини ҳам шулар билан бўлишган, ҳеч қачон шон-шавкат тұғрисида, мукофотлар ҳақида үйламаган, үзига шундай шон-шуҳрат ва мукофотлар келганидан эса ҳайрон бўлиб қолган әди. Чунки у оддий ҳаёт кечирар ва оддий одамлар учун яшар әди»<sup>1</sup>.

1. Ҳикоя автори келтирған қайси фактлар Е. Королёва характеристикада мужассамлашган янги инсон шахсига хос ижобий хислаттарни ҳаммадан күра тұлароқ характерлаб беради.

<sup>1</sup> Яковлев Г. Мать // Правда, 1980, 6 январь.

2. Евдокия Королёванинг ҳаёт йўлидаги қайси босқичларда унинг актив ижтимоий-фойдали фаолиятга ундан сабабларни кўрсатиб беринг.

3. Шахс фаолиятининг индивидуал услуби унинг ҳаётий муҳим ва ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажаришга қартилган амалий фаолият жараёнинда шаклланиши ва ривожланиб боришини исбот қилиб беринг.

### 3-масала

Психология фани «болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланиб боради, деб таъкидлайди»<sup>1</sup>. Тарбия — бу мақсадлар аниқ таърифлаб берилган, таъсири кўрсатишнинг яхлит шахснинг шаклланишини, уни ижтимоий ҳаётга ҳамда ижтимоий-фойдали ишларга тайёрлашни таъмин этадиган махсус восита ва методлардан фойдаланган ҳолда бола фаолиятини тұғри ташкил этилишидир. Педагог-тарбиячи фаолиятини муваффақиятли равишда уюштириш учун ўқувчи фаолиятидаги ички психологик мазмунин ёритиб бериш маҳорати муҳим роль үйнайди. Бундай маҳорат жараёнинда ўқувчининг ривожланиши амалга оширилади, унинг ақл-идроқи тиниқлашади, унинг шахсига хос бўлган хатти-ҳаракат мотивлари, психик хусусиятлар шаклланиб боради.

Профессор С. Л. Рубинштейн ва Воронеж шаҳридаги 33-мактабнинг методист-ўқитувчиси Г. Слуцкийнинг билдирган қуйидаги мулоҳазаларини қунт билан ўқиб чиқинг.

**С. Л. Рубинштейн:** «Ташқи томондан қараганда болаларнинг хулқ-авторидаги бир хил ҳаракатнинг натижаси — улар томонидан муайян қоидага риоя қилиниши ёки қилинмаслиги, бирор хатога йўл қўйилиши ёки ўша хатога йўл қўйилмаслик мумкин. Агар ўша қоида, ўша хатонинг ички мазмунин очиб бериладиган бўлса, натижа маҳият эътибори билан турлича хатти-ҳаракат ва хатолар бўлиб чиқади. Мана, масалан, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг ўз ўртоғи қандайдир бир қоидани бузилганлиги тўғрисидаги шикояти ёки арзи бир хил ҳолларда ўша ўртоқ томонидан бузилган қоида ишонтириш воситаси сифатида ўз кучини сақлаб қолиши мумкин ва шундай йўл билан тарбиячи томонидан ўша қоиданинг тикланиши натижасида болада ҳам бу қоидага нисбатан ишонч мустаҳкамланиб қолиши мумкин. Бошқа бир хил ҳолда... бу қоида группада интизомни онгли равишда мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Гоҳо бу боланинг ўз манфаатлари учун очиқдан-очиқ курашиб усулига айланиши, кейин эса — ўша хатти-ҳаракатни англаб, этилишига қараб ўз ҳуқуқи учун курашиб усулига айланиши мумкин. Гоҳида бошқа бир болани ноқулай аҳволга солиб қўйиш истаги билан амалга оширилган шикоят ҳам бўлиб чиқиши мумкин»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Крутецкий В. А. Психология обучения и воспитания.— М., 1976, 209-бет.

<sup>2</sup> Рубинштейн С. Л. Проблемы общей психологии.— Иккинчи нашри, М., 1976, 188-бет.

**Г. Слуцкий:** Ҳозир ҳар бир мактабда «тарбияси қийин» болалар билан ишлаш плани мавжуд. Ўша планни бундай кўздан кечирав экансиз — эҳ-хе, унга нималарни ёзишмайди, дейсиз! Планда ўсмир шахсини ўрганиш, ҳаракатларини, қизиқишларини, ўзига хос хусусиятларини билиш ҳам, боланинг оила аъзолари билан танишиш ва бошқа жуда кўп тадбирлар ўрин олган бўлади. Шундай экан, нима учун бундай планлар «ҳаракатга келмайди»? Чунки планда кўрсатилган тадбирларнинг барчаси одатда «ўртacha» ва «умумий даражадаги тарбияси қийин» ўқувчиларга мўлжаллаб тузилгандир. Модомики яхши тарбия олаётган ўқувчиларнинг ўзлари ҳар хил бўладилар-ку, «тарбияси қийин» болалар тўғрисида нима гапириш мумкин? Бу ерда энди гап фақат характер тўғрисида эмас, балки характернинг «Етти қават териси» ичидаги сир-асрорини билиб олиш ҳақида боради. Мана энди ўша қават-қават умумий планлардан келиб чиқсан ҳолда боланинг характеристерини ўрганиб, уни тузатишга ҳаракат қилиб кўринг -чи.

Лекин барibir мана шу ишларнинг ҳаммасида қандайдир бир умумийлик мавжуд. Масалан, шу хилдаги ўқувчиларда масъулият ҳисси ривожланмаганлиги маълум. Биз, ўқитувчилар улар билан сухбатлар үtkазишга, уларни ишонтиришга, уларни ўз бурчларини бажаришга чақирамиз. Биз яхшиликка даъват этаверамиз, улар эса... ўзгармай қолаверади.

Шундай вақтларда беихтиёр: энди қуруқ талаблардан амалий ишларга ўтсак, яхши бўлмасмикан? — деган савол туғилади. Эсимда, кунлардан бир кун навбатдаги ЧП юз бериб, яъни болалар бир-бири билан муштлашгач, бу тўполонни бошлаган Андрейни синф деворий газетасида масҳарараб расмини чиқариб қўйинди. Кўриб жон-пони чиқиб кетган Андрей ўз иззат-нафсини ҳимоя қилиш учун синдошларининг кўз ўнгидаги девордаги варақани олиб йиртиб ташлайди. Хўш, энди нима қилиш керак? Унга алоқ тўғрисида насиҳат килиб, уни уялтириш керакми? Иўқ, бу саволга болаларнинг ўзлари жавоб топишларини маслаҳат бердим.

Андрей билан жiddий гаплашиб унга: деворий газета муҳарриридан, редколлегиядан кечирим сурошини ва уч кун ичida деворий газетани тиклаб қўйишини буюришиди. Йигитча ҳузуримга шикоят қилиб келди, лекин мен отряд советининг қарорига тамомила қўшилишимни айтдим. Ана шундан кейин синфдаги болалар ўзларини ўз талабларига итоат қилмаган кишига таъсир курсатишга қодир коллектив деб ҳис қила бошладилар.

Андрейнинг ўзи ҳам алоҳида бир шароитга солиб қўйилди — энди у қилган иши нотуғрилигиин тан олишга мажбур бўлиб қолган эди. Лекин бундай қилиш унга осон бўлмади. Мана, энди тасаввур қилиб кўринг — йигитча ўзини-ўзи карикатура қилиши керак. Лекин у отряд советининг талабини бажарди. Шундай қилиб, синфдаги ўзаро муносабатлар тикланиб, йўлга солиб юборилди. Мен эса Андрейнинг расм чизишга қобилияти ўткир

эканлигини, устига-устак у «ниҳоятда иродаси мустаҳкам одам» эканлигини ҳам айтиб қўйишни унутмадим.

... Гена дарсга тез-тез кеч қоларди. Кўпинча навбатчиликдан ўзбошимчалик билан кетиб қоларди, жамоат ишларини назар-писанд қилмасди. Биринчи қарашда булар жиддий камчиликларга ўхшаб кўринмаса-да, лекин тажриба ва практика шуни кўрсатмоқдаки, агар шунга ўхшаган «майдা» камчиликларга эътибор бермайдиган бўлсак, вақти келиб улар жиддий тус олиб кетиши мумкин. Лекин айтинг-чи, ўн икки яшар болани қандай қилиб хулқинн ўзгаришига мажбур этиш мумкин?

— Хуш, агар сизлар уни ўзингизга звено бошлиғи қилиб сай-лаб қўйсангиз нима қиласкин? — дея эҳтиёткорлик билан болаларга гап ташлаб кўрдим.

— Кимни айтаяпсиз, шу Генани-я? Ахир у ҳамма ишни расво қилади-ку.

— Бир синаб кўринглар-чи. Сенга ишонамиз. Сен яхши йўл-бошли бўлишинг мумкин, деб айтиб кўринглар-чи...

Генани звено бошлиғи қилиб сайлашди. Унда масъулият ҳисси пайдо бўлди. Бу ҳис ундаги ташаббус билан файрат, шижаотга қўшилиб ўсмирни ниҳоятда ўзгаририб юборди.

«Тарбияси қийин» ўқувчилар ҳар бир мактабда, ҳар бир синфа-да биз педагогларга озмунча ташвиш туғдирадиларми? Уларнинг кўпчилиги коллектив билан чиқиша олмайди. Уйда ҳам, оиласда ҳам уларни эркалашмайди. Хуш, оиласдан тортган азобларини биз ўқитувчилар енгиллаштирмасак ким енгиллаштиради, у бечоралар кимдан нажот кутади. Ахир, тарбияси қийин болалар кўпинча тарбияси ёмон бўлган оиласардан чиқади-ку. Боланинг ўзига, катта ёшли кишиларга, болаларнинг ота-оналарига яхши маслаҳатлар бериш, ёрдам курсатиш — бизнинг вазифамиздир»<sup>1</sup>.

1. Авторлар болалар хулқ-атворидаги бир хил хатти-ҳаракатларнинг' ички психологик мазмунини бир-биридан фарқ қилиши тўғрисида гапирганларида бола фаолиятининг қандай ўзига хос хусусиятларини назарда тутганликларини кўрсатиб беринг.

2. Нима учун бола фаолиятининг фақат ташқи натижасига асосланган ҳолда берилган баҳо етарли эмас ва кўп жиҳатдан юзаки ҳисобланади?

3. Бола фаолиятининг ички мазмунини чуқур тушунмасдан туриб, унинг олдига қўйилган вазифаларга муносабатини ҳамда боланинг хатти-ҳаракати мотивларини англамай туриб тарбиячи кўрсатадиган фаолият расмий бўлиб қолиши, яъни: у болани билмай туриб амалга оширган тарбиявий таъсир чораларининг на-тижасиз бўлишини исбот қилиб беринг. Шахсий кузатишларин-гиздан мисоллар келтиринг.

<sup>1</sup> Слуцкий Г. Заботы классного руководителя... И дать ответ гражданина // Учительская газета.—1980, 25 март.

## Курс тадқиқотларининг темалари

1. Инсониятнинг социал тажрибасипи эгаллаб олиниши — ақлий ривожланиш ва шахс шаклланишининг негизи.
2. Онтогенезда психик ривожланиш динамикасининг тадбиқ этилиши — ҳозирги замон ёш психологиясининг актуал проблемаси.
3. Нутқни идрок этиш ва тушуниш ақлий ривожланиш ва мактаб ўқувчисини тарбиялаш омили сифатида.
4. Ўқувчиларнинг ҳамкорликда амалга оширган ўқув фаолиятида шахслараро муносабатлар қандай бўлишини ўқитувчи томонидан олдиндан аниқлаб олиниши — бу колектив муносабатларни шакллантириш жараёнини бошқаришнинг энг муҳим шартидир.
5. Педагогик мулодотнинг психологик хусусиятлари ўқувчиларни тарбиялаш жараёнини бошқариш воситаси сифатида.

### 2- тема. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг методлари

#### Методик кўрсатмалар

Ёш психологияси ва педагогик психология курсида мазкур темани ўрганиш студентларни турли ёш даврларида бола, ўқувчи психикасини тадқиқ этиш методологияси ва методикаси билан таништириши; турли методлардан тўғри фойдаланиш малакасини шакллантириши ҳамда конкрет ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этиш мақсадида мустақил равишда педагогик-педагогик тадқиқотлар уюстириш кўникмасини ҳосил қилишни кўзда тулади.

Биринчи (семинар) машғулоти ёш психологияси ва педагогик психология соҳасида психологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий методологик принципларига бағишлилади. Умумий психология курсида қараб чиқилган психологик тадқиқотлар ўтказишнинг методологик принциплари тузилиши, психологиянинг ҳар қандай соҳасида, шу жумладан, ёш психологияси ва педагогик психология соҳасида ҳам ўзгармай қолаверади. Мазкур машғулотда энг аввало *фан предмети билан тадқиқотнинг методологик принциплари мазмунни ўртасидаги алоқани ёритиб бериш зарур*.

Детерминизм принципи мазмунни ёритиб берилар экан, бунда боланинг психик ривожланиши детерминантининг ўзига хос хусусиятига эътибор бериш, шахсни шакллантириш жараёнида таълим-тарбиянинг алоҳида ролини кўрсатиб бериш керак. Психик фаолиятнинг ички ва ташқи шароитларининг бир-бирига нисбатлари планида, детерминизм принципини таълим-тарбия орқали таъсир курсатадиган энг муҳим омил сифатида анализ қилинадиган экан, буни бола бош миясини ва унинг нерв системасини шакллантириши даражаси сифатида, умуман, шунингдек, ҳар бир

ёш босқичида бола психикасими ривожлантириш даражаси сифатида қараб чиқиш лозим. Чунончи, шу нарса маълумки, ҳар бир ёш даврларида рефлекторлик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлади: бола ярим ёшга тўлгунича унда кўпроқ шартсиз-рефлекторли фаолияти устун бўлади, бола мактабга чиқишдан олдин, мактабгача ёшига яқинлашганида унда шартли рефлекслар шаклланади, бундан рефлекслар мактабгача ёшдаги бола фаолиятида предметли фаолият бошланиши билан боғлиқ бўлади, бир қатор шартли рефлекслар системаси вужудга келади ва ҳоказо. Психик фаолиятнинг рефлекторлилик назариясига мувофиқ «психик ҳодисалар индивиднинг, индивид миясининг ташқи дунё билан ўзаро алоқага киришиш жараёнида, ташқи дунёнинг мияга таъсир эта бошлаши натижасида вужудга келади»<sup>1</sup>. Демак, у ёки бу ёш давридаги рефлекторли фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, болага ташқи таъсирлар билан боғлиқ бўлади: яъни у билан мулоқотга киришиш хусусиятлари ҳамда унинг предметли ва ўқув фаолиятини қандай уюштирилиши ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Болани ўрганиш вақтида детерминизм принципининг реализация қилиниши у ёки бу ёш даври учун характерли бўлган ҳам ташқи таъсирлар, ҳам рефлекторли фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб борилишини таъминловчи тадқиқот учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирилишини назарда тутади.

Ниҳоят, ёш психологияси ва педагогик психология предметининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ бўлган детерминизм принципининг учинчи аспекти — бу *психик ривожланишининг аввалги босқичларининг бундан бўёнги ривожланишига таъсир кўрсатишидир*. Бу олинган ижобий ва салбий самараларда ўз ифодасини топади, айниқса, салбий самаралар болани қайти ўқитиш ва қайта тарбиялаш проблемалари анализ қилинаётганда педагогик психология 'томонидан алоҳида тарзда қараб чиқилади.

Психика билан фаолият бирлиги принципининг мазмунини ўрганилаётганда ёш психологияси ва педагогик психология нуқтai назаридан бир қатор марказий аспектларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бу боланинг *психик ривожланиши билан унинг етакчи фаолияти ўртасидаги*, яъни бола ривожланишининг мазкур босқичида унинг шахсига хос бўлган психик хусусиятларнинг энг муҳим ўзгаришларига шарт-шароит яратиб берадиган фаолияти ўртасидаги алоқадир. Бунинг исботини, яъни фаолиятнинг бола психикасими намоён этилишига кўрсатадиган таъсирини Д. Б. Эльконин, В. В. Давидов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўрсатиб берилган. Масалан, мактабгача ёшдаги болаларнинг ўйин фаолиятини ўрганишда шу нарса аниқланганки, болаларнинг хулқ-атворларини беихтиёр мувофиқлаштириб туриш даражаси ўйин вақтида ўйиндан ташқари вақтлардагига қараганда анча юқори бўлар экан.

<sup>1</sup> Рубинштейн С. А. Бытие и сознание.—М., 1957, 9- бет.

Иккинчидан, педагогик психология чегарасида психика билан фаолият бирлиги принципи болаларга таълим-тарбия берши жараёнида болаларни ўрганиш принципиига кўчирилар экан. «Болаларни ўқитаётib,— деб ёзган эди С. Л. Рубинштейн,— уларни ўрганиш керак... Одамларни қайта тарбиялаш жараёнида уларни чуқурроқ ва конкретроқ тарзда билиб олиш мумкин»<sup>1</sup>. Жуда кўп сонли тадқиқотларда, масалан, мактаб ўқувчиларининг тафаккури тадқиқ этилганда шу нарса исбот этилганки, тафаккурнинг у ёки бу жиҳатларига таъсир кўрсатишнинг маҳсус уюштирилган системаси мазмунига, мақсадларига қараб тафаккурнинг тегишли хусусиятлари ҳам анча аниқ мақсадга қаратилган тарзда ривожланиб борар экан.

Учинчидан, психика ва фаолиятнинг бир бутунлиги принципи боланинг психик ривожланишига тўла ва адекват баҳо бериш учун унинг уч хил фаолият тури чегарасига хулқ-автори ва хатти-ҳаракатларини кузатиш ҳамда анализ қилишини тақозо этади: а) фаолиятнинг етакчи формаси, б) янги, анча прогрессив фаолият шаклига етакловчи ҳаракат, в) «илгари шуғулланилган» фаолият шаклига қайтарувчи ва унинг белгиларини сақлаб қолган фаолият тури шулар жумласидандир.

Ёш психологияси ва педагогик психологияда мавжуд бўлган объективлик принципининг анъанавий мазмунида, шунингдек, яна бир қатор моментларни ажратиб кўрсатиш лозим: а) болаларнинг психик ривожланиш даражасига қараб уларни бир-бирига тақосланаётганда шахс характеристикаси мазмуни белгиланаётганида, унинг ўқимишлилик даражаси аниқланаётганда ва шу сингари маълумотлар тўпланаётганда социал-иқтисодий, тарихий ва этнопсихологик фарқларни ҳисобга олиш, б) таълим-тарбиянинг янги методлари, психик ривожланиш резервлари ва ҳоказоларнинг самарадорлиги тадқиқ этилаётганда экспериментал ва контрол группаларнинг эҳтимол тутилган максимал даражадаги эквивалентлиги, в) ҳар бир ёш группасида таълим-тарбия тадбирларининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда тадқиқотлар методикасининг тузиб чиқилиши шулар жумласига киради.

Эксперимент материалини анализ қилишда боланинг хулқ-автори ва фаолиятига ҳамда унинг регуляцияларига алоҳида эътибор бериш ва бунда бола шахсини яхлит, бир бутун ҳолда қараб чиқиши лозим.

Ҳар қандай психик ҳодисани ёш психологияси ва педагогик психология жараёни сифатида ўрганиб чиқиш талабидан иборат ривожланиш принципининг анъанавий мазмунига яна уч хил координатлар системасида ўрганиб чиқиладиган талаблар ҳам қўшилади: актогенез (конкрет қўзғатувчининг таъсирига жавоб тариқасидаги жараённинг ривожланиши ёки ҳодисаларнинг пайдо бўлиши) онтогенез ва тарихий генез шундай координатлар системасидир. Бундай ёндашиш акселерация феномени (ҳис-туйғу

<sup>1</sup> Рубинштейн С. Л. Проблемы общей психологи. М., 1976, 16-бет.

тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча) ни ҳисобга олиш имконини беради. Бу турли йилларда тадқиқ этилган болалар психикасининг ривожланишини қиёсий тарзда анализ қилишда айниңа муҳимдир.

Ривожланиш принципини қараб чиқилаётганда шу нарсани кўрсатиб ўтиш муҳимки, ёш психологияси ва педагогик психологияга доир олиб борилган тадқиқотларни амалга ошириш учун бир томондан — боланинг мана шу ўрганилаётган ёшдан олдинги даврига хос бўлган психик хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш талаб қилинса, иккинчи томондан — боланинг бундан кейинги ёш босқичларида ривожланиш тенденциялари тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлиш талаб қилинади. Ривожланиш принципини амалга ошириш деган сўз — бу боланинг психикасида содир бўлаётган, яъни аниқ мана шу қараб чиқилаётган ёш даврида боланинг психикасида шаклланаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот ўтказиш зарур деган маънони англатади. Буни эса одатда психик ривожланишнинг актуал даражасини аниқлаш ҳамда унинг яқин келажақдаги ривожланиш зонасини белгилаш, яъни унинг потенциал имкониятларини аниқлашга доир тадқиқот вақтида шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошириш мумкин бўлади.

Шу машғулотда тадқиқот методологияси методлари ҳамда тадқиқот методикаларининг бир бутунилиги тўғрисидаги масалани қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Психологик тадқиқотнинг методологик принциплари психикани диалектик-материалистик түшуниш позициясида туриб, боланинг психик ривожланишини ўрганиш учун асосий усул ҳисобланади. Шунинг учун бу масалани ўрганиш методи танланаётганда муайян методологик принципларга жавоб берадиган у ёки бу методнинг қай даражада фойдалари эқанлиги ҳисобга олинади. Психикани диалектик-материалистик позициядан туриб ўрганишни таъминлашда бир метод етарли бўлмаса, тадқиқот учун бошқа методлардан ҳам фойдаланилади. Чунончи, агар тадқиқотчи фақат кузатиш методи билан чекланиб қолган бўлса, у ҳолда бундай методнинг маълум камчилиги: кузатишнинг пассивлиги, ҳодисанинг аниқ сабабларини аниқлашнинг иложи бўлмаслиги, кузатишнинг қайта тиклаб бўлмай миқдорий ишлов бериш имкониятларининг чекланиб қолиши ва объективлик принципининг бузилиши хавфи пайдо бўлади. Шунинг учун тадқиқот ишларини планлаштираётганда методологик принциплар методларни танлашнинг ва уларни бирбирига қўшиб олиб боришнинг асосий мезони бўлиб майдонга чиқади.

Методика у ёки бу методнинг амалга оширилишида асосий инструмент сифатида тадқиқотнинг конкрет вазифасини бажарилишига воситачилик қиласди. Башарти планлаштириш босқичини тадқиқот мазмунининг назарий ишланмасига қиёс қилинадиган бўлса, у ҳолда методикаларни танлаш тадқиқот ўтказиш учун конкрет воситаларни аниқлаб олиш юзасидан бажариладиган иш босқичи ҳисобланади. Битта метод жуда кўп методикалар орқали

турмушга тадбиқ этилиши мумкин. Бунда уларнинг ҳар бирини одатда тор маънодаги вазифаларни ҳал қилиш учун тадбиқ этса бўлади. Чунончи, агар тадқиқотда суҳбат методидан фойдаланиш мўлжалланаётган бўлса, у ҳолда суҳбат программаси унинг ўз олдига қўйган мақсадига қараб, турлича бўлиши мумкин. Шунда бу мақсадли, муайян бир мавзудаги конкрет суҳбат бўлади. Бундай суҳбатни методика сифатида ҳам қараб чиқиш мумкин. Агар кузатиш методи баъзи ҳолларда темпераментнинг намоён бўлишини ўрганиш учун фойдаланилса, бошқа бир ҳолларда ундан шахснинг ташкилотчилик қобилиятларини ўрганиш учун фойдаланилади. Бундай пайтда тадқиқотларнинг ҳар бирида кузатиш программаси тадқиқот мақсадига бўйсундирилган бўлади ҳамда ҳар бири ўзича конкрет методикани ташкил қиласди.

Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг методологик принциплари анализ қилинар экан, бунда уларнинг тадқиқот методларини танлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишини айтиб ўтиш керак. Чунончи, ривожланишнинг олдинги босқичлари унинг кейингисига таъсирини ўрганиш ҳамда бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш механизмларини ўрганиш учун тадқиқотнинг лонгитюд стратегияси зарур бўлади. Бундай стратегия қулланилганда ўша синалаётган шахслар узоқ вақт мобайнида ўрганилади. Боланинг психик ривожланишидаги аниқ ёш нормасини белгилаш учун «кўндаланг кесимлар» деб аталадиган ҳамда лонгитюд методларини бирига қўшиб олиб бориш керак. Ўқитишининг ривожланиб борувчи самарасини аниқлаш учун кўпинча тадқиқотни ташкил этишнинг таққослаш-педагогик методларидан фойдаланилади. Боланинг психик ривожланиш резервларини аниқлаш вазифасига ўрганилаётган бола шахсига хос бўлган хусусиятларни унда актив ва мақсадга қаратилган ҳолда шакллантириб бориш стратегияси кўпроқ даражада мувофиқ келади. Шунинг учун ҳам тадқиқотларни ташкил этаётганда таъкидловчи ва шакллантирувчи методларни бирига қўшиб фойдаланиш олдиндан мўлжаллаб қўйилади.

Амалий машғулотлар ўтказишида ёш психологияси ва педагогик психологиянинг у ёки бу методининг ўзига хос хусусиятига ҳамда метод техникаси қай даражада эгаллаб олинганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бир томондан ёш психологияси ва педагогик психология предметининг ўзига хос хусусияти ҳамда иккинчи томондан мазкур фанлар методологияси белгилаб берган тадқиқот стратегияси — асосий методлар олдига ўз талабларини қўяди. Чунончи, кузатишни ташкил этиш тадбири олдига қўйиладиган талаблар ўрганилаётган ҳодисанинг характеристига, боланинг ёшига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Бу талаблар яна тадқиқотнинг қайси стратегияси «лонгитюди методими» ёки «кесма» сими, қайси бири амалга оширилганлигига қараб ҳам фарқланади. Мана шу талаблар тўғридан-тўғри ёки инструментал кузатиш олиб бориш, ёппасига ёки танлаб кузатиш олиб бориш, ҳар кунги ишларни ёзиб боришнинг кундалик формасини қўлланиш керакми ёки белгя-аломатлар жадвали ёрдамида ўр-

ганилаётган ҳодисаны рўйхат қилиб бориш усулидан фойдаланган маъқулми эканлигини белгилаб беради. Худди шу йўл билан ёш психологияси ва педагогик психологияда эксперимент методига ҳам алоҳида талаблар қўйилади (синалаётган кишиларнинг ёши қанчалик кичик бўлса, бу талаблар шунчалик қаттиқ бўлади):

— эксперимент вақтида бола бажараётган ишнинг қизиқарлилиги;

— эксперимент процедурасининг қисқа муддатлилиги;

— бир қанча ёш даврлари мобайнида рафбатлантирувчи материалнинг ўз мазмунига кўра доимилиги (ёки рафбатлантирувчи материаллар сериясининг ўз мазмунига кўра эквивалентларга ажратиб тузиб чиқилиши);

— эксперимент вақтидаги фаолият давомида бажариладиган ишнинг расмий жиҳатларини ҳамда рўйхатга олинадиган томонларини эгаллаб олишнинг осонлиги;

— ҳар бир эксперимент топшириғининг синалаётган киши учун мұваффақиятли яқунланиш имконияти (жуда бўлмаганда мұваффақиятлайдай бўлиб кўриниши).

Ёш психологияси ва педагогик психологияда суҳбат методининг ўзига хослиги ҳам худди шунингдек, мазкур фанлар ўрганидиган предмет томонидан белгиланади. Гарчи мазкур методга қўйиладиган талаблар расман умумий психологиядаги сингари бўлиб кўринса-да, аслида улар ўзгариб туради. Чунончи, болани ўрганишда синаловчилар билан алоқа ўрнатиш түгрисидаги талаб деғанда экспериментларнинг маҳсус маҳорати, яъни ҳар қандай бола билан тезда мулоқотга кириша олиши, умумий тил топа олиш маҳорати кўзда тутилади. Бу шундоқ ҳам тушунарлиdir, чунки бола қанчалик кичик бўлса, у одамлар билан мулоқотга киришиш усулларини шунчалик камроқ билади, унда ҳали зарур социал хатти-ҳаракатлар ҳам етарли даражада шаклланиб улгурмаган, ҳозирча мулоқот нормалари ўзлаштириб олинмаган бўлади.

Синалаётган кишиларнинг жавобларини ёзib боришга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгаради: жавобларни экспериментаторнинг ўзи ёзib бориши ёки боланинг кўзи тушиб турган ва бола катта қизиқиш билан қарайдиган техника воситалари ёрдамида ёзib боришга йўл қўйилмайди.

Ҳар бир амалий машғулотга доир уй вазифаси кўзда тутилган. Бундай уй вазифаларида студентлар машғулотга тайёргарлик кўраётганларида танишиб чиқишлиари лозим бўлган адабиётлардан ташқари яна амалий ишларни бажариш ҳам: тадқиқот программасини тузиб чиқиши, тадқиқотлардан парчалар танлаш, кузатишлар, экспериментлар, суҳбатлар ва шунга ўхшаш тадбирларнинг протоколларини анализ қилиб чиқиши ҳам кўзда тутилади.

Амалий машғулотни қўйидаги тартибда ташкил этиш мумкин: биринчидан, студентлар бажарган уй вазифаларининг анализини ўтказиш; иккинчидан практикумда мавжуд бўлган топшириқлар

ни бажариш. Бу топшириқларни коллектив бұлиб бажариш, так-лиф этилган эксперимент вазиятларининг анализи ва муҳокамасини ташкил этиш мүмкін, шунингдек, бу топшириқлардан студентларга бериладиган индивидуал вазифа сифатида ҳам фойдаланиш ва кейинчалик машғулотларда ўша топшириқнинг қай даражада тұғыр бажарылғанligini текшириб чиқиш ҳам мүмкін.

Топшириқлар шундай тузиб чиқылғанки, улар нафақат у ёки бу методни шакллантириш имкониятini беради, шу билан бирга кузатиши, эксперимент, суҳбатларнинг ва шу сингари тадбирларнинг программасини тузиш малакасини ҳам, ҳосил қилинган фактik материални илғаб олиш малакасини, шунингдек, құлға киристилған фактларни анализ қилиш ва интерпретациялаш имкониятini ҳам беради. Бундан ташқари, топшириқларда умуман ўша топшириқнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган тадқиқотларни ташкил этишга катта ўрин берилади. Шунинг учун методнинг ҳар бирини бутун тадқиқот системаси давомида қараб чиқыш таклиф этилади: бунда ўша методнинг қай даражада мақсадға мувофиқлиги, методологияк принципларга жавоб береди, унинг камчиликларини конкрет тадқиқотларда қандай тұлдириш ўрганиб чиқылади.

Ҳар бир амалий машғулот учун етарлы миқдорда топшириқлар берилади. Шунинг учун ўқытуvчи у ёки бу студентлар групласыда қандай топшириқни бажариш мақсадға мувофиқроқ деб ҳисобласа, ўша топшириқни танлай олиш имкониятiga әгадир.

Еш психологияси ва педагогик психология курсини ўрганишда студентларнинг үзлери мустақил олиб борадиган тадқиқотларни ҳам ташкил этиш мүмкін. Бундай тадқиқотлар педагогик практика даврида ҳам ўтказилиши мүмкін. Практикумда саккизта темага доир ўқув тадқиқотлари ташкил этиш методикасига оид материаллар берилған. Дастлабки бешта мавзуу ўқувчи шахсини ўрганиш методикасига бағищланди. Бунда турли ўқув-тарбия вазифалари: паст (юқори) үзлаشتiriшга эришиш сабабларини аниқлаш, ўқувчини касб танлашга йүллаш ва үнга касбга оид консультациялар бериш учун ўқувчини ўрганиш, уни синф колективининг ташкилотчиси сифатида ўрганиш, мектебгача тарбия ёшидаги болани у мектебда ўқыш учун қай даражада тайёр эканлигини аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқыш назарда тутилади.

Олтинчи тема — синф колективини ўрганиш ва унинг психологияк-педагогик характеристикасини тузишдан иборат.

Иккى тема дарс анализига бағищланади: улардан бири ўтказылған дарс конспектини психологик жиҳатдан асослаш табири сифатида бажарылади, иккىнчisi эса — дарс ўтганидан кейин уни психологик анализи сифатида бажарылади.

Ўқув тадқиқотларидан мақсад — ўқувчиларни, коллективни, ўқув жараёнини, психологик жиҳатдан ўрганиш асосида касбга оид вазифаларни ҳал қилиш күникмасини шакллантиришдан, яъни илмий асосланған, ўқувчиларни психологик жиҳатдан ўрганиш вақтида олинған фактлар асосида ўқув-тарбия жараёнига

таъсир кўрсата олиш кўниумасини шакллантиришдан иборатdir. Ушбу мақсад студентларни ўқув тадқиқотларини ташкил қилинг айётганда улар олдига қўйиладиган қўйидаги вазифаларда узининг аниқ ифодасини топмоғи керак: а) тадқиқотни унинг мақсадлари ва гипотезаларига мувофиқ тарзда планлаштиришга ўргатиш; б) зарур метод ва методикаларни танлай олишга ўргатиш; в) тадқиқотниг методик мазмунини асослаб беришга ўрганиш ҳамда фактик материал йиғиши учун танланган методлар ва тадқиқотни ташкил этиш модели унинг олдига қўйилган вазифани ҳал қилиш, олға сурилган гипотезаларни текшириб чиқиш имконини беражагини исбот қилиш.

Тадқиқотниг программаси унинг вазифаларига мувофиқ рашида планлаштирилмоғи керак. Практикумда зарур назарий маълумотлар ва методик материаллар топиш мумкин бўлган адабиётлар кўрсатиб ўтилган.

Мустақил равишда бажариладиган ўқув тадқиқотларининг босқичлари:

1. Тадқиқот предметини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш.
2. Ўрганиш обьекти (ўқувчи ёки синф) туғрисида олдиндан маълумотларни йиғиб бориш ҳамда гипотезаларни ифодалаш, уларни кейинчалик тадқиқотда текшириб кўриш.
3. Тадқиқот вазифасини белгилаш, тадқиқотни планлаштириш, уни ўтказиш методикасини танлаш.
4. Тадқиқотни ўтказиш.

5. Олинган фактларни анализ қилиш ҳамда тадқиқот гипотезасига мувофиқ уларни интерпретация қилиш.

Практикумда бажарилган иш туғрисида ёзиладиган ҳисоботнинг схемалари берилган, уларда студентларнинг ўқув тадқиқотлари олдига қўйиладиган асосий талаблар қандай бўлиши кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Студентларни мана шу схемалар билан таништирилаётганда тадқиқотлар вақтида олинган маълумотлар асосида ўқувчи ёки синф билан олиб бориладиган бундан бўёни ишлар учун тавсиялар тузиб чиқишига алоҳида эътибор бериш керак.

## Семинар ва амалий машғулотларнинг планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

**Еш психологияси ва педагогик психологияда методология, метод, методика ва уларнинг нисбатлари**

1. Психологик тадқиқотниг методологик асослари ва уларнинг ёш психологияси ҳамда педагогик психологияда амалга оширилиши (детерминизм принципи, психика ва фаолият бирлиги, ривожланишнинг объективлиги).

2. Ёш психологияси ва педагогик психологияда тадқиқотларни ташкил этиш методлари.

3. Ёш психологияси ва педагогик психологияда фактик материал тұплаш методлари ва методикасі.

4. «Кузатиши методи» деган мавзудаги машғулотта мустақил рационалды тайёртарлап күриш учун топширик.

### 1-топширик

Үқувчиларнинг үқув фаолиятидаги уюшқоқлигига оид үзига хос хусусиятларни аниқлаш мақсадида кузатиши машғулоти үтказилади. Бунда қойидағи вазияттар танлаб олинади: а) үқув машғулоти үтказиладиган жойни дарсга тайёрлаш; б) математика ёки рус тили, жисмоний тарбия ёки меңнат дарсіда үқитувчи томонидан берилген синф топшириқлардан бирини бажариш; в) истаган иккى үқув предмети бўйича уйга берилган вазифани бажариш.

### Саволлар

- Нималар кузатиши предмети ҳисобланади?
- Программа кузатишининг мақсадига мувофиқ келадими?
- Мазкур тадқиқотда қандай кузатиши туридан фойдаланилади?
- Уюшқоқликнинг яна қандай параметрларини кузатиши программасига қўшимча киритиш мумкин?

### Кузатиши схемаси

Кузатиладиган вазият	Топширикка мувофиқ көләмдеги вазияттың болжарайна киринишидиган ылдату	Топширикниң маъмурини	Асосий фаолият нақти	Чаржаш нақти	Чаржаш маъмурини
Иш жойини дарсга тайёрлаш Математика ёки рус тили дарсіда үқитувчи бергап топшириқлардан бирини бажариш Жисмоний тарбия ёки меңнат дарсіда үқитувчи бергап топшириқлардан бирини бажариш Уйга берилган вазифани бажариш					

5. Шаклланиб бораётган шахс хусусияти сифатида ўқувчиларнинг уюшқоқлиги тўғрисидаги ўзига хос жиҳатлар тўғрисида тасавур ҳосил қилмоқ учун кузатишлар ўтказишининг вақт графиги қандай бўлмоғи керак?

### 3-топшириқ

Кузатиш ўқувчиларнинг математика, география, рус тили дарсларидағи билим олишга бўлган қизиқишларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Схемада билишга оид қизиқишларнинг намоён бўлишининг шундай турлари кўрсатилганки, уларда кузатишларнинг ҳар бир вазиятини ёзиб олиш ва белгилаб қўйиш мўлжалланган.

Билишга қизиқишининг пайдо бўлиши	Кузатилаётган ўқувчиларда билишга қизиқишининг хусусиятларим
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Эмоционал жавоб (нимага?)</li> <li>2. Фикрни бир нуқтага тўплаш, фаолият жараёнгага берилib кетиш (бошқа ишларга чалгиш, қачон?)</li> <li>3. Проблемали масалаларни ва бошқа муаммоларни муҳокама қилишда уз ихтиёри билан иштирок этишга бўлган интилиш</li> <li>4. Бутун дарс мобайнидаги активлик</li> <li>5. Ўқитувчига (ўртоқларига) берган саволларни</li> <li>6. Эркин бажариладиган топшириқларни танлаб олиш</li> <li>7. Муваффақиятга нисбатан—қувноқлик, муваффақиятсизликка нисбатан фамилийк реакцияларининг адекватлилиги</li> </ol>	

### Саволлар

1. Мазкур кузатиш программаси орқали билишга қизиқишининг қайси томонларини аниқлаш мўлжалланади?

2. Кузатиш учун белгиланган ҳар бир ишни программада конкретлаштириб қўйиш керакми (масалан, мимикага ва ҳаракатли жонланишга нисбатан, нутқ реакцияси ва шунга ўхшаш ҳолларга нисбатан эмоционал жавобни конкрет тарзда программада кўрсатиб қўйиш шартми?)

### 3-топшириқ<sup>1</sup>

Лена деган (етти яшар) қизалоқнинг хулқ-авторини икки бор параллел тарзда кузатиш натижалари ифодаланган қўйидаги ёзувларни кўринг.

\* Г. И. Шчукинанинг «Методы изучения и формирования познавательных интересов учащихся» деган мақолосининг материаллари асосида тайёрланган («Формирование познавательных интересов школьников» / Г. И. Шчукина таҳрири остида.— Л., 1968).

<sup>1</sup> Басов М. Я. Избранные психологические произведения.— М., 1975.

Акт номери	I Кузатувчи	II Кузатувчи
1	Раҳбар опа болаларни овқатга чақирди.	Нина: «Лена, келиб жойингга ўтири», — деб чақирди.
15	Лена секин-аста ўрнидан турди. Кружкани индамасдан қўлига олди. Ундаги чойни қошиқ билан аралаштириди.	Лена дарров кела қолмайди. У навбатчи билан қисқа вақт ниманидир гаплашади, шовқин-сурон туфайли унинг гапи эшитилмайди. Витяга қараб алданималар дейди..
21.	Ўрнидан турди, стол атроғидаги болаларга бир қараб қўйди, боғча опага яқинлашиб: «Нон» — деди.	Ўрнидан туриб, шу жойда қимирламай қолди; <sup>93</sup> столига ва кўшини столларга бир-бир қараб чиқди. Тарбиячига яқинлашиб ундан нон сўради.
22.	Яна бир неча болаларнинг нон сўраган овозлари эшитилди ва раҳбар опа қайтарэда илтимос қилиш кераклигига болалар эътиборини қаратди-да: «Нима дениш керак эди?» — деб сўрайди. «Опажон, менга нон беринг», — дейди Лена.	Тарбиячи Ленанинг ёнига яқинлашиб келган вақтда у тарбиячига қараб: «Опажон менга нон беринг», — деган илтимос билан мурожат қиласди.
24.	Бор овози билан «Раҳмат» — дейди.	Лена тарбиячи ёнига келиб се-кингина «Раҳмат» — деб қўяди.

## Саволлар

- Кузатиш натижалари ёзилган ёзувларни таққослаб, уларнинг фарқини ва ундаги бир-бирига зид бўлган фикрларни топинг.
- Турли кузатувчиларнинг бир хил хатти-ҳаракатлар туғрисидаги ёзуvida мавжуд фарқлар сабабини ва улардаги қарамакарши фикрларни изоҳлаб беринг.
- Кузатилаётган фактлардаги учрайдиган хатоларни қандай усуслар билан йўқотиш мумкин?

## 4-топшириқ<sup>1</sup>

Қўйидаги икки кузатувчининг Тоня деган (бир ёш-у етти ойлик) қизчанинг хулқ-атворини кузатиш вақтида ёзиб борган ёзувларини бир-бирига таққосланг.

I кузатувчи: «Орқага қайтиб югуриб келаётган қизча бочка ёнига келганда акасининг ёзиб ташланган дафтарини топиб олди, тез ва кучли ҳаракатлар қилиб ярмигача ёзилган уч варақни йиртиб олди ҳамда варақ ушлаган қўлини олдинга узатган ҳолда кутариб:

\*Басов М. Я. Избранные психологические произведения. — М., 1975, 89-бет.

«Вв-вва-вва» деб ва яна алланималарни (гүё нималарни дир овоз чиқариб ўқиётган кишидек) тақрорлади. Үннинг юз ифодалари бир нұқтага қаратылған — юз ифодалари жиғдий күриниша зди. Каравотча ёніга келиб тұхтайди, аллақандай құйларни айттың каравотчаны бир томондан иккінчи томонға бир маромда төбратада бошлайды».

**II кузатувчи:** «Бочка ичидаги ўйинчоқлар орасидан дафтартынан чиқариб олади, гүё ундаги ёзувларни ўқиётган киши қиёғасига киради».

### Саволлар

1. Кузатувчилар ўзлари кузатған фактларни баён әтганды қайси ёзув түрларидан фойдаландылар?

2. Баён әтилған ҳодисаларнинг қайси турдаги ёзувлари құлланилған вактта күпроқ объективликка ҳамда ахборот түплашға эришилді?

**Асеев В. Г.** О диалектике детерминации психического развития. // Принцип развития в психологии.— М.: Наука, 1978, 21—38-бетлар.

Возрастная и педагогическая психология / под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979, 5—19-бетлар.

**Даниличева Н. А.** Методы психологического исследования школьников в практике учителей 20—30-х годов // Вопросы психологии.—1976, 5-сони, 143—147-бетлар.

**Костюк Г. С.** Принцип развития в психологии // методические и теоретические проблемы психологии / Под ред. Е. В. Шороховой.— М.: Наука, 1969, 118—148-бетлар.

**Логинов И. И.** Имитационное моделирование в психолого-педагогических исследованиях // Вопросы психологии.—1980, 6-сони, 60—73-бетлар.

### Иккінчи машғулот (амалий)

#### Кузатиш методи

Мазкур машғулотта тайёргарлық күриш давомида студентларнинг дикқат-әзтиборини кузатыш методининг умумий характеристикасига ҳамда ёш психологияси ва педагогик психологияда унга құйиладылған талабларга бағишенған адабиёттарни мустақил равища үрганиш зарурлигига; болаларни үрганиш учун психологияға оид адабиёттар орасидан мисоллар танлаш йўли билан кузатыш методидан фойдаланиш кераклигига; 30—45 минут мобайнида болалар (ёки тенгдошлар) ни кузатыб, уларни кузатыш методи талабларига мувофиқ равища ташкил этиш зарурлигига қаратылади.

Мустақил равища үрганилған адабиёттарни ҳамда бажарылған топшириқтарни мұхомама қилиш машғулот пайтида қуйидаги план асосида үтказылади.

1. Кузатиши методининг характеристикаси ҳамда ёш психологияси ва педагогик психологияда ундан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Кузатишининг предмети, мақсади ва схемаси.
3. Кузатиладиган фактларни рўйхатга олиб бориш усуллари.
4. Кузатиши материалларини таҳлил этиши ва интерпретация қилиш.

5. «Эксперимент методи» деган машғулотга мустақил тайёргарлик кўриш учун топшириқ бериш.

**Басов М. Я.** Избранные педагогические произведения.— М., Педагогика, 1975, 27—183- бетлар.

Возрастные особенности воли школьников / Пед. ред. В. И. Селиванова.— Рязань, 1971, 50—54, 76—85- бетлар.

**Высотский А. И.** Волевая активность школьников и методы её изучения.— Челябинск, 1979.

**Менчинская Н. А.** Развитие психики ребенка (Дневник матери).— М.: АПН РСФСР, 1955.

Опыт системного исследования психики ребенка / Под ред. Н. И. Непомнящей.— М.: Педагогика, 1975, 126—132, 152—160- бетлар.

**Петроченко Г. Г.** Развитие детей 6—7 лет и подготовка их к школе.— Минск: Вышешшая школа, 1975, 100—101, 124, 139—140- бетлар.

Формирование познавательных интересов школьников / Под ред. Г. И. Шчукиной.— Л.: Изд-во ЛГПИ им. А. М. Герцена, 1968, 85—127- бетлар.

**Якобсон С. Г., Прокина Н. Ф.** Организованность и условия её формирования у младших школьников.— М.: Просвещение, 1976, 104—105, 161—162- бетлар.

### Учинчи машғулот (амалий)

#### Эксперимент методи

Мазкур машғулотга тайёргарлик кўришда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим:

1. Эксперимент методининг умумий характеристикаси ва ёш психологияси ҳамда педагогик психологияда психологик экспериментга нисбатан қўйиладиган талаблар.

2. Психологик экспериментнинг структураси (экспериментатор, синаувчи кишилар, гипотеза, план, йул-йуриқ, тажрибанинг бир-бирига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган, ўзгарувчан, назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган шарт-шароитлари).

3. Экспериментал тадқиқотнинг асосий босқичлари (гипотезани илгари суриси, методикани танлаш, экспериментни планлаштириш, экспериментни ўтказиш, олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, анализ қилиш ва интерпретация).

4. Ёш психологияси ва педагогик психологияда ўтказиладиган экспериментнинг асосий турлари (лабораторияда, табиий, педагогик-педагогик усулда ўтказиладиган экспериментлар) ҳамда уларнинг қиёсий характеристикаси.

Үрганилган адабиётлар ва бажарилган топшириқларни анализ қилиш асосида машғулот пайтида қўйидаги масалаларнинг муҳокамасини ўтказиш.

1. Эксперимент тадқиқот ўтказиш гипотезасига қўйиладиган талаблар.

2. Экспериментал тадқиқот ўтказишнинг адекват методикаларини таълаш.

3. Экспериментни планлаштириш.

4. Ёш психологияси ва педагогик психологияда экспериментнинг ҳар хил турлари тузилишини анализ қилиш ва уларга баҳо бериш.

5. «Анкета ва тест методлари» деган машғулотни ўтказишга мустақил тайёргарлик куриш учун топшириқ.

### 1-топшириқ

Мактабгача ёшдаги (4 ёшдан 7 ёшгacha бўлган) болаларга эксперимент вақтида үрганиш учун 15 та сўз ўқиб берилди ва болалардан ўша сўзларни қайта талаффуз қилиб бериш сўралди.

Сўнгра ўша болаларга (айрим предметлар тасвири ишланган) расмлар набори тақдим этилди, айтилган ҳар битта сўзни (бу сафар энди бошқа сўзларни) эслатиб қолиш ҳамда мазкур сўзни эсда яхшироқ сақлаб қолишга ёрдам берадиган тегишли расмни курсатиш таклиф қилинди. Кейин эса расмлар олиб қўйилиб, болаларга энди бояги сўзларни расмни кўрмай туриб тақрорлашни таклиф қилинди.

Тўрт яшар' ва етти яшар болалар учун инструкция тузиб чиқинг.

### 2-топшириқ

Вербалъ вариантида «Ортиқчасини олиб ташлаш» методикаси асосида тафаккурни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин бўлган синаловчиларнинг минимал ёшини курсатинг:

— қартайган, кексайган, қувватдан кетган, кичкина, мункиллаган.

— жасур, айёр, қўрқмас, баджаҳл, кескин.

### 3-топшириқ

Тадқиқотчи олдида лабораторияда эксперимент ўтказиш йўли билан II, IV ва VI синф ўқувчиларнинг сўзлари ҳамда кўргазмали материалларни классификация қилишдаги ўзига хос педагогик хусусиятларини үрганиш вазифаси турар эди. Эксперимент бир хил схема бўйича ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тадқиқот

олиб бориш тарзида ўтказилди. Болага тасодифий тарзда сочилиб ётган  $6 \times 6$  размердаги матрицалар шаклидаги айрим предметлар (соатлар, чизгич, термометр, велосипед, қайиқ, трамвай ва ҳоказолар) тасвири туширилган 36 та расм тақдим этилди. Синалаётган боладан уша боланинг нуқтаи назари бўйича нимаси биландир бир-бирига ўхшаш расмларни танлаб олиш сўрадиди (бунда у бола нечта расмни олишини хоҳласа, шунча олиши мумкин). Бола расмларни группалаштириб бўлгач, ундан танлаб олинган расмлар нимаси билан бир-бирига ўхшаш эканлигини изоҳлаб беришни сўрайдилар. Сунгра навбатдаги болалардан қолган расмларни танлаб группалаш таклиф қилинади. Группалаш ишлари материални тўла классификация қилиб чиқилгунича давом этирилади.

Тажрибанинг биринчи қисми тамом бўлгач (орада 30 минутлик танаффус қилиб олингач), болага карточкаларга 36 сўз ёзиб чиқилган набор тақдим этилади. Шунингдек боланинг олдига  $6 \times 6$  катталиктаги матрицалар шаклида тасодифий тартибда жойлаштирилган, юқорида баён этилган топшириққа ўхшаган ишларни бажариш вазифаси қўйилади.

### Саволлар

1. Эксперимент баёнини анализ қилиб чиқинг ва эксперимент натижасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қўйидаги: а) боғлиқ бўлмаган ўзгарувчан, б) тахмин қилинадиган боғлиқ бўлган ўзгарувчан, в) назорат қилинмайдиган шарт-шароитларни ажратиб кўрсатинг.

2. Юқорида баён этилган эксперимент схемасидаги мунтазам хатоларга олиб келиши мумкин бўлган асосий камчилик нимадан иборат?

3. Экспериментни ташкил этишнинг мунтазам хатолардан ҳоли бўлган бошқа яна эҳтимол тутилган вариантини таклиф қилинг.

**Асинин В. И.** Об условиях надёжности психолого-педагогического эксперимента // Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии / Под ред. И. И. Ильясова, В. Л. Ляудис.— М.: Изд-во МГУ, 1980, 220—228- бетлар.

Возрастная и педагогическая психология / под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979, 19- бет.

**Грабарь М. И., Краснянская К. А.** Применение математической статистики в педагогических исследованиях: Непараметрические методы.— М.: Педагогика, 1977, 26—29- бетлар.

**Лазурский А. Ф.** О естественном эксперименте// Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии / Под Ред. И. И. Ильясова, В. Л. Ляудис.— М.: Изд-во, МГУ, 1980, 6—8- бетлар.

**Мельников В. М., Ямпольский Л. Г.** Введение в экспериментальную психологию личности.— М.: Просвещение, 1985, 7—102- бетлар.

Общая психология / под ред. В. В. Богословского, А. Г. Ковалёва, А. А. Степанова.— М.: Просвещение, 1981, 36—38- бетлар.

Рамуль К. А. Введение в методы экспериментальной психологии.— Тарту, 1966, 3—41, 295—308- бетлар.

Теория и практика педагогического эксперимента / Под ред. А. И. Пискунова, Г. В. Воробьёва.— М.: Педагогика, 1979, 27—87- бетлар.

Экспериментальная психология / Под ред. П. Фресса, Ж. Пиаже.— М., Прогресс, 1966.— Вып. I и II.— 99—155- бетлар.

### *Тұртнинчи машғулот (амалий)*

Анкета тарқатиш ва тест-топшириқ бериш методлари

#### **Машғулотта тайёргарлик күриш**

Тавсия этилган адабиётлар билан танишиш жараёнида қуидагиларга әльтібор бериш керак: а) анкета ва тест-топшириқтар тузишга құйиладиган асосий талаблар; б) анкета тарқатиш ва тест-топшириқ беришнинг асосий қоида ва принциплари; в) анкета ва тест-топшириқтарни классификация қилиш принциплари, г) ёш психологияси ва педагогик психологияда анкеталар ва тест-топшириқтардан фойдаланишиннг үзига хос хусусиятлари.

#### **Машғулот утказиш**

1. Ёш психологияси ва педагогик психологияда құлланиладиган анкеталарнинг анализи.

2. Ёш психологияси ва педагогик психологияда құлланиладын тест-топшириқтарнинг анализи.

3. «Сұхбат методи» деган машғулотта мустақил тайёргарлик күриш учун топшириқ бериш.

Анастази А. Психологическое тестирование.— М.: Педагогика, 1982.— Кн. I.— 31—50- бетлар.

Диагностика умственного развития дошкольников / Под ред. Л. А. Венгера и В. В. Холмовский.— М.: Педагогика, 1978, 7—54- бетлар.

Методы педагогических исследований / Под ред. А. И. Пискунова, Г. В. Воробьёва.— М.: Педагогика, 1981, 139—158, 159—214-бетлар.

Психологическая диагностика: Проблемы и исследования / Под ред. К. М. Гуревича.— М.: Педагогика, 1981, 5—48, 74—78, 197—216- бетлар.

Ядов В. А. Социологическое исследование: Методология, программа, методы.— М.: Наука, 1972.

## 1-топшириқ

Құйнда көлтирилаётган анкетани анализ қилиб чиқинг ҳамда у *нималарни* баҳолаш имконини бериши мүмкінligини, анкета саволлари кимларга мұлжалланғанligини аниқланғ. Анкетадаги саволлардан ҳар бирнега жавобларнинг учтадан вариантини тай-еерлаб келишни таклиф қилинг (бошқача қилиб айтганда мазкур анкетани стандартлаштирилған анкетага айлантириң); анкеталастириш натижаларини сифат ва миқдор жиҳатдан ишлаб чиқыш усулларини таклиф қилинг.

## АНКЕТА

1. Ўқувчи узоқ муддат ақлий меңнат билан шуғулланадиган ҳоллар тез-тез бұлғын турадими?
2. Ўқувчига «топшириқ» юзасидан саволлар берилганды бола күпроқ қандай жавоблар беришни маъқул күради?
3. Ўқувчи құшимча адабиётларни күплаб үқийдими?
4. Ўқувчи ақлий меңнат билан боғлиқ ва ўзи учун қизиқарли ҳисобланған машғулотта қай даражада ҳис-ҳаяжон билан муносабатда бұлади?
5. Ўқувчи тез-тез савол беріб турадими?<sup>1</sup>

## 2-топшириқ

Саволларнинг ишончлилигини ошириш учун асосий саволлар рўйхатига яна бир қанча саволлар қўшиб қўйилади. Бу құшимча саволлар одамларнинг асосий саволларга бераётган жавоблари қай даражада самимий эканлигини баҳолаш имконини беради. Қўйида мана шу «ёлғонлар шкаласи»га киравчи саволларнинг бир қисми келтирилади. Болаларбоп қилиб тузилған ушбу саволлардан мақсад темпераментнинг икки хусусиятини: экстраверция — интроверция билан эмоционал ностабилликни аниқлаб олишдир (экстраверция — бу шахснинг теварак-атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиши. Бу — қизиқишларнинг субъектдан ташқаридаги объектга кўчиши демакдир. Интроверция — бу шахснинг ўз фикрлари, сезиглари, кечинмалари ва ҳистайтуғуларига таяниши).

1. Сенинг жуда жаҳлинг чиқиб, тажанглигинг тутиб турадиган пайт бұладими?
2. Ҳар доим буюрилған ишларнинг ҳаммасини дархол сенга айтилганидек бажарасанми?
3. Сен қағон бұлса ҳам мактабда хулқ-атвор қоидаларини бузғанмисан?
4. Сен қағон бұлса ҳам бирор марта ёлғон гапирғанмисан?
5. Сен катталар буюрган ишни ҳар доим ҳам бажарасанми?

<sup>1</sup> Жавобларни қўйидаги китобдан қаранг: Юркевич В. С. Светлая радость познания.— М., 1977, 27-бет.

6. Ўйда хўжалик ишларида сендан ёрдам беришни сўраганла-  
рида қандайдир бир сабаб билан уни бажара олмай қолган вақт-  
ларинг бўлганими?

7. Гоҳо-гоҳо мақтанчоқлик қилиб қўйишни ёқтирасанми?

8. Агар синфда ўқитувчи бўлмаса, баъзан шовқин соласанми?

Мана шу келтирилган саволларни анализ қилиб чиқинг ҳам-  
да уларни нима сабабдан «ёлғончилик шкаласи»га ташлаб олин-  
ганига асос бўлган сабабларни изоҳлаб беринг. Ўзингиз ҳам  
«ёлғончилик шкаласи» учун бешта савол таклиф қилинг.

### *Бешинчи машғулот (амалий)*

#### *Суҳбат методи*

#### *Машғулотга тайёргарлик кўриш*

Адабиётларни ўрганиш ва бундан бўёнги суҳбат планини ту-  
зишда қўйидаги моментларга эътибор бериш керак:

1. Суҳбат методининг афзаллик ва камчиликлари.

2. Суҳбатнинг мазмуни (суҳбат планининг мавжудлиги, суҳ-  
бат планининг тадқиқот мақсадларига мувофиқ келиши).

3. Суҳбатни ташкил этиш (синаалувчи кишилар берган жа-  
вобларни ёзиб бориш усуслари, бир хилдаги тадқиқотларда ҳар  
хил синаалувчи кишилар билан ўтказиладиган суҳбатнинг мазму-  
ни ва плани).

4. Синаалувчи кишилар берган жавобларни анализ қилиш.

Суҳбат методидан фойдаланиб ўтказилган тадбирлардан ми-  
соллар келтириш.

Вопросы психологии личности школьника /Под. ред. Л. И. Бо-  
жович, Л. В. Благонадежиной.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1961,  
170—187- бетлар.

Генетические проблемы социальной психологии / Под. ред.  
Я. Л. Коломинского, М. И. Лисиной.— Минск: Изд-во БГУ, 1985,  
139—147- бетлар.

Обухова Л. Ф. Этапы развития детского мышления.— М., Изд-  
во МГУ, 1972, 41—70- бетлар.

Славина Л. С. Дети с аффективным поведением.— М.: Про-  
свещение, 1966, 55—61, 72—74, 98—113- бетлар.

#### *Машғулотнинг ўтказилиши*

1. Ёш психологияси ва педагогик психологияда суҳбатпинг ха-  
рактеристикаси.

2. Тадқиқот программасидаги суҳбатнинг мақсади.

3. Тадқиқот методи сифатида суҳбатларнинг анализи.

4. «Фаолият маҳсулини ўрганиш методи» деган машғулотга  
мустақил тайёргарлик кўришга топшириқ бериш.

## **1-топшириқ**

Тадқиқотчи сұхбат<sup>1</sup> жараёнида үқувчилардан олинган жавобларни таҳлил қилиб чиққаң, қуйидагича умумлашмалар ҳосил қиласы:

— кичик ёшдаги мактаб үқувчилари Никольенканинг барча асосий хатти-ҳаракатларини ажратиб күрсатадилар;

— ҳар бир хатти-ҳаракатта салбий баҳо берадилар, чунки Николенъка қила олмайдиган ишларни бажарған әди;

— бундай хатти-ҳаракатни нима сабабдан қилингандыгини ажратиб күрсатмайдилар;

— хатти-ҳаракат фактининг үзини ҳамда унинг ахлоқ-одоб нормасига қай даражада мувофиқ келишини ажратиб күрсатадилар;

— қаҳрамоннинг үзи бундай салбий ҳаракатлардан изтироб чекишини ҳисобга олмайдилар.

## **Саволлар**

1. Тадқиқотчи үтказадиган сұхбатнинг мазмуни, мақсади ва умумлашмаларини қиёслаб күринг.

2. Олинган умумлашмаларни кичик ёшдаги мактаб үқувчиларига хос бұлған хатти-ҳаракатларни баҳолашнинг үзига хос хусусиятларини лозим даражада характерлаб бера оладиган омил сифатида қай даражада қараб чиқиши мүмкін?

3. Сұхбат методи ёрдамида мазкур тадқиқот давомида олинған натижаларнинг ишончли бұлишини қандай шароитларда амалға ошириш мүмкін?

## **2-топшириқ**

**Тадқиқотнинг мақсади:** үқувчиларнинг аффектив, яъни салбий изтироблари ҳамда шунга яраша, хулқ-атворнинг тегишли формалари вужудға келиш сабабларини аниқлаш. Бунда үзига-үзи баҳо бериш методининг хусусиятлари белгилаб берилған эксперимент методи билан бир қаторда сұхбат үтказиш методидан ҳам фойдаланилди.

**Сұхбатнинг мақсади:** бола синфда ким бұлишини исташини (бунда синфда болага берилдиган жамоат топшириғи назарда тутилади) ва нима учун у бунга интилишини аниқлаш.

<sup>1</sup> Дубровина И. В. Психологический анализ оценки поступков подростками // Вопросы психологии личности школьника / Под ред. Л. И. Божович, Л. В. Благонадежиной.—М., 1961.

\* Бу топшириқ қуйидаги китобдан олинған материаллар асосида тайёрланған: Славин Л. С. Дети с аффективным поведением.— М., 1966.

## 1- ПРОТОКОЛ

- Экспериментатор  
— Хўш, болалар сени сайлашармикин?  
— Сен ўзинг нима деб ўйлайсан?  
— Ўзинг сайлашларини хоҳлармидинг?  
— Сайлашмаса, хафа бўлармидинг?  
— Очигини айт, бошқаларни сайлашса-ю, сени сайлашмаса бирибир алам қиласкерак-а?
- Шурик А., 3- синф  
— Билмадим.  
— Билмайман, сайлаши ҳам, сайлашмаслиги ҳам мумкин.  
— Умуман майли эди, аммо унчалик хоҳламаётиман.  
— Йўқ, менга нима, менга шундай юрганим яхши.  
— Нимага алам қилиши керак, ахир мен сайлашларини унчалик хоҳлаётганим йўқ-ку.

## 2- ПРОТОКОЛ

- Экспериментатор  
— Болалар сени сайлашадими?  
— Ким бўлишни хоҳлардинг?  
— Нима учун?  
— Команда бера оласанми?  
— Хўш нималарни қила оласан?  
— Гапингга киришмаса-чи?
- Галя Т., 3- синф  
— Билмайман.  
— Мен юлдузча командири ёки ётоқхонамиз бошлифи бўлишни истайман.  
— Команда беришни яхши кураман.  
— Албатта, бера оламан.  
— Болаларни сафга турғиза оламан, ҳамма болаларнинг айтилган ишларни қилиши — пол ювиши, нарсаларни йифишириб қўйиши кераклигини айта оламан.  
— Киришади, бошлиқнинг гапини икки қилмасликлари керак, мен уларга буюраман.

## 3- ПРОТОКОЛ

- Экспериментатор  
— Сени сайлашларини хоҳлармидинг?  
— Хеч ким қилиб сайлашмаса, сен хафа бўлмайсанми?
- Женя В., 3- синф  
— Умуман, истар эдим, лекин мен ёмон ўқийман, мени сайлашмайди.  
— Нега хафа бўлишим керак. Ўзи ўйнагани вақтим етмаяпти-ку. Мен звено бош-

- Хўш, сени ким қилиб сайлашларини хоҳлардинг?
- Мабодо сени сайлаб қўйинишса-чи?
- Ишлай олармидинг?
- лиги бўлишни унчалик хоҳламайман.
- Ҳеч қандай ишга сайлашларини хоҳламайман. Менга интернатда шундоқ ҳам яхши, маза қилиб яшаеман.
- Мен буни унчалик истамасдим. Борди-ю, сайлашса, ишлаган бўлардим.
- Звено боцлиғи бўлиб ишлай олардим, бу қийин эмас.

### **Саволлар**

1. Суҳбат протоколида олдиндан программалаштириб қўйилган ва суҳбат давомида пайдо бўлган саволларни ажратиб курсатинг.
2. Тадқиқот ва суҳбатнинг мақсадини, суҳбат программасини таққослаб кўринг.
3. Программа ва суҳбат ўтказишнинг бориши ушбу метод қўядиган талабларга жавоб берадими?
4. Суҳбатнинг мақсадига мувофиқ олинган натижаларни умумлаштириб чиқинг.

### *Олтинчи машгулот (амалий)*

#### *«Фаолият маҳсули» ни ўрганиш методи*

##### **Машғулотга тайёргарлик кўриш (мустақил ишлаш учун топшириқ)**

1. Ўқув предметлари ёки мактабдан ташқари топшириқларнинг истаган бири бўйича (ёзма ишлар, расмлар, ўйинчоқлар, синф газеталари, кузатиш кундайларни, китобхон кундалиги ва бошقا шунга ўхшашлар) «ўқувчилар фаолиятининг маҳсули»ни танлаш.
2. Ўқувчини ўрганиш мақсадига боғлиқ ҳолда «фаолият маҳсули» ни анализ қилиш планини тузиб чиқиш.
3. Ўқувчи «фаолиятининг маҳсули»ни анализ қилиниши натижасида ўша ўқувчи тўғрисида олинган маълумотларни ёзма равишда баён этиб бериш.
4. «Фаолият маҳсули»ни анализ қилиш асосида олинган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлаш учун янги методлар танлаш.

#### **«Машғулотнинг ўтказилиши**

1. «Фаолият маҳсули»ни ўрганиш методига характеристика бериш.

2. Қараб чиқиш обьектлари ва уларнинг классификацияси.
3. Тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш мақсадида ўқувчиларнинг «фаолият маҳсули»ни анализ қилиш.

### 1-топшириқ\*

Ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қобилиятлари структурасини ўрганиш вақтида шарти мураккаблаштирилган масалалар тақлиф этилган эди. Масаланинг шарти бир марта ўқиб берилди. Шундан кейин ўқувчилар уни тақрорлашлари керак эди. Ўқувчиларнинг жавоблари улар ақлий фаолиятининг баъзи бир ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун материал сифатида хизмат қилди.

Масала. «Бир саёҳатчи мамлакатимизни 60000 км масофадан иборат Давлат чегараси бўйлаб айланиб чиқиши хаёл қиласи. Агар у 1981 йилнинг биринчи январь куни Дежнев бурунидан йўлга чиқиб, кунига ўн соатдан йўл босиб, соатига 4 км дан юрган ва сутканинг қолган вақтида дам олган бўлса, ҳозирги вақтгача у чегарани айланиб чиқсан бўларми? Агар айланиб чиқиб улгурмаган бўлса, у босиб ўтиши керак бўлган яна неча км масофа қолган булади?».

Ўқувчи Л. В. нинг жавоби (4- синф). «Саёҳатчи бутун мамлакатни айланиб чиқишига қарор қиласи. У 60 000 км. йўл босади... Ҳар куни 4 соатдан йўл босиб, 10 соатдан дам олади. У 1981 йил 1 январда йўлга чиқади. ... Вой, эсимдан чиқиб қолди, масалада яна нима сўралганди, ўзи? (ўқувчи рақамли маълумотларнинг деярли ҳаммасини эсда сақлаб қолган-у, аммо уларни бир системага сола олмаган).

Ўқувчи Г. К. нинг жавоби (3- синф). «Саёҳатчи бизнинг мамлакатимиз чегараси бўйлаб юриб, айланиб чиқмоқчи бўлган. Чегаранинг узунлиги 60 000 км. У ҳар куни бир хил вақт — бир хил миқдорда йўл босади. У... йўлга чиқди... Қачон йўлга чиққанини унуддим. Ҳозир у ўз йўлини тугатдими ёки яна бир қанча муддат йўл юриши керакми? (Масаланинг структураси ва ундаги муносабатлар тўғри қамраб олинган, бироқ барча конкрет маълумотлар эслаб қолинмаган).

### Саволлар

Мазкур вазиятда тадқиқотчи учун нималар қараб чиқиш ва анализ қилиш обьекти ҳисобланади?

2. Тадқиқотчи ўқувчиларнинг ақлий фаолиятидаги қандай ўзига хос хусусиятлар тўғрисида ахборот олиши мумкин?

3. «Фаолият маҳсули»ни ўрганиш методидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этилаётган ўқувчининг ақлий қобилияти тўғрисида-

\* Қаранг: Дубровина И. В. Изучение математических способностей детей младшего школьного возраста // Вопросы психологии способностей / Под ред. В. А. Крутецкого.— М., Педагогика, 1973, 18- бет.

ги маълумотларнинг объектив эканлигини қандай қилиб таъминлаш мумкин?

4. Келтирилган ёзувлар «Фаолият маҳсули»ни ўрганиш методининг қандай талабларига жавоб бера олмайди?

## 2-топширик\*

Тадқиқотнинг мақсади: мактабгача тарбия ёшидаги болаларда расм чизишга бўлган сенсор қобилиятни ва қўлни расм чизишга мойил ҳаракатларга мувофиқлаштириш одатини мана шу қобилиятнинг бир компоненти сифатида шакллантириб бориш. Мана шу шакллантириш эксперименти билан бир қаторда «фаолият маҳсули»ни ўрганиш методидан ҳам фойдаланилди: яъни шакллантириш экспериментининг босқичларига мувофиқ келадиган тарзда контрол расмлар чизиш кўзда тутилди. Мана шу расмларга қараб болада расм чизишга мойил ҳаракатлар қилишга бўлган қобилиятнинг ривожланиб бориш эффиқти ўрганилди.

Студентга тайёр расм кўрсатилиб, уни шарҳлаб бериш вазифаси топширилади.

«Боб, похол ва қўллар» эртаги бўйича Дима С. (5 яшар) чизган расмга ёзилган шарҳ.

Дима С. расм чизиш учун берилган темани хурсанд булиб қабул қиласди, персонажлар ҳаракатини кўз олдига келтириб, расм чиза бошлайди. Тасвирларни тушуниб, онгли равишда яратади. Ким, нима, қаерда жойлашганлигини изоҳлаб бера олади. Персонаж нима қилаётганлигини айтиб беради. Масалан, «Кўмир юмалаб кетаяпти, у ўзини тўхтата олмай: «Вой»— деб қичқириб юборди,— дейди. Тасвирни қофоз бетига яхшилаб туширади. Композицион жиҳатдан бутун саҳифа яхши тўлдирилган, мувозанат сақланган, бўш жойлар йўқ. Расм чизиш жараёни ўн беш минут вақтни эгаллади».

## Саволлар

1. Юқорида баён этилган тадқиқот вазияти «Фаолият маҳсули»ни ўрганиш методининг қандай талабларига жавоб бера олади?

2. Ўрганилиши керак бўлган «фаолият маҳсули»ни яратиш жараёнига бериладиган шарҳнинг функцияси нималардан иборат?

3. Ёзилган шарҳнинг тадқиқот мақсадига қай даражада мувофиқ келишини баҳоланг, шарҳда қандай ахборот етишмаяпти?

\* Бу топшириқ қўйидаги китобнинг материаллари бўйича тузиб чиқилди: Генезис сенсорных способностей / под ред. Л. А. Венгера.— М., 1976, 202-бет.

### 3-топширик\*

«Фаолият маҳсули»ни ўрганиш методи ташкилотчилик қобилиятини ташкил этиш чоғида фойдаланилган эди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ташкилотчилик қобилияти қанчалик эрта уйғонишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида кичкитойларга эртакни инсценировкасини ташкил этиш ва ўтказиш таклиф қилинади.

Тадқиқотчи томонидан болаларнинг ташкилотчилик фаолиятлари ёзиб борилган протокол билан танишиб чиқинг:

«Гарик Р. (3 ёш-у, иккى ойлик) — серғайрат, ҳаракатчан бола, нутқи яхши ривожланган, катталар ва болалар билан тезда мулоқотга киришиб кетади, анчагина эртакларни билади ва уларни яхши сўзлаб бера олади. Бунда у эртак қаҳрамонларига хос имо-ишораларни қилиб, уларни овозини, ҳаракатлари ва ўзига хос томонларини ўхшатиб намойиш қиласди. Унга болалар билан бирор эртакни инсценировка қилиб кўрсатиш таклиф қилинганда, темани унинг ўзи танлайди ва: «биз бўри, эчки ва унинг болаларини ўйнаб берамиз», — дейди. Ўзи стуллар олиб келади, уларни ўз билганича жойлаштиради ва ҳар битта стулга бир болани ўтқазади. Барча болаларни ўтқазиб бўлгач Гарик ўз ўрнини эгаллайди. У болалар рўпарасига ўтириб олади-да, имо-ишоралар билан эртакни яхшилаб сўзлай кетади. Болалар диққатларини бир жойга тўплаб, эртакни қунт билан тинглайдилар. Шу вақт тарбиячи энди барча болалар ҳам ўйинда иштирок этишсин, дейди. Шунда Гарик нима қилишини билмай хайрон бўлиб қолди. Ва бирдан у болаларни давра қуриб туришга чорлайди. Оғзаки нутқи ҳали унчалик ривожланмаган болаларни қўлларидан тортиб даврага келтира бошлайди. У бир оз бўшащган ҳолда ўртоқларига роль ижро этишни таклиф қила бошлайди, аммо группа ўйинини ташкил қилиб бўлмади.

Шунда Витя Б. (2 ёш-у 8 ойлик) ташаббусни ўз қўлига олади ва ўзи бўри ролини бажаради. Гарикка эчки ролини топширади, бошка болаларни эса эчки болалари ролига таклиф қиласди ва ишонч билан ўйинни давом эттиради, бу билан у ўз группасидаги болаларни чиндан ҳам яхши бўлишини амалда кўрсатади. Бу вақтда Гарик ўз ролини бажарар ёки болалар олдида хижолат чекиб ўтиради.

### Саволлар

1. Тадқиқотчи учун қайси фаолият маҳсули қараб чиқиш объекти бўлиб хизмат қиласди?
2. Юқорида келтирилган протокол «фаолият маҳсули»ни ўрганиш методи талабларига мувофиқ келадими?

\* Бу топшириқ қўйидаги китоб мәтериаллари асосида тузилди. Уманский Л. И. Психология организаторской деятельности школьников.— М., Просвещение, 1980, 121—122- бетлар.

3. Протоколда қараб чиқиш обьектини ҳамда унга ёзилган шарҳни бир-биридан ажратинг.

4. Юқорида келтирилган протоколни кузатиш протоколи сифатида қабул қилиш мумкинми? Нима учун? Келтирилган мисолни кузатиш методига киритиш мумкинми? Нима учун?

### Мустақил равиша үқув тадқиқотлари бажариш учун топшириқлар

#### 1-т о п ш и р и қ. Паст ўзлаштириш сабабини аниқлаштириш мақсадида үқувчини ўрганиш

##### Инструкция

Үқувчининг ёмон ўзлаштиришига хилма-хил нарсалар сабаб бўлиши туфайли, бу соҳадаги тадқиқотни бир қолипга солиб бўлмайди. Бундан ташқари ушбу ишни яна шунинг учун андазага солиб бўлмайдики, бунда алоҳида олинганд ҳар бир ҳолатда студент турли ёшдаги үқувчилар билан ишлайди. Уларнинг ҳар бири бир ёки бир неча фандан ёмон ўзлаштиради; ўзлаштиришнинг паст даражада эканлигига бундан бошқа сабаблар ҳам таъсир этиши мумкин ва ҳоказо.

Шу муносабат билан үқувчини тадқиқ этишнинг қайси йўналишда бўлиши ўша үқувчининг дастлабки марта кузатиш вақтида ёмон ўзлаштириши сабаблари хусусида студентда қандай гипотезалар (пайдо бўлганлигига ҳамда шу гипотезаларга мувофиқ равиша экспериментал текшириш ўтказиш зарур бўлган қандай конкрет вазифаларни шакллантиришга боғлиқ бўлади.

Үқувчиларнинг нима сабабдан паст ўзлаштиришини аниқлаш мақсадида улар фаолиятини ўрганишга бир қатор психологик тадқиқотлар (Н. А. Менчинская, З. И. Калмикова ва бошқалар) ни умумлаштириш натижасида тузиб чиқилган 1-схема «Умумий равиша үқишидан орқада қолаётган болаларнинг детерминантлари» деган схемани асос қилиб олиш мумкин.

Детерминациянинг биринчи босқичи — бу педагогик босқичдир. Бу ерда кўрсатилган детерминантлар үқувчи тўғрисида дастлабки маълумотларни тўплаш ҳамда тадқиқот гипотезасини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчи босқич — психологик босқичдир. Бу ерда кўрсатилган детерминантлар үқувчини ўрганиш жараёнида экспериментал текширишдан ўтказиб олиниши керак.

Учинчи босқич — нейтрофизиологик босқичдир. Бу ерда кўрсатилган детерминантларнинг баъзи бирларини (масалан, олий нерв фаолиятининг типини) текшириб чиқиш мумкин. Лекин студентнинг асосий эътибори психологик босқичдаги детерминантларга тўпланиши керак.

Власова С. А., Певзнер А. С. Учителю о детях с отклонениями в развитии.— М.: Просвещение.— 1967.

Егорова Т. В. Особенности памяти и мышления младших школьников отстающих в развитии.— М.: Педагогика, 1973.

**Егорова Т. В.** Использование методики «Простые аналогии» при диагностике задержки психического развития // психологическая диагностика, ее проблемы и методы / Под ред. К. М. Гуревича, В. И. Лубовского.— М.: АПН СССР, 1975.

Психологические проблемы неуспеваемости школьников / Под ред. И. А. Менчинской.— М.: Педагогика, 1971.

**Стреляя Я.** Роль темперамента в психическом развитии.— М.: Прогресс, 1982.

**Шванцара И.** Диагностика психического развития.— Прага: Авиценум, 1978.

## 2-т о п ш и р и к. Үқувчими юқори ўзлаштириш сабабларини аниқлаш мақсадида ўрганиш

### Инструкция

Совет психология фанида шаклланиб қолган «ўзлаштирув» деган тушунча мазкур тадқиқотнинг назарий асосини ташкил этиши мумкин. «Ўзлаштириш деганда биз кишидаги интеллектуал хусусиятлар йифиндиси (ансамбли) ни тушунамиз,— деб ёзди З. И. Калмикова ва ўқув фаолиятининг маҳсулдорлиги (бошқа зарур шарт-шароитларнинг билимлар дастлабки минимумининг, ўқишига нисбатан ижобий муносабатда бўлишнинг ва бошқа шунга ўхшаш шароитларнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг нисбатан бир-бирига teng келишида) мана шунга боғлиқ бўлади<sup>1</sup>. У боланинг онгли билим олишини, ўқиганларини умумлаштира олишини, билимларини кундалик ҳаётга мослаштира олишини, ўз фикрида қатъий, барқарор туришини, ақлий фаолиятда мустақил бўлишини шундай хусусиятлар қаторига киритади.

Тафаккур хусусиятини ўзлаштиришнинг асосий компоненти эканлиги бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам бирдамлик билан тан олинади (Н. А. Менчинская, С. Ф. Жуйков ва бошқалар). «Бироқ,— деб ёзди С. Ф. Жуйков,— ўзлаштириш ёлғиз тафаккур фаолиятининг сифатлари билангина чекланиб қолмайди. Билимларни, маҳорат ва малакаларни эгаллаш— бу бошқа бир қатор психик жараён ва ҳодисаларни ҳам ўз ичига оладиган мураккаб бир фаолиятдир... Бунда тафаккур ўзлаштиришнинг фақат бир компоненти сифатида майдонга чиқади<sup>2</sup>.

Тафаккур хусусиятини ўзлаштиришнинг компоненти сифатида ўрганиш билан бирга ўқувчининг ирода сифатларини, унинг эмоционал хусусиятларини ҳам тадқиқ этиш зарур. Боланинг ўқишига муносабати ҳамда унинг таълим вазифаларига мувофиқ ўз фаолиятини ташкил қила олиш маҳорати шунга боғлиқ бўлади.

Юқори ўзлаштиришга эришиш, одатда, у ёки бу ўқув предметини эгаллаб олиш вақтида намоён бўлади. Шунинг учун сту-

<sup>1</sup> Проблемы диагностики умственного развития учащихся / Под ред. З. И. Калмиковой.— М.: Педагогика, 1975.

<sup>2</sup> Жуйков С. Ф. К проблеме диагностики обучаемости школьников Вопросы психологии.—1971, 5-сони, 86-бет.

## Үкіндай үзүмдік қолодарлар

Дегримациялық бөекшілдірілік	Шахсий онд ички сферасы			Шахсий танымдары сферасы		
	Үкіндай үзүмдік қолодарлар		Үкінуччаннинг жұлдызы	Ота-опазарнинг жұлдызы		
Педагогик бос- қын	Үкін фасоля- ттынг паст ини- циевелілігі	Үкін фасоля- ттынг паст да- режда самара- лизмнің	Күп дарс қолдирніш	Дифференциал әндошишіга әмзэл қылма- лик	Болалың сен- сор на шукқ- стимуляциянын- ншың етишмөн- чалығы	Болала мәх- рибончылтық ва ғамхұр- ликтіннің етишмасынты тілдегі күрес- шілік
Психологик босқын	Үкін мотив- шаридегі ша- кылтамаган- лик на инти- зомензілдік	Эмоционал ирида сөрөр- санынг бүзін- лиши	Күп сохада билимларнан етишмасын	Үкін мотака- ларда на күнік- маларнаннан шокланмаган- лиғы	Билишга бүл- ған көбидиент- тінші паст да- режда бүлінші	
Нейрофизиоло- гик	Организмнің	Ойлай иеря	Эмитиш,	Болш мия		
Боеқын	Узумдай таралға бүшашынб ке- тиши	Фасолятиннің бүшашынб ке- тиши	Күриш, арти- куляция со- хасқалдаты зилмелілар	пұстлогордаги микроязархат- тар		

1-схема. Үкіндай үзүмдік қолодарлар дегримантлары

дентлар адабиёт ва рус тили, математика, тарих ва шу сингари фанларни эгаллашда юқсан даражадаги узлаштиришнинг намоён бўлишига тегишли равишда таъриф бериб, ўз тадқиқотлари олдига қўйилган вазифани конкретлаштириб олишлари мумкин.

Тафаккур хусусиятлари, ирода хусусиятлари ва ўқувчиларнинг эмоционал хусусиятлари узлаштириш даражасини белгиловчи сабаблар бўлиши мумкин. Бинобарин, тадқиқот методикасининг танланиши ўқувчиларнинг шундай психик хусусиятларини ўрганиб чиқишини таъминламоги керак.

— умумлаштириш, қайишқоғлик, англанганлик, мустақиллик, тежамкорлик сингари хусусиятларни аниқлаш мақсадида тафаккур хусусиятини ўрганиш учун;

— эмоционал ҳолатларнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни билиш фаолиятига эмоционал муносабатда бўлишни, эмоционал муносабат йўналишини, эмоционал муносабат намоён бўлишидаги барқарорликни ўрганиш учун;

— ирода сифатларининг ўзига хос хусусиятларини, яъни вазминликни, интизомлиликни, мақсадга қаратилганликни ўрганиш учун шу сингари методикаларни танлаш зарур.

Ўқувчилар томонидан бундай хусусиятларни ўрганиш учун методикалар танлаш вақтида ўқув фаолиятининг натижалари: масалан, ўзлаштириш, тушуниш суръати, ўрганиб олиш тезлиги, билим ва малакалар кўламининг кенглиги ва бошқалар ориентир хизматини бажариши мумкин. Ҳолбуки, ушбу ишда ўқувчи шахснинг ўзига хос хусусиятларини аниқроғи юқори даражада узлаштиришга эга бўлган ўқувчи хусусиятларини ўрганиш вазифа қилиб қўйилган экан, у ҳолда табиий равишда ўқув фаолиятида яхши натижа кўрсатаётган ўқувчиларни танлаб олиш керак бўлади.

**Берхин Н., Б.** Особенности литературного творчества старшеклассников // Вопросы психологики.— 1975, 4-сони, 99—108-бетлар.

**Дубровина И. В.** Изучение математических способностей детей младшего школьного возраста // Вопросы психологики способностей. / Под. ред. В. А. Крутецкого.— М.: Педагогика, 1973, 59-бет.

**Жуйков С. Ф.** К проблеме диагностики обучаемости школьников // Вопросы психологики 1971, 5-сони, 85—99-бетлар.

**Калмыкова З. И.** Методика диагностики обучаемости школьников / Проблемы диагностики умственного развития учащихся.— М.: Педагогика, 1975, 39—68-бетлар.

**Проблемы** диагностики умственного развития учащихся / Под ред З. И. Калмыковой.— М.: Педагогика, 1975.

**Сабурова Г. Г.** Языковый вариант методики диагностики обучаемости (на материале английского языка). // Проблемы диагностики умственного развития учащихся.— М.: Педагогика, 1975, 94—114-бетлар.

**Шапиро С. И.** Психологический анализ структуры математических способностей в старшем школьном возрасте // Вопросы псих-

хологии способностей / Под ред. В. А. Крутецкого.— М.: Педагогика, 1973, 90—129- бетлар.

Юркевич В. С. Индивидуальные различия в саморегуляции и обучаемость // Вопросы психологии.—1974, 4- сони, 84—95- бетлар.

Ягункова В. П. Об индивидуальных особенностях формирования литературных способностей у подростков // Вопросы психологии.—1970, 4- сони, 95—105- бетлар.

Якименская И. С. Развитие пространственного мышления школьников.— М., Педагогика, 1980, 147—209- бетлар.

### 3- топширик. Қасбга йўллаш ва қасбга оид консультация бериш мақсадида ўқувчини ўрганиш

#### Инструкция

Тадқиқотни ташкил этиш бир томондан қасб танлаётган кишининг шахси билан боғлиқ бўлган омилларни анализ қилишни, иккинчи томондан ўша қасбнинг ўзига хос психик ва бошқа характеристикалари билан боғлиқ бўлган омилларни анализ қилишни назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда ҳам субъектив, ҳам объектив омиллар баравар таҳлил қилиб чиқилиши керак. Ўқув тадқиқотини тузиб чиқиш вақтида студент 2- схемадан фойдаланиши мумкин.

Субъектив омиллар	Объектив омиллар
Қизиқишилар, майллар	Қуйидаги тип қасбларининг психологик мазмуни:
Ота- оналарнинг фикри	одам- одам;
Ўртоқларининг фикри	одам- табиат;
Жамиятнинг у ёки бу қасбларга эҳтиёжи	одам- тәхника;
Кобиляйтлар	одам- белгили система;
Ўқитувчининг фикри	одам- бадий образ
Ўқувчининг қасб тўғрисидаги билимлари	Ўқув юртнинг типи, ҳуяр- техника билим юрти, техникум, ВУЗ

2- схема. Қасбга доир консультация бериш чоғида ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар

Атутов П. Р., Климов Е. А. Проблемы психологии обеспечения подготовки молодёжи к труду и выбору профессии // Вопросы психологии.—1984, 1- сони, 13—19- бетлар.

Брагина В. Д. Представление о профессии и самооценка профессионально значимых качеств у учащихся молодёжи // Вопросы психологии.—1976, 2- сони, 146—150- бетлар.

Гуревич К. М. Профессиональная пригодность и основные свойства нервной системы.— М., Наука, 1970.

Климов Е. А. Как выбирать профессию.— М., Просвещение, 1984.

**Кудрявцев Т. В. Сухерев А. В. Влияние характерологических особенностей личности на динамику профессионального самоопределения.**

Вопросы психологии.—1985, 1-сони, 86—93-бетлар.

**Психолого-педагогическая профконсультация учащихся: Методические рекомендации / Под ред. Е. А. Климова.—Л.: ВНИИ профтехобразования, 1975.**

**Чебышева В. В. Психологические проблемы профориентации школьников. Вопросы психологии.—1971, 1-сони, 14—19- бетлар.**

#### **4-т о п ш и р и қ. Синф коллективининг ташкилотчиси сифатида ўқувчи шахсини ўрганиш**

Мазкур тадқиқот ўқувчи билан алоқа ўрнатишга қаратилган мүлжаллаш босқичини ёритиб бериши, унинг ўқитувчилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан олиб борадиган ташкилотчилик фаолиятига бериладиган баҳоларни аниқлаш, ўқувчи тўғрисида умумий маълумот тұплашни назарда тутади. Бу босқичда тўплланган материаллар студентнинг шахсан ўзи олиб борадиган тадқиқотлари учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Тадқиқотни планлаштиришда ўқувчини ўрганишнинг қўйидаги икки аспектини кўзда тутиш лозим: а) синфда шахсий ишлар ва умумий ишлар юзасидан болаларнинг ўзаро муносабатлари системасида ўқувчининг ўрнини аниқлаш; б) ўқувчининг шахсий фазилатлари-ва унинг ташкилотчилик қобилиятини ўрганиш.

Студент биринчи ҳолатда социометрик методикадан фойдаланиши мумкин. Бу метод унга ўқувчининг фақат статусинигина эмас, балки мазкур ўқувчининг синфдаги қанча ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш миқдорини ҳам, синфдошлари нима сабабдан айни мана шу ўқувчини танлаганликларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Ўқувчининг шахсий фазилатларини ўрганиш унинг ташкилотчилик қобилиятини ўрганиш билан бирга, шахс сифатида умуман бутун синфга қандай таъсир кўрсата олишини ҳам белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун ўқувчи шахси қайси томонга кўпроқ йўналтирилганлигини аниқлаш, унинг характеристидаги коммуникатив, ирода, ишchanлик сифатларини ўрганиш, шахснинг динамик хусусиятларини ўрганиш учун зарур бўлган методикаларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Ташкилотчилик қобилиятини ўрганиш учун маҳсус методикадан фойдаланиш ўрганилаётган ўқувчидаги бундай қобилияtlарнинг намоён бўлишига оид индивидуал хусусиятларга характеристика беришга кўмаклашади.

Коллективга раҳбарлик қилишда кўпроқ қулланиладиган услубларга характеристика бериш ҳамда ўқувчидаги ташкилотчилик фаолиятининг зарур жиҳатларини шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган тавсияномалар ўтказилган тадқиқотнинг якунидан иборат бўлмоғи керак.

Тадқиқотни ўтказишни ташкил этишда З-схемадан фойдала ниш мақсадга мувофиқдир.

Ташкилотчи-ұқувчи шахси түғрисіда умумий маълумот түплаш ва у билан психологияк алоқа үрнатыш



Ұқувчининг ташкилотчилек ишига қай даражада тайёр эканлигини ҳамда ундағы ташкилотчилек тажрибаси құламини аниқлаш



Синф колективида иш юзасидан ва ұзаро шахсий алоқалар үрнатыш системасыда ұқувчининг үрнини аниқлаш



Синф колективи ташкилотчиси бұлған ұқувчи шахсінің қуындаги жиҳатларини үрганиш:

- а) шахс қобилияты қайси йұналишда эканлигини аниқлаш,
- б) характеристикалык хусусияттар (коммуникатив, ирода, ишчанлық, эмоционал сифатлари) ни үрганиш,
- в) шахснің динамик хусусиятларини үрганиш,
- г) ташкилотчилек қобилияларини үрганиш



Коллективга раҳбарлық қилишда күпроқ құлланиладиган услугни аниқлаш



Ұқувчининг коллектив ичіда олиб борадыган ташкилотчилек фаолиятини такомиллаштириш ва ундағы тегишли қәбилиятларни ривожлантириш юзасидан тавсия-исмалар ишлаб чиқыш

**З-схема.** Синф колективининг ташкилотчиси сифатида ұқувчи шахсини үрганиш

**Лутошкин А. Н.** Как вести за собой. М.: Просвещение, 1986.

Руководство и лидерство / Под ред. Б. Д. Парыгина.—Л.: Изд-во ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

**Уманский Л. И., Лутошкин А. Н.** Психология и педагогика работы комсорга.—М.: Молодая гвардия, 1975.

**Уманский Л. И.** Психология организаторской деятельности школьников.—М.: Просвещение, 1980.

**5-топшырық. Мактабгача ёшдаги болани унинг мактабда ұқиши тайёрлик даражасини аниқлаш мақсадыда үрганиш**

### **Инструкция**


Тадқиқотни ўтказышда яна 4-схеманы ассо қилиб олиш мүмкін. Тадқиқотни ўтказыш планлаштирилаётганды қуындаги уч-группа омилларни үрганиб чиқиш ҳисобга олинади: а) мактаб-

гача ёшдаги бола шахсининг хусусиятлари билан боғлиқ омилларни ўрганиш; б) боланинг билиш фаолиятига хос хусусиятлари билан боғлиқ омилларни ўрганиш; в) жисмоний ва психомотор ривожланиши ўрганиш билан боғлиқ омилларни ўрганиш.

Тадқиқот планини конкретлаштириш бола тұғрисида дастлабки ахборотларни тұплаш босқичида олинган натижаларга (ота-оналар билан үтказилған сұхбатта, тадқиқотчи билан бола үртасида үрнатылған алоқага, тарбиячи билан сұхбат үтказишга) боғлиқ бұлади.

Тадқиқот гипотезасини ва унинг конкрет топшириқларини, зағифаларнинг шакллантирилишига қараб мактабда үқитиши шахс тайёрлигини ўрганиш, унинг мактабда үқиш учун интеллектуал тайёрлик даражасини ўрганиш ва шунга үхшаш тадбирларни үтказиш мүмкін (4-схемага қаранг).

Болаларни мактабга тайёрлаш юзасидан ота-оналар ва тарбиячиларга берилған психологик-педагогик тавсияномалар мазкур тадқиқотни бажарылыш натижаси сифатида хизмат қилиши керак.



4-схема. Болани мактабда үқишиңде тайёрлана алады жағдайда тайёрларлык даражасини ўрганишнинг структураштық функционал схемаси

**Амонашвили Ш. А.** Здравствуйте, дети!— М.: Просвещение, 1983, 16—46- бетлар.

**Антропова М. В. и др.** Мормофункциональные особенности детей 6 лет и гигиенические рекомендации по режиму их обучения // Новые исследования по возрастной физиологии.—1976, 1-сони, 5—7- бетлар.

**Божович Л. И.** Личность и ее формирование в детском возрасте.— М., Просвещение, 1968, 207—246- бетлар.

**Диагностика умственного развития дошкольников** / Пор. ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской.— М.: Педагогика, 1978, 153—166- бетлар.

**Карпов Ю. В., Талызина Н. Ф.** Критерии интеллектуального развития детей // Вопросы психологии.—1985, 2-сони, 52—59- бетлар.

**Мир детства. Дошкольник** / Под ред. А. Г. Хрипковой.— М.: Педагогика, 1979, 379—415- бетлар.

**Мухина В. С.** Изобразительная деятельность детей как форма усвоения социального опыта.— М.: Педагогика, 1981, 40—58, 173—202- бетлар.

**Петроченко Г. Г.** Развитие детей 6—7 лет и подготовка их к школе.— Минск: Высшая школа.—1975, 117—148- бетлар.

**Цветков С. А.** Диагностика уровня готовности младших школьников к обучению // Вопросы психологии.—1985, 2-сони, 91—95- бетлар.

**Шванцара И. и др.** Диагностика психического развития.— Прага: Авиценум, 1978, 251—264- бетлар.

### Үқув тадқиқотларини (1—5- топшириқларни) бажаришнинг умумий схемаси

#### Урганиши учун үқувчи танлаш. Урганишининг мақсади

1. Маэкур үқувчини танлаш учун асос булиб хизмат қилган ахборот (кузатиш натижалари) ва ўрганишдан кузагилган мақсад.

2. Кузатиш натижасида үқувчи хулқ-авторида пайдо булиши эҳтимол тутилган салбий ўзгаришлар, ўқишдан орқада қолиш ўзлаштирмаслик ва ҳоказолар тўғрисидаги тахминлар.

3. Пайдо бўлган гипотезаларга мувофиқ үқувчини ўрганишининг белгиланган конкрет вазифалари.

#### Үқувчи тўғрисида умумий маълумотлар

1. Оилавий муҳитга характеристика (ота-оналар, улар қиласидаган асосий ишлар, ижтимоий активлиги, оиладаги узаро муносабатлар, үқувчи ва унинг үқув фаолиятига муносабат, уйга берилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш, ўқитувчининг танбехларга билдирилган реакцияси, мақтаб билан алоқа ва шунга ухшашлар).

2. Ўқувчининг саломатлиги: анатомик-физиологик текшириш маълумотлари, сурункали касалликлар ва уларнинг бола психикаси ривожланишига таъсири, психомоториканинг хусусиятлари.

3. Ўқувчининг синф колективида тутган мавқеи:

— мазкур синф колективининг ўзига хос хусусиятлари (ривожланиш даражаси, ижтимоий активлиги, жамоатчилик фикри, анъаналари ва ҳоказолар);

— синф структураси (реал ва формал структура), ўқувчи синфда мавжуд бўлган қайси груплага мансуб ва нима учун;

— синфдаги шахсларо муносабатлар системасида ўқувчининг ўрни.

4. Ўқув фаолияти:

— ўзлаштириши ва унинг сўнгти 1—1,5 йил ичидаги динамикаси;

— турли ўқув предметларига муносабати (ўқитувчиларнинг ва ўқувчининг ўз фикри бўйича);

— ўқувчининг қизиқишилари ҳамда унинг ўқиш ва ўқишдан ташқари фаолиятда намоён бўлиши.

*Тадқиқот методикалари, протокол ва натижаларнинг анализи*

1. Тадқиқот методикаларининг тадқиқотнинг гипотеза ва вазифаларига мувофиқ келиши.

2. Натижаларни изоҳлаш.

3. Ўқувчини ўрганиш чорида олинган маълумотларга асосланган ўқув ёки тарбия ишларини ташкил этиш түғрисида тавсиялар.

4. Тадқиқот пайтида олинган маълумотларни синф раҳбарининг фикрига қиёслаб кўриш.

**6-т о п ш и р и қ. Синф колективининг психологик-педагогик характеристикаси**

Колективни ўрганиш вазифалари. Стажёрлик практикаси давомида студент ўзи ишлаётган синф колективини ўрганиб ҳамда унинг психологик-педагогик характеристикасини тузиб чиқиши керак.

Маълумки, синф колективи шаклланиб боради ва ривожланиш даврида у баъзи бир босқич ва даражалардан ўтади. Синф колективининг вужудга келиши ва унинг ривожланиб бориши ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Масалан, фаолият мазмуни коллектив ичida ишлаб чиқилиш ҳам, баъзан шу коллектив аъзоси бўлмаган шахс томонидан берилган топшириқ ҳам бўлиши мумкин. Ёхуд коллективни жисплаштириш дастлаб ташқаридан туриб (синф раҳбари томонидан) амалга оширилиши ва шундан кейингина коллектив ичидаги кучлар ҳаракатга келтирилиши мумкин.

Синф колективининг вужудга келиши ҳамда ривожланиб бориши тарбиячи-ўқитувчининг бевосита иштироқи ва таъсирида ўтади, айни чоқда унинг роли мураккаб ва масъулиятлидир. Баъзан

зан у колективнинг аъзоси ҳисобланса, баъзида у маслаҳатчи ролини, учинчι бир ҳолатда эса кузатувчи вазифасини бажаради.

Студент ўзига бириктириб қўйилган синфда ўқитувчи ва синф раҳбари сифатида иш олиб бориши керак. Бунда эришган муваффақияти студентнинг ўша синф колективини: унинг составини, ташкилӣ тузилишини, фаолият мазмунини, ҳаётий нормалар, қимматдорликлар, анъаналарни, колективнинг қанчалик жиспешашганлигини ва шу колектив ҳаётининг бошқа бир қатор жиҳатларини қай даражада тўлиқ ва чуқур билиб олганига боғлиқ бўлади. Шуларнинг натижаси ўлароқ синф колективининг ривожланиш даражасини белгилаб беради.

Синф колективини ўрганиш юзасидан қўйидаги йўналишлар бўйича иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1. Синф тўғрисида умумий маълумотлар.
2. Колективнинг структураси.
3. Колективнинг ишлари ва уларнинг бажарилиши.
4. Колективнинг ривожланиши.

Кўрсатиб ўтилган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда иш программаси таклиф этилади.

### 1. Синф тўғрисида умумий маълумотлар

Район, нечанчи мактаблиги, синф. Ўқувчилар (ўғил болалар, қиз болалар) комсомол аъзолари сони. Ёши. Синфнинг колектив сифатида мавжуд бўлган даври.

### 2. Колективнинг структураси

Расмий структура, староста, комсорг ва бошқалар. Улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши. Бир-бирига бўйсуниш системаси. Норасмий структура: ўқувчиларнинг ваколати, етакчилари, расмий ва норасмий структуранинг нисбатлари (мос келиши — мос келмаслиги). Синф колективи ичидаги группалар, уларнинг пайдо бўлиш манбалари ва яшаш шароитлари. Синф колективининг мактаб ва параллел синфлар колективи билан алоқаси.

### 3. Колективнинг ишлари ва уларнинг бажарилиши

Колектив фаолиятининг мазмуни (асосий ишлар, уни ҳар бир ўқувчи аниқ билиши). Асосий ва оралиқдаги вазифалар — топшириқларнинг нисбати. Асосий ишнинг вақт бўйича ўзгариши (унинг доимийлиги — ўзгарувчанлиги). Колектив ишларни бажариш вақтида жиспешашганлик даражаси. Колектив фаолиятининг мазмуни ва иш усусларини белгилаш вақтидаги ташабус манбалари. Колектив аъзоларининг топширилган иш учун масъулият даражаси.

### 4. Колективнинг ривожланиши

Танқид, ўзи-ўзини танқиднинг мавжудлиги, унга ўқувчиларнинг муносабати. Синфда юз берадиган конфликтлар: уларнинг қанчалик тез-тез бўлиб туриши ва ҳал қилиш усуслари. Структурадаги ўзгаришлар ҳамда синф фаолияти мазмунининг ўзгариши. Колективнинг ривожланиш даражаси.

**Колективни ўрганиш методикаси.** Синф тўғрисида маълумотга эга бўлишда хилма-хил усуслардан фойдаланиш лозим. Умумий маълумот олиш мақсадида энг аввало синф раҳбари ва ил-

мий мудир, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, мазкур синфда машғулот ўтказадиган кишилар билан, комсомол ташкилотининг секретари (пионер вожатийси) билан суҳбатлашиш керак. Улар берган маълумотлар умумлаштирилиши зарур (бир қатор фикр-мулоҳазаларда таъкидлаб ўтилган характеристикаларни ажратиб кўрсатиш ва уларнинг ўзига хос ҳамда хилмани эканлигига эътиборни қаратиш лозим).

Асосий маълумотларни шахсан дарс ўтказаётган ҳамда синфдан ташқари тадбирларни амалга ошираётганда ўтказадиган ўқувтарбия ишлари давомида олиш лозим. Практикант асосий иш методи сифатида кузатиш, суҳбатлашиш, анкета тарқатиш ва социометрия методларидан фойдаланади.

## Кузатиш

*Вазифа:* Календарнинг қизил санасига бағишлиланган синф тадбирлари (йигилишлар, кечалар, культпоходлар) ни тайёрлаш ва ўтказиша ўқувчиларнинг ташаббускорлигини, ўюшқоқлиги ва синфнинг жисплашганлик даражасини аниқлаш.

*Кузатиш вазияти:* ўқувчиларнинг мактабдаги ва мактабдан ташқаридаги фаолияти.

### Планнинг мазмуну

1. Тадбирни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни биринчи бўлиб ким бошлади.
2. Мазкур таклифни синфдаги барча ўқувчилар қўллаб-қувватлаб қабул қилдиларми?
3. Уша тадбирни тайёрлаш ва ўтказиша вазифалар қандай тақсимланди.
4. Бунда синфнинг расмий раҳбарлари (староста, комсорг) нинг роли қандай бўлди?
5. Норасмий бошлиқларнинг роли қандай бўлди?
6. Тадбирни ташкил этиш ва ўтказиша мактаб ўқувчиларининг амалда қандай иштирок этганликлари (топшириқни бажаришга оғринган болалар бўлдими, агар бўлса, сабабини кўрсатиш).
7. Тадбирни тайёрлаш ва ўтказиша болалар қандай қийинчиликларга дуч келдилар, уларни қандай енгиллар?
8. Ўтказилган тадбир таҳлил қилиндими? Агар таҳлил қилинган бўлса, қандай хуолосалар чиқарилди?
9. Кузатиш давомида практиканнинг тутган позицияси (ишга киришиб кетганлиги — киришиб кетолмаганлиги).

Юқорида келтирилган кузатиш программаси практикант томонидан қўшимча ишлар билан тўлдирилиши мумкин, бунда конкрет шароитни ҳисобга олиш керак. Башарти, практика вақтида бошқа бир темани кузатиш зарурати туғилиб қолса, студент шунга ухшаш янги бир программа тузиб чиқиши ва уни амалга ошириши мумкин.

Кузатиш вақтида олинган маълумотларни ўша заҳоти кечик-тирмасдан кундалик дафтарга қисқа-қисқа изоҳ ва шарҳлар билан ёзиб қўйиш лозим.

### Суҳбат

Суҳбат ўтказишга тайёрланилаётганда бир қатор саволлар ҳам тайёрлаб қўйилса, ёмон бўлмайди. Бу саволлар синф коллективини ўрганиш программаси юзасидан зарур маълумотларни олишига қаратилган бўлиш керак.

#### Суҳбат ўтказиш учун бериладиган саволлар намунаси

1. Синфингиздаги умумий ишлар қаторида сиз анчадан бери шуғулланиб келадиган ишлар борми? Агар бўлса, улар қандай ишлар эканлигини айтиб беринг. Шахсан бу ишларда қандай иштирок этасиз?

2. Синфдошларингиз ичида К. деган бола жуда машҳур. Кўпчилик у билан дўстлашишни хоҳлайди. Ҳўш, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

3. Шуни сезиб қолдимки, синфингизда С. деган болага кўпчилик эътибор қилмас экан. Нима учун шундай?

4. Синфингиздагилар ўртасида конфликтлар (қизғин баҳслар, қаттиқ сўқинишлар, тоҳида муштлашишлар ҳам) бўлиб турадими? Жанжаллар нимада келиб чиқади? Мисоллар келтиринг.

5. Сиз бирор киши билан ёмон муносабатда эмасмисиз? Шундай бўлса, бунинг сабаби нимада? Кўпдан бери шундай муносабатдамисиз?

6. Сизда синф мажлислари ва комсомол йиғилишлари вақтида бўлиб турадими? Хойнаҳой, уларда ўзлаштириш, интизом масалаларини, топшириқларнинг қандай бажарилаётганини муҳокама қилсангиз керақ. Бундай мажлисларда ёмон ўқийдиган болалар ва интизомни бузувчиларни танқид қиласизларми?

7. Болалар танқидга қандай муносабатда бўладилар? Танқидни тўғри тушуниб, камчиликларни тузатадиларми ёки танқид қилган кишидан хафа бўлиб юрадиларми?

Суҳбат мазмунини кундалик дафтарга ёзиб бориш керак. Агар ўқувчи шу ёзувнинг гувоҳи бўлмаса, яна ҳам яхши (шунинг учун уни суҳбатни ўтказиб бўлгач, бажарган дуруст). Суҳбат ўтказиладиган ўқувчилар сони чекланмайди.

### Анкета тарқатиш

Практикант анкета ёрдамида у программанинг қайси бўлимларини ўрганиши кераклигини ҳал қилиб олиши лозим. Саволларнинг характеристи, уларнинг миқдори ва анкета структурасининг ўзи ҳам шунга боғлиқ бўлади. Анкета тузабётганда шу нарсани ҳисобга олиш керакки, анкетада ўқувчилар қисқа ёки муфассал жавоб бериши учун аниқ саволлар бўлиши ҳам, айни чоқда жа-

воб варианлари олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар берилиши ҳам мумкин. Бундай вақтда ўқувчилар ўз фикрини кўпроқ даражада ифода этадиган жавоб варианларидан бирини танлашлари керак.

«Топширилган иш учун масъулият даражаси» деган тема юзасидан тарқатиладиган анкета саволларининг рўйхати

1. Масъулият нима?

2. Қандай ишни сиз масъулиятли иш деб атайсиз?

3. Синфингиздаги барча болалар ҳам ўзларига топширилган ишни ёки шахсан ўзлари берган ваъдани вақтида бажарадиларми?

4. Сиз қандай кишини масъулиятсиз одам деб атайсиз? Синфингизда шундайлар борми?

5. Ҳаётингизда қўйидагиларга ўхшаган ҳолат бўлганми: болалардан кимdir сўзининг устидан чиқмайди, топшириқни бажармайди, бутун синфи уялтириб қўяди. Шундай вақтларда унга нисбатан фазабингиз қайнаб, уша боладан хафа бўлганмисиз?

6. Ўртоқларингиз қандай ишларни бажармаган вақтларида кўпроқ норози бўласиз?

7. Болалар ҳар доим берган ваъдаларини ва уларга топширилган ишларни бажарадиган бўлишлари учун сиз нималар қилиш кераклигини таклиф этар эдингиз?

Анкетани бутун синфдаги болаларга бир вақтда тарқатиб чиқиши мумкин. Жавобларни таҳлил этиш ва тегишли хулоса чиқариш лозим (мазкур мисолда уша синфдаги ўқувчиларнинг масъулият даражаси қандай эканлигини ёзиб қўйиш керак). Анкета материалларига қўшимча сифатида ўқитувчилардан олинган маълумотларни қўшиб қўйиш мумкин.

### Социометрия

Мазкур методика ёрдамида ўқувчиларнинг машҳурлиги (ёки машҳур эмаслиги) белгиланади, синфдаги мавжуд микрогруппалар аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, социометрия синф колективининг ўзига хос структураси тўғрисида асосли маълумот олиш имконини беради.

**Эксперимент ўтказиш техникаси.** Синфдаги ўқувчиларга бир вақтдан қоғоз тарқатиб чиқилади. Юқори томондаги ўнг бурчакка ҳар бир ўқувчи ўз фамилиясини, ундан сал пастроққа эса 1, 2, 3 рақамларнинг бирининг остига иккинчисини қўйиб ёзиб чиқилади. Сўнгра практикант қўйидаги саволларни ўқиб беради: «Сиз янги йилни синфдошларингиздан кимлар билан бирга кутишни истар эдингиз?», «Сиз синфдошларингиздан кимлар билан бирга бир бригадада ишлашни истар эдингиз?» ва бошқалар. Саволлар ўз мазмунига кўра ҳар хил бўлиши мумкин-у, лекин уларда албатта битта шартга риоя қилмоқ зарур: ўқувчи ўз синфидан уч нафар шерик танлаши лозим. Ўқувчилар нима сабабдан учта шерик танлаши кераклигини уларга тушунтириб бериш лозим: бирор

шерик иштирок этиш имконига эга бўлмай қолса, унинг ўрнини иккинчиси эгаллайди, мабодо у ҳам қандайдир сабаб билан таклифингизни қабул қила олмаса, унинг ўрнини учинчи шерик эгаллайди. Тўлдирилган варақларни студент йиғиб олади ва ўрганиб, ишлаб чиқади. Барча варақлар уни тўлдирган ўқувчиларнинг фамилияларига қараб алфавит тартибида ёзиб чиқилади ва номерланади.

Ўқувчиларнинг жавоблари асосида **1-сонли матрица** расмийлаштирилади. У қўйидаги тартибда тузиб чиқилади. Ўқувчиларнинг фамилиялари матрицанинг чап тарафидағи графага алфавит тартибида ёзиб чиқилади. Юқори қаторга уларнинг тартиб сонлари қўйилади. Варақлардаги маълумотлар матрицага кучирилади: тегишли катақларга + белгиси қўйиб, танланган жавоб ифода этилади. Масалан, 1-сонли матрицада биринчи бўлиб турган ўқувчи 1 рақами қўйилган ўқувчининг қаторидан мана шу сонларга мувофиқ келадиган катақларни қидириб топиши лозим (бунинг учун матрицанинг юқори қисмидаги сонлардан фойдаланиш лозим) ҳамда ўша катақларга+белгиси қўйиб чиқилади. Башарти, ўқувчилар бир-бирларини танлаган бўлсалар (1-ўзи учун 7 ва 15-ларни танласа, улар ўз навбатида 1-ни танлаган бўлсалар), у ҳолда — бу ўзаро бир-бирини танлаш бўлади, уни+белгиси билан ифодалаб қўйилади.

Барча карточкалардан олинган маълумотларни матрицага ўтказиб бўлгандан кейин ҳар бир ўқувчи танлаган жавобларнинг миқдори ҳисоблаб чиқилади. Якунлар, ҳар бир устуннинг остига ёзиб чиқилади. Ўқувчи танлаган жавобларнинг миқдори ўқувчиларнинг ўз синфидаги машҳурлик даражасининг кўрсаткичи бўлади.

**2-сонли матрица** қўйидагича тузилади. Унинг дастлабки қисми худди биринчи матрицадаги сингари тайёрланади. Чап томондаги юқори бурчакдан ўнг томондаги қўйи бурчакка томон диагонал чизиғи тортилади. Бу чизиқ горизонтал ва вертикаль буйича бир хил сонларга мувофиқ келадиган катақларни кесиб утади. Сонлар ва фамилиялар тегишли графаларга олдиндан ёзиб қўйилмайди. Сетка тайёр бўлганидан кейин 1-сонли матрица қўлга олинади.— Ундан бир-бирини танлаб олган ўқувчилардан истаган биттасининг фамилияси ажратиб кўрсатилади. Унинг 1-сонли матрицадаги тартиб сони ҳамда фамилияси 2-сонли матрицанинг биринчи қаторига кўчириб ёзилади. Худди шу соннинг ўзини юқоридаги биринчи катакка қўйилади. Иккинчи қаторга ҳозиргина биринчи қаторга ёзилган ўқувчи билан ўзаро бир-бирини танлаган боланинг тартиб сони ва фамилияси ёзилади. Биринчи матрицадан олинган иккинчи ўқувчининг тартиб сони ўзгартирамай сақлаб қолинади ҳамда юқоридач иккинчи катакка ёзиб қўйилади. Бу фамилияларнинг рўпарасид. Ги тегишли катақларга + белгиси қўйиб чиқилади. Шундан кейин 2-сонли матрицадан олинган ва биринчи қаторда фамилияси турган ўқувчи билан ўзаро бир-бирини танлаган бошқа ўқувчилар ҳам ажратиб кўрсатилади. Уларнинг 1-сони матрицадаги тартиб сонлари учинчи ва тўртинчи қа-

торларга ёзиб қўйилади. Мана шу фамилиялар рўпарасидаги тегишли катакларга + белгиси қўйиб чиқилади. Бу белги биринчи ўқувчига тегишли бўлган катакларга қўйиб чиқилади. Агар фамилияси биринчи қаторда турган ўқувчи ўзаро ҳеч ким билан бир-бирини танламаган бўлса, у ҳолда иккинчи қаторда фамилияси турган ўқувчи ана шундай ўзаро бир-бирини танлаганлиги текшириб чиқилади. Агар шундай ҳол мавжуд бўлса, унда ўша ўқувчининг тартиб сони ва фамилияси навбатдаги қаторга бундан олдинги учта ўқувчиникига ўхшатиб ёзиб қўйилади. Ўзаро бир-бирини танлаган ўқувчилар доираси тамом бўлмагунича иш худди шу тартибда давом эттирилаверади. Ўзаро бир-бирини танлаш белгилари диагонал чизиғи бўйлаб жойлаштирилади. Белгиланган группани қалинроқ чизиқ билан ўраб чиқилса, бунда квадрат ҳосил бўлиши керак. Бошқа микрогруппалар ҳам шу тахлитда аниқланади<sup>1</sup>.

Синфнинг социометрик ўрганиш натижалари (танлаш маълумотлари ёзиб қўйилган варақлар, ҳар иккала матрица) ни практикант ўзининг ёзма характеристикасига қўшиб қўяди ва уни ўқитувчига топширади.

Барча метод ва усуллар ёрдамида олинган материалларни умумлаштириш ҳамда ёзма характеристикага киритиш зарур. Уни ёзиш вақтида программага амал қилиш керак. Программанинг барча бўлимлари ва пунктларини етарли даражада муфассал ёритиб бериш лозим.

Характеристиканинг сўнгига колективнинг ривожланиш даржаси (савијаси) тўғрисида хuloscha чиқариш керак. Бунда: дифузион (аралаш группа, ассоциацион группа, кооперация, коллектив деган даражалардан бирини қўйиш лозим.

Десев Л. Психология малых групп.— М.: Прогресс, 1979.

Ковалев А. Г. Коллектив и социально-психологические проблемы руководства.— М.: Политиздат, 1975.

Лутошкин А. Н. Как вести за собой.— М.: Просвещение, 1986.

Обозов Н. Н. Межличностные отношения.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1979.

Петровский А. В. Личность. Деятельность. Коллектив.— М.: Политиздат, 1982.

Социальная психология / Под ред. Г. П. Предвечного, Ю. Г. Шерковина.— М.: Политиздат, 1975.

Уманский Л. И. Психология организаторской деятельности школьников.— М.: Просвещение, 1980.

#### 7- топширик. Дарснинг план-конспектини психологик жиҳатдан асослаб бериш

Топшириқнинг мақсади: ўқувчилар ва ўқитувчининг дарсга тайёрланиш фаолиятини анализ қила билиш кўникмаларини ҳо-

<sup>1</sup> Матрицанинг схемаси қўйидаги китобдан қаралсин: Практикум по общей психологии / Под ред. А. И. Шербакова.— М., Просвещение, 1979, 80—81-бетлар.

сил қилиш, бунда фаолиятнинг психологик томонига эътибор бериш.

### Инструкция

1. Студент психологик жиҳатдан асослаб бериш учун дарслардан исталган бирини танлайди ва бу дарс методик практикага киритилиши керак.

2. Дарсни психологик жиҳатдан асослаб бериш схемаси билан муфассал танишиб чиқилгандан сўнг унинг конспекти тузилади (одатда бу иш методист раҳбарлигида олиб борилади). Дарс конспектини тайёрлаш вақтида унинг мазмунига ўқувчилар ва ўқитувчи фаолиятининг шундай томонлари киритилиши керакки, улар дарснинг психологик мазмунини ташкил қиласин.

3. Дарсни психологик жиҳатдан асосланиш схемасига кўра шу конспектнинг анализи ўтказилади.

#### Ҳисобот учун материаллар

1. Дарс конспекти.

2. Дарсни ташкил этишини психологик жиҳатдан асослаб бериш.

#### Дарс конспектини психологик жиҳатдан асослаб бериш схемаси

##### I. Ўқувчилар фаолиятининг психологик анализи

1. Дарс ва унинг турли босқичларида ўқувчилар фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш қандай амалга оширилади?

2. Фақат хотира жараёнларинигина эмас, балки фикрлаш жараёнларини ҳам активлаштириш учун қандай усуллар қўлланиши назарда тутилади?

3. Ўқувчилар фаолиятида мустақиллик ва тақлид қилишнинг ўзаро нисбати дарсда қандай бўлади?

4. Ўтилган материални қайтариш ҳамда янги материални урганиш жараёнида ўқувчилар ақлий фаолиятини қандай усулларига таяниши керак?

5. Кўрилаётган дарсда билимнинг, маҳоратнинг, приёмларнинг кўчирилиши назарда тутиладими? Назарда тутилса, қандайларики? Кўчиришни ташкил этиш қандай амалга оширилади?

6. Мазкур дарсда ўқувчиларнинг эмоционал муносабатлари қандай ривожлантирилади: қандай ишлар ижобий эмоциялар уйғотиши мумкин, сиз чарзоқни чиқариш ҳамда ижобий эмоцияларни активлаштириш учун қандай усулларни қўлланиш керак деб ўйлайсиз?

7. Мазкур дарсда ўқувчиларнинг қандай хусусиятларини ва қайси психик жараёнларни ривожлантириш назарда тутилади.

##### II. Ўқувчиларнинг билимдонлик даражасини баҳолаш

1. Ақлий фаолият усуллари ва билим олиш нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг янги материални узлаштиришга қай даражада тай-

ёр эканликлариға баҳо беринг. Бунда сиз баҳо беришнинг қандай мезонларини қўлланган бўлардингиз?

2. Синф ўқувчиларининг ўқув предметига муносабатларига баҳо беринг ҳамда мазкур дарсни ўтишда ўқувчиларнинг шу фанга бўлган муносабатларини қандай қилиб ҳисобга олишингизни ёзма равишда баён қилиб беринг.

3. Сиз дарсда ўқувчиларнинг билимдонлик даражаси турлича эканлигини қандай ҳисобга олишни назарда тутасиз (дарсни ўзлаштириш вақтида илгарилаб кетиш суръати, фикрлаш ихчамлиги, ақлий ривожланишнинг турли даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади)?

4. Билимдонлик даражаси турлича бўлган ўқувчиларда янги материални ўрганишда қандай қийинчиликлар юзага келиши мумкин? Дарсни ташкил этишда сиз бунга қандай тайёргарлик курдингиз?

### III. Дарснинг баҳоси

1. Дарсни тайёрлаш ва ўтказишда «Психологик жиҳатдан асослаб бериш» схемаси ёрдам бердими?

2. Сиз дарсни ғояси ҳамда амалга оширилиши ўртасидаги муносабат нуқтаи назаридан қандай баҳолайсиз?

3. Дарсга сиз қандай баҳо олдингиз?

### 8-т о п ш и р и қ. Дарснинг психолого-педагогик анализи Инструкция

Ишнинг бу турига ўргатиши икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда ёш психологияси ва педагогик психология бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларда, студентлар унинг мазмунни ва бажарилиш методикаси билан танишадилар. Бундан ташқари, ўқитувчи раҳбарлигида олдин кўриб чиқилган дарсни анализ қиласидилар. Иккинчи босқичда, мактабда методик практика ўтаётганда, студентлар бу ишни мустақил бажарадилар.

Қўйида келтирилаётган программа ўқувчилар, ўқитувчилар ўқув фаолиятининг ҳамда уларнинг ўзаро таъсирига оид психологик анализни назарда тутади.

Топшириқ устида ишлашни дарс танлашдан бошлаш керак. Шундай дарсни олиш мақсадга мувофиқки, унда билим ва тарбия берувчи моментлар ҳамда ўқувчилар билан ўқитувчининг фаолияти ёрқин ифода этилган бўлсин. Бунда студент дарснинг мақсади ва вазифасини, методик қурилиши ва дарсда ўрганилаётган материялнинг ўзига хос хусусиятини аниқ билиши керак.

Анализ учун дарснинг муфассал конспектини тузиш керак. Конспектни тузишида унинг мазмунига, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятига ҳамда ўқитувчининг ўзини тутишига, ҳолатига, мимикасига, нутқига, ўқувчилар томонидан топшириқларни бажариш суръатига ва ҳоказоларга эътибор бериш лозим.

Бундан кейинги анализни енгиллаштириш мақсадида конспект иложи борича муфассал ёзилади.

Баҳо олиш учун студент психология ўқитувчисига дарснинг конспекти ва унинг анализини топширади.

## Дарс психологик анализининг программаси

### I. Ўқувчилар фаолиятининг анализи

1. Билиш фаолиятининг йўналиши, ўқувчиларнинг билим олиши ўқув масалаларига қай даражада бўйсунган, ўқувчилар диққат-эътиборининг мустаҳкамлиги, бир масаладан иккинчисига ўта олиш тезлиги.

2. Ўқувчилар ички ва ташқи фаолиятининг нисбатлари: амалга оширилаётган ақлий фаолиятнинг қандай ташқи аломатлари кузатилди (фикр-мулоҳазаларни тез ва тўғри айтиш, тўғри хатти-ҳаракатлар, паузалар қилиб жавоб бериш, бирорнинг айтиб берини кутиб туриш ва бошқалар), қандай масалалар, қайси усул билан ҳал қилинди, топшириқни бажариш учун ички ва ташқи нутқдан қандай фойдаланилди?

3. Ўқувчилар фаолиятидаги мустақиллик ва тақлидчиликнинг ўзаро нисбатлари: топшириқни намунага қараб бажарилган, уни оддий тақлид йўли билан кўчириб олинган ҳоллар юз берганми; бу йўл қанчалик ўзини оқлаган ва мақсадга мувофиқ бўлган? Масалални, ҳал қилишда мустақил йўл топилган ҳолларни таъкидлаб ўтиш керак.

4. Ўқувчиларнинг ақлий фаолиятида конкрет ва умумий ишларни, бажарилган фактларни таъкидлаб ўтиш, умумий мазмунга эга бўлган ишлардан фойдаланилган ҳолларни айтиб ўтиш, конкрет ва умумий ишлар ўқувчиларнинг жавобларида ўзаро муносабатда келган ҳоллар бўлганми, образлар ва тушунчаларда ифода этилган ва тасаввур қилинган материаллардан ўқувчилар фойдаланган мисолларни таъкидлаб ўтиш.

5. Ўқувчиларнинг ақлий фаолият усуллари ва услубларидан фойдаланиши: ўқувчилар эгаллаган ақлий фаолият турларини аниқлаш ва уларнинг номини айтиб бериш. Ўқувчилар қандай ақлий фаолият тури билан тез-тез шуғулланиб турадилар, қандай турларидан камроқ фойдаланадилар, бажариладиган хатти-ҳаракатларнинг қай даражада онгли равишда амалга оширилишини таъкидлаб ўтинг.

6. Ўқувчиларнинг машғулот предметига бўлган муносабати: дарснинг қайси моментларига ўқувчилар ҳис-ҳаяжони ёрқинроқ ифода этилди, бу нималар билан боғлиқ?

7. Ҳис-ҳаяжонларнинг таъсирчанлиги: ижобий ҳис-ҳаяжонларнинг ўқувчилар билим олишидаги активликка таъсир курсатган ҳолларни ва салбий ҳис-ҳаяжонларнинг ўқувчилар пассивлигига сабаб бўлган мисолларни кўрсатиб ўтинг.

8. Муносабатларнинг барқарорлиги ва динамиклиги: ўқувчиларнинг ўқув ишларига муносабатлари бирдай бўлганми ёки ўзгариб турганми, агар ўзгариб турган бўлса, бу нималар билан боғлиқ бўлган?

9. Болаларнинг интеллектуал ва эмоционал ўқув фаолиятининг нисбатлари: яққол кўзга ташланиб турган эмоционал муносабатлар бўлмаган ўқув ишларини таъкидлаб ўтинг, эмоциялар масалани ҳал қилиш йўлларини излашни ўзгартирган ҳолларини таъкидлаб ўтинг.

## **II. Ўқитувчи фаолиятининг анализи**

1. Ўқитувчининг ахборот берувчи функцияси: ахборот узатиш характеристикиаси (аниқлик, мантиқ, асосий ахборотни ажратади, билиш маҳорати, ахборотнинг тушуниш осон бўлиши, ўқувчиларнинг олдинги тажрибасига таяниш, бошқа предметлар ва амалиёт билан алоқа қилиш, ўқувчилар ахборотни қабул қила олишларини олдин айтаб бера олиш маҳорати).

2. Перцептив функцияси: ўқувчилар психик ҳолатини сеза билиш маҳорати, юриш-туришга боғлиқ равишда ўқувчи шахсини кўра билиш.

3. Коммуникатив функция: мулоқот услуби, педагоглик назоқати, нутқнинг характеристикиаси, экспрессив жиҳатлар, синф билан мулоқот ўрната билиш маҳорати.

4. Ташкилотчилик функцияси: ўқитувчи ўз шахсий фаолиятини, ўқувчиларнинг индивидуал ва колектив билиш фаолиятини ташкил қилиши, дарсда тартиб ва интизомни ўрнатиши.

5. Ривожлантирувчи функцияси: ўқувчилар ақлий фаолияти усулларини ривожлантириш ва шакллантиришга доир иш олиб бориш, ўқувчилар шахсини, колективини ва колектив муносабатларини шакллантиришга доир иш олиб бориш.

6. Контрол функцияси: ўқувчилар ахборотни қандай қабул қилганликларини текшириш усуллари, ўқитувчи баҳоларининг объективлиги, ўз вақтида баҳолаши, баҳолаш формаларининг турлича бўлиши, ўқитувчи ўз-ўзини контрол қилишининг хусусиятлари.

## **III. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари түғрисидаги умумий холосалар**

1. Билим олишнинг натижалари: билим ола билиш даражаси, уларнинг перспектив ва оператив аҳамияти.

2. Ақлий фаолият усулларини ўрганиш натижалари.

3. Ўқувчиларни дарсга муносабатининг характеристикиаси.

4. Ўқувчиларнинг ўзаро муносабати ҳамда ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро алоқаларининг анализи.

5. Мазкур дарснинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи таъсирiga берилган умумий баҳо.

## **IV. Ўқувчилар ўқув-тарбия ишининг асосий шакли сифатида дарсни тақомиллаштириш учун таклифлар**

Дарс анализининг натижаларига:

1) ўқувчилар ўқув фаолияти бошқарилишини яхшилаш юзасидан;

2) ўқувчиларда ўқишига бўлган ижобий эмоционал муносабатни шакллантириш юзасидан;

3) ўқитувчилик касбига аҳамияти бўлган вазифалар системасининг бажарилишини такомиллаштириш юзасидан конкрет таклифлар киритинг.

Бабанский Ю. К. Оптимизация процесса обучения.— М.: Педагогика, 1977.

Матюшкин М. А. Проблемные ситуации в мышлении и обучении.— М.: Педагогика, 1972.

Махмутов М. И. Современный урок.— М.: Педагогика, 1985.

Симонов В. П. О требованиях к уроку и его анализу // Советская педагогика, 1-сони, 1980.

Якиманская И. Я. Развивающее обучение.— М.: Педагогика, 1979.

### 3- тема. Психик ривожланиш динамикаси ва қонуниятлари ҳамда ўқувчи шахсининг шаклланиши

#### Методик кўрсатмалар

Психик ривожланиш динамикаси ва ўқувчи шахсининг шаклланишини ўрганиш — ҳозирги замон психологиясининг актуал проблемаларидан. Уни ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. И. М. Сеченов, умумий фалсафий ва табиий-илмий масалаларни ҳал қилмоқ учун боланинг ақлий ривожланишини ўрганиш керак, деб кўрсатган эди. В. И. Ленин ўзининг «Фалсафа дафтарлари» деган асарида, боланинг ақлий ривожланиш тарихи билим соҳаларидан бири эканини, билиш ва диалектик назарияси мана шу билимлар негизида яратилиши зарурлигини ёзганди.

Боланинг психик ривожланиш динамикаси ва қонуниятларини ҳамда бола шахсини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини билиш, амалий жиҳатдан олганда мактабда болага бериладиган таълимнинг турли босқичларида ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш учун зарурдир. Боланинг бир ёш давридан кейинги сига ўтиш пайтидаги ёш хусусиятларини ва унинг қонуниятларини билиш — бу ўқувчи шахсига педагогик жиҳатдан асосланган тарзда таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Темани ўрганишда психик ривожланиш жараёнини материалистик психология позициясидан тўғри тушунилишига алоҳида эътибор бериш ҳамда мазкур масалани тушунтиришда асосий идеалистик йўналишларни танқид қилиб ўтиш зарур. Бола шахсининг психик ривожланиши ва шаклланиши — бу ҳаддан ташқари мураккаб тадқиқот обьектидир. Одам — бу биосоциал мавжудотдир. Одамнинг биосоциал бирлиги индивидни сенсор-перцептив жиҳатдан ўюштирилишида ўз ифодасини топади ҳамда бир томондан, психик жараёнларда, иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва социал тараққиётининг фаол қатнашчиси си-

фатида унинг хулқ-автори хусусиятларида намоён бўлади. Бунда социал детерминация, одамнинг турмуш тарзи билан фаолиятига оид жараёнларнинг ҳамда шахс хусусиятларининг белгиловчи омиллар ҳисобланади.

Буржуа мамлакатларида биологизаторлик назариялари кенг тарқалиб кетган. Бундай назарияларнинг тарафдорлари психик ривожланиш асосини биологик омилларда, зеҳнларда курадилар. Уларнинг фикрича, кишининг зеҳни унинг психик ривожланиши қандай бориши ва қай даражада тараққий этишини олдиндан белгилаб беради ва ҳеч ким унга таъсир кўрсатиши, уни ўзгартириши ҳам мумкин эмас. Гоҳо бундай назарияларнинг тарафдорлари боланинг психик ривожланишида муҳитнинг ролини кўрсатиб ўтадилар, лекин уни фақат кишига табиат ато қилган фазилат ва хусусиятларнинг пишиб етилиши учун зарур бўлган шартшароит сифатида бола психикасини гарб олимлари томонидан талқин этилаётган яна бир бошқа йўналиш — бу социолоизаторлик йўналишидир. Унинг тарафдорлари, аксинча, кишидаги зеҳннинг аҳамиятини бутунлай инкор қиласидилар. Улар психик ривожланиш жараёнини ўзгармас муҳитнинг болага кўрсатадиган таъсири билан изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, тарбиявий таъсир чоралари аҳамиятсиз, бу чоралар ҳеч нарсани ўзгартириши мумкин эмас экан. Ҳар иккала йўналиш тарафдорлари ҳам бола психикасини ривожлантиришнинг ҳақиқий қонуниятлари ва ҳаракатга келтирувчи кучлари тўғрисидаги таълимотни бузиб талқин қиласидилар. Чунки улар бунда сохта гносеологик қарашлардан келиб чиқадилар.

Материалистик позицияда турган совет психология фани бундай назарияларни рад қиласди, уларнинг реакцион моҳияттини кўрсатиб беради. Совет психология фанининг тараққиёти давомида шу нарса исбот қилиндиди, одамдаги туфма, ирсий механизmlар, яъни зеҳн одамнинг психик ривожланишига таъсир кўрсатади-ю, лекин на унинг мазмунини ва на ўзига хос фазилатларини белгилаб бера олмайди. Муҳит ҳам бола психикасини ривожлантиришда муайян роль ўйнайди.Faқат бунинг учун болани ўқитаётган ва унга тарбия берадиган катта ёшли кишиларнинг раҳбарлиги остида бола ана шу муҳитни актив равишда ўрганиб олган бўлиши керак. Ҳа, бола муҳитга пассив равишда мослашиб кетмай, балки инсоният эришган ютуқларни актив эгаллаб боради.

Боланинг объектив ҳаётни ўрганиш юзасидан ўз шахсий фаолияти, унинг катта ёшли кишилар билан бўлган билвосита муносабатлари бола психикасини, унинг онгини ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Д. Б. Эльконин ҳақли равишида таъкидлаб ўтганидек, болани тарбияловчи ва унга таълим берувчи кишилар боланинг психик ривожланишини ҳам йўлга соладилар<sup>1</sup>. Биз психик ривожланиш жараёнини қараб чиқаётганимизда шундан келиб чиқамизки, билиш, муносабат ва меҳнат — бу-

<sup>1</sup> Эльконин Д. Б. Детская психология.— М., Учпедгиз, 1960, 16—17-бетлар.

лар ўсиб келаётган киши шахсини ривожлантиришнинг асосий омиллари ҳисобланади. Билиш жараёнида бола мураккаб йўлни босиб ўтади, у билмасликдан билишга, предметларнинг хусусиятлари ва ўзаро алоқасини юзаки тушунишдан унинг моҳиятини чуқур англаб етишга, объектив оламни образли акс эттиришдан уни тушуниб акс эттиришга томон боради. Билиш фаолиятининг ривожланиши объектив оламни ҳиссий ва мантиқий акс эттиришнинг ўзаро алоқаси орқали амалга оширилади, билиш жараёнинг ўзи — одамдаги интеллектуал, эмоционал ва иродавий жараёнларнинг бир бутунлиги ва ўзаро алоқада келиши орқали амалга оширилади. Бола психикасининг ривожланишига тобора мураккаблашиб бораётган билиш жараёнигина эмас, шу билан бирга ўша предмет ва ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини ҳам шакллантиради; кейинчалик бу муносабат унинг шахсидаги психик жараён ва хусусиятларнинг бутун ривожланиш йўлига таъсир кўрсатади. Боланинг психик ривожланиш жараёнида шаклланиб бораётган унинг теварак-атрофдаги ҳаётга, меҳнатга, бошқа кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабати унинг ёши улғайиб бориши билан тобора онгли шакл касб эта бошлайди. Бу ўз навбатида, унинг билимлари чуқурлашиб боришига, ҳис-туйғулари шаклланиши ҳамда фаолиятнинг онгли субъекти сифатида боланинг социал активлиги, иродаси ривожланиб боришига ёрдам беради.

Одам шахс сифатида туғилмайди, балки ҳаёти ва фаолияти давомида шахс сифатида таркиб топа боради. Теварак-атрофдаги ҳаёт билан актив равишда мулоқотга киришиш, билимларнинг, муносабатларнинг ва социал ҳаракатларнинг бир бутунлиги бола психик ривожланишининг ҳамда унда шахсий психик хусусиятлар: аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар, характер ва қобилиятлар вужудга келиб шаклланишининг умумий қонунияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахс сифатида бундай дифференциациялашган бир бутунликни ўрганишга нисбатан системали тарзда ёндашиш энг тўғри ёндашиш ҳисобланади (Б. Г. Аナンьев, Б. Ф. Ломов ва бошқалар). Шахсни системали тарзда ўрганиш таркибидаги энг муҳим тадқиқот принципларидан бири — бу фаолият орқали ёндашиш принципидир (С. Л. Рубинштейн, А. Н. Леонтьев, А. В. Запорожец, В. В. Давидов ва бошқалар).

Фаолият категорияси — бу ҳам системали категория бўлиб, қўҳна психология фанидаги функционализмни енгиб ўтиш имконини беради. Шунга қарамасдан П. П. Блонский ва Л. С. Вигодскийлар томонидан совет психология фанининг пойдеворига қўйилган — психик ривожланиш принципини асос қилиб олмасдан туриб, одам шахсини ўрганишга системали тарзда ёндашиш принципини амалда юзага чиқариб бўлмайди. Шахснинг социал перцептив ташкил этиш структурасига актив равишда таъсир этиб уни шакллантирувчи принцип сифатида қараб чиқилаётган ушбу системали ёндашиш принципи психология фанининг ҳозирги босқичида амал қилинадиган асосий принцип бўлиб қолди. Бунинг шундай эканлигига бир қатор сабаблар бор.

Энг аввало бу одам психик активлигининг мураккаб ва динамик тарзда кечишида кўринади. Амалий жиҳатдан олганда шахснинг ҳар қандай хусусияти, бу хусусият ундан сенсор-перцептив соҳанинг характеристикаси ёки шахс характерининг бирор белгиси бўлишидан қатъи назар, у системали (интегратив) тарздаги ҳислатдан иборат бўлади. Бундай ҳислат бир томондан, онтогенез билан шахснинг ҳаётий йўли кесишган жойда пайдо бўлса, иккинчи томондан, у мураккаброқ бир системанинг элементи сифатида вужудга келади. Унинг ўрни ва аҳамияти бир бутун зот сифатидаги шахснинг қай дараҷада мураккаб эканлиги билан белгиланади. Мана шу биологик ва социал ришталардан иборат мураккаб тугунни ечиш, табиат билан жамият шахснинг ривожланишига ҳақиқатан қандай ҳисса қўшганлигини тушуниб олиш, бинобарин, шахснинг шаклланишини бошқаришга ўрганиб олиш — фақат бола ҳаётининг турли босқичларида унинг психик ривожланиш динамикасини ўрганиш орқалигина мумкин бўлади.

Одам туғилгандан бошлаб то етук ёшга боргунича унинг психик ривожланиши бир-бирининг ўрнига келадиган қатор ёш даврлари ёки ёш босқичлари орқали ўтади. Улар ўз қонуниятлари ва сифат жиҳатдан ўз хусусиятларига эга бўлади. Амалий машғулотларда ёш даврларига характеристика бериш вақтида уларнинг ҳар бирига хос хусусиятини ўрганибина қолмай, шу билан бирга улар ўртасидаги ўзаро диалектик алоқаларни ва ўзаро бир-бирига ўтиш ҳодисаларини ҳам билиб олиш мухимdir. Бунда психик жараёнлардаги ёшга оид ўзгаришларнинг ҳамда шахснинг хусусиятларига доир асосий белгиларга: тобора ўсиб борувчи ихтиёрийликка, мустақилликка, ўз-ўзини англаш ва тарбиялаш сингари бир қатор фазилатларга эътиборни қаратиш лозим. Бундай хусусиятларнинг ажратиб кўрсатилиши конкрет психик жараёнларда ва шахс хусусиятларида содир бўладиган ўзгаришларни яна ҳам чуқурроқ ўрганиш учун тайёргарлик ҳисобланади.

Ҳар бир ёш даврн учун фаолиятнинг етакчи тури ва боланинг ана шу фаолиятга нисбатан муносабати характеристидир. Фаолиятнинг етакчи тури ҳамда хатти-харакатлар мотивацияси психик жараёнларда ҳамда шахс ривожланишининг муайян давридаги унинг психик хусусиятларида содир бўладиган энг асосий ўзгаришларни белгилаб беради. Ривожланишнинг бир ёш давридан бошқасига ўтиши боланинг психологик ва амалий фаолиятидаги ўзгаришлар, унинг катталарга муносабатларининг ўзгариши етакчи фаолият турининг ўзгариши ва, шунингдек, унинг хатти-харакатлари ҳамда хулқ-авторида онгли равишда амалга оширилган ишларнинг ортиб бориши билан характерланади.

Ҳозирги замон психология фанида психик ривожланиш қўйидагича даврлаштирилади: мактабгача ёш — илк ёш даври, болалик даври, мактабгача ёш даврига яқин ва мактабгача ёш даври; мактаб ёши — кичик ўрта ва катта мактаб ёшидаги даврлар<sup>1</sup>. Ҳар

<sup>1</sup> Қаранг: Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского.— М., Просвещение, 1979, 36-бет.

бир ёш даври — бу шахснинг психик жараёнлари ва психик хусусиятлари ривожланишидаги янги босқичдир. Боланинг бир ёш давридан бошқасига ўтиб улғайиши билан тўплаётган тажрибаси, билиш, мулоқотга киришиш ҳамда ижтимоий-фойдали фаолият характерининг мураккаблашиб бориши унда социал перцептив қобилиятларнинг шаклланиб бориши, теварак-атрофдаги ҳаётни тўғри идрок этиш ва баҳолаш учун, ўқиш ва меҳнатга онгли муносабатда бўлишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратади. Тобора мураккаблашиб бораётган ўқиш ва ижтимоий фойдали фаолият жараёнида ўқувчининг фақат онги бойиб бормасдан, балки ундаги инъикос — акс эттириш фаолиятига оид қобилиятлар ҳам такомиллашиб боради. Идрок этиш ва кузатувчаник, хотира ва тафаккур, тасаввур ва нутқ, ҳис-туйғу ва ирода ривожланиб боради. Натижада ўқувчи ҳаётни яхшироқ кўрадиган ва англайдиган, уни янада чуқурроқ ва теранроқ тушунадиган бўлиб боради. Ўқувчиларда энди теварак-атрофдаги оламни онгли равишда инъикос этиш қобилияти ривожланибина қолмай, шу билан бирга олинган билимлар асосида уни ўзгартириш қобилияти ҳам ўсиб боради. Бу эса уз навбатида психиканинг ривожланишига олиб келади. И. М. Сеченов бундай деб ёзган эди: «Ҳар доим ва ҳамма жойда ҳаёт икки омилнинг: яъни муайян, лекин ўзгариб турадиган ташкилотчиликнинг ҳамда ташқаридан курсатиладиган таъсирнинг бир-бирига қўшилишидан ташкил топади»<sup>1</sup>. Бу гап ўқувчининг психик ривожланишига ҳам тўла таалуқлидир, яъни бир ёш босқичидан бошқасига ўтиш ташқи таъсир билан ички шарт-шароитларнинг мураккаб ўзаро алоқалари вазиятида кечади. Бунда ташқи таъсирлар етакчи роль ўйнайди.

Шундай килиб, ўқувчининг психик ривожланиши — бу унинг ўшигагина хосликдан кўра ўқув-тарбия ишларининг савиясига боғлиқ функциядир. Шунинг учун булар ўртасида у қадар кескин ўтиш, қатъий чегара йўқдир. Ёшга оид чегаралар кўпинча бир йил ва ундан сал кўпроқ вақт давомида кечади. Бундай ҳол психик жараёнларнинг ривожланишида ҳам, шахс психик хусусиятларининг ривожланишида ҳам кузатилади. Масалан, кичик ёшдаги ўсмир шахсида намоён буладиган кўпгина — енгилтаклик, ўжарлик сингари одатлар — у катта мактаб ўшига етганида ҳам сақланиб қолади. Айниқса, мактабдаги бутун ўқув-тарбия ишлари системасида ва оиласида ўша ёмон одатларни енгигиб ўтишга шахснинг ижобий фазилатларини ривожлантиришга ҳалал берадиган шарт-шароитлар сақланиб қолган ҳолларда бу яққол кузга ташланади.

Ҳозирги замон психология фани учун ривожланиш принципининг фундаментал аҳамиятини социалистик жамият шароитида инсон психик ҳаётининг юксак даражада динамиклик хусусиятини бутун тўлалиги билан англаб етилиши тақозо этмоқда. 70- йилларнинг болалари психик ривожланишга кўра 50- йиллардаги ўз тенгдошларидан анча илгарилаб кетишди. Бу муаммо фоят катта социал маънога эгадир. Психология фани учун у боланинг психик

<sup>1</sup> Сеченов И. М. Избранные философские произведения.— М., 1974, 412-бет.

ривожланишидаги айрим даврларда мавжуд бўлган конкрет тарихий мазмун проблемасига, психик фаолиятнинг ҳаётий механизmlарини ривожлантириш ҳамда шахс ҳаётий йўлининг турли босқичларида унинг социал перцептив томондан ташкил этиш проблемасига кўчирилади.

Мустақил ишлашга берилган топшириқларни бажаришда студентлар назарий материални семинар машғулотларида баён этиб бериш билангина чекланиб қолмасдан, назарияни практика билан боғлаш маҳоратига ўрганиб боришга ҳаракат қилишлари, конкрет мисолларга, фактларга ҳамда ўзлари болалар билан ишлашда орттирган шахсий тажриба ҳамда кузатишларини психологик жиҳатдан анализ қилиб беришга ҳаракат қилишлари керак. Семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда ўқилган адабиётларга аннотациялар ёзиш ва улар асосида конспект тузиш ҳамда психологик масалаларни ечиш катта ёрдам бериши мумкин. Баъзи бир хил масалалар шундай тузилганки, уларнинг ечилиши психологик билимларни мияда фақат қайтадан тиклашни эмас, шу билан бирга уларни практикада ижодий қўлланишини тақозо этади. Бошқа бир хил масалалар турли ёшдаги ўқувчилар билан эксперимент ўтказишни талаб қиласди. Бу эса студентларда муайян билим, малака ва ўқувчилар билан мулоқотга киришиш кўникмаси бўлишини тақозо этади. Учинчи бир хил масалалар студентлардан педагогик вазиятларни мустақил равишда анализ қилиш ҳамда психологик масалалар туга олиш кўникмасини ривожлантиради. Бунда, ўқув ишлари турининг пировард мақсади студентларда психологик соҳадаги назарий билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан ҳамда бу билимларни амалда қуллана билиш кўникмасини ривожлантиришдан иборатdir.

### **Семинар ва амалий машғумотларнинг планлари Адабиётлар**

#### *Биринчи машғулот (семинар)*

#### *Совет психология фанида шахснинг психик ривожланиши ва шаклланиши проблемаси*

1. Шахснинг психик ривожланиши ва шаклланиши тўғрисидаги диалектик материалистик таълимотнинг асосий қондалари.
2. Психикани ривожлантиришнинг фанга қарши назарияларининг танқид қилиниши.
3. Ортогенездан шахс психик ривожланишининг шарт-шароитлари ва сабаблари:
  - а) оиласидаги аҳвол ва ота-она билан бўлган муносабат;
  - б) мактабдаги аҳвол ва ўқитувчилар ҳамда тенгдошлар билан бўлган муносабатлар;
  - в) шахснинг психик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришда кичик-кичик норасмий группаларнинг роли;
  - г) зиддиятлар кураши — одам психик ривожланишининг асосий сабаби.

4. Ёшни даврлаштириш. Ёш даврлари ўртасидаги ўзаро диалектик алоқалар.

5. Шахс ривожланишининг асосий омиллари: мулоқот, билиш, меҳнат.

### *Иккинчи машғулот (семинар)*

#### *Фаолият психик ривожланиши ва бола шахсини шакллантиришининг негизи эканлиги*

1. Фаолиятнинг психологик структураси ҳамда боланинг сенсор-перцептив соҳасини ривожлантиришда операциялар ва хатти-ҳаракатларнинг роли.

2. Ўқувчиларнинг диққатини ўз хулқ-авторини назорат қилиб туриш ва ўзини-ўзи йдора қилинши амалга ошириш системаси сифатида шакллантириш.

3. Ақлий меҳнатни ўзлаштириш ҳамда интеллектуал активликни ривожлантириш.

4. Хулқ-авторни ихтиёрий равишда мувофиқлаштириб туриш ҳамда нутқ фаолиятини ривожлантириш.

5. Фаолиятнинг ҳар хил турларида болаларнинг социал активлиги (ўқитиш ва тарбиялаш, ижтимоий-фойдали меҳнат, педагогик мулоқот) ни ривожлантиришнинг психологик-педагогик шартшароитлари.

### *Учинчи машғулот (амалий)*

#### *Онтогенездаги психик ҳодисаларнинг ёш динамикаси*

Машғулот шахснинг онтогенездаги ривожланиши ва шаклланнишининг умумий қонуниятларининг қараб чиқишига бағишлиган. Студентлар тавсия этилган адабиётларни мустақил равишида ўрганадилар. Улар машғулотларда назарий билимларига таянган ҳолда фактли материаллар анализини ўtkазадилар. Бунинг учун улар педагогик практикада ўқитувчининг топшириғи бўйича мактабда тўплаган материалларидан фойдаланадилар.

Назарий ва амалий материални психологик анализ қилиш қўйидаги план асосида ўтказилади:

1. Бола шахсидаги дунёқарашни, қизиқишиларни, идеаллар ва мотивлаштириш соҳасини шакллантиришнинг ёшга оид хусусиятлари.

2. Хотира, тафаккур ва унинг турлари кўринишлари жараёнларида ёш хусусиятлари намоён бўлишининг қиёсий характеристикаси.

3. Эмоционал-ирода соҳаси ва унинг ўқувчи шахсидаги билиш активлигини ривожлантиришдаги аҳамияти.

4. Турли ёш группаларидағи ўқувчиларда темперамент хусусиятларининг ташқи томондан намоён бўлиши, темперамент билан характернинг ўзаро муносабати.

5. Ўқитишининг турли босқичларида ўқувчилар ижодий қоиниятларини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари.

### *Тұрткынчи машғулот (амалий)*

#### *Хөзирги замон шароитида ўқувчи шахсими ривожлантиришнинг хусусиятлари*

Студентлар бу машғулотда ҳам педагогик практика вақтида ўқитувчининг топшириғи билан мактабда түплаган материаларни анализ қыладылар.

Назарий ва амалий материални психологияк анализ қилиш, ундан холоса ва умумлашмалар чиқарыш қўйидаги план асосида амалга оширилади:

1. Ривожланиб келаётган ўқувчи шахси хусусиятларига фантехника тараққиётининг таъсири.

2. Ўқитувчининг ўз-ўзини англашини ривожлантиришдаги социал-психологик шароитлар ва унинг ўқитишининг турли босқичларида ўқувчи шахсими шакллантиришдаги роли.

3. Ўқувчи қизиқишларининг ёшга оид ҳамда индивидуал хусусиятлари, уларнинг ташқи томондан намоён бўлиши даражаси.

4. Билим олиш, мустақил ўқиш ҳамда информатика ва ЭҲМ асосларини эгаллашдаги изчиллик — ўқувчи шахсими ҳар томонлама ривожлантиришнинг ва уни меҳнатга тайёрлашнинг муҳим шартидир.

5. Ўсмирлик ва ўспириналлик ёшида ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқаришни ташкил этиш.

6. Ҳәзирги замон шароитида болалар ва ўсмирлар ҳаётида кун режимининг аҳамияти.

Актуальные проблемы возрастной и педагогической психологии / Под ред. Ф. И. Иващенко, Я. Я. Коломинского.— Минск: Вышешшая школа, 1980, 3—23- бетлар.

Ананьев Б. Г. О проблемах современного человекознания.— М.: Наука, 1977, 187—274- бетлар.

Анцифирова Л. И. Методологические проблемы психологии развития // Принцип развития в психологии.— М.: Наука, 1978. 3—20- бетлар.

Абульханова-Славская К. А. Методологический аспект проблемы субъективного // Методологические и теоретические проблемы психологии. / Под ред. Е. В. Шороховой.— М.: Наука, 1969.— 317—347- бетлар.

Бодалев А. А., Ломов Б. Ф., Матюшкин А. М. Психологическая наука — реформе школы // Вопросы психологии.— 1984, 3-сони, 12—24- бетлар.

Блонский П. П. Избранные педагогические и психологические сочинения / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Педагогика 1979, 2-том, 8—117- бетлар.

**Божович Л. И.** Этапы формирования личности в онтогенезе / Вопросы психологии.—1978, 4- сони.

**Виготский Л. С.** Развитие высших психических функций.— М.: АПН РСФСР, 1960.

**Возрастная и педагогическая психология** / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979, 21—37- бетлар.

**Возрастная и педагогическая психология** / Под ред. М. В. Гамзово, М. В. Матюхиной, Т. С. Михальчик)—,М.: Просвещение, 1984, 27—37- бетлар.

**Гензек В. А., Головей Л. А.** К системному описанию онтогенеза человека // Психологический журнал.— 1980. 1- том, 6-сони, 42—53- бетлар.

**Донцов А. И., Саркисян Ш. В.** Совместная деятельность как фактор межличностного восприятия в группе // Вопросы психологии.—1980, 4- сони, 38—49- бетлар.

**Леонтьев А. Н.** Деятельность. Сознание. Личность.—2-е изд.— М.: Политиздат, 1977, 159—230- бетлар.

**Пономарев Я. А.** Знания, мышление и умственное развитие.— М.: Просвещение, 1967, 38—83- бетлар.

**Обучение и развитие** / Под ред.- Л. В. Занкова.— М.: Педагогика, 1975.

**Чеснокова И. И.** Особенности развития самосознания в онтогенезе // Принцип развития в психологии.— М.: 1978, 316—337- бетлар.

**Эльконин Д. Б.** К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте // Вопросы психологии.—1971. 4- сони.

**Якобсон П. М.** Эмоциональная жизнь школьника.— М.: Просвещение, 1966, 82—170- бетлар.

### Студентларнинг мустақил ишлари учун топшириқлар

#### Адабиётлардан аннотация ёзиш ва уларни конспект қилиш

**Абульханова — Славская К. А.** Деятельность и психология личности.— М.: Наука, 1980, 113—210- бетлар.

**Тихомиров О. К.** Психология мышления.— М.: Наука, 1984, 181—231- бетлар.

**Шкаликов В. Л., Шадриков В. Д.** Взаимосвязь обучения и развития в процессе освоения профессиональной деятельности // Психологический журнал —1984, 5- том, 5- сони, 94—103- бетлар.

**Якобсон П. М.** Психология чувств: Хрестоматия по психологии.— М., 1984, 480—487- бетлар.

### Рефератлар ёки докладлар учун темалар. Адабиётлар

1. Совет психологиясида боланинг ривожланиши проблемаси

**Костюк Г. С.** Проблема развития ребёнка в советской психологии // Вопросы психологии.—1967, 6- сони.

**Мухина В. С.** Детская психология.— М.: Просвещение, 1985.

## 2. Ўқувчи шахсининг мақсаддага йўналғанлигини шакллантириши

Денисовская Т. М. К проблеме развития личности // Психологический журнал.—1981, 2-том., 6-сони, 97—103-бетлар.

Размыслов П. И. Интересы младших школьников // Психология младшего школьника / Под ред. Е. И. Игнатьева.— М.: АПН РСФСР, 1960.

Сухомлинский В. А. Духовный мир школьника.— М.: Учпедгиз, 1961.

Маркова А. К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте.— М.: Просвещение, 1983, 5—69, 88—95- бетлар.

## 3. Ўқувчилар қобилиятларини ривожланиши ва шаклланиши

Ананьев Б. Г. Формирование одаренности / Склонности и способности.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1962.

Артемьева Т. И. Психология способностей и всестороннее развитие личности // Принцип развития в психологии.— М.: Наука, 1978, 142—156.

Корсунский Е. А. Развитие литературных способностей школьников: Учебное пособие к спецкурсу.—Л.: ЛГПИ, 1985.

Регуш Л. А. Прогнозирование как познавательная способность личности / Проблемы развития познавательных способностей.—Л.: ЛГПИ, 1983, 33—45- бетлар.

## 4. Ўқувчилар ўз иродасини ўзи тарбиялашнинг психологик асослари

Агафонов Т. И., Андреева А. Ф. Активизация у учащихся настойчивости в процессе самоподготовки / Труды Краснодарского педагогического института.—1962, Вып. 29.

Кочетов А. И. Как заниматься самовоспитанием.— Минск: Вышешшая школа, 1985, 135—192- бетлар.

Рувинский А. И., Соловьева А. Е. Психология самовоспитания.— М.: Просвещение, 1972, 6—28, 74—99- бетлар.

## 5. Ўқувчи характерининг шаклланиши

Абраменко В. И. Психология характера школьников подросткового возраста.— Киев, 1974.

Мерлин В. С. Проблемы экспериментальной психологии личности: Хрестоматия по психологии / Под ред. А. В. Петровского М.: 1977, 182—192- бетлар.

## Психологик масалалар ечиш

### 1-масала

Бине-Штерн назариясига биноан болаларда кузатишнинг ривожланиши бир қанча босқич ёки дараражалардан ўтади. Бу даражалар муайян бир изчилликда бир-бирининг ўрнини алмаштириб туради ва доимий равишда шундай ҳаракатда бўлади: 1) турли

аралаш предметларни санауб, номма-ном айтиб бера олиш босқичи (3 ёшдан 7 ёшгача); 2) баён эта олиш босқичи: бунда предметларга характеристика берилади, улар ўртасидаги бәзги бир алоқалар күрсатиб үтилади; 3) изоҳлаш, тушунтириш босқичи: бунда манзара умуман тұлық идрок этилади, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ҳамда муносабатлар очиб берилади.

Ушбу назарияни амалда текшириб күриш вақтида совет психологияри (С. Л. Рубинштейн, Г. Т. Овсепян) шундай холосага келдиларки, юқорида күрсатиб үтилган босқич ва даражаларни болаларнинг ёшига нисбатан олмаслик керак. Нарса ва ҳодисаларни қай даражада идрок этишига қараб бир хил ёшдаги бир қанча болалар турли кузатиш босқичларида бўлиб қолишилари, худди шунингдек турли ёшдаги болалар айнан шу хил босқичда бўлиб қолишилари мумкин.

### Саволлар

1. Бине-Штерн назариясининг хато эканлиги нимада намоён бўлади?

2. С. Л. Рубинштейн ва Г. Т. Овсепян холосаларининг тўғри эканлигини конкрет мисоллар билан тасдиқланг.

### 2-масала

Ўқувчилар кичик ёшдаги синфлардан катта ёшдаги синфларга ўтгани сайин улардаги кузатувчанлик ўзгариб боради. Агар кичик ёшдаги ўқувчиларда бу кузатувчанлик у ёки бу предмет, ҳодисанинг сиртидаги белгиларни кўришда намоён бўлса, ўрта ва катта ёшдаги ўқувчиларда бундай кузатувчанлик уларнинг воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришга, уларнинг яширин, лекин фоят мухим белгиларини акс эттиришга ҳаракат қилишиларида намоён бўлади.

### Саволлар

1. Кузатувчанликдаги бундай ўзгариш нималар билан изоҳланади?

2. Ўқувчиларнинг кузатувчанлигини ривожлантиришда ўқитувчи қандай роль ўйнайди?

### 3-масала

Еш жиҳатдан олганда психик жараёнларнинг ўзгариши ўзаро алоқада ва ўзаро боғлиқликда содир бўлади. Буни В. Короленко-нинг «Чироқлар» деган ҳикояси бўйича II, IV, VII ва X синфларнинг ўқувчилари ёзган баёнидан ҳам кузатиш мумкин. Қуйида ўқувчилар томонидан ёзилган баён ва унинг мазмунини келтирамиз.

## ЧИРОҚЛАР\*

(В. Короленко ҳикояси)

Бундан анча илгари, күнлардан бир күн салқын күз пайтида кечқурун — одам-одамни танимайдиган вақтда шұх Сибирь дарёсіда қайиқда сузшыга тұғри келди. Тұсатдан дарё бурилишида рұпарадаги қоп-қора булиб күринаётган тоғлар орасыда мілт эт-ған чироқ күринди.

Чироқ шундай ёнгинамизда жуда ёрқин ёнди-ю, лип этиб учди...

— Худога минг марта шукур! — деб юбордим суюнганимдан, — ниҳоят тұхтаб дам оладиган жойимиз ҳам яқин қолибди!

Әшкакчи елкаси оша яна мілт-мілт қилиб күринаётган чироққа қаради ва хафсаласи пир булиб, яна әшкакка ёпишиди.

— Жұда узоқда-ку!

Мен ишонмадим. Чироқ бояғидек ёрқин нур сочиб туар, зимзіё түнни ёриб олдинга чиқиб турғандек бұлиб туюларди. Бироқ әшкакчи ҳақ булиб чиқди: чироқ чиндан ҳам жуда узоқда экан.

Бу тунги чироқларға хос бұлған хүсусияттнинг үзи шунақа экан — тун қаърини ёриб сенға яқынлашаётгандек булиб мілт-мілт нур сочиб туар, сенға йўлинг яқин деб ваяда берар, үзининг жуда яқин жойдан күринаётгандек бұлиб туюлиши билан үзига тортар экан. Назарингда ҳозир ұша жойға этиб оладигандайсан, сувга яна икки-уч әшкак үрсанғ вассалом йўл тамом... Бу шундай туулади, аслида эса, ҳали узоқ!..

Биз худди сиёҳ сингари қоп-қора дарёдан яна анча жойгача сузіб бордик. Рұпарамиздан ўнгирлар ва қоялар чиқиб, биз эмас худди улар ёнимиздан сузіб ұтаётгандек бұлиб туюларди, улар аввалига бутун салобати билан бизга яқынлашиб келарди-да, кейин оптимизда қолиб кетарди. Чироқ эса ҳамон жимир-жимир қилиб рұпарамизда ҳамон үзгармай туар, у биринчи марта күзимиз тушган пайтдагидек бизга яқин булиб күринарди, аслида биринчи галда күрганимиздек анча узоқда эди...

Мен кейинчалик ҳам, мана ҳозир ҳам ұша қоронғу кечадаги дарёни, дарёға соя ташлаб, уни яна ҳам қоронғироқ қилиб турған чироқни тез-тез әслаб тураман. Илгари ҳам мени күп чироқлар яқин булиб күриниши билан үзига торған эди. Кейин ҳам бир мени эмас, күпчилік кишиларни бундай чироқлар яқин күриниб үзига жалб этган. Лекин ҳаёт худди ұша шұх дарё сингари оқиб бормоқда, чироқлар эса ҳамон узоқда: Үнга этиш учун яна әшкакка ёпишиш керак.

Лекин барибир... ҳар ҳолда олдинда чироқлар бор-ку!

### Ҳикоянинг баёни

II синф (Ш. И.)

«Мен қайиқда судзим. Мен бирдан чироқ күриб қолдим. Чироқ

\* Методика А. П. Семенова томонидан ишлаб чиқылған (Қаранг: Шарда-ков М. Н. Очерки психологии школьника.— М.: Учпедгиз, 1955, 44-бет).

узоқ қоялар яқинида эди. Мен билан Саша деган ўртоғим ҳам бор эди. Биз чироққа қараб анчагача сузиб бордик, лекин чироқ биздан бекинмасди. Маълум бўлишича, бу ҳеч қачон ўчмайдиган чироқ экан».

#### IV синф (Ш. И.)

«Бундан кўп вақт бурун мен дарё бўйлаб сузган эдим. Бирдан бурилишнинг нариги томонида лип этиб кўринган чироқ кўзга ташланди. Менга у жуда яқин жойда ёнаётгандек туюлди, лекин эшкакчи бу чироқ жуда узоқда эканини айтди. Мен ишонмадим. Менинг назаримда яна икки ёки уч марта эшкакка зўр берсак, бўлди, чироққа этиб оламиз, деб хаёл қилдим. Лекин хотўғри ўйлаган эканман, чироқлар гоҳ биздан узоқлашиб кетарди, гоҳ эса яна яқинлашиб қоларди. Эшкакчи ҳақ бўлиб чиқди. Қайиқ дарё бўйлаб тўхтовсиз сузиб борар, кун эса тунга уланиб, дарё қоп-қора сиёҳга ўхшаб оқарди. Чироқлар ўзининг дам яқинлашиб, дам узоқлашиб кетиши билан менинг жуда кўп хаёлимпи банд қилди. Бир мени эмас, у кўп кишиларни шундай ўзига тортар экан».

#### VII синф (Г. А.)

«Қачонлардир бир кун шундай бир ҳодиса бўлиб, мен шўх Сибирь дарёсида сузишмга тўғри келиб қолди. Тусатдан дарё бурилган жойда бизга лип этиб чироқ кўринди. «Худога шукур, ма-на манзилга ҳам яқин қолибди, тунни шу ерда дам олиб ўтказамиз»,— дедим. Эшкакчи ўгирилиб, ўша чироқ томонга бир қаради-да эшкакни яна ҳам кучлироқ эшиб, қайиқни тезроқ юргиза бошлади-да: «Ҳали жуда узоқда»,— деб қўйди. Мен ишонмадим, лекин биз қанчалик кўп сусзак, мен бу чироқлар биздан чиндан ҳам жуда узоқда эканига шунчалик кўпроқ ишона бошладим. Биз дарё четидаги узоқдан кўринган қояларга ҳам этиб, уларни орқада қолдириб кетдик. Шўх дарё бўйлаб сузавердик, сузавердик. Кейинчалик ҳам мен ана шу чироқлар тўғрисида кўп ўйлаб юрдим. Бир мени эмас, бу чироқлар ўзининг яқин жойдагидек туюлиши билан бошқа кўп кишиларни ҳам ҳайрон қолдирган эди. У чироқлар кўп кишиларнинг кўз олдида лип-лип ёниб турган. У кишилар қанча кўп сузмасинлар, чироқларга барибир яқинлашиб боромасдилар».

#### X синф (Л. Ш.)

«Жуда узоқ вақт илгари, қоронғу тушган пайтда, шўх Сибирь дарёси бўйлаб сузишга тўғри келганди. Биз узоқ суздик. Тусатдан дарё бурилган жойда узоқдан ёрқин нур сочиб турган чироқни кўриб қолдик. «Худога шукур»,— деб мен чуқур нафас олдим ва хўрсиниб қўйдим. Мен тез орада ўша чироққа этиб олсак керак, деб ўйладим.

— Ҳали у чироққача жуда узоқ сузиш керак,— деди қайиқчи ва эшкак эшишни давом эттирди. Чироқ эса ҳамон нур сочиб турарди. У қоронғида қоп-қора бўлиб оқаётган шўх Сибирь дар-

ёси устида сузиб бораётган кишиларни ўзига жалб қилиб, ялт-ялт ёниб турарди ва ҳадеб бизни ўзига чорлар эди. Бу хил ялт-ялт ёниб ўзига жалб қилиш — тунда узоқдан кишиларга кўринадиган шундай чироқларга хос хусусиятдир. Яна икки-уч қадам юрсанг худди ўша чироққа етиб оладигандайсан, лекин афсуски ета ол-майсан! Чироқ кўздан фойиб бўлади. Биз ҳам ўша чироққа қараб сузиб бораардик, чироқ эса бизни алдаб, тобора узоқлашиб бораарди. Қоронғи кечада тоғларнинг сояси баҳайбат кўринар, дарё соҳили ҳам тобора қорайиб тун қаърига кирап, узоқдаги чироқ эса лип-лип ёниб бизни ўзига чорларди.

Ҳаётда ҳам шундай бўлади. Рупарамизда чироқ кўринади. У ўзининг жозибадор кучи билан бизни ўзига жалб қиласди. Биз унинг нурига маҳлиё бўлиб, ўша чироққа томон интилиб ҳаракат қиласми, юрамиз, югурмиз, у эса кўздан фойиб бўлади. Лекин ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи, у дарёдек оқиб ўтади, ҳамма нарса ўзгаради. Бизнинг йўлимизда ҳам чироқлар нур сочиб туради, улар гоҳ кўздан фойиб бўлади, гоҳо яна пайдо бўлиб йўлимизга нур сочади. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам ана шунда».

### Саволлар

1. Ҳикояни баён этиш вақтида ўқувчиларда пайдо бўлган психик жараёнларнинг улар ёшига хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб беринг.

2. Турли ёшдаги ўқувчилар томонидан ҳикоянинг баён қилиниш вақтида уларни интеллектуал, ирода ва эмоционал сифатлари бир бутунлигининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаб ўting.

### 4-масала

Усиб келаётган инсоннинг энди шаклланётган шахси структурасида характер катта роль уйнайди. У шахснинг яхлит ҳолда намоён бўлишини ҳаммадан кўра мукаммал ифода этади. Характер одамнинг амалий фаолиятида таркиб топади ва такомиллашиб боради. Шахс характерининг ташкил топишида унинг дунё-қарashi, хатти-ҳаракатлари, хулқ-авторининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барқарор мотивлари, ирода активлиги, сабрли бўлиш ва ўзини қўлга ола билиш хусусиятлари катта аҳамиятга эгадир.

А. Воробьев, А. И. Высоцкий, Э. Бердюковаларнинг қўйида айтган шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини қунт билан ўқиб чиқинг ва саволларга тегишли жавоблар топинг.

А. Воробьев: «Ҳамма яхши билади: урушдан кейинги йилларда ленинградлик болалар уччалик куч-қувватли, бақувват эмасдилар, соғлиқлари ҳам, жисмоний ривожланишлари ҳам мустаҳкам эмас эди. Галаба кунидан сал кейин Ленинграддаги оғир атлетика бўйича машғулотлар ўtkaziladиган спорт секцияларидан бирига нимжон бир бола кириб келди. Тренерлар, спортчилар унинг қади-қоматига тикилиб туриб: «Оғайни, сен ўзинг қилтиллаб оёғинг-

да зүрға турибсан-ку, штангани қандай кутарасан? Вазнинг ҳам кичкина. Ҳозирча бизда сенинг вазнингдаги категория йўқ!»— деб жавоб беришди. Бу аччиқ ҳақиқат бўлиб, боланинг устидан чиқарилган аяничи ҳукм эди. Бундай ҳукмдан кейин бошқа бир одам ҳафсаласи пир бўлиб, ишни йиғиштириб қўйган бўлар эди. Лекин бу йигит ундай қилмади, умидсизликка тушмади, унинг характеристи мустаҳкам бўлиб чиқди...

Янги келган йигитнинг исми Дима Иванов эди. Ёши кичкина ва гавдаси жуда ҳам нимжон бўлишига қарамасдан у бир бурда нонини ўзи топиб ерди — водопровод устаси бўлиб ишлар эди. Тиришқоқ йигитча ўзига-ўзи штанга ясад олди ва у билан ҳар куни шуғуллана бошлади. Орадан бир йил ўтгач, у яна бултур келиб-кетган секция залига кириб келди. Уни кўпчилик танимай қолди. Энди у қадди-қомати келишган, хушбичим йигитча бўлиб қолган эди. Унинг бутун гавдасидан куч ёғилиб турар эди. Мускул мушаклари худди контокдек бўртиб чиққан эди ва кўйлаклари остидан шундоқ сезилиб турарди. Шубҳасиз, энди уни секцияга қабул қилишди. Орадан кўп ўтмай, у спорт мастери унвонини олишга мушарраф бўлди, кейин эса СССР ва жаҳон чемпионатларида ғолиб чиқди, бир неча марта жаҳон рекордларини ўрнатди. Ирода ва характеристер кучи унга «ўзини-ўзи кашф этиши»да ёрдам берди<sup>1</sup>.

**А. И. Высоцкий:** «Ҳар қандай ирода ҳаракати ирода ғайрати билан, яъни одам томонидан қийинчиликларни енгиг үтиш учун ўзидаги бутун психик ва жисмоний имкониятларни онгли равишда сафарбар қилиши билан характерланади. Ирода хатти-ҳаракатлари талаб қилинган турли босқичларда (киши ўз олдига бир мақсад қўйганида, уни режалаштирганида ва амалга ошираётганди) ирода куч-ғайратлари бир хил даражада ифода этилмаслиги мумкин. Иродавий куч-ғайрат ёрдамида одам ўзини бирор фаолиятни бажаришга рағбатлантириб юбориши ҳам, айни чоқда мақсадга эришиш ўлида халал берадиган хатти-ҳаракатларни тормозлаши ҳам мумкин. Шундай қилиб, иродавий куч-ғайрат туфайли хулқ-атворни ҳам мувофиқлаштириб туришини амалга ошириш мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ирода активлиги ғоят мураккаб психологик структурага эга булар экан: ўқувчиларнинг иродавий активлигини бевосита уйғотувчи омиллар — бу уларга кўрсатиладиган ташқи таъсирлар, мотивлаштириш ҳамда ўз ҳаракатларини ўзи онгли равишда рағбатлантириб туриши ҳисобланади.

Бироқ (тадқиқотлар ҳам тасдиқлаганидек) ташқи оламнинг таъсири (предметлар ва одамларнинг ҳар турли таъсир кўрсатишлиари) турли даражада қўзғатувчи кучга эга бўлади. Ташқи таъсирларнинг қўзғатувчи кучи, фақат уларнинг интенсивлиги билан эмас, шу билан бирга шахснинг ўша ташқи таъсирларга нисбатан бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. <...>

<sup>1</sup> Воробьёв А. Плюс воля к победе // Правда.—1980, 14 январь.

Үқувчиларнинг иродавий активлигини ривожлантириш бу активликнинг бутун шахсни шакллантириш билан биргаликда такомиллаштириб бориладиган барча психологик компонентларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>.

Э. Бердюкова: «Кичкинтойлар болалар боғчасига ниҳоятда ёқимтой, қувноқ ҳолда келишади, лекин уларнинг характери турили хил бўлади. Уларнинг баъзилари чиндан ҳам хушмуомала, шодон, мулойим болалар бўлса, бошқалари, «сири» болалар бўлади, уларнинг «сири»ни билиш учун қулфи дили калитини ҳам дарров топиб бўлмайди.

— Тамара Григорьевна, Игорни қаранг, қўғирчогимни олиб қўйди.

— Тамара Григорьевна, Сашани қаранг уришяпти, мени чимчилааб олди.

Бундай вақтларда тарбиячи айб қилиб қўйган болани койиб, унга танбеҳ беришга шошилмайди. Чунки у болалар ҳали колектив бўлиб яшашни ўрганиб олишмаганликларини, бир-бирларини яхши танимасликларини, улар баъзи ёмоп қилиқларини ҳозирча ташлаб улгурмаганликларини яхши билади. Унинг вазифаси — болалар ўртасида жанжал чиқармасликдан, дўстона вазиятни вужудга келтиришдан иборат. <...>

Тамара Григорьевна 20 йилдан бери 39- болалар боғчасида ишлайди. Болаларни жуда яхши кўради. Ҳеч қачон болаларга бақирмайди, жазо бермайди — у болалар билан нуқул сухбат ўтказади, нуқул тушунтиради ва ишонтиради. Болалар ҳам у берган топшириқ ва талабларини жон деб бажарадилар.

Энг муҳими болаларнинг сахий, меҳрибон ва меҳнатсевар бўлиб ўсишидир, деб ҳисоблайди тарбиячи, агар мана шу сифатлар бўлмаса, одам коллективда яшашга доим қийналади. Ҳуш, бундай характер белгиларини қандай қилиб тарбиялаш мумкин? <...>

Тамара Григорьевна шунга қатъий ишонадики, болага эртанги куннинг «хамиртуруши» деб қарамаслик керак. Бу ҳали кичик инсон бўлиб, салга хафа бўлади, хулқ-автори ҳам ҳали барқарор эмас, лекин барибир у ҳам инсон. Шунинг учун у- билан чучук тилда эмас, балки худди катталар билан гаплашгандек жиддий гаплашиш керак. Лекин бунда айрим катта ёшли кишиларга хос бўлган «калондимоғлик» ҳам зарарлидир. Қўпчилик кишиларнинг умумий фикрига қараганда, ҳозирги болалар боғчага анча ривожланган, кўпроқ тарбияланган ҳолда келмоқдалар. Энди уларни ҳаётга тайёрлаш зарур. Бу — уларни одамлар орасида, коллектив манбаатлари билан яшашга ўргатиш демакдир, бу уларда одамларга фойда келтириш ва қувонч бахш этиш эҳтиёжини тарбиялаш зарур, деган сўздир»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Высоцкий А. И. Волевая активность школьников и методы ее изучения.—Челябинск, 1979, 5—11-бетлар.

<sup>2</sup> Бердюкова Э. Талант и доброта // Учительская газета.—1980., 1 июля.

## Саволлар

1. Шахс характери структурасига қандай психологик компонентлар киришини кўрсатиб беринг.

2. Боланинг ички дунёсини билиб олиш, унинг ўй ва орзуларини тушуниш учун, бола ўз хулқ-авторига танқидий баҳо бериш ҳамда коммунистик ахлоқ нормаларига жавоб берадиган тұғри қарорлар қабул қилишга ундаш учун ўқитувчи қандай шахс фазилатларига эга бўлиши кераклиги тұғрисида сўзлаб беринг.

3. Нима учун болаларда янги одамга хос коммунистик характер белгиларини шакллантиришда дунёқарашни, ирода ва меҳнатсеварликни, одамларга мәҳрибон бўлишни, кишиларнинг хатти-харакатларига онгли муносабатда бўлишни, ўз хулқ-авторига танқидий муносабатда бўлишни, ўз ишлари учун масъулиятни тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарурлигини исбот қилиб беринг.

### Курсда ўтказиладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Ёш ўсишининг турли босқичларида одамлар дунёсидаги социал ҳодисаларнинг ўқувчилар томонидан психик акс эттирилишининг динамикаси.

2. Ўқувчи психик ривожланишининг турли ёш босқичларида билим ва тафаккур масалаларни ҳал қилиш вақтидаги нисбатлар проблемаси.

3. Ўқувчи психик ривожланишининг турли ёш босқичларида меҳнат әхтиёжини шакллантиришнинг психик хусусиятлари.

4. Ўқув фаолияти ўқувчи психик ривожланишининг омили сифатида.

## II бўлим

### ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ

#### 4- тема. Боланинг мактаб ёшигача бўлган даврдаги психик ривожланиши

##### Методик кўрсатмалар

Мазкур темани ўрганишда боланинг мактабга киргунича бўлган даврдаги ривожланишининг психологик шарт-шароитларига алоҳида эътибор бериш керак. Боланинг психик ривожланишида қабул қилинган ёш классификациясига мувофиқ бу давр уч босқичга бўлинади: чақалоқлик даври (0 дан бир ёшгача), илк болалик даври (бир ёшдан уч ёшгача) ва мактабгача ёш даври (уч ёшдан олти-етти ёшгача). Бола психик ривожланишининг мана шу ҳар бир босқичи учун хос бўлган характеристики хусусиятлар мавжуддир. Уларни ёритиб беришда қўйидаги методологик қоидаларга асосланиш керак: 1) бола психикасининг ривожланиши аввал — бошданоқ социал жараёндир; 2) психиканинг ривожланиши боланинг ўзи бажараётган актив фаолият жараёнида амалга ошириб борилади; 3) боланинг фаолияти ҳар доим бола билан катта ёшли кишиларнинг ўзаро муносабатларига билвосита боғлиқ бўлади.

Бола ўз ривожланиш жараёнида одамларнинг илгари ўтган авлодлари томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан алоҳида, маҳсус муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни актив равишда ўзлаштириб, эгаллаб олади. Бунда предметлар оламини ҳамда улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар ўтасидаги муносабатларни эгаллаб олиш, одам фаолияти мотивларининг ривожланиши, қобилиятларининг ўсиб бориши катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга ошириб борилмоғи керак. Боланинг психик хусусиятлари катталар томонидан йўлга солиб турилган ва ташкил этилган актив фаолияти давомида ривожланиб боради.

Ҳар бир ёш босқичида битта етакчи фаолият ажратиб кўрсатилади, яъни бу шундай бир «фаолият туридирики, унинг формаси таркибида ва унинг ички мазмунида бошқа фаолият турлари, янги-янги ишлар дифференциация қилинади (...), унда хусусий психик жараёнлар шаклланади ёки қайтадан тузилади..., мазкур ривожланиш даврида бола шахсида содир бўладиган асосий психологик ўзгаришлар кўп жиҳатдан мана шу хусусий психик жараёнларга боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>. Етакчи фаолиятнинг ал-

<sup>1</sup> Леонтьев А. Н. Проблемы развития психики.— М., 1972, 505—506- бетлар.

машиниши боланинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтганлигини кўрсатади.

Бола ривожланенинг биринчи (чақалоқлик) босқичида катталар билан эмоционал мулоқотга киришиши унинг учун етакчи фаолият ҳисобланади. Теварак-атрофдаги ҳаёт билан чақалоқнинг барча муносабатлари унинг катталар билан бўлган муносабати орқали амалга оширилади. Бола ярим ёшга тўлгунича ўтган давр мобайнида унинг катталар билан бўлган мулоқоти вақтида хатти-ҳаракатларнинг мураккаб формаси — «Жонланиш комплекси» шаклланади. Бу боланинг атроф олам билан ўзаро алоқага киришишининг дастлабки энг оддий формаси ҳисобланади. «Жонланиш комплекси» қўйндаги компонентлардан изборат бўлади: бола атроф муҳитдан катта ёшли кишини таниб олиши (унга тикилиб қолиши); мимика (кулиш) орқали ва маҳсус товшу чиқариб (гувраниб) катта ёшли кишилар билан мулоқотга киришиш; катта ёшли кишини ўзи билан мулоқотга актив равишда даъват этиши (оёқ-қўлларини ва бутун гавдасини ҳаракатга келтириши). М. И. Лисинанинг маълумотларига қараганда, катта ёшли кишининг мунтазам равишда сўзлар орқали эмоционал таъсир кўрсатиб, боланинг 2,5 ойлик вақтидан бошлаб у билан мулоқотга киришиши боланинг умумий активлигини оширишга ижобий ҳамда боланинг предметлар билан танишувга қаратилган билиш фаолиятини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Катта ёшли киши боланинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш билан, унга предметларни ушлатиб улар билан турли ҳаракатлар қилишга ўргатиш билан чекланиб қолмай, балки боланинг хатти-ҳаракатларига (нутқ оҳангига, сўзларига, мимикасига ва ҳоказоларга) муайян тарзда баҳо ҳам беради, шу туфайли гўдак хулқ-атворнинг ижобий усусларини англаш, уни ўзлаштириб ола бошлайди.

Дастлабки пайтларда боланинг фаолияти катта кишининг фаолияти билан қўшилиб кетади. Чақалоқлик даврида катта киши билан биргаликда ҳаракат қилган болада тақлидчилик қобилияти ривожланади, бу эса ўргатиш имкониятларини анча кенгайтиради. Тақлид қилиш асосида гўдак предметлар билан айрим, мустақил ҳаракатларни эгаллаб олади. Бунда у тез-тез катталарнинг ёрдамига муҳтоҷ бўлиб туради. Шу тариқа унда катта ёшли киши билан нутқ орқали мулоқотга киришиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу боланинг нутқи пайдо бўлиши учун асосдир. Бу негизда дастлаб боланинг онгида нутқни тушуниш, кейин эса унинг ўзида ҳам актив нутқ сўзлаш иқтидори пайдо бўлади. Инсоният тарихида нутқ фақат «бир-бирига ниманидир айтиш» (Ф. Энгельс) эҳтиёжи туфайли эмас, шу билан бирга нутқ онтогенезда катта ёшли кишилар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлади. Нутқ орқали мулоқотга киришиш эҳтиёжининг вужудга келиши, нутқ-ҳаракат ва эшишиш аппаратининг актив равишда ишлашга тайёрланиши — бу чақалоқлик ёшида эришилган энг муҳим ютуқ ҳисобланади.

Катта ёшли кишиларнинг бола фаолиятини ташкил қилиши асосида чақалоқлик даври охирига борганда унда теварак-атрофдаги олам ҳақида дастлабки тасаввур шаклланади, идрок этиш ва тафаккур қилишнинг оддий формалари вужудга келади. Булар унга шу оламда мұлжал билан ҳаракат қилиш имконини таъмин этувчи ҳамда илк болалик даврларидан бошлабоқ ижтимоий тажриба түплаб бориш учун зарур имкониятларни вужудга келтиради.

Психиканинг ривожланиши социал характер касб этишидан келиб чиқсан ҳолда темани үрганиш вақтида бола ривожланишининг барча босқичларида, айниқса, унинг умумий психик ривожланишида тилнинг ролини алоҳида таъкидлаб күрсатиш лозим; бунда нутқни эгаллаб олиш боланинг ҳиссий билиш қобилиятига қандай таъсир қилишини күрсатиб бериш зарур; боланинг теварак-атрофни билиб олиш чегараларини, бевосита идрок этилаётган чегарадан чиқиш имкониятини кенгайтиришда она тилини пухта эгаллаб олиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Боланинг психик ривожланишини белгилаб берувчи илк болалик ёшидаги асосий ютуқ — бу унинг юришни (ғоз-ғоз туриб юришни) эгаллаб олиши, предметлар билан фаолият күрсатиш ва сўзлашни үрганиб олиши ҳисобланади. Юришни үрганиб олиш боланинг теварак-атрофдаги ҳаёт билан танишиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, предметлар билан ҳаракат қилишга үргатади. Бу эса боланинг катта кишилар билан бўладиган муносабатлари ўзгаришига олиб келади. Энди эмоционал мулоқот иккинчи планга ўтиб, амалий ҳамкорлик биринчи планга чиқади. Предметли фаолият боланинг етакчи эҳтиёжига айланиб қолади. Бола теварак-атрофдаги предметлар билан муомала қилишини, улардан нимага ишлатилишига қараб фойдаланишини үрганади. Тақлид қилиш орқали ва катта ёшли кишиларнинг нутқ ёрдамида кўрсатма инструкциялар бериб туриши орқали болада дастлабки машний малакалар шаклланади. Предметлар билан энг жўн ҳаракатларни бажаришга киришган бола энди ўзи учун уша предметларнинг функцияси, яъни вазифаси — нимага ишлатилишини, уларнинг яширин хусусиятларини билиб олади. Лекин буларнинг барчасини бола фақат катта ёшли кишилар билан амалга оширган фаолият давомида билиб олади. Предметли ҳаракатларни эгаллаб олиш ишини гүё уч босқичли жараёнга ўхшатиб үрганиб чиқиш мумкин. Биринчи босқичда бола предметлар билан ўзига маълум бўлган ҳар қандай ҳаракатни бажариши мумкин, иккинчи босқичда предмет бевосита фақат ўзининг функцияси бўйича ишлатилади, учинчи босқичда эса предметнинг асосий функциясини билиб олган бола энди уни эркин равища турли мақсадларда ишлата олиши мумкин.

Психик ривожланишда бир-бирига мувофиқ келадиган ва турли ўйинчоқлар билан бажариладиган ҳаракатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳаракатлар үргатиш жараёнда шаклланиб боради. Бир-бирига мувофиқ келадиган ҳаракатлар кўзнинг на-

зорати остида қўллар ҳаракатини координация қилишни ривожлантиради ва ўргатиш жараёнида шаклланади. Ўйинчоқлар билан амалга ошириладиган хатти-харакатлар боланинг қўллари орасида ҳаракат қиласидиган бирор ўйинчоқ ва таъсир кўрсатадиган предметлардан фойдаланиш имконини беради, яъни **боланинг фаолияти энди воситали характер** касб этади.

Предметли фаолият асосида янада мураккаброқ фаолият турлари шакллана боради: сюжетли-роль бажариш билан боғлиқ бўлган ўйин элементлари пайдо бўлади, бола бирор маҳсулли фаолият (расм солищ, ганч ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш, уларни лойиҳалаштириш, меҳнат фаолиятининг бошқа турли элементларини бажариш)га киришади.

Катталар ҳамкорлигига болаларга ўргатиш ишини амалга оширишда ўзаро мулоқотга киришмасдан туриб бажариб бўлмайди. Бунда нутқ асосан катталар билан биргаликда предметли фаолиятни амалга ошириш давомида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун фойдаланилади. Бу ерда нутқ боланинг катта кишилар билан алоқага киришиш вазифасини бажаради.

Илк болалик даври нутқни ўзлаштириб олиш учун сензитив, яъни боланинг тили чиқадиган давр сифатида тан олинган. Бунда нутқни ривожлантириш учун предметли фаолиятни эгаллаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар давомида катталар билан бўладиган мулоқот шаклларининг ўзгариб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бу даврда боланинг **нутқни тушуниши** тақомиллашиб боради ҳамда унинг ўз актив нутқи шакллана бошлайди. Мактабгача ёш давридан олдинги даврнинг сўнгигида бола **нутқни тушунишини** ривожлантиришда унинг тинглай олиш қобилиятини ўстириш муҳим ютуқ ҳисобланади. Бола билан бевосита мулоқотга киришиш чегарасидан ташқарига чиқувчи ахборотларни тинглаш ва тушуниш теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни билишнинг, боланинг ўз тажрибаси билан бевосита ўрганиш мумкин бўлмаган ҳаракатларни билишнинг асосий воситаси сифатида нутқдан фойдаланиш имконини яратади. Тинглаш асосида болада ўз фикрини бир жойга тўплаш, нутқни идрок этиш, эслаб қолиш, у ҳақда ўйлаш маҳорати ривожланади ва ҳоказо.

Бола томонидан талаффуз қилинган бир-икки бўғинли бир нечта сўздан бошлаб, нутқни мулоқотнинг асосий воситаси сифатида фойдаланишгача босиб ўтилган йўлда боланинг актив нутқи шаклланиб боради. Боланинг луғат бойлиги нутқнинг барча элементлари билан тўлдириб борилади, у она тилининг грамматик тузилишига оид кўпгина элементларни эгаллаб олади, фонемаларнинг ҳам кўпчилигини талаффуз қилишга ўрганади.

Бу даврда нутқнинг барча функциялари: унинг ифода этувчи, умумлаштирувчи, коммуникатив ва регулятив функциялари интенсив равиша шаклланиб боради. Сўз болага ниманидир ифодалаш, яъни предметларни бир-биридан фарқлаш, уларни турларга бўлиш воситаси сифатида хизмат қиласиди. Сўз умумлаштирувчи восита сифатида кўпгина предметларни группаларга, категорияларга бирлаштириш учун қўлланилади. Сўз орқали

иғодаланган предметларнинг ўзаро алоқаси муносабатлари кўрсатилади. Сўз ўша предметнинг ўзаро ва бир-бирига турли шаклда (уларнинг фазода, турли функцияларни бажаришда, ҳар хил сабабларга, мақсадларни рӯёбга чиқаришда) боғлиқ эканлигини идрок этишини таъминлайди. Бу эса боланинг тафаккурини ривожлантириш учун зарурдир. Кичкинтоининг ақлий ривожланиши ёшига яраша қўлга киритган ютуқлари билан: предметлар ёрдамида ҳаракат қилиш ва нутқни эгаллаб олиши билан маҳкам боғлиқдир. Боланинг илк ёшида унда бевосита фаолият турини эгаллаб олиш жараёни ҳамда ўша фаолиятнинг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган кўргазмали-ҳаракатли тафаккурнинг дастлабки шакллари пайдо булади<sup>1</sup>.

Сўз орқали кичкинтои хулқ-атворнинг дастлабки қоидаларини, унга қўйиладиган талабларни, ман этилган нарсаларни билиб олади. Катта ёшли кишилар сўз орқали боланинг хулқ-атворини баҳолайдилар. Бу баҳолар боланинг теварак-атрофдаги ҳаётга нисбатан дастлабки муносабатларни шакллантиради. Шу тариқа у аста-секин одамларга хос хулқ-атвор кўринишларини эгаллай бошлайди. Буларнинг бари ўша боланинг шахсига хос бўлган: ўз-ўзини англаш, ўзига-ўзи баҳо бера олиш ва ўз-ўзини назорат қилиш элементларини ривожлантириш ва ироданинг дастлабки куртакларини вужудга келтириш учун замин яратади. Болада ирода сифатларининг вужудга келиши унинг хулқ-атвори ва фаолиятларини эркинлик элементларининг пайдо бўлишида: унинг одобида, тақлидчилик ва ўрганиш бўлиб бораётган бир қатор ишларда намоён бўлади; бола шахснинг этик элементларини ҳам ўргана бошлайди. Бу баъзи бир этик нормаларни ҳамда хулқ-атвор қоидаларини ўрганиш билан ва ахлоқий ҳис-туйғуларнинг шакллана бошлаши билан боғлиқ бўлади. Боланинг ўзгариб бораётган имкониятлари, ундаги янги-янги эҳтиёжларни ҳам келтириб чиқаради. Кўпгина фаолият малакаларини ва хулқ-атвор қоидаларини эгаллаб олиш асосида болада мустақилликка бўлган интилиш намоён бўладики, бу нарса «уч ёшдаги кризис» деган ном олган ҳолатнинг негизини ташкил этади.

Боланинг ҳаётда мустақил бўлишига, унда актив равища иштирок этишга бўлган интилиши уларнинг теварак-атрофдаги ҳаётни иғодаловчи сюжетли-роллар ижро этиши билан боғлиқ бўлган ўйинлари орқали рӯёбга чиқарилади. Бу ўйинлар болаликнинг навбатдаги даври учун фаолиятнинг етакчи турига айланаб қолади. «Болаларнинг мактабгача ёшдаги вақтларида уларнинг психик ривожланишлари учун ўйинларнинг аҳамияти foят катта ва кўп қирралидир,— деб таъкидлаган эди Д. Б. Эльконин. Бу ўринда унинг аҳамияти шундан иборатки, дастлабки алоҳида ўйин усуслари туфайли (бola ўз ўйинларида катталарнинг ролини ижро этишлари ва уларнинг ижтимоий меҳнат функ-

<sup>1</sup> Новоселова С. Л. Развитие мышления в раннем возрасте в связи с формированием опосредованной деятельности. // Умственное воспитание детей раннего возраста.— М., 1968.

цияларини, предметли ҳаракатларни тақрорлаш мақсадида умумлаштирилған ҳарактердаги тасвирий ҳаракатлар ҳамда бир предметнинг аҳамиятини бошқа предметга күчириш ва шу сингари ҳаракатлар орқали у ўша ўйинлар улароқ одамлар ўтасидаги муносабатлар. моделини яратади. «Роллар орқали ижро этиладиган ўйинлардан болани инсон фаолиятининг барча соҳаларидағи энг умумий, энг фундаментал мазмундаги инсон фаолиятини акс эттирувчи восита сифатида фойдаланиб бу орқали бола фаолиятини муайян мұлжалга йұналтирилади»<sup>1</sup>.

Сюжетли роли ижро этиладиган ўйинлар асосида янги фаолият тури — ўйинга киришиш орқали дастлабки үқиш (дидактик ўйинлар) ривожлана бошлайди. Роль ижро этиш билан боғлиқ бўлган ўйинлардан ташқари яна улар билан маҳкам алоқада бўлган фаолиятнинг маҳсулдор турлари ҳам (тасвирий, конструктив, меҳнат фаолияти турлари) ривожланади. Бундай фаолият турлари турли шаклларга кириб аста-секин мустақил характер касб этади.

Ўйин пайтида бола ўз хулқини ўзи бошқаришга, уни ўзи бажараётган, ўз зиммасига олган ролнинг қоидаларига бўйсундиришга, ўз-ўзида содир бўлаётган психик жарабёнларни бошқаришга ўргана бошлайди (у аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатларни, ўйин сюжетига қараб ривожланиб борадиган фикрларга мувофиқ ҳаракатлар қилишни ва шунга ўхшаш бошқа ишларни бажаришни ўрганиб олади).

Боланинг мактабгача ёшга етган босқичида унинг психик ривожланиши ўша боланинг теварак-атрофдаги ҳаёт билан узаро муносабатларини ўзгартиришга олиб келади. Бола энди нисбатан анча мустақил бўлиб қолади ва элементар тарзда ўзига-ўзи хизмат қила бошлайди. Лекин бундай мустақиллик ҳали жуда нисбий тарздаги мустақиллик бўлади. Шунинг учун у ҳали ўзида катталарнинг талаблари билан ҳисоблашиш заруратини сезиб туради: теварак-атрофдаги кишиларнинг талабларини қандай бажарса, катта кишиларнинг унга бўлган муносабати ҳам шундай бўлади. Бир томондан катталар билан ижобий муносабатларни сақлаб қолишга интилиш мактабгача тарбия ёшидаги бола хулқининг асосий мотивларидан бири бўлса, иккинчи томондан у ўз тенгдошлари билан биргаликда ишлашга, улар билан ижобий алоқа ўрнатишга ҳаракат қиласи.

Семинар машғулотларида мактабгача ёшдаги боланинг психик ривожланишида эришилган ютуқлар таърифланаётганда қўйидагиларни бажариш керак: 1) етакчи фаолиятнинг аҳамиятини ҳамда мактабгача ёшдаги кичкитойнинг теварак-атрофдаги кишилар билан ўзгараётган ўзаро муносабатлари бола шахсини

<sup>1</sup> Эльконин Д. Б. К проблеме периодизации развития в детском возрасте // Вопросы психологии.—1971, 4-сони, 19-бет.

шакллантиришда қандай аҳамиятга эга эканлигини ёритиб бериш лозим; 2) мактабгача ёш даврининг охирига бориб бола баъзи бир шахс хусусиятларини шакллантириш ва психик жараёнлар жиҳатидан ҳам фаолиятнинг янги усуllibарига ҳамда мактаб таълими шароитида амалга ошириладиган мулоқотларга тайёр бўлиб қолажагини конкрет мисолларда кўрсатиб бериш зарур.

Бир-бирига тобе мотивларнинг шаклланиши мактабгача ёшдаги боланинг ҳаётида юз берадиган энг муҳим янгиликлардан ҳисобланади. Тарбия шаронтига қараб турли хил мотивлар биринчи планга чиқиб қолиши мумкин (ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган шуҳратпастлик, эгоистик мотивлари ва бошқалар шулар жумласидандир). Бу ёшда шахс узининг асосий компонентлари билан бирга ташкил топади. Шахснинг бирор мақсадга йўналтирилғанлиги мотивларнинг муайян иерархияси, яъни бир босқичи сифатида рўй берадики, бу боланинг хулқ-атвори эркин ҳолда ривожланиши учун имконият яратиб беради. Мактабгача ёшдаги бола айрим беихтиёр қилинадиган ҳаракатлардан энди шахсан ўзи ихтиёр қўлган хулқ-атвор ҳаракатларини бажаришга ўтади. Болада ўзини-ўзи англаш хусусияти ривожланади. Энди у теварак-атрофдаги муҳитдан фақат ўзини ажратиб кўрсатиш билан кифояланиб қолмайди. Энди у ўз ривожланишининг бундан аввалги босқичида таркиб топган айрим хатти-ҳаракатларга фақат баҳо беришни билигина қолмай, шу билан бирга у энди ўзига таниш бўлган фаолият турларидаги ўз имкониятларига баҳо беришга, ўз шахсидаги баъзи бир сифатларга баҳо беришга ҳам қодир бўлади. Бу даврга келиб шахснинг индивидуаллиги ҳам интенсив равишда шаклланади. Бундай индивидуаллик мактабгача тарбия ёшидаги боланинг темпераментида, гоҳо унинг шаклланиб келаётган характеристининг нисбатан барқарор белгиларида, боланинг маҳсус ва умумий қобилиятларида намоён бўлади.

Шаклланиб келаётган шахс барча компонентларининг ривожланиши мактабгача ёшдаги боланинг фаолияти билан маҳкам боғлиқдир. Бошқа болалар билан биргаликдаги фаолиятда у жамиятда қабул қилинган ўзаро муносабатларни эгаллаб олади. Шахсни шакллантириш жараёни кўп жиҳатдан катта ёшли кишилар болаларнинг биргаликдаги фаолиятини қанчалик моҳирлик билан ташкил эта олишларига боғлиқ. Болалар теварак-атрофдаги ҳаёт билан бевосита танишишлари натижасида ҳамда маҳсус равишда ташкил этилган таълим ва тарбия туфайли болаларда теварак-атрофдаги олам тўғрисида маълум тушунчалар системаси ташкил топади. Боланинг ақлий қобилиятлари кейинчалик мактабда ўқиш учун зарур бўлган тараққиёт ва ривожланиш даражасига етади.

Катта ёшдаги боланинг ақлий фаолиятида тафаккурнинг барча тур ва шакллари мавжуд бўлиб, у интеллектуал вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Бунда тафаккурнинг барча турлари бир бутунликда ҳаракат қиласиди. Вазифаларнинг мураккаблиги ва уларни бажариш шаронтига қараб, тафаккурнинг у ёки бу

тури биринчи планга ўтади. *Кўриб-ҳаракат* қилиб тафаккур этиладиган ҳаракатлар энди онгли ҳаракатларга айланади. Бу мактабгача тарбия ёшидаги бола ўзи бажарадиган навбатдаги ишларни режалаштириш қобилиятида ҳамда ўзи бажарган ишларини нутқи орқали баён этиб беришида ўз ифодасини топади. Предметлар тўғрисида, уларнинг хусусиятлари, улар ёрдамида бажариладиган ҳаракатлар тўғрисида, теварак-атрофдаги ҳаёт ҳодисалари ҳақида етакчи тафаккур туридан ўз тушунчалари орқали шаклланиб келаётган маҳорат билан ишлаш тўғрисидаги тушунчалар запасининг бойиб бориши муносабати билан мактабгача ёшдаги болалик даврида *кўриш-образли* тафаккур қилиш маҳорати вужудга келади. Бу эса болага бевосита идрок этиладиган воқеалардан ташқари чиқиш ҳамда бўлғуси воқеаларни олдиндан кўра билиш имконини беради.

Ҳаракатли ва образли фикрлаш асосида мактабгача ёшдаги бола олти ёшларга етганда унда сўзли, яъни луғавий-мантиқий тафаккур интенсив равишда шаклланиб боради. Бола етти ёшларга боргандা маълум бир тартибга солинган фикрларни баён этишга, ўзида мавжуд билимлар асосида тўғри хулосалар чиқаришга қодир бўлади. Боладаги луғавий-мантиқий фикрининг ривожланиши ундаги мавжуд билимлар, шунингдек у бола билимларининг қай даражада умумлашганлигига ҳамда унда тафаккур операциялари қанчалик ривожланганлигига боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида мактабгача ёшдаги болага берилаётган таълим ва тарбиянинг характеристига боғлиқ бўлади. Болада ижодий ва тасаввур орқали идрок этиш формаларининг ривожлантирилиши бевосита кўриб идрок этиб бўлмайдиган материални ўзлаштириш, сўзлар орқали баён этиш асосида образлар яратиш имконини беради. Бундай қобилият боланинг тажрибаси орқали ҳамда унинг юксак даражада ривожланган нутқи орқали таъмин этилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг луғат бойлигидаги сўзларнинг сони 4,5 мингтагача етади, унинг таркибида барча гап бўлаклари бўлади. Бола энди ўз она тилидаги грамматик гап тузилишининг барча элементларини эгаллаб олган бўлади, унда оғзаки нутқнинг барча турлари, ўйлаб фикрлай олиш қобилияти ривожланган бўлади ҳамда у энди ўқиш жараёнида ёзма нутқни ҳам эгаллаб олиш учун тайёр бўлади.

Шундай қилиб, хулқ-атворнинг мотивация қилиниши, ахлоқ одоб билан фаолиятнинг ихтиёрий равишда бир-бирига мувофиқлаштириб бориш имконияти, ўз тегдошлари билан алоқага кириша олиш маҳорати, улар билан биргаликда бажариладиган ишларнинг амалга оширилиши, ақлий ривожланишининг юксак даражага етганлиги — буларнинг барчаси мактабгача ёшдаги болада ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳамда жамоат йўллаб олган баҳо бериладиган фаолият турларини бажаришга интилиш, мактабга ўқишига тайёргарлик кўриш учун асос бўлади.

Тема бўйича тавсия этилаётган семинар ва амалий машғулотлар студентларга бола шахсини шакллантиришнинг дастлабки босқичига хос бўлган хусусиятлар билан, болалар мактабга бор-

гунича улар ақлий ривожланишини диагностика қилиш методикалари билан танишиш имконини беради.

Амалий машғулотларни ўтказишда СССР педагогика фанлари академиясининг мактабгача тарбия илмий-тадқиқот институти мактабгача ёшдаги болалар психо-физиологияси лабораторияси ишлаб чиққан методика (2, 3, 4, 5- методика)лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>.

Практикумда келтирилган масалаларнинг ҳал этилиши студентларга боланинг турли шахсга оид ҳолатларини анализ қилиш тажрибасини орттириш ҳамда боланинг психик ривожланишидаги турли босқичларда унинг билиш фаолияти жараёнларини ўрганиб олиш имконини беради.

## Семинарлар ва амалий машғулотларнинг планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### Мактабгача ёшда шахснинг шаклланиши

1. Хулқ-атвор мотивлари ва ўқувчи фаолиятининг ривожланиши. Мотивлар иерархиясининг вужудга келиши.
  2. Мактабгача ёшда ироданинг шаклланиши:
    - а) мактабгача ёшдаги бола хулқ-атворида ихтиёрийликнинг ривожланиши;
    - б) айрим иродавий хусусиятларнинг ривожланиши;
    - в) мактабгача ёшдаги бола иродасининг типик камчиликлари.
  3. Мактабгача ёшдаги бола ҳис-туйғуларининг ривожланиши:
    - а) ҳаёт кечириш характеристига қараб ҳис-туйғусининг ўзгариши;
    - б) олий ҳис-туйғуларнинг шаклланиши.
  4. Мактабгача ёшдаги болада ўз-ўзини англаш туйғуларининг ривожланиши.
  5. Мактабгача ёшдаги бола шахснинг индивидуал, ўзига хос хусусиятларининг шаклланиши:
    - а) темперамент намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари;
    - б) характеристинг шаклланиши;
    - в) умумий ва маҳсус қобилиятларнинг ривожланиши.

Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979, 37—68- бетлар.

Диагностика умственного развития дошкольников / Под ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской.— М.: Педагогика, 1978.

Мухина В. С. К проблеме социального развития ребенка // Психологический журнал.—1980, 1- том, 5- сони, 43—53- бетлар.

<sup>1</sup> Каранг: Диагностика умственного развития дошкольника / Под ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской.— М., 1978.

Мухина В. С. Детская психология.— М.: Просвещение, 1985.  
Петренко Г. Г. Педагогические ситуации в дошкольной педагогике.— Минск, 1984.

### Иккинчи машғулот (амалий)

#### 6 яшар боланинг ақлий ривожланишини диагностика қилиши (болалар боғчасининг тайёрлов группаси)

Машғулотда студентлар 6 яшар бўлган болалар идроки ва тафаккурининг ривожланиш даражасини аниқлаш методикалари билан танишадилар ҳамда «Диагностика умственного развития дошкольников»<sup>1</sup> деган китобда босилган методикаларга доир 6 яшар бўлган болалар билан тадқиқот ўтказиш учун топшириқ оладилар. Бунда 2, 3, 4, 5- методикалардан фойдаланиш мумкин<sup>2</sup>. Экспериментал материалларни тўплаш ва уларни ишлаб чиқиши вақтида студентлар эксперимент ўтказиши бўйича инструкцияларга амал қиласидилар, китобда таклиф этилган форма бўйича протокол тузадилар. 34-жадвалга мувофиқ стандарт очколар сонини ҳисоблаб чиқадилар ҳамда тадқиқ этилаётган мактабгача тарбия ёшидаги бола (топшириқни бажариш сифатига қараб) қайси группага киритилиши мумкин эканлиги кўрсатиб қўйилади<sup>3</sup>. Топшириқни бажариш сифати бўйича қўйида келтирилаётган группаларнинг характеристикалари авторлар томонидан 2, 3, 4, 5- методикалар бўйича ажратилган сифат кўрсаткичлари асосида тушиб чиқилган.

#### Топшириқни бажариш сифатига қараб болаларни группаларга ажратиш

**2- методика. Берилган эталонларга нисбатан предметларнинг  
хусусиятини белгилаш маҳоратини эгаллаш даражасини  
диагностика қилиш**

I группа — эталонгача бўлган давр. Бунда болалар предметнинг шаклини эталонга солиштириб, унинг форма жиҳатдан бир-бирига ўхшашлигига қараб эмас, балки уларнинг ташки қўшимча белгиларига қараб (масалан, мазмунан ўхшашлигига қараб) мулжал оладилар.

II группа — синкетик мулжал олувчи болалар булиб, улар биргина детални ажратиб олиш асосида ёки умуман предмет контуридаги характеристикуни деталларни ҳисобга олмасдан бутун предметни эталонлардан бирига нотўғри ўхшатадилар.

<sup>1</sup> Ка, чг: Диагностика умственного развития дошкольников / Под ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской.

<sup>2</sup> Шу жойда — 215-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Диагностика умственного развития дошкольников / Под ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской, 239- бет.

III группа — объектиларниң мұракабалығы қараб үзгартылған түрдеги араштырылғанда мұлжал олуви болалардир. Деталлардың контурларының ичиге жойлашып орнады объекттердің болалар хато қылмасдан көркем шартонға (масалан, ботинкага) үштептедилар. Контурудан ташқарынча чиқадылық детали бүлгелер (масалан, дазмол)ның анализ қылыш вақытта бундай болаларда синкретик мұлжал олиш түрі пайдо болады.

IV группа — адекват тарзда мұлжал олуви болалардир. Улар предметтің шаклинаның анализ қылыш вақытта умумий контур билан айрым деталларның нисбатынан қараб мұлжал оладылар. Бұзғалы эса предметтің эталон билан бекітілгенде қиёслашылатын имконини берады. Бунда ҳам тасодиғи хатолар бўлиши мумкин.

### 3- методика. Моделлаштирилған перцептив ҳаракаттарни эгаллаб олиш даражасының диагностика қылыш

I группа — болалар үзларының модельлаштирилған перцептив ҳаракаттарни бажаришга бутунлай қодир әмасликтарының билиб оладылар, уларда фақат берилген топшириқтарның мұракабалығына боғлиқ бўлмаган баъзи бир масалаларға түғри ҳал қилинганини учратиш мумкин; кўпчилик ҳолларда болалар берилген фигураның шаклига түғри келмайдын элементтер комбинациясини яратадилар.

II группа — бу группага перцептив модельлаштириш системасыни чекланған тарзда эгаллаб олган болалар киради. Бундай операциялар системасы болага бутун бир фигураның иккитадан ортиқ бўлмаган элементтер шаклини, ҳолатини ҳамда уларның фазодаги нисбаттарыни ҳисобга олиш имконини беради; бундай болалар иккиси бир-бирига нисбатан мос келиши талаб қилинадын мәсалаларни түғри ечадилар, бошқа ҳолларда эса берилген фигурага қараб умумий шакли үшанга үхшаш яна бошқа элементтерни ёки масалани алмаштирадилар, ё бўлмаса, ноадекват тарзда мослашынан элементлердан иборат масала туздадилар.

III группа — унда болалар мазкур масалалар шартынан қараб модельлаштирилған перцептив ҳаракаттарни бажариш учун зарур барча операцияларни етарлича эгаллаб олган бўлладилар, лекин бу ҳаракаттар ҳали унчалик аниқ ва пишиқ бўлмайды, ечимларда хатоларга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда элементлернинг танлаб олинган йиғиндиши берилген эталонға үхшаган фигураны тузиш имконини беради-ю, лекин ундан худди үша фигураны айнан такрорлайдын шаклини ясаб бўлмайди.

IV группа — модельлаштирилған перцептив ҳаракаттарни юксак даражада пухта эгаллаб олган болалар бўлиб, улар айрым ноаниқликларға тарафдан үхшадилар, мумкин.

#### 4- методика. Күргазмали-образли тафаккур ҳаракатларини эгаллаб олиш даражасини диагностика қилиш

I группа — ноадекват мұлжал олиш формасига эга болалар бўлиб, улар айрим «хат» ва ҳошия элементларниң гина ҳисобга оладилар, бундайлар элементларни нотўғри танлайдилар. Улар схемани реал вазият билан қиёслашни билмайдилар.

II группа — бу группадаги болаларга фигуранинг бир белгисига қараб тугалланмаган мұлжаллаш характерлидир. Улар масалани босқичларга ажратадилар, йўлканинг ҳар бир бурилишига етганда ориентирларга ёки «хат»да курсатилган йўналиш белгисига мурожаат қиласидилар ва ўша йуналишда юришга интиладилар, бундай болалар бутун масалани ҳал қилиш давомида бошлаган иш услубларидан чиқиб кетмай ишлаш малакасини эгаллаб олмаган буладилар ва ечим охирлагунча ушбу иш услубини йўқотиб қўядилар. Ушбу группадаги болалар сўнгги босқичда тез-тез хатога йўл қўядилар, чунки улар бир вақтнинг ўзида икки параметрларни (7—10 масалаларни) ҳисобга ололмайдилар; уларда схемани реал вазият билан қиёслаб кўришга уриниши кузатилади, лекин улардаги фазо тўғрисидаги тушунчалар — фрагментар характерга эга бўлади.

III группа — бу болаларда битта белгига қараб мұлжал олиш поёнига етказилганлиги кузатилган. Улар «хат» кўрсаткичлари билан тасвирдаги ифодаларни охиригача таққослаб бир-бирига қиёслай оладилар, лекин йўналиш ва ориентирларни бир вақтда ҳисобга олиш талаб қилинган масалаларни ҳал қилмайдилар, уларнинг бир хиллари фақат ориентирлардан муваффақиятли равишда фойдалансалар, бошқалари йўлнинг йўналиши курсатилган тасвирдан фойдаланадилар. Бу группадаги болалар энг оддий фазо тўғрисидаги тушунчалардан фойдаланишлари мумкин.

IV группа — бу группадаги болалар икки параметр бўйича поёнига етмаган мұлжал олиш йўли билан ишлайдилар (улар дастлабки олти масалани тўғри ечадилар).

V группа — бу группадаги болалар икки параметрни ҳисобга олган ҳолда, майда-чўйда нарсаларгача қиёслаб иш кўришлари кузатилган.

Сўнгги икки группадаги болалар фазо тўғрисида анча тўлиқ ва муфассал тушунчага эга бўладилар. Улар ўртасидаги фарқ, афтидан, ўша тушунчаларнинг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигидан иборат бўлади.

#### 5- методика. Мантиқий тафаккур ҳаракатлари қанчалик шаклланганлигини диагностика қилиш

I группа — бу группага сериацион (катталик бўйича) ҳамда классификацион (шакл бўйича) жиҳатдан мавжуд бўлган фарқларни ҳисобга олмаган ҳолда элементларни тасодифий тарзда жойлаштириб чиқадиган болалар киради.

II группа — улар элементларнинг сериациясига риоя қилмай классификацион муносабатларни ҳисобга оладиган болалардир.

III группа — бу группага кирган болалар элементларнинг классификацион муносабатларини ва қисман улар уртасидаги се-риацион муносабатларни ҳам ҳисобга оладилар.

Элементларни жойлаштириб чиқишида баъзи бир хатоларга йўл қўядилар.

IV группа — бу группадаги болалар элементлар уртасидаги ҳам классификацион, ҳам сериацион жиҳатдан мавжуд муносабатларни ҳисобга оладилар.

Студентларнинг ҳисоботлари навбатдаги такрорий амалий машғулот чоғида қуйидаги масалалар бўйича муҳокама қилинади:

1. Олти ёшли болаларнинг предметларга тегишли хусусиятларни берилган эталонларга ўхшатиш ҳаракатларини эгаллаб олинишининг ўзига хос хусусиятлари.

2. Моделлаштирилган перцептив ҳаракатларни болалар томонидан эгаллаб олиш даражаси.

3. Кўргазмали-образли тафаккур ҳаракатларини эгаллаб олишининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Олти ёшли болаларнинг мантиқий тафаккур бўйича қиладиган ҳаракатларининг баъзи бир хусусиятлари.

Студентлар тўплаган эксперимент материалларидан кейинчалик олти ёшли болаларни мактабда ўқишига қай даражада тайёр эканликлари туғрисидаги масалани муҳокама қилиш вақтида фойдаланиш мумкин.

**Мухина В. С.** Детская психология.— М.: Просвещение, 1985,— раздел V: гл. 14—15-бетлар.

Диагностика умственного развития дошкольником / Под ред. Л. А. Венгера, В. В. Холмовской.— М.: Педагогика, 1978.

**Петренко Г. Г.** Педагогические ситуации в дошкольной педагогике.— Минск, 1984.

### Мустақил ишлаш учун топшириқлар

**Адабиётлардан аннотация ёзиш ва улардан конспект қилиш**

**Мухина В. С.** Изобразительная деятельность ребёнка как форма усвоения социального опыта.— М.: Педагогика, 1984, III қисм.

**Мухина В. С.** Детская психология.— М.: Просвещение, 1985.

### Реферат ёки докладлар учун темалар. Адабиётлар

#### 1. Ўин — мактабгача ёшдаги боланинг етакчи фаолияти

Психология и педагогика игры дошкольника (материалы симпозиума) / Под ред. А. В. Запорожца, А. П. Усовой.— М.: Просвещение, 1966.

**Эльконин Д. Б.** Психология игры.— М.: Педагогика, 1978.

## **2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тенгдошлари билин бўладиган муроқотининг хусусиятлари**

Антонова Т. Особенности общечеловеческого старших дошкольников со сверстниками. // Дошкольное воспитание.—1975, 10-сони.

Репина Т. Проблема межличностных отношений дошкольников и её изучение // Дошкольное воспитание.—1975, 10-сони.

Отношения между сверстниками в группе детского сада. / Под ред. Т. А. Репиной.—М.: Педагогика, 1978.

Субботский Е. В. Психология отношений партнерства у дошкольников.—М.: Изд-во МГУ, 1976.

## **3. Мактабгача ёшдаги болаларда темпераментнинг намоён бўлиш хусусиятлари**

Мерлин В. С. Очерк теории темперамента.—М.: Просвещение. 1964.—Гл. I, IV.

Чудновский В. Э. О возрастном подходе к типологическим особенностям. // Вопросы психологии.—1963, 1-сони.

Широкова Л. Дети с разными типами высшей нервной деятельности. // Дошкольное воспитание.—1976, 12-сони, 1977, 1-сони.

## **4. Мактабгача ёшдаги бола ижодий фаолиятининг риюзланиши**

Выготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте.—М.: Просвещение, 1967.

Детское творчество // Учен. зап. МГПИ им. В. И. Ленина.—1970, 314-сони.

## **5. Мактабгача ёшдаги болалар диккат-эътиборининг хусусиятлари ва унинг болалар фаолиятида ташкил этилиши**

Аксенова М. Н., Некрасова К. А. Об уровне развития устойчивости произвольного внимания у детей, поступающих из детского сада в школу // Учёные записки Горьковского государственного педагогического института им. М. Горького.—1977, 117-чишиш.

Волкова Н. Внимание детей во время занятий // Дошкольное воспитание.—1971, 12-сони.

Терехова Н. Развитие работоспособности детей, предупреждение утомления на занятиях // Дошкольное воспитание.—1977, 4-сони.

### **Психологик масалалар ечиш 1-масала\***

Бола — мактабгача ёшдагиларнинг каттаси. Унинг хулқат-воздиғида қуидаги омиллар сезилади. Масалан, унинг овқат егиси

\* Масала: «Воспитывать психологическую вытеснительность у будущих учителей,—деган тұпламдан олинган.—Пермь, 1966, 56-бет.

келади, лекин овқат берсангиз құлиға олади-да, уни оёқ остига түкади. Агар ұзига овқат егин деб зұрласангиз, у овқатни емайды, лекин дастурхон атрофига бошқалар үтирганда у ҳам, албatta, овқат егиси келиб сүрай бошлайди. Мабодо онаси отланиб бирор жойға бориб келмоқчи бұлса, у, албatta, әргашади. Онаси: «Қани, отлана қол бирға кетамиз», — деган заҳоти бола унға қараб: «Бормайман», — дейди. Агар шундан кейин онаси күча әшикка қараб юра бошласа, бола уннің орқасидан: «Мен ҳам бораман», — деб қичқиради, она орқасига қайтган заҳоти, бола яна боришдан воз кечади. Бундай маңзара бир неча марта тақрорланиши мумкин ва ҳар сафар бола, албatta, йнглай бошлайди.

### Саволлар

1. Мактабгача тарбия ёшидаги бу боланинг хулқ-авторида қандай салбий ирода сифатлари намоён бўлади?
2. Бундай болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни қандай ташкил этиш керак?

### 2-масала

Группага бураб юрғизиладиган янги ўйинчоқ — кучукча келтиришди. Тарбиячи уни құлиға олиб күрди ва ўйинчоқни буради: кучукча гир-гир айланиб вовуллай бошлади. Тарбиячи ўйинчоқни болаларга яқинроқ олиб келди. Ролланд қўрқиб кетиб кучукчани оёғи билан тепиб юборди. Барча болалар кучукка раҳми келиб, нега тепасан, ҳаммаёғи оғрийди-ку, деб ачиниа бошлайдилар. Группага врач кириб келди ва болалар билан кучукчанинг қаери лат еганини текшира бошлади. Андрей Ролланднинг ёмон иш қилганлигини сўзлаб берди. Бола дарҳол ўзгарди ва йиғлаб юборди: «Мен бундай бўлишини хоҳламаган эдим. Мен энди бундай кильмайман. Мен бундай қилишни хоҳламагандим! Эшитаяпсизми?» Тарбиячи Ролландга кучукчани силаб қўйишини таклиф қилди, у рози бўлди ва шу заҳоти йиғидан тўхтаб, овуниб қолди.

### Саволлар

1. Ролланднинг хулқ-авторида ҳис-туйғулар кечишининг қандай ұзига хос хусусиятлари намоён бўлди?
2. Уни қайси темпераментга киритиш мумкин?

### 3-масала

Миша — киришимли, ҳаракатчан бола. Аппликация йули билан ясаган гулларни кўриб, уларга баҳо бериш вақтида тарбиячи Мишдан сўради:

- Миша, сенга ҳаммадан кўра кимнинг иши кўпроқ ёқади?
- Лена Рошчинанинг иши, лекин мен ундан ҳам яхшироқ ясай оламан.

— Хүш, унда нима учун ясамай ўтирибсан? Уни қара, ҳамма болалар ишларини тугатиши, сен бўлсанг эндигина новдачаларни ясабсан.

— Мен ҳаммадан кейин бошладим-да, агар ясаб улгурганимдами, менинг гулим ҳамманикidan чиройли чиқарди. Буни қаранг, мен новдаларни қандай нозик қилиб ишладим!

Музика машғулотида Ватан ҳақида қўшиқ айтишарди. Миша қўшиқ сўзларини ҳаммадан кўра қаттиқроқ айтарди. Лена деган қиз танбеҳ берганида у шундай жавоб қайтарди: «Бу қўшиқни секин айтиб бўлмайди, чунки у Ватан ҳақида. И. В. бизга сўзларни аниқ, тушунарли қилиб айтиш кераклигини айтган эди ва мен шундай аниқ айтдим». Тарбиячи унга савол берди: «Хўш, айт-чи, сен айтаётган қўшиқ музика оҳангига мос келяпти, деб ўйлайсанми? Менинг назаримда сен ўзингча ашула айтаётганга ўхшайсан. Музика эса ўзича чалинаётгандай». Миша жавоб берди: «Мен музика оҳангига мос ашула айтаяпман».

### Саволлар

1. Мактабгача ёшдаги болада ўз-ўзига баҳо беришнинг шаклланиб келаётган қандай ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш мумкин?

2. Темпераментнинг қайси турига мансуб болалар ўз-ўзига ортиқча баҳо беради, қайсисига мансублари ўз қобилиятига пастроқ баҳо беради?

3. Ноадекват равишда ўз-ўзига баҳо беришнинг шаклланишидаги эҳтимол тутилган сабаблар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг.

### 4-масала\*

Марина яқинда янги болалар боғчасига ўтди. У жуда ташаббускор, болалар билан тезда тил топишиб кетадиган қиз экан, янги шароитда ҳаммани ҳайрон қолдириб болалар билан қисқа муддатда апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Қизлар мактаб-мактаб ўйнашди. Марина ўқитувчи бўлади, қизлардан иборат «синф» тузилди, столлардан «парталар» қилинди ва уларни бир текис қилиб териб чиқилди, доска ясаб, уни ҳам «синфга» осиб қўйиши. Игорь ўйинни йўлга қўйишида ёрдам бериб турди. «Мен ҳам сизлар билан ўйнасам майлими?»— деб сўрайди у. Болалар рози бўлишади ва Игорь бўш стулга ўтиради. Сен ўйнамайсан. Сен мендан рухсат сўрашинг керак эди!» дейди буйруқ оҳангига Марина.

Кунлардан бир кун болалар боғча ҳовлисида ишлашарди. Улар беш кишидан иборат группаларга бўлинниб, ҳовлини йиғиши-

Масала учун материални М. Л. Рубцова ва Л. Федосееваларнинг «Пустьрастут дружелюбными, общительными, отзывчивыми» (Дошкольное воспитание.—1974, 11-сони) мақоласидан олинди.

тиришарди. «Биз ишимизни тамомлаб бўлдик»,— деди Марина. «Энди эса ўртоқларингизга ёрдам берингиз»,— деди тарбиячи. Болалар тўкилган баргларни териб ола бошладилар. Марина эса қовоғини солиб ўшшайиб олди ва ҳеч нарса қилмай бир чеккада жим-тураверди. «Марина бизга ёрдамлашиб юбор, ўзи жуда озгина иш қолди»,— деб таклиф қилишарди болалар. Шу пайт бирдан тарбиячи Маринанинг овозини эшишиб қолди. Марина дугонасига қараб шундай дерди: «Ишлаб нима қиласман? Қанча ишлаганинг билан энди барибир бизни мақташмайди, чунки энди биз биринчи бўла олмаймиз!».

### Саволлар

1. Маринанинг хулқ-атворида қандай мотивлар етакчи мотивлар ҳисобланади?
2. Қизда бундай хулқ-атвор шаклланпшига илгариги тарбиянинг қандай камчилклари таъсири кўрсатган бўлиши мумкин?
3. Маринада қандай характер белгилари шаклланиб бормоқда?
4. Бу қизнинг группага яқинда келганлигини ҳисобга олиб унинг хулқ-атворидаги салбий белгиларини йўқотиш учун бу қизнинг тарбиясинни қай хилда олиб бориш керак?

### 5-масала\*

Жажжи қизча Варенькани шоколад бериб сийлашди. Қизча шоколаднинг бир чеккасидан ушоқдаккина бўлагини синдириб олди ва югуриб онасининг олдига борди-да: «Манг, бу Сизга»,— деди. «Меҳрибон қизим, айланай сендан,— деб мақтади онаси,— ўзинг еяқол, энг суюкли қизимизсан».

Варенька шоколадни бувисига олиб боради. Бувиси шоколадни гўё тишлиб кўрган киши бўлиб тамшаниб қўяди ва набирасини мақтайди: «Сахий қизимдан айланай. Шоколадинг жуда ширин экан! Раҳмат!» Варенька совғасини энди бобосига олиб боради, лекин у ҳам олмайди: «Мен шоколад бермасанг ҳам яхши, сахий қиз эканингни биламан»,— дейди. Бобоси унинг бошини силаб қўяди.

Энди Варенька югуриб мактабда ўқийдиган опасининг ёнига боради ва бир бўлак шоколадни унинг оғзига тутади. Опаси чурқ этмай, бир зумда шоколадни еб қўяди! Варенька йиглаб юборади. Ойиси ҳам, бувиси ҳам, бобоси ҳам бирданига опасини койиб кетишиди: «Ўзингдан кичкина қизни хафа қилгани уялмайсанми! Қап-кatta қизсан-у, фаросатинг йўқ!» Варенька йигидан тўхтаб катталарнинг гапига қулоқ тутади. Унинг шу пайтдаги қиёфасини кўрган киши томошанинг охири нима билан тугаганидан бу қизча тўла қаноат ҳосил қилганлигини тушуниб олиши қўйин эмасди.

\* Масала учун материални Э. Пилюгинанинг «Предупреждайте капризы малышей (Дошкольное воспитание.—1978, 11-сони) мақоласидан олиди.

## Саволлар

1. Варенъкада характернинг қандай салбий белгилари шаклланыб бормоқда?
2. Варенъкада сахијлик сифатларини ривожлантириш учун катта ёшли кишилар унга нисбатан қандай муносабатда бўлишлари керак?
3. Боланинг фаолияти, хулқ-авторига катталар томонидан бериладиган баҳонинг ва атрофдаги кишиларнинг унга кўрсатадиган таъсири бола хулқ-авторини, одатларини ва тегишли характер белгиларини шакллантиришда қандай аҳамиятга эга бўлади?

### 6-масала\*

— Дада, онам билан ўрмонга кетяпмиз. Сиз ҳам бирга борасизми?— деб сурайди. Петя ётоқ эшигини қия очиб.

«Вой тинмаганларей,— деб ўйлайди ўзича Фёдор Сергеевич.— Қачон қарасанг бирор жойга отланиб турганини кўрасан. Якшанба куни ҳар қандай майд-чуйда ишларни йиғишишиб, дам олиш ўрнига аллақаёққа отланиш керак. Бир ҳафтадан бери, юравериб жоннингга теккан тиқилинч автобусга чиқиб, яна нафасинг бўғилиб йўл юриш зарур эканми, ўрмонда нима бор? Мақсадсиз тентираб, дарахт ва бошқа майд-чуйда ўсимликларнй томоша қилиб келасанми? Зерикарли иш бу! Ҳа, болага эса қизиқарли албатта,— деб ўғлига қараб қуяди Фёдор Сергеевич. Унга ҳамма нарса қизиқ. Елиб-югуради, ҳар хил қўнғизларни тутиб ўйнайди, барглар, чўчқа ёнғоқлар териб қувонади. Менга-чи, менга нимаси қизиқ?».

Фёдор Сергеевич ёстиқдан бошини кўтариб, ўғлига бир қарди-да, яна ўзини креслога ташлади.

— Иўқ, мен бормасам керак, уйда қоламан,— деб жавоб беради ниҳоят ота кичкинтояга. Сен онанг билан ўйнаб кела қол.

— Сиз ҳам бора қолинг, дадажон!— деб ялина бошлайди боласи,— агар борсангиз футбол ўйнардик, ўрмонда қувлашардик, маза буларди.

Фёдор Сергеевичнинг пешанаси тиришди: «Нега сен менга ёпишиб олдинг. Ана онанг билан боряпсан-ку! Албатта, сен у билан маза қилиб ўйнолмайсан-да, а?» Сунгра, отаси шундай таклиф киритади:

— Хўш, сен онанг билан сайд қилиб келавер, қайтиб келганингдан кейин ҳовлида конток тепамиз, бўйтими?

— Тушунсангиз-чи, сизсиз у зерикиб қолади, ўғил болага онадан кўра ота керак бўлади,— деб бақирди йўлакда турган хотини.

— Ҳа, ота керакмиш... Лекин... Фақат ўйнатгани, қўнгил очгани керак эмиш. Мени ҳам бир буюм қатори олиб кетмоқчисанда, а?

\* Масала учун материални В. Крюкованинг «С любовью к детям» деган хотирапаридан олинди (Дошкольное воспитание.—1980, 3-сони).

— Юр, кетдик,— деди хафа бўлган она ва боланинг қўлидан етаклади.

Хонадан чурқ этмай, тумшайиб чиқишиди.

«Ҳечқиси йўқ, ҳали ўрмонга борганда чироий очилиб кегади»,— деб ўзини тинчлантириди Фёдор Сергеевич ва газетага қўл узатди.

### Саволлар

1. Ота-оналарнинг хулқ-авторига асосланган баҳо беринг.
2. Ҳам отаси, ҳам онаси билан ўйнаб келмоқчи бўлган кичкинтойнинг истагида унинг қандай эҳтиёжлари ёрқин намоён бўлади?
3. Бундай эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

### 7-масала

Юра оёғи чиқиб кетиб бузилиб қолган аравачани тузатишга уринади. Олдинига у филдиракни аравачанинг ёнига қўйиб, унинг ўқига ўрнатмоқчи бўлади. Жуда кўп марта уринишлардан кейин филдирак арава ўқининг ташқарига чиқиб ётган учига тасодифан кириб қолади. Аравача энди юриши мумкин. Юра жуда хурсанд. Тарбиячи уни мақтайди: «Баракалла, Юра, аравани ўзинг тузатдинг-га, айт-чи, қандай қилиб тузатдинг?»: Юра: «Мана, куриб турибсиз-ку, тузатдим-да!»— дейди. (Аравачани кўтариб, филдиракни айлантириб кўрсатади). «Сен бу ишни қандай бажарганингни яна бир марта кўрсатиб бергин!»— дейди тарбиячи (у билдирамасдан ҳаракат қилиб аравачанинг филдирагини ўқидан чиқариб қўяди). Юра яна филдиракни аравачага яқинлаштиради, лекин бу сафар уни аравачанинг ўқига дарров кийгизиб қўяди. «Мана, тузатдим!»— дейди қувонч билан бола, лекин бу ишни қандай бажарганини бу гал ҳам сўзлаб бера олмайди.

### Саволлар

1. Боланинг ҳаракатларига қараб, унинг ёши тахминан нечада эканлигини аниқланг.
2. Мазкур эпизодда фикрлаш фаолиятининг қандай хусусиятлари намоён бўлади? Бундан қандай педагогик хулоса чиқариш керак?

### 8-масала

Олти ёшли Наташага холоси шундай масала берди: «Тўртта қушча учиб келиб дараҳтларга қўнишди. Ҳар бир дараҳтга биттадан қушча қўнган эди, битта қушча ортиб қолди, битта да-

\* Саккизчи масала учун материални А. А. Люблинскийнинг «Беседа с воспитателем о развитии ребёнка» деган китобидан олинди (М., 1962).

рахтга иккитадан қушча қўнган эди — дараҳт ортиб қолди, дараҳтлар нечта эди?» Наташа масалани тақрор-тақрор айтиб берди-ю, лекин уни сира ҳал қила олмади. Шунда холаси қофоздан уча дараҳт ва тўртта қушча шаклини қирқиб ясади. Наташа мана шу дараҳт ва қушчалар ёрдамида масалани тез, туғри ечди.

### Саволлар

1. Нима сабабли Наташа масалани ҳал қилиши учун қофоздан дараҳт ва қушчаларнинг шаклини қирқиши зарур бўлиб қолди?

2. Бу ерда мактабгача ёшдаги болага хос бўлган қандай фикрлаш хусусиятлари намоён бўлди?

3. Болага таълим бериш жараёнида бундай хусусиятларни қай тарзда ҳисобга олиш керак?

### Курсда ўтказиладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Мактабгача ёшдаги боланинг ўз тенгдошини идрок этиши ва унга баҳо бериши.

2. Мактабгача ёшдаги бола хотирасининг маҳсулдорлигига мотивларнинг таъсири.

3. Турли темпераментдаги болаларда ўз тенгдошлари билан тез тил топишиб кетишининг намоён бўлиши.

4. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўз-ўзига баҳо бериши ва уларнинг қизиқиш даражалари.

5. Мактабгача ёшдаги болаларда ҳадиксираш ва уятчанлик одатларини бартараф қилиш ҳамда уларда актив ирода сифатларини тарбиялаш.

### 5- тема. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг психик ривожланиши ва шаклланиши

#### Методик кўрсатмалар

Мазкур темани ўрганишга киришилар экан, кичик мактаб ёшидаги боланинг психик ривожланиш шароитларининг сезиларли даражада ўзгарганлигига ҳамда бола шахсининг шаклланишига бундан аввалги ривожланиш даврига нисбатан қандай ўзгаришлар бўлганлигига, бу ўзаришларнинг хусусиятларига эътиборни қаратиш лозим. Бола мактабга қабул қилиниши билан у бажарадиган фаолиятнинг етакчи тури ўқиш бўлиб қолади. Ўқиш ўйиндан фарқли ўлароқ мажбурий характер касб этади, аниқ мақсадга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳамда системалаштирилган характердаги фаолият тури ҳисобланади. Бошланғич синфларда болаларни ўқитиш жараёнида ўйинлардан ҳам фойдаланилади, лекин энди у ўқиш-ўқитиш вазифалари билан боғлаб олиб борилади. Энди ўйиннинг мақсади, тури, ташкил этиш шароитлари ҳам ўзгаради.

Темани ўрганиш давомида ишлаб чиқариш меҳнати билан ўқув мөхнатининг фарқини очиб бериш керак. Бунда унинг пировард натижаси ўлароқ (ижтимоий-фойдали мөхнатнинг маҳсулли — бу киши ўз-ўзини камолга етказиш эканлигини), шунингдек, фаолиятнинг айрим звенолари аҳамиятини ҳам кўрсатиб бериши керак. С. Л. Рубинштейн таъкидлаб ўтганидек, «биринчи ҳолатда субъект асосан ўз диққатини ҳаракатларнинг бажариш усулларига, унинг схемасига қаратса, иккинчи ҳолатда — ишнинг натижасига қаратади» (С. Л. Рубинштейн). Шунинг учун бошлангич синфларда болаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишда ўқитувчи ўқиши жараёнига, яъни ҳаракатларни бажариш усулларига алоҳида эътибор бермоғи зарур. Бу нарсани ўқувчилар чуқур англаб олиши уларнинг ривожланиши учун зарур шарт ҳисобланади. Чунки ўқишнинг пировард мақсади — муайян билим ва малакаларни эгаллаб олишдангина иборат бўлмай, балки ўқувчилардан келгусида улар ишлаб чиқаришнинг, фаннинг ҳамда одамлар бажарадиган бошқа ижтимоий фаолият турларининг мураккаб проблемаларини ҳал қилмоқ учун мустақил рашида билим олиш маҳоратини шакллантиришдан ҳам иборатдир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг билиш фаолиятига хос хусусиятлар очиб берилаётган экан, яна шу нарсага эътиборни қаратиш керакки, бундай билиш фаолияти бенхтиёр содир бўлиш характеристига эга бўлади ва бу билим олиш чегарасини кенгайтиришга кенг имкониятлар очиб беради. Мактабда болаларга таълим бериш мазмунни ва методларида бундай билим олиш асослари пухта берилган. Бу ўринда оптималь мактаб программалари яратиш учун ҳамда ўқитишининг самарали методларини қидириб топишга оид ҳозирги замон проблемалари устида алоҳида тўхтабиб ўтиш керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи мулоқотининг янги характеристики ҳам алоҳида таъкидлаб кўрсатиш лозим. Энди боланинг мулоқоти аниқ мақсадга қаратилган мулоқот булади. Бунга сабаб, бир томондан ўқитувчининг доимий равишида унга кўрсатадиган актив таъсири бўлса, иккинчи томондан — ўқув колективининг кўрсатадиган таъсиридир. Бундан ташқари кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг мактабдан келгач, теварак-атрофдаги одамлар билан мулоқотининг ўзига хос хусусиятлари устида ҳам тұхталиб ўтиш лозим. Боланинг социал роли ҳам үзгарган, энди унда янги мажбуриятлар ва янги ҳуқуқлар пайдо булади. Булар боланинг ўз тенгдошлари, катта ёшли кишилар, ота-оналар билан бўладиган ўзаро муносабатларига ҳам таъсир қиласи.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи мулоқотининг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилаётганда биринчи синф ўқувчиларининг ўз муаллимларига қандай муносабатда эканликларига алоҳида эътибор бериш керак. Бундай муносабатнинг кучли ва кучсиз томонларини очиб бериш ҳамда уларнинг ўзгармай қолмаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, янги мулоқотнинг характери кичик мактаб ёшидаги ўқувчи таълимнинг мотивларига, ундаги ахлоқий сифатларнинг ривожланишига, ўз-ўзига баҳо беришни шакллантиришга ҳамда қизиқишлари даражасига сезиларли таъсир кўрсатади. Болаларнинг ўқув фаолияти мувваффақиятли бориши ҳамда улар шахсининг шаклланиши кўп жиҳатдан боланинг ўқитувчи билан ўзаро муносабатларидағи, ўз синфдошлари, ота-онаси билан муносабатларидағи ўзига хос хусусиятларига, синфда ўз позициясини қай даражада англаб етишига, таркиб топган коллектив ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлади.

Сўнгра, мазкур темани ўрганиб чиқилаётганда яна шуни ҳам кўрсатиб бериш керакки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида ўзидағи хулқ-авторни ва фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишнинг қарор топишига ёрдам беради. Ўқувчи хулқ-авторининг мотивлаштирилиши ҳам ўзгаради. Бунда ўртоқлари ва колективнинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйғу ва шахс ирова хусусиятлари шаклланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу ўзгаришлар аста-секин содир бўлади. Мазкур ўзгаришлар биринчи синфдан бошлаб туртинчи синфгача бирбири билан ғоят мураккаб тарздаги ўзаро алоқалар заминида кечади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи фаолиятига ўқитувчи берадиган баҳо тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Ўқитувчининг баҳоси, биринчидан, ўқувчи ўқув фаолиятининг пировард натижасини ифода этибгина қолмай, балки у таълим жараёнинг ўзини ҳам ифода этади ва иккинчидан, аниқ ифода этилган ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган характер касб этади. Бинобарин, кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўқув фаолиятига тўғри, объектив баҳо бериш боланинг ўзига-ўзи баҳо бериш қобилиятини ривожлантиришга, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қизиқиш даражасининг шаклланишига, уларда билиш қобилиятини ривожлантиришга, ўз фаолиятининг мақсад ва вазифаларини мустақил равишида белгилай олиш маҳоратини оширишга таъсир кўрсатади.

Шу масалалар ўрганиб чиқилар экан, бунда олти ёшли болаларнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш ҳамда I синфдан IV синфгача бўлган ўқувчиларнинг психик ривожланиш динамикасини кузатиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақил ишларни планлаштириш ва ташкил этишда, айниқса курсда ўтказиладиган тадқиқот ишларини бажаришда кичик мактаб ёшидаги ўқув фаолиятини психологик анализ қилишнинг асосий принциплари билан пухта танишиб чиқиш учун онгли субъект сифатида бола шахсини шакллантиришнинг психологик механизмини очиб бериш ҳамда уларга ўқиш ва коммунистик тарбия бериш форма ва методларини яна ҳам такомиллаштириб бориш имкониятларини кўрсатиб бериш керак.

## Семинар ва амалий машғулотлар планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

**Кичик мактаб ёшидаги үқувчи шахсини психик ривожлантириш ва шакллантиришнинг асосий шартлари ва омиллари**

1. Кичик мактаб ёшидаги үқувчининг анатомик-физиологик хусусиятлари.

2. Кичик мактаб ёшидаги үқувчи шахсини шакллантириш ва психик ривожлантиришнинг асосий омиллари.

3. Үқув фаолияти бошланғич таълим бериш давридаги фаолиятининг етакчи тури сифатида.

4. Кичик мактаб ёшидаги үқувчи билан мулоқот ва меҳнат фаолиятининг хусусиятлари.

5. Кичик мактаб ёшидаги үқувчи шахсида шаклланиб келаётган ахлоқий хислатларни ривожлантириш хусусиятлари.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968,— Ч. III.— Гл. I, II.

**Божович Л. И.** Психологические закономерности формирования личности в онтогенезе // Вопросы психологии.—1976, 6-сони.

**Дубровина И. В.** О единстве обучения и воспитания младшего школьника // Вопросы психологии.—1978, 6-сони, 129—134-бетлар.

Повышение эффективности начального обучения.— М.: 1977, 74—81- бетлар.

Психолого-педагогические проблемы обучения и воспитания детей шестилетнего возраста (круглый стол) // Вопросы психологии.—1984.—5-сони, 49—86- бетлар.

Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под. ред. В. В. Давыдова.— М.: Просвещение, 1977, 260—266- бетлар.

**Эльконин Д. Б.** К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте // Вопросы психологии.—1971, 4-сони, 6—20- бетлар.

Психологические проблемы нравственного воспитания детей / Под. ред. Ф. Т. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.— М.: Педагогика, 1977.

#### Иккинчи машғулот (амалий)

**Кичик мактаб ёшидаги үқувчи үқув фаолиятининг психологик хусусиятлари**

Машғулот үtkазилгунга қадар студентлар мактабга борадилар ва берилған программа асосида дарсда үқувчилар фаолиятини кузатадилар. Бундан ташқари, улар қўйида кўрсатилган адабиётларни мустақил равишда ўрганиб чиқадилар.

Мактабда олинган материаллар қуйидаги план асосида муҳоммада қилинади:

1. Дарс пайтида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар диққатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.
2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўқув фаолиятидаги конкретлик ва умумийликнинг нисбати.
3. Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ақлий фаолиятини бошқариш хусусиятлари.

**Дубровина И. В.** Некоторые особенности проявления специфических особенностей у младших школьников // Психологические проблемы учебной деятельности // Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Педагогика, 1977.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

**Раев А. И.** Управление умственной деятельности младшего школьника.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессов усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1973.

Управление умственной деятельности и умственное развитие учащихся.— Л.: ЛГПИ им. Герцена, 1973.

#### *Учинчи машғулот (семинар)*

**Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг психик ривожланиши ва шаклланиши динамикаси**

1. Боланинг мактабда таълим ва тарбия олишига тайёргарлик даражаси.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг билиш фаолиятидаги ўзгаришлар.

3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсига оид ҳамда унинг мулоқот характеристидаги ўзгаришлар.

**Венгер Л. В.** О диагностике умственного развития детей, поступающих в школу // Дошкольное воспитание.—1977, 12 сони.

Возрастные возможности усвоения знаний (младшие классы школы) / Под ред. Д. Б. Эльконина, В. В. Давыдова.— М.: Прогресс, 1966.

**Дубровина И. В.** Некоторые особенности проявления специфических особенностей у младших школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьников / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Педагогика, 1977.

**Захарова А. В., Андрщенко Т. Ю.** Исследование самооценки младшего школьника в учебной деятельности // Вопросы психологии.—1980, 4- сони.

**Нежнова Т. А., Филиппова Е. В.** Исследование эмоционального отношения к школе и учению у детей шести и семи лет // Новые исследования в психологии.—1983. 2- сони, 29—33- бетлар.

**Толстых Н. П.** Психология воспитания воли у младших школьников // Вопросы психологии.—1979, 4- сони.

**Улынкова У. В.** Исследование психологической готовности шестилетних детей к школе // Вопросы психологии.—1983, 4- сони, 62—69- бетлар.

### *Тўртинчи машғулот (амалий)*

**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ӯз тенгдошлари билан мулоқотининг хусусиятлари**

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда коллектив муносабатларни ривожлантиришнинг үзига хос хусусиятлари.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар коллективи ва унинг ижтимоий фикрлари.

3. Ижтимоий фикрларнинг қарор топиш жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий ривожланиши.

4. Педагогик мулоқотнинг бошланғич синф ўқувчиларининг үзаро муносабатлари характерига кўрсатадиган таъсири.

**Божович Л. И., Славина Л. С.** Случай неправильных взаимоотношений ребёнка с коллективом и их влияние на формирование личности // Вопросы психологии.—1976, 1- сони.

Взаимоотношения детей в совместной деятельности и проблемы воспитания. / Под, ред. С. Г. Якобсон, Ф. И. Михайлова.—М.: Педагогика, 1976.

**Березовин Н. А., Коломинский Я. Л.** Учитель и детский коллектив.— Минск: Народная асвета, 1975.

**Островская Р. А.** Общественное мнение в коллективе младших школьников.— Минск: Народная асвета, 1980.

**Леонтьев А. А.** Педагогическое общение.— М.: Знание, 1979.

**Развинова-Староверова В. В.** Взаимосвязь мотивов деятельности владящих школьников и их положение в классном коллективе // Личность, коллектив и проблемы воспитания.— Саратов, 1975.

Ребёнок в система коллективных отношений / Под ред. Л. П. Буевой, Л. И. Новиковой.— М.: Педагогика, 1972.

Коллектив, личность ребёнка, внутриколлективные отношения / Под ред. Л. И. Новиковой, В. И. Чепелёва.— М.: Педагогика, 1978.

### *Студентларнинг мустақил ишлари учун топшириқлар*

#### *Аннотация ёзиш ва адабиётлардан конспект олиш*

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968, 247—252- бетлар.

Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Просвещение, 1977.

Психологические проблемы нравственного воспитания детей /  
Под ред. Ф. И. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.—  
М.: Педагогика, 1977.

Психолого-педагогические проблемы обучения и воспитания  
детей шестилетнего возраста. // Вопросы психологии.—1984, 5-  
сони, 49—86- бетлар.

**Рефератлар ёки докладларнинг темалари. Тавсия этиладиган  
адабиётлар**

**1. Болани (биринчи синф ўқувчисини) мактабда ўқишга психолигик жиҳатдан тайёрлиги**

Божович Л. И. Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968, 207—246- бетлар.

Венгер Л. А. Об уровне развития детей, поступающих в школу. // Дошкольное воспитание.—1972, 8- сони, 33—38- бетлар.

Запорожец А. В. Педагогические и психологические проблемы всестороннего развития и подготовки к школе старших дошкольников // Дошкольное воспитание.—1972, 4- сони, 37—42- бетлар.

Прокура Е. А. О психологической готовности к школе первоклассника // Дошкольное воспитание.—1977, 8- сони.

**Кичик ёшдаги ўқувчини ўрта мактабда ўқишга психологик жиҳатдан тайёрлиги**

Божович Л. И. Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение.— 1968.— Ч. III.— Гл. 2.—§ 1.

Зверева М. В. Психолого-педагогические основы повышения эффективности обучения в начальных классах // Начальная школа.—1978, 8- сони, 74—84- бетлар.

Миленский А. Я. Формирование у подростков интереса к обучению.— Минск: Народная асвета, 1969.

Возрастные возможности усвоения знаний / Под ред. Д. Б. Эльконина., В. В. Давыдова.— М.: Просвещение, 1966.

Возрастные и индивидуальные возможности младших подростков / Под ред. Д. Б. Эльконина, Т. В. Драгуновой.— М.: Просвещение, 1967.

Развитие логической памяти у детей / Под ред. А. А. Смирнова.— Просвещение, 1976.

Решетников Б. И. К диагностике сдвигов умственной деятельности школьников // Структура познавательной деятельности.— Владимир, 1975.

**3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчида турли ўқув предметларига доир тушунчаларни шакллантиришининг психологик хусусиятлари**

Богоявленский Д. Н. Развивающее обучение и приёмы умственной деятельности школьников // Русский язык в школе.—1978, 5-сони, 59—64- бетлар.

**Богоявленский Д. Н.** Психологические принципы обучения орфографии // Русский язык в школе.—1976, 3, 4- сони, 29—35; 12—20- бетлар.

**Дубровина И. В.** Некоторые особенности проявления специфических особенностей у младших школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Просвещение, 1977, 260—266- бетлар.

Психологические возможности младших школьников в усвоении математики / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Просвещение, 1969.

**Скаткин М. Н.** Пути формирования математических понятий // Начальная школа.—1970, 9- сони, 82—85- бетлар.

#### **4. Үқитиш жараёнида кичик мактаб ёшидаги үқувчиларда ақлий меҳнат ҳаракатларини шакллантириш**

**Кабанова — Меллер Е. Н.** Формирование приёмов умственной деятельности и умственное развитие учащихся.— М.: Просвещение, 1968.

**Гальперин П. Я.** Основные результаты исследований по проблеме «Формирование умственных действий и понятий».— М.: Изд-во МГУ, 1965.

**Гальперин П. Я., Кобыльницкая С. Л.** Экспериментальное формирование внимания.— М.: Изд-во МГУ, 1974.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

**Раев А. И.** Управление умственной деятельностью младшего школьника.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975.

Управление умственной деятельностью и умственное развитие учащихся.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

#### **5. Кичик мактаб ёшидаги үқувчи онгода таълим мотивларини шакллантириш**

**Асеев В. Г.** Мотивация поведения и формирование личности.— М.: Мысль, 1976, 39—69- бетлар.

**Власова И. Н.** Изучение особенностей доминирования мотивов у детей младшего школьного возраста // Вопросы психологии,— 1977, 1- сони, 97—106- бетлар.

**Дусавицкий А. К., Портная Е. А.** Об особенностях развития мотивов учения младших школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Давыдова М.—1977, 280—289- бетлар.

**Матюхина М. В.** Мотивация учения младших школьников.— М.: Педагогика, 1984.

**Цукерман Г. А.** Формирование у младших школьников оценки своей учебной деятельности // Новые исследования в психологии.—1978, 2- сони, 24—28- бетлар.

## **6. Кичик мактаб ёшидаги ұқуевчилар колективида шахслараро муносабатларнинг психологик хусусиятлари**

Божевич Л. И., Славина Л. С. Случай неправильного взаимоотношения ребёнка с коллективом и их влияние на формирование личности // Вопросы психологии, 1976, 1-сони.

Взаимоотношения детей в совместной деятельности и проблемы воспитания / Под ред. С. Г. Якобсон, Ф. Т. Михайлова.— М.: Педагогика, 1976.

Фельдштейн Д. И. Психологические особенности детского коллектива и формирование коллективистических качеств личности детей школьных возрастов // Вопросы психологии, 1977, 2-сони, 63—95- бетлар.

Шульгина Б. А. К характеристике принятия школьником мнения сверстников в конфликтной ситуации // Вопросы психологии.— 1974, 2-сони, 145—149- бетлар.

Прихожан А. М., Юферева Т. И. Об аффекте неадекватности у учащихся 3 и 5 класса // Экспериментальные исследования по проблемам общей и педагогической психологии.— М.: Педагогика, 1975.

Развинова-Староверова В. В. Взаимосвязь мотивов деятельности младших школьников и их положения в классном коллективе // Личность, коллектив и проблемы воспитания.— Саратов, 1975.

### **Психологик масалалар ечиш**

#### **Масала\***

Биринчи синфда ўтиладиган рус тили дарсларида доскага шундай сүзлар ёзиб қўйилган: *вода, водитель, водица, водить, наводнение.*

Бир синфда мана бундай топшириқ берилади: «Доскага ёзиб қўйилган сўзлар икки группага бўлинади. Шу сўзларни қандай қилиб группаларга ажратиш тўғрисида ўйлаб кўринг. Ҳар бир группани дафтарингизга алоҳида-алоҳида устунлар тарзида ёзиб чиқинг».

Бошқа синфда худди шу топшириқни бошқачароқ қилиб таърифлаб берилади: «Доскага ёзиб қўйилган барча сўзларни қунт билан ўқиб чиқинг, уларни маъносига қараб икки группага ажратинг, ҳар бир группадаги сўзларни дафтарингиздаги алоҳида устунга кўчириб ёзинг (битта устун дафтарнинг чап томонида, иккинчи устун — ўнг томонида бўлсин)».

### **Саволлар**

1. Бундай топшириқлар нима мақсадда берилади?
2. Ушбу топшириқларнинг бажарилиши ўйлаб бажариладиган қандай операцияларни бажаришни назарда тутади?

\* Масаланинг тексти Л. Л. Додоннинг «Задания по педагогике» деган асаридан олинган (М., «Просвещение», 1968).

3. Таълим беришнинг ривожланиб борувчи вазифаларини ҳал қилиш учун берилган икки топшириқдан қайси бирини самаралироқ деб ҳисоблайсиз?

### 27-масала\*

Олти ёшли Юрага отаси шундай масала берди: «Коля Серёжадан катта, Серёжа эса Васядан катта. Болаларнинг ичидаги энг кичиги ким?».

Юра масалани бир неча марта тақрорлади, лекин сира, еча олмади. Шундан кейин у қўлига уч дона гугурт чўпини олиб уларни уч хил катталикда синдириб чиқди ҳамда ана шу гугурт чўплари ёрдамида масалани тўғри ва тез ҳал қилди.

### Саволлар

1. Ушбу масалани ечишга Юрага гугурт чўплари нима учун керак бўлди?

2. Ушбу мисол боланинг ақлий фаолиятидаги қандай хусусиятлар тўғрисида?

### 3-масала

Агар биринчи синф ўқувчиларига расмлар кўрсатиб, уларни эслаб қолиш тўғрисида маҳсус топшириқ берилса ёки маҳсус топшириқ берилмаса-ю, лекин ўша расмларни муайян бир принцип асосида бир-биридан ажратиб группалаштириш таклиф қилинса, бундай ҳолларнинг қайси бирида биринчи синф ўқувчиси ўнта расмни яхшироқ эслаб қолади? Нима учун шундай будади?\*

### Саволлар

1. Бу хотиранинг қандай қонуниятлари билан изоҳланади?

2. Ўқувчилар томонидан ақлий фаолиятнинг усул ва услубларини шакллантиришга бағищланган мана шу топшириқ бажарилганидан кейин улар билан шу соҳада яна қандай ишларни амалга ошириш мумкин?

### 4-масала\*\*

Шеърни ёдлаб келиш уйга вазифа қилиб топширилган эди.

Ўқитувчи каттагина шеърни болалар қандай ёдлаб келганлигини текшириб кўриш учун тўққиз кишини доскага чақирди, ча-

\* Масала: «Практикум по психологии» / Под ред. А. И. Шчербакова.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1972,— Ч. 2 китобидан кўчириб босилган.

\*\* Масала И. М. Палейнинг «Задачи по общей психологии» деган асаридан кўчириб босилди (Пермь, 1966).

\*\* Бу масаланинг асоси М. П. Диминенинг «Записки учительницы (М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962,—32—33- бетлар) деган китобидан олинган.

қирилганларнинг ҳаммаси ўқитувчини жуда хурсанд қилди. Тўқ-қиз ўқувчи бир сўзни ҳам қолдирмай шеърни ёддан айтиб берди.

Шу дарсга илмий бўлим мудири кириб ўтирган эди. Қўнғироқдан кейин ўқитувчи унинг олдига келиб: «Хўш, қалай?»— деб сўради. Илмий бўлим мудири мийифида кулди-да, шундай жавоб берди: «Ҳа, болалар чиндан ҳам шеърни яхшилаб декламация қилиб бердилар. Лекин афсуски, дарсингиз тўғрисида мен бундан бошқа бирор ижобий фикр айта олмайман».

Ўқитувчи бу гапдан ҳангуманг бўлиб қолди: «Хўш, сизнингча мен яна нималар қилишим керак эди? Ахир мен кўп болалардан сўраб улгурдим, кўпларига баҳо қўйдим»,— деди.

### Саволлар

1. Қани, айтингчи, фикрингизча нима учун бу дарс илмий бўлим мудирига ёқмайди?

2. Сизнингча, мазкур дарсда болалар қунт билан ўтиришдими?

3. Болаларнинг олдида турган ўқув вазифалари ўсиб бориши ва тарбиявий талабларнинг юксалиб бораётганлигини ҳисобга олиб болалар фаолиятини қай тарзда ташкил этиш мумкин эди?

### 5-масала\*

Ўйнаб-кулиб юрган Роза Ю. хонага ўқдек отилиб киради: «Бувижон, бувижон, бугун менга «3» ва «4» баҳо қўйишиди. Буни қаранг, қизил қалам билан қўйишиди.

«Набираражонимдан айланай, хўш, нима учун сенга бундай баҳолар қўйишиди»,— деб қизиқиб сўрайди бувиси. «Ҳеч нарсага»— деб жавоб беради бир минутча ҳангуманг бўлиб қолган Роза. Сунгра ўқитувчининг бундай сахиyllигидан хурсанд бўлиб кетганини яшира олмай бундай дейди: «Бугун ўқитувчимиз жуда кўп дафтарларга баҳо қўйдилар. Бундай баҳолардан жуда ҳам кўпини қўйиб ташладилар!».

Синфдаги энг кичик бола Славик бўлса ёнидаги Юранинг жиғига тегиб, унга уз дафтари сахифасидаги «3» ва «4» баҳоларни кўрсатиб мақтанади: «Менда учта баҳо бор, сенда эса бор-йуғи иккита!» Юранинг дафтарида иккита беш баҳо бўлишига қарамай ўзини чиндан ҳам камситилгандек ҳис қиласди ва унга ён беришни истамасдан: «Ҳали менга ҳам яна баҳо қўйишиади»,— дейди.

### Саволлар

1. Қелтирилган мисолалардан биринчи синф ўқувчисига хос бўлган қандай психологик хусусиятлар намоён бўлган?

\* Масала тексти Л. Л. Додоннинг «Задания по педагогике» деган китобидан кўчириб босилди (М.: Просвещение, 1968).

2. Нима учун биринчи синф ўқувчилари күп баҳо олишга қи-зиқадилар?

Биринчи синф ўқувчисининг бундай үзига хос хусусиятида қандай ижобий ва салбий моментлар мавжуд ва қуий синфларда дарс бериш жараёнида бу хусусиятларни қай тариқа ҳисобга олиб бормоқ зарур?

### 6-масала\*

II синф ўқитувчиси ўз ўқувчиси Мила К. нинг «З» баҳоларга қўникиб кетганлигини сеза бошлади. Бу қиз ўқишига унчалик қи-зиқмасди. Уни кўпроқ жамоат ишлари қизиқтиради. Мила са-нитарлик топширифини аъло даражада бажаради.

Кунлардан бир кун «З» дан юқори баҳо қўйиб бўлмайдиган унинг дафтаридағи ишнинг тагида шундай ёзув пайдо бўлиб қолди: «Ишнинг учинчи қатори жуда чиройли, ҳатто, ҳамманикidan яхшироқ ёзилган. Энди бутун ишни мана шу қатордаги сингари чиройли ёзишига бир уриниб кўр-чи».

Мила хурсанд бўлиб кетиб, дафтарини дугоналарига курсатиб мақтаниб қўйди. Уйга ҳам хурсанд бўлиб югуриб келди ва, бу-висига мақтанди. Кейин ҳамма иши худди учинчи қатордагидек чиройли бўлиши учун онасини ўзи билан бирга ўтириб дарс тай-ёрлашга мажбур қилди.

### Саволлар

1. Нима учун Мила ўқишига унчалик қизиқмас эди?
2. Сизнинг фикрингизча бу қизни ўқишига қизиқтириш мум-кини?
3. Бу ишни қандай қилиб амалга ошириш мумкин?

### 7-масала

Серёжа тез-тез дарс қолдириб турарди. Ўқитувчи дарсдан ке-йин у билан қушимча машфулот ўтизарди. Бу тадбир яхши ёр-дам беради-ю, аммо Серёжанинг ўқишига қизиқиши ортмади.

«Биласанми, Серёжа,— деди бир кун ўқитувчи,— мен сенга бир сирни: келгуси дарсда нималарни ўтишимизни айтиб бермоқ-чиман». Бу гапга Серёжа лоқайд қулоқ солиб турди-да, рози бўлди, лекин... Кейинги дарсда у кўтаринки руҳ билан ўтирас ва атрофига тантанавор қараб-қараб қўярди, тинмай жавоб бериш учун қўл кўтарарди. Чунки энди у ўтилаётган дарсни бошқалар-дан яхшироқ тушунаётган эди.

Уша куни у дарсдан кейин яна ўқитувчисининг ёнига келиб, унга савол нигоҳи билан тикилиб турарди. У гўё «Эртага нима дарс ўтишингизни бугун менга яна сўзлаб беринг!»— деб сураёт-гандек тикилиб турарди.

\* 6, 7, 8, 9, 10, 11- масалаларнинг текстлари Л. Л. Додоннинг Задания по пе-дагогике» деган асаридан кўчириб босилган (М.: Просвещение, 1968).

## Саволлар

1. Нима учун дарсдан кейин ўтказилган құшимча машғулоттар Серёжанинг ўқишиңи ортирилди ва нима учун ўқитувчи әртага бұладиган дарс тұғрисида сўзлаб берганидан кейин унинг хүлкі үзгариб қолди?

2. Нима учун болада ўқишиңи қизиқиши үйғотишида ўқитувчи шу йұлни танлади?

3. Ўқитувчи кейинги дарсда утиладиган янги материални ҳиқиқиби беришни тұхтаттағач, Серёжа дарсга илгаригидек актив қатнашармикан, нима деб үйлайсиз?

### 8-масала

Ұқувчилар I синфда дарс вақтида ўқитувчига тез-тез мурожаат қилиб: «Ирани қаранг, керакли устун қолиб бошқа устундаги мисолларни ечаянти, Валя унга нотұғри күрсатыб берди» ёхуд «Вера мисолни мутлақо ечмади» дейдилар ёки бошқа шунга үхшаш гапларни айтадилар.

Бошқалари ўртоғининг мисол ёки масалани нотұғри ечаётганини күриб қолади-да дарс пайтида бор овози билан: «Ана унинг хатоси бор!— деб бақириб юборади. Е бұлмаса, ҳамма жим ўтирган пайтда үринларидан туриб олиб, бутун синфға әшитиладиган қилиб: «Ана, Володя учта мисолни ечмасдан бошқасига ўтиб кетди»,— деб юборади.

## Саволлар

1. Биринчи синф ұқувчиларининг бундай хатти-харакатларини нима билан изохлаш мүмкін?

2. Ўқитувчининг хатти-харакатлари ұқувчилар шахсини ри-вожлантиришга таъсир күрсатиши ҳамда синфда коллективчilik муносабатларининг шаклланишига ёрдам бериши учун бундай ҳолларда қандай ҳаракат қылмоғи керак?

### 9-масала

«Менимча Лёня яхши, камтар бола бұлса керак-а?— деб сұрашды биринчи синф ұқувчисидан. Унинг ёндидеги партада ўтирган ўртоғи тұғрисида. «Ха— а... жуда ҳам яхши бола-да!— деб киноя билан жавоб беради у.— Нуқул «икки» олади-ку!».

«Юзингни ким тимдалаб олди?— деб сұрайди бувиси биринчи синфда ўқийдиган набирасидан. «Ира юлиб олди,— дея ши-коят охангида тушунтира кетди қиз.— Мен унинг китобини бир күриб бермоқчи бұлып олган эдим, у эса құлымдан юлиб олиб қүйди...». Бувиси унинг гапларига жавобан хулоса чиқариб, Ира шұнақа ёмон қиз экан-да, демоқчи бұлган эди, үзи учун мутлақо күтилмаган ҳолда тескари жавоб әшитди. Қизча үзиге етказилған шахсий аламни эсидан чиқариб Ирани қизғын ҳимоя қила

кетди: «Йұқ, у жуда яхши қиз, у ҳар доим «беш» баҳолар ола-ди!»— дейди ҳаяжон билан.

Маринка деган жажжи қызчадан унинг дугоналари бор-йүқлигини сұрашганида, у ... «Йұқ, улар бу ердан жуда узоқда туришади»— деб жавоб берган. «Хүш, синфда-чи, синфда сен яхши күрадиган ажойиб қизлар күпдир?»— деган саволга, «Бұлмаса-чи,— деб жавоб беради у,— бизнинг синфда альочи қизлар бор!».

## Саволлар

1. Келтирилган мисолларда биринчи синф ұқувчилари ўрта-сидаги муносабатларнинг үзиге хос қандай хусусиятлари намоён бўлади?

2. Ўқитувчи синф коллективини шакллантириш жараёнида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўзаро муносабатларини ўрна-тишдаги қандай омилларни ҳисобга олмоғи керак.

### 10-масала

Бола нима учун дарсга келмаганлигини изохловчи хат олиб келди. «Сен чиндан ҳам касал бұлып қолдингми?»— деб сұрайди ундан ўқитувчи. Бола чурқ этмай туради. «Хүш, бу хатни чиндан ҳам сенинг онанғ ёзіб бердиларми?»— деб сұрайди яна ўқи-тувчи. Бола жавоб бермайди. «Хүш, унда бу хатни ким ёзды?»— деб сұрашда давом этади ўқитувчи. «Хеч ким!»— деб кескин жа-воб беради бола.

## Саволлар

1. Хүш, сизнинг фикрингиз-ча, бола нима учун ўқитувчига шундай жавоб берди?

2. Ўқитувчининг ўрнида сиз бұлғанингизда қандай ҳаракат қылған бўлардингиз?

### 11-масала

— Биласизми, менинг Василькам күз очиб юмгунча олти ярим ёшга кириб қолди. Бу йил кузда мактабга боради. Очигини айт-сан, мен нима қиласын билмай қолдым. У ҳали ҳатто ҳарф нималигини ҳам билмайди. Балки, уни уйда ўқитишины бошлаб юбориш керактир.

— Вой нималар деяпсиз? Нега унда қилишингиз керак. Унда мактабда нима иш қиласы, у? Зерикіб қолади, кейин эса шұх-лик қила бошлайди. Баъзи бир ўқитувчиларнинг үзлари ҳатто буни биздан илтимоқ қилишади: Ҳеч қаңон болани мактабга бор-ганица ўқитманглар, бизга ҳалал берманглар, деб тайинлашади.

— Мана, күрдингизми,— деб әзтиroz билдиради суҳбатдош аёлларнинг биринчиси,— ўқитувчилар бунақа дейишади, яхши

одамлар бошқача иш тутишади. Құшнимизнинг үғли ҳам олти яшар бұлды. Ү ҳозирнинг үзида қийналмасдан үқій олади, йигирмагача бұлған сонларни құшиш ва айиришни билади.

## Саволлар

1. Суҳбатдошларнинг қайси бири җақ?
2. Үз жавобингизни психологик жиҳатдан асослаб беринг.

**Курсада үтказиладиган тадқиқтларнинг темалари. Адабиётлар**

**1. Кичик мактаб ёшидаги үқұвчилар эмоционал реакциясининг хусусиятлари**

1. Кичик мактаб ёшидаги үқұвчиларнинг эмоционал хусусиятлари.
2. Кичик мактаб ёшидаги үқұвчилар эмоционал реакциясининг турлари.
3. Болалардаги эмоционал реакцияларнинг хусусиятини эксперимент тарзда үрганиб чиқиш:
  - а) эксперимент методикасини баён этиш;
  - б) тадқиқот натижаларини анализ қилиш;
4. Эмоционал кечинмаларнинг кичик ёшдаги үқұвчилар психик ривожланишидаги аҳамияті.
5. Педагогик тавсиялар.

Вилюнас В. К. Психология эмоциональных явлений.— М.: Изд-во МГУ, 1976, 41—77, 78—131- бетлар.

Додонов Б. И. Эмоциональная направленность и корреспондирующие свойства личности // Вопросы психологии.—1974, 6- сони.

Голованов Л. Мимика чувств // Культура чувств / Под ред. В. Н. Толстых.— М.: Искусство, 1968, 185—196- бетлар.

Запорожец А. В., Неверович Я. З. К вопросу о генезисе, функции и структуре эмоциональных процессов у ребёнка // Вопросы психологии, 1974, 6- сони.

Ольшанникова А. Е., Семёнов В. В., Смирнов Л. М. Оценка методик, диагностирующих эмоциональность // Вопросы психологии.—1976, 5- сони.

Психологические проблемы нравственного воспитания детей / Под ред. Ф. И. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.— М.: Педагогика, 1977.

Якобсон П. М. Изучение чувств у детей и подростков.— М.: АПН, РСФСР, 1961.

**2. Кичик мактаб ёшидаги үқұвчилар ахлоқий категорияларини билишининг хусусиятлари**

1. Шахс ахлоқий хусусиятларининг структураси.
2. Кичик ёшдаги үқұвчининг ахлоқий ривожланиши.

3. Кичик ёшдаги ўқувчилар ахлоқий категорияларини билиш даражасини аниқлаш:

- а) эксперимент методикасини тавсифлаш;
- б) олинган натижаларни анализ қилиш.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий эътиқодни ривожлантиришда билимнинг роли.

**Курган Г. И.** Специфика усвоения личностью нравственных ценностей и процесс воспитания // Вестник МГУ.— Серия «Философия».—1976, 6-сони, 44—54-бетлар.

**Липкина А. И.** Психология ребёнка и формирование нравственных компонентов его мировоззрения // Вопросы психологии.—1980, 1-сони.

Психологические проблемы нравственного воспитания детей / Под ред. Ф. Т. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.—М.: Педагогика, 1977.

**Фокина И. Э.** Некоторые особенности развития моральных суждений детей.-// Новые исследования в психологии.—1978, 2-сони, 41—45-бетлар.

**Шербаков А. И.** Психологическая структура личности и закономерности её формирования // Учен. зап. ЛГПИ им. А. И. Герцена.—1971, 445-бет.

**Якобсон С. Г., Лавренко В. П. Федорова Т. М.** Исследование некоторых механизмов усвоения детьми правил поведения // Вопросы психологии.—1975, 1-сони.

### *3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ва хулқатворида ахлоқий хусусиятларнинг намоён бўлиши*

1. Ўқувчилар ўқув фаолияти ва хулқатворининг мотивлари.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқув фаолияти ва хулқатворидаги ахлоқий фазилатларининг намоён бўлишини ўрганиш:

а) тадқиқот методикаларининг тавсифи;

б) эксперимент ва кузатиш натижаларини анализ қилиш.

3. Ўқув фаолияти самарадорлигини оширишда ривожланиб бораётган ахлоқий эътиқоднинг роли.

**Ананьев В. Г.** Психологическая структура человека как субъекта // Человек и общество / Под ред. Б. Г. Ананьева, В. Я. Емельянова, Д. А. Керимова.—Л.: Изд-во ЛГУ, 1967.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.—М.: Просвещение, 1968.

**Божович Л. И., Конникова Т. Е.** О нравственном развитии и воспитании детей // Вопросы психологии.—1975, 1-сони.

**Венгер Л. А.** Особенности детерминации действий в младшем школьном возрасте // Вопросы психологии.—1975. 1-сони.

**Кабатченко И. В.** Психолого-педагогический анализ нравственного сознания и поведения подростков // Советская педагогика.—1976, 9-сони.

**Чудновский В. Э.** Устойчивость личности как проблема психологии воспитания // Вопросы психологии.—1974, 2- сони.

**Шербаков А. И.** Психологическая структура личности и закономерности её формирования // Учен. зап. ЛГПИ им. А. И. Герцена.—1971, Т. 445.

**Якобсон С. Г., Лавренко В. П., Федорова Т. М.** Исследование некоторых механизмов усвоения детьми правил поведения // Вопросы психологии.—1975, 1- сони.

#### *4. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан ахлоқий ҳодисаларнинг баҳоланиши*

1. Ахлоқий ҳодисаларнинг социал-тариҳий моҳияти.

2. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан ахлоқий категорияларни тушунтиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Ахлоқний ҳодисаларнинг кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан баҳоланиш хусусиятларини эксперимент тарзида тадқиқ этиш:

а) тадқиқот методларининг тавсифи;

б) эксперимент ва кузатиш натижаларини анализ қилиш.

4. Ўқув-тарбия ишларида ахлоқий ҳодисаларга тұғри баҳо берішнинг аҳамияти.

**Анисимов С. Ф.** Мораль и поведение. М.: Мысль, 1979.

**Богословский В. В.** Понимание и оценка младшими школьниками действий и поступков взрослых // Уч. зап. ЛГПИ им. А. И. Герцена.—1971, Т. 445- бет.

**Захарова А. В.** Когнитивные аспекты оценочной деятельности школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьника.— М.: Просвещение, 1977, 270—273- бетлар.

**Костикова М. Н.** Психологический анализ понимания скрытого смысла ситуации детьми // Новые исследования в психологий.— 1973, 2- сони.

**Курган Г. И.** Специфика усвоения личностью нравственных ценностей и процесс воспитания // Вестник МГУ.— Серия «Философия»,—1976, 6- сони, 44—54- бетлар.

**Липкина А. И.** Психология ребёнка и формирование нравственных компонентов его мировоззрения // Вопросы психологии.— 1980, 1- сони.

**Субботский Е. В.** О «Пристрастности» детского суждения // Вопросы психологии.—1978, 2- сони.

**Якобсон С. Г., Шур В. Г.** Психологические механизмы усвоения детьми этических норм // Психологические проблемы нравственного воспитания детей/ Под ред. Ф. Т. Михайлова, И. В. Дубровина, С. Г. Якобсон.— М.: Педагогика, 1977, 59—108- бетлар.

#### *5. Түрли социал назорат шароитида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларнинг намөён бўлиш хусусиятлари*

1. Кичик ёшдаги ўқувчи ахлоқий ривожланишининг хусусиятлари.

2. Кичик ёшдаги ўқувчи ахлоқини, хулқ-атворини үрганиш:
  - а) эксперимент методикаларини тавсифлаш;
  - б) тадқиқот натижаларини анализ қилиш.
3. Кичик ёшдаги ўқувчининг ахлоқий ривожланишида уни контрол қилишнинг аҳамияти.

**Асеев В. Г.** Мотивация поведения и формирование личности.— М.: Мысль, 1976, 50—68; 132—137- бетлар.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968,— гл. I, II.

**Дробницкий О. Г.** Понятие морали.— М.: Знание, 1974.

**Кон И. С.** Социология личности.— М.: Политиздат, 1967.—6—100- бетлар.

**Николаичев Б. О.** Осознаваемое и неосознаваемое в нравственном поведении личности.— М.: Наука, 1976.

**Субботский Е. В.** Формирование морального действия у ребёнка // Вопросы психологии, 1979, 3- сони.

**Якобсон С. Г., Арсеньева Т. А.** Экспериментальное исследование формирования у детей этических взаимоотношений // Взаимоотношения детей в совместной деятельности и проблемы воспитания.— М.: Педагогика, 1976, 144—185- бетлар.

**Якобсон С. Г., Лавренко В. П., Фёдорова Т. М.** Исследование некоторых механизмов усвоения детьми правил поведения // Вопросы психологии.—1975, 1- сони.

Психологические проблемы социальной регуляции поведения / Под ред. Е. В. Шороховой, М. И. Бобневой.— М.: Наука, 1976.

#### **6. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг социал ҳодисаларни тушуниши ва уларга нисбатан эмоционал муносабати**

1. Шахс ахлоқий фазилатларининг структураси.

2. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан ахлоқий категорияларни тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари.

3. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан социал ҳодисаларни эмоционал идрок этишнинг хусусиятлари.

4. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг социал ҳодисаларни тушуниши ва уларга муносабат билдириши намоён бўлган турли ҳоллар нисбатини эксперимент тарзида үрганиш.

5. Тадқиқот методикаларининг тавсифи.

6. Вужудга келган ҳодисаларнинг ўқувчилар томонидан тушуниши ва уларга эмоционал муносабат билдиришнинг турлича нисбатлари мавжуд бўлган вақтда тарбиявий таъсир курсатишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Анисимов С. Ф.** Мораль и поведение.— М.: Мысль, 1979.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968.

**Запорожец А. В., Неверович Я. З.** К вопросу о генезисе, функции и структуре эмоциональных процессов у ребёнка // Вопросы психологии.—1974, 6- сони.

**Кон И. С.** Социология личности.— М.: Политиздат, 1967.  
**Методы социально-психологических исследований / Под ред. М. А. Меньщиковой.— М.: 1975.**  
Психологические проблемы нравственного воспитания детей / Под ред. Ф. Т. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.— М.: Педагогика, 1977.

Психологические проблемы социальной регуляции поведения / Под ред. Е. В. Шороховой, М. И. Бобневой.— М.: Наука, 1976.

**Якобсон С. Г., Лавренко В. П., Федорова Т. М.** Исследование некоторых механизмов усвоения детьми правил поведения // Вопросы психологии.—1975, 1- сони.

### **7. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан ахлоқий ҳодисаларни тушунишида конкретлик ва мавҳумликнинг роли**

1. Кичик ёшдаги ўқувчининг билиш фаолиятида конкретлик ва мавҳумлик.
2. Ахлоқий ҳодисаларнинг конкрет ва мавҳум тарзда ифодалиниши.
3. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан конкрет ва мавҳум тарзда ифода этилган ахлоқий ҳодисаларнинг тушуниши эксперимент тарзида урганиш.
4. Кичик ёшдаги ўқувчилар томонидан ахлоқий ҳодисаларни тушунишнинг хусусиятлари.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

**Давыдов В. В.** К проблеме соотношения абстрактных и конкретных знаний в обучении // Вопросы психологии.—1968, 6- сони.

**Зак А. З.** К вопросу о развитии мышления у школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: Просвещение.—1977, 253—260-бетлар.

**Кожуховская И. И.** Методика исследования мышления и критичности // Вопросы психологии.—1974, 1- сони.

**Липкина А. А.** Психология ребёнка и формирование нравственных компонентов его мировоззрения // Вопросы психологии.—1980, 1- сони.

Моральное сознание: Элементы, формы, особенности: М.: Знание, 1974.

Психологические проблемы нравственного воспитания детей / Под ред. Ф. Т. Михайлова, И. В. Дубровиной, С. Г. Якобсон.— М.: Педагогика, 1977.

### **8. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўқитувчини идрок этишининг хусусиятлари**

1. Биринчи синф ўқувчисининг ўқитувчига бўлган муносабатидаги ўзига хос хусусиятлари.
2. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўқитувчини идрок этишининг хусусиятлари (I, II, III, IV синфлар):

а) эксперимент методикасининг тавсифи;  
б) олинган натижаларни анализ қилиш.  
3. I синфдан IV синфгача ўқиш давомида болалар ўқитувчи-  
ни идрок этишининг ўзгариб бориши.

**Богословский В. В.** Понимание и оценка младшими школьни-  
ками действий и поступков взрослых // Учён. зап. ЛГПИ им. А. И.  
Герцена.—1971.—Т. 445.

**Бодалев А. А.** Восприятие человека человеком.—Л.: Изд-во  
ЛГУ, 1965.

**Коломинский Я. Л., Березовин Н. А.** Учитель и детский кол-  
лектив.—Минск: Народная асвета, 1975.

**Люблинская А. А.** Учителю о психологии младшего школьни-  
ка.—М.: Просвещение, 1977, 215—219- бетлар.

### **9. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини психологик жиҳатдан анализ қилиш**

1. Боланинг мактабда ўқишга тайёр булиш психологияси.
2. Бўш ўқидиган болалар таълими мотивларининг хараке-  
ристикаси.

3. Кичик ёшдаги ўзлаштирмайдиган ўқувчилар интеллектуал  
фаолиятининг хусусиятлари:

- а) эксперимент методикаларини баён этиш;
- б) тадқиқот натижаларини анализ қилиш.

4. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабаблари  
ва ўзлаштирмовчиликни бартараф қилишнинг эҳтимол тутилган  
йўллари.

**Дубровина И. В.** Некоторые особенности проявления специфи-  
ческих особенностей у младших школьников // Психологические  
проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Да-  
выдова.—М.: Просвещение, 1977. 260—266- бетлар.

**Дусавицкий А. К., Репкин В. В.** Исследование развития позна-  
вательных интересов младших школьников в различных условиях  
обучения // Вопросы психологии.—1975, 3- сони.

**Власова И. Н.** Изучение особенностей доминирования моти-  
вов у детей младшего школьного возраста // Вопросы психоло-  
гии.—1977, 1- сони.

Особенности памяти и мышления младших школьников от-  
стающих в развитии.—М.: Педагогика, 1973.

**Маркова А. К., Абрамова Г. Г.** Психолого-педагогические ас-  
пекти, проблемы индивидуальных различий // Вопросы психоло-  
гии.—1977, 2- сони.

**Мурачковский Н. И** Как предупредить неуспеваемость школь-  
ников.—Минск: Народная асвета, 1977.

**Прокура Е.** О психологической готовности к школе перво-  
классников // Дошкольное воспитание.—1977, 8- сони.

Психологические проблемы неуспеваемости школьника / Под  
ред. Н. А. Менчинской.—М.: Педагогика, 1971,—Гл. 2, 3, 4.

**Фомичева Т. В., Ходор Н. И.** О влиянии некоторых факторов на успеваемость учащихся первых классов // Вопросы психологии.—1978, 6- сони.

### **10. Қичик мактаб ёшида баҳолаш ва ўз-ўзига баҳо беришнинг хусусиятлари**

1. Баҳолаш ва ўз-ўзига баҳо бериш шахс психологисининг проблемаси сифатида.

2. Қичик ёшдаги ўқувчиларда баҳолаш ва ўз-ўзига баҳо беришни урганиш методикаларини баён этиш.

3. Эксперимент натижаларини анализ қилиш.

4. Қичик мактаб ёшдаги болаларда баҳолаш ва ўз-ўзига баҳо беришнинг ўзгариб бориш характеристикаси.

**Андрущенко Т. Ю.** Психологические условия формирования самооценки в младшем школьном возрасте // Вопросы психологии.—1978, 1- сони.

**Анкудинова Н. Е.** Об особенностях оценки и самооценки учащихся I—IV классов в учебной деятельности // Вопросы психологии.—1968, 3- сони.

**Богословский В. В.** Понимание и оценка младшими школьниками действий и поступков взрослых / Учён. зап. ЛГПИ им. А. И. Герцена.—1971.— Т. 445.

**Бодалев А. А.** Восприятие человека человеком. — Л.: Изд-во ЛГУ, 1965.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968,— Ч. III.— Гл. 2.

**Липкина А. И., Рыбак Л. А.** Критичность и самооценка в учебной деятельности.— М.: Просвещение, 1968.— Гл. 12.

**Липкина А. И.** К вопросу о методах выявления самооценки как личностного параметра умственной деятельности // Проблемы диагностики умственного развития.— М.: Педагогика, 1975.

### **11. Қичик ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти ва хулқ-атвори нинг мотивлари**

1. Одамнинг хулқ-атвори ва фаолиятида мотивларнинг роли.

2. Қичик ёшдаги ўқувчилар таълим мотивлари.

3. Қичик мактаб ёшида жамоат топшириқларини бажариш мотивлари.

4. Қичик ёшдаги ўқувчилар хулқ-атвори ва фаолияти мотивларини эксперимент тарзида урганиш:

а) эксперимент методикаларини баён этиш;

б) тадқиқот натижаларини анализ қилиш.

5. Қичик мактаб ёшида хулқ-атвор ва ўқув фаолиятида ижобий мотивларни шакллантиришнинг эҳтимол тутилган йўллари.

**Асеев В. Г.** Мотивация поведения и формирование личности.— М.: Мысль, 1976.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968,— Ч. III.— Гл. 1, 2.

**Власова И. Н.** Изучение особенностей доминирования мотивов у детей младшего школьного возраста // Вопросы психологии,—1977, 1- сони.

**Дусавицкий А. К., Портная Е. А.** Об особенностях развития мотивов учения младших школьников // Психологические проблемы учебной деятельности школьника / Под ред. В. В. Давыдова.— М.: 1977, 280—289- бетлар.

Изучение мотивации поведения детей и подростков / Под ред. Л. И. Божович, Л. В. Благонадежиной.— М.: Педагогика, 1972.

## **12. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг колектив ичидағи үзаро муносабатларининг хусусиятлари**

1. Коллектив — шахсни ривожлантириш учун зарур бўлган шароит.

2. Кичик ёшдаги ўқувчилар үзаро муносабатларининг хусусиятлари:

а) эксперимент методикасининг тавсифи;

б) эксперимент натижаларини анализ қилиш.

3 Кичик ёшдаги ўқувчилар коллективини шакллантириш учун зарур бўлган шароит.

4. Синф коллективини шакллантиришда ўқитувчининг роли.

**Божович Л. И., Славина Л. С.** Случай неправильного взаимоотношения ребёнка с коллективом и их влияние на формирование личности // Вопросы психологии.—1976,, 1- сони.

Взаимоотношения детей в совместной деятельности и проблемы воспитания / Под ред. С. Г. Якобсон, Ф. Т. Михайлова.— М.: Педагогика, 1976.

**Кисловская В. Р.** К вопросу об эмоциональном отношении школьника к коллективу // Вопросы психологии.—1971, 1- сони.

**Коломинский Я. Л.** Психология личных взаимоотношений в детском коллективе.— Минск: Народная асвета, 1969.

**Роботова А. С.** О некоторых психологических условиях воспитания правильных взаимоотношений учащихся в коллективе // Вопросы психологии.—1970, 5- сони.

Социально-психологические проблемы формирования личности и учебно-воспитательного коллектива / Под ред. П. А. Просецкого и др.— М.: Педагогика, 1975.

**Шульгина Б. А.** К характеристике принятия школьником мнения сверстников в конфликтной ситуации // Вопросы психологии.—1974, 2- сони.

## **6- тема. Ўсмирлик ёшининг психологик хусусиятлари**

### **Методик құрсатмалар**

Мазкур тема фақат психология курсида эмас, балки психолог-педагогик циклдаги барча предметлар ичидә ҳам алоҳида

үрин эгаллайди. Унинг бу қадар муҳимлиги, биринчидан, жуда катта амалий аҳамиятга эга эканлиги билан (урта мактабдаги ўн синфнинг жуда бўлмаганда бештасида IV синфдан бошлаб то VIII синфга қадар — ўқитувчилар ўсмирларни ўқитиб тарбияладилар); иккинчидан, бу мавзу ёш тўғрисидаги ва шахс ҳақидаги тушунчаларни конкретлаштириш имконини бериши билан белгиланади. Студентлар ёш ва шахс тушунчалари тўғрисида умумий психология ва педагогика курсларида ҳамда ёш психологияси ва педагогик психология курсларида танишиб борадилар; учинчидан, ушбу темани ўрганиш вақтида психология ва педагогика предмети ўртасидаги ўзаро алоқалар айниқса яққол намоён бўлиб, ўқитувчи учун психология билимларининг ниҳоятда зарур эканлиги ҳам аён бўлади. Буларсиз ўсмирнинг хулқ-атворини тўғри тушуниб бўлмайди, тарбиялананаётган болага тўғри педагогик таъсир кўрсатиш тадбирини ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Ушбу мавзу билан танишишини ёш тушунчасини одамнинг психикасига бериладиган сифат характеристикиси тарзида психология жиҳатдан тушунтириб беришдан бошлаган маъқул. Ёшнинг психологик тушунчаси одамлар неча йил умр курганлигини ифода этадиган ёшга оид кундалик турмушдаги тушунчадан фарқ қиласди. Баъзи бир болалар ўз ҳаётининг ўсмирлик даврини IV ва ҳатто III синфдан бошлайдилар, бошқа бир хил болаларда эса ўсмирлик бир оз кечроқ — V синфдан бошланади. Бундан кейин келадиган ёш даври — илк ёшлик даври баъзи бир болаларда VII синфдаёқ бошланади, бошқалари эса IX—XI синфларга қадар ўсмир ёшида қоладилар. Айтиб ўтилган фарқларни студентлар амалда, ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Негаки, ўсмирлик ёши болаларнинг хулқ-атворида кескин ўзгаришлар содир булиши билан характерланадики, буни ҳар бир болани ташки томондан оддий кузатиш йўли билан осонгина ажратиб олиш мумкин.

Сунгра, ўсмирлик ёшига хос бўлган психологик хусусиятларни очиб берилар экан, умумий психология ва педагогика курсларида ўрганиладиган шахс тушунчасини конкретлаштириб бериш фойдалидир. Студентлар ўсмир шахсининг шаклланишига социал омиллар кучли, биологик омиллар эса билвосита таъсир кўрсатишини тушуниб олишлари керак. Қўйидагилар психик ривожланишнинг социал омиллари ҳисобланади: ўрта мактабга ўтиш ва бу билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятидаги, ўқувчи ҳамда ўқитувчилар билан мулоқотдаги ўзгаришлар; пионер ташкилотига, кейинчалик комсомолга аъзо бўлиб кириш ва унда ижтимоий-фойдали ишларни кенгайтириб бориш, мустақил ва амалий ишларни кўпроқ бажариш; боланинг оиласидаги ўрни ҳам ўзгаради: жисмоний ва ақлий имкониятларининг ўсиб бориши; муносабати билан унга кўпроқ ишона бошлайдилар ҳамда уй-рўзғор ишидаги ҳийла мураккаб ишларни бажаришни ҳам топшира бошлайдилар, у энди онлавий проблемалар муҳокамасида ҳам иштирок эта бошлайди.

Биологик омилларга қўйидагилар киради: жинсий етилишнинг бошланиши, шунингдек, у билан боғлиқ радишда барча аъзоларнинг гуркираб ривожланиши, ҳужайра ва организмнинг бошқа системаларининг қайтадан тузила бошлиши. Бу вақтда — яъни ўсмирлик ёшида болаларнинг хулқ-атворига хос бўлган алоҳида хусусиятларни фақат жинсий етилишнинг бошланиши билан изоҳлаш нотўри бўлади. Бундай тушунтириш юзаки тушунтириш ва ҳатто кўпинча ўзгариш сабабларини бузуб кўрсатиш ҳисобланади. Тўғри, жинсий етилиш ўсмирнинг бу ёшдаги хулқ-атворига асосий биологик омил сифатида таъсир ўтказади. Лекин бу бевосита эмас, балки билвосита таъсирдир. Қатталарга нисбатан агресив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари нохуш хулқ-атвор аломатлари ўз-ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлмай, балки улар ўсмир яшайдиган социал шарт-шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, колективидаги мавқеи туфайли, унинг катта ёшли кишилар билан ўзаро муносабатлари туфайли ва шунга ухшаш сабаблар туфайли пайдо бўладиган характер белгилариdir. Мана шу социал шароитларни ўзгартириш йули билан ўсмирларнинг хулқ-атворига бемалол таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўсмирлик ёшига ўтаётган вақтда болаларнинг хулқ-атворида кескин купайиб кетадиган салбий аломатлар — сўзга кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, уруш-қоқлик ва бошқалар ўқитувчи учун бу ёшдаги болалар билан ишлашни қўйинластириб юборади. Ушбу темани ўрганишда студентлар ўқувчининг ҳар бир ташқи реакцияси ортида унинг ўз психологик сабаби борлигини тушуниб олишлари керак. Агар боланинг хулқ-атворига фақат ахлоқий баҳо бериш билан кифояланиб қолинадиган бўлса, у ҳолда унинг психологик сабабини илғамай қолиш мумкин. Ўсмирларнинг «маданиятсиз», «ахмоқона», «заарарли», «тушуниб бўлмайдиган» деб ном олган ва шундай деб баҳоланадиган барча хатти-ҳаракатлари бир қарашда шундай деб ўйланса-да, аслида буни психологик сабаблар билан изоҳлаш керак. Бу сабаблар шахс қарор топшишининг мазкур босқичи учун хос бўлган хусусиятлардан келиб чиқади.

Ўсмирлик ёшида болалар хулқ-атворининг кескин ўзгаришига сабаб бўладиган асосий психологик «механизмни» таҳминан схематик радишда қўйидагича тасавур қилиш мумкин. Қонда янги гормонлар пайдо бўлиши ҳамда уларнинг марказий нерв системасига таъсир қилиши билан кучли даражада жисмоний ривожланиш билан боғлиқ бўлган жинсий етилишнинг бошланиши болаларнинг активлигини, жисмоний ва психик имкониятларини оширади ҳамда болада ўзини катталардек ҳис этиш, мустақил бўлиш туйғуларини туюш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Бироқ, психик ривожланишнинг бу босқичида ҳам бола ҳали мустақил ҳаракат қилишга тўла тайёр бўлмайди. Бунда ёш билан боғлиқ бўлган асосий зиддиятларнинг бири — ўз мустақиллигини ортиқ даражада сезиш билан ўсмирнинг психик имкониятлари ўртасидаги зиддият вужудга келади. Бу зиддият

ҳал этилиши боланинг бундан бўёнги психик ривожланишига олиб келади.

Хуш, ушбу зиддиятнинг ҳал этилиши қандай содир бўлади ва у боланинг ташқи кўриниши — унинг хулқ-авторида қандай намоён бўлади?

Маълумки, ҳар бир шахснинг муносабатлари унинг конкрет ишларида пайдо бўлади, англаб этилади, мустаҳкамланади ва қайд этилади. Бинобарин, мустақилликни шакллантироқ учун мустақил ишларни амалга ошироқ керак. Лекин, иккинчи томондан, ақалли бир марта мустақил иш бажариш учун теварак-атрофдаги бевосита алоқа қилиб турилган социал муҳитдан нисбатан ҳоли бўлиш, яъни шахсан ўзини-ўзи идора қилишининг муайян механизмларига эга бўлоқ керак. Кўриб турибсизки, ўсмир ўзини ҳар томондан ўраб олган ҳалқа ичидаги тургандек ҳис қиласди. Вазифа ана шу ҳалқани узиб чиқишдан иборат бўлиб қолади.

Бу ўринда асосий қийинчилик етук кишиларга яхши таниш бўлган аммо ўсмирларда етишмай турган фазилатларнинг эгаллаб олинишидир. Ўсмирнинг ўз кучига ички бир ишончнинг мавжуд эмаслиги, ўз олдида турган вазифани иззат-нафсиға ҳалал етмайдиган тарзда аниқ тасаввур эта олмаслик — шундай аломатлардандир. Бу белгилар айни мана шу ёшда кишини мустақил ҳаракат қилишга қодир бўлишга баъзи ҳолларда теварак-атрофдаги кишиларга қарши бориб, ўзининг ҳақ эканлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, бошқа бир ҳолларда эса вазминлик билан тентакларча ўжарлик қилмасдан, атрофдаги кишилар талбини қабул қилишга даъват этади.

Ўсмирда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўз-ўзини англашни шакллантиришнинг бир қанча йўллари мавжуд. Шулардан бирни ўз шахсини бирор образга қараб ёки катта ёшли бирор кишининг шахсиға ўхшатиб ривожлантаришдир, чунки айни мана шу катта ёшли киши боланинг куз ўнгидаги мустақил иш бажара оладиган кишининг тимсоли бўлиб гавдалана олади. Шунинг учун ўсмир ёшидаги боланинг биринчи галда интиладиган нарсаси — у энди ўзини кичкина бола эмас, балки катта киши бўлиб қолганлигига атрофидаги кишиларни ишонтиришдан иборат. Мустақил ишлар қилишга уринган ўсмир негадир беихтиёр шундай қилишга ҳаққи борлигига ўзини-ўзи ишонтиради, чунки энди мен «катта бўлиб қолдим» деб уйлайди. Шунинг учун психологлар «катта бўлиб қолганлик туйғуси»ни шахснинг ўсмирлик ёшидаги энг асосий янгилик сифатида талқин қиласдилар.

Бу ёшда ўсмирлар ўзларини катта кишидек ҳис қилишга интилиши табний бир ҳол ва бу ўсмирнинг тўла қонли психик ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий бир хислат эканлигини билган педагог шу билан боғлиқ салбий ишларнинг психологик табиатини тўғри тушунмоғи ва болаларнинг ўзларини катта тутишларига тўсқинлик қилмаслиги, аксинча, уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини ижобий изга солиш учун интилмоғи керак. Бундай вақтда педагог ўсмирнинг намуна сифатида бирорвга тақ-

лид қилиш хусусиятидан уларга таъсир кўрсатувчи бир восита сифатида фойдаланмоғи керак. Бунинг учун ўсмирларнинг илфор кишилар билан учрашувини ташкил этиш, ўқилган китоблар юзасидан диспутлар ўтказиш, кўрилган фильм ва спектаклларга доир баҳс-мунозаралар ўюштириб туриш лозим ва ҳоказо.

Катта кишилардек бўлиб қолганлик туйғусини бола ўз тенгдошлари орасида ҳам ҳис қиласди. Бу ерда у «катта кишилар» проблемасининг ҳар қанақасини ўзи билан баравар ўртоқлари орасида «тeng ҳуқуқлар» асосида муҳокама қилиши мумкин. У энди сен бу ишларни ҳал этишга ҳали ёшлик қиласан деб танбеҳ беришлари түғрисида ўйламайди. Ўсмирнинг ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўлиши ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билган тажрибали ўқитувчилар синфда ҳам ўқувчиларнинг айrim кичик-кичик группалари орасида ижобий ижтимоий фикрни шакллантиришга катта эътибор берадилар, ўсмирларга уларнинг яқин дустлари орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қиласидилар, айrim ўқувчиларнинг (айниқса ўқищдан орқада қоладиган ва «тарбияси қийин бўлган» ўқувчиларнинг) синф коллективидаги шахслар аро муносабатлар структурасидан «тушиб қолишлари»га нўл қўймайдилар, ўз синфида (кузатиш ёки экспериментлар ўтказиш методи ёрдамида) болалар ўртасидаги муносабатлар системасини, яъни симпатия-антипатия муносабатларини ўрганиб чиқадилар.

Ўсмирнинг ўз кучига тўла ишонмаслиги уни бутун воситалар билан шунчаки ўзини катта киши бўлиб қолганлигини таъкидлашга мажбур қилибина қолмай, шу билан бирга бу туйгуни етарли баҳолай олмаслик ҳолатини ҳам вужудга келтиради. Бу ўз навбатида катталарга қўпол муомалада бўлиш ва агрессивликни, ортиқ критицизмни ҳамда ота-оналар билан ўқитувчиларнинг маслаҳат ва талабларини писанд қилмаслик каби хулқ-атвор аломатларини ҳам келтириб чиқаради ва ҳоказо.

Катта кишиларнинг иродасига бўйсунмаслик мактаб, синф активлари ва бошқаларнинг фармойишларини бажармаслик — бу мазкур шароитга етарли даражада баҳо бера олмасликнинг ягона реакцияси бўлибина қолмай, шу билан бирга бу ўсмир, унинг шахси нуқтаи назаридан ўзини ўзгаларга танитиш йўли сифатида хизмат қиласди. Бу йўл орқали бола ўз шахсининг аҳамиятини, унинг таъсирчанлигини ҳамда теварак-атрофдаги кишиларга қаршилик кўрсата олиш қобилиятини ҳам таъкидлаб ўтишга эришмоқчи бўлади. Бола ўз шахсини сунъий равитидда атрофдаги кишилар шахсига «тўқнаштириб» айтиш мумкинки, ўз «мен» ини яна ҳам контрастли чегарада тасаввур қила бошлайди.

Ўсмирдаги мустақилликка бўлган интилиш унинг атрофдаги кишиларнинг шахсий таъсирларига боланинг ортиқ даражада алоқадор эканлиги билан зимдан боғлиқ бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, ўзини катталардек ҳис қилиш туйғуси боланинг шахсан ўзига бўлган муносабатини муайян даражада ўзгартиради ва ҳар қандай ички муносабат сингари бу ҳам ташқи муносабатларнинг таъсири остида, мазкур шахсга нисбатан бошқа

одамларнинг муносабатлари ташкил топади. Шунинг учун ўсмир ўзи ҳақида атрофдаги кишилар қандай фикрга келиши тұғрисида күп үйлайды ҳамда бунинг учун қулай мұхит яратиш йұлларини активлик билан қидиради. Бу шундай мұхит бұлмоғи керакки, ундаги муносабатлар энди ўсмирнинг катта киши, мустақил одам бўлиб қолганлигини яққол кўрсатиб туришини истайди.

Ҳар бир ўсмир билан мулоқотда унинг шахсидаги энг яхши томонларни топа билиш, нимага қобилиятли эканини аниқлаб олиш ҳамда мана шуларга таянган ҳолда боланинг ўзига бўлган ишончини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ғоят мұхимдир. Акс ҳолда тарбия соҳасида катта қийинчиликлар келиб чиқиши муқаррар. Усмир ўзига яқин бўлган кишиларнинг кўз ўнгидә үз шахснинг мустақиллигини тасдиқлаш, ўзлигини билдириб, үз «мен»ини англатиш мақсадида у ёки бу даражада үз имкониятидан ташқари ишларга қўл уришга ва шу орқали үз шахсининг таъсирини атрофдаги кишиларга утказишга ҳаракат қилиб куришга мажбур бўлади. Башарти, бола узини ижобий томондан кўрсатишнинг иложини топа олмаса, у ҳолда психологик зарурат туфайли у салбий ишларда узини кўрсатмоқчи бўлади — үз камчиликларини ошириб кўрсатади, кўпроқ ужарлик ва қайсарлик қиласи ҳамда бошика «хунарлар» кўрсатади.

Ўқитувчи мазкур ёшда боланинг ўз-ўзини ҳурмат қилишга ўргатиши туйғусини шакллантириши мұхим эканлигини ҳисобга олиб, ўқувчининг синф ва умуммактаб колективи олдидағи обрусины кўтариш йўлларини изланади. Бунинг учун ўқитувчи боланинг у ёки бу соҳадаги ютуқларини кўпчиликка маълум қиласи, унинг айрим ҳато ва камчиликларини йўқотишида донолик билан иш тутиб, уларни дарров кўпчиликка ошкор қилмай, ўсмир билан сұхбатлашиб, унинг кучи ва имкониятларига ишонишини амалда кўрсатади, бу билан ўсмирда шаклланиб келаётган «катта киши» бўлиб қолиш туйғусини ҳурмат қилишини билдиради. Бундай қўллаб-қувватлашнинг кераклигини яхши ҳис қилган ўсмир беихтиёр ўқитувчининг таъсирига берилади, чунки ўқитувчи ўсмирнинг муносабатларини йўлга қўйишда унга зарур кишига айланаб қолади.

Бола улғайгани сари унда «идеал» «Мен», «ахлоқий» «Мен», «ҳақиқий» «Мен» сингари шахсга оид структура, дунёқараш, әътиқод ва бошқалар шакллана боради; энди болада ўзи тұғрисидаги тасаввурлари анча аниқ ва барқарор бўлиб қолади, у ўзини ўраб олган социал мұхитдан бевосита тобеликдан қутула боради, боиси, энди унга доимо үз шахсини «пеш қилиб туриш» эҳтиёжи қолмайди. Боланинг етуклиқ даражаси органды сари, ундаги мустақил ишларни амалга ошириш имконияти кенгайиб, ўсмирлик ёшига хос бўлган асосий зиддиятлар ҳал қилина боради.

Бола алохода олинган шахс сифатида ўз-ўзига муносабатини шакллантириш жараёнида асосан иккى босқични бошидан кечиради. Бу босқичлар ўсмирлик ёшининг иккى хил даврига — кичик ўсмирлик даври ва катта ўсмирлик даврига тұғри келади. Бириң-

чи босқичда бола ўзини «бола»лардан ажратиб, энди ўзини катталар оламига мансублигини таъкидламоқчидек булади. Бу давр учун катталарнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш ва ўзининг мана шу ярашмаган қилиқларига танқидий баҳо бера ол-маслик, унинг катта ёшли кишиларга яқин булиши учун ёрдам берадётган бир гуруҳ тенгдошлари билан ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолиши ва шу сингари ҳолатлар характерлидир.

Иккинчи босқичда энди ўзининг ёш бола эмаслигига шубҳа килмайди ва у ўзлигини аниқ англай бошлайди, ўз шахсини улуғлаб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайди. Бу даврга келиб, унинг ҳаракатлари ўзи билан ўртоқ бўлган бир гуруҳ тенгдошларига боғлиқ бўлмай қолади. Ўртоқлари ўсмирга ўзи тўғрисидаги нотўғри тасавурлардан қайтиб, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришга уни мажбур қўлмоқчи бўлганларнда ҳам у бемалол рад жавоби бериши ва ўз фикрида қатъий туриб ҳимоя қилиши мумкин. Бу даврда ўзга кишиларнинг ички дунёсига ортиқча қизиқиш билан қараш ва уз хатти-ҳаракатларини ўзи анализ қилиши, ўзини-ӯзи тарбиялаш қобилиятининг пайдо булиши ва шу сингари хусусиятлар ўсмирнинг мана шу иккинчи босқичидаги ҳаётига хос хусусиятлардир. Бу даврга келиб ўсмирга педагогик таъсир курсатиш йўллари ҳам ўзгаради.

Ўз-ӯзини англаш ҳиссининг таркиб топиши, ўзига гуё алоҳида, мустақил шахс сингари муносабатнинг вужудга келиши бу даврдаги ҳар икки жинсдаги ва истаган темперамент типидаги ўсмирлар учун муҳим хусусиятлардир. Ўсмирлар ўртасидаги индивидуал фарқлар ҳамда уларнинг психик ҳолатларидағи етакчи хусусиятлар ўзлигини кўрсатиш воситаларини танлаш вақтидагина намоён бўлиб қолади. Ўғил болалар ва қиз болаларнинг социал роли турлича бўлиши тўғрисидаги жамиятда таркиб топган тушунчалар билан болалар томонидан ўзлаштирилган тасавурлар ўсмир ёшидаги 'шахснинг шаклланиш йўлларини белгилаб беради ва уларни мувофиқлаштириб туради. Масалан, қиз болалар синфдаги ўз тенгдошларининг диққатини ўз шахсларига қаратиб олиш мақсадида одатда ҳеч қачон «синф масҳарабози» ролини қўлламайдилар, лекин ўғил болаларга қараганда купроқ дараҷада ўзларини ўқиш ва жамоат ишларида яхши кўрсатадилар. Холерик ва флегматиклар бошқа кишиларнинг кўз ўнгидага ўз шахсларини курсатиш учун ҳар хил йўлларини танлаб оладилар.

Ўсмирларни тайёрлашга индивидуал ёндошиш барча болаларга мана шу ёшда умумий бўлган хусусиятларни билишга асосланмоғи керак, яъни бу ёшда болалар ўзларига нисбатан мустақил шахсга нисбатан қандай муносабатда бўлса, шундай муносабатни шакллантиришга ҳаракат қиласидилар. Бу ёшдаги ўсмирларни тайёрлашда яна уларнинг жинси, темпераменти, интеллекти, умумий маданияти, қобилият ва характерларидаги мавжуд фарқларни ҳисобга олмоқ керак. Ўсмир ўзига ўзлигини тасдиқловчи индивидуал (айни маҳалда социал жиҳатдан мақбул бўлган) йўлларни, ўзини ва ўзлигини атрофдаги кишиларга тани-

тиш ва уни барқарор қилишда педа ғоғ ўсминаларга ёрдам курсатиши керак.

Бунда «тарбияси қийин» ўсминаларга алоҳида ёндашиб керак, чунки уларнинг хулқ-автори юқорида айтиб ўтган маълум асосий қонуниятларга бўйсунади. Бирор улар турли сабабларга кўра, ўз шахсини қарор топтириш учун социал жиҳатдан номақ-бул бўлган йўлларни танлаб олади. Оиладаги муносабатлар, ўз тенгдошлари орасида тутган ўрни, ўқитувчиларнинг унга муносабати, ўқишида ўзини кўрсата олмаслиги, одамлар билан мулокотга киришиш малакасининг йўқлиги ва ҳоказолар ўсмир мустақил шахс сифатида ўзига бўлган муносабатни шакллантиришидаги қийинчиликларнинг манбаи булиши ва бу ҳол унинг хулқ-авторида салбий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Педагог мана шу сабабларнинг қайси бири ҳандай конкрет ҳолатда содир бўлганлигини хушёрлик билан ўшуниб олиши ва бу йўлдаги қийинчиликларни енгид ўтишда ўсмирга ёрдам бериши ёки унга ўзлигини тасдиқлашнинг янги вариантини топиб олишда ёрдам бериши муҳимдир.

Бола шахсида юз берадиган муҳим ўзгаришлар орасида бу ўшда боланинг психик ривожланиши даги ўзгаришлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар ҳисобланади, чунки бу вақтда ўсмирнинг билишга бўлган қизиқиши соҳасида прогресс содир бўлади. Ундаги сезги, идрок, хутира, диққат, ҳис-туйғу, тафаккур ривожлана боргани сари упроқ ихтиёрийлик ҳам касб эта боради. Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши тафаккурнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг ҳисобига ўсмирда исбот, далиллар билан фикрлаш қабилияти ривожланади. Унда дедуктив хуносалар чиқаришга қоблият пайдо бўлади, бола ўқув материалини ҳамда унга билдирилган ахлоқий талабларни танқидий жиҳатдан идрок эта бошлади.

Ўсмир шахсида ва унинг билишга қизиқишидаги ўзгаришлар ўзаро боғлиқ бўлади: ихтиёрий психик жараёнларнинг ривожланиши ўсмирдаги шаклланиб келаётгандан шахс мустақиллигига таянади, ўзининг шахсий хусусиятларини англаш ва шакллантириш имкониятлари эса ундаги тафаккурнинг ривожланиши билан белгиланади.

Мазкур темани ўрганишни унинг аҳамиятидан келиб чиқиб ташкил этиш керак. Аввало семинар машғулотларида ўрганилаётган темани умумий ёш психологияси ва педагогик психологиянинг, педагогика курсларининг төзишили бўлымлари билан боғлаш муҳимдир.

Иккинчи машғулотда студентлар ўсмир билан кичик ўшдаги ўқувчи ҳамда кичик ва катта ўсмирнинг психик хусусиятларини бир-бирига таққослаш, ўсмирларнинг жиёсий ҳамда индивидуал тип жиҳатдан бир-биридан фарқини билиб олиш имконини берадиган докладларни мустақил равишда тайёрлашни таклиф қилиш фойдали. Ўсмирларнинг хулқ-авторидаги умумий ҳамда бир-биридан фарқ қиласига хусусиятларни аниқ тасаввур қилиш таълим-тарбия ишида ўсмирнинг ҳар бирига индиви-

дуал ёндашишнинг асосий йўлларини белгилаб олиш имконини беради.

Айрим машғулотларда ўқувчиларнинг хулқ-авторида содир бўлган салбий ўзгаришларнинг сабабларини муфассал қараб чиқиш фойдалидир. Бу ўринда психик ривожланишининг биологик ва социал омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорликни тушуниб олиш, илк болалик ёшида берилган оиласвий тарбиянинг ўсмир ёшига етганда унинг хулқ-автори ва тарбиясига кўрсатадиган таъсирини урганиш, ўсмирларда кузатиладиган айрим характер белгиларига зўр бериш ва бундай характер типларини урганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу «тарбияси қийин» болалар билан ишлашнинг принципиал йўлларини белгилаб олиш имконини беради.

Мазкур теманинг амалий аҳамиятга эгалиги туфайли студентлар бундай билимларни максимал даражада оперативлик билан ўрганиб олишига ва олган назарий билимларини амалда қўлланиб, улардан фойдалана олиш маҳоратини эгаллашларига эришмоқ керак. Бунинг учун ҳар бир машғулотда психологик масалалар (шунингдек, уйга вазифа бериб, кейинчалик уларни машғулотларда таҳлил қилиб) ечиш тавсия этилади. Қуйидаги масалаларни теварак-атрофдаги вазиятга хос бўлган хусусиятларга ҳамда педагог шахси билан ўқувчи шахсининг хусусиятларига (масаладаги иштирок этувчи шахсларга) тааллуқли қўшимча шартлар сифатида киритиш мумкин. Бунда масаланинг түфири ҳал қилинган йўлларини топиш (бу йўллар бир нечта бўлиши ҳам мумкин) билан бир қаторда педагогнинг нотўғри хулқ-авторининг вариантиларини муҳокама қилиш ҳамда бунинг эҳтимол тутилган сабабларини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш аҳамиятлидир.

Баъзи бир масалаларни ролларни бажариб туриб ҳал қилинади. Бир хилдаги ролларни турли даражада ижро этилишини бир-бирига қиёслаш ва уларни (ўқувчи ва ўқитувчи ижро этган ролни ҳам) анализ қилиш, бундай анализни фавқулодда кўргазмали тарзда ўтказиш (бундай қилиш кўпинча студентларнинг ўзларига ҳам кутилмаган бир ҳол бўлади), ўсмирлар ўртасида катта индивидуал фарқлар мавжудлигини, шунингдек, бу хусусда ўқитувчиларнинг ўзлари орасида ҳам турли позициялар борлигини ишонарли намойиш қилиб кўрсатади. Бундай роль ўйнаб кўрсатиш методи умумий, мавҳум билимларни амалда кўпинча учраб турадиган хусусий вариантиларга тақрибан тадбиқ этилишидан ташқари назарий билимлар студентлар томонидан қай даражада ўзлаштирилишини диагноз қилиб, олдиндан билиб олишда ўқитувчига ёрдам беради.

Мазкур темани кейин ҳам амалий пухта эгаллаб олишда студентларга (II курсда) ўқув-тадқиқот характеридаги топширикларни бажариш ёки (III курсда) курс ишлари ёзишни таклиф қилиш тавсия этилади. Қуйидаги курс тадқиқот темалари психологик-педагогик мазмундаги предметлараро характерга эгадир. Бу темаларни кичик курсларда мактаб практикуми доирасида бажариш, юқори курсларда эса унинг методик практикада сту-

дентлар ишига психология ва педагогика ўқитувчилари раҳбарлигидан бажариш мумкин. Барча темалар ҳам студентдан ўсмирилик хулқ-авторини илмий равишда кузатиб бориш маҳоратини, ўсмирилдаги салбий хусусиятлар муайян вақт бўлаги давомида неча бор тақорорланганлигини ҳисобга олиш ва таҳлил этиш маҳоратини талаб қиласди. Психология ўқитувчиси студентга «Ёш психологияси ва педагогик психология методлари» деган темани ўрганиши чоғида олган билимларини актуаллаштиришда ёрдам беради. Хусусан, у студентлар билан бирга ўсмириларни кузатиц плани ва схемасини ишлаб чиқади, ўсмириларда салбий хулқ-автор белгиларини кузатиб ёзиб бориладиган протокол формасини ишлаб чиқади (ўсмириларнинг салбий хулқ-автор формалари қандай бўлиши қуйидаги китобда баён этиб берилган: *Краковский А. П. О подростках.—М.: Педагогика, 1970*). Педагогика ўқитувчиси ўқувчиларнинг баъзи бирига ёки уларнинг бир группасига (умуман синфга тегишли) педагогик таъсир кўрсатиш тадбирларини планлаштириш ва ўтказишга ёрдам беради: жумладан, сухбат ўтказиш, мунозаралар уюштириш орқали ёки бошқа турдаги тадбирлар ташкил этиб ўқувчиларда ижтимоий фикрни шакллантиради; ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини уюштиради; синф колективи структурасини шакллантиради ва шунга ўхшаш ишларни бажаради. Ўсмириларга педагогик таъсир кўрсатилгунча ва бундай таъсир кўрсатилганидан кейин ўсмирилар йўл қўйган салбий хатти-ҳаракатлар миқдорини бир-бирига қиёслаб солишишиш студентларга болаларнинг психологик хусусиятларни билиб олиш ва бу билимларни психологик ҳамда педагогика билан маҳкам боғлиқ ҳолда тадбиқ этиш ўсмириларга, уларнинг тарбиясига нақадар кучли таъсир кўрсатишини далиллар билан исбот қилиш имконини беради.

## Семинар машғулотларининг плани

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### *Ўсмирилик ёшига хос умумий хусусиятлар*

1. Организмнинг анатомик-физиологик жиҳатдан қайта тузилиши ва унинг ўсмирик психологик хусусиятлари ва хулқ-авторига таъсири. Ўсмирилик ёшига хос хусусиятларни тушунишда жинсий етилиш етакчи аҳамиятга эга бўлиши тўғрисидаги биологизаторлик таълимотларининг танқиди.

2. Ўсиб бораётган мустақиллик туйғуси билан уни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; ўсмирилик ёшида шахснинг шаклланиши.

3. Ўсмирик шахсининг ривожланишига коллектив ҳамда тенгдошлар ўртасидаги ўзаро шахсий муносабатларнинг таъсири.

4. Ижтимоий фойдали фаолият жараёнидаги мулоқотлар ўсмирилик ёшидаги фаолиятнинг етакчи тури сифатида.

5. Үқув фаолиятининг қайта тузилиши ҳамда ўсмирдаги билиш жараёнларининг ривожланиши.

### *Иккинчи машғулот (семинар)*

#### *Ўсмир хулқ-атворидаги ёшга оид, жинсий ва индивидуал-типов-логик хусусиятлар*

1. Катта ва кичик ёшдаги ўсмирлар хулқ-атворидаги фарқлар.
2. Ўсмирлик ёшидаги ўғил ва қиз болаларда ўзлигини таниш воситалари.
3. Ўсмир темпераментининг унинг ҳулқи хусусиятларига хос таъсири.
4. Психиканинг мазкур ёшга хос умумий ва индивидуал хусусиятларининг нисбатлари.
5. Ўсмирлик ёшида индивидуал ёндашувнинг психологик жиҳатдан асосланган йўллари.

### *Учинчи машғулот (семинар)*

#### *«Тарбияси қийин» ўсмирнинг психологияси*

1. «Тарбияси қийин» ўсмир хулқ-атворида салбий хусусиятлар пайдо бўлишининг сабаблари бу ёшдаги шахс ривожланиши умумий қонуниятларининг тўла намоён бўлиши сифатида.
2. Оилавий тарбиядаги хатолар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги салбий хусусиятларнинг пайдо бўлиши.
3. Синф колективидан ажralиб қолиш ўсмирлик ёшидаги хулқ-атвортада салбий хусусиятларнинг намоён бўлиш сабаби сифатида.
4. Баъзи бир «тарбияси қийин» ўсмирларда ҳулқ-атворт бузилишининг биологик омиллари.
5. «Тарбияси қийин» болалар билан ишлаш вақтида индивидуал-типов-логик хусусиятларни ҳисобга олиш.

**Беличева С. А.** Специализированные подростковые клубы как институт ресоциализации «трудных» подростков // Психологический журнал.—1984.— Т. 5.—6- сони, 48—54- бетлар.

**Белкин А.** Отклонения в поведении школьников.— Свердловск, 1973.

**Блонский А. П.** Трудные школьники.— М.: Работник просвещения, 1930.

**Божович Е. Д.** Психологические особенности развития личности подростка — М.: Знание, 1979.

**Божович Л. И., Благонадежина Л. В.** Изучение мотивации детей и подростков.— М.: Педагогика, 1972.

**Бочкарёва Г. Г.** Психология подростков-правонарушителей // Советская юстиция.—1967, 22- сони.

**В мире подростка //** Под ред. А. А. Бодалева.— М.: Медицина, 1980.

**Валитов М. С.** Особенности профессиональной консультации подростков // Вопросы психологии.—1984, 6-сони 60—63- бетлар.

**Возрастная и педагогическая психология /** Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1981.

**Возрастные и индивидуальные особенности младших подростков /** Под ред. Д. Б. Эльконина, Т. В. Драгуновой.— М.: Просвещение, 1967.

**Высоцкий А. И.** Волевая актуальность школьников и методы ее измерения — Челябинск, 1979.

**Гуткина Н. И.** Психологические проблемы общения учителя с подростком // Вопросы психологии.—1984, 2-сони, 99—106- бетлар.

**Драгунова Т. В.** Подросток.— М.: Знание, 1976.

**Зюбин Л. М.** Учебно-воспитательная работа с трудными учащимися,— М.: Высшая школа, 1982.

**Конникова Т. Е.** Механизм воздействия коллектива на личность школьника // Советская психология.—1969, 11-сони, 27—38- бетлар.

**Кравцов Г. Г.** Некоторые психологические особенности учебной деятельности младших подростков // Экспериментальные исследования по проблемам педагогической психологии.— М.: 1976.— Вып. 2.—130—140- бетлар.

**Кузнецова Г. И., Харченко В. Д.** Психологические особенности недисциплинированности подростков // Вопросы психологии.— 1981, 6-сони, 138—144- бетлар.

**Левитов Н. Д.** Психология характера.—3- изд., испр. и доп.— М.: Просвещение, 1969.

**Личко А. Е.** Психопатия и акцентуация характера у подростков.— Л.: Медицина, 1977.

**Лозачева В. И.** Сверстник как образец для подростка // Вопросы психологии.—1977, 2-сони, 131—134- бетлар.

**Маркова А. К.** Психология обучения подростка.— М.: Просвещение, 1975.

**Миронов А. И.** Критические периоды детства.— М.: Знание, 1979, 49—91- бетлар.

**Мудрик А. В.** Роль социального окружения в формировании личности подростка.— М.: Педагогика, 1979.

**Никитинский М. И.** Психологические особенности идеалов подростков и старших школьников // Советская педагогика.—1976, 11-сони, 38—45-бетлар.

**Новоселова А. С.** Формирование нравственных установок поведения и деятельности трудных школьников // Педагогическое воздействие на осознаваемые и неосознаваемые компоненты психики // Учен. зап. Пермского гос. пед. ин-та.—1975,— Т. 143.

**Патологические нарушения поведения у подростков.—** Л.: Медицина, 1973.

**Подросток: Проблемы воспитания детей в семье.—** М.: Педагогика, 1977

Психологическое изучение трудно воспитуемых подростков и малолетних правонарушителей.— М.: Педагогика, 1974.

Сапожникова Л. С. Соотношение самооценки и взаимооценки подростков с их товарищеским статусом // Новые исследования в психологии.— 1979, 1-сони, 106—110- бетлар.

Солдатенко Н. Г. Психология трудного подростка.— Рига: Знание, 1980.

Сухомлинский В. А. Духовный мир старшего школьника (подросткового и юношеского возраста).— М.: Гос. учебн. пед. изд. МП РСФСР, 1961,—87—167- бетлар.

Устименко С. Ф. Межличностные отношения трудных подростков.— Вопросы психологии // 1984, 1-сони, 27—33- бетлар.

Фельдштейн Д. И. Психологические основы общественно полезной деятельности подростков.— М.: Педагогика, 1982.

Чудновский В. Э. О нравственной устойчивости личности и ее формирование у подростка.— М.: Педагогика, 1979.

Мустақил ишлаш учун топшириқлар

Адабиётлардан аннотация тузиш ва конспект олиш

Краковский А. П. О подростках. М.: Педагогика, 1970.

Миронов А. И. Критические периоды детства. М.: Знание, 1979, 49—91- бетлар.

Сухомлинский В. А. Духовный мир школьника (подросткового и юношеского возраста).— М.: Гос. учеб. — пед. изд-во МП РСФСР, 1961, 87—167- бетлар.

### Реферат ёки докладлар ёзиш

#### 1. Кичик ёшдаги үқувчи ва кичик үсмир, қиёсий психологик характеристика

Божович Е. Д. Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968.

Кравцов Г. Г. Некоторые психологические особенности учебной деятельности младших подростков // Экспериментальные исследования по проблемам педагогической психологии.— М.: Педагогика, 1976.— Вып. 2.— 130—140- бетлар.

#### 2. Кичик ва катта үсмир: қиёсий психологик характеристика

Возрастные и индивидуальные особенности младших подростков / Под ред. Д. Б. Эльконина, Т. В. Драгуновой.— М.: Просвещение, 1967.

Драгунова Т. В. Подросток.— М.: Знание, 1976.

Краковский А. П. О подростках.— М.: Педагогика, 1970.

Никитинская М. И. Психологические особенности идеалов подростков и старших школьников // Советская педагогика.— 1976, 11-сони, 38—45- бетлар.

### **3. «Тарбияси қийин» ўсмиirlар ҳулқидаги салбиј ўзгаришларнинг психологик сабаблари ва улар шахсини коррекция қилишининг педагогик йўллари**

**Беличева С. А.** Специализированные подростковые клубы как институт ресоциализации «трудных» подростков // Психологический журнал.—1984. Т. 5—6-сони, 48—54-бетлар.

**Белкин А.** Отклонения в поведении школьников.—Свердловск 1973.

**Новоселова А. С.** Обусловленность формул внушения педагогическими целями и мотивационной сферой трудных подростков // Педагогическое воздействие на осознаваемые и неосознаваемые компоненты психики // Учен. зап. Пермского гос. пед. ин-та.—1975.—Т. 143.

**Новоселова А. С.** Формирование нравственных установок поведения и деятельности трудных школьников // Педагогическое воздействие на осознаваемые и неосознаваемые компоненты психики Учен. зап. Пермского гос. пед. ин-та.—1975.—Т. 143.

Психологическое изучение трудновоспитуемых подростков и малолетних правонарушителей.—М.: Юрид. лит-ра, 1974.

**Солдатенко Н. Г.** Психология трудного подростка.—Рига: Знание, 1980.

**Устименко С. Ф.** Межличностные отношения трудных подростков // Вопросы психологии.—1984. 1-сони, 27—33-бетлар.

### **4. Ўсмиirlарга оиласда тарбия беришининг психологик проблемалари**

В мире подростка / Под ред. А. А. Бодалева.—М.: Медицина, 1980.

**Мудрик А. В.** Роль социального окружения в формировании личности подростка.—М.: Педагогика, 1979.

Подросток: Проблемы воспитания детей в семье.—М.: Педагогика, 1977.

**Чудновский В. Э.** О нравственной устойчивости личности и её формирование у подростка.—М.: Педагогика, 1979.

### **5. Ўсмиirlик ёшида муроқотга киришишнинг психологик проблемалари**

**Гаврилова Т. П., Фетисова Е. В.** Экспериментальное исследование отношения младших подростков к взрослым и сверстникам как объектам общения // Психолого-педагогические проблемы общения.—М.: Педагогика, 1979, 98—100-бетлар.

**Горшкова Е. А.** Формирование взаимоотношений подростков в коллективе сверстников // Советская педагогика.—1984, 8-сони, 27—29-бетлар.

**Лозоцева В. И.** Сверстник как образец для подростка // Вопросы психологии.—1977, 2-сони, 131—134-бетлар.

**Максакова В. И., Селеванова Н. А.** Коллективные отношения подростковых классах (аспекты общения) // Психолого-педагогические проблемы общения.— М.: Педагогика, 1979, 111—120- бетлар.

**Сапожникова Л. С.** Соотношение самооценки и взаимооценки подростков с их товарищеским статусом // Новые исследования в психологии.—1979. 1-сони, 106—110- бетлар.

**Цыбенова Н. Ч.** Об особенностях самоутверждения младших подростков в классном коллективе // Экспериментальные исследования по проблемам общей, социальной психологии и психофизиологии.— М.: Наука, 1976, 133—142- бетлар.

### *Ўсмирларга педагогик таъсир кўрсатишнинг психологик жиҳатдан асосланган йўллари*

**Арзамасцева Н. И.** Честь и достоинство как стимулы развития активности подростков в учебно-воспитательном процессе // Советская педагогика—1979, 4-сони, 27—30- бетлар.

**Валитов М. С.** Особенности профессиональной консультации подростков // Вопросы психологии.—1984, 6-сони, 60—63- бетлар.

**Габриловец К. В.** Развитие у подростков гуманизма // Советская педагогика,—1984, 9-сони, 22—26- бетлар.

**Гуткина Н. И.** Психологические проблемы общения учителя с подростком // Вопросы психологии.—1984, 2-сони, 99—106- бетлар.

**Краковский А. П.** О подростках — М.: Педагогика, 1970.

**Кузнецова Г. И., Харченко В. Д.** Психологические особенности недисциплинированности подростков // Вопросы психологии.—1981, 6-сони, 138—144- бетлар.

**Мурачковский Н. И.** Классификация типических проявлений личности подростка — условие эффективности процесса воспитания // Советская педагогика.— 1979, 2-сони, 44—51- бетлар.

**Решетников П. Е.** Влияние педагогической оценки на отношение подростков к труду // Советская педагогика,—1984, 9-сони, 32—36- бетлар.

**Фельдштейн Д. И.** Психологические основы общественно полезной деятельности подростков.— М.: Педагогика, 1982.

### **Психологик масалалар ечиш**

#### **1-масала**

Маълумки, ўсмирга нисбатан, асосан, уни рағбатлантирадиган психологик таъсир кўрсатиш тадбирларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда болани бевосита бирор ишни мажбуран бажаришга ундайдиган тадбирлардан тийилиб туриш яхши натижа беради. Қўйида келтирилаётган ўқитувчи А. Гармаевнинг мақоласидан олинган парчани ўқиб чиқинг ва берилган саволларга жавоб қайтаринг.

«Ҳамма иш газетада босилган мақоладан бошланди. Мен уша мақолани үқиб чиққанимдан кейин деярли ёмон баҳо қўймайдиган үқитувчилар борлигини билиб олдим. Бундан ташқари, улар үқувчиларнинг ишларини кўриб оғзаки баҳо бераётган вақтларидан аввало, болаларнинг ютуқлари нимадан иборат эканлигини қидиришлар ва ҳатто ўртача ишлардан ҳам боланинг ютугини топиб, айтиб беришар экан. Ҳамма болалар бундай үқитувчилар билан жон деб шуғулланишар ва бор кучларини ишга солишар экан.

Хўш, бу қанақаси бўлди? «Икки» баҳодан деярли воз кечиша-я? Бу гапга сира ишониб бўлмасди. Дарсда эса бундай қилишнинг, сира иложи йўқ. Лекин кунлардан бир кун...

Бутун синф масалани сира ечолмас эди. Барча таклифлар масаланинг ечимидан анча узоқда эди. Шу пайт кимдир бирдан бир луқма ташлади. Бу ҳали масаланинг ечими бўлмаса-да, аммо масаланинг ечилиши йўлига нур тарағандек бўлди.

— Мана, масала ечиладиган бўлди! Балли, Серёжа! Боплдинг! Шундан кейин синфда қўл кўтарган, жавоб беришни истаган болалар ҳам кўпайиб қолди. Ўлар нуқул: «Мен тушундим! Мендан сўранг! — деб үқитувчига мурожаат қилишарди.

Серёжанинг узи эса, ҳангуманги бўлиб қолди, нима дейишини билмай ҳатто ўзини йўқотиб қўйди. Ўзини ноқулай ҳис қиласарди. Аслида масаланинг ечилиши йўлини топиб берган Серёжанинг узи эди.

Шу дақиқадан бошлаб үқитувчи сифатида менда ҳам педагогик үзгариш содир бўлганини үқувчи ҳали билмасди. Менинг бола тарбияси тўғрисидаги аввалги қарапашларим тамоман үзгариб кетди. Энди үқув программасини қотиб қолган бир догма сифатида идрок этиш тўғрисидаги тасаввурлар аста-секин йўқолиб, үқув материалига олий қимматдорлик сифатида ижодий ёндашиш даври бошланди. Бунинг сабабчиси ҳам Серёжа эди. Кейинчалик бу ҳилдаги мисолларни кўплаб учратдим. Ўз номи учун, ўз индивидуал салоҳияти учун курашган ва енгиб чиққан ўсмирларни озмунча учратмадим.

Бир гап менга аниқ аён бўлди: ҳар бир дарсда ўзим болаларга шафқатсизлик билан қўйиб ташлаётган «уч» баҳолар орқали мен боланинг олға қараб қиладиган ҳар қандай ҳаракатини тўсиб қўяётган эканман. Бундай қилганимда бола программанинг фақат бир қисминигина ўзлаштириб олар экан, холос. Шундан кейин мен жуда секинлик билан бўлса ҳам боланинг олган билимига жна оз-оздан билим қўшишга ҳаракат қила бошладим. Бироқ, менинг бу тажрибам давомида дастлаб фақат бир нарса аён бўлди: ҳар бир ўтилган янги темадан ўрта баҳоли бола фақат унинг бир қисминигина ўзлаштириб олар экан. Мен боладан тўлиқ жавоб талаб қила бошладим. У эса жаҳли чиқиб мутлақо дарс тайёрлачай қўйди, кетма-кет бир неча марта «икки» баҳо олди ва уни турли даражада танбехлар билан адабини беришди. Шундан кейин у яна бирор шуғулланиб зўрга-зўрга «уч» баҳо оладиган бўлди. Шу тариқа биз худди бир-бидимизни сезмагандек, яшай

бошладик. Бундай ҳол у яна бир ёмон баҳо олгунича давом этди.

Мана, энди мен бола нима учун ўзини мендан, бошқа ўқитувчилардан олиб қочишини, умуман нима учун мактабни ташлаб кетганини — күча болаларига, уларнинг тұдасига құшилиб кетганинг сабабини тушуниб олдим. Энди у <sup>ўз</sup> тенгдошлари ичидә ўз баҳосини олган, ўзи билан ўзгалар фарқини билган, ўзининг көчаги куни билан бугунги куни ўртасидаги фарқни ҳам таққослаб билиб олиш имкониятига эга бўлган эди.

Мактабга болалар билимга чанқоқ, биз ўқитувчиларга ишонч билан бизни ўzlарига суюнчиқ бўлади, деб келадилар. Кейин эса уларнинг бир қисми айниб кетади, мактабни ёмон кўриб қолади, шу кундан уларда умумисоний қимматдорликларни рад этиш бошланади. Энди улар бошқа йўлни танлайдилар, яъни кўча болаларига құшилиб кетадилар. Энди улар «тарбияси қийин» болалар қаторига құшилиб қолганликларидан ҳам уялиш ҳиссини туймайдилар. Шундай бўлмаслигига ҳаракат қилган педагоглар ўzlаридаги бутун ахлоқий имкониятни ишга соладилар. Бундай ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига кўрсатган меҳр-муҳаббати ва диққат-эътибори туфайли уларда муҳим инсоний фазилатни — ўқиш истагини сақлаб қоладилар.

Қирқ беш минутлик дарсда қандай қилиб ҳар бир болага эътибор бериб улгuriш мумкинлигини сира тасаввур қила олмас эдим. Иш жараёнида бир сир аён бўлди. Ахир мен буш ўқийдиган болаларнинг иззат-нафсиға тегиб уларнинг қадр-қимматини туширадиган баҳоларни қўйиш учун «вақт топаман-ку». Бунинг урнига энди болаларга кўпроқ эътибор беришим, ёмон баҳони яхши эътибор билан алмаштиришим зарурга ўхшайди. Шундай ҳам қилиб курдим — бунда ўқувчилар билан бўладиган сұхбатларнинг сони ўзгармай қолса ҳам уларнинг ҳарактери ўзгарди.

... Уларга бир сидра «рафбатлантирувчи баҳолар» қўйиб чиқилганидан кейин кескин ўзгариш содир бўлганини сезиб қолдим. Улардан гарчи аълочилар етишиб чиқмаган бўлса ҳам лекин яхши ўқишига интилиш пайдо бўлгани яққол кўриниб туради. Бундай ҳол ўша болалар учун ифтихор ҳиссини, улар билан бирга бутун синф билан фахрланиш ҳиссини пайдо қилди.

Ойлар ўтиб мен синф (ҳа, бутун синф) ишга актив киришганинг гувоҳи бўлдим. Болалар энди баҳо учун эмас, ўқитувчидан қўрққанлари учун эмас, балки билим олиш зарур эканини тушуниб етгандар учун, шуғуланаётгандарини билар эдим. Уларнинг ҳар бири ўқиш, яхши дарс тайёрлаш орқали муайян шароитларда ҳаракат қила олиш йўлларини ҳам ўрганиб боришар эди. Дарсларни ўзлаштириш орқали ҳар бир бола энди ўз шахсини қарор топтириш имконини кўрар эди.

Шундай қилиб, секин-аста дарсдаги фаолиятимизнинг мазмани ўзгариб борди. Дарснинг бундай янгича мазмун кашф этиши ўсмирлар олдида ҳам катта истиқболлар очиб берди. Энди ўқитувчи сифатида ўзим ҳам, ўқувчиларим ҳам ягона бир мақсад йўлида бирлашган эдик — ҳаммамизнинг битта умумий мақсади-

миз, умумий ташвишимиз ва умумий қувончларимиз мавжуд эди. Албатта, ҳали қиласидиган ишларимиз кўп. Катта ёшли ўртоқлардан кўп нарсани сурашга, уларнинг тажрибаси ва маҳоратини ўзлаштириб олишга тўғри келади<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Ўқувчиларнинг уқишида эришган муваффақиятлари ва ҳулқ-атворидаги ижобий сифатларга яхши баҳо бериш учун журналга баҳо қўйиш ва кундаликка ёзиб боришдан ташқари моҳир педагогнинг бисотида яна қандай қўшимча усуслар мавжуд?

2. Ўқитувчи томонидан нутқ орқали ва нутқсиз ўқувчиларга таъсири кўрсатиш воситаларидан фойдаланилган ҳоллардан (шахсан ўз кузатишларингиздан) мисоллар келтиринг.

### 2-масала

Психология фанида шу нарса исботланганки, педагоглик назо- кати орқали ўсмирнинг ҳулқ-атворини ўзгариш ва бунда ўқитувчи ўсмирнинг нафсониятига тегмай, ҳис-туйғуларини таҳқириламай яхшигина натижаларга эришиши мумкин. Тажрибали педагог ўсмирга унинг ҳулқ-атворини ўзгариш кераклигини таъкидлаб, бунга ишонтирас экан, у ўсмирнинг камчиликларини кўрсатиш билан чекланмай, аввало, боланинг ютуқларини таъкидлаб ўтади. Буйруқвозлик ўрнига, болага қўйидагича саволлар орқали мурожаат қиласиди: «Хўш, бу ишни мана бундай қилсак қандай бўларкин?», «Хўш, бир ўзинг бу ишнинг уддасидан чиқаоларми- кансан. Бунинг бошқачароқ йўлини ўйлаб кўрсак бўлмасмикин?» ва ҳоказо. Педагоглик назокатига эга бўлган ўқитувчи уни ишга солиб ўсмир учун оптимистик истиқболни вужудга келтиришга интилади. Мавжуд камчиликларни осонлик билан тузатиш мум- кинлигига ҳар томонлама далиллар келтириб ўсмирни ишонтиради. Ёки бу камчиликларни йўқотиш учун бола барча имкониятларга эга эканлигини ўқтиради, ўсмирнинг озгинагина муваффақиятини қўллаб-қувватлайди, зарур ҳолларда болани ҳатто олдиндан мақтаб қўйиши мумкин. Шундай қилингандан боланинг яхши ўқувчи деган номи чиқади ва у бундай номга доғ тушир- маслик учун яхши ишлар қилишга уринади ва ҳоказо.

Ўсмирлик ёшидаги психологик хусусиятлар туғрисида ўзингиз эгаллаб олган билимларга таяниб ҳаётдан олинган қўйидаги во- қеаларга ўхшайдиган мисолларни — бундай вазиятда педагог қандай йўл тутишининг — назокатли ҳулқ-атворнинг ўзингизга мақ- бул бир қанча вариантларини қидириб топишга ҳаракат қилинг.

### Вазиятлар

1. Ўқитувчи автобусда бораётганида шундай ҳодисани кўради: ўсмир ўтириб олган, унинг ёнида катта ёшли аёл тикка туриб

<sup>1</sup> Цитата қўйидаги китобдан олинди: Шчербаков А. И. Психологические задачи, Л., 1980. 59-бет.

кетмоқда. Ниҳоят, аёл құпоплик билан үсмирни уялтириб, үзига жой бұшатиб беришini талаб қилади. Аёлнинг құпоп мұомала- сидан ранжигап үсмир жой бұшатиш үрнига, бироз наридаги бұш жойларни күрсатиб: «Марҳамат қилиб бориб үтириңг», — дейди.

2. VI синфдаги үғил болалар 8 Март куни қызларни табриклишаши қатынан рад этадилар. Буни Совет Армияси куни қызлар уларни табрикламаганлигини сабаб қилиб күрсатишиади.

3. Қобиляйтли үқувчи үзига берилған үқув топшириқларини сира жон койитмасдан құл учиды бажаради. Бунда у шұ тарзда бажарған иши ҳам бошқаларникоидан ёмон чиқмаслигига ишо- нади.

4. Энг яхши расм чизиш учун конкурс эълон қилинган. Бир қыз мустақил равишида бажарилған оригинал иш олиб келади. Үқитувчи бу ишнинг ҳали хом эканлигини күради. Лекин шунга қарамай бажарған иши қизнинг үзига ёқади.

5. Үқишидан кейин Пионер ва үқувчилар уйида ташкил этилған тугараклардан бирида муваффақиятли қатнашиб келәттган бола уз қобиляйтими синф фойдаси учун ишлатишига рози бұл- майди. Буни у иш билан ниҳоятда банд эканлиги билан изох- лайди.

6. Зерикарлы дарс тугагач, ҳамма қатори навбатчилар коридорга чиқиши мақсадида синфни келгуси дарс учун тайёрлашга доир одатдаги үzlари бажарадиган ишларни шоша-пиша бажарыб, болалар ёнига чиқиб кетишига шайланадилар. Бунда улар үқитувчи- дан унга ёрдам бериш керакми-йүқми эканини сұрашмайди, нати- жада үқитувчининг үзи бу ердаги ишларни эплай олмаслигини билишмас ҳам эди.

7. Үқитувчи дарсида үқувчиларнинг биттаси намойишкорона ишламай үтирганини күради.

8. Еш үқитувчи синфдаги болалар унинг дарсини яхши күрмас- ликларни ва шүннинг учун тинч үтирасликларини билади.

### 3-масала

Мактаб ҳаётидан ёзилған қыйидаги лавҳани үқиб күринг. Унинг ҳар бир парчасида педагогнинг хулқ-авторига доир энг муваффақиятли вариантлар берилған. Ҳар бир вазиятни үзинингизча анализ қилиб чиқынг ҳамда үсмир ёшидаги бола психологиясига хос ху- сусиятларга оид әгаллаган билимларингизга таяниб, берилған са- волларга жавоб қайтаринг.

1. Мен үқитаёттган синфда жуда келишганина бир бола бор эди. Лекин унинг тарбияси «қийин» эди. Үқитувчилар ҳатто уни соч олдиришига ҳам мажбур қила олмадилар. Мен унинг ёнига яқынлашиб келдімда, боланинг чиройли сочларидан гап очиб, уни мақтаб қүйдім. Лекин гап орасида, башарти сочини озгина қис- қароқ қилиб олдирса, яна ҳам чиройлироқ булишини қистириб үтдім. Аввалиға бола күнади, лекин мен болага ярашадиган соч расмини қофозга чизиб күрсатдым ва охири уни ишонтирдім. Эр- тасига бола сочини чиройли қилиб олдириб келди, кейин менга

атайин учрашиб энг яхши сартарошлик салонларидан бирига борғанини айтди.

2. VII синфда үқійдиган бир қызы ташқы күринишига мутлақо зәтибор бермаслиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳатто йиртиқ-ямоқ кийимлар кийишдан ор қымас ва умуман пала-партисиң кийиниң юрарди. Мен бу қызниң оиласын ахволи қандайлигини билмасдым, шунинг учун унга танбек беріб, ярасыны янгилаб қўйишидан қўрқар әдим. Мөҳнат дарсида «Кийимларнинг моделини тузиш ва конструкциялаш» деган темани үтдик ва шу қизга атайин «Кийипиши маданияти тўғрисида» деган темада нутқ тайёрлаш ҳақида топшириқ беришга қарор қўлдим. Табиийки, қандай кийиниң тўғрисида гапирган қызниң ўзи қўғирчоқдек кийиниң келиши лозим әди. Иш ўйлаганимдек бўлиб чиқди.

3. Дарсни бошлашдан олдин ўқув қуроллари бутлигини текшириб чиқдим. Шу пайт қўлларига зўр беріб тикилиб ўтирган қизни кўриб қўлдим. Бу Лена деган қызы бўлиб, ўтган дарсда ҳам ўқув қуролисиз ўтирган әди. Мен синфда бунинг сабабини суриштирмадим.

Синфга мурожаат қилиб,— ҳамма дафтарини ва дарслигини очсин,— дедим. Бугун Лена доскада ишлайди. Энди топшириқни ёшитинг...

Дарсдан кейин Ленани олиб қўлдим... У энди ўқув қуролларини сира эсидан чиқармасликка ваъда берди. Кейинги дарсда Лена ўқув қуролларининг баъзиларини ҳар эҳтимолга қарши иккитадан олиб келибди. У циркулидан бирини ёнидаги ўртоғига бериб турди.

4. Мактабда педагогик практика ўтказиб юрган кезларимизда V синф ўқувчилари ўзларини ғалати тутиб юрганларини сезиб қўлдик. Улар бирдан югуриб кетишади, бир қарасангиз бурчак-бурчакка яширини олишади, ўғил болалар ўзларини ғолиблардек мағрур тутишади, қизлар уялишиб юзларини қўллари билан бекитишади-да, бир чеккага чиқиб хиринг-хиринг кулишади, ўқитувчилар эса аллақандай қофозларни ғазаб билан йиртиб ташлашади.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, биз бунинг сабабини билдик. Ўғил болалар синфга аллақандай чет эл журнallари, календари ва карталарини олиб келиб, улардаги «уют» расмларни кўчириб олишар, кейин уларни кўтариб коридорда югуришар ва мактабда тўс-тўполон кўтаришар экан. Ўқитувчилар болаларга танбек беришар, интизомни бузган болаларни чақириб сұхbatлашишар, ҳатто уларга жазо ҳам беришарди. Лекин бу кичкина безорилар айёрлик ва уддабуронлик билан иш кўришар, уларни камдан-кам ҳолларда тутиб олиш мумкин бўларди. Расмчалар эса мактаб коридори бўйлаб кезар ва қўлма-қўл ўтиб кетарди. Шундай расмлардан бири тасодифан қўлимизга тушиб қолди. Болалар энди боплаб адабимизни беришса керак, деб кутишар ва ўз ҳимоя системаларини тайёрлашар әди.

Биз эса бунга деярли бефарқ қарадик. Бизнинг бундай реакциямиз кутилмаганда болаларни бироз довдиратиб қўйди ва улар-

нинг мұлжалларини ҳам издан чиқариб юборди. Сұнгра биз у болалар билан әркін сұхбат үтказдик. Сұхбатимиз яланғоч тана ва унинг гүзіллігі тұғрисида әди. Бунинг учун биз буюқ рассомлар яланғоч танани қандай гүзіл, чиройлы бүеклар билан тасвирлаб берган ва шу орқали инсонни улуғлаганлигини күрсатувчи расмлардан мисоллар көлтиридик. Бу расмларнинг олдидә болалар қызыбы тарқатаётган расмлар қандай бемаңни эканлигига уларнинг әзітиборини қаратдик. Буюқ рассомлар инсон танасини үрганишга қай даражада жиғдий мұносабатда бұлғанларини ва бу ишда ҳеч қандай бемаңни ҳаракат вә бунинг устига бурчак-бурчакда хиринглаб, бачканалық қыладыған бирор сабаб күрмаслигимизни болаларга тушунтиришга ҳаракат қылдик. Бу гаплар болаларда катта қизықиши үйгөтди, шундан кейин ҳалиги «уят» расмлар мактабдан бутунлай үйқолиб кетди.

5. Мен мактабнинг VI «А» синфида практика үтказиб юрган кезларда үқұвчилар орасыда Вика деган бир қызы бор әди. Уни синфда болалар яхши күришмас, ҳұрмат қилишмас әди. Синф коллективи бу қызни ташаббусиз, бирон-бир фаолиятга ноқобил үқұвчи деб ҳисоблаб, унға әзітибор бермас әди. Болалар ҳам Викага ишонишмасди, унға рұпара келишдан үзларини олиб қочиша әди. Синфдаги болаларнинг фикрича, Викага бирор топшириқ бериш ёки ёрдам сұраб мурожаат қилишнинг фойдаси үйқ әди.

Биз оталиқ қылаётган синфда әртаклар кечаси үтказишига тайёргарлик күрардик. Мен бу ишга Викани ҳам қатнаштиришга қарор қылдым.

Мен дарров унға илтимос билан мурожаат қылғаним үйқ. Дастанлаб мактаб тұғрисида, уйдаги ишлар ҳақида, Виканинг расм чизиши билан қизықиши тұғрисида гаплашиб үтиридик. Мен бу қызы чизган расмларни, унинг үқиши дарсидан яхши үзлаштиришини мақтаб қыйдым. Шундай ишончли сұхбат бошланыб үртада яхши алоқа үрнатылғач, мен Викадан кечанинг безакларини тайёрлашда менға ёрдам беришини илтимос қылдым. Вика зүр ғайрат билан берилиб ишлади. Мен уни мақтадим, болаларга мурожаат қилиб, үларни Викадан үрнак олишга чақырдым. Болаларга у чизган расмлар маъқұл булды. Илгари Викани ҳеч ким, ҳеч қачон бутун синф олдидә мақтамаган ва уни үрнак қилиб күрсатмаган экан. Бу унинг учун күтилмаган бир ҳодиса бұлды ҳамда унинг хүлқида бошланған үзгаришларга түрткі булды. Вика ташаббус күрсата бошлады. Құнларнинг бирида у бирор конкурсса үзини бошловчи қилиб тайинлашни сүрады. Болалар уни, редколлегия мажлисиде деворий газета редактори қилиб сайлашды. Шу тариқа унға нисбатан болаларда қизықиши, ҳұрмат пайдо булды. Илгари Вика билан алоқада бұлмаган, у билан гаплашмаган күпгина үқұвчилар энди у билан дүст бўлиш, уртоқлашиш йўлини қидира бошладилар.

6. VII синфдаги чизмачилик дарсіда бир бола очиқдан-очиқ бошқа ишлар билан шуғулланиб үтиради. Шусиз ҳам у аллақачон «иккичи», безори деган номларни олган әди. Үқитувчилар уни

тузалмайдын болалар қаторига қушиб, у билан овозларини күтариб гаплашишарди.

Мен бу боланинг расм чизишни яхши күришини сезиб қолдим. Дарсларда нүкүл ўз синфдошларига ўртоқлик шаржи чизиб ўтиради. Мен чизмачилик дарссида бошқа ишлар қилип ўтирганлиги учун койиб бериш үрнига, уни рассом деб атадим. У чизган расмларни бутун синф болаларига эшиттириб баҳоладим. Кейинги дарсда мен унга расм чизиш билан чизмачилик дарсидан кейин шуғулланишни, ҳозир эса топшириқни бажариш билан машғул бўлишини таклиф қилдим. Мана шундай норасмий, галати таъбехдан кейин у чизмани чиза бошлади. Аммо уни қалам билан оқ қофозга эмас, балки шарикли ручка билан бир варақ катак қофозга чизди. Мен унинг ёнига келдимда, шарикли ручка билан расм чизиш балки қулай бўлишини, лекин чизмани қоидага риоя қилган ҳолда оқ қофозга қалам билан чизиш кераклигини тушунирдим. У билан муомалада унинг «рассом» эканлигини, яхши «портретлар» чизганлигини ҳар сафар таъкидлаб қўя бошладим.

Бундай ҳол уч дарсгача давом этди. Чизмачиликдан тўртинчи дарс башланиши олдидан бу бола танаффус пайтида менга уйга берилган вазифани ишлаб келганлигини айтиб, уни кўрсатди. Бажарилган чизма синфдаги энг яхши ишлар даражасида эди. Уйга берилган вазифаларни таҳлил қилиш вақтида мен бу гапни таъкидлаб ўтдим. Бола ўзиға нисбатан ўқитувчидаги қизиқиш пайдо бўлганини ҳис қилиб ва ўқитувчи синфдошлари ичидаги унинг обрусини мустаҳкамлаётганини тушунгач, менга нисбатан ҳурмат билан муомала қиласидиган ва мен билан жон деб суҳбатлашадиган бўлиб қолди.

7. Пионер лагерида бўлган вақтимда отрядимда жуда ғалати бола бор эди, унинг исми Славик эди.

Бу ерга келган биринчи кунлардан бошлаб у болалардан ажралиб, доим бир ўзи юра бошлади. У жуда камгап бола эди. Мен у билан гаплашиб туришга ҳаракат қиласи әдим, лекин у кўпроқ жим туришни афзал кўрарди. Ниҳоят, биз у билан алоқага кирнишиш йўлини топдик. Маълум бўлишича, у жуда кўп китоб ўқиган, ниҳоятда ақлли бола бўлиб, ўз тенгдошларига қарагандага анча кўп нарсаларни билар экан. Буни қарангки, шундай бола бирор билан яқин бўлиб, дўстлашиб кета олмасди.

Кунлардан бир кун сайрга чиққанимизда унга ўқиган китобларидан бирор қизиқ воқеани болаларга сўзлаб беришини илтимос қилдим. Биринчи марта сўзбат ўтказганда у болаларга қаҳрамон пионернинг жасорати тўғрисида ҳикоя қилиб берди, кейинчалик эса фантастик, саргузашт характеридаги ҳикояларни сўзлаб берадиган бўлди.

Болалар Славикни яхши кўриб қолдилар, унинг ҳикояларини тинглаш болаларга жуда ёқар эди. Славикнинг дўстлари ва ўз «ихлосмандлари» пайдо бўлди.

8. Бир воқеа тез-тез эсимга тушиб туради. Синфда болаларнинг ахлоқига баҳо қўйишни жорий этган эдик. Ўғил болалар бун-

га қарши бош күтариб норозилик билдиришди. Бу қанақаси бұлды. Үзимизнинг синфдошлар, яна бунинг устига қиз болалар бизга баҳо қўйишса. Болалар биз ҳақиқатни, яъни ўқитувчани бир амаллаб алдаш мумкин-у, лекин ўзинг билан ўқийдиган болаларни алдаб бўлмаслигини аллақачон тушуниб олишган эди. Орадан анча вақт ўтди. Кимdir ўз кундалик дафтарида гулқига қўйилган «қониқарсиз» баҳони кўриб чуқур хўрсиниб қўяр, кимdir, уни «тузатиш» ниятида старостага қараб югуради. Хуллас, баҳс-мунозаралар авжига чиқар ва ҳар сафар адолат ғалаба қиласи эди. Ҳа, мен синф раҳбари сифатида қўйган баҳолардан кўра болаларнинг ўзлари қўйган баҳо уларга таъсирироқ бўларди. Биз сайлаб қўйган болалар активи ҳамманинг розилиги билан ҳар бир кишининг гулқига фақат баҳо қўйиш билан чекланиб қолмасди. Зарур бўлиб қолса, мактабга ота-оналарни чақириб келиш ҳам шу активларга ишониб топширилган эди.

Аввалига бу тадбирлардан бирор нафчилиши қийин бўлса керак, ота-оналар болалар ёзган хатни олиб дарров мактабга кела қолишмаса керак, деб ҳисоблаган эдим. Янгишган эканман. Болаларнинг ота-оналари чақирилган вақтга келишиб, ахиллик билан бир ерда жам бўлишиди. Бирга ўтириб суҳбатлашдик. Бу суҳбатдан ҳар икки томон қониқиши ҳосил қилди, у фойдали бўлди. Ҳар ҳолда ота-оналар ўз болалари тўғрисидаги гапларни уларнинг ўз ўртоклари оғзидан эшитдилар ва биз синф раҳбарлари ўтказдиган ота-оналар мажлиси вақтидагидан кўпроқ гапларни билиб олдик<sup>1</sup>.

9. Педсоветларимизда, ота-оналар мажлисларида нуқул беш баҳога ўқимаса ҳам, лекин меҳрибон, ҳалол ва адолатли бола бўлиб ўсаётган ўқувчилар тўғрисида тез-тез суҳбатлашиб турмаймиз. Худди араванинг ўқи атрофида айлангандек, суҳбатимиз мавзуи мактабда ҳам, уйда ҳам бир хил, нуқул боланинг олган баҳолари хусусидадир. Модомики, бундай суҳбатлар кўпроқ ўқувчиларнинг ўзини тутиши, хулқ-атвори тўғрисида бўлса, айниқса, бутун синф, мактаб фахрлансан арзийдиган болалар тўғрисида ёки аксинча, хулқ-атвори ёмон бўлиб, ҳамманинг юзини ерга қаратган ўқувчилар тўғрисида гап кетганида қандай яхши бўларди.

Мактаблардан бирида олтинчи синф ўқувчиларига шундай савол билан мурожаат қилдик: сен дўстинг қандай бола бўлишини хоҳлар эдинг? Бу саволга болалар актив жавоб қайтаришди. Улар ўз дўстларини ҳақиқатгўй, жасур, меҳрибон, принципиал ўртоқ бўлишини истар эканлар. Орадан бироз вақт ўтгач, биз қўйидаги — иккинчи саволни бердик: «Хўш, сенинг ўзинг-чи? Ўзинг қандай бола бўлишини истар эдинг?» Орага жимлик чўкди. Ниҳоят, болалар бирин-кетин жавоб бера бошладилар. Айниқса, бир ўқувчи ҳаяжон билан ҳар бир киши шу жумладан, ўзи ҳам ҳалол бўлиши кераклиги тўғрисида гапиради-ю, лекин негадир икки юзи қизаривет кетади.

<sup>1</sup> Қаранг: Шчербаков А. И. Психологические задачи.—Л., 1980.

— Э, унда халоллик нима қилсин, бугун алгебрадан контрол иш олинган эди, у ўртоғидан күчириб ўтири-ю, деб қолди кимдир.

Синф раҳбари бундай вазиятда дарров айловчи қиёфаснга кириб олгани йўқ, күчириб олишнинг зарари тўғрисидаги насиҳатлар қилиб ўтирмади. Бунинг ўрнига у вазминлик билан шундай деди: «Болалар сизлар камчилиги кўп кишилар ҳақида эмас, балки сўзи билан иши бир одамлар тўғрисида кўпроқ нарсалар билиб олсангиз яхши бўларди. Келинг, яна бир ойдан кейин йифилиб, шундай кишилар тўғрисида суҳбатлашайлик. Фақат йифилишни бир шарт асосида ўтказамиш: синфдаги ҳар бир ўқувчи мени ва ўз синфдош ўртоқларни жуда бўлмаганда битта ана шундай ажойиб кишининг ҳаёти билан танишитирди. Бу киши адабий асарнинг персонажи булиши ҳам, уруш қаҳрамони булиши ҳам, ўз қариндошингиз, қўшнингиз, бирор танишиингиз бўлиши ҳам мумкин... Эсингида бўлсин: одамнинг хулқ-автори мисоли бир кўзгу, бу кўзгуда у ўзини ўзи кўриши ҳам, бошқаларга кўрсатиш ҳам мумкин. Келинг, сиз билан биз мана шу кўзгуга сира кўрқмасдан дадил қарай оладиган бўлайлик ва ўзимизни кўриб, хурсанд бўлайлик...».

Афусски, бундай ошкора суҳбатлар камдан-кам ўтказилади. Фақат суҳбатларда баҳо тўғрисида гаплашилади, деб ўйлайсизми? Мактаб коридорида осиб қўйилган ўнлаб «Молния» деб аталган варақларда қайси синфда кўпроқ «беш» баҳо олган ўқувчилар тўғрисида, тоғ-тоғ макалатура тўплаган отрядлар тўғрисида ёзиб хабар қиласидилар. Дарсга кеч қолган ёки дарсдан қочиб кетган ўқувчилар тўғрисида, қулоқларининг кири билан мактабга келган бола тўғрисида ҳажвий расмлар чизадилар... Лекин бирор ўқувчининг қилган олижаноб иши тўғрисида, ёзилган гапларни қидириб кўринг-чи... Бунақасини топа олмайсиз. Модомники бу ғоят муҳим ишдир<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Педагогнинг хатти-ҳаракатлари нима туфайли ижобий на-тижага олиб келди?

2. Баъзи ҳолларда яъни педагогнинг хулқ-авторида хатога йўл қўйилган варианtlарни келтиринг, уларнинг нотўри эканлигини психологик жиҳатдан асослаб беринг.

3. Ўқитувчи хатоларининг психологик сабабларини тушунтириб беринг.

### Курсада ўтказиладиган тадқиқот темалари

1. Синфда ва микрогруппадаги жамоатчилик фикрининг ўсмирда пайдо бўладиган салбий хулқ-автор кўринишларига таъсири.

<sup>1</sup> Карап: Шербаков А. И. Психологические задачи— Л., 1980.

2. Катта ёшли кишининг ўсмир тарбиясига — «тарбияси қийин» ўсмирнинг хулқ-авторига кўрсатадиган таъсири ва унинг тақдидига бефарқ эмаслиги.

3. Мактаб колективида ўсмирнинг яккаланиб қолиш сабаблари ва унинг ўқувчи хулқ-авторига таъсири.

4. Ўсмир бажарган ижтимоний-фойдали ишларнинг унда ирода сифатлари шаклланишига таъсири.

5. Ўсмир ютуқларини купчилликка ёйиш унинг шахсини шакллантиришга психологик-педагогик таъсир кўрсатиш воситаси сифатида.

6. Ўсмир шахсини барқарор қилиш воситасини танлаш вақтида ўсмир ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги фарқлар.

7. Кичик ва катта ўсмир ёшидагиларнинг қизиқиш даражала-ридаги фарқлар.

## 7- тема. Ўсмирлик ёшидаги шахсни қарор топтиришнинг психологик хусусиятлари

### Методик кўрсатмалар

Мазкур темани ўрганишда «ўсмирлик ёши» деган тушунчани очиб беришга, айнан шу даврда киши ўзини мустақил ҳаёт кечиришга тайёрлаш даври поёнига етишига, унинг дунёқараши, қимматдорликларга муносабати шаклланиб боришига, ўзининг бўлғуси фаолияти учун касб танлашига ҳамда шахснинг граждан етуклиги қарор топшига қаратиш лозим. Мана шу социал омиллар натижасида ва шуларнинг таъсири остида ўсмирнинг теварак-атрофдаги кишиларга муносабатларининг бутун системаси қайтадан қурилади ва унинг ўз-ўзига нисбатан муносабати ҳам ўзгаради. Мана шу янги социал позиция асосида унинг мактабга, ўқишига ва ижтимоий-фойдали фаолиятига муносабати ҳам ўзгарди, унинг бўлғуси касби, ўқиш соҳасидаги қизиқишлари ҳамда хулқ-автор мотивлари ўртасида муайян бир алоқа ўрнатилади.

Совет психология фани шуни тасдиқлаганки, кишининг индивидуал ривожланиши ва унинг шахси шаклланиши биринчи навбатда атроф-муҳитнинг актив равишида ўзаро таъсири натижасида содир бўлади. Киши ҳаётининг турли даврларида социал ва биологик ҳодисалар ўртасидаги нисбатлар бир хил бўлмайди. Киши улгайиб бориши билан унинг психик ривожланишига социал омилларнинг таъсири кучайиб боради.

Биологик ва социал жиҳатдан етилиш изчиллиги турли даврларга тўғри келиши одам ҳаётидаги зиддиятларда ўз ифодасини топади. Бу ҳол кўпроқ ўспириинлик ёшида кузатилади. Ўз касбий фаолиятини эрта бошлаган ва мустақил ҳаёт ўйлига барвақт қадам қўйган ўспириин тенгдошларига қараганда тезроқ етилади — катта бўлиб қолади.

Ўспириинлик ёшини икки босқичга ажратиб ўрганиш расм бўлган. Биринчи босқич болалик чегарасига яқин (илк ёшлик) даври бўлса, иккинчиси етуклик ёши яъни (катта ўсмирлик ёши) деб

аталади. Бу ёшни етукликнинг бошланғич звеноси деб ҳисоблаш мүмкин. Үспиринликнинг биринчи фазаси учун кишининг мустақил ҳаётйй йўлни танлашга тайёрланиш (керакли билим ва күникма ортириш, касб танлаш билан боғлиқ бўлган изланишлар, шахснинг у ёки бу сифатларини ҳосил қилиш ва ҳоказолар) характерли булади. Иккинчи фаза учун эса кишининг ишлаб чиқариш меҳнатида иштирок этиши ва бунда эгаллаган билим ҳамда касбий кўникма ва малакалардан фойдаланиши, ўз маҳорати ҳамда ўз шахсига хос ахлоқий фазилатларни янада такомиллаштириб боришга интилиш характерлиди.

**Илк ўқувчи (кatta мактаб ёшидаги ўқувчи).** Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг касбга йўлланганлиги шу ёш давридаги уларнинг психик ривожланишига хос хусусиятларни белгилаб беради. Булажак касбини аниқ танлаш ёки аксинча, бу ишда аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, иккilonиш, бўлғуси фаолиятнинг эҳтимол тутилган соҳаларини тез-тез ўзгартириб туриш катта мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини шакллантиришга, унинг умумий психик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Л. И. Божович ёзганидек, ёшлар — «булар келажакка интилган кишилар бўлиб, уларнинг бугунги ҳаёти ўз шахснинг ана шу истиқболдаги асосий фаолият йўналиши негизида майдонга чиқади»<sup>1</sup>. Башарти, ўсмирик ёшида кишининг у ёки бу ўқув предметига муносабати, қизиқиши, у ёки бу соҳадаги ўқув фаолиятида эришган муваффақиятлари уларда пайдо бўлаётган турли касбларга муносабат билан белгиланадиган бўлса, у ҳолда катта мактаб ёшидаги ўқувчилар уша касбга муносабати унинг ўқув фаолиятига муносабатига ҳам таъсир кўрсата бошлади. Бу гап фақат умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига характерли бўлиб қолмай, балки ҳунар-техника мактабларининг ўқувчиларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шунинг учун юқори синф ўқувчилари билан касбга йўллаш ишлари олиб бориша ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятлари ҳамда региондаги муйян касбларга эҳтиёжни доимо ҳисобга олиб бориш зарур. Маълумки, «ўсиб келаётган ёш инсон касблар оламидаги мураккаб, кўзга ташланмайдиган ва ҳали кузатиб улгурмаган нарсалар тўғрисида етарли ахборот олмаганлиги» унинг бу соҳада «онгли ва мустақил равишда касб танлаш тўғрисидаги педагогик талаблар»га қарама-қарши бўлиб чиқади<sup>2</sup>. Бўлғуси ўқитувчилар фақат ўқувчилар билан эмас, балки уларнинг ота-оналари билан маҳсус равишда системали иш олиб бориш зарурлигини аниқ-равшан англашлари керак. Чунки оила касбга йўллашнинг таъсирчан ва айни маҳалда ёмон бошқариладиган омилидир»<sup>3</sup>. Бу соҳада синф раҳбарлари ота-оналар билан мустахкам алоқа үрнатишлари зарур.

<sup>1</sup> Божович Л. И. Личность и ее формирование в детском возрасте.— М., 1968, 378- бет.

<sup>2</sup> Клинов Е. А. Психолого-педагогические проблемы профессиональной консультации. М., 1983, 24- бет.

<sup>3</sup> Уша жойда, 23- бет.

Бир қатор маҳсус тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки 15—17 ёшга тўлган йигит ва қизлар ўзига хос муайян ва барқарор темперамент, характер ва қобилият хусусиятларига эга бўладилар. Бироқ, айни шу хусусиятлар юқори синф ўқувчилари томонидан етарли англаб етилмайди ёки нотўри баҳоланади. Шу муносабат билан айтиш керакки, мазкур проблемани тўғри ҳал қилиш учун педагоглардан ўқувчилари билан маҳсус индивидуал иш олиб бориш талаб қилинади.

Катта мактаб ёши — ўқувчиларда дунёқараш интенсив равишида шаклланиб борадиган ёшдир. Бу ёшда энди юқори синф ўқувчиларида фақат билим запаси етарли бўлиб қолмай, балки ўша билимларни системалаштиришга, тартибга солишга бўлган интилиш ва имкониятлар ҳам кўзга ташланади. Мазкур даврда назарий билимларга қизиқиши, айрим фактларни умумлаштириши, улардаги умумий принцип ва қонуниятларни аниқлаб олиш истаги кескин даражада ортиб кетади. Бундай ҳолат илгаридан яъни боланинг бундан аввалги психик ривожланиши даврида ва энг аввало унда тушуниб тафаккур қилиш қобилияти ривожлана бориши даврида тайёрланган бўлади.

Семинар машғулотларида юқори синф ўқувчиси шахсининг таркиб топиш қонуниятлари қараб чиқилаётган студентларнинг эътиборини шунга қаратиш керакки, илмий тафаккурни шакллантириш учун юқори синф ўқувчилари ўқув фаолиятининг характеристики ва мазмуни, уларнинг табиат ва жамият тўғрисидаги билимларини синтез қилувчи ўқув предметларининг мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш муҳимки, билимларнинг системалилиги ва умумлаштирилганлиги, назарий масалаларга бўлган қизиқиши, тушуниб тафаккур қилиш қобилиятини ривожланиб бориши, юқори синф ўқувчиларининг билиш соҳасидаги активлиги — булар дунёқарашни ривожлантириш шартларидандир. Ўқувчилардаги тобора ўсиб борадиган ижтимоий активлик, ахлоқий тажрибанинг тўплана бориши, хулқатворнинг социал ва этик нормалари эгаллаб олиниши, турли хилдаги социал ҳодисаларга, бошқа одамларнинг хулқатвори ҳамда фаолиятига муайян эмоционал муносабатнинг шаклланиши — юқори синф ўқувчилари дунёқарашини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Дунёқарашнинг шаклланиши юқори синф ўқувчининг теварак-атрофдаги барча нарсаларга ҳамда ўз-ўзига нисбатан муайян шахсий қараш системага эга бўлган шахс сифатида ўзининг тобора чуқурроқ англаб боришининг натижаси ва шарти ҳисобланади.

Айни шу катта мактаб ёшида ўқувчилар ўз-ўзини англаш туйғуси интенсив равища ривожланади. Худди бундан аввалги ёш даврларида бўлгани сингари ўз-ўзини англаш туйғуси барча йўналишлар бўйича ривожланишда давом этади: ўзи жисман ўз танаси мавжуд эканлигини сезиш ва англаш йўналишидаги ривожланиши, ўзини фаолият жараёнида, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатларда ҳис қилиб англаш йўналишида ривожланиши шулар жумласидандир. Лекин ўз-ўзини англаш теранлиги

ва характери ўзгариб боради. Бунда барча нарсаларни мустақил баҳолашга бўлган интилиш кескин ортиб кетишига эътибор бе-риш керак. Яна шу нарсага эътибор бериш муҳимки, юқори синф ўқувчисининг нарса ва ҳодисаларга берадиган баҳоси ҳамда ўзи-га-ўзи берадиган баҳолар ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Бу ерда ўзига-ўзи берадиган ноадекват баҳоларнинг — оширилган ёки пасайтириб қўйилган баҳоларининг қайси бири хавфлироқ эканлиги тўғрисида умуман ҳеч нарса деб бўлмайди. Бу ривож-ланиб бораётган шахсга берилган умумий характеристика ҳисобга олингандагина тўғри белгиланиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб утиш керакки, бола ўз-ўзига зиддиятли баҳо берган кезлари унга ҳар хил педагогик таъсир чоралари қўлланиши зарур. Бундай таъсир чоралари боланинг иззат-нафсиға тегмайдиган ва узоқ муддат давом этадиган бўлиши керак.

Юқори синф ўқувчисининг психологик хусусиятларига харак-теристикада шуни ҳам кўрсатиш керакки, бу даврга келиб ўқувчи-нинг социал активлиги анча ўсиши кузатилади. Бу ҳол юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнатга, мактаб жа-моат ҳаётида тобора кенг миқёсда иштирок этишга интилишлари-да уларнинг шахсида колективчилик йўналишидаги аломатлар-нинг ривожланиб боришида, мулоқот соҳасининг кенгайиб бори-шида ўз ифодасини топади.

Бунда ўқувчининг ўз атрофидаги кишилар билан мулоқотга киришиш характери ҳам ўзгаради ва бундай алоқалар ўқувчи учун муҳим аҳамият касб этади. Агар илгари биргаликда фао-лият кўрсатиш, коллектив бажараётган ишларда иштирок этиш фактининг ўзи кифоя қилган бўлса, энди қарашларнинг умумий-лиги, ўз тенгдошлари орасида обрў қозониш биринчи планга чи-қади. Йигит ёки қиз қандай группнада ва қандай коллективда ўса-ётганлиги, унинг маънавий қадрияtlарга муносабати ва баҳола-ри қандай мезонлар билан белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга омиллардир.

Юқори синф ўқувчиларининг мулоқот хусусиятлари ўрганила-ётганда унинг функциялари турлича эканлигига эътиборни қара-тиш лозим. Биринчидан, юқори синф ўқувчисининг ўз тенгдош-лари билан мулоқатга киришиши муҳим аҳамиятга эга бўлган «аҳборот канали» ҳисобланади<sup>1</sup>. Иккинчидан, мулоқат бу шун-дай бир фаолият туридирки, у йигит ва қизлар шахсининг ривож-ланишига муҳим таъсир кўрсатади. Ниҳоят, учинчидан, бу шун-дай бир эмоционал алоқа туридирки, бундай алоқа шахснинг эмо-ционал жиҳатларини ривожлантиради ҳамда ўшларда ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳис-туйғуларини шакллантиради, шундай фазилат-лар бу ўшдагилар учун foят муҳимдир.

Мазкур темани ўрганишдаги амалий машғулотларда юқори синф ўқувчиларининг ўқитувчилар билан муносабатларига хос хусусиятлар устида маҳсус тўхталиб ўтиш лозим. Бундай хусу-сиятлар биринчи галда ўқитувчиларнинг ўз ўқувчиларининг аҳ-

<sup>1</sup> Кон И. С. Психология юношеского возраста.— М., 1979, 93-бет.

волини юракдан тушуниш сингари индивидуал фазилатлари билан белгиланади. Ўқитувчининг билим савияси ва унинг ўқитиш сифати мұхим аҳамият касб этади. Юқори синф ўқувчилари ўқитувчининг адолатпарварлик сингари фазилатларини ҳам ғоят қадрлайдилар.

Бу ерда юқори синф ўқувчилари билан ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларига доир хусусият устида тұхталиб ўтиш керак. Олиб борилған маҳсус тадқиқотлар шуни күрсатмоқдаки, бундай ўзаро муносабатларга оид хусусиятларга баҳо бериш масаласига ҳамма ҳар хил қарап экан. Бунда бу хусусиятларга бир хил кишиларнинг баҳолари билан бошқа тоифадагиларнинг баҳолари ўртасида анчагина фарқ борлиги кузатиласы. Күпинча ўқитувчилар, И. С. Коннинг избораси билан айтганда, «ўзлари тарбия берәётган болаларга қанчалик яқинликларига ортиқча баҳо берадилар ва бу билан ўша болаларга ўзлари күрсатадиган таъсир чораларини ҳам ортиқча баҳолайдилар»<sup>1</sup>.

Жинсий тарбия ўсмирилек ёшидаги энг мураккаб педагогик проблемалардан бириди. Юқори синф ўқувчилари жинснинг биологияси тұғрисида мұайян билимларга эга бўлишлари, уларга мазкур проблеманинг социал ва психологик аспектлари тұғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилишлари учун шундай билим бериш — педагогнинг асосий вазифасидир. Йигит ва қизларни «мана шу ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг ғоят мұхим томони»<sup>2</sup>ни бошқаришга ўргатиши, уларда социал ва маънавий масъулият ҳиссини тарбиялашга ҳаракат қилиш зарур.

Юқори синф ўқувчилари билан ўқув-тарбия ишларини олиб бориш жараёнида, уларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўзининг ижтимоий ва гражданлик бурчини бажаришга актив рационал киришиш, уларни оиласи ҳаётга тайёрлаш сингари масалаларни ягона талаб асосида ҳал қилмоқ лозим. Ушбу масалаларни ҳал қилишнинг эҳтимол тутилған йўлларини анализ қилиш ва уларни психологик жиҳатдан асослаб беришда қуйидаги учта мұхим шартни таъкидлаб ўтиш керак:

1. Мазкур ёш даврида болаларга бериладиган тарбия ўз-ӯзини тарбиялаш томон қанчалик кўп усиб ўтса, унинг педагогик таъсирни ҳам шунчалик самарали бўлади.

2. Ўсмириларда актив ҳаёттеги позицияни шакллантириш, ўз Ватанининг чинакам гражданини тарбиялаш, инсон шахсининг барча жиҳатларини ривожлантариш — булар бари ўсмирилнинг шахсан ўзи актив фаолият күрсатиш ва ҳар томонлама муроқотга киришиш жараёнидагина мумкин бўлади.

3. Ўсмирилек ёшида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари уларда сақланиб қолған болалик элементларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак. Лекин бунда болада пайдо бўлиб ва ривожланиб келаётган катталарга хос хусусиятларга таяниб ҳамда шу хусусиятларни ҳам ҳисобга олган ҳолда иш куриш

<sup>1</sup> Кон И. С. Психология юношеского возраста.—92- бет.

<sup>2</sup> Кон И. С. Психология юношеского возраста,—137- бет.

зарур «Педагогика кечаги кунга қараб әмас, балқи болалар ри-  
вожланишининг эртанги кунини мұлжалға олган ҳолда иш юри-  
тиши керак»<sup>1</sup>.

Мазкур тема бүйіча бериладиган билимларни әгаллаб олиш  
үчүн студентларни тавсия этиладиган адабиётларни үрганишга  
кенг миқёсда жалб қилиш лозим. Үқитувчиларни умумтаълим  
мактабларининг юқори синфида ва ҳунар-техника мактабларида  
дарс беришга тайёрланадиган факультетларда үтказиладиган се-  
минар машғулотларида докладлар ёки рефератлар тинглашни  
ташкил этиш мүмкін. Амалий машғулотларда психологик масалаларни  
ешишга доир берилған топшириқларни бажарыш мүмкін.

**Катта үсмирилек ёши.** Семинар машғулотларида инсон вояга  
етишининг турли босқычларыда, айниңса катта үсмирилек ёшида  
шахс билиш жараёнларининг ривожланиш хусусиятларини үрга-  
ниб чиқиши лозим. Бунда ушбу ёшдаги үқувчиларнинг ахборот  
манбаларини үрганишга нисбатан танлаб муносабат билдириш  
хусусиятларига алоқида эътибор бериш керак, чунки бу хусусият-  
лар психик жараёнларни активлаштириш ва уларни ривожлан-  
тиришга ҳамда шахсга хос хусусиятларни тараққий эттиришга  
таъсир күрсатади.

Одам улғая боргани сари унинг хотираси умумий ва маҳсус  
қисмларга ажrala боради. Ахборотларнинг кенг доираси таъсир  
күрсатадиган қисм умумий хотиранинг мазмунини ташкил этади.  
Маҳсус хотира эса үзининг нисбатан кичик доирага таъсир күр-  
сатиши билан олинаётган ахборотларнинг керагини танлаб әсда  
қолдириши билан ажralиб туради. Хотиранинг бу тури кишининг  
касб фаолияти билан боғлиқдир. Агар бу студент бўлса, унинг  
маҳсус хотираси үзининг бўлғуси мутахассислигини әгаллаб олиш-  
га каратилади.

Кишининг тафаккурида ҳам сезнларли үзгаришлар содир бў-  
лади. Доимий равишда типига кўра хилма-хил масалаларни ҳал  
қилишига тўғри келадиган үсмириларнинг ягона тафаккур фаолият-  
лари замирида атроф олами акс эттиришнинг турлича даражада  
бўлиши кузатилади Мантиқий (назарий) тафаккур натижалари  
амалий ишлар билан текширилади. Бунинг таъсирида назарий  
билимлар бойиб боради. Катта ёшли кишиларда айниңса, муҳим  
аҳамият касб этадиган амалий тафаккур фаолиятига мантиқий (тушуниб)  
англанадиган тафаккур компонентлари воситачилик қиласади. Катта кишилар тафаккурида ҳам хотирадаги сингари  
иҳтинослаштириш ҳодисаси кузатилади. Техника ва техник тафак-  
кур билан боғлиқ бўлган фаолият соҳасида ишлайдиган ки-  
шиларда техник тафаккурнинг айниңса ривожланишини мисол  
тариқасида келтириш мүмкін. Иқтисодий тафаккурнинг ривожла-  
нишига иқтисодий типдаги масалалар ёрдам беради.

Одам хотира ва тафаккур фаолияти билан боғлиқ үқитиш жа-  
раёнида билим олиб кўникма ва малакаларни ҳосил қиласади. Хо-

<sup>1</sup> Выготский Л. С. Избранные психологические исследования,— М., 1956, 277-бет.

тирада қайтадан тикланадиган тасаввурларнинг вужудга келишига турли изоҳлар, чизмалар,nota белгилари ёрдам беради. Мана шундай ижодий тасаввур бўлмаса гипотезалар, рационализаторлик таклифлари ва фаолиятнинг бошқа оригинал маҳсулотлари туғилиши ҳам мумкин эмас.

Катта ёшли кишилар узлари бажараётган ишга юксак даражада онгли муносабатда бўлишлари ҳамда шахсий масъулиятни ҳис қилишлари билан ажralиб турадилар. Ҳар бир инсон ўзининг (ақлий, меҳнат, граждан) етуклиги бошлангунинг қадар индивидуал ривожланиш йўлини босиб ўтади, бу ўсмирининг катта ёшли кишилар ҳолатига ўтиши билан тугамайди. Социал етуклик — бу одамнинг актив меҳнат фаолияти амалга ошириладиган даврdir. Ўқиш ҳам ана шу меҳнат таркибига киради. Бундай меҳнат чоғида билиш субъекти сифатида шахс шаклланади, ўсмирининг кишилар билан мулоқотга кириши ва меҳнат қилиши ҳам ана шу актив фаолият таркибига киради. Шахснинг социал етуклиги қарор топиш жаёни киши меҳнат фаолиятига киришасидан анча олдин, умумий таълим ва тарбия соҳасидаги фаолият шароитида бошланади. Катта ёшли кишиларда таълим олишнинг ҳар қандай системасида, шу жумладан, мустақил ўқиб таълим олишда ҳам кишининг интеллектуал ривожланиши давом этади. Сиртдан ўқиб таълим олиш системаси бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлардан шу нарса аниқланганки, катта ёшли кишининг социал тажрибаларни юксак даражада таъсирланиб қабул қилиши етукликнинг биринчи даврига (18—25 ёшларга) тўғри келар экан<sup>1</sup>. Айни мана шу ёшда интеллектуал функцияларда кўпроқ ўзгаришлар кузатилади. Бу эса хотира, тафаккур, диққат ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳаракатчанлик ва мулојимлик мавжуд эканлигидан далолат беради. Шу муносабат билан таълим олаётганларга катта ёшли кишиларнинг шахсидан интеллектуал соҳага маҳсус таъсир кўрсатиш имкониятлари кенгайиб боради. Студентлик ёшига келиб худди мана шу ёш диапазонини қамраб олади. Шунинг учун бу йилларда психофизиологик ривожланишнинг потенциал имкониятлари аниқланмоғи ҳамда улардан студент ёшларни тарбиялаш ва ўқитишида фойдаланилмоқ керак. Олий ўқув юритида олиб бориладиган иш форма ва методларининг хилма-хиллиги Олий ўқув юритида таълим олаётган кишилар ихтиёрида бўлган барча имкониятларни ҳисобга олишни тақозо этади. Афтидан, курсдан-курсга ўтган сайн бундай имкониятлар ўзгариб боради. Камол топган, гармоник тарзда ривожланган шахсни тарбиялаш, кенг билим доирасига эга булиш негизида ўз мутахассислигини пухта эгаллаб олиш, ижодий тафаккур ва тасаввурни ривожлантириш, илм олишга эҳтиёжни шакллантириш — булар мазкур соҳада системали равишда тегишли ишлар олиб боришни ташкил этилишини талаб қилибгина

<sup>1</sup> Қаранг: Степанова Е. И. Умственное развитие и обучаемость взрослых: Учебное пособие.— Л., 1981.

қолмай, балки таълим олаётган студентлар контингентининг ёш хусусиятларини ҳамда улар ўртасидаги индивидуал фарқларни ҳисобга олиш зарурлигини ҳам тақозо этади.

Студентлик ёшида хотира билан тафаккур диққат хусусиятларининг ривожланишида илгарила бетади. Шу туфайли ўқув жараёнини ташкил этишда ана шу хусусиятларни ҳисобга олмоқ зарур, маъруза ўқишида баён қилинаётган материалга диққатни тортадиган усуллардан кенг фойдаланиш лозим. Йиҳтиёрий ва пхтиёрсиз диққатни мутаносиб равишда қўшиб олиб бориш ана шундай усуллардан биридир. Энг сўнгги қўллаб-қувватловчи момент сифатида қизиқиши хизмат қилиши мумкин. Ўқитишнинг техник воситалари материалини ўрганишида хотира қўллаб-қувватланади ва унинг ёрдамида ҳар хил кўрсатмали қуроллардан фойдаланилади (чунончи, табиий ўқув қуролларидан тортиб тасвирий санъат воситаларининг ҳар хил турларига қадар фойдаланилади). Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, катта ёшли кишиларда образли фикрлаш қобилияти уз аҳамиятини йўқотмайди. Билимларни эгаллашда кўргазмалиликдан фойдаланилганида образли фикрлаш билан мантиқий фикрлашнинг ўзаро алоқаси таъмин этилади.

Олий ўқув юртининг ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари (партия, комсомол, касаба союзи ташкилотлари), деканат, ўқув группаларининг, ётоқхонанинг ва бошқаларнинг кураторлари амалга оширадиган таълим тарбиянинг бутун системаси студент шахсининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Студентнинг шахси академик яъни ўқув группаси колективи орасида кўзга ташланади. Бу ерда группа аъзолари ўртасида ўзаро муносабатлар шаклланиб боради, психологик жиҳатдан сифишидиган муҳит, бир-бирини ҳурмат қилиш ёки ёктирмаслик ҳолисона фикр билдириш, талабчанлик қилиш ёки бефарқлик кўрсатиш сингари ҳолатлар намоён бўладиган муҳит вужудга келади ва ҳоказо. Студентлар томонидан колектив ўқув топшириқларини бажариш вақтида бир-бирлари билан мулоқотда бўлишлари фоят муҳим аҳамиятга эгадир. Б. Ф. Ломов таъкидлаб ўтилганидек, хамкорликда амалга ошириладиган фаолият жараёнида бир-бирига ёрдам бериш, бир-бири билан мусобақалашиш, бир-бирининг аҳволига тушуниш, бир-бирига ҳамдард бўлиб, бирга ҳаяжонланиш сингари ўзига хос ҳодисалар ривожланиб боради ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлашда, яъни уларни юксак малякали кадрлар қилиб этиширишда амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири уларда мустақил ўқиш маҳоратини шакллантириш ҳисобланади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мустақил ишлаш маҳоратини шакллантириб бориш, студентларда ақлий фаолият соҳасидаги мустақилликни тарбиялаш кўпроқ уларнинг ўқув топшириқларини бажариш юзасидан амалга ошириладиган

<sup>1</sup> Қаранг: Ломов Б. Ф. Общение как проблема общей психологии // Методологические проблемы социальной психологии. М., 1975.

ишиларни тегишли равишда ташкил этишда рүёбга чиқарилади<sup>1</sup>. Шунинг учун биз психология бўйича амалий машғулотлар ўтказишда ўқитувчиларнинг амалий ишиларида содир бўлиш турадиган проблемали вазиятлар моҳиятини очиб берадиган тадқиқот материалларидан фойдаланишин тавсия этамиз. Проблемали масалалар купинча кишида фикр уйготишига туртки ҳисобланади, мана шу масаладан фикрлаш жараёни, мавжуд билимларнинг актуаллашиш жараёни бошланади<sup>2</sup>. Ўртага қўйилган саволга жавоб бериш учун мавжуд билим «фонди»дан айни жавоб учун зарурини танлаб олиш керак бўлади. Студентнинг ўз фикр-ўйларини тез ёки секин бир ерга жамлаб олиши — бу фақат унинг ёш хусусиятларига эмас, балки унинг индивидуал-психологик хусусиятларига ҳам (нейродинамик хусусиятларининг миеник, яъни хотира функциясига ҳамда фикрлаш функциясига таъсири сингари хусусиятларга ҳам) боғлиқdir.

Амалий машғулотларда студентлар дарс планида кўзда тутилган айрим масалаларга доир қисқача ахборотлар билан сўзга чиқишилари мумкин. Хусусан, улар студентларнинг ташкилий бирлиги; психологик бирлиги (яъни уларнинг интеллектуал, эмоционал ва ирова сифатларининг бирлиги сингари хусусиятлари); группа студентларининг тайёргарлик даражаси; фаолиятнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва бошқа кўринишларни умумлаштириб, уларни коллективнинг дастлабки босқичи сифатида қараб чиқиш мумкин.

Коллектив сифатида студентлар группасининг ривожланиш даражасини аниқлаш мақсадида А. Уманский, А. Путошкинларнинг методикасидан ўша методиканинг А. А. Алексеев, Д. В. Ронзин томонидан педагогика институтларининг студентлари ҳаётини ўрганишга мослаштириб фойдаланиш мумкин<sup>3</sup>. Амалий машғулотда студент шахсининг психологик хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор бериш керак: айниқса, унинг характерлари аниқ мақсадга йўналтирилганлигига, студентнинг ҳаётий позициясига, билиш фаолиятига бўлган эҳтиёжига, ўз-ўзига баҳо бера олиш қобилиятига, тез таъсирланишига ҳам эмоционал жиҳатдан барқарор эмаслигига, ўзи танлаган мутахассислик соҳаси бўйича ўқиш ва ишлашга тайёр эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Бундай ҳолларда ҳам А. А. Алексеев, Д. В. Ронзин методларидан фойдаланиш мумкин. Амалий машғулотлар бошлангунича студентлар ўзларига топшириладиган иш характерининг қийинлик даражасини аниқлаш юзасидан берилган топшириқни бажаришлари ке-

<sup>1</sup> Қаранг: Архипова И. А. Психологическая характеристика познавательной самостоятельности обучающихся взрослых // Воспитание, обучение и психическое развитие: Тезисы научных сообщений к VI Всесоюезному съезду общества психологов СССР.—М., 1983—Ч. 3.

<sup>2</sup> Қаранг: Эсаулов А. Ф. Активизация учебно-познавательной деятельности студентов,—М., 1982, 159—161-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Алексеев А. А. Ронзин Д. В. Методика изучения коллектива и личности студента: Методические разработки для кураторов учебных групп.—Л., 1983, 12- бет.

рак. Бунда педагогика институтида турли курсларда ўқиётган сту-  
дентлар амалда үч келадиган қийинчиликлар назарда тутилади.  
Шундай қилиб, студентларни психик жиҳатдан ривожлантириш  
учун олий мактаба уларга бериладиган таълимнинг ролини ҳамда  
студент ўкув фаолияти билан муваффақиятли равишда шугуллан-  
тиб бериш лозим.

### Семинар машғулотларининг планлари

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### Адабиётлар

### Илк ўсмирлик даврида (юқори синф ўқувчисининг) шахсини шакллантиришинг хусусиятлари

1. Юқори синф ўқувчи жисмоний ривожланишининг хусу-  
сиятлари.

2. Шахсни шакллантиришинг социал-психологик шарт-ша-  
роитлари.

3. Юқори синф ўқувчи фаолиятининг ижтимоий йўналиши-  
ни шакллантиришинг психологик асослари.

4. Синф колективи ва бошқа тенгдошлари группаларида юқо-  
ри синф ўқувчилининг ўзаро шахсий муносабатлари.

5. Юқори синф ўқувчининг теварак-атрофдаги катта ёшли  
кишилар билан ўзаро муносабатлари.

6. Касб танландинг психологик хусусиятлари ҳамда юқори  
синф ўқувчининг ўзи танлаган касбга профессионал тайёргар-  
лик даражаси.

Богословский В. В. Психология воспитания школьника.— Л.:  
ЛГПИ, 1974.

Возрастная и педагогическая психология // Под ред. А. В. Пет-  
ровского.— М.: Просвещение, 1979, 143—169-бетлар.

Вульфов Б. З. Ященко М. М. Формирование идеейной убеж-  
денности старшеклассников в процессе общественно-политической  
работы.— М.: Педагогика, 1979.

Зосимовский А. В. Формирование общественной направленно-  
сти личности в школьном возрасте.— М.: Изд-во МГУ, 1982, 10—  
53-бетлар.

Климов Е. А. Психологические проблемы профессиональной консульти-  
ции.— М.: Просвещение, 1983.

Коломинский А. Л. Психология личных взаимоотношений в  
детском коллективе.— Минск, 1969.

Кон И. С. Психология юношеского возраста.— М.: Просвеще-  
ние, 1979, 47—101бетлар.

Кричевский Р. Д. Влияние мотивационной сферы личности на  
ее статус в коллективе старшеклассников // Мотивы учебной и об-  
щественно-полезной деятельности школьников и студентов // Под  
ред. Е. А. Шумилова.— М.: Педагогика, 1980, 82—90-бетлар.

- Крутецкий В. А.** Математические способности школьников.—  
М.: Просвещение, 1968, 360—390-бетлар.  
**Максимова М. В., Эристави В. Г. и др.** Физическое развитие  
современных школьников.— М.: Просвещение, 1977.  
**Мудрик А. В.** О воспитании старшеклассников.— М.: Просве-  
щение 1981.

**Мухина Т.** Особенности формирования мировоззрение стар-  
шеклассников // Психолого-педагогические проблемы становления  
личности и индивидуальности в детском возрасте / Под ред. В. В.  
Давыдова, И. В. Дубровиной.— М.: Педагогика, 1980.

**Шумилин Е. А.** Психологические особенности личности стар-  
шеклассника.— М.: Просвещение, 1979.

### *Иккинчи машғулот (амалий)*

#### *Юқори синф үқувчиси үқув фаолиятининг психологик хусу- сиятлари*

Машғулот үтказилгунича студентлар мустақил равишада ада-  
бийтлар билан танишиб чиқадилар ҳамда ўқитувчи томонидан  
берилган программа бўйича юқори синф үқувчилари бажараёт-  
ган үқув ишлари устида кузатиш үтказадилар. Машғулотда ўр-  
ганилган материаллар қўйидаги схема бўйича муҳокама қили-  
нади:

1. Үқув-профессионал фаолият — юқори синф үқувчиси фаолия-  
тининг етакчи тури.

2. Юқори синф үқувчиси ақлий ривожланиши ва билимдон-  
лигининг хўсусиятлари.

3. Юқори синф үқувчисининг билишга бўлган қизиқишлари  
характеристикаси.

4. Ижтимоий-фойдали меҳнат фаолияти үқув масалаларини  
ҳал қилишда ахлоқий-ирода куч-райратлари ишлатиш одатини  
шакллантириш омили сифатида.

5. Үқув фаолиятида юқори синф үқувчиларининг мустақиллиги  
ва масъулият даражасини шакллантириш шартлари.

Взаимосвязь обучения, воспитания и развития в юношеском  
возрасте / Под ред. Ю. А. Самарина, А. А. Горцевского.— Л.: Изд-  
во ЛГУ, 1967.

Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Пет-  
ровского.— М.: Просвещение, 1979.

**Захарова А. В.** Психология обучения старшеклассников.— Ри-  
га, 1980.

**Климов Е. А.** Путь в профессию.— Л.: Знание, 1974.

**Климов Е. А.** Человек и профессия.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1980.—  
Вып. 5.

**Кон И. С.** Психология юношеского возраста.— М.: Просвеще-  
ние, 1979.

**Лейтес Н. С.** Умственные способности и возраст.— М.: Педа-  
гогика, 1971.

**Орлов А. Б.** Склонность к профессии.— М.: Знание, 1981.  
**Стеганова Е. И.** Возрастная изменчивость интеллектуальных функций в юношеском возрасте.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1970. Вып. 1.  
**Шубкин В. Н.** Социологические опыты.— М.: Наука, 1970.

### *Учинчи машғулот (семинар)*

*Катта ёшли кишиларнинг ёш психологияси — ҳозирги замон психологияси фанининг янги бўлими*

1. Одам тўғрисидаги психология билимлари системасида каталар психологиясининг ўрни.
2. Етуклик (кatta ёшлик)нинг классификацияси.
3. Катта ёшли кишиларнинг билиш соҳасидаги психик функциялари ва интеллектининг хусусиятлари.
4. Катта ёшли кишиларнинг интеллектуал ривожланишини ёш жиҳатдан даврийлаштирилиши ва унда «студентлик ёши»нинг ўрни.
5. Студентнинг шахси ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

### *Тўртинчи машғулот (семинар)*

*Катта ёшли кишиларнинг психик ривожланишида таълимнинг роли ҳамда педагогик ишларда уларнинг ривожланиши қонуниятларини ҳисобга олиш*

1. Катта ёшли кишиларнинг билиш фаолиятининг мотивацион-талаб ва эҳтиёжлар соҳаси.
2. Катта ёшли кишиларнинг ақлий ривожланиши ва уларнинг билимдонлик даражаси.
3. Студентлик ёши таълим олиш ва ривожланишнинг сензитив даври слфатида.
4. Студент ақлий фаолияти ва шахсини тадқиқ этишга системали-структуравий тарзда ёндашиш.
5. Студентларда ақлий мустақиллик ва ижтимоий-сиёсий активликни ривожлантириш.

**Анаьев Б. Г.** О проблемах современного человекознания.— М.: Наука, 1977, 332—361-бетлар.

**Давыдов В. В.** Основные проблемы возрастной и педагогической психологии на современном этапе развития образования // Вопросы психологии.—1976, 4-сони.

**Кулюткин Ю. Н., Сухобская Г. С.** Индивидуальные различия в мыслительной деятельности взрослых учащихся.— М.: Педагогика, 1971.

**Лейтес Н. С.** Умственные способности и возраст.— М.: Педагогика, 1971.

**Лисовский В. Т., Дмитриев А. В.** Личность студента.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1974.

Степанова Е. И. Умственное развитие и обучаемость взрослых.— Л.: ЛГПИ, 1981.

Эсаулов А. Ф. Активизация учебно-познавательной деятельности студентов.— М.: Высшая школа, 1982, 193—212- бетлар.

### Мустақил ишлаш учун топшириқлар

#### Адабиётлардан аннотация тузиш ва конспект олиш

Мудрик А. В. О воспитании старшеклассников.— М.: Просвещение, 1981.

Рувинский Л. И., Соловьёва А. Е. Психология самовоспитания.— М.: Просвещение, 1982.— Гл. I, IV.

Титма М. Х. Выбор профессии как социальная проблема.— М.: Мысль, 1975.

Шумилин Е. А. Психологические особенности личности старшеклассника.— М.: Педагогика, 1979.

#### Реферат ёки докладларнинг темалари. Адабиётлар

##### *1. Юқори синф ўқувчилари дунёқарашини ва уларнинг ижтимоий активигини шакллантириши*

Гуров Р. Г. Выпускник средней школы.— М.: Знание, 1977.

Вульфов Б. З. Комсомольский коллектив и общение старшеклассников // Проблемы общения и воспитания.— Тарту, 1979.— Т. II.—194—204- бетлар.

Коваленко З. В., Ященко М. М. Формирование идейной убежденности старшеклассников в процессе общественно-политической работы.— М.: Педагогика, 1979.

Кон И. С. Психология юношеского возраста.— М.: Просвещение, 1979, 138—161- бетлар.

Мухина Т. Особенности формирования мировоззрения старшеклассника // Психологопедагогические проблемы становления личности и индивидуальности в детском возрасте / Под ред. В. В. Даудырова, И. В. Дубровиной.— М.: Педагогика, 1983.

Формирование коммунистического мировоззрения учащихся.— М.: Педагогика, 1975, 215—222- бетлар.

##### *2. Йигит ва қизлар психик ривожланишининг хусусиятлари*

Взаимосвязь обучения, воспитания и развития в юношеском возрасте / Под ред. Ю. А. Самарина, А. А. Горцевского.— Л.: Издво — ЛГУ, 1967.

Лутошкин А. Н. Общие вопросы эмоциональной совместимости в контактных юношеских группах // Учен. зап. Курского Гос. пед. ин-та. 1971.— Т. 88.

Кон И. С. Какими они себя видят.— М.: Знание, 1975.

Колесов Д. В., Сельверова И. А. Физиологопедагогические аспекты полового созревания.— М.: Педагогика, 1978.

**Шумилин Е. А.** Психологические особенности личности старшеклассника.— М.: Просвещение, 1979.

### **3. Юқори синф үқувчиларининг индивидуал ҳусусиятлари ва касбга йўналтирувчи ишлар**

**Мудрик А. В.** Современный старшеклассник: Проблемы самоопределения.— М.: Педагогика, 1977.

**Климов Е. А.** Путь в профессию.— М.: Знание, 1974.

**Климов Е. А.** Человек и профессия.— Л.: Лениздатель, 1980.— Вып. 5.

**Орлов А. Б.** Склонность и профессия.— М.: Знание, 1981.

Подготовка старшеклассников к жизни / Под ред. Р. Г. Гурова, Г. В. Рычкова.— М.: Педагогика, 1979.

Формирование жизненных планов учащихся общеобразовательной средней школы в внеклассной и внешкольной работе.— М.: Педагогика, 1974.

**Шубкин В. Н.** Социологические опыты.— М.: Наука, 1970.

### **4. Катта мактаб ёшидаги үқувчиларда ўртоқлик, дўстлик ва муҳаббат**

**Голод С. И.** Любовь, нравственно-психологические и социальные основы взаимоотношений юношей и девушек. Духовное становление человека.— Л., Изд-во ЛГУ, 1972.

**Кон И. С.** Психология юношеской дружбы.— М.: Педагогика, 1973.

**Кон И. С.** Психология юношеской сексуальности / Советская педагогика, 1976, 5-сони.

Комплексное исследование юношеской дружбы / Проблемы общения и воспитания / Под ред. Л. П. Буевой и др.— Тарту: Изд-во Тартуского ун-та, 1974.— II.

**Харчев А. Г., Алексеева В. Г.** Образ жизни, мораль, воспитание.— М.: Мысль, 1977.

**Ященко М. М.** О конфликтных ситуациях в коллективе старшеклассников // Советская педагогика, 1969, 8-сони.

### **5. Юқори синф үқувчиларини оиласпай ҳаётга тайёрлаш проблемалари**

**Голод С. И.** Любовь, нравственно-психологические и социальные основы взаимоотношений юношей и девушек.// Духовное становление человека.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1972.

Психологопедагогические проблемы воспитания детей в семье и подготовка молодежи к семейной жизни / Под. ред. И. В. Дубровиной.— М.: Педагогика, 1980, 3—24, 156—160-бетлар.

**Чудновский В. Э.** Некоторые вопросы подготовки старшеклассников к семейной жизни.— М.: Педагогика, 1980.

**Харчев А. Г., Голод С. И.** Молодёжь и брак // Человек и общество.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1969,— Вып. IV.

## *6. Катта ёшли кишилар интеллектини ұрганишга системали ёндашиш*

Ананьев Б. Г. О системном подходе в социальном познании.— М.: Наука, 1977, 332—361- бетлар.

Афанасьев В. Г. О системном подходе в социальном познании / Вопросы философии.—1973, 6- сони.

Ломов Б. Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии.— М.: Наука, 1984.— Гл. II.

Степанова Е. И. Умственное развитие и обучаемость взрослых.// Учебное пособие.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

## *7. Етуклик (каталик) нинг ёш жиҳатдан даврларга бўлиниши ҳамда унда студентлик ёшининг ўрни*

Ананьев Б. Г. и др. Индивидуальное развитие человека и постоянство восприятия.— М.: Просвещение, 1968, 40—56- бетлар.

Ананьев Б. Г. Некоторые проблемы психологии взрослых.— М.: Знание, 1972.

Развитие психофизиологических функций взрослых людей / Под ред. Ананьева, Е. И. Степановой.— М.: Педагогика, 1977.

Степанова Е. И. Возрастная изменчивость интеллектуальных функций в юношеском возрасте // Вопросы психологии.—1970, 1-сони.

## *8. Студент шахсининг шакллантирилишига таъсир этувчи омиллар*

Лисовский В. Т., Димитриев А. В. Личность студента.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1974.

Образ жизни современного студента: Социологическое исследование / Под ред. В. Т. Лисовского.— Л.: Изд-во ЛГК, 1981.

Прикладная психология в высшей школе / Под ред. Н. М. Пейсахова.—Казань: Изд-во КГУ, 1979.

Степанова Е. И. Умственное развитие и обучаемость взрослых. // Учебное пособие.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

Щербаков А. И., Богословский В. В. Исследование отношений — актуальная задача психологии воспитания // Отношения как проблема психологии воспитания.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973, 3—10- бетлар.

## *9. Катта ёшли ұкувчиларнинг интеллектуал ривожланишида ва тарбиясида таълимнинг роли*

Виноградова А. Д. Приёмы активизации умственной деятельности студентов при овладении психологическими знаниями: XXVI Герценовские чтения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

Развития психо-физиологических функций взрослых людей / Под ред. Б. Г. Ананьева, Е. И. Степановой.— М.: Педагогика, 1977.

**Степанова Е. И.** Умственное развитие и обучаемость взрослых.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

**Сухобская Г. С.** Психологические аспекты проблемного обучения и развитие познавательной активности взрослых учащихся.// Вопросы психологии.—1984, 5-сони, 45—48-бетлар.

**Эсаулова А. Ф.** Активизация учебно-познавательной деятельности студентов.—М.: Высшая школа, 1982.

## Психологик масалалар ечиш

### 1-масала<sup>1</sup>

Х синф ўқувчиси бўлган қиз шундай бир фикрни айтган: «Катта ишда фақат бирорвинг буйруғини бажарувчи киши бўлгандан кўра кичик бир ишда ижодкор бўлган яхшироқ».

### Саволлар

1. Ушбу фикр ҳалиги қизнинг шахсига хос қандай хусусиятлардан далолат беради?

2. Мана шу хусусиятлар ўсмирнинг ёши учун хос бўлган хусусиятларми? Фикрингизни исбот қилиб беринг.

### 2-масала

Аида Н. ва Люда С.—IX синф ўқувчилари. Уларнинг ўзлаштириши ҳам, колективда тутган мавқелари ҳам деярли бир хил. Ўқув йили бошларида уларнинг синфини бўлиб юборишлари тўғрисидаги хабарни эшитганларидан кейин Аида жуда хурсанд бўлиб кетди ва ниҳоят ўзини ҳафа қилган болалардан қутулишини айтиб севинди. Люда эса, аксинча, ҳафа бўлди. У яна ўзи Р. ва Улар билан бир синфда бирга ўқишини айтиб нолиди. Бу ўқувчилар билан Люда илгари дўст бўлган ва кейинчалик дўстликдан воз кечган.

Бироқ синф тарқатиб юборилгач, Люда биринчи кундан бошлабоқ барча болалар билан танишиб олди.

Аида эса анча вақтгача янги ўқувчиларга ҳатто яқин ҳам келолмади.

### Саволлар

1. Бу ерда Люда билан Аидага хос қандай мулоқот хусусиятлари намоён бўлган?

2. Бу хусусиятларни бирорта темперамент ёки характер белгиларига киритиш мумкинми? Нима учун?

<sup>1</sup> 1 ва 2-масалалар қўйидаги ўқув қўлланмасидан олинган: Практикум по психологии / Под ред. проф. А. И. Шчербакова.—Л., 1972, ч. II 222—224-бетлар.

### 3-масала

Тадқиқотчи Колосова А. М. бундай деб ёзади: «Маълумки, университетда кириш имтиҳонларидағи конкурсларда доимо түрт балдан юқори баҳо олган ўқувчилар қабул қилингандык. Шундай қилиб, конкурсадан ўтган ва университеттеги қабул қилингандык барча абитуриентлар муваффақиятли ўқиб кетишлари учун имконият мавжуд. Бироқ, амалда аҳвол бошқачароқ булиб чиқади: студентларнинг баъзилари фанлардан ўзлаштира олмаганиларни туфайли университетдан ҳайдалиш ҳоллари учраб туради. Студентларнинг ўқишдан кетиб қолиш ҳоллари дастлабки биринчи ва иккинчи курсларда кўпроқ учрайди»<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Мазкур мисолларда ўсмиirlарнинг ақлий фаолияти ривожланишидаги қандай камчиликлар намоён бўлади?

2. Бу ерда ўсмиirlар шахсига хос қандай хусусиятлар намоён булиши мумкин?

### 4-масала

Юқори синф ўқувчиларидан бирин билан суҳбатда ўқувчи шундай фактни тан олди: «Мен химия жуда муҳим фан эканлигини яхши тушунаман ва яхши ўқишига ҳаракат қиласман, лекин негадир шу фанни ёқтирмайман, у билан шуғулланиш менга учалик қизиқарли эмас. Ҳамма формуулаларни ёд олиш керак, реакциялар қандай бўлишини, даврий системадаги беҳисоб элементларни билишинг керак. Бу дарсни тайёрлашга жуда куп вақтим кетади. Бир темани бир неча марта ўқийман, лекин барибир ижобий натижага эришганим йўқ»<sup>2</sup>.

### Саволлар

1. Узига сира ёқмаса ҳам зўр бериб химия фанини ўқигандык бу ўсмиirlарнинг шахсига хос қандай хусусиятлар намоён бўлади?

2. Педагог кўрган қандай чора-тадбирлар ўқувчининг мазкур фанга бўлган муносабатини ўзgartириши мумкин?

### 5-масала\*

Юқори синф ўқувчиларига А. Мазиннинг «Мева тұла тақсим-ча» деб номланған натюрморт картинасидан олингандык репродукцияни томоша қилиш, сұнгра унда тасвирланған нарсалар

<sup>1</sup> Колесова А. И. Опыт сравнительного изучения учебной успеваемости, студентов на I и II курсах ЛГУ.—Л., 1974, 162-бет.

<sup>2</sup> Морозова Н. Г. Учителю о познавательном интересе.—М.: 1979, 5-бет.

\* Масала қуйидаги қўлланмадан олингандык. Практикум по психологии / Под ред. А. И. Щербакова.—221—222-бетлар.

ни сўз билан ифодалаб ёзиб чиқиш таклиф этилади. Расмни кўрсатиш жараёни 10 секунд давом этди. Шундан кейин репродукция олиб қўйилади.

Кўрилган расмни сўз билан баён этиш ҳар хил чиқкан. Қуйида шулардан иккитасини таққослаб кўринг.

**Үқувчи А.** Столча устига жуда ғаройиб шаклдаги, четлариға шоқилдалар ясад тикилган дастурхон ёзилган. Дастурхон устида иккита тақсимча — бири чуқур, иккинчиси юза — ҳўл мева соладиган. Мева соладиган тақсимчада икки дона олма бор. Катта олма ёнбошлаб тўртдан уч қисми кўринган ҳолда ётибди. Ён томондан унинг банди ҳам кўриниб турибди, кичик олманинг банди эса юқорига қилиб қўйилган. Чуқур тақсимчада эса гиолослар бўлиб, уларнинг банди ҳар томонга қараб қолган. Икки дона гиолос тақсимчадан тўкилиб, дастурхон устида ётибди, яна икки донаси банди билан осилиб, дастурхонга тегиб ётибди.

**Үқувчи Б.** Столга гулли дастурхон ёзилган ва унинг устида гиолос тўла тақсимча турибди. Унинг ёнида бир неча дона қизил олма ётибди.

### Саволлар

1. **Үқувчи А.** да шахснинг қандай хусусиятлари аниқ кўриниб турибди ва үқувчи **Б.** да қандай хусусиятлар мавжуд эмас?

2. Катта ёшли үқувчиларнинг билиш фаолиятида бундай хусусиятларнинг аҳамияти нималардан иборат?

### 6-масала\*

Ун олти яшар Таня узининг редакцияга йўллаган мактубида қўйидагиларни ёзади. «Ота-онам менинг аҳволимга тушунмайдилар! Улар мени яхши куришар эмиш, шунақаям яхши кўрадими? Улар менга доим шубҳа билан қарапади, ҳамиша ким билдиримай ўқишиди. Қаҷон қарасанг уришишиди. Беш баҳо олиб келган куним — бир оғиз ширин сўз айтишмайди, шундай бўлиши керак деб ҳисоблашади, мабодо уч баҳо олиб қолсан борми — ҳар доим жанжал бошлашади! Нега уч олганимни сўраб ҳам ўтиришмайди. Сўкишдан тўхташмайди. Хўш, шунинг ҳаммасини яхши кўришгандан қилишади деб ўйлаймизми?..»

### Саволлар

1. Таня билан унинг ота-онаси ўрталаридаги ўзаро носоғлом муносабатларнинг сабаби нимада эканлигини тушунтириб беринг.

2. Ота-оналар билан болалар ўртасида соғлом муносабатлар қарор топмоғи учун ота-оналар қандай шахсий фазилатларга эга бўлишлари керак?

\* Олтинчи масала қўйидаги китобдан олинган: Психологические задачи / Сост. А. И. Шчербаков.— Л., 1980, 47—49- бетлар.

## 7-масала\*

Маълумки, недагогика институти юксак даражада билимли ўқитувчиларни, ўз фани бўйича ҳар қандай назарий масалани мустақил ижодий ҳал қилишга қодир кишиларни тайёрлаши керак. Шу мақсадда I курсда рус тили ва адабиёти факультетининг студентлари «адабиётшуносликка кириш» деб аталган дастлабки курсни тинглайдилар. Курснинг вазифаси,— деб ёзади Н. К. Асеев,— студентларда адабиётнинг спецификаси, унинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида, ривожланиш қонуниятлари ҳақида асосий тасаввур ҳосил қилишдан иборат. Бундай билимлар шунинг учун керакки, студентлар тарихий-адабий курс билимларини чуқурроқ идрок этадилар, бадиий асарларни анализ қилиш малакасини ўрганадилар, у ёки бу ҳодисаларга тўғри баҳо бериш маҳоратини эгаллаб оладилар»\*\*. Бу курс студентларда адабиётнинг назарий масалаларига қизиқиш уйғотиши, уларда адабиётшуносликка оид ижодий тафаккур қилишда мустақилликни ривожлантириши керак. Шу билан бирга, авторнинг таъкидлашича бу курс олий мактаб остонасига биринчи марта қадам қўйган студентлар учун жуда мураккаб ва қийин курс ҳисобланади.

## Саволлар

1. Фикрингизча студентлар учун бу курс қийинлигининг сабаблари нимада?
2. Адабиётшуносликка хос ижодий тафаккурнинг моҳияти нимадан иборат эканини тушунтириб беринг?
3. Студентларда адабиётшуносликка хос мустақил ижодий тафаккурни ривожлантирмоқ учун назарий тайёргарлик ҳамда адабиёт назарияси масалаларига фоят катта қизиқиш зарур эканлигини исботлаб беринг.

## 8-масала

Тадқиқотлардан бирида синалаётган кишиларга студентларга электрон тахистоскоп орқали 0,02 секунд ичida бир неча кишининг юзи акс эттирилган фотосуратлар кўрсатганлар, энди ана шу кишиларга характеристика ёзиш талаб қилинган эди. Фотосуратлар биринчи марта кўрсатилганида тадқиқ этилаётган кишилар ўша суратдаги шахсларнинг фақат ташқи кўринишлари асосидагина идрок этилган ахборот асосида «эркин» характеристика бердилар.

Фотосуратларни такрорий намойиш қилиш вақтида уларга изоҳ бериб, бу «курс старостаси», учинчи кўрсатишда эса бу

\* Етпинчи масала қўйидаги китобдан олинган: Иващенко Ф. И. Задачи по общей психологии.— Минск, 1979, 17- бет.

\*\* Асеев Н. К. Развитие литературведческого мышления студентов // Совершенствование подготовки учителей,— Казань, 1980, 135—136- бетлар.

«яхши ўртоқ», тўртинчи сафар кўрсатишда — булар «аълочилар» ва ниҳоят бешинчи марта кўрсатиш вақтида — бу «қолоқ» деб таърифлаб турганлар<sup>1</sup>.

Шу нарса маълум бўлдики, барча ҳолларда синалаётган кишилар бир одамнинг ўзига, яъни идрок этилаётган обьектга ҳар хил характеристика берганлар, уни турли эҳтиёж ва қобилиятларга эга бўлган, ўкишга, ҳаётга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаган киши сифатида таърифлаб берганлар.

## Саволлар

1. Объект сифатида танлаб олинган кишиларга характеристика беришда синалаётганлар шахсига хос қандай хусусиятлар ҳал қилувчи роль ўйнаганигини кўрсатиб беринг.

2. Инсон ҳаётида, унинг воқеаликни идрок этишида бу хусусиятлар қандай ижобий роль ўйнайди?

## 9-топшириқ

Совет Иттифоқида ҳар бир йигит ва қиз «гарантияланган иш олиш ҳуқуқига, шу жумладан, ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, касб-хунар малакаларига, билимларига мувофиқ рашишда ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш ҳуқуқига эгадирлар»<sup>2</sup>. Қасб танлаш фақат шахсий эмас, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иш сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам касб танланадиганда фақат ким булиб етишиш масаласи эмас, балки қандай киши булиб етишиш масаласи ҳам ҳал қилинади. Социалистик жамият бўлғуси мутахассислари ўзларининг касбий тайёргарлик кўриш жараённидаёт бўлғуси касблари бўйича маҳоратга эга булиб боришларидан манфаатдордир.

Педагогик фаолият — жамият катта аъзоларининг амалга оширадиган фаолият тури ҳисобланса, уларнинг профессионал мақсади эса ўсиб келаётган ёш авлодга тарбия беришdir<sup>3</sup>. Ўқитувчининг педагогик маҳорати — бу ўқитувчидаги мавжуд шахсий фазилатларнинг, ундаги билимлар, кўникма ва малакаларнинг синтезидир<sup>4</sup>. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини шакллантириб бориш ҳар бир студент шахсини бўлғуси ўқитувчи ва мурабабий сифатида тарбиялаб бориш иши билан узвий боғлиқдир.

<sup>1</sup> Бодалев А. А. Формирование понятия о другом человеке как личности. Л., 1970, 31-бет.

<sup>2</sup> СССР Конституцияси (Асосий Қонуни). Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1978, 122-бет, 40-модда.

<sup>3</sup> Қаранг: Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского М., 1979, 258-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Шербаков А. И. Психологические основы формирования личности советского учителя.—Л., 1967, 99-бет.

## Саволлар

1. Үзини мактабда ишлаш учун яхшироқ тайёрлаш мақсади да педагогик ўқув юртида таълим олаётган студент қандай шахс сифатлариға эга бўлмоғи керак?

2. Нима сабабдан бўлгуси ўқитувчилар — студентлар педагогик маҳоратини шакллантириш уларнинг шахсини тарбиялаш иши билан таркибий боғлиқ эканлигини тушунтириб беринг.

### 10-масала

Психологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахслараро алоқаларда бир-бирини тушуниш хизмат соҳасида ва одамлар ўртасидаги оиласи муносабатларда мuloқot маданиятининг ҳамда сорлом микромуҳитни вужудга келтиришнинг асосий шартидир.

Қуйида «ҳаётдан олинган» бир мисол тўғрисидаги ахборотни қунт билан ўқиб кўринг:

«Ёш келин-куёвлар бир-бирларига қайноқ муҳаббат билан турмуш қуришган эди, лекин орадан сал вақт ўтмай ажралиш тўғрисида гапира бошладилар. Ҳўш, сабаби нима экан? «Муродлари тўғри келмаган эмиш».

— Хотиним ҳар доим арзимаган нарсани баҳона қилиб жанжал кўтараверади. Расво характери бор, ҳеч қачон ҳеч бир масалада ён босиш нима эканлигини билмайди,— деб шикоят қилар эди эри.

— Эрим ҳеч бир ишни ўз вақтида қилмайди, мен билан ҳисоблашмайди. Мен ишдан чарчаб келиб, бошим оғриб ётган вақтимда у, албатта, қаергадир тарақлатиб мих қоқиши керак. Қачон нимани илтимос қилсанг, нуқул эртага, эртага деб баҳона қилади... дея унга қарши жавоб беради хотини<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Юқорида келтирилган мисолда шахснинг қандай салбий ҳислатлари одамлар ўртасидаги ўзаро носоғлом муносабатларнинг сабабчиси бўлганлигини кўрсатиб беринг.

2. Ўзаро мuloқot жараёнида шахснинг қандай ўзига хос хусусиятлари ўзаро муносабатларга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади?

3. Хизмат соҳаси ва оиласи муносабатларда одамлар ўртасидаги шахслараро алоқаларда бир-бирини тушуниш соғлом микромуҳитни вужудга келтиришнинг асосий шарти эканлигини исбот қилиб беринг.

### Курсада бажариладиган тадқиқот ишларининг темалари

1. Юқори синф ўқувчиларининг ўқитувчилар, синфдошлари, ота-оналари билан ўзаро муносабатларининг хусусиятлари.

<sup>1</sup> Қаранг: Ковалева Л., Ребичев А. Как научить понимать // Молодой Коммунист.—1979, 2-сони.

2. Ҳунар-техника мактаби ўқувчиларининг ўқув ва меҳнат кол-лективларидағи ўзаро муносабатларининг хусусиятлари.
3. Катта ёшли ўқувчилар профессионал қизиқишиларининг психологияк анализи.
4. Катта ёшли ўқувчи ўзи-ўзини тарбиялашида унга берилган баҳонинг ҳамда унинг ўзига-ўзи берадиган баҳонинг роли.
5. Катта ёшли ўқувчи ўқув фаолиятининг ва хулқ-авторининг мотивлари.
6. Ҳозирги замон катта ёшли ўқувчиларининг эстетик қизиқишилари.

### III бўлим

## ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

### 8-тена. Тарбия психологияси ва ўз-ўзини тарбиялаш психологияси шахсни шакллантиришдаги мақсадга қаратилган жараён сифатида

#### Методик курсатмалар

Тарбия психологияси — педагогик психологиянинг фоят муракаб ва кам ишланган бўлими. У шахснинг бир бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига оид ички (педагогик) механизmlарни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўрганади.

Шахс фаолият жараёнида, моддий ва социал муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Активлик бўлмаган жойда шахснинг қарор топиши ва ривожланиши ҳам бўлмайди. Бунда социал алоқалар, жамият, группа ҳамда турли жиҳатдаги коллективлар ҳаётига фаол киришиб кетиш шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан планлаштирилган ҳамда ташкил этилган жараён бўлмиш тарбия — шахс ва социал муҳитнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи йуналишлари ҳисобланади.

Мазкур тема юзасидан олиб борилаётган бутун амалий ишлар ўқувчини фаол равишда бевосита тарбиялаш ва қайта тарбиялаш фоясини амалга оширишга қаратилмоғи керак. Студентлар фақат фаолият жараёнида боланинг шахси шаклланиб бориши мумкинлигини ўзлаштириб олишлари керак. Шахснинг шаклланиб бориш суръати, унга хос айрим хусусиятларнинг тула ва бутун ҳолда барқарор шаклда пайдо бўлиб бориши ўқувчининг меҳнатда, ўқища, ўйинда ва мулоқот вақтида қанчалик ғайрат кўрсатишига тўғри пропорционалдир. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, фаолият нима сабабдан амалга оширилиши зарур эканлигини тушуниб олиш таъминлангандагина ўзининг ривожлантирилган ва тарбия берувчи функциясини бажара олади, яъни башарти тарбияланувчи онгида англаб этилган барқарор ва кучли ички бир эҳтирос пайдо бўлганда амалга оширилаётган фаолият тарбияловчи кучга айланади. Ўқувчининг мотивлаштирилган сфераси, яъни унда меҳнатга иштиёқ уйғотадиган муҳит — бу унинг ҳаётий фаолиятининг натижасидир. Мана шу ҳаётий фаолият муҳитида (мактабда, оиласда) амалга ошириладиган тарбия жараёни муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ўқитувчи-тарбиячининг турли хил меҳнат фаолиятини бажаришга унда ички эҳтиёж яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи керак. Тарбиячи ўқувчи бажарадиган ишнинг мазмунини ва у ишни нима сабабдан бажаилаётганини ҳамда ўқувчи бу ишга қандай муносабатда булаётганигини аниқ билиши мақсадга му-

вофиқдир. Ўқитувчи-тарбиячи бу нарсаларни фақат билиб олиш билан кифояланиб қолмай, балки ўша нарсаларнинг ишга солинишига, фойдали хатти-ҳаракатларга айланишига ҳар томонлама ёрдам бермоғи керак. Тарбиячининг вазифаси ўқувчидаги ижтимоий аҳамиятга эга мотивлар системасини шакллантириб боришдан иборатдир.

Машғулот давомида ўқитувчи студентлар диққатини фаолият билан шакллантирилаётган хусусиятлар ўзаро бевосита боғлиқ эканлигига қаратади. Чунончи, масъулият ҳиссини тарбиялаш учун мана шундай мастьулиятли иш билан боғлиқ вазиятни вужудга келтириш зарур; вазминлик фазилатини шакллантиримоқ учун шундай ишлар ва шундай ҳаётий шароитлар зарурки, уларда мазкур фазилатлар бемалол шакллана оладиган бўлсин.

Тарбиянинг психологик проблемаларини ўрганишда шахсга хос бўлган хусусиятларни шакллантиришнинг психологик механизмлари тўғрисидаги масала муҳим ҳисобланади. Назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар қандай хусусият ўз ривожланиш жараёнида баъзи босқичларни босиб ўтар экан. Бунда барча хусусиятлар учун умумий бўлган босқич ҳам мавжуддир. Бу босқич шахсни шакллантиришнинг умумий методологик принципини акс эттиради. Бу ерда ташқи социал таъсиirlарнинг ички таъсиirlарга, субъектив ҳолатларга айланиб бориши назарда тутилади. Бошқача айтганда, социал тажрибани ўзлаштириб бориш ўйли билан янги бир хусусият вужудга келтирилади. Бундан ташқари конкрет шахс хусусияти учун хос специфик босқичлар мавжуд бўлади. Мана шу босқичларнинг барчасини билиб олган тарбиячи ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда шахсга хос хусусиятларни шакллантириш ёхуд уларни қайта тарбиялаш билан боғлиқ ўз ишларини ташкил этади.

Ташқи тарбиявий бошқариш жараёнининг ички ўз-ўзини бошқариш ва тарбиялаш системасига айланишидаги психологик механизм қараб чиқилаётган мазкур темадаги муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўз-ўзини мувофиқлаштириш ва ўз-ўзини бошқариш шахснинг структура элементларидан бирпидир. Улар шахснинг хусусиятлари таркибида киритилади. Бироқ, уларнинг турли хусусиятларида ўзини намоён қилиши бир хил кўринишда бўлмайди, баъзи ҳолларда бу хусусиятлар фақат энди белгиланаётган бўлса, бошқа ҳолларда бундай хусусиятлар ортиқ даражада кўпайиб кетган бўлади. Масалан, шахснинг йўналишини ифода этувчи хусусиятларда бундай структура элементлари иродавий хусусиятларга қараганда анча камроқ даражада намоён бўлади.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва такомиллаштириб бориш — бу ўз-ўзини мувофиқлаштириш ҳамда бошқаришни ривожлантиришнинг олий даражаси деб ҳисобланмоғи керак. Ўз-ўзини тарбиялаш проблемасини ўрганган психологлар мазкур феноменнинг табиатини кўрсатиб берганлар, программа ишлаб чиқиб ўзини-ўзи тар-

биялаш билан машғул булишга қарор қылган кишиларга иш усулларини таклиф қылганлар.

Тема устида иш олиб борилаётганда студентлар шунга ишонч хосил қилишлари керакки, үқувчи тарбиявий тадбирлар ичидан мувофиқлаштириш усулини ўзлаштириб олган ҳамда уни ўзи ўзини мувофиқлаштириш усулига айлантира олгандагина үтка-зилган тадбирнинг тарбиявий қиммати ортади. Бу ерда студентлар умумий психология курсини ўрганаётганды танишиб чиққан «интериоризация» деган тушунчани эслатиб қўйиш ўринлидир, чунки, шахс хусусиятларини шакллантириш ҳамда ўз-ўзини бошқариш системасини вужудга келтиришда интериоризациянинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш лозим. Бунда ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини ўзи камолга етказиш тадбирлари интериоризациянинг юксак натижаси сифатида рӯёбга чиқади.

Бола шахсии шакллантиришда миқдор кўрсаткичлари билан сифат кўрсаткичлари бир текис намоён бўлмаслиги масаласини амалий машғулотларда қараб чиқилиши мухим масалалардан ҳисобланади. Психологлар шахснинг хусусиятлари ҳеч вақт, бир хил меъёрда шаклланмаслигини исботлаганлар: уларнинг баъзи бирлари ривожланишда олдинга «ўтиб кетар» экан, иккинчи бир хиллари ривожланишдан орқада қолар экан. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахснинг баъзи бир хусусиятлари илк болалик давридан бошлаб жадал ривожлана бошлар экан; бошқа бир хил хусусиятлар, аксинча, фақат ривожланишга тайёрланиб ва шу бўйи латент ҳолатида сақланиб қолар, сўнгра муайян шарроит вужудга келганида сакраш йўли билан тез ривожланиб кетар экан. Бунда баъзи бир хусусиятлар ўёки бу ёш даврига боғлиқ бўлар экан. Чунончи, Б. Г. Ананьевнинг тадқиқотига мувофиқ, болаларда аввало коммуникатив хусусиятлар шаклланади. Бу бола ҳаётий фаолиятининг ажралмас қисми бўлган жиҳат, яъни унинг катта ёшли кишилар билан мулоқотига боғлиқ бўлади.

Шахс хусусиятлари ва характер белгиларининг ривожланишидаги нотекислик айниқса, ўсмирларда яқол кўзга ташланади. Шунинг учун бу даврни зиддият ва қарама-қаршиликлар даври деб атайдилар. Масалан, баъзи бир ўсмир ўз ота-онасидан бегоналашиб, меҳри совиб кетиши, бора-бора ўз ота-онасининг вассийлигидан чиқиб, айни маҳалда ўз тенгдошлари билан яқинлашиб, улар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб бориши кузатилиди; бундай ўсмир спортда жуда яхши натижаларга эришиб, янада тиришкоқлик кўрсатгани ҳолда, бошқа ўқув предметига қарамай қўйиб, дарслардан ўзлаштираслиги мумкин ва ҳоказо. Характерологик аломатлар ҳамда шахсга хос белгиларнинг на-моён бўлишидаги ноизчиллик шундай бир беқарорликни ва умуман шахс хусусиятига хос зиддиятни келтириб чиқариши мумкинки, кейинчалик тарбиячи бу хусусиятларни илғаб олади ва уларни ўсмирнинг ўзи ҳам билиб, бундай зиддиятли ҳолатларга ва муайян беқарорликка барҳам беришга ҳаракат қиласи.

Шундай савол туғилиши мумкин: кишидаги характер белгилари мувофиқлаштириладиган ва бир-бирига яқинлаштириб

«тенглаштириладыган» моментлар шахснинг ривожланиш даврида содир бўлиб туриши мумкинмикан? Ҳа, бундай мувофиқлаштириш хийла кейинроқ келадиган бир даврда — катта ўсмирилик ёшига етилган пайтда бошланади. Бироқ, шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, шахс характеридаги зиддиятли ҳолатлар узоқ йиллар мобайнида, гоҳо эса умр бўйи сақланиб қолади.

Шахс барқарорлиги проблемаси шахсни шакллантиришдаги нотекислик тўғрисидаги масала билан мустаҳкам алоқада кела-ди. Бу масалани ўқувчининг характеристидаги (индивидуал ва кол-лектив) мотивацияларнинг шаклланиши ва реализация қилини-шини, шунингдек, конформизмнинг намоён бўлиши нуқтаи наза-ридан қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шахснинг барқарор-лиги икки аспектда қараб чиқилади: барқарорлик одамнинг ўз шахсий позициясини сақлаб қола олиш қобилияти сифатида ҳам-да ўзининг шахсий қараашларига зид бўлган турли таъсиrlарга қарши туриш, уларга дош бера олиш аспектида қараб чиқилади; иккинчидан шахс барқарорлиги одамнинг ўз шахсий позициясини реализация қилиш қобилияти сифатида вазиятни ҳамда ўз шах-сий хулқ-атворини ўзгаришидан иборатдир. Шунинг учун, би-ринчи аспектни мудофаа аспекти, иккинчисини ҳужумкорлик ас-пекти деб атайдилар (В. Э. Чудновский).

Шахснинг барқарорлиги мотивациянинг мазмун ва мақсадла-ри билан, шунингдек, шахсга хос конкрет хусусиятлар қай дара-жада шаклланганлиги билан белгиланади.

Тема бўйича машғулотлар ўtkазилаётганда студентларнинг дикқати ўқувчиларнинг ўқув группаларида ҳамда бошқа группа ва колективларда ўзаро мулоқотга киришиш проблемалари ва шахслараро муносабатлар масаласига қаратилмоғи керак. Маъ-лумки, мулоқотга киришиш шахснинг вужудга келиши ва шакл-ланишида катта роль ўйнайди. Мулоқотга киришилганда шахс статуси вужудга келади ҳамда шахслараро муносабатларнинг аҳволи намоён бўлади. Ўз навбатида статус кишининг ўзига-ўзи баҳо бера олишини шакллантирувчи манба ҳисобланади. Бундай ҳолларда боланинг синфдошлари томонидан унинг ўқув фаолия-тига, хулқ-атворига, мулоқот шакллари ва бошқа хатти-ҳаракат-ларига берилган баҳо ўша ўқувчининг онгидаги қайд этилади ҳам-да у ўзига-ўзи баҳо бериш жараёнига айланади. Баҳолаш ва ўзи-га-ўзи баҳо бериш ўқувчи учун ўзига хос эмоционал микроиқлим яратади. Бу микроиқлим ўқувчи учун қулагай ёки ноқулай бўлиши ҳам мумкин. Машғулот вақтида студентларга социометрия тўғ-рисида эслатиб қўйиш лозим. Маълумки, социометрия шахслар-аро муносабатларни ҳамда ўқувчилар статусини ўрганишнинг энг оператив методик приёми ҳисобланади.

Тема устида иш олиб борилаётганда ўқувчиларда материалистик дунёқарашни шакллантириш ва уларга ахлоқий тарбия бериш ишларидаги қўл келадиган психологик омилларга тўхталиб ўтиш лозим. Ўқувчидаги материалистик дунёқарашни шакллантириш му-раккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. У хусусий психологик механизмни, ақлий ёки жисмоний фаолият механизмини вужудга

келтириш ва мустаҳкамлаш билангина чекланиб қолмайди. Дунёқараш — бу мураккаб структурали жараён бўлиб, «Интеллектуал», «Шахс» ҳамда «Амалий» компонентлардан ташкил топади. Интеллектуал компонент билимлар запаси ва уларни амалда қўллай билишдан иборатdir; шахс компоненти — бу муносабатдан, мотивациядан, ахлоқий йўналишдан иборат жараёндир; амалий компонент — бу олинган билимларни амалий фаолиятда ва ўзининг шахсий хулқ-атворида реализация қилишдан иборатdir<sup>1</sup>.

Дунёқараш компонентларининг ҳар бири муайян бир нагрузкани бажаради. Дунёқарашни тарбиялаш ва шакллантириш давомида мана шу компонентларининг ҳар бири қайта-қайта «машқ қилиниши» ҳамда ўқувчининг онгида мустаҳкамланиши керак. Айни маҳалда барча компонентлар ўзаро боғлангандир.

Материалистик дунёқарашни шакллантириш тўғрисидаги масала билан ахлоқий тарбиянинг психологик омиллари тўғрисидаги масала ўзвий боғлиқ ҳолда келади. Шахснинг ахлоқий жиҳатдан шаклланиб боришининг психологик механизмлари маълум даражада дунёқарашни вужудга келтириш механизмлари билан мос келади, деб ҳисоблаш мумкин.

Худди дунёқарашни шакллантириш даврида бўлгани сингари ўқувчи шахснинг ахлоқий жиҳатлари таркиб топишида ахлоқий нормаларни, қоидаларни, аизаналарни, расм-русумларни билиш биринчи планга чиқади. Ўқувчининг онгида эса бу нарсалар тушунча ва тасаввур шаклида мавжуд бўлади. Ҳаяжонланиш, кечинма сингари ҳолатлар ўқувчи ахлоқий жиҳатининг «шахсга оид» компоненти ҳисобланади. У ахлоқий категориялар тўғрисидаги билимларга ўзига хос бир колорит баҳш этади ва уларни янада барқарор қиласди. Шунинг учун тарбия давомида билим билан кечинмани бирлаштира олиш — бу маънавий хулқ-атвор мотивлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш, шунингдек, теварак-атрофдаги кишилар томонидан хулқ-атворга маънавий баҳо берилишига кумаклашиш маъносини англаради.

Ўқувчига бериладиган ахлоқий характеристиканинг учинчи компоненти деб унинг хулқ-атворини олиш мумкин. Бу эса пироварда шахснинг ахлоқий қиёфасини белгилайди. Мотивлаштириш сфераси ҳам ахлоқий онг ҳам хулқ-атвор орқали рӯёбга чиқарилади. Шахс амалга оширган хатти-ҳаракатларда ўша шахснинг ахлоқи янада тўлиқ ва аниқ ифода этилади. Хатти-ҳаракат — бу ахлоқ нормаси позициясидан туриб баҳо бериладиган инсоннинг ҳаракат фаолияти (ёхуд фаолиятсизлиги) демакдир. Турли вазиятларда амалга оширилган хатти-ҳаракатлар серияси шахснинг ахлоқий қиёфасини вужудга келтиради. Ўқувчини тарбиялани деганда ўша ўқувчида (мотивдан бошлаб ижрогача бўлган) хатти-ҳаракатларнинг барча қисмларини ўз ичига олган ҳамда ахлоқий мазмун ва ҳис-ҳаяжон билан тўлган (хулқ-атвор) ахлоқ-

<sup>1</sup> Қаранг: Проблемы формирования коммунистического мировоззрения.— Минск, 1975, 170- бет.

өдөб нормаларини эгаллаб олишга эхтиёж сезиш түйгүсүни вүждга келтириш тушунилади.

Илгарироқ биз тарбияни фаол амалга ошириладиган воситалар хүзүрида айтиб ўтган эдик. Социалистик типдаги шахсни шакллантиришнинг энг муҳим омили сифатида унумли меҳнатни қараб чиқиш мустақил масала тарзида ўртага қўйилиши керак. Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида ўқувчиларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш вазифаси, уларда ишлаб чиқариш малакаси ва маҳоратини ҳосил қилиш масалалари аниқ-равshan қилиб қўйилди. Шу билан бирга мазкур ҳужжатда совет кишиларининг ёш авлодини тарбиялашда меҳнат фоят катта роль йўнаши ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ишлаб чиқариш меҳнати орқали тарбиялашнинг назарияси ва практикасини ишлаб чиқиш билан педагогика, хусусий методика шуғулланади. Педагогик психология меҳнат фаолиятининг бутун комплексига хос бўлган психологик механизmlарни ўрганади. Шу жумладан, у ишлаб чиқариш меҳнати шароитида шахсга хос бўлган хусусиятларнинг шаклланиш механизмини ўрганади. Тарбиянинг назария ва практикаси ана шу механизmlарни билиш асосига қурилади.

Педагогик психологияда, шунингдек, меҳнат психологиясида ишлаб чиқариш меҳнатининг шахс ижобий фазилатларини тарбиялашга кўрсатадиган таъсири тўғрисида талайгина билимлар тўпланган.

Амалий машғулотларда студентлар хотирасида меҳнатнинг психологик характеристикасини фаолиятнинг асосий тури сифатида жонлантириш лозим. Бу билан улар умумий психология курсида танишиб чиқишган эди. Шундан кейин меҳнатнинг бошқа ҳар хил турлари устида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Касблар орқали ифода этилган бундай меҳнат турлари шахснинг баъзи бир умумий хусусиятларини шакллантиришини ҳам айтиб ўтиш керак. Шу билан бирга меҳнатнинг конкрет олинган бир тури шахсдаги маҳсус хусусият ва фазилатларнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишига албатта таъсир кўрсатади. Шуни таъкидлаш керакки, меҳнатда ўқувчиларда меҳнат предметига, фаолиятнинг ўзига нисбатан муайян бир муносабат шаклланади, мулоқотга киришиш малакаси ҳосил қилинади, биргаликда бажариладиган меҳнат иштирокчилари билан муомала маданияти эгаллаб олинади.

Тема чегарасида ўқувчиларнинг ўзларига касб танлаб олишлари ҳамда ўз ҳаётий йўлларини белгилаб олишлари тўғрисида ги масалани ҳам қараб чиқиш лозим. Одатда педагогика олий ўқув-юртларида ушбу материални муҳокама қилиш учун маҳсус семинарлар планига киритилади ёхуд маҳсус курсда баён этилади. Ёш психологияси ва педагогик психология машғулотларида мазкур материални муфассал ва ҳар томонлама қараб чиқиш учун шароит йўқ. Шунинг учун мавжуд материаллар ичидан энг муҳимларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Назаримизда қўйидагилар шундай муҳим масалалардан ҳисобланади:

— ўсмирлик даврида тұғри касб танлашнинг социал, давлат ва шахсий аҳамиятга молик эканлыги;

— касблар группасыга характеристика бериш ва улар томонидан одамларга құйиладиган талаблар;

— үкүвчиларнинг үзлари учун үзлари касб белгилашининг мотивлари ва уларнинг мәнбалари;

— үкүвчиларнинг майллари, қобиلىятлари ва уларнинг шахсига хос бошқа хусусиятлар, бу хусусиятларни үкүвчи үзига касб танлаш мақсадида ривожлантириб бориши:

— баъзи бир касбнинг қимматли (зарур) хусусиятлар ва фазилатларни мактаб үкүвчиларнда намоён этишнинг айрим усуллари.

Маълумки, педагогик фаолият тарбия вазифаларидан таркибий тарзда келиб чиқади. Бу фаолият үкүвчиларда қўникма, малака ва одатларни вужудга келтиришга, пировардида мана шу барча хусусиятларнинг йиғиндиси сифатида шахсни шакллантиришга қаратилган бўлади. Бундай педагогик фаолият мазкур ёшдаги барча үкүвчилар учун мўлжалланиши мумкин. Чунки булар умумий усуллар ҳамда тарбиянинг умумий услуб ва методларидир. Бироқ, шундай педагогик фаолият турлари ҳам мавжудки, улар конкрет үкүвчиларга нисбатан қўлланади ва тарбиялашда фойдаланилади. Санаб ўтилган ҳар икки усуллар ҳам үкүвчиларнинг тарбия даражасига, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига, психик ҳолатлари ва бошқа омилларига мувофиқ келмоғи керак.

Ишонтириш, ўргатиш, рағбатлантириш, жазо бериш сингари кенг тарқалган педагогик таъсир кўрсатиш чораларини қўлланатганда уларнинг психологик жиҳатдан тұғри мосланган бўлишига эътибор бериш лозим. Шахсни шакллантириш қонуниятларини ўрганар экан, тарбия психологияси шахснинг уёки бу хусусиятини ҳамда умуман шахснинг ривожланиш кўрсаткичларини алоҳида қараб чиқади. Ҳар бир боланинг хусусиятларини мана шу кўрсаткичлар билан таққосланиши тарбия кўрганлик даражасини белгилаш юзасидан амалга ошириладиган бир тадбир — диагностик процедура деб аталағидиган тадбирга айланади. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур үкүвчини бундан буён тарбиялаш ёки қайта тарбиялаш учун қандай воситалар, усуллар, услубларни қўлланиш кераклиги тұғрисида педагогик хуносага келиш имконияти туғилади.

Шундай қилиб, биринчи семинар машғулотида тарбия психологиясининг методологик проблемаларини қараб чиқиш мақсадга мувофиқидир. Бунда илмий-материалistik таълимотнинг шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда тарбиянинг негизи сифатидаги аҳамиятга ҳамда тарбия назариясини ишлаб чиқишида психологик билимларнинг ролига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, буржуа тарбия назариясининг асосини ташкил, этган идеалистик ва биологизаторлик концепцияларига танқидий баҳо бериб ўтиш керак.

Шахснинг ғоявий ва маънавий барқарорлиги масаласига бағишиланган иккинчи семинар машғулотида совет мактаби ўқувчиларида шахсни шакллантиришга қаратилган ҳамда уларнинг ҳаётий позициясини барқарор қилишга, ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиб ўзида ижобий хусусиятларни шакллантиришга, ҳар бир ўқувчини тарбиялашга индивидуал тарзда ёндашиш масалаларига катта эътибор бериш керак.

Учинчи машғулотда шахсни шакллантиришда коллективнинг роли масаласи қараб чиқилади. Бу машғулотда «ўқитувчи — ўқувчи», «ўқувчи — ўқувчи» деб аталадиган системада мулоқотга киришиш ва ўзаро шахсий муносабатлар, шахснинг вужудга келиши ва шаклланишида, унда коллективчилик фазилатларини тарбиялашда нақадар аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тўртинчи машғулотда ўқувчиларнинг ўзига-ўзи касб танлаши учун ҳаракат қилишда психологик омилларнинг аҳамияти, тарбия даражасини диагностика қилиш имкониятлари қараб чиқилиши даркор.

Бешинчи машғулот студентлар ўқувчиларнинг тарбиялангандик даражасини аниқлаш методикасини амалий равишда эгаллаб олишларига ажратилади.

### Семинар ва амалий машғулотларнинг планлари

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### Тарбия психологиясининг методологик проблемалари

1. Гармоник тарзда ривожланган, актив жамоатчи шахсни шакллантириш — коммунистик тарбиянинг бош масаласи.
2. Тарбия назариясини ишлаб чиқишда психологик билимларнинг аҳамияти.
3. Фаолият — шахсни индивид сифатида шакллантиришнинг асоси.
4. Тарбия орқали Бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш проблемалари.
5. Буржуа тарбия назарияларининг асосини ташкил этган идеалистик ҳамда биологизаторлик концепцияларининг танқиди.

#### Иккинчи машғулот (семинар)

##### Шахсни ғоявий жиҳатдан шакллантириш ва уни ахлоқий жиҳатдан барқарор қилишининг психологик омиллари

1. Совет мактаби ўқувчисининг шахсни ва унинг ҳаётий позициясини мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантириш проблемалари.
2. Ўқувчиларнинг онгига материалистик дунёқараш ва коммунистик эътиқодни шакллантириш жараёнига психологик характеристика бериш.
3. Мактаб ўқувчиларида ижтимоий-фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжни шакллантиришнинг психологик шартлари.

4. Шахснинг ахлоқий барқарорлигини белгилаб берувчи компонентлар.

5. Ўқувчининг ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам эътиқодини шакллантиришни белгиловчи шароитлар.

### *Учинчи машғулот (семинар)*

#### *Ўқувчилар колективи бола шахсини шакллантирувчи омил сифатида*

1. Синф колективи структурасининг психологик характеристикаси.

2. Синф колективидаги мулоқотлар ҳамда шахслараро муносабатлар ва шахсни шакллантиришда уларнинг роли.

3. «Ўқитувчи — ўқувчи» системасида педагогик мулоқотга киришиш мактаб ўқувчиси шахсини шакллантириш ва ривожлантириш омили сифатида.

4. Тарбиявий ишларда ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиллинг психологик асослари.

5. Ўқувчилар ўртасидаги конфликтлар, уларнинг психологик табиати, болаларни муросага келтириш усуллари ҳамда уларнинг тарбиявий мазмунни.

### *Тўргинчи машғулот (семинар)*

#### *Ўз-ўзига касб танлаш ҳамда тарбияланганлигини диагностика қилиш проблемалари*

1. Жамият талаблари ва шахсий имкониятларга мувофиқ келадиган тарзда ўз-ўзига касб танлаш учун ўқувчининг тайёрлик даражаси.

2. Ҳунар-техника таълими жараёнида шахснинг таркиб топиши ва ривожлациши.

3. Совет педагогика ва психология фанида тарбия даражасини диагностика қилиш проблемаси.

4. Тарбия даражасининг курсаткичлари ва мезонлари, уларнинг психологик табиати.

5. Ўқитувчи-тарбиячи иш практикасида ўқувчининг тарбия даражасини диагностика қилиши.

### *Бешинчи машғулот (амалий)*

#### *Студентларни ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини белгилаш маҳоратига ўргатиш*

##### **I. Тарбияланганлик даражасининг кўрсаткичлари**

###### *I—III синфлар*

Ватанпарварллик, ўртоқлик, катталарга ҳурмат, саҳйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, интизомлилик, хушмуомалик, қизиқувчанлик, гўзалликка муҳаббат, кучли, чаққон, чиниққан киши бўлишга интилиш.

## *IV—V синфлар*

Ватанпарварлик, ўртоқлик, катталарга ҳурмат, саҳиilik, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, интизомлилик, мустақиллик, қизиқувчанлик, гўзалликка муҳаббат, кучли, чақон, чиниқ-қан киши бўлишга интилиш.

## *VI—VIII синфлар*

Ватанпарварлик, колективчилик, инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, интизомлилик, активлик, жасурлик, иродалилик, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, камтарлик, қизиқувчанлик, эстетик комолат: кучли, чақон, чиниқ-қан киши бўлишга интилиш.

## *IX—XI синфлар*

Ватанпарварлик, колективчилик, инсонпарварлик, ҳалоллик, активлик, қизиқувчанлик, эстетик комолат, жисмоний жиҳатдан чиниқишига интилиш.

## **II. Ҳар бир кўрсаткич даражасида ўқувчиларнинг тарбияланганлик мезонлари**

### *I—III синфлар*

**Ватанпарварлик:** жонажон ўлканинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш, табиатга меҳр қўйиш ва уни эҳтиётлаш; ўз мактабини севиш.

**Ўртоқлик:** колектив машгулотларда, ўйинларда иштирок этиш; ўз қувончлари, бошидан кечирганларини ўртоқлари билан баҳам кўришга интилиш, ўртоғидан таъмагир бўлмасдан ёрдам беришга тайёр туриш; ўз синфининг, ўз юлдузчасининг шаънига дод туширасликка интилиш.

**Катталарга ҳурмат:** хушмуомалалик, итоатгўй бўлиш, ўқитувчига, ота-оналарга, катта ёшли кишиларга қулидан келганича ёрдам кўратиш.

**Саҳиilik:** меҳрибонлик, кичкинтойларга ғамхўр бўлиш; ўз уртоқларидан ўйинчоқларни, китоблар ва шунга ухшаш бошқа нарсаларни аямасликка тайёр бўлиш, жониворларга меҳр билан қараш.

**Ҳалоллик:** самимийлик; ростгўйлик; ўзгаларнинг нарсасини уларнинг рухсатисиз олмасликни одат қилиш; айб иш қилиб қўйгандага ихтиёрий тан олиш; берган ваъдан бажаришга ўрганиш.

**Меҳнатсеварлик:** вижданан ўқиши; уй-рўзбор ишлари юзасидан ўзига юклатилган юмушларни сидқидилдан бажариш; колектив равишда ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган ишларда, ижтимоий-фойдали меҳнатда актив иштирок этиш; меҳнат дарси машғулотларига қизиқиш билан қатнашиш.

**Тежамкорлик:** ўзининг ташқи кўринишини озода тутиш; ўз шахсий буюмларини тартибли сақлаш; мактаб мулкини эҳтиёт қилиш.

**Интизомлилик:** айтилган ишни албатта бажаришга ўрганиш; мактабда, күчада, уйда, жамоат жойларыда белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш; синф, юлдузча колективи та-лабларини бажариш.

**Одобли бўлиш:** ўқув машғулотларига мунтазам қатнашиш; дарсларда диққат-эътибор билан ўтириш ҳамда пухта билим олишга интилиш; уйга вазифаларни мунтазам ва ихтиёрий ра-вишда бажариш.

**Қизиқувчанлик:** барча номаълум, янги нарсаларга қизиқиш билан қараш; теварак-атрофдаги кишиларга саволлар билан му-рожаат қилиш; ўқишга, мутолаага ҳавас қўйиш; дарслардан яхши ўзлаштириш.

**Гўзалликни севиш:** бадий ҳаваскорлик тўгаракларида актив иштирок этиш; санъат бўйича ўтказиладиган машғулотларга қи-зиқиши билан қатнашиш; гўзалликни ҳис қилиш қобилиятини ўст-тириш; ҳар бир ишни чиройли бажаришга ҳаракат қилиш.

**Кучли, чаққон, чиниқкан киши бўлишга интилиш:** кун режи-ми ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш; эрталабки за-рядка машқларини ҳар куни бажариб бориш; жисмоний тарбия машғулотларига қизиқиш билан қатнашиш; спорт ўйинларида актив иштирок этиш.

#### IV—V синфлар

**Ватанпарварлик:** жонажон ўлкани билиш; ўз Ватанининг ўт-миши ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш билан қараш; ижтимоий-фой-дали меҳнатда актив иштирок этиш; табиатга меҳр қўйиш ва уни асраб-авайлаш.

**Ўртоқлик:** коллективда ҳамиша ўртоқлари билан бирга бу-лишга интилиш; таъмагир бўлмасдан ўртоқларига ёрдам кўрса-тишга тайёр туриш; коллективнинг вакилларига бўйсуниш; ўғил болалар билан қиз болалар ўртасида ўртоқлик муносабатларини ўрнатиш; ўз синфи, ўз отряди номига доғ туширмасликка инти-лиш.

**Катталарга ҳурмат:** хумшумомалалик; айтилган ишни бажа-риш; катталарга зарур бўлган ёрдамни кўрсатишда ташаббускор бўлиш.

**Сахийлик:** меҳрибонлик; кичкинтойларга ғамхўрлик қилиш; ҳамма нарсани ўртоқлари билан баҳам кўришга одатланиш; жо-ниворларга меҳр-шафқатли бўлиш.

**Ҳалоллик:** самимийлик; ростгўйлик; ўзгаларнинг нарсасига тегмасликни одат қилиш; ўз қилмишларини ихтиёрий тан олиш; ваъдага вафоли бўлиш.

**Меҳнатсеварлик:** сидқидилдан ўқиш; доимо фойдали ишлар билан машғул бўлиш; уйда ва мактабда ўз-ўзига хизмат кўрса-тишга одатланиш; ўй-рўзгор ишлари юзасидан ўзига юклатилган юмушларни сидқидилдан бажариш, ижтимоий-фойдали меҳнатда актив иштирок этиш; турли меҳнат малакаларини эгаллаб олишга астойдил интилиш.

**Тежамкорлик:** ўз шахсий буюмларини тартибли сақлаш; жа-

моат мулкини, эҳтиёт қилиш; буюмларни бузиб-ёриб ишдан чи-  
қариш фактларига муросасиз булиш.

*Интизомлилик:* ўқув машғулотларига мунтазам қатнашиш;  
ўқувчилар учун белгиланган қоидаларга ҳар куни ва ҳамма жой-  
да риоя қилиш; катта ёшли кишиларнинг топшириқларини тез  
ва аниқ бажариш; синф, отряд, колективининг талабларини ба-  
жариб бориш.

*Мустақиллик:* мустақил меҳнат қилиш малакалари ва ҳулқ-  
авторнинг мавжуд эканлиги; ўзгаларнинг ёрдамисиз ўз ишини  
ўзи бажаришга интилиш; турли масалалар бўйича ўз шахсий  
фикрининг мавжудлиги; машғулотлар ва ўйинлар ўtkазиш пай-  
тида ташаббус кўrsatiш.

*Қизиқувчанлик:* дарслардан яхши ўзлаштириш; номаълум ва  
янги нарсага қизиқиш билан қараш; мутолаани севиш; тўгарак  
машғулотларида шуғулланиш.

*Гўзалликни севиш:* озода ташқи кўринишга эга булиш; ада-  
биёт, расм чизиш, ашула дарсларига қизиқиш билан қатнашиш;  
санъет ва адабиётнинг машҳур араббларини, уларнинг асарлари-  
ни билиш; бадиӣ ҳаваскорлик тўгаракларида иштирок этиш; тे-  
варак-атрофдаги ҳаётда мавжуд бўлган гўзалликни ҳис қила  
олиш қобилияти; ҳар бир ишин чиройли бажаришга интилиш.

*Кучли, чаққон, чиниққан киши булишга интилиш:* кун режими  
ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш; ҳар куни эрталаб  
гимнастика машқларини бажариш; физкультура машғулотларига  
қизиқиш; спорт ўйинларида актив иштирок этиш.

## VI—VIII синфлар

*Ватанпарварлик:* ўз Ватанининг тарихини, мамлакатда содир  
бўлаётган ҳозирги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни билиш; ўз она-  
Ватани билан, унинг буюк кишилари билан фахрланиш туйғуси;  
умум фойдаси учун қилинадиган меҳнатда кўngилли равишда  
иштирок этиш; табиатга меҳр қўйиш ва уни асрар-авайлаш; жа-  
моат мулкини эҳтиётлаш.

*Коллективчилик:* ўз синфида амалга оширилаётган барча иш-  
ларда фаол иштирок этиш; ўз ўртоқларига беғараз ёрдам кур-  
сатишини одат қилиш; коллектив қабул қилган қарорларни ба-  
жариш; ўртоқларига талабчан булиш; шахсий ва ижтимоий  
манбаатларни бирга қўшиб адо этиш; ўғил ва қиз болалар ўр-  
тасида ўртоқларча муносабат ўрнатиш.

*Инсонийлик:* теварак-атрофдаги барча кишиларга холисона  
муносабатда булиш; катталарни ҳурмат қилиш; ёрдамга муҳтоҷ  
бўлган кишиларга кўмаклашиш; меҳрибон булиш, барча жонли  
мавжудотларга меҳр-шафқатли булиш ва уларга ғамхўрлик қи-  
лиш.

*Ҳалоллик:* самимийлик; ваъдага вафоли булиш, ўзгаларнинг  
буюмларини уларнинг рухсатисиз олмасликни одат қилиш, ёлғон-  
чилик, алдоқчилик, ўғирликка муросасиз булиш.

*Меҳнатга сидқидилдан муносабат:* вижданан ўқиш; доимий  
равишида фойдали ишлар билан машғул булиш; ҳеч бир ишдан

ҳазар құлмаслик; бажарилған иш натижаларининг юксак дара-жада сиғатлы бұлишиға әришиш; үй-рұзғор ишларыга мунтазам әрдам бериш; келажакда бирор ҳунар әгаси бўлиш учун касб танлашга интилиш.

**Интизомлилик:** үқувчилар қоидаларига ҳар куни ва ҳамма жойда риоя қилиш; катталар буюрган ишларни тез ва аниқ бажариш; синф отряд талабларини бажариш; коллективда юксак интизом бўлиши учун курашиш.

**Активлик:** дарсларда жавоб беришга бошқаларнинг жавобларини тұлдиришга интилиш; синф мактабнинг жамоат ҳәётида құнғилли равища иштирок этиш; ташаббускорлик; комсомол сафиға үтиш учун аниқ мақсадга мувоғиқ тайёргарлик күриш; камчиликларга, үтмиш сарқитларига муросасиз бўлиш.

**Жасурлик:** құрқув ҳиссесини енга олиш қобилияти; ҳәёти учун хавфли шароитда үзгаларга ёрдам беришга тайёр туриш; үз үртоқларининг камчиликларини ошкора танқид қилиш; үз шахсий фикрини ҳимоя қилишига тайёр туриш; қатъият, адолатсизликка муросасиз бўлиш.

**Иродали бўлиш:** бирор ишни бажариш учун хоҳиш бўлмаганда ҳам үзини-үзи ишлашга мажбур қила олиш қобилияти, бошлиған ишни охиригача етказиб бажариш одати; үз олдига қўйган мақсадига әришишда қатъиятли бўлиш; қийинчиликларни енгиб үтишга бўлган интилиш ва қобилият; үз-үзини тарбия қилиш соҳасида сезиларли ютуқларга әришиш;

**Үз-үзини танқид қилиши:** үртоқларининг танқидига қулоқ солиш; үз жатоларини тан ола билиш қобилияти; үз меҳнати натижаларига танқидий муносабатда бўлиш; мавжуд камчиликлардан қутулишга интилиш.

**Камтарлик:** теварак-атрофдаги кишилар орасида (ташқи күрениши ва хулқ-атвори билан) қўзга ташланиб туришга ҳаракат құлмаслик; мақтанчоқ бўлмасликни одат қилиш; босиқ бўлиш, оддийлик.

**Қизиқувчанлик:** дарслардан яхши ўзлаштириш; турли адабиётларни, вақтли матбуотни мунтазам үқиб бориш; луғатлардан справочниклар ва шу сингари адабиётлардан фойдаланишини одат қилиш; факультатив машғулотларга, тўгарак машғулотларига иштирок этиш.

**Эстетик камолат:** озода ташқи күринишга эга бўлиш; адабиёт, расм, ашула дарсларига қизиқиши билан қатнашиш; театрларга, кўргазмаларга, концертларга ва шу сингари томошахоналарга мунтазам бориб туриш; адабиёт ва санъат соҳасидаги машҳур асарларни билиш ва тушуниш; бадний ҳаваскорлик тўгаракларида, конкурсларда ва ҳоказоларда иштирок этиш; ҳар бир ишни чиройли бажаришга ҳаракат қилиш.

**Кучли, чаққон, чиниқан бўлишга интилиш:** хушбучим бўлиш; ҳар куни әрталаб зарядка қилиш одати; спорт үйинларида, мусобақаларда, походлар ва ҳоказоларда иштирок этиш; ГТО нормаларини муваффақиятли топшириш, спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланиш.

**Ватанпарварлик:** Ватан тарихини, мамлакатда содир бўлаётган ҳозирги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни билиб туриш; она-Ватан истиқболи билан қизиқиш; ўз Ватани билан, унинг буюк кишилари билан фахрланиш туйғуси; умум фойдаси учун қилинаётган меҳнатда ихтиёрий иштирок этиш; табиатни, халқ мулкини эҳтиёт қилиб, асрар-авайлаш; Ватани ҳимоя қилишга актив тайёрланиш.

**Интернационализм:** ўзга халқларнинг маданияти ва санъатига қизиқиш; интернационал характердаги тадбирларда ихтиёрий иштирок этиш; ўзга мамлакатларнинг меҳнаткашларига қардошларча ёрдам тадбирларида қўлдан келганча қатнашиш.

**Коллективчилик:** ўз колективи амалга ошираётган барча ишларда фаол иштирок этиш; ўртоқларига беғараз ёрдам курсатишни одат қилиш; коллектив қабул қилган қарорларни бажариш; ўртоқларига талабчан бўлиш; ижтимоий ва шахсий манбаатларни бирга қўшиб олиб бориш; ўз коллективининг шарафи учун курашиш.

**Инсонпарварлик:** меҳрибон бўлиш: кичкинтойларга ғамхўрлик қилиш; катталарга ҳурмат курсатиш; ёрдамга муҳтоҷ кишиларга ихтиёрий равищда кўмаклашиш; жониворларга меҳр-шафқатли бўлиш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш; инсонпарварликка қарши ҳар қандай хатти-ҳаракатларга муросасиз бўлиш.

**Ҳалоллик:** ростгўйлик; сўз билан ишнинг бирлиги; тўғри сўзлик; ўз хатолари ва қилмишларини ихтиёрий тан олиш.

**Меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш:** сидқидилдан ўқиш; ҳар қандай зарур ишни ўз вақтида бажариш, ўз меҳнат натижаларининг юқори сифат даражасини таъминлаш; уй-рўзгор ишларида мунтазам ёрдам бериш; меҳнат фаолиятининг муайян бир соҳасига қизиқиш.

**Интизомлилик:** ўқувчилар қоидаларга ҳар куни ва ҳамма жойда риоя қилиш; катта кишилар буюрган ишларни тез ва аниқ бажариш; коллективда интизомнинг юксак даражада бўлиши учун курашиш; Совет давлати қонунларини билиш ва уларга риоя қилиш.

**Масъулият:** ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш; олинган мажбурияtlарни ўз вақтида аниқ бажариш; бошланган ишни охирига етказишини одат қилиш; ўз қилмишлари ва ўртоқларининг қилмишлари учун жавоб беришга тайёр туриш.

**Принципиаллик:** қарашлар ва эътиқодларнинг барқарорлиги; ўз фикр-мулоҳазаларини очиқдан-очиқ айтиш ва ўз фикрини ҳимоя қилиш одати, ўз-ўзини танқид қила олиш; ўртоқларининг хатти-ҳаракатларига объектив баҳо бериш қобилияти; жамоат тартибларига зид бўлган хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлиш.

**Аниқ мақсадга интилиш:** конкрет катта ишларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиш; шу мақсадни амалга ошириш учун курашда қатъиятли бўлиш; ўз идеалига содиқ қолиш.

**Активлик:** синф ва мактабнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш: ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатиш; оптимист бўлиш; камчиликларга ўтмиш сарқитларига қарши кураш олиб бориш.

**Қизиқувчанлик:** ўқимишли бўлиш: билим доирасининг кенглиги; фан ва техниканинг турли соҳаларида ўз билимини муутазам ошириб бориш; дарсни қолдирмай қатнашиб бориш.

**Эстетик камолат:** озода кийинниб юриш; юксак нутқ маданияти ва намунали хулқ-атворга эга бўлиш; қўшиқ айта олиш; рақсга чиройли туша олиш маҳоратига эга бўлиш; театрларга, кўргазмаларга, концертлар ва ҳоказоларга муутазам бориб туриш; адабиёт ва санъатнинг машҳур асарларини билиш ва тушуниш, гўзаллик яратишга ҳаракат қилиш.

**Жисмоний камолотга интилиш:** хушбичим қоматга эга бўлиш; ҳар куни эрталаб жисмоний машқлар қилишга одатланиш; ГТО нормаларини муваффақиятли топшириш; спорт секциясида муутазам шуғулланиш; жисмоний тарбия дарсларига актив қатнашиб, уни яхши ўзлаштириш.

**Ишнинг бориши.** Юқоридаги ҳар бир кўрсаткич чегарасидаги баҳо мезонларидан фойдаланган ҳолда студентларга ўқувчиларнинг тарбия даражасига қараб ўзларига ўзлари баҳо беришни таклиф қилиш. Бунинг учун X—XI синф ўқувчилари учун тайёрланган материални асос қилиб олиш. Сўнгра натижаларни жадвалга кўчириш.

Тарбияланганлик даражасини аниқлаш вақтида уч хил: юқори (Ю), ўрта (Ў) ва паст (П) баҳолардан фойдаланиш лозим.

У ёки бу курсаткич бўйича студентда (мактаб ўқувчисида) баҳолаш мезонларининг барчаси мавжуд бўлган ҳолларда унга юқори баҳо қўйиш назарда тутилади. Санаб ўтилган кўрсаткичларнинг ярми мавжуд бўлган вақтда ўрта баҳо, уша мезонларнинг ярмидан камроқ қисми мавжуд бўлганида — паст баҳо қўйиш керак.

Фамилияси	Батапарварлик	Коллективчалик	Нисонпарварлик	Халдлик	Мелитга ҳадол муносабатда бўлин	Интиромалик	Масрунлик	Принципиалик	Моҳсодга интилиш	Активлик	Қизиқувчаник	Эстетик камолот	Жисмоний камолотга интилиш	Интернационализм

Топшириқлар бажарилгач, студентларга группадаги ўқувчиларнинг баҳоларини кўрсатиб ўтилган кўрсаткичлар бўйича умумий миқдорини ҳисоблаб чиқиш таклиф қилинади ҳамда ҳисоблаш натижалари жадвалга ёзиб қўйилади.

Мана шу жадвалдаги маълумотлар асосида группанинг умумий тарбияланганлик даражаси тўғрисида холоса чиқарилади (бунда студентлар группасининг тарбияланганлик даражаси тўғ-

Тарбияланган- лик кўрсат- кичлари	Ўқувчилик сони			Камолот даражаси		
	юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
Вазтанпарварлик Коллективчилик Иртернационализм Инсоимпарварлик Ҳалоллик Меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш Интизомлилик Активлик Психицизмлик Мақсадга интилиш Кизиқувчаник Эстетик камолот Жисмоний камолотга интилиш						

рисидаги хуносаси намуна ўрнида хизмат қиласди. Бўлажак ўқитувчи шунга қараб синфнинг тарбияланганлик даражасига баҳо қўймоғи керак).

Тарбияланганлик даражасини аниқлаш методикаси ўқувчилар тўғрисида маълумотлар олиш учун ҳар хил усуллардан фойдаланиши назарда тутади. Масалан, ростгўйлик, сўз билан ишнинг бирлиги, тўғрилик ва шу сингари ўқувчилар ҳалоллигини белгиловчи кўрсаткичларни аниқлаш учун кузатиш, суҳбат ўтказиш, анкета тарқатиш, ишо олиш ва шунга ўхшаш усуллардан фойдаланиш мумкин.

**Азаров Ю. П.** Искусство воспитывать.— М.: Просвещение.— 1985.— Гл. З. 280—364- бетлар.

**Бэгсловский В. В.** Психология воспитания школьника.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1974.

**Божович Л. И.** Личность и её формирование в детском возрасте.— М.: Просвещение, 1968.

Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979.

**Крутецкий В. А.** Психология обучения и воспитания школьников.— М.: Просвещение, 1976.

**Монахов Н. И.** Изучение эффективности воспитания: Теория и методика.— М.: Педагогика, 1981.

**Мудрик А. В.** О воспитании старшеклассников.— М.: Просвещение, 1981.

Проблема управления процессом воспитания.— М.: Педагогика, 1971.

**Рувинский Л. И., Соловьева А.** Психология самовоспитания.— М.: Просвещение, 1982.

**Рувинский Л. И.** Психологопедагогические проблемы нравственного воспитания школьников.— М.: Педагогика, 1981.

**Сазонов А. Д.** Профессиональная ориентация учащихся в советской школе.— Челябинск, 1974.

**Тонков Е. В.** Теория управления процессом нравственного воспитания.— Курск, 1974.

**Филонов Г. Н.** Воспитание личности школьника.— М.: Педагогика, 1985.

**Чудновский В. Э.** Нравственная устойчивость личности школьника.— М.: Педагогика, 1981.

### Студентларнинг мустақил ишлари учун топшириқлар

#### Адабиётлардан аннотация тузиш ёки конспект олиш

**Божович Л. И.** Психологические закономерности формирования личности в онтогенезе // Вопросы психологии.— 1976, 6-сони.

**Психология формирования и развития личности.**— М.: Наука, 1981.

Психолого-педагогические проблемы становления личности и индивидуальности в детском возрасте // Научные труды НИИ общей педагогики АПН СССР.— М.: 1980.

Психологические основы формирования личности в педагогическом процессе.— М.: Педагогика.— 1981.

### Реферат ёки докладнинг темалари. Адабиётлар

#### 1. Болаларга ахлоқий тарбия беришнинг психологик асослари

**Бардиан А. М.** К вопросу о психологической основе формирования моральных навыков и привычек школьников // Учён. зап. Московского пед. ин-та им. В. И. Ленина,— 1971.— Т. 396.

**Божович Л. И., Конникова Т. Е.** О некоторых психологических закономерностях нравственного развития и воспитания школьника. // Нравственное формирование личности школьника в коллективе.— Л., ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976, Вып. 3.

**Братусь Б. С.** Психологические аспекты нравственного развития личности.— М.: Знание, 1977.

**Давлетшин М. Г.** Психологические основы нравственного воспитания // Коммунистическая нравственность и формирование личности.— Ташкент, 1975.

**Кабатченко М. В.** Психолого-педагогический анализ нравственного сознания и поведения подростков // Советская педагогика.— 1976, 9-сони.

**Рувинский Л. И.** Психолого-педагогические проблемы нравственного воспитания школьников.— М.: Педагогика, 1981.

**2. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атеорларини уларнинг ўзлари томонидан мувофиқлаштириб туришнинг олий формаси сифатида**

**Кочетов А. И.** Как заниматься самовоспитанием.— Минск, 1985.

**Рувинский Л. И., Ареф А. Я.** Самовоспитание школьников.— М.: Педагогика, 1976.

**Сухомлинский В. А.** Воспитание и самовоспитание // Советская педагогика.—1965, 12- сони.

### **3. Тарбияси қийин болаларни қайта тарбиялашнинг психологик асослари**

**Қочетов А. И.** Перевоспитание подростка.— М.: Педагогика, 1972.

**Иванова В. Ф.** Психологические основы перевоспитания «трудных» подростков // Методика воспитательной работы в школе.— Владивосток, 1976.

**Махов Ф. С.** Особенности межличностного общения педагогически запущенных подростков // Советская педагогика.—1978, 5- сони.

**Медведев Г. П.** Об особенностях педагогически запущенных детей // Советская педагогика.—1966, 10- сони.

**Невский И. А.** О трудных школьниках// Советская педагогика.—1969, 7- сони.

**Перфильевская Д.** Так называемые трудные дети. // Народное образование.—1966, 4- сони.

**Щекочихин Ю. П.** Трудный подросток.— М.: Знание, 1979.

### **4. Мактаб ўқувчисининг ўзига-ўзи баҳо бериши ва унинг тарбиявий аҳамияти**

**Андрющенко Т. Ю.** Психологические условия формирования самооценки в младшем школьном возрасте // Вопросы психологии.—1978, 4- сони.

**Зак А. З.** Экспериментальное изучение рефлексии у младших школьников // Вопросы психологии.—1978, 2- сони.

**Кон И. С.** Какими они себя видят.— М.: Знание, 1975.

**Липкина А. И.** Самооценка школьника.— М.: Педагогика, 1976.

**Сафин В. Ф.** Устойчивость самооценки и механизм её сохранения у школьников // Вопросы психологии.—1975, 3- сони.

**Спичак С. Ф.** Обзор экспериментальных работ по изучению самооценки личности // Социально-психологические проблемы формирования личности и учебно-воспитательного коллектива: Межвузовский сб. науч. тр.— М.: МГПИ им. В. И. Ленина, 1975.

### **5. Оиласвий тарбиянинг психологик хусусиятлари**

**Азаров Ю. П.** Педагогика семейных отношений.— М.: Знание, 1977.

**Петровский А. В.** Дети и тактика семейного воспитания.— М.: Знание, 1981.

**Макаренко А. С.** Воспитание в семье и школе // Соч.— М.: АПН РСФСР, 1957.— Т. 4.

**Храпов В.** Родители просят совета.— М.: Знание, 1983.

**Тимошенко Л. И.** В семье растёт дочь.— М.: Знание, 1978.

Қүйида конкрет педагогик ҳолатлар ифодаланган текст парчалари келтирилади. Уларни диққат билан ўқиб ва ҳар бир текст-нинг охирида келтирилган саволларга жавоб беринг.

### 1-масала

Бугун группада ЧП — фавқулодда ҳодиса юз берди. Петянинг ручкаси йўқолиб қолди (у жуда чиройли, болаларнинг ҳеч бирида бунақаси йўқ эди). Петянинг бувиси ручкани Юранинг шкаф-часидан топиб олди ва шовқин кўтарди. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Бу вақтда ота-оналар бирин-сирин ўз болаларини олиб кетгани кела бошлаган эди. Менга ана шу ота-оналар ёрдам беришди. Улар Петянинг бувисидан болаларнинг олдида Юрани ҳақорат қилишини тўхтатишни талаб қилдилар. Юра ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, бу ердан чиқиб кетди. Бошқа болалар эса уй-уйларига кетишга ҳозирлик кўра бошладилар. Бу манзара болаларни шу қадар даҳшатга солдики, ҳатто жажжи Галочка йиғлаб юборди.

Уша куни кечқурун Юраларнига бордим. Хонада ҳамма нарсалар тартибсиз, сочилиб ётибди. Маст ота диванда хуррак отмоқда. Юра синглиси билан ошхонага бикиниб олишган. Ўйда на бир китоб, на бир ўйинчоқ куринади. Онаси холсиз кўнгли чўккан ҳолда гапиради. У ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган булиб қолган. Бундай шароитда мен бўлиб ўтган ўғирлик тўғрисида гап ҳам очмадим. Фақат болани яхшилаб ювинтириб, бош-оёқ өзода кийинтириб қўйишини илтимос қилдим. Юранинг уйидаги аҳволни кўрганимдан кейин уни ҳатто ўғирлик қилгани учун койишга ҳам кўнглим бўлмади. Нима қилиш керак?...

Болалар ўртасида ўғирлик тўғрисида гап очдим. Улардан бу ҳақда қандай фикрда эканликларини сўрадим. Ана шундагина ҳамма тилга кириб кетди. Болалар кўнгилларида йиғилиб қолган ҳамма гапларини Юранинг устидан дўлдек ёғдирдилар. Кўз очиб юмгуича ҳамманинг ғазаби ва нафрата битта боланинг устига ёғилди. Юра эса ғужанак бўлиб, жим турарди. Болаларни гапдан тўхтатишга энди ҳаракат қилмоқчи эдим, бироқ Петя бирдан ўрнидан туриб сўз бошлади ва мана шу ручкани Юрага совға қилишини, унга эса отаси яна шунақа ручка олиб беришини айтди. Фақат, Юранинг бундан бўён ҳеч нарсага рухсатсиз ҳеч қаҷон қўл теккизмасликка сўз беришини талаб қилди.

— Юрани эса жазолаш керак эмас,— дея секин илтимос қилди Петя.

Петя ручкасини Юранинг партасига келтириб қўйгач, Юра ҳўнграб йиғлаб юборди.

### Саволлар

1. Петянинг Юрага нисбатан ўзини қандай тутганига баҳо беринг.

2. Петяга худди мана шундай йўл тутиш кераклиги тўғрисида маслаҳат берган катта ёшли кишининг муносабатини сиз қандай баҳолаган бўлардингиз?

3. Мазкур парчани ўқиб чиққандан кейин болалардаги қандай ахлоқий туйғу ва фазилатлар тўғрисида гапириш мумкин?

## 2-масала

«Оиламиизда ишлар чатоқ эди. Отам тез-тез ичиб келар ва уйда тўпалон қилар эди. Мен жуда кичкина бўлган вақтимда онам иккаламиз қўп марта уйдан қочиб чиқиб, қўшиларимизни кида тонг оттирганмиз».

Аввалига ҳаётим мен тенги кишиларнинг ҳаётига деярли үхшайдиган тарзда кечди, яъни беш ёшимгача болалар боқчасига олиб боришарди. Бофчада бир қадар тарбия олгандек бўлдим-у, лекин у ерда нималар бўлганини яхши эслай олмайман. Олти ёшимдан, айтиш мумкинки, менинг ишларим чаппасига кетди. Фалати бир сабабларга кўра мен болалар боқчасидан чиқиб кетдим ва то мактабга боргунимча назоратсиз қолдим. Нега десангиз, ҳар куни уйқудан кўзимни очганимда уйда ҳеч ким қолмаган бўлар эди ва кун бўйин мен ўзимга ўзим хўжайин эдим: ниҳимани хоҳласам, шуни қилар эдим. Ота-оналарим гарчи мендан кўз-қулоқ бўлиб туришин қўшиларимиздан илтимос қилишган бўлса-да, лекин улар менга қарашмасди. Сирасини айтганда, худди мана шу даврда мен биринчи марта пулнинг нималигини англаб олдим. Уйимизнинг ёнгинасида аҳолига манший хизмат курсатиш комбинати жойлашган эди. Барча «беъмани идоралар» да бўлгани сингари бу ерда ҳам шофёр ва механиклар ичкилиқ ичишини яхши кўришарди. Бекорчиликдан уларнинг атрофида сандирақлаб юрардим, чунки бошқа борадиган жойим, қиладиган ишим йўқ эди. Ичкиликтан бўшаган шишаларни йиғишириб сотишдек мазахўракка ўрганиб олдим. Магазин ҳам шундоққина ёнимизда бўлиб, ҳар қанақа шиша идишларни қабул қилаверар эди. Бундан ҳам маза иш бўладими?! Тушган пулларга конфет ва бошқа ширинликлар олиб ер эдим...

Мен IV синфга ўқишига борган йилим ота-онам ўртасида катта жанжал бўлди ва онам ажралиш учун ариза берди... Биз бошқа шаҳарга кўчиб кетдик. У ерда бироз муддат бекор юрдим... Ота назорати бўлмаганидан кейин баъзи номақбул ишларга ҳам қўл урдим...

...Менинг отам билан онамга билдирадиган ёлғиз норозилигим шундан иборатки, улар 12 ёшдан 15 ёшга еткунимга қадар менга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиқ қўллик қилишди. Ўзим учун қора кунлар деб ҳисоблайдиган ўша кезларда мени жуда қўп марта камар билан уришган. Мактабда бир гуноҳ қилиб қўйсам ҳам, уйга келганимдан кейин болаларга хос бироз шўхлик қилсан ҳам камар билан уришарди. Гоҳо бекордан-бекорга ҳам уришаверарди. Ушанда уриш ўрнига, мен билан яхшиликча, ширин муомала қилиб гаплашиб қўяқолишига, олам гулистон эди.

Ун бешга тұлғанимдан кейин мені күчадаги ҳаёт — катта кишилар ҳаёти унча-мунча қызықтыриб қолди. Мен энді кино ва танцаларға боришини истар әдим, лекин менға илгаригидек рухсат беришмасди. Күнлардан бир күн кечқурун 1975 йилнинг декабрида мен онамга мактабимизда кеча бўлишини ва ўша кечага бориб келишим кераклигини тушунтирдим. У менға қатъий равишда боришини ман этди. Шундан кейин ўзимни тутиб турға олмадим ва мактаб кечасига барибир боражагимни айтдим. Отланниб, кийиниб уйдан чиқмончи бўлганимда онам менинг ўйлимни тўсди. Биз у билан яхшигина гаплашиб олдик: аввалига мулоимлик билан гаплашган бўлсан, кейин кескин оҳангда гаплаша бошладик. Кейин мен уни ўзимдан нари итариб юбордим ва югуриб кўчага чиқиб кетдим. Хўш, нима учун мен мана шу ҳодисани барча тафсилотлари билан эсимда сақлаб қолдим? Чунки, менинг назаримда, ўша кунги воқеа менинг ўз оилас билан муносабатларимни белгиловчи бир чегара — фоят кескин чегара бўлиб қолган эди. Чунки ўша воқеадан кейин мен ота-онамнинг масла-ҳатларига шунча камроқ қулоқ сола бошладим, ўзим қандай иш қилишни лозим деб топсам, шундай қила бошладим...»<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Ўсмир ёзган иншода унинг шахсига хос бўлган қандай хусусиятларнинг вужудга келиши кўзга ташланади?
2. Ўғилларининг дунёкараши, характер белгилари ва ҳаётга муносабати таркиб топиши ва ривожланишида ота-онанинг муносабатига баҳо беринг.

## З-масала

«Эски Мосқвадаги бир уй. Унинг олдидаги кичкинагина ҳовлига асфальт ётқизилган. Ҳовлида деярли кўкат кўринмайди. Бу ерда болалар ҳозир кўпчилик унтиб юборган ўйинни; бекинма-чоқнинг мураккаблаштирилган варианти бўлган «Ўн икки таёқча» деб аталадиган ўйинни ўйнашарди. Иккинчи қаватдаги деб раза очилиб ундан аёл кишининг овози эшитилади:

— Вовочка, уйга кир, овқатинг пиши!

Чурқ этган жавоб бўлмайди. Яна бояги овоз эшитилади:

— Шўрванг совиб қолди, Вовочка. Дарров уйга кир!

Бир тўда болалар орасидан юzlари сарғиш, сепкилли бир ўсмир ажralиб чиқади-да, юқорига қараб бақиради.

— Овқат емайман! Егим келмаяпти. Бўлди, бошқа чақирманг.

— Вовик, сен бугун нонуштада ҳам ҳеч нима еганинг йўқку! Мен сени пойлаб ўтираман. Жон болам, уйга кира қол. Сендан илтимос қиласман, Вовочка!

Яна жимжитлик. Вовочка (унинг кўчадаги лақаби Японец) тирноқлари билан деворнинг цемент сувофини кавлаб ўйнай бошлиди ва ниҳоят бир қарорга келади:

<sup>1</sup> Шекочихин Ю. П. Трудный подросток.— М.: Знание, 1979.

— Шўрвани шу ёққа узатиб юбора қолинг! Мен шу ерда ичаман!

— Вовочка, бу нима деганинг? Ундаи қилиб бўлмайди, ахир... Бу жуда ноқулай-ку! Нега сен бундай... Яхши, яхши, мен ҳозир коса олиб чиқай.

Аёл ён босади. Ён босмай ҳам иложи қанча. Янги буйруқ она ни деразадан бошини чиқаришга, болани эса дераза тагига яқинроқ келишга ундейди.

— Шўрвани шу ердан арқонга боғлаб туширинг.

Болалар ҳангуманг бўлиб қолдилар: қани нима булар экан?

— Японец, нима сен жинни-нинни бўлмаганмисан? Ҳозир бир уриб тумшуғингни ёрайми...— деди болалардан бири.

Бунга жавобан калондимоғлик билан шундай сўзлар эши тилди:

— Сен шошмай тур, ҳозир нима бўлишини кўрасан, кейин нима дессанг деявер.

Ўғил ўз онасининг феълини яхши билар эди. Орадан сал вақт ўтмай, усталик билан чамбаракка ўрнатилган бир коса шўрва арқончага боғлаб секин-аста деразадан пастга қараб туша бошлади ва тўппа-тўғри дераза тагида чордана қуриб ўтириб олган боланинг тиззасигача етиб келди, оппоқ салфеткага ўралган нон билан қошиқ ҳам худди шу йўл билан пастга туширилди. Шундан кейин бола ялқовлик билан шўрвани шу ернинг ўзида ича бошлади ҳамда ҳайрон бўлган ўртоқларининг гап сўзларига жавобан ғурур билан шундай деди:

— Менинг онам шунаقا, ўргатилган оналардан... У сенларнинг оналарингга ўхшамайди!

Шундан кейин болалардан бири — Борка чидаб тура олмади ва унга қараб: «Сен ҳали шунаقا абраҳимисан!»— деди-да, у ичайтган косани бор кучи билан тепиб юборди ва юз-кўзига бир неча тарсаки урди. Вовка эса хўнграб йиғлаганча уйига қараб югурди... Болалар эса иккинчи қаватга хавотир билан қарай-қарай, ҳар ёққа тарқалиб кетишиди<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Боланинг хулқ-атворида қандай характер белгилари кўзга ташланади?

2. Она муайян характер белгиларини шакллантиришга сабабчи бўлдими? Унинг қандай хатти-ҳаракатлари бунга йўл очди? Исбот қилиб беринг.

## 4-масала

Фёдоров дарсларни тайёрламай келарди. Буни нега шунақалиги ҳаммага аён эди. У жавоб бериш учун чақирилганда бир неча оғиз сўзни ишончсизлик билан, тутилиб-тутилиб айтарди-да,

<sup>1</sup> Петровский А. В. Дети и тактика семейного воспитания.— М., Знание, 1981.

кейин гапидан адашиб кетиб, индамай тураверарди. Бундай вақтларда унинг пешонаси тиришиб кетарди. Нуқул чаккаларини ишқалайверарди, лекин барибир ҳеч нарса эсига келмай жим тураверарди. У жавоб бермаётгани учун ўзидан, билса ҳам унга айтиб турмаётган қўшниси Ленадан, тарих дарсида саволлар беравериб, унинг фикрича, кўп нарса биладиган мендан ҳам хафа бўлиб кетарди. Ниҳоят, бир кун унинг фигони фалакка чиқди: «Мана шу тарих дарси нима учун керак?! Сира ақлим етмайди,— деди у,— мана химия ёки физикани олсак, буларни фан деса бўлади. Нега десангиз, булар келажакнинг фанлари, уларга кетган кучингга, вақтингга ачинмасанг ҳам бўлади. Ўтмишни билиш учун архив ҳужжатларини титкилаб, чангга ботиб юришдан нима фойда? Аллақачон ўтиб кетган кунларни билишнинг нима кераги бор? Айтайлик, Тутанҳамон деган подшо қайси асрда хукмронлик қилганларини кимдир билмай қолса, осмон узилиб ерга тушадими? Ахир унинг ҳатто номини айтишга ҳам одамнинг тили келишмайди-ку!»

Бу гапни эшишиб нима ҳам дейиш мумкин. Ўқитувчига ҳам бундай сўзларни эшитиш жуда ноқулай. Лекин, барибир мени Фёдоровнинг ўзидан кўра унинг ёнида, бир партада ўтирадиган ўртоғининг сўзлари кўпроқ хафа қилди...

— Сен аҳмоқ бола экансан. Сен нималар деб валдирадинг,— деб танаффу пайтида Фёдоровни уриша кетди, ўртоғи.— Мана энди бошингда калтак синади. Ҳали қараб тургин мактабга онангни ҳам чақиришишади.

— Лекин мен тўгрисини айтдим, чиндан ҳам тарихни яхши кўрмасам нима қиласай?— деб қизишар эди Фёдоров.

— Уни қаранглар, яхши кўрмас эмишлар...— деб киноя қилди, партадош қўшниси.— Нима, сен ўйлайсанки, мен у фанни яхши кўраманми? Нима бу дарслар сенга морожнимидики, яхши кўрасан? Фанларни яхши кўриш керак эмас, уларни ўрганиш керак, тушундингми?

Шундай деб, у кўрсаткич бармоғ билан маъноли қилиб Фёдоровнинг бошига туртиб қўйди.

— Бу фанлар бизга ўҳшаган тентаклар томонидан тўқиб чиқарилган нарсалар эмас,— деб гапида давом этди ўртоғи.— Сен, ҳар қалай физика билан химияни яхши кўрар экансан-ку, мен бўлсам уларни ҳам яхши кўрмайман. Мен фақат мактабни битириб олсам бўлди, у ёғини ўзим биламан. Мен бу фанларни жинимдан ҳам ёмон кўришимни билсанг эди! Мен ўзимни шундай тутаялманки, гўё уларнинг ҳаммасини яхши кўрадиганга ўҳшайман.

— Хўш сенингча, энди нима қилишим керак?— деб сўрайди ўзини бироз босиб олган Фёдоров.

— Буни ёш бола ҳам билади,— деб мийигида кулди ўртоғи.— Боргинда, кечирим сўра, қизишиб кетдим, ўйламай гапириб қўйдим, мени кечиринглар дегин.

— Лекин мен тўғри бориб шундай деб олмайман... Ўша дарсни яхши кўрмаганим учун мен айбордor эмасман-ку, ахир...

— Сени буннинг учун уришмайдилар — сен аҳмоқ бўлганинг учун уришадилар. Ер юзида одам яхши кўрмайдиган нарсалар озмунчами? Сен нимани яхши кўришинг билан кимнинг неча пуллик иши бор. Эсингда бўлсин: тез орада бизларга характеристика ёза бошлашади. Умуман олганда бир марта бориб кечирим сўраб қўйсанг ёмон бўлмасди. Эгилган бошни қилич кесмайди, дейишади-ку, ахир.

... Лекин барибир Фёдоров кечирим сўраш учун қайтиб бормади»<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Юқорида келтирилган эпизодда ўқувчиларнинг характеристига мос белгилар кўзга ташланиб туради. Сиз бу белгиларни қандай терминлар билан ифодалаган бўлардингиз?

2. Мазкур шароитдаги ўқувчилар хулқ-авторини ва уларнинг муносабатларини муҳокама қилинг ҳамда ҳар бир ўқувчининг характеристери бундан кейин қай тарзда ривожланиб бориши мумкинлигини олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилинг.

### 5-масала

Агар ота-оналар ўз фарзандларига бирон нарса ваъда қилгудек бўлсалар, албатта, ўз ваъдаларини бажаришлари шарт эканлиги тўғрисида ҳамма ёқда ёзишади. Менинг онам эса бошқача йўл тутади. У менга портфель сотиб олиш учун тўрт сўм берди. Мен ундан: «Менга колготки ҳам олиш учун яна озгина пул бермайсизми? — деб сурадим. Онам рози бўлди, лекин эртасига менга бундай деб мурожаат қилди: «Тамара менга беш сўмни қайтариб бер. Сен ҳозир колготки сотиб олишинг шарт эмас». Мен пулни қайтариб бердим, аммо шунаقا хафа бўлдим-ки, ҳатто ҳўнграб йиғлаб юбордим. Буни кўриб онамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди ва менга қараб: «Мен сенда виждон бор деб ўйлаган эдим! Сен виждонсиз экансан», — деди-да пулни стол устига ташлаб чиқиб кетди. Лекин мен бу пулга қўлимни ҳам теккиэмадим. Дугонам мени огоҳлантириб қўйди: «Онанг бу пулни қайтариб олади», — деди. Лекин онам бундай қила олмаслигини билар ва бунга қаттиқ ишонар эдим. Лекин маълум бўлишича онам ҳар нарсага қодир экан, мен адашган эканман. Модомики, сен берган ваъдангни устидан чиқа олмас экансан, яхшиси ваъда бермай қўяқол. Айтинг-чи, бизнинг қайси биримиз ҳақмииз<sup>2</sup>.

### Саволлар.

1. Мазкур вазиятда Тамара билан унинг онаси ўртасидаги муносабатларга баҳо беринг.

2. Сиз мактуб муаллифига қандай жавоб қайтарган бўлардингиз?

<sup>1</sup> Залипаев В. П. Записки сельского учителя.— М.: Знание, 1982.

<sup>2</sup> Могилевская Г. Л. Дети и деньги.— М.: Знания, 1977.

«Бир неча йил мұқаддам мен ишлайдиган мактабга янги үқитувчи келди. Бу үқитувчini танир әдим. У үқитувчilar малакаси니 ошириш институтida лекция үқиp әди. Мен унинг лекцияларida бўлиб, унинг ақлига, билим доирасининг кенглигига, ажоёуби хотирасига қойил қолган әдим. Мени бироз ўйлантириб қўйган нарса битта, у ҳам бўлса, ушбу үқитувчининг кейинги йилларда бир нечта мактабда ишлаб кетганлиги әди. Дунёда ҳар хил ишлар булади,— деб мен үзимни-үзим тинчлантиридим,— болалар учун бундай педагог бамисоли бир ҳазина, биз үқитувчilar ҳам унга эргашиб, ундан кўп нарсани үрганишимиз мумкин» Орадан бир ой ўтди. Ӯша үқитувчи ишлайдиган учта 9-синф журнallарини «икки» баҳолар босиб кетди. Үқитувчи ва ота-оналар ташвишга тушиб қолдилар. «Ҳечқиси йўқ,— деб юпатишиди уларни,— у жуда талабчан үқитувчи, ҳар бир бола унинг талаби даражасига усиб чиқса кошкйди. Кўяверинг, шундай бўлса, болалар кўпроқ ҳаракат қиласдилар». «Хўш, болалар-чи? Улар бунга қандай муносабатда бўлдилар? Аввалига улар кутубхонага тез-тез кирадиган бўлиб қолишиди. Тобора кўпроқ китоб үқишини одат қилишиди. Үқитувчининг оғзидан чиқсан ҳар битта сўзни дафтarlарига ёзиб оладиган бўлдилар. Бирор фикрни нотўғри айтиб қўйишдан кўрқиб дарсларда чурқ этмай утирадиган бўлдилар. Кейинроқ бироз дадилланиб, берилган саволларга жавоб қайтарадиган бўлдилар. Бирор масалада ўз фикр-мулоҳазаларини айта бошладилар. Бунга жавобан эса үқитувчидан шундай дашном эшитдилар:

— Шу гапни айтиш учун қўл кўтариб жавоб бериш шарт эмас әди.

— Сенинг бу фикр-мулоҳазаларинг икки пулга қиммат.

— Бу гапнинг эса мутлақо аҳмоқлик.

Шундай қилиб дессангиз, үқитувчи билан үқувчilar орасида аллақандай бир бўшлиқ пайдо бўлди.

Кунлардан бир кун у ҳаммамиз ҳурмат қиласдиган Юра С. ни доссага чиқарди. Юра алланарса деган әди, унинг гапи үқитувчининг дидига мос тушмади. Үқитувчи жуда ўткир киноя билан болани шунақсанги узиб олдики, бунга асло чидаб булмас әди. Синфда гўё портлаш юз бериб, ҳамма оёққа турди. Үқитувчи бир болани чиқариб дарсни сўраса — билмайди, иккинчи болани ўрнидан турғизиб сўраса — билмайди ва ҳоказо. Биринчи чорак шу алпозда тамом бўлди. Чорак якуни бўйича педсовет чақирилди. Янги үқитувчига шундай савол билан мурожаат қилдик: «Нима учун Юрага «икки» баҳо қўйдингиз! Бу «икки» баҳони тузатиш учун у нима қилмоғи керак?». Берилган саволга үқитувчидан шундай жавоб олиндикни, бунақасини мактабимиз тарихида ҳеч қачон эшитмаган әдик. «Мен Юрангиз ким эканлигини эслолмайман. Лекин мана шу олган баҳоларига қараганда, уни тузатиш тўғрисинда гап ҳам бўлиши мумкин эмас», — дейди үқитувчи.

Аҳвол кундан-кунга ёмонлашиб борди. Ҳамкасбимиз ўртоқла-рининг фикр-мулоҳазаларини эшитишни ҳам истамасди. Болалар

тұғрисида үқитувчилар, шу жумладан, синф раҳбари фикр билдирганды қаттық хафа бўлди. Охири нима бўлди денг? Ноябрь ойига келиб үқитувчи синфдан воз кечди... Йил охиринга бориб мактабдан бутунлай кетди<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Педагог муваффақиятсизлигининг сабаби нимада?
2. Үқитувчининг бундай муносабати үқувчиларга қандай йўналишда таъсир кўрсатади, бундай муносабатнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Вазиятни юмшатиш учун сиз қандай йўл тутишни таклиф қилар эдингиз?

## 7-масала

«... Қунлардан бир кун Заполярьеда жанговар шон-шуҳрат жойлари бўйлаб походга чиқилган вақтда шундай бир воқеа содир бўлди. Қаҳратон январь изгирини авжга чиққан эди. Бизнинг йулимиз шон-шуҳрат водийси орқали — яъни Мурманскка интилган фашист қўшинлари тўхтатиб қолинган район орқали утар эди. Биз ҳайкалга яқиплашиб келдик. Болалар автобусдан истар-истамас туша бошладилар. Улар: «Биз буларнинг ҳаммасини кўрганмиз, бунинг устига совуқ забтига олган, шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас»— дейиши. Мен экскурсаводнинг кўзларига қарашга уялар эдим. У Заполярьеда жанг қилган киши эди. У қўпориш ишларини бажариш учун душман ичкарисига жўнаб кетадиган чанғичиларни тайёрлаш инструктори бўлган. Унинг узи ҳам бундай топшириқларга бир неча марта борган. Албатта, бундай вақтларда ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам топшириқни бажариш учун жўнаб кетиш шарт эди. Икки марта ярадор бўлган. Мана энди, бугунги йигитларни кўриб ёқангни ушлайсан. Ҳозир бу йигитларнинг ёши унинг ўша уруш йилларидаги ёшига баравар. Қаранг, совуқдан қўрқиб ўтиришибди-я!...

Мен шундай фикрга бордим: кўпинча ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг қандай шаклда бўлишини ўзимиз танлаймиз. Бундай тадбирлар үқувчиларда на иродани, на мардликни ва на гражданлик ҳиссини тарбиялайди. Эндиликда эса якшанба қунлари ўтказиладиган сайилларни ёхуд юмшоқ ўриндиқларда ўтириб бориладиган автобуслардаги оддий экскурсияларни ҳам кўпинча походга чиқдик деб гапиришади. Бундай вақтларда болалар ҳеч қандай маشاқват чекмасдан кўп деганда тайёр материални олиб қайтадилар ва ўзларини қидирув ишларида қатнашган деб хисоблайдилар...

Мен үқувчиларимни Шимолга олиб бориб, бир Шимол қишининг «мазасини тотиб кўришлари»га имконият яратишга аҳд қилдим. Биз походимизнинг энг охирги пункти бўлган Новая Тит-

<sup>1</sup> Баранова И. Обратная связь // Вечерний Ленинград—1982, 15 окт.

ровка деган жой билан алоқа йүқлигидан фойдаланиб, болалар ҳузурига келиб бундай дедим: «Машина йүқ, демак: қор босиши ҳам бўлмайди, мана энди үзингиз ҳал қилинг: шундай кетаверамиزمи ёки орқага қайтамизми?» Мурманскка қайтиб боришни ҳеч ким истамасди. Новая Титовкага қадар эса ўн саккиз километр йўл босиши керак эди. Юрдиган йўлимизни қалин қор қоплаган, ҳар биримизнинг елкамизда оғир рюззаклар (уларнинг ичидаги етти қунга мўлжалланган озиқ-овқат ва маҳсус ухлаш қоплари), бунинг устига қўлимизда яна музика асбоблари ҳам бор эди. Узоқ йўл юрдик, лекин ҳеч ким юки оғирлигидан, йўл юриш қийинлигидан шикоят қилмади.

Қош қорайгандаги қишлоққа етиб келдик — шундай чарчаган эдикки, бурнимиздан тортса йиқилгудек эдик. Лекин ҳамманинг кайфияти яхши, руҳи тетик эди. Чунки биз мақсадга эришган ва белгиланган манзилга эсон-омон етиб келган эдик. Бизга илгари ҳеч ким яшамаган бир уччани беришди. Уни үзимиз иситишимизга тўғри келди. Бир пиёла чой ичиб исиниб олишга ҳам улгурмасимиздан бизга «совчилар» келиб қолишиди, гарчи концерт эртага берилиши тўғрисида эълон қилинган бўлса-да одамлар бугунданоқ келиб, клубни тўлдириб ўтиришибди. Ҳаммалари, бугун концерт берилишини илтимос қилиб, бизни клубга таклиф қилгани келишибди. Бизнинг: чарчадик, овозимиз хириллаб қолган, концерт беролмаймиз деган баҳоналаримизни ҳеч ким инобатга олмади. Шундан кейин тезда тайёргарлик кўришга қарор қилдик. Ниҳоят, болалар концерт бериб завқ-шавққа тўлиб, уйга қайтдилар. Уларнинг қўлларида аъло даражада ўтган концерт учун берилган фахрий ёрлиқ бор эди. Уни ифтихор билан қўлдан-қўлга ўтказиб ўқишар эди. Болалар алламаҳалгача ухлай олишмади. Суҳбат Заполярье тўғрисида ўтириб тундра нима эканлигини тасаввур қила олмас эдик, деб қўйишар эди. Кейин суҳбат уруш мавзусига кучди. Кимдир мендан:

— Сизлар турган жойга ўтин-кўмир келтириб беришармиди? — деб сўраб қолди.

— Йўқ, йўл жуда ёмон эди. Уқ-дориларни ҳам жуда қийинчилик билан ташиб келтирас эдик.

— Вой-бў, унда қиши бўйи тоғли тундрада жангчиларимизнинг ҳоли нима кечди экан?

Мен жавоб бермадим. Буни болаларнинг ўзлари тасаввур қилиб кўришсин. Ҳозиргина ўзлари кўрган ўша қаҳрамонлардан бири — бизга эккурсоводлик қилаётган кишидан сўраб кўришсин.

Бу ерда менинг назаримда энг муҳим иш — қимматдорликларни қайта баҳолаш жараёни бошланди. Бундай қарагандаги учалик катта синовга ўхшамай кўринган бугунги поход болаларни урушга, бу ерда жанг қилган ва ғалаба қозонган кишиларга, ўзларига ва ҳаётда ўзларининг тутган ўриниларига бошқачароқ кўз билан қарашга мажбур қилди.

Бу хилдаги қидируг ишлари вақтнинг ақл бовар қилмайдиган даражада тез ўтишини, ўтган замонлар энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини тушуниб олиш имконини беради. Революция ва гражданлар урушида иштирок этган кишилар ер юзида тобора камайиб бормоқда. Улуф Ватан уруши ветеранларининг сафлари ҳам сийраклашиб қолмоқда. Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: шундай кунлар келадики, янги авлод биз дунёда яшаганимиз, ва бутун инсониятни фашизмдан қутқарип қолган кишилар билан дўст бўлганимиз учун ҳам бизга ҳавас билан қарайдилар<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Ҳикояда баён этилган топшириқни бажараётган ўқувчилар қандай ирода сифатларини намоён қилганликларини курсатиб беринг.

2. Мактаб, ўқитувчилар, оила, комсомол, пионер ташкилоти ўқувчиларда қандай асосий ирода сифатларини тарбиялашлари кераклигини санаб беринг.

3. Шахсдаги қайси хусусиятлар унинг активлигини ошириб, ирода сифатларини намоён этишини, бу хусусиятларнинг кундаклик ҳаёт ва турмуш шароитлари билан буларнинг бари онгда акс этиши билан боғлиқ бўлишини исбот қилиб беринг. Бунга ўзингиз кузатиб юрган фактлардан мисоллар келтиринг.

### 8-масала

Психология шуни таъкидлайдики, бола ахлоқий тарбиясининг асосида ундан қимматдорлик ориентацияси ҳамда ҳаётга, одамларга, ишга ва болаларнинг ўз-ўзига бир фаолият субъекти сифатида шаклланган муносабатлар системаси ётади. Мана шу фазилатлар бўлмаса, шахснинг маънавий бойлиги ҳам, жамият фойдасига меҳнат қилиш учун ички эҳтиёж ҳам бўлмайди.

Қўйида келтириладиган ўқитувчи В. Зарипаевнинг<sup>2</sup> ҳаётий воқеалар баён этилган ҳикояларини қунт билан ўқиб чиқинг ва ҳар бир ҳикоядан кейин берилган саволларга жавоб қайтаринг.

### Биринчи ҳодиса

«Биз мактабда кеча ўтказишга тайёргарлик кўтарадик. Ҳар сафаргидек бундай ҳолларда бизга озгина пул керак бўлиб қолди.

— Неча сўмдан йигамиз — деб сўраб қолди синф бошлиғи.

— Беш сўмдан,— деб жавоб берди Игорь ўйлаб ўтирамай.

— Беш сўм жуда кўпллик қилмасмикин?— ишонқирамай сўрадим мен.

— Ҳечқиси йўқ, беришади,— парво қилмай қўл силтади у.— Бундан ҳам кўпроқдан йиққанмиз.

<sup>1</sup> Драницников В. Долиной славы // Правда.—1979, 19 октябрь.

<sup>2</sup> Зарипаев В. Когда хлеб сладок: На темы воспитания // Правда.—1983, 29 сентябрь.

Игорнинг пул масалаларини бу қадар енгил-елпи ҳал қила-  
ётганлиги, очигини айтсам, мени ҳайрон қолдири.

— Айтмоқчи, сенинг ота-оналаринг қанча маош олишади?—  
деб сўрадим қизиқиш билан.

У эса елкасини қисиб:

— Билмайман. Бу сизга нимага керак?— деди.

— Үзинг ўйлаб кўр. Сизларнинг оиласи тўртта бола  
бор. Ҳаммалари ўқишиди. Энди бир тасаввур килиб кўргин-чи,  
агар уларнинг ҳар бири келиб, беш сўмдан пул сўраса нима бў-  
лади...

Шу нарса кишини ҳайрон қолдиради, Игорлар оиласи —  
мехнаткаш оила. Унинг отаси-онаси кичик ёшларидан бошлаб  
мехнат қилишиди. Ҳар бир сўмнинг қадрини яхши билишиди.  
Шундай бўлгач, нима сабабдан уларнинг ўн беш яшар ўғли бу-  
нақангি пулга бепарво, бойвачча бола бўлиб ўсяяпти, нима учун  
у оиласинг муҳтожлиги ва эҳтиёжлари билан қизиқмайди? Афти-  
дан, бу ерда ота-оналар ҳам айрим кишилар ўртасида кенг тар-  
қалган нотуғри фикрда бўлсалар керак: улар, биз бир вақтлар  
муҳтожлик азобини кўп тортдик, биз кўрган азобларни бола-  
ларимиз кўришмасин, десалар керак-да. Шунинг учун ўғиллари  
ёки қизларини уйдаги барча иш ва ташвишлардан озод қилиб қўй-  
ган бўлсалар, ажаб эмас. Шунинг учун ҳам болаларнинг барча ин-  
жиқликларига кўниб, уйда пул етишмаслигини болаларидан зўр  
бериб яширсалар керак.

Яхшиям, бизнинг оиласаримиз тўкин-сочин яшайдиган бўлиб  
қолди. Лекин бизнинг болаларимиз ана шу тўқисликнинг қадрига  
етмай, маблағ масалаларини жуда осонлик билан енгил-елпи  
ҳал этишлари бизни ташвишга солмоқда. Яқинда мен икки ўқув-  
чининг суҳбатлашаётганини тасодифаи эшитиб қолдим. Улардан  
бира:

— Агар хоҳласам — отам эртагаёқ менга мотоцикл олиб бе-  
ради,— деб мақтанарди.

Умрида бир тийин пул топмаган бу болакай отаси ҳеч қачон  
ҳеч нарсани йўқ демай олиб боришига шу қадар ишонарди.

### Иккинчи ҳодиса

«Кунлардан бир кун оналардан биттаси менга ўз қизидан ши-  
коят қилиб қолди:

— Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди. Энг охирги  
модадаги туфли ва шимларни олиб беришни талаб қиласи. Мен  
шунчагина оламан? Ахир менда бунга ўхшаганлардан  
яна иккитаси бор...

Любанинг онаси айтган гапларни эшитиб туриб, бир вақтлар  
уларнинг оиласига борганим эсимга тушиб кетди. Мен ўшанда  
қизининг дарсхонасанини кўроқчи, қаерда дарс тайёрлашини бил-  
моқчи бўлиб, уйда ўзини қандай тутишини, онасига ёрдам бе-  
риш — бермаслигини билиб келиш учун борган эдим. Хўш, ўшан-

да мен нималарни күрган эдим? Стол устида барча дарсликлар, дафтарлар ва бошқа хил нарсалар ҳам аралаш-қураш, сочилиб ётарди. Любанинг шахсий буюмларини у яшайдиган хонанинг ҳамма бурчагидан топиш мумкин эди. Мени ҳаммадан кўра даҳшатга соглан нарса — бу ошхонада тоғ-тоғ ўюлиб ётган ювиқсиз идиш-товоқлар бўлди. Мен Любага танбеҳ бердим, лекин у сираям хижолат чекмасдан:

— Сув йўқ. Ҳали замон ойим ишдан келиб ювиб оладилар..., — деб жавоб берди.

Бир машҳур қушиқда: «Онажонимиз келиб, чеялакни қўлга олиб индамай сув келтирас...» деган мазмундаги сўзлар бор. Бу ерда ҳам ўша қўшиқда куйланган манзарани кўрасиз. Модомики, бу қизнинг ёши салкам ўн олтида. Онаси эса чорвачилик фермасида ишлайди. Кечгача ишлаб, ҳориб-чарчаб келади.

Тўғрисини айтсан, Любанинг кийим-кечак тўғрисидаги ҳархашалари мен учун кутилмаган бир ҳол эмас эди. Унинг бу тантиқлиги, онасининг олдига қўяётган талаблари меҳнатсеварликка умум ишига шахсан ҳисса қўшишга нисбатан ҳамиша тескари келиши ҳаммага маълум. Ҳақиқий меҳнат нима эканини, ҳар бир сўм пул қанчалик қийинчилик билан қўлга киритилишини яхши биладиган одам, одатда камтар бўлади, ортиқча нарсаларни талаб қилмайди.

### Учинчи ҳодиса

«Бир куни дарс пайтида нон тўғрисида гап кетди. Мен ноннинг биздаги энг бебаҳо, қимматли нарсаларимиздан бири эканини исбот қилишга уринар эдим, лекин билишимча буни эплолмаганга ухшайман. Нега десангиз, болалар менинг сўзларимни эшитиб, истеҳзо билан менга қараб тиржайиб туришарди. Демак, гапларим уларга таъсир қилмаяпти.

Уша йили кузда биринчи марта бутун синфимиз билан колхоз даласида ишладик, картошка кавладик. Маълумки, бу осон ишлардан эмас, сермашаққат меҳнат. Ҳар бир туп картошканинг тепасига келиб энгашишинг ва уни бор кучинг билан тортишинг керак, қўлни аяйман десанг иш битмайди. Бунда тупроқ ҳам, лой ҳам бор. Бунинг устига корзинкаларни картошкага тўлдириб хирмонга кўтариб бориш керак. Бир корзинка картошка кўтариш — бу сизга мактабга папка кўтариб бориш эмас.

Ниҳоят, қисқа муддатли танаффус эълон қилинди. Үқувчи-ларнинг қоринлари ҳам очиб, озгина тамадди қилиб олиш учун ўтиришди. Үларнинг бир қулида қора нон бўлса, иккинчи қулида помидор ёки бодринг бор эди. Үлар қулларида бир бурда нонни шу қадар иштаҳа билан ейишардикни, ҳайрон қолдим. Модомики, бу ерда ҳеч қандай тансиқ таом ёки ҳеч қандай конфет ё бошқа ширинлик ейилгани йўқ. Болалар ноннинг қачон мазали бўлишини тушуниб олдилар».

## Саволлар

1. Нима учун ўқитувчи В. Зарипаевни фарзандларимиз пул масалаларини «гоҳо енгилтаклик билан ҳал этишлари бозовта қилиши»нинг сабабларини тушунтириб беринг.

2. «Любанинг тантиқлиги ва талаблари», унинг кийим-кечак бобидаги ҳархашалари, «мехнатсеварликка нисбатан, умумий ишга шахсан ҳисса қўшишга нисбатан тескари пропорцияда эканлиги тўғрисида муаллиф айтган фикрларнинг тўғрилигини муфасал тушунтириб беринг.

3. Болаларни меҳнатга жалб қилиш, уларни катталар бажараётган ижтимоий-фойдали ишларга тортиш — янги инсоннинг аҳлоқий жиҳатдан мукаммал бўлган шахсини шакллантиришнинг муҳим шарти эканлигини исбот қилинг.

### Курсда ўтказиладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Ўз-ўзига баҳо бериш ва унинг ўсмир ўз-ўзини тарбиялашидаги ўрни.

2. Ўқувчиларнинг иродавий активлиги (индивидуал хусусиятлари).

3. Ўқувчилар ўртасидаги зиддиятлар ва уларни ҳал қилиш ўйлари.

4. Масъулият: ўқувчиларда индивидуал хусусиятлар ва уларнинг ривожланиш даражаси.

5. Шахс барқарорлигининг психологик асослари.

6. Совет психология фанида ҳамда тарбия назариясида тарбияланганликнинг диагностика қилиш проблемалари.

### 9- тема. Таълим — одам билиш фаолиятининг маҳсус формаси сифатида

#### Методик кўрсатмалар

Мазкур темани ўрганишдан асосий мақсад, инсон мустақил равишда таълим олишга бўлган интилишининг, унинг ўзидан илгари ўтган авлодлар тажрибасини эгаллаб олишга қаратилган фаолиятининг, жамият моддий ва маънавий маданиятида ўз аксими топган бойликларни билиб олишга қаратилган фаолиятининг маҳсус формаси сифатида таълим олишнинг психологик қонуниятларини очиб беришдан иборат.

Темани ўрганишни таълимнинг психологик назариясига доир методологик саволларни қараб чиқишдан бошлаш керак. Маълумки, одам муайян билим кўнинма, малака ҳосил қилиши учун хулқ-атвор формаларини ўрганиб олиши учун, ижтимоий тажрибадан ташкил топган малакаларнинг асосий ҳажмини эгаллаб олиш учун у ўқув-тарбия системасининг турли соҳалари билан машғул бўлмоғи ва бу ишларга жалб этилмоғи керак. Бундай ҳолларда тегишли бир мазмунни ўзлаштириб олиш бир-бири би-

лан алоқадор бўлган икки жараён: таълим олиш ва ўқитиш жараёнининг натижаси сифатида зуҳр этилади. Фан-техника тараққиёти ҳамда муттасил таълим олиш фояси реализация қилинаётган бир шароитда таълимот инсон социал активлигининг предметли фаолиятнинг субъекти ҳамда ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзини доимий равишда камолга етказишга қаратилган актив социал фаолиятининг мустақил формаси сифатида, кўпроқ аҳамият касб эта боради.

Семинар машғулотларида таълимотнинг социал-психологик моҳияти қараб чиқилаётган вақтда К. Маркснинг фаолиятни маҳсулотлар орқали предметлаштириш тўғрисидаги тезисига ҳамда марксча-ленинча гносеология таълимотидаги билиб олинаётган обьект билан уни билишга ҳаракат қилаётган субъект ўртасида ўзаро актив алоқа мавжудлиги тўғрисидаги фикрга, яъни билим олиш жараёни тўғрисидаги таълимотига алоҳида эътибор бериш лозим. К. Маркс предметлаштиришнинг моҳиятини қўйидаги ёритиб беради: «Одамнинг меҳнат фаолияти унинг маҳсулотига кучади, бу маҳсулот турмуш буюми шаклига киради ёки бошқа бир предметга айланади»<sup>1</sup>. К. Маркснинг ушбу тезиси совет психологи А. Н. Леонтьевнинг асарларида чуқур психологик тарзда шарҳлаб берилди. Инсон таълимотининг табиатини очиб берар экан, А. Н. Леонтьев бундай деб ёзади: «Инсон фаолиятининг маҳсулига эга бўлмоқ учун мазкур маҳсулотга сингдирилган фаолиятга тенг бўлган фаолиятни амалга оширмоқ лозим»<sup>2</sup>. Бинобарин, агар жамият моддий маданиятининг элементлари таълимот предмети сифатида олинадиган бўлса, у ҳолда бу таълимотни эгаллаб олиш учун индивидда жамият томонидан ўша предметлардан фойдаланиш юзасидан қабул қилинган усулларнинг психик механизmlари шакллантирилган бўлмоғи керак. Агар ўқув фаолияти маънавий маданият мазмунини эгаллаб олишга қаратилган бўлса, ундаи ҳолларда индивиднинг шахс онгига тегишли мазмунни қайта тиклаш учун зарур бўлган мукаммал ҳаракат ва операцияларни эгаллаб олмоғи муҳимдир. Чунки, тадқиқотларнинг кўrsatiшича, теварак-атрофдаги воқеликнинг инъикоси инсон билан унинг фаолияти жараёнида обьектив реаллик образини киши онгига актив равишда шакллантиришдан иборат бўлади.

Таълимотни шартли равишда қўзғовчи, программа-мақсадли, ҳаракатли-операцион ҳамда назорат қилувчи-мувофиқлаштирувчи компонент деб аталиши мумкин бўлган структуравий компонентларга ажратилади.

Қўзғовчи компонент билишга бўлган эҳтиёжларни ва шу асосда шакллантирилган ўқув мотивларини ўз ичига олади. Янги билимлар олиш учун бўлган эҳтиёжни билишга бўлган эҳ-

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. // Соч. 2-е изд. 23- том, 191—192- бетлар.

<sup>2</sup> Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии: работы советских психологов периода 1946—1980 гг. / Под ред. И. И. Ильясова, В. Я. Лядис.—М., 1981, 40- ёст.

тиёж мисоли сифатида ва шу асосда вужудга келган мотивни эса билишга бўлган қизиқиш мисоли сифатида кўрсатиш мумкин. Совет психология фанида ўқувчиларнинг эҳтиёж ва мотивацион интилишларига хос хусусиятларни характерловчи жуда кўп маълумотлар мавжуд. Ушбу проблемага бўлган қизиқиш ўзини тўла оқлаган: ҳар қандай фаолиятнинг, шу жумладан, ўқув фаолиятининг асосида ҳам қўзғатувчи компонент ётадики, у барча компонентларга, уларнинг кечиш динамикаси ва ҳосил қилинадиган пировард натижага ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Ўқув фаолияти программали-мақсадли компонентнинг асосий элементи сифатида майдонга чиқади, аниқроғи, уша фаолиятнинг идеал тарздаги пировард натижаси сифатида на-моён бўлади. Ўқув мақсадининг мазмуни ҳамда унинг шаклла-ниш жараёни, аввало, бир қатор вазиятларни ўқувчилар томонидан тўла англаб етилиши билан белгиланади. Ўқувчининг ўқув фаолияти асосида ётган мотивларни, конкрет шароитда ўқув вазияти (вазифаси), конкрет билим олиш шароитида ҳамда ўз фаолиятини муваффақиятли тарзда амалга ошириш учун зарур кўникма ва малакаларга конкрет ўқув шароитида қўйиладиган талабларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Ўз олдига аниқ мақсад қўйиш — ўқув фаолиятини кенгайтира боришдаги муҳим босқичдир. Пировард натижада мўлжалланган мақсадга эришиш учун ҳаракат программасини ишлаб чиқиши, бундай мақсаднинг асосини ташкил этади.

Ҳаракатли-операцион компонент ўқув фаолиятидаги хатти-ҳаракат ва операцияларни ўзида мужассамлаштиради. Бундай хатти-ҳаракат давомида илгари тузиб чиқилган программа амалга оширилади. Ўқув фаолияти структурасида перцептив, мнемик, предметли, нутқли ва ақлий фаолият ҳаракатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўқув фаолиятининг таркиби, аввало, ўқув материалининг мазмуни, ўқув фаолиятининг мақсади, ўқувчилар томонидан ўқув ишлари усусларининг эгаллаб олиш дарражаси муайян педагогик вазиятда ўқувчининг муносабати билан белгиланади. Операциялар ўқув фаолиятини амалга ошириш усули хисобланади. Н. Ф. Тализина таъкидлаб ўтганидек, операцияларни изчил бажара бориш фаолият жараёнини ташкил этади. Ўқув фаолиятини амалга ошириш усуслари қараб чиқилар экан, бу ерда Е. Н. Қабанова Меллер фанга киритган ўқув ишининг усули деган тушунча билан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Ўқув ишининг усули — бу бир қатор ўқув ҳаракатларининг йиғиндиси бўлиб, улар муайян бир системага бирлашади. Мазкур системанинг ишга солиниши қўйилган ўқув мақсадига эришишни таъмин этади.

Ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган, бу фаолиятни баҳолаш, контрол қилиш ва ўз-ўзини мувофиқлаштириб туриш сингари специфик хатти-ҳаракатларни назорат қилувчи — мувофиқлаштириб турувчи компонентни ташкил этувчи элементлар ҳисобланади. Мана шу ҳаракатлар ёрдамида амалга ошириладиган ўқув жараёнидаги ҳосил қилинган натижаларни конт-

рол қилиш ва баҳолаш таъмин этилади. Ҳосил қилингани натижаларни фаолиятнинг мақсади ва кундалик вазифалари билан тақдослаш асосида, агар зарур бўлиб қолса, ўқув ҳаракатлари системаси коррекция қилинади. Дастлабки босқичларда ўқув фаолиятини ўқитувчи баҳолайди ва назорат қилиб боради. Лекин ўқув фаолияти билан шуғулланаётган шахснинг баҳолаш ва назорат қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни эгаллаб олиш даражасига қараб бундай фаолият ўзига-ўзи баҳо бериш ҳамда ўз-ўзини назорат қилиш фаолияти билан алмаштирилади. Бундай ҳолларда ўқиши жараёнида ўқувчилар эгаллаб олган ўқув ишининг усуллари фаолият ориентирлари сифатида майдонга чиқади. Ўқув фаолиятини бошқаришда ўз-ўзини мувофиқлаштириб туриш механизmlарининг вужудга кела боришига қараб, дастлабки вақтларда фақат топшириқларни бажариш натижалари асосида белгиланадиган фаолиятнинг самарадорлиги аста-секин фаолият мақсадини рӯёбга чиқариш учун танлаб олинган усуллар ўша фаолият мақсадига мувофиқ келадими ёки йўқми деган масалага жорий баҳо бериш ишларига кўчириб борилади. Бу тенденция прогноз қилинадиган ўз-ўзини назорат қилишни ривожлантирилишига олиб келади ҳамда ўқишини инсоннинг мустақил равишда ўзи ташкил этадиган ва йўналтириб турадиган фаолиятга айланиб боришидан далолат беради.

Индивиднинг ўқув фаолиятини психологик анализ қилиш ма-на шу ўқув фаолият натижаларини ҳам ўз ичига олади. Шахснинг онгида ва унинг хулқ-авторида содир бўладиган у ёки бу ўзгаришлар ана шу фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Педагогик психологида ўқув фаолияти натижаларининг моҳияти «таълим» деган тушунча орқали ёритиб берилади. Л. Б. Ительсон таълим тушунчасини «жисмоний ва психик фаолият (хулқ-автор)да содир бўладиган барқарор ва аниқ мақсадга қаратилган ўзгаришлар бўлиб, улар илгари амалга оширилган фаолият (ёки хулқ-автор) туфайли вужудга келади, аммо организмда содир бўладиган бевосита туфма физиологик реакциялар орқали вужудга келмайди»<sup>1</sup>, деб таърифлайди. Бинобарин, ўқув жараёнини таълимни мақсад қилган фаолият тури сифатида қараб чиқиш мумкин.

Таълим натижалари тўғрисида гапирганда конкрет ўқув вазияти шароитида киши эгаллаб оладиган билимлар, кўникма ва малакаларнигина санаб ўтиш билан чекланиб қолмаслик керак. Бундай ҳол шу билан изоҳланади-ки, бу ерда ўқув фаолиятининг субъекти сифатида муайян психик хусусиятларга эга бўлган ўқувчининг яхлит бир шахси, бутун бир система майдонга чиқади. Маълумки, у ёки бу системага ҳар қандай йўл билан таъсир кўрсатилиши бутун системанинг ҳолатида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Шунинг учун ўқув фаолияти натижасида кишида илгари мавжуд бўлган билимларга, теварак-атрофдаги

<sup>1</sup> Ительсон Л. Б. Лекции по современным проблемам психологии обучения.— Владимир, 1972, 5-бет.

ҳаётни инъикос этиш усулларига унинг ҳаракат программаларига қўшимча тарзда, таълимнинг бошқа ҳар қандай фактлари вужудга келганда содир бўлгани сингари шахснинг онгида ҳамда унинг психик хусусиятлари мазмунида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Ана шу ҳол индивиднинг узлуксиз таълим олиш жараёнини коммунистик шахснинг таркиб топишида, унинг ахлоқий қиёфаси ва ғоявий эътиқоди шаклланишида муҳим омил, деб қараш учун асос беради.

Тема материалини ўрганиб чиқиш вақтида мактаб ўқувчиси таълим олаётган турли босқичларда унинг шахси шаклланиш жараёнига таълимнинг таъсири тўғрисидаги масалани қараб чиқиш керак. Бу ерда икки момент муҳим ҳисобланади: биринчиси таълим натижасида эгаллаб олинадиган билимларнинг шахс фаолиятига ва унинг хулқ-авторига бундан буён кўрсатадиган таъсири спецификасини аниқлашдан иборат; иккинчиси таълим давомида ўқувчидаги пайдо бўладиган янги хусусиятларнинг ҳамда психик инъикоснинг ва хулқ-авторни мувофиқлаштириб туришнинг илгари мавжуд бўлган механизмларини такомиллаштириб бориш жараёнида бундай хусусиятларнинг вужудга келиш шароитларини ўрганиб чиқишдан иборатdir.

Ҳозирги вақтда шу нарса исбот қилинганки, эгаллаб олинган билимларнинг шахсга қай даражада таъсир кўрсатиши ўша билимлар қандай ўзлаштириб олинганига боғлиқ экан. Билимлар турли даражада ўзлаштириб олинган бўлиши мумкин. Бу эса: а) ҳодиса тўғрисида янги олинган ахборотни илгари мавжуд бўлган шўхидаги ахборотга яқинлаштириш; б) илгари ўзлаштирилган ахборотни қайта тиклашга таянган ҳолда воқеа-ҳодисани баён этиш; в) ҳодисанинг моҳиятини белгилаб берадиган энг муҳим хусусиятлар, алоқа ва муносабатлар ўз аксини топган тегишли шунга ўхшаш ҳодисанинг шахс онгида (зарур бўлган ҳолларда эса унинг амалий фаолиятида) қайта тикланадиган образи (ёки модели) дан фойдаланган ҳолда содир бўлаётган воқеаларни изоҳлаб бериш; г) предмет ва ҳодисаларни фаолият вазифаларига мувофиқ равишда қайтадан ўзгартириб боришни амалга ошириш ва бунинг учун шу мақсадда илгари эгалланган билимларни ривожлантириб бориш имконини беради. Масалан, материалларнинг пластик хусусиятга эга эканлиги ҳодисаси тўғрисидаги билимлар, дастлабки босқичда эгаллаб олинганилиги түфайли пластик материални пластик бўлмаган материалдан фарқ қилиш имконини беради. Иккинчи босқичда — пластик материалларнинг баёнини бериш мумкин. Учинчи босқичда — пластиклик сабабларини изоҳлаш, тўртинчи босқичда — ўша материалнинг ички тузилишини зарур тарзда ўзгартириш асосида материалнинг пластиклигини ошириш имконини беради. Биринчи босқичда ўзлаштириб олинган билимлар таништирувчи билимлар, иккинчи босқичда эгаллаб олинган билимлар нусха кўчирувчи билимлар, учинчи босқичдаги билимлар — кўникма билимлари, тўртинчи босқичдаги билимлар — трансформация билимлари деб аталади. Ўз-

лаштириб олинган билимларнинг функционал имкониятлари ўрта-  
сидаги фарқлар материалнинг хусусиятига қараб, ўқувчининг ўкув  
вазиятидаги позициясига қараб — ўқувчидан ҳәёттй масалаларни  
баён этиш, изоҳлаш ва уларни ўзгартириш усуслари қай даражада  
шаклланганлигига қараб белгиланади.

Ўқув жараённда ҳосил қилинган билимлардан ташқари ўқувчи  
шахсини шакллантиришга ўқув фаолиятининг ўзи ҳам таъсир  
кўрсатади, чунки бу фаолиятни ўзлаштириш ва амалга ошириш  
ҳам психиканинг муайян даражада ривожланган бўлишини та-  
қозо этади. Ўқув фаолияти жараённда ўқувчи ўқитувчи раҳбар-  
лигига ўқув фаолиятининг барча компонентларини эгаллаб ола-  
ди. Бу ўқувчининг ўқув субъекти сифатида қарор топишига шарт-  
шароит яратади. Бунда хулқ-авторни ихтиёрий равишда мувофиқ-  
лаштириб туришнинг психик механизмлари, фаолиятни олдиндан  
планлаштириш ва жорий контролни амалга ошириш, муносабат-  
ларни ињикос этиш механизмлари ўқувчилар. хулқ-авторининг  
норма ва қонун-қоидаларини ихтиёрий равишда мувофиқлашти-  
риб туришнинг психик механизмлари шаклланиб ҳамда зарур  
тарзда ривожланиб боради. Муайян шароитлар вужудга келган  
пайтда ўқув фаолиятини планлаштириш, амалга ошириш ва на-  
зорат қилишнинг кичик мактаб ёшидаги даври тугаб, унда ўсмири-  
лик ёшида муваффақиятли равишда қарор топадиган даражада  
планлаштириш, ўқув фаолиятини амалга ошириш ва назорат  
қилиш механизмлари пайдо бўлади. Бу даврга келиб ўқиш мак-  
таб ўқувчиси учун энг аввало социал активликни ташкил этиш  
воситасига айланба бошлади. Таълимнинг социал аспекти би-  
ринчи планга олиб чиқилади. Ўқувчи тенгдошларининг хатти-  
ҳаракатларига ўртоқларча баҳо бериш муносабатлари ва ўқиши-  
даги ўзаро муносабатлар рефлекс объектига айланба боради.  
Унинг моҳиятига тушуниш натижасида бу ҳол шахс томонидан  
ўз-ўзига баҳо бериш, назорат механизмлари ҳамда ўз ишини ўзи  
мувофиқлаштириб бориш одатлари вужудга келишига таъсир  
кўрсатади. Бундай бола психикасидаги янги хусусият ва жараён-  
лар ўсмирилик ёшида бир шаклга келиб стабиллашиб қолади. Бу  
дavrda ўқув фаолияти фақат ижтимоий тарихий тажрибани ўз-  
лаштиришдангина эмас, балки у ўқувчининг дунёқарашини ўз-  
гартириш, билимини кенгайтириш ва бойитиш функцияларини  
ҳам бажаради. Ўқиш киши учун унинг сермаҳсул фаолиятида  
қўлга киритиладиган самаралиликни таъминлаш воситаси булиб  
қолади, фан-техника революцияси шароитида у узлуксиз ўз би-  
лимини ўзи бойитиб ва ўз-ўзини такомиллаштириб борадиган  
бир жараёнга айланади.

Амалий машғулотни ўқув фаолиятининг ўқувчи шахсини шакл-  
лантириш омили сифатидаги ўзига хос моҳиятини очиб беришга  
бағишлиш керак. Бунда студентлар ўқувчиларининг дарс пайти-  
даги ишлари кузатилган материаллардан фойдаланади ҳамда  
ўқув фаолияти жараённада ўқувчилар ўз ақлий фаолиятларини ўз-  
лари қай тариқа ривожлантириб бораётганликларини кузатади.  
Бунинг учун студентлар машғулотлар бошлангунича мактабга

келишлари ҳамда мактаб ўқувчиларининг дарсдаги ўқув фаолиятини ўрганиш юзасидан ўқитувчининг берган топширигини бажаришлари керак.

**Топшириқ бажаришнинг бориши.** Бунга тайёргарлик жараёнида студентлар синф билан танишадилар, дарсда ўқув фаолияти ўрганиш объекти қилиб олинган ўқувчими танлайдилар. Мазкур синфда ишлайдиган ўқитувчи билан дарсга кириладиган кун белгилаб олинади, дарснинг темаси, мазкур бўлим бўйича ўтказила-диган машғулотлар системасида ўша ўрганиладиган дарснинг тутган ўрни; дарснинг мақсади ва ўқув-тарбия соҳасидаги вазифалари, бундан аввали дарсда ҳамда уйга берилган вазифани тайёрлаш жараёнида ўқувчилар ўзлаштириб олиши керак бўлган билимларнинг мазмуни ва ҳажми; илгари ўтилган дарсни такорлаш методлари ҳамда болалар томонидан илгари ўрганилган ўқув материалини ўзлаштириш қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида планлаштирилаётган текшириш тадбири ва унинг хусусиятлари; дарс пайтида ўзлаштириб олиш мўлжалланган билимларнинг мазмуни ва ҳажми; янги материални баён этиш, мустаҳкамлаш, системалаштириш, умумлаштириш, ўқувчиларда олинган билимларни ўзларининг бундан кейинги ақлий ва амалий фаолиятларида мустақил равишда фойдалана олиш маҳоратини шакллантириш, назарда тутилган ўқув вазиятларини ташкил этиш методлари ва бу методларнинг ўзига хос томонлари, дарсни ҳамда уйга берилган вазифаларни якуний хуносалаш ҳамда планлаштиришнинг хусусиятлари аниқлаб олинади.

Олинган маълумотлар асосида ўқув материалининг мазмунни анализ қилинади, кузатишлар протоколи тайёрланади, ўқув фаолияти давомида фойдаланилган билим элементлари кўрсатиб ўтилади, ўқув фаолиятининг характеристери ҳамда дарснинг пировард мақсадига эришиш ҳамда унинг ҳар бир босқичида ўртага қўйилган жорий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ўқувчи активлигини формалари белгилаб олинади.

Дарсга қатнашилганда кузатиш протоколи ёзиб борилади. Унда дарснинг асосий босқичлари ва мазмуни, ўқитувчининг дарсдаги фаолияти; ўқувчининг фаолияти ва хатти-ҳаракатлари; унинг дарсда содир бўладиган ўқув вазиятларига нисбатан позицияси ҳамда шу дарсга оид содир бўладиган барча воқеа-ходисаларга нисбатан муносабати ёзиб қўйилади.

Дарсдан кейин ўқитувчининг, ўқув предметига, ўқувчига ва унинг талабларига, ўқувчиларга бўлган муносабатини аниқлаш; ўқувчининг ўқув фаолиятидаги етакчи мотивларни, умуман бутун дарснинг мақсади ва унинг айрим қисмларини тушуниш даражасини; уз ўқув ишини мустақил планлаштира олиш; олинган билимлардаги асосий ва иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган мазмунни ажратиб кўрсатиш; ўрганилаётган ўқув материалини структуравий ташкил этиш характеристини белгилаш, ўрганилаётган тема юзасидан мазкур дарс, шунингдек дарслар системасининг структурасида у ёки бу билим элементи тутган ўринни аниқлаш; ўқувчининг дарс материалини ўрганиш-

даги қийинчиликларга баҳо бериш; ўқув материалининг ўзига, шунингдек, бу материал устида олиб бориладиган ишга нисбатан қизиқиши борлиги ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида тадқиқ этилаётган ўқувчи билан сұхбат ўтказилади. Сұхбат давомида ўқув фаолиятини аниқлаштиришга оид саволлар ҳам берилади. Бу саволлар ўша ўқув фаолиятининг асосини, яъни ўқувчи томонидан ўқув материалини идрок этиш, уни англаб етиш ҳамда онгли равишда дарснинг моҳиятини тушуниш, ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни умумлаштириш ва система-лаштириш, ўқувчилар ўзлаштириб олган билимларини мустақил қўллана олиш мақсадининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, билимни амалда қўллай олиш усуллари тўғрисида, шунингдек, мана бу билимларни қўлланиш имкони бўлган фаолият соҳалари ҳақида тушунчага эга эканлиги, ўқувчи томонидан дарс пайтида ўзи амалга оширган ишларга ва қўлга киритилган натижаларни объектив равишда баҳолаш учун саволлар тайёрлаб қўйилади. Бу саволларга берилган жавоблар ўқувчининг билимларни қанча ҳажмда ва қай даражада эгалланганлигини аниқлаш имконини беради. Дарсда олинган билимларнинг мустаҳкамлиги ҳамда бу билимларни кейинчалик янада ривожлантириб бориш тенденциясини аниқлаш учун ўқувчини бирмунча вақт ўтгач қайта синовдан ўтказиш, олинган натижаларни бир-бирига таққослаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи билан сұхбатлашиб ва дарс пайтида уни кузатиб борилар экан, бунда ўқувчининг ақлий фаолият маданияти қай даражада ривожланганлигини характерлаб берадиган маълумотлар олиш имкониятини ҳам назарда тутиш лозим. Бу маълумотлар ўқувчининг ўқув фаолиятида намоён бўладиган: уюшқоқлик, интизомлилик ва мустақиллик сингари ахлоқий ҳамда ирода сифатларидан иборат бўлади.

Иш натижаларини расмийлаштириш ҳисобот ёзиш шаклида амалга оширилади. Унда: мазкур ишни бажарган студентнинг шуғулланадиган факультети, курси, группаси, фамилияси ва исми; амалий ишнинг номи; ўқув фаолияти ўрганилган ўқувчининг фамилияси ва исми, унинг ёши ҳамда ўша ўқувчининг ўқув фаолиятига хос хусусиятларга ва ўша фаолият натижаларига ўқитувчи ёзган қисқача баҳо, кузатиш олиб борилган дарс ўтказилган ой ва йил, ўқув предмети, дарснинг темаси, унинг типи, дарслик ҳамда ўқувчилар ўрганиши ва ўзлаштириб олиши лозим бўлган адабиётлардаги материал, дарс ўтказган ўқитувчининг фамилияси, отасининг исми; ўтказилган шаҳар, район, мактаб ва синф кўрсатиб қўйилади. Ҳисоботнинг мазмуни анализ натижалари ҳамда ўқувчининг ўқув фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳосил қилинган ва умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади. Ҳисобот охирида хуроса чиқарилади ҳамда кузатиш олиб борилган конкрет ўқувчининг ўқув фаолиятини янада такомиллаштириб, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берилади. Ўқитувчи, ўқувчилар билан ўтказилган сұхбат материаллари ҳамда дарс пайтида ўқувчининг фаолияти ва хатти-

ҳаракатлари устида олиб борилган кузатишлар протоколи ҳисоботга қўшиб топширилади.

Ўқувчиларнинг дарсда бажарган ишлари устида студентлар ўтказган кузатишлар натижасида олинган материаллар: «Ўқув фаолияти ўқувчи шахсини шакллантириш омили сифатида» деган тема бўйича ўтказиладиган машғулотда фойдаланилиши кепрек.

## Семинар ва амалий машғулотларнинг планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

1. Таълимнинг социал-психологик моҳияти узлуксиз билим олиш системасида мустақил билиш фаолиятининг формаси сифатида.

2. Марксча-ленинча билиш назарияси таълим психологияси-нинг методологик негизи сифатида.

3. Ўқув фаолияти жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг эндоген ва экзоген омилларининг ўзаро бир-бирига кўрсатадиган таъсири.

4. Билимларни ўзлаштириш ақлий ривожланиш ҳамда хулқатвор ва социал хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириб бориш омили сифатида.

5. Таълим жараёнида шахс фаолиятини социал-перцептив жиҳатдан ташкил этиш, ахлоқий тажрибани интеграция ва генерализация қилиш механизмининг ривожланиб бориши.

**Лингарт И.** Процесс и структура человеческого учения.— М.: Прогресс, 1970, 13—70- бетлар.

**Матюшкин А. М.** Психологическая структура, динамика и развитие познавательной активности // Вопросы психологии.—1982, 4-сони, 5—17- бетлар.

**Махмутов М. И.** Проблемное обучение: Основные вопросы теории.— М.: Педагогика, 1975.—30—42, 55—59, 60—68, 86—92- бетлар.

**Онищук В. А.** Урок в современной школе.— М.: Просвещение, 1981.— 3—17- бетлар.

Психологические основы формирования личности в педагогическом процессе / Под ред. А. Коссаковски и др.; Пер. с нем.— М.: Педагогика, 1981.— 28—33, 49—53, 79—86- бетлар.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Из-во МГУ, 1975,— 32—39- бетлар.

#### Иккинчи машғулот (семинар)

#### Ўқувчи ўқув фаолиятининг психологик структураси

1. Ўқувчи ўқув фаолиятининг структураси ҳамда унинг асосий элементларининг психологик хусусиятлари.

2. Үқишига бұлған ички әхтиёжларнинг психологияк характеристикаси.

3. Мақсаднинг вужудға келиши ҳамда үқув фаолиятини планлаштириш психологияк механизмларининг хусусиятлари.

4. Үқув ишлари билан боғлиқ ақлий фаолият, операция ва усулларнинг үқув фаолияти мақсадига әрішиш воситаси сифатыда.

5. Үз-үзиге бақо бериш, үз-үзини контрол қилиш ва үз үқишини үзи мұвоғиқлаштириб түриш механизмларининг ривожлантирилиши үқувчининг хусусий үқув фаолияти субъектига айланиш жараёнининг намөн этиши сифатыда.

**Богоявленский Д. Н.** Некоторые теоретические вопросы психологии учения // Вопросы психологии.—1976, 2- сони.

**Давыдов В. В., Маркова А. К.** Концепция учебной деятельности школьников // Вопросы психологии.—1981, 6- сони.

**Дидактика средней школы: Некоторые проблемы современной дидактики / Под ред. М. Н. Скаткин.**—2-е издание, перераб. и доп.—М.: Просвещение, 1982, 139—151, 153—155, 167—174- бетлар.

**Дорохина В. Т.** Формирование целеполагания как компонента учебной деятельности в зависимости от типа обучения // Вопросы психологии.—1980, 6- сони.

**Зак А. З.** Как определить уровень развитие мышления школьника.— М.: Знание, 1982, 8—73- бетлар.

**Калмыкова З. И.** Продуктивное мышление как основа обучаемости.— М.: Педагогика, 1981, 176—188- бетлар.

**Липкина А. И., Рыбак Л. А.** Критичность и самооценка в учебной деятельности.— М.: Просвещение, 1968, 41—105- бетлар.

**Лында А. С.** Дидактические основы формирования самоконтроля в процессе самостоятельной учебной работы учащихся.— М.: Высшая школа, 1979, 3—68- бетлар.

**Маркова А. К.** Формирование мотивации учения в школьном возрасте.— М.: Просвещение, 1983, 5—29- бетлар.

**Якиманская И. С.** Развивающее обучение.— М.: Педагогика, 1979, 19—30, 43—71, 99—104- бетлар.

### *Үчинчи машғулот (амалий)*

#### *Үқув фаолияти үқувчи шахсini шакллантириш омили сифатыда*

1. Үқув жараёнида шахс мотивацион-әхтиёж соқасининг ривожланиб бориши.

2. Үқув фаолияти жараёнида ақлий фаолият системасининг шаклланиши ақлий ривожланишнинг шарти сифатыда.

3. Үқув жараёнида билим ва тафаккурнинг үзаро таъсир курсатыш механизмнинг такомиллаштириб бориши.

4. Үзлаштырған билимларни амалий фаолиятта мустақил равишда тадбиқ эта олиш маҳоратини шакллантириб бориш.

**5. Субъект сифатида ўқувчи онгли фаолиятининг функционал системасини ривожлантириш.**

**Богоявленский Д. Н., Менчинская Н. А.** Психология усвоения знаний в школе.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1959— 109—126, 137—149, 163—170, 316—324- бетлар.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972, 316—324- бетлар.

**Ительсон Л. Б.** Лекции по современным проблемам психологии обучения.— Владимир 1972, 231—252- бетлар.

**Кабанова-Меллер Е. Н.** Учебная деятельность и развивающее обучение.— М.: Знание, 1981, 6—42- бетлар.

**Калмикова З. И.** Проблема преодоления неуспеваемости глазами психолога.— М.: Знание, 1982, 10—40- бетлар.

**Полонский В. М.** Оценка знаний школьников.— М.: Знание, 1981, 27—40- бетлар.

Психологические основы формирования личности в педагогическом процессе. / Под ред. А. Коссаковски и др.; Пер. с нем.— М.: Педагогика, 1981.— 15—16, 48—53, 66—91, 102—105, 146—148- бетлар.

**Ронзин Д. В.** Возрастной аспект взаимоотношений мышления и знаний // Проблемы возрастной психологии / Под ред. проф. А. И. Щербакова.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1979, 19—26- бетлар.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975.— 41—42, 218—221- бетлар.

### **Мустақил ишлаш учун топшириқлар**

#### **Аннотация түзиш ёки конспект ёзиш. Адабиётлар**

**Бабанский Ю. К.** Рациональная организация учебной деятельности.— М.: Знание, 1981, 3—76- бетлар.

**Буткин Г. А., Ильясов И. И., Сохина В. П.** Спецпрактикум по педагогической психологии.— М.: Изд-во МГУ, 1979, 7—46-бетлар.

**Ительсон Л. Б.** Лекции по современным проблемам психологии обучения.— Владимир, 1972, 3—61- бетлар.

**Пидкастый П. И.** Самостоятельная познавательная деятельность школьников в обучении.— М.: Педагогика, 1980, 46—162- бетлар.

Формирование учебной деятельности школьников / Под ред. В. В. Давыдова, И. Ломпшера, А. К. Марковой.— М.: Педагогика, 1982, 10—14, 47—59, 107—122, 163—169, 197—201- бетлар.

### **Реферат ёки докладларнинг темалари. Адабиётлар**

#### **1 Уқувчи ўқув фаолияти мотивларининг психологик характеристикаси**

**Волков К. Н.** Психологи о педагогических проблемах.— М.: Просвещение, 1981, 5—26- бетлар.

**Ительсон Л. Б.** Лекции по современным проблемам психологии обучения.— Владимир, 1972, 77—83- бетлар.

**Маркова А. К.** Формирование мотивации учения в школьном возрасте.— М.: Просвещение, 1983.

**Онищук В. А.** Урок в современной школе.— М.: Просвещение, 1981, 27—37- бетлар.

**Щукина Г. И.** Проблема познавательного интереса в педагогике.— М.: Педагогика, 1971. 33—54- бетлар.

## **2. Ўқув жараёнида ўқувчилар томонидан илмий тушунчаларни эгаллаб олиш назариясининг қиёсий таҳлили**

**Богоявленский Д. Н., Менчинская Н. А.** Психология усвоения знаний в школе.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1959.— 3—24, 55—154- бетлар.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972, 248—331- бетлар.

**Зинченко П. И.** Об одной концепции в психологии обучения // Вопросы психологии.— 1961, 6- сони

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975, 54—143, 222—249- бетлар.

## **3. Билимларни эгаллаб олиш ва ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнига психологик-педагогик характеристика бериш**

**Богоявленский Д. Н., Менчинская Н. А.** Психология усвоения знаний в школе.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1959, 3—24- бетлар.

Дидактика средней школы. Некоторые проблемы современной дидактики / Под ред. М. Н. Скаткина.— 2-е изд., перераб. и доп.— М.: Просвещение, 1982, 139—151-бетлар.

**Кульпу В. А., Цехмистрова Т. Д.** Формирование у учащихся умений учиться: Пособие для учителей.— М.: Просвещение, 1983, 8—21- бетлар.

**Онищук В. А.** Урок в современной школе.— М.: Просвещение, 1981, 100—110-бетлар.

Психологические основы формирования личности в педагогическом процессе / Под ред. А. Коссаковский и др.; Пер. с нем.— М.: Педагогика, 1981, 91—105- бетлар.

### **Психологик масалалар ечиш**

#### **1-масала**

Психология фами шуни таъкидлайдики, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириб боришда ўқувчининг ўқишига бўлган муносабатларида мустақиллик билим олишга ҳамда унинг ижтимоий-фойдали меҳнатга интилиши ҳал қилювчи аҳамиятга эгадир. Ўқувчи томонидан социал тажрибанинг эгаллаб олиниши, унинг теварак-атрофдаги ҳайётга ҳамда ўқув ва меҳнатнинг субъ-

екти сифатида ўзига нисбатан онгли муносабатда булиши ўқувчи шахсининг ижтимоий йўналиши табиатини тўлароқ акс эттиради.

Вақтли матбуотда авторлар билдирган фикр-мулоҳазаларни ўқиб чиқинг ва қўйида берилган саволларга жавоб қайтаринг.

**Михаил Иванович Кондаков**, СССР Педагогика фанлари академиясининг президенти, у ўзининг «Пионерская правда» газетасида босилган Билимлар куни (1981 йил, 1 сентябрь) деган мақоласида болаларга мурожаат қилиб бундай деб ёзади: «Уқиш — бу жуда юксак баҳоланадиган катта меҳнат! У мамлакатга жуда зарурдир».

Ишчи **Л. Биков** ўзининг Ч. Айтматовнинг «Литературная газета» (1981 йил 2 сентябрь, 36-сони)да босилган «Инсонийлик... дефицитми?» деган мақоласига билдирган мулоҳазасида бундай деб ёзади: «Бундан бир неча йил муқаддам менга печкаси йўқ уйда яшашга, уйни электр билан иситишига тұғри келди. Шароит мени электр иситгич асбоби ясашга мажбур қилди. Мен шу қурилма учун симдан спираль ясаётган вақтимда эшикдан қўшнимизнинг саккиз яшар ўғли кириб келди (...). Бу боланинг ёшидаги барча кичкинтойлар учун мороқли бўлган каби, сим үраб спираль ясаш машқи унга ҳам ёқиб қолди. Айниқса, у мана шу ишнинг қандай бажарилишини синаб кўрганидан кейин иш жуда юришиб кетди. Лекин бу ишни пухта ўрганиб олганидан кейин унинг айтган гапидан ҳангуманг бўлиб қолдим: «Лёва амаки, мен сизнинг барча спиралларингизни бир ўзим ясаб бераман, сиз эса мен ясаган ҳар битта спираль учун икки тийиндан бера-сиз» (...). Хўш, бола бу одатни қаердан ўрганган? Катта бўлганда у ким бўлиб етишади?»

## Саволлар

1. СССР Педагогика фанлари академиясининг президенти нима сабабдан ўқишини мамлакатга керак бўлган катта меҳнат сифатида баҳолаганини тушунтириб беринг.

2. Нима учун болада ўқишига нисбатан истеъмолчилик муносабати вужудга келганини изоҳлаб беринг.

3. Ўқувчи яхши ўқиши учун унда қандай фазилатларни тарбиялаш лозим эканини исбот қилиб беринг.

## 2-масала\*

Совет психологлари тадқиқотларда шундай бир фактни исботладиларки, ўқувчининг мустақил билиш фаолияти ўзга хос хусусиятларга эга бўлар экан. Бундай ўзига хослик аввало янги ахборотни идрок этиш билан боғлиқ равишда намоён бўлади. У илгари ҳосил қилинган тушунчалар (билимлар)дан ўзининг даржаси теранлиги ва кенглиги (тўлалиги) билан ҳамда тафак-

\* Масалалар Е. Н. Кабанова — Меллер, Э. А. Флешнер, А. И. Никерова, С. Ф. Жуйкова, В. И. Зикова материаллари асосида тузилган.

курнинг анча ривожланганилиги билан ва ўқув топшириқларини ҳал қилиш вақтида илгари эгаллаб олинган билимлардан моҳирлик билан фойдаланишда намоён бўлади.

Ўқувчилар ўқув фаолияти билан, ўқув топшириқларини, масалаларини ҳал қилиш вақтида улар йўл қўядиган хатолар билан боғлиқ бўлган қўйида келтирилаётган мисолларни қунт билан ўқиб чиқнинг ҳамда улар остида берилган саволларга жавоб қайтаринг.

### Биринчи мисол

V синфда география дарсида «сувайиргич» деган тушунча ишлатилади. Бу тушунчани изоҳлаётган ўқитувчи дарсликдаги расмга ишора қиласди. Унда сувайиргичнинг модели унча баланд бўлмаган тепалик шаклида тасвирланган бўлиб, унинг қарама-қарши икки томонидан дарёлар оқиб ўтиши кўрсатилган. Айрим ўқувчилар: «Асосий Қавказ чўққиси сувайиргич деб ҳисобланиши мумкинми?»— деб берилган саволга нотўғри жавоб берадилар. Бунда улар ҳар тепаликни сувайиргич деб ҳисоблайдилар. Қавказ чўққиси — бу катта, юксак тоғда бўлгани учун сувайиргич эмас деб ҳисоблайдилар.

### Иккинчи мисол

Математика дарсида «коэффициент» тушунчаси ўрганилади. Ўқитувчи бу тушунчага таъриф берар экан, коэффициент деганда ундан кейинги ифода қўшилувчи сифатида неча марта такрорланишини кўрсатувчи сон тушунилишини айтади. Мана шу айтилган гапни амалда ёзиб кўрсатиш учун қўйидаги мисол келтирилади:

$$(a+b) + (a+b) + (a+b) + (a+b) = 4(a+b)$$

Шундан кейин ўтилган материални маҳсус машқлар ёрдамида мустаҳкамланади. Контрол саволларнинг кўрсатишича, барча ўқувчилар топшириқни муваффақиятли тарзда бажарган.

Орадан бир мунча вақт ўтганидан кейин «даражажа кўрсаткичи» деган тушунча ўрганилиб, унга ифоданинг неча марта ўзини-ўзига кўпайганлигини курсатувчи рақам сифатида таъриф берадилади. Мана шу таъриф қўйидаги мисол билан ифодали тарзда кўрсатилади:

$$a \cdot a \cdot a = a^3$$

Ўқувчилар мазкур тушунчани ўқув ишларида фойдаланиш учун уни пухта ўрганиш мақсадида машқлар бажарадилар. Бу типдаги масалаларни бажараётганда ўқувчилар жиддий қийинчиликка дуч келмайди. Бироқ, улар худди шундай даражажа кўрсаткичи билан боғлиқ бўлган машқлар коэффициент машқлари билан алмашиниб келган топшириқларни бажаришга ўтган вақтларида хато қила бошлайдилар. Кўпинча қўйидаги типда хатолар Учрайди:

$$a \cdot a \cdot a \cdot a = 2a \cdot 2a.$$

## Учинчи мисол

Физика курсида «вазн» (оғирлик) асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Ўзининг физик моҳиятига кўра вазн — бу куч булиб, шу куч ёрдамида жисм ерга тортилади. Шу муносабат билан мазкур ўқув материалини ўрганилаётган вақтда вазифа барча жисмларга хос бўлган хусусиятлар мавжуд эканлигига эътибор қаратилади, яъни ернинг тортиш кучи билан жисмнинг эркин тушиши ўртасида боғлиқлик мавжуд эканлигига ҳамда «оғирлик» тушунчаси билан «куч» тушунчаси бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар эканлигига эътибор қаратилади. Бу тушунчани ўзлаштириб олгандан кейин ўқувчилар унинг мазмунини қўйидагича таърифлаб, тушунтириб берадилар:

Анатолий Г.: «Бирор нарсани олиб тарозида тортамиз. Мувозанат сақланиши учун зарур бўлган тарозу тошларни танлаймиз. Вазн бирлиги — граммлар, килограммлар, тонналардир. Жисмнинг неча граммлиги, неча килограмм ёки қанча тонна келиши бу унинг оғирлигидир».

Николай А.: «Оғирлик — бу кучdir. Шу куч ёрдамида тарозининг палласидаги жисм ерга тортилади. Биз қандайдир бир жисмни қўлимизга олганимизда ҳам у қўлимизни пастига қараб босаётганини ҳис қиласиз, чунки унда оғирлик мавжуд бўлади».

Тамара Е.: «Жисмнинг оғирлиги — бу кучdir. Мана шу куч ёрдамида уни ер ўзига тортади. Биз биламизи, ҳар қандай жисм муайян бир оғирликка эга бўлади. Буни биз ўша жисмни тарозига қўйган вақтда ҳам кўрамиз. Масалани ҳал қилаётганда жисм оғирлигини топиш учун унинг соф оғирлигини жисмнинг ҳажмига кўпайтириш керак. Ҳали-ҳали эсимда, бизга тажриба қилиб ҳар бир жисм оғирликка эга бўлишини ва бу оғирлик уни пастига қараб тортишини курсатиб беришган эди».

## Туртинчи мисол

Рус тили дарсида кўпчилик ўқувчилар эргаш гапни бош гапдан вергул билан ажратиш тўғрисидаги пунктацион қоидани нисбатан анча тез ўзлаштириб оладилар. Бироқ, эргаш гап бош гапнинг қаерида келганига қараб ўқувчилар йўл қўядиган хатоларнинг сони ўзгариб туради. Чунончи, «Биз шу ерда тўхтадикки, (хатога йўл қўйилган жой) у ерда икки ирмоқ қўшилган бўлиб, биз унинг ёқасида гулхан ёқдик ва кечки овқат тайёрладик»— деган ганда ўқувчилар: «Биз икки ирмоқ қўшилган жойда тўхтаб (хатога йўл қўйилган жой) гулхан ёқдик ва кечки овқат тайёрладик» деган гапдагига қараганда камроқ хатога йўл қўядилар.

## Бешинчи мисол

Қуйи синф ўқувчилари «от», «феъл» ва «сифат» тушунчаларини «предмет» «ҳаракат», «сифат» деган сўзларнинг грамматик маъносини тушуниш асосида эгаллаб оладилар. Кўпинча ўқувчи-

лар «каравот», «уй» деган сўзларни отга киритиб тўғри жавоб берадилар, лекин негадир, «баҳт», «бойлик» ва бошқа шунга ўхшаш сўзларни отга киритмайдилар. Бошқа бир ҳолларда баъзи ўқувчиларнинг фикрича «туриш» сўзини от деб атайдилар. Буни улар предметни англатади («парта турибди») деб тушунтироқчи бўладилар, «дурадгор» сўзини эса аксинча феъл деб («дурадгор ишлайди» ҳаракатни англатади деб) хато қиласидилар.

### Олтинчи мисол

Геометрия дарсида ўқитувчи тўғри бурчакли уч бурчак деган тушунчани изоҳлаб беради. Бунда у бундай уч бурчакнинг энг муҳим белгиси унда тўғри бурчакнинг мавжуд эканлигини айтади. Айни маҳалда тўғри бурчакли учбурчак шаклини доскага чизиб кўрсатади (ўқитувчи билан бирга болалар ҳам чизадилар). Бунда тўғри бурчакли учбурчак муайян бир ҳолатда тасвирланади: яъни унинг тўғри бурчаги паст томонда, шаклнинг асосига ёпишган ҳолда тасвирланади. Кейинчалик маълум бўладики, баъзи бир ўқувчилар тўғри бурчакли учбурчак нима деган саволга тўғри таъриф берганлари ҳолда, агар унинг тўғри бурчаги бошқа ҳолатда тасвирланган бўлса, уни тўғри бурчакли учбурчак эканлигини таний олмайдилар.

### Саволлар

1. Ҳар бир конкрет ҳолатда ўқувчи ақлий фаолиятининг психологияк хусусиятларини изоҳлаб беринг ҳамда ўқитувчининг саволларига жавоб беришда ўқувчиларнинг қийналиш сабабларини аниқланг.

2. Ўқувчилар масалаларининг нотўғри ечилиши сабабларини аниқланг.

### Курсда ўтказиладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар ўқув фаолиятининг мотивлари ва уларнинг билимларни ўзлаштиришга кўрсатадиган таъсири.

2. Ўтилган ўқув материали мазмунининг ўқувчи ўқув фаолияти структурасига таъсири.

3. Одамлар дунёсида содир бўладиган социал ҳодисаларнинг ўқувчи томонидан идрок этилиши ва уларни тушуниш динамикасининг ўсиб бориши.

4. Ўқув масалаларини ўқувчилар томонидан ҳал қилиш жараёнида билим билан тафаккурнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ эканлиги.

5. Ўқувчининг ёш жиҳатдан улғайиб боришидаги турли босқичларда ўқув фаолияти жараёнидаги шахс когнитив ҳис-ҳаяжон ва иродавий сифатларнинг ўзаро алоқадорлиги.

## 10- тема. Умумтаълим ва ҳунар мактабида билим олиш психологияси ва уни оптималлаштириш шартлари

### Методик курсатмалар

Педагогик психологияда таълимни «таълим олаётганлар билан таълим берадётганлар ўртасидаги актив ўзаро таъсир курсастиши<sup>1</sup> жараён сифатида қараб чиқиши қабул қилинган. Бу жараён ўқувчиларни фан асослари билан таништириш, уларда маҳорат ва малакалар ҳосил қилиш, илмий дунёқарашни шакллантириш, ўқишида, мулоқот ва меҳнат фаолиятидаги психик жараёнлар ва мустақилликни ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Таълим жараёнини оптималлаштириш умумтаълим ва ҳунар мактабида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини илмий асосда ташкил қилишнинг муҳим принципи ҳисобланади. Мактаб ва ислоҳотнинг конкрет масалаларига қаратилган қарорларида мактаб ишини сифат жиҳатдан янада юқори босқичга қутариш зарурлиги: «ўқитишининг оптимал методларини, форма ва воситаларини танлаш соҳасида ўқитувчининг имкониятларини кенгайтириш, педагогика фани эришган ютуқларни амалий ишларга дадилроқ жорий этиш»<sup>2</sup> зарурлиги уқтириб ўтилади. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун бўлажак ўқитувчилар мактабда ўз касбларига доир ишлашга тайёргарлик куриш жараёнидан бошлаб ўқитиш методлари ва воситалари тўғрисидаги билимларини эгаллаб олишлари, энг аввало ўқитишининг актив формаларидан фойдаланишга ўрганиб олмоқлари керак, улар ўқувчиларни ўқув материали устида актив равища мустақил ишлай олишга ўргатадиган бўлишлари, ўқувчиларни меҳнат фаолияти ҳамда хуљқ-автор маданиятига ўргатишни билишлари керак.

Семинар ва амалий машғулотларда студентлар таълимнинг турли формаларини қараб чиқишилари керак. Бунда улар ўша формаларнинг қайси предмет мазмунига ҳамда ўқувчи тарбия жараёнининг ташкилотчиси сифатида ўқитувчининг билими, кўникма ва малакасига қўйиладиган талабларга қай даражада мувофиқ келишига қараб ўрганиб чиқишилари лозим. Аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик жараён сифатида таълим моҳиятини яна ҳам чуқурроқ тушуниш учун студентлар ўзлари ўқитадиган предмет мазмунини пухта ўзлаштириб олишлари, таълимнинг мақсади, вазифаси ҳамда ташкилий формаларини билишлари ҳамда унинг қўйидаги ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олишлари керак.

<sup>1</sup> Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского.— М., 1979, 174- бет.

<sup>2</sup> О реформе общеобразовательной и профессиональной школы. Сборник документов и материалов.— М., 1984, 70- бет.

**Фанни ўқитиши.** Бу ҳар қандай ўқув юртида ўқитишини тұғри ташкил этиш учун зарур бўлган биринчи хусусиятдир. Ўқитувчи (муаллим) ўз фанини, уни ўқитиши методикасини, программасини, мақсади ва ҳар бир синфда амалга ошириладиган таълимнинг вазифасини яхши билмоғи керак. Фанни ва унинг методикасини билиш педагог учун ўз фанини яхши ўқитиби, ўз ишида муваффақиятларга эришишининг зарур шартидир. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўқитувчи фаннинг мазмунини ўзлаштириб олишнинг психологик қонуниятларини, шунингдек, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг ўқув фаолияти мотивларини, ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилияtlарини ривожлантиришни рағбатлантирадиган омиллар ва шарт-шароитларни яхши билмоғи керак.

**Дарс — ўқитишинг асосий формаси.** Дарсни кўрсатма воситаларисиз ва кўрсатма воситаларни қўлланиб ўтиладиган дарсга, аудиовизуал воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган дарсга, машиналар ёрдамида таълим бериб ўтиладиган дарсга ажратиш мумкин. Лекин дарслар қай хилда ташкил этилмасин, барибир уларни ўқитувчисиз ўтказиб бўлмайди. Ўқитувчининг ўқувчилар билан бевосита жонли мулоқотга киришиши болаларнинг билиш соҳасидаги активлигини ҳамда уларнинг ўқув фаолиятидаги мустақиллигини рағбатлантиради, улардаги ҳис-туйғу ва характерни шакллантиради. Бироқ, ҳозирги замон таълим системасини унда фойдаланиладиган аудиовизуал техникаларсиз, кўрсатмаликсиз материалларни ўтиш ва дарсни назорат қилиш пайтида машина элементларини киритмасдан, ўқувчиларни машина билан мулоқотга киришишини таъмин этмасдан ўқитишини тасаввур қилиб бўлмайди. Жамият мана шу воситаларни ўқитувчи ихтиёрига беради ва у бу воситалардан болаларни ўқитиши ва тарбиялаш мақсадида моҳирлик билан фойдаланмоғи керак.

**Ўқитиши** — бу ҳар доим мулоқотга киришиш бўлиб, унда томонлар ўз ролларини алмаштириб турадилар. Ўқитиши жараёнида доимо тескари алоқа мавжуд бўлади. Таълимда қадамба-қадам давом этадиган мана шу тескари алоқани (бунда материал маъно жиҳатдан катта бўлмаган бирликларга ажратилади ва улар ҳар бирини ўқувчининг тұғри тушуниши (текшириб чиқилади), муддати кечичтирилган тескари алоқа (бунда материалнинг маъно жиҳатдан тугал бўлган каттагина қисми баён этилади ҳамда унинг қай даражада ўзлаштирилганлиги контрол қилинади), прогноз қилинадиган, келишилмайдиган ёки қаршилик билдирувчи тескари алоқа (ўқув ахборотига асосий материални нотұғри тушунилишининг олдини оладиган қўшимча материал баён этилади), когнитив тескари алоқа (бунда ўқувчи мантиқа ҳамда ўқув материали фактларига таянган ҳолда дарсни ўзи қай даражада тұғри тушунгандығын мустақил равища текшириб куради) деб аталадиган алоқа турларига ажратиб ўрганилади.

Кўрсатиб ўтилган тескари алоқа типлари кўпинча ёнма-ён келади ҳамда ўқитувчининг синфда олиб борадиган ишларидан бири иккинчисини тұлдириб туради. Чунончы, тажрибали ўқитувчи ўз дарсига нисбатан ўқувчиларнинг билдирадиган реакциясини ҳам,

улар мазкур дарс материалыни тушунишда йўл қўйиши мумкин бўлган энг типик хатоларни ҳам олдиндан кўра билади. Унинг ишида прогноз қилинадиган тескари алоқа бошқа турдаги алоқалар билан бирга келади. Бундан кўра мураккаброқ бўлган масалаларни баён этиш вақтида муддати кечикирилган тескари алоқа формасида аста-секин амалга ошириладиган тескари алоқага ўтилади. Ўйга вазифани муҳокама қилаётганда ўқитувчи ўқувчига унинг ўзи қандай қилиб когнитив тескари алоқани ташкил этиши мумкинлиги юзасидан маслаҳатлар беради.

У ёки бу хилдаги тескари алоқадан фойдаланиш ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бошланғич синф ўқувчилари учун бирин-кетин амалга ошириладиган тескари алоқага ўтилгани маъқул, ўсмирлик ёшида эса когнитив тескари алоқа формасининг ривожлантирилиши ва шунга таяниб иш олиб боришлиши муҳимdir. Аудиовизуал материаллар асосида (ўқув телекўрсатувлари, кинофильмлар) дарс ўтилганда прогноз қилинадиган тескари алоқа етакчилик қиласи ва у когнитив алоқа билан маҳкам боғлиқ ҳолда келади.

Синфда фронтал иш олиб борилаётганда тескари алоқа (яъни ўқувчилар бераётган жавоблари ўқитувчи томонидан кузатилади ва тўғрилаб-тузатилиб борилади) доскада жавоб бераётган ўқувчи билан боғлиқ бўлади. Қолган ўқувчилар ўз ўртоқларининг жавобидан ҳамда бу жавобга ўқитувчи томонидан киритилган тузатишдан ҳолоса чиқариб, материални тўғри тушуниш эталонини ҳосил қиласидилар. Шунинг учун ўқувчиларни савол-жавоб вақтида актив ишлашга ўргатиш муҳимdir. Дарс пайтида ўтиладиган материал ва синфнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, шунга мувофиқ тиpdаги тескари алоқа формаларининг ташкил этилиши — ўқитишни оптималлаштиришнинг резервларидан биридир.

**Ўқитиш индивидуал ва группа тарзида олиб борилиши мумкин.** Индивидуал ўқитиш вақтида ўқитувчи битта ўқувчи билан, группа тарзида ўқитишда эса у синфга бирлаштирилган ва академик группа билан ишлайди. Бутун синф ёки группа билан фронтал иш олиб борар экан (лаборатория машгулотлари ўтказилаётганда), ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда ёндашиш масаласини ўйлаб куриши керак. Буни ўқувчилар психологиясини билмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Ўқув жараёнини оптималлаштириш масалалари ўқитиш психологиясида марказий масалалардан бири ҳисобланади. Оптималлаштириш ўқитишнинг шундай методи ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутадики, бунда мазкур дарсда материал чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириб олинади. Булар қисқа вақт ичидага оширилиб, ўқувчиларнинг психик жиҳатдан ривожланишини рағбатлантиради.

Ўқитувчининг ихтиёрида дарсни ўтказиш учун зарур дастлабки материаллар бўлади, хусусан: мазкур фаннинг программаси ва дарслик тексти, илмий адабиётлар, методик тавсиялар, масала ва машқлар тўплами, товушли, томоша қиласидиган ва аудиовизуал

қўлланмалар (магнитафон лентаси ёзувлари, граммпластиинкалар, диафильмлар, дидактик расмлар) бўлади. Буларнинг бари ўқитувчига хизмат кўрсатади, унинг ахборот функциясини тўлдиради, кенгайтиради, бойитади. Ўқувчиларни тарбиялаш ҳамда уларни ақлий ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ўқитувчи ўқитиш мақсадини белгилаб чиқиши ва уни албатта амалга ошириши керак. Программа материалини танлашда ўқитувчи материални ўқувчилар ёш хусусиятига мувофиқ келишинигина эмас, балки ўша дарс ўтиладиган синф ривожланишинг умумий даражасига мослигини ҳам ҳисобга олиш, дарс методи ва формаларини танлаш ҳам унинг вазифасига киради.

Дарснинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда қўйидагиларни: биринчидан, назарий билим бериш (тушунчалар, фоялар, қонун ва қоидаларни шакллантириш), иккинчидан, амалий машғулотлар (ўқувчиларда мотор ва сенсор малакаларни, шунингдек ўқувчининг ёши улғайган сайин уни мустақил фикрлашга етаклайдиган ақлий фаолият малакаларини ҳосил қилиш), учинчидан, образли фикрлаш, эмоционал таълим, энг аввало этик ва эстетик таълим бериш (айрим нарсалар тұғрисида яхлит тушунчаларни шакллантириш ҳамда шу асосида ҳис-түйғу, хулқ-автор эталонларини шакллантириш ва шахснинг эмоционал жиҳатдан етуклигини вужудга келтиришни белгилаб берадиган муносабатларни шакллантириш) сингари талабларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Дарснинг мақсадини белгилаш, аввало, ўқув методикасининг мазмуни ва унинг предмети билан боғлиқ. Аниқ фанлар ўтилаётганда деярли ҳар бир дарсда осонлик билан дарс мақсадини белгилаб олиш, хусусан, тушунчалар, қонунларни ўқувчи онгига шакллантиришни мақсад қилиб олиш мумкин. Физика ва химиядан лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар, математика ва рус тилидан масала, машқлар ечиш ўқувчиларда фанга оид күникма ва малакалар ҳосил қилишни мақсад қилиб қўяди. Бу фанлардаги айрим тушунчалар одатда кўмакчи аҳамиятга эга бўлади: улар тушунчаларни шакллантириш учун ҳиссий негиз бўлиб хизмат қиласди.

Ижтимоий фанларда якка тушунчаларнинг шакллантирилиши ўқувчиларга эстетик ва этик тарбия бериш ва уларда дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ бўлади. Адабиёт ва тарих дарсларида ўқувчилар турли тушунча ва қонунларни ўрганиш билан бир қаторда адабий асарларнинг қаҳрамонларини, тарихий арбобларни, улар яшаган даврни хаёлан тасаввур қиласидар. Бу образлар уларда ҳис-түйғу уйғотади, конкрет мисолларда инсоннинг оламга муносабатини кўрсатиб беради. Ягона тасаввурлар мустақил этик ва эстетик мазмунга эга бўлади.

Меҳнат малакаси меҳнат таълими давомида шаклланниб боради. Ҳар қандай ўқув фанини билиш предмет-асбоблар ишлатиб қилинадиган ҳаракатлар учун, ташқи дунёни ўрганиш ва уни қайта қуришга қаратилган фаолият учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ўқиши мактаб ўқувчиси учун ўз-ўзини шахс сифатида шакллантириши юзасидан аниқ мақсадга қаратилган меҳнат ҳисобланади.

Таълим мақсадининг қўйилиши ўқувчиларнинг ёшига, энг аввало уларнинг ақлий ва эмоционал етуклигига, уларнинг билим даражасига ҳамда фикрлаш фаолияти соҳасидаги мавжуд тажрибасига боғлиқ. Мақсаддинг қўйилиши ўқитувчи томонидан психология фанини, ўз фани ҳамда ўша фаннинг ўқитиш методикасини билишни тақозо этади. Ўқитиш мақсадининг асосли равища белгилаб қўйилишида синф ўқувчиларининг, бутун синф ва ундаги айрим ўқувчиларнинг ёшини ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Шундай қилингандагина умумий психология ва ёш психологиясини билиш асосида ўқув мақсадини тўғри белгилаш мумкин. Программа ҳам мазкур масалани ҳал қилишга ёрдам беради, чунки унда материал мазкур ёшдаги болалар имкониятини ҳисобга олган ҳолда танланган бўлади. Студентлар ўзларининг психология соҳасидаги билимларини таълим соҳасидаги амалий фаолиятга татбиқ этишни ўрганиб олишлари керак.

Таълим мақсадини белгилаб олиш ва уни реализация қилиш ўқитишнинг ҳар хил формалари орқали амалга оширилади. Семинар ва амалий машғулотларда мазкур формаларга қисқача психологияк характеристика бериш масаласини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Ўқитишнинг анъанавий ёки изоҳлаб тушунтириш формаси.** Ўқитишнинг бундай изоҳлаб тушунтириш формаси негизида таълимнинг коммуникатив модели ётади, шунга мувофиқ равища ўқитиш жараёни ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида ахборот алмасиши воситаси сифатида қараб чиқилади. Ўқитувчи ўз ахбороти — янги маълумотларни бериш йўли билан ўқувчилар билимини бойитади; ўқувчилар эса ўқитувчи берган саволларга жавоб қайтариш орқали ўқитувчининг ахборотидан ўзлари нима тушунганликларини унга маълум қиласидилар. Ўқувчиларнинг ёшига, уларнинг ақлий ривожланишига қараб, бу ердаги коммуникатор роли билан рецепiente ўртасидаги ролларнинг дарс давомидаги мулоқот пайтида алмашиниб туриши вақт жиҳатдан бир хил бўлмайди. Чунончи, ўқитувчи қуйи синфларда кичик ҳажмдаги ахборотни болаларга маълум қилиб мурожаат қиласиди, ўрта синфларда ўқитувчининг болаларга ахборот бериш вақти ортиб боради, юқори синфларда эса бундай ахборот шу қадар катта бўладики, ҳатто у мактаб лекциясига айланиб кетиши мумкин.

Бундай ҳолларда ўқитишнинг тобора ортиб борадиган самараси ўрганилаётган фан тилини эгаллаш ва унинг тушунча берувчи аппарати билан, исботлаш ва рад қилиш методлари, когнитив алоқа механизмининг шаклланиши билан боғлиқ бўлади.

Хўш, ўқитишнинг бундай формасидан фойдаланилган вақтда нималарни кўзда тутмоқ керак?

Биринчидан, ўқув материалини идрок этишга нисбатан ўқувчилар мотивировкасини назарда тутиш керак. Бунга аввало мазкур дарсда ўқитиш мақсадини аниқ-равшан белгилаб олиш орқали эришилади. Иккинчидан, ўқитувчи, ўз онгидаги ўқувчига бериладиган материални яхлит ҳолда тасаввур қилмоғи ва унга нисбатан муайян қимматдорлик муносабатини назарда тутмоғи керак. Бу

нарса ўқитувчининг мазкур дарс материалы юзасидан ўқувчилар билан манфаатдор мулоқотга киришган вақтида намоён бўлади. Учинчидан, дарсда техника воситаларидан фойдаланиши кўзда тутиш лозим. Бу эса ўқувчиларда тушунча аломатларини англаб, уларни образлар орқали идрок этишларига имконият яратади. Тўртингидан, чуқур ўйлаб кўрилган баён этиш мантиқини назарда тутиш зарур. Бешинчидан, программа чегарасида (ўқувчилар учун ҳали унча тушунарли бўлмайдиган манбалар ичидан) соддороқ, тушунарлироқ оригинал материал танлашни ҳам кўзда тутиш керак.

**Ўқитишининг проблемали формаси.** Проблемали ўқитишининг мазмуни ўқувчиларнинг ўзларини бу ишга жалб қилиш, уларнинг ижодий равишдаги мустақиллигини активлаштиришдан иборатdir. Ўқитувчи проблема қўяди, ўқувчилар эса уни ҳал қилиш йўлларини мустақил равиша қидириб топадилар. Бундай мустақиллик нинг даражаси турлича бўлиши мумкин.

Психологик проблемали ўқитиши ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришга қаратилган бўлади ҳамда уни ўша масалаларни ҳал қилишининг бир жараёни сифатида тушунишга асосланади.

Ўқувчиларни ўқитиши вақтида проблемали вазиятларни вужудга келтираётган ўқитувчи кўпинча мотивлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келади. Проблемали вазиятни вужудга келтириш мазмуни ва методикасини ишлаб чиқиш нисбатан унча мураккаб эмас, лекин ҳар бир ўқувчи учун ўша проблемани мотивлаштириб тушунтириб бериш ва ўқувчининг куч-ғайратини ўша масалани ҳал этишга йўналтириш анча қийин ишдир. Баъзан ўртага қўйилган проблема, ўқитувчининг назарида қанчалик қизиқарли бўлиб туюлмасин, у кўпинча ўқувчи ҳаётида унчалик катта аҳамиятга эга бўлмаган масала бўлиб чиқади.

Проблемали ўқитишининг турли даражалари ишлаб чиқилган. Шулардан биринчиси — материални ўқитувчи томонидан проблемали тарзда баён этилишидир. Проблемали ўқитиши одатдаги анъанавий изоҳловчи ўқитишидан шу билан фарқ қиласдики, бунда дарсни проблемали тарзда баён этаётган ўқитувчи мазкур фан тарихига оид материаллардан фойдаланади, қараб чиқилаётган масалага тегишли фикрлар курашини тушунтириб беради, ҳар хил нуқтаи назарларни бир-бирига қиёслаб солиштиради ҳамда мана шу кураш ва қайта фикрлашларнинг натижаси сифатида масаланинг илмий асосда ҳал қилингандигини кўрсатиб беради. Проблемали ўқитишининг иккинчи даражаси бу проблемани ўртага қўйиш бўлиб, ўқитувчи шу проблема теварагидаги турли хил нуқтаи назарларни содда қилиб тушунтириб беради ҳамда мазкур проблемани ўқувчиларнинг ўзлари ўқитувчи раҳбарлигига ҳал қиласдилар. Учинчи босқичда ўқитувчи ўқувчилар олдига проблема қўйиб, уни ҳал қилиш учун ўқувчиларни зарур асбоб-ускуна ва материаллар (библиография ва ҳар хил аппаратлар) билан таъминлайди ҳамда ўзи проблемани ҳал этилишига раҳбарлик қилиб туради. Проблемали таълимнинг учинчи босқичи ўқитиши тажрибасида кўп учрамайди, лекин йил давомида бир неча марта ўқувчиларга ўз

кучларини синаб кўриш учун имкон бериш, фойдадан ҳоли булмайди.

Проблемали ўқитиш асосида ўқитишнинг модели ётади. Ўқувчига бирор нарсанинг биринчи ихтирочи-тадқиқотчиси, фактларни мустақил равишда ўзи тайёрлаётган ва уларни умумлаштириб хулоса чиқараётган киши сифатида қарапади. Учинчи даража мустақиллик формасида ўқитувчи ўқувчиси билан мулоқотга киришганда унга билим бермайди, балки у ўқувчи билмоқчи бўлган нарсаларни ташкил қилиб, тузатиб туради, фактларни қидириб топиш методларини айтиб беради ҳамда аппаратлар билан таъминлайди.

Проблемали ўқитишнинг болалар психикасига тобора ривожлантирувчи таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Масаланинг ажратиб кўрсатилиши, уни ҳал қилиш йўлларининг қидирилиши, фикрий фаолият жараёнида шу билан боғлиқ бўлган муваффақият ва камчиликлар натижасида ўқувчи қалбида пайдо бўладиган эмоционал изтироблар — булар бари шунга олиб келадики, ўқув материалини ўз онгида қайта ишлаш ва уни эгаллашга ўрганаётган ўқувчининг диққати, идроки, тафаккури, тасаввури, мантикий хотира механизмлари актив равишда ишга киришиб кетади. Бундай ўқитиш формасида билимларни назарий равишда ўрганиш формаси уларни амалий ишларга татбиқ этиш билан таркибий тарзда қўшилиб кетади.

Программалаштирилган ўқитиш. Программалаштирилган ўқитишнинг бир неча ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, ўқув материали катта бўлмаган қисмларга ажратилади. Иккинчидан, бу парчалар ҳар бир ўқувчига ўқув материалининг бир қисми сифатида индивидуал тарзда тақдим этилади. Бунинг учун материални оқ қофозга, плёнкага кўчирилади ёки телевизор экрани орқали кўрсатилади. Материалнинг тақдим этилиши ЭҲМ орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, шунинг учун программалаштирилган ўқитишни баъзан машина билан ўқитиш деб ҳам юритадилар. Учинчидан, материалнинг ҳар бир парчасини ўзлаштириш устидан қадамба-қадам тескари алоқа ўрнатиб, унинг қай даражада ўзлаштирилганлиги текшириб борилади, яъни ахборот кадр кетидан назорат қилувчи кадр келади. Агар берилган жавоб тўғри бўлса, ўқувчи навбатдаги ахборот кадр билан ишлашни давом эттиради. Агар у хатога йўл қўйса ўқувчига қўшимча ахборот олиш таклиф қилинади ва шундан кейин ўша нотўғри жавоб берилган ахборот кадрга қайтиб, у билан иш олиб борилади. Сўнгра эса яна контрол саволларга жавоб қайтариш янгидан бошланади.

Программалаштирилган ўқитишнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда ўқувчи фақат унинг ўзига хос ақлий фаолият суръати билан индивидуал тарзда иш олиб боради. Ҳозирги замон программалари ўқувчига материал тақдим қилинишини неча ўнлаб вариантларини ўз ичига олади ва ўқувчи шулар ичидан ўзининг бундан аввал олган билимларига ҳамда ўз тафаккур хусусиятларига мувофиқ келадиган программани танлаб олиши мумкин. Программалаштирилган ўқитиш формасида ахборотни максимал даражада

тушуниб олиш имконияти бұлади ва ахборотнинг тушунмай қоли-  
ниши истисно қилинади. Материалнинг кичик бир қисмини ўрга-  
нишда йўл қўйилган нотўғри жавоблар ўша заҳоти тузатилади.  
Мана шу афзаллик туфайли программалаштирилган ўқитиш педа-  
гоглар эътиборини ўзига жалб қилди. Бироқ программалаштириб  
ўқитиш формасидан фойдаланиш тажрибаси бу соҳада бир қанча  
муҳим камчиликлар борлигини кўрсатади.

Программалаштирилган ўқитишда ўқувчи программа ёки компь-  
ютер билан мулоқотга киришади ва билим олиш жараёнида ўқи-  
тuvchi билан алоқаси узилиб, унга мурожаат этолмай қолади.  
Бундай ҳол шунга олиб келадики, ўқувчи ўз фикрини муфассал  
нутқ формалари орқали ифодалаб бериш малакасини йўқота бош-  
лайди, яъни унинг нутқий ривожланиш даражаси пасайиб кетади.  
Қадам-бақадам ташкил этилган тескари алоқа формаси когнитив  
тескари алоқанинг ривожланишини секинлаштириб қўяди. Ўқувчи  
берилган программа чегарасидан чиқиб кетолмай, қўшимча вари-  
антларсиз бир ёқлама ўйлашга ўрганиб қолади. Ўқувчилар ўртоқ-  
лари билан бирор масала ёки мисолни тӯғри ҳал қилган вақтдаги  
қувончдан маҳрум бўладилар, яъни бу ерда мотивлаштириш жара-  
ёнидан айрим муҳим блоклар чиқарип ташланади.

Психологик камчиликларга техник қийинчиликлар ҳам қўши-  
лади. Материални вужудга келтириш, нусхасини кўпайтириш ва  
уни тақдим этиш техникаси хийла мураккабдир. Шунинг учун  
бундай материалларни марказлаштирилган тартибда тайёрлаш  
лозим. Бундан ташқари, ҳар қандай материал ҳам программалаш-  
тириш учун яроқли бўлавермайди.

## Семинар ва амалий машғулотларнинг планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### Ўқитиши назариясини психологик жиҳатдан асослаш

1. Билимлар (тасаввурлар ва тушунчалар) системасини шакл-  
лантириш ҳамда ўқитишнинг анъанавий системасида ўқувчи  
шахсини ривожлантириш.
2. Ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириб бориш на-  
зарияси.
3. Программалаштириб ўқитиш; бихевиоризмнинг чет эллар-  
даги программалаштиришнинг негизи сифатида танқид қилиниши.
4. Проблемали ўқитишда билимларни эгаллашнинг ўзига хос  
хусусиятлари.
5. Умумтаълим ва ҳунар мактабида ўқитиш жараёнини опти-  
маллаштириш шартлари.

Ўқитувчи семинар машғулотини ўтказар экан, шундай бир қоидага  
амал қилиши керакки, студентларнинг жавобларида ҳар бир  
ўқитиш формаси чегарасида тасаввурлар, тушунчалар, малакалар-  
ни шакллантириб бориш имкониятлари таҳлил қилиб бериладиган

бўлсин. Шунингдек бунда образли тафаккурни, кўргазмали, ҳаракатли фикрлашни, абстракт-мантиқий тафаккур турларини ривожлантириш имкониятлари, ақлий фаолият малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини қараб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда материалларни баён этишга, турлича ёндашиш имкониятларини бир-бирига қиёслаб солишиши, бир дарснинг ўзида шундай турли хил ёндашишлардан фойдаланиш (уларни ўзаро қўшиб татбиқ этиш) нинг мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ҳам фойдалидир. Ана шу сўнгги масалаларнинг ўртага қўйилиши фан ўқитувчилари, ҳар бир предмет бўйича методистлар билан келишиб олиниши ва қайси факультетда татбиқ этилишига қараб тарзда қўйилиши мумкин.

### *Иккинчи машғулот (лаборатория иши)*

#### *Ўқитишинг турли формаларида дарс материалини структураларга ажратиш*

Бундай машғулотдан мақсад — дарс материалини тайёрлашда ўқитишинг анъанавий баён этиш, программалаштирилган ва проблемали ўқитиш усулини татбиқ этиш учун студентларга ўз кучини синааб кўриш имконини беришдан иборатdir. Ҳар бир ахборот учун ажратиладиган вақт 10—12 мин бўлиши керак. Бу эса ҳар бир дарсда учта ахборотни тинглаш ва муҳокама қилиш ҳамда материалнинг тузилиш методларини баҳолаш имконини беради. Бундай топшириқларни уйда ишлаб келиш учун уч группа студентларга бўлиб берилгани маъқул.

Үй вазифаси берилишидан олдин ўтказилган машғулотларда шу хилдаги бир нечта масалаларни ечиш ҳамда шулар асосида мазкур материални тушунтиришда қандай баён этиш методи ишлатилганлигини қараб чиқиш фойдалидир.

### *Учинчи машғулот (амалий — дарсга қатнашиш ва уни анализ қилиши)*

#### *Дарсни психологик жиҳатдан анализ қилиши*

Студентлар фан бўйича ҳар қандай дарсга кириб ўтиришлари ва уни анализ қилиб беришлари мумкин. Бу ишни V—VII синфларда амалга оширилгани маъқул, чунки бу синфларда одатда ўқувчилар билан мулоқотга киришиш формалари ўзгариб туради.

Дарсни таҳлил қилишнинг қўйидаги моментларини айтиш мумкин.

1. Ўқитувчи ўз олдига қандай мақсадларни қўйди?
2. Ўқитувчи томонидан материални баён этишнинг қандай формаси танлаб олинди?
3. Дарс материали (унда проблеманинг мавжудлиги, дарсни қисмларга ажратиб ўтиш имконияти, материални образли баён этиш эҳтиёжи) ушбу формага қай даража мувофиқ келади?

4. Баён этиш методи дарснинг мақсадига қай даражада мувофиқ келади?
5. Үқитувчи томонидан тескари алоқанинг қандай турлари фойдаланилди?
6. Үқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ўқув фаолиятига индивидуал тарзда ёндашиш нималарда намоён бўлди?
7. Дарснинг мақсадига эришилдими?

**Амонашвили Ш. А.** Обучение. Оценка. Отметка.— М.: Педагогика, 1980.

**Беспалько В. П.** Программирование обучение (дидактические основы).— М.: Высшая школа, 1970.

**Возрастная и педагогическая психология** / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979.

**Возрастная и педагогическая психология** / Под ред. М. В. Гамзоз, М. В. Матюхиной, Т. С. Михальчик.— М.: Просвещение, 1984, Гл. 1, 2, 3, 5.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения и обучения.— М.: Педагогика, 1972.

**Ительсон Л. Б.** Лекции по современным проблемам психологии обучения.— Владимир, 1972.

**Крутецкий В. А.** Психология обучения и воспитания школьников.— М.: Просвещение, 1976.

**Лингарт И.** Прогресс и структура человеческого учения.— М.: Прогресс, 1970.

**Матюшкин А. М.** Проблемные ситуации в мышлении и обучении.— М.: Просвещение, 1972.

**Махмутов М. И.** Современный урок: Вопросы теории.— М.: Педагогика, 1981.

**Никандров Н. Д.** Программированное обучение и идеи кибернетики.— М.: 1972.

**Оконь В.** Основы проблемного обучения— М.: Просвещение, 1968, 61—70, 186—204-бетлар.

**Практикум по психологии** / Под ред. А. И. Щербакова.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена.— М.: 1969, 230—263- бетлар.

**Степанов А. А.** Психологические основы дидактики учебного телевидения.— Л.: ЛГПИ им. А. М. Герцена, 1973.

**Стоунс Э.** Психопедагогика: Психологическая теория и практика обучения.— М.: Педагогика, 1984.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975.

**Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии.** / Под ред. И. И. Ильясова, В. Я. Ляудис.— М.: Изд-во МГУ, 1980.— Т. I. 1981.— Т. II.

## **Мустақил ишлар учун топшириқлар**

### **Аннотация түзиш ёки конспект ёзиш**

**Гальперин П. Я.** О методе поэтапного формирования умственных действий / Вопросы психологии.—1969, 1-сони.

**Давыдов В. В.** Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

**Матюшкин А. М.** Проблемные ситуации в мышлении и обучении.— М.: Просвещение, 1972.

**Махмутов М. И.** Проблемное обучение: Основные вопросы теории.— М.: Педагогика, 1975.

**Никандров Н. Д.** Программированное обучение и идеи кибернетики.— М.: Наука, 1970.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975.

### **Реферат ёки докладниг темалари. Адабиётлар**

#### **1. Мактаб ислоҳотининг асосий ўқутишини ва ўқитишини такомиллаштириш юзасидан психологиянинг вазифалари**

Основные направления реформы общеобразовательной и профессиональной школы: Сборник документов и материалов.— Политиздат, 1984.

**Бабанский Ю. К.** Основные условия и критерии оптимального выбора методов обучения // Проблемы методов обучения в современной общеобразовательной школе.— М.: Педагогика, 1980, 48—56-бет.

**Бабанский Ю. К.** Система способов оптимизация обучения // Вопросы психологии.—1982, 5-сони, 12—22-бетлар.

**Бодалев А. А.** Реформа общеобразовательной и профессиональной школы в СССР и задачи советских психологов // Психологический журнал.—1984;— Т. 5—6-сони, 21—26-бетлар.

**Шербаков А. И.** Совершенствование системы психологического образования будущего учителя // Вопросы психологии.—1981, 5-сони.

#### **2. Анъанавий ўқитиши вақтида билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантиришини бошқарishi**

**Богоявленский Д. Н., Менчинская Н. А.** Психология усвоения знаний в школе.— М. Педагогика, 1959.

**Гальперин Н. Я.** О методе по этапного формирования умственных действий // Вопросы психологии.—1969, 1-сони.

**Кабанова-Меллер Е. Н.** Формирование приёмов умственной деятельности и умственного развития учащихся.— М.: Просвещение, 1968.

**Менчинская Н. А. Сабурова Г. Г.** Проблема обучения и развития // Вопросы детской и педагогической психологии на XVIII Международном конгрессе психологов / Под ред. А. А. Смирнова.— М.: Просвещение, 1969, 57—105- бетлар.

**Пойя Д.** Как решать задачу.— М.: Учпедгиз, 1959.

**Стоунс Э.** Психопедагогика: Психологическая теория и практика обучения.— М.: Педагогика, 1984.

**Эсаулов А. В.** Активизация учебно-познавательной деятельности студентов.— М.: Изд-во МГУ, 1982, 112—159- бетлар.

### *3. Программалаштириб үқитиши ва тушунчалар, малакаларни үзлаштиришининг алгоритмлаштирилиши*

**Беспалько В. П.** Программирование обучение / дидактические основы / — М.: Высшая школа, 1970.

**Брунер Дж.** Процесс обучения.— М.: Изд-во АПН РСФСР, 1962.

**Гальперин П. Я.** Управление процессом учения // Новые исследования в педагогических науках.— М.: Просвещение, 1965, Вып. IV.

**Никандров Н. Д.** Программированное обучение и идеи кибернетики.— М.: Наука, 1970.

### *4. Проблемали үқитиши ва үқув-билиш фаолиятининг мотивларини ривожлантириши*

**Матюшкин А. М.** Проблемные ситуации в мышлении и обучении.— М.: Просвещение, 1972.

**Матюшкин А. М.** Психологическая структура, динамики и развитие познавательной активности // Вопросы психологии.—1982, 4-сони.

**Махмутов М. И.** Проблемное обучение. Основные вопросы теории.— М.: Педагогика, 1975.

**Махмутов М. И.** Принцип проблемности в обучении // Вопросы психологии.—1984, 5- сони.

**Стоунс Э.** Психопедагогика: Психологическая теория и практика обучения.— М.: Педагогика, 1984.

**Сухобская Г. С.** Психологические аспекты проблемного обучения и развитие познавательной активности взрослых учащихся // Вопросы психологии.—1984, 5- сони.

### *5. Ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириб бориш назарияси ва уни үқитишида қўлланиши имкониятлари*

**Гальперин П. Я.** О методе поэтапного формирования умственных действий // Вопросы психологии, 1-сони.

**Талызина Н. Ф.** Управление процессом усвоения знаний.— М.: Изд-во МГУ, 1975.

## **6. Үқитиши — умумлаштирилган ақлий ғаолиятнинг шаклланиши сифатида**

Давыдов В. В. Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

Раев А. И. Управление умственной деятельностью младшего школьника.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

Раев А. И. Психологические вопросы программируемого обучения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1971.

## **7. Эмпирик ва назарий умумлашмалар қилиш вақтида үқитишинг ташкил этилиши**

Давыдов В. В. Виды обобщения в обучении.— М.: Педагогика, 1972.

## **8. Үқитишини группа усулида ташкил қилишнинг психологик самараси**

Лийметс Х. И. Групповая работа на уроке.— М.: Педагогика, 1975.

Немов Р. С., Хвостов К. А. Межличная активность в условиях группового обучения // Психологический журнал.—1984.— Т. 5—6-сони, 39—47- бетлар.

## **9. Контроль, тескари алоқа, баҳо — үқитишинг шахсга хос омиллари сифатида**

Амонашвили Ш. А. Развитие познавательной активности в начальной школе. // Вопросы психологии.—1984, 5-сони.

Амонашвили Ш. А. Обучение. Оценка.— М.: Педагогика, 1980.

Ананьев Б. Г. Психологическая ситуация опроса на уроке // Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. / Под ред. И. М. Ильясова, В. Я. Ляудис.— М.: Изд-во МГУ, 1980, 155—161-бетлар.

Кулюткин Ю. Н. Личностные факторы развития познавательной активности учащихся в процессе обучения // Вопросы психологии.—1984, 5-сони.

Матюшкин А. М. Психологическая структура, динамика и развитие познавательной активности // Вопросы психологии. 1982, 4-сони.

## **Психологик масалалар ечиш**

Тақдим этилаётган масалалар шунга қаратилганки, бу масалаларни ечган студентлар үқитиши назарияси тұғрисидаги қоидаларни яна ҳам аниқроқ тасаввур қилиш имкониятига эга бұладилар. Келтирилған мисоллар назарияни әгаллаб олишни осонлаштиради ҳамда педагогик жараённи кузатишга, мустақил ишлар олиб боришига пойдевор яратади.

Дастлабки учта масаланинг тексти ўзининг мазмуни ва ўқитиш мақсадига кўра үхшаб кетади. Ҳар учала текст ҳам «Ўқитадиган машиналар» тушунчасини шакллантиради. Биринчи масаланинг тексти Д. Крэмнинг «Программированное обучение и обучающие машины»<sup>1</sup> деган китобидан олинган. У шундай тузилганки, тасвирланаётган саҳифаларда ахборотлар ва китобда босилган контрол кадрлар қайтадан тикланган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу текстда программалаштирилган ўқитишдаги ўқув материалини структуралаштиришнинг анъанавий манзараси қайтадан тикланади.

Иккинчи ва учинчи масаланинг текстлари ҳам худди ўша материалдан иборат. Уларнинг ҳар бири «ўқитадиган машина» деган тушунча Крэмда қандай берилган бўлса, бу тушунчани худди шу тарэда шакллантириш имконини беради. Бироқ, иккинчи масалада материал анъанавий ўқитиш қонунлари асосида структуралаштирилган бўлса, учинчидан проблемали ўқитиш қоидалари асосида тузилган.

Ўқитувчи студентлар олдига ҳар учала текстни таққослаб ва таҳлил қилиш ҳамда уч хил структуралаштиришнинг ҳар биридан ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, уч хил ёндашувнинг ҳар бири материални ўзлаштиришдаги самараадорликка қанчалик кўпроқ таъсир кўрсатиш имкониятига баҳо бериш, уларнинг ўқув мотивларини шакллантиришга кўрсатадиган таъсирини баҳолаш вазифасини қўяди.

### 1-масала

#### 8-бетдан олинган текст (Д. Крэм)

«Барча «ўқитадиган машиналар», ўзининг қайси типда ва қандай мураккабликда ишланган бўлишидан қатъи назар, умуман учта асосий белгиси билан характерланади:

1. Улар материални ўқувчига кичик-кичик парчалар тарзида тақдим этади ва бунда ҳар бир парчадан кейин контрол саволга тегишлича жавоб беришини талаб қиласди.

2. Улар студентга жавоби тўғрими ёки йўқми эканлигини ўша заҳоти билиб олиш имконини беради.

3. Улар студентга актив иш олиб бориш имконини беради. Бунда материални ўзлаштириб олиш тезлиги ўша студентнинг индивидуал эҳтиёжлари ва қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ана шу учта мезонга асосланган ҳолда ўқув кинофильмларининг улардан одатдаги тартибда фойдаланилган вақтда уларни «ўқитадиган машиналар» деб ҳисоблаш мумкинми, деган саволга жавоб беринг.

Ҳа, ҳисоблаш мумкин (6- бет).

Йўқ, ҳисоблаш мумкин эмас (4- бет)».

<sup>1</sup> Крэм Д. Программированное обучение и обучающие машины.— М., 1965.

## 6-бетдаги текст (Д. Крэм)

«Үқув кинофильмларининг одатдаги проекцияси үқувчиларга бир қанча ахборот беради. Бироқ, бу кинофильмлар «ўқитадиган машина»ни характерловчи бошқа бир қатор шартларга тұғри келмайды. Масалан, улар студентдан бирор саволга жавоб беришни талаб қылмайды ҳамда үша жавобларнинг тұғри ёки нотұғрилиги ҳақида маълумот ҳам бермайды. Бу фильмлар материални үзлаштириш сифати ва суръатини назорат қилиш учун студентларга имконият яратып олмайды.

Стандарт шаклда ишланган үқув кинофильми пухта тайёрланған лекцияға үхаши мүмкін-у, лекин у «ўқитадиган машина» бұла олмайды.

8-бетдаги шартларни яна бир марта үқиб чиқинг ва у ердагидан бошқа жавоб танланға.

## 4- бетдаги текст (Д. Крэм)

«Тұғри! Үқув кинофильмидан одатдагидек фойдаланилғанда у «ўқитадиган машина» ҳисобланмайды:

1. Гарчи үқув кинофильми бизга қандайтын янги ахборот берса ҳам лекин у студентлардан (оғзаки, карточка танлаш йүли билан, тұгмача босиши орқали ва қоказо йүллар билан бериладиган) мунтазам жавобларни талаб қылмайды.

2. Үқув кинофильми жавоб талаб қылмаганлиги сабабли у берилған жавобларнинг тұғри ёки нотұғрилиги ҳақидаги маълумотларни ҳам бериши мүмкін әмас.

3. У ўқитилаёттан ҳар бир студентта уларнинг үз шахсий әхтиёжлари ва имкониятларынан мувофиқ равища тегишли материални қандай, үзлаштиришларини белгиловчи маълумотларни, яғни уларнинг үз индивидуал суръатларини белгилаб олиш имконини бермайды.

Бироқ, сиз тасаввур қилиб күринг. Айтайлық, үқув кинофильми шундай намойиш этилсінки, бунда студентлар мунтазам равища үзларига берилаёттан саволларға тақдим этилған жавоблардан бирини танлаб олиш йүли билан жавоб қайтарадиган бұлсінлар. У ҳолда биз үша үқув кинофильмини қўйиш учун «ўқитадиган машина»ни ишлатдик, деб ҳисоблашимиз мүмкінми ёки йўқми?

Ҳа, мүмкін (2-бет).

Йуқ, мүмкін әмас (12- бет)».

## 2- бетдаги текст (Д. Крэм)

«Албатта, студентлардан үқув кинофильми намойиш қилинадан бастап баъзи саволларға жавоб беришни талаб қилиш мүмкін. Бунинг учун шу мақсадда маҳсус танланған фильм булиши керак. Ехуд муайян үринларда фильмни намойиш қилишни тұхтатиб савол-жавоб үтказиш методидан фойдаланиш мүмкін. Лекин бундай қилинганида барча студентлар мутлақо бир хил шароитта

солиб қўйилган бўлади. Бундай аудиторияда материални секин ўзлаштиришга одатланган студент уни тез ўзлаштирадиган студент билан бир хил суръатда саволларга жавоб қайтаришга мажбур бўлиб қолади. Шундай қилиб, «ўқитадиган машиналар»нинг афзалликларидан бири — ўқитишнинг индивидуал суръати ва ўқитишга индивидуал тарзда ёндашиш — хусусиятига мутлақо путур етказилган бўлади. Шунинг учун уларнинг бу ерга қўйилишининг ўзи кишида жиддий шубҳа ўйғотиши мумкин.

Марҳамат қилиб 4-бетдаги материални яна бир ўқиб чиқинг ва саволга бошқа жавоб топинг».

### 12-бетдаги текст (Д. Крэм)

«Тўғри! Уқув кинофильмини ҳеч қачон «ўқитадиган машина» деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки фильм намойиш қилинаётган вақтда ҳар қандай формада бўлса ҳам савол-жавоб уюштириши талаб қилиб бўлмайди».

### 2-масала

Бугунги машғулотимизнинг темаси «ўқитадиган машиналар». Энг аввало биз бу машиналарда ўқитиш қай хилда ва қандай воситалар билан амалга оширилишини қараб чиқамиз.

Инсонияти пайдо бўлганидан бери бир авлод билимини иккинчи авлодга берилиши одамлар томонидан амалга ошириб келинган. Ян Амос Коменский давридан буён ўқитиш, билимни бир авлоддан иккincinnисига ўтказиши тадбирларини амалга оширишда кўргазмалилик кенг қўлланиб: дидактик расмлар, реал обьект ёки уларнинг қиёфалари акс эттирилган турли шакллардан фойдаланиб келинмоқда. Лекин бу ҳали биз тушунадиган маънодаги ўқитиш техникаси эмас эди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларига келиб, мактабларда сеҳрли фонаръ (баъзилар уни туманли чироғ деб ҳам атаганлар) пайдо бўлади. Фонограф ва граммофонлар ҳам алп қадамлар билан билим даргоҳига — физика кабинетлари ва синфларига кириб келади. «Соқов» кинодаги кишилар ҳаракати ҳам худди ҳаётдаги кишилар ҳаракатига жуда ўхшайди. Шунинг учун дастлабки йиллардаги кинони «иллюзион» деб аташган. Бу дастлабки ўқитиш техникаси эди, лекин у «кўргазмалилик воситаси» деган тушунча чегарасидан ташқарига чиқа олмади. Хозирги замон тили билан айтадиган бўлсан, бу воситалар ўқитувчининг ўрнини боса олмади, фақат улар ўқитувчининг ахборот функциясига кўшимча тарзida унга ёрдам берди, холос: улар бирор нарсани кўрсатар, намойиш қиласр эди-ю, лекин гапирмас эли.

Эндиги вазифа уни мустакил ахборот воситасига айлантиришдан иборат эди. Ўқитувчининг бу функциясини овозли киногина, кейинроқ эса телевидение ўз зиммасига олди. Ҳар иккиси қўшилиб, билимларни баён этиш вақтида «ўқитадиган машиналар» яратиш учун пойдевор қўйди.

Ўқитиш жараённада ўқитувчи ўқувчилар томонидан билимлар қай даражада ўзлаштирилганига баҳо беради, улар билан индиви-

дуал иш олиб боради, агар бирор ўқувчи ўз жавобида дарсни яхши тушунмаганлигини билдирса, у билан құшимча дарс ўтказади. Контрол қилувчи автомат қурилмалар яратилиши билан ўқитувчининг ўз ўқувчиларини назорат қилиш вазифасини машиналар, приборлар зиммасига юклаш имконияти пайдо бўлди. Бундай ихтиrolар асримизнинг 20-йилларида пайдо бўлган эди. Лекин асримиз ўрталаригача, аниқроғи то 60-йилларга қадар улар ўйинчоқ ҳолида қолиб кетди. Ҳозирда эса бундай ўйинчоқни сотиб олиш мумкин. Бу «Огонёк» типидаги ўйинчоқдир. Унинг таркиби-га: карточкалар набори (масалан, ёзувчиларнинг портретлари, рассомлар чизган расмлар), ана шу карточкалар ўрнатиб қўйила-диган тешикчалар киради. Ҳар бир карточка қўйиладиган тешикчанинг контактни бор. Агар ўйнаётган киши ўша контактга тегса, тўғри топилган расмнинг лампочкаси ёнади. Мана шу содда ихтиро кейинчалик ҳийла мураккаб «ўқитадиган машиналар» яратиш учун асос бўлди.

Кибернетиканинг вужудга келиши «ўқитадиган машиналар» яратиш учун назарий бир туртки бўлди. Буёғи энди озгина ўйланса бўладиган ишлар қолган эди. Масалан, ўқув материалини мантиқан тугал фикр англатадиган кичик-кичик қисмларга ажратиб чиқиш, уларга контрол саволлар ўйлаб топиш ҳамда ўқувчига ўз жавобининг тўғрилигини текшириб куриш имконини бериш шундай ишлар жумласидан эди. Қенг миқёсдаги мураккаб прог-раммалар тузиш, унда ўқувчи йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларни ҳисобга олиб программага киритиш ҳамда ўқувчи билимини корректировка қилиб турадиган программадаги хатоларни унга билдириб туриш учун янги педагогик назария ишлаб чиқишини талаб қилас мас эди. Бунинг учун юксак даражада ривожланган электрон техника зарур эди.

Шундай қилиб, «ўқитадиган машина»— бу бир система булиб, у ўқув материалини кичик парчалар тарзида ўқувчига тақдим этади. Бунда у ҳар бир контрол саволга жавоб берилишини талаб қиласи ҳамда ўша берилган жавобни тўғрилигини корректи-ровка қилинишини ҳам таъминлайди.

Ушбу таърифдаги «система» термини ахборотлар ва контрол кадрлар ифода этилган қофоз ленталар уралган механик фалтаклардан бошлаб то ЭХМ га уланган телевизион камераларнинг пультларига қадар бўлган қурилмаларни назарда тутади. Д. Крэм-нинг «Программированное обучение и обучающие машины» деган китобчасида ҳам мана шундай «ўқитадиган машина» назарда тутилади. Буни биз ана шундай лексик оборотга онгимиз ҳали ўрганмаганлиги учунгина уни программалаштирилган дарслик деб атаемиз.

«Ўқитадиган машина» деган тушунчага берилган таъриф тү-рисидаги сұхбатимизни тутатар эканмиз, «ўқитадиган машина» таърифининг моҳиятидан келиб чиқадиган бир афзалликни таъ-кидлаб ўтмоқчимиз: бу қурилманинг ўзи унда олиб бориладиган ишлар ҳам индивидуал характерга эгадир. Ўқувчи бу машинада ўзига хос суръат билан ишлай олади, хийла мураккаброқ техник

системаларда эса у ўзи йўл қўйган хатоларни индивидуал тарзда тузатиши ҳам мумкин.

### З-масала

Сиз куриб турган плакатга: «Ўқитадиган машиналар» деб ёзиб қўйилган. Ўйлаб куринг-чи шу ёзиб қўйилган сўзлар биримасида зиддият йўқмикин? Машина ўқитар эмиш... Яна кимни? Одамни!

Хуш, машина ўқита оладими? Агар ўқитса қандай қилиб, қай даражада ўқитади ва энг муҳими нима учун, қандай шароигларда ўқитиши мумкин? Биз энг аввало ана шу саволларга жавоб топишимиз керак. Бунинг учун ўқитиш жараёнининг ўзини яна бир қараб чиқамиз.

Ўқитиш, таълим-тарбия бериш фақатгина инсоният жамиятини да мавжудdir. Шундай эмасми? Хайвонларда эса у ёки бу ҳаракатларга тақлид қилиб ўргатиладиган малакалар ҳосил қилиш мумкин. Ёхуд уларни доимий равишда такрорланиб турадиган муайян муҳит шароитида боқиб, бирон хатти-ҳаракатни бажаришга ўргатиши мумкин. Демак, ҳайвонлардаги тақлид қилиш ва адаптация механизмлари уларда муҳитга боғлиқ ҳолда ҳосил бўлади. Лекин умуман олганда, бундай хатти-ҳаракатларга ҳайвонларни мақсадга қаратилган ҳолда (яъни инстинктив) бўлмаган тарзда ўргатиб бўлмайди, аниқроғи ҳайвонларнинг ўзи бундай ҳаракатларни бир-бирига ўргата олмайди. Шундай қилиб, биз шундай хуносага келишимиз мумкинки, инсоният жамиятида ўқитиши, таълим-тарбияни амалга ошириш мумкин бўлган бирдан-бир восита бу ... жуда тўғри топдингиз: энг аввало сўз, нутқdir.

Одам ҳар қандай сўзларини плёнкага ёзиб олиш мумкинлиги ва уни яна қайтадан эшитиш имконияти мавжуд эканлиги бизларга тажрибадан яхши маълум. Демак, ўқитадиган машина яратиш учун энг муҳим бўлган шарт мавжуд экан: бу шарт ўқув ахборотини оғзаки нутқ шаклида ёзиб олинишидир. Дарвоқе, шуни ҳам таъкидлаш керакки, дарслик ҳам ёзма нутқ тарзида баён этилган ўқув ахборотидир. Шундай қилиб, магнитафон ёки матбуот тексти — буларнинг ҳар иккаласи бир хил даражада «ўқитадиган машиналар» яратиш учун зарур бўлган шартлардан ҳисобланади.

Келинг, яна бир ўйлаб кўрайлик-чи, «ўқитадиган машина» яратиш учун яна нималар зарур? Ҳар семестрдан кейин имтиҳонлар ўтказилади. Бу имтиҳонлар нима учун ўтказилади? Уларни кимгадир стипендия бериш, кимнидир стипендиядан маҳрум қилиш учун ўтказилади деб ўйламанг — мутлақо ундаи эмас. Берилган савол ва билим даражасига қўйилган баҳолар, ўқувчига у нимани билишини ва нимани билмаслигини кўрсатади ва билимининг сифати қандай эканлиги тўғрисида ахборот беради. Буни билиш имтиҳон олаётган кишига эмас, бу энг аввало ўқувчининг ўзига, у ўзлигини шакллантириши ва қарор топтириши ва ўзига-ўзи баҳо бера оладиган даражага этишиши учун зарурдир.

Хўш, машина ўқиши жараёнини назорат қила оладими? Бу ишни, табийки, машина имтиҳон олаётган кишидек бажара олиши мумкин эмас. Лекин ўз билим даражаси қандай эканлигини билиб олиш ўқитувчи учун эмас, балки ўқувчи учун зарур экан, у ҳолда машинани бир қанча тўғри ва нотўғри жавоблар қайтаришган саволлар билан таъминлаб ўқувчига тақдим этиш мумкин. У мана шу жавоблардан ўзи тўғри деб ҳисоблаганини танлаши сўралади. Кейин эса жавобнинг хатолиги ёки тўғри топилганини асослаб берилади. Материални тўғри ўзлаштирилганлигини текшириш учун ўқувчига уни мантиқан тугал фикр англатган қисмларга бўлиб тақдим этиш ўқувчи учун қулайлик туғдириши тушунарли бўлса керак. Бутун тема юзасидан берилган саволларга жавоб қайта-ришда машина контрол қилишга ожизлик қиласи. Чунки у тушунишдаги хатони таҳлил қилиб бера олмайди, ўқувчининг ўзи эса ўзи йўл қўйган хатони билмайди ва уни тузатишга кучи етмайди.

Юқорида биз билдирган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси «ўқитадиган машина» тўғрисида қуйидагича таъриф бериш учун асос бўлади: «ўқитадиган машина»— бу ўқув материалини ўқувчига кичик-кичик қисмларга ажратган ҳолда тақдим этадиган система бўлиб, у ҳар бир қисм тұгагач, унинг юзасидан бериладиган контрол саволга жавоб қайтаришни талаб қиласи ҳамда берилган жавобнинг түғрилигини корректировка қилиш имконини беради.

Бинобарин, бу ерда одам ўзини-ўзи ўқитади. Бунинг учун у машина томонидан тақдим этилган материалдан фойдаланади ҳамда қадам-бақадам ўзини-ўзи контрол қилиб боради. Машина дарс ва лекцияга нисбатан яна бир афзалликка эгадир, бунда ўқувчи билим эгаллаш учун фақат ўзига хос суръат билан инди-видуал тарзда ишлай олади.

#### 4-масала\*

Техник механика дарсларида ўқувчиларга жисмнинг вазни бу жойнинг кенглигига боғлиқ бўлган катталик эканлиги тўғрисида-ги тушунчани баён этиб берилади.

Ўқитувчи болалардан: «Жисмнинг вазни-доимий катталик-ми?»— деб сўрайди.

Ўқувчилар: «Ҳа, доимий катталик»,— деб жавоб беради-лар. Шундан кейин ўқитувчи динамометрга юкни осиб қўяди ва сурайди: «Агар мен шахта ичига тушсан у ҳолда динамометрнинг пружинаси қандай ҳолга келади?»

Ўқувчи. Пружина чўзилиб боради.

Ўқитувчи. Борди-ю, мен юқорига кўтарилиб чиқсан-чи? Унда нима бўлади?

\* Қаранг: Синицкая Н. Ф. К вопросу о психолого-педагогических предпосылках организации урока проблемным методом // Проблемное и программированное обучение / Под ред. Т. В. Кудрявцева, А. М. Матюшкина.— М., 1973, 98—99- бетлар.

Үқувчи. Үнда пружина қисқаради.  
Үқитувчи. Нима сабабдан қисқаради?  
Үқувчи. Чунки оғирлик ўзгаради.  
Үқитувчи. Тұғри айтдинг. Демак, жисмнинг вазни — бу қандай катталиқ әкан?  
Үқувчи. Ўзгарувчан катталиқ әкан.

Үқитувчи доскага чизма чизиб ўқувчидан сүрайди: «Агар биз битта жисмнинг ўзини ҳам қутбга, ҳам экваторга осиб қойсак, унинг оғирлиги қандай бұлса шундайлигича қолаверадими?»

Бу саволга ўқувчи экватордаги оғирлик кам бұлади, деб айтади, чунки бу ерда марказгача бұлган масофа күпроқ ва шунинг учун бу ерда ернинг тортиш кучи қутбдагига қараганда камроқдир.

### 5-масала\*\*

«Инерциянинг хусусиятлари» деган дарсда ўқитувчи қийидаги тажрибаларни үтказади. У қулига ҳар хил массадаги шарчаларни олади ва уларга бир хил күч билан таъсир күрсатади. Бунда ки-чик шарча катта тезлик билан ҳаракатта келади.

Үқитувчи. Шарчалардан қайси бири каттароқ инерция күчига әга бўлади?

Үқувчи. Катта шарча.

Үқитувчи. Демак, жисмнинг инертлиги нимага боғлиқ бўлар әкан?

Үқувчи. Үнинг массасига боғлиқ бўлар әкан.

Үқитувчи. Мана, энди ўзингиз хулоса чиқаринг.

Үқувчи. Жисмнинг массаси бу жисмимиз инертлигининг меъёрига тенгdir. Шундан кейин ўқитувчи яна сүрайди: «Агар биз шарни тинч турған ҳолидан чиқарип уни ҳаракатлантириб юборсак, у тўхтамасдан узоқ вақтгача ҳаракат қилаверадими?»

Үқувчи. Йўқ, чунки үнинг ишқаланиш кучи мавжуддир.

Үқитувчи. Агар биз ўша шарни чексиз даражада узоқ вақт ҳаракат қилишга мажбур қилмоқчи бўлсак, у ҳолда биз қандай шарт-шароитларни вужудга келтириб қўйишимиз керак?

Үқувчи. Биз уни ҳеч қандай ташқи күч таъсир қилмайдиган даражага келтиришимиз керак.

Үқитувчи. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Үқувчи. Ҳар қандай жисм ўзига қанақадир ташқи бир күч таъсир қилмагунича ўзининг тинч ҳолатини сақлаб тураверади (ёки у ўзининг бир текис тұғри чизиқли ҳаракатини давом эттиради, деб қўшиб қўяди ўқитувчи).

### 6-масала

Студентлар мактабдаги дарсларга қатнашганларидан кейин ўтилган дарслардан қайси бири күпроқ эсларида қолганини ва

\*\* Уша жойда

нима учун шундай булганини ёзиб бериш таклиф қилинган эди. Қўйида шундай тавсифлардан бирини келтирамиз.

«Менинг дарсларга қатнашишим бир қолипда ўтказилган дарслардан иборат бўлди: уйга вазифа текширилар, янги тема ўтилар, шу тема юзасидан савол-жавоб қилинар ва янги материал бўйича масалалар ечишлар ҳамда уйга вазифа берилар эди. Ўзим ўқиган мактабда математика дарслари деярли шу тахлитда ўтказилган бўлса-да, лекин дарслар қизиқарли ўтар эди. Ўқитувчи опамиз янги материални тушунтириб берганларидан кейин досканинг бир томонига 7—8 та масаланинг номерларини ёзиб қўяр эдилар-да: «Ҳани, ким биринчи ишлар экан — масалани биринчи ишлаб бўлган уч ўқувчига «беш», кейинги уч кишига «тўрт» қўяман. Ундан кейинги уч кишига «уч» баҳо қўяман», — дер эдилар. Вақт жуда оз бўлар эди. Шунинг учун доскага ёзиб қўйилган номерлардан ярмини ишласак ҳам катта гап деб ўйлардик. Лекин масалаларни ечишга киришиб кетганимиздан кейин кўпинча доскага ёзиб қўйилган масалаларнинг ҳаммасини ечиб улгурадик. Ҳатто ўқитувчимиз маҳсус карточкага ёзиб келган ўта мураккаб турдаги қўшимча масалани ҳам ечишга киришар эдик. Бу вазифани албатта синфдаги кучли ўқувчиларгина бажара олар эди. Синфимизда бир нечта ўқувчи шундай кучли ўқир эди. Бу ерда болаларнинг биринчи бўлишга интилиши ҳам катта роль ўйнар эди. Ўқитувчимиз синф бўйлаб юриб масаланинг жавобини текширилар, орқада қолаётган болаларга ёрдам берар эди. Кейинчалик кучли ўқувчилар кучсиз ўқувчиларга биркитиб қўйилар эди. Улар ёрдамга муҳтож ўқувчининг партасига кўчиб ўтирад ва унга қўмаклаша бошлилар эди. Дарс ғала-ғовур, жуда жонли ўтар эди. Лекин бу ғала-ғовур, овозлар тўполон кутарган болаларнинг эмас, балки ишлаётган болаларнинг шовқини бўлар эди. Синфдаги барча болалар берилган масалаларни ечиш билан овора бўлар эди».

## Саволлар

1. Ўқитувчи ўқитишини активлаштирадиган қандай методикадан фойдаланди?

2. Ўқитиши қандай ташкил этилган? Ўзингиз баҳоланг-чи.

## 7-масала

Ифодали ўқиш вақтида текстни тушуниш когнитив тескари алоқанинг мисоли бўлиши мумкин. Қайта ўқишида биринчи марта ўқилгандан тушунилмаган сўзларнинг контактдаги маъноси аниқланана боради.

«Қадимги Рим маданияти» деган китобдан олинган қўйидаги парчани ўқиб кўринг. «Левкиппа Ахилл Татий романининг қаҳрамони, уни яхши кўриб қолган Клитофонт билан бирга ота-онасининг уйидан қочиб кетади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Культура Древнего Рима.— М., 1985,—Т. 2.—83- бет.

Еэилган жумладан вазият тушунарли, бироқ унда автор билан асар қаҳрамони кимлигини дарров уқиб олиш қийин. Бундай иккى хиллик қайси исм роман авторига тегишли, қайсинаси роман қаҳрамонига тааллуқли эканлигини тушунмасликдан келиб чиқади... Уша жумланинг давоми ўқилганидан кейин бу вазиятни аниқ-равшан тушуниб олиш мумкин булади: «...йўлда боришар экан, улар қароқчиларнинг қулига тушиб қолишиди, асирикдан қутулиб чиқишиди-ю, бироқ Искандарияда Левкиппани севиб қолган қароқчи Херей уни ўғирлаб кетади».

Тескари когнитив алоқа ўрнатиш асосида китобхон роман қаҳрамони албатта Левкиппа, роман автори эса — Ахилл Татий эканни аниқлайди. Шунда Левкиппа асар қаҳрамонининг исми ва фамилияси бўлса керак деган аввалги тахмин ўз-ўзидан тушиб қолади, чунки китобдаги бошқа қаҳрамонлар ҳам битта исмга эга эканликлари сезилади ва жумланинг тузилишидан ҳам бундай хуносас тўғри эканлиги билиниб туради.

### Савол

Ўқилганда иккى хил маъно чиқиб қолмаслиги учун жумлани қай тахлитда тузиш керак?

### Курсада ўтказиладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Умумтаълим ва ҳунар мактабидаги анъанавий ўқитиш формасининг афзаллик ва камчиликлари нимада?
2. Таълим жараёнида билимларни проблемали тарзда баён этишда ўқувчиларни психик ривожлантиришнинг имкониятлари.
3. Программалаштирилган таълим жараёнида билимларни эгаллашнинг психологик хусусиятлари.
4. Ўқитишнинг ҳар хил формалари қўлланилган шароитда предметни тушунча ва тасаввурларни шакллантириш хусусиятлари.
5. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти мотивларини ривожлантириш.
6. Дарсдан ўзлаштирумайдиган ва интизомсиз ўқувчиларга индивидуал ёндашиш таълим жараёнини оптималлаштиришнинг шарти сифатида.
7. Таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб борган шароитда ўқувчилар билим эгаллашининг психологик хусусиятлари.
8. Ўқув предмети юзасидан ўқувчилар олиб борадиган мустақил ишлар билиш активлиги ва ижодий тафаккурни ривожлантириш воситаси сифатида.
9. Ўқув фанини тушунтиришда фанларнинг ички алоқаси ҳамда фанлараро алоқалар ўқувчиларда системали билим олишни шакллантириш воситаси сифатида.
10. Ўқув фанини ўқитиш практикасига фан ютуқларини жорий этиш ўқув тарбия жараёни самарадорлигини ошириш воситаси сифатида.

11. Ўқувчиларни ўқитиш жараёнида уларга ахлоқий, мәннат ва эстетик тарбия беришнинг бир бутунлигини таъминлашнинг психологик шартлари.

12. Таълимни ишлаб чиқариш мәннати билан бирга қўшиб олиб борилганда ўқувчиларга мәннат таълими бериш ва уларни касбга йўллашни оптималлаштиришнинг психологик шартлари.

## 11- тема. Ўқув фаолиятида техника воситаларидан фойдаланишинг психологик асослари

### Методик курсатмалар

Темани ўрганишда таълимда техника воситаларидан фойдаланишга киришиш ҳамда бундай воситаларнинг пайдо бўлиш тарихий босқичларни, шунингдек, техника воситаларининг имкониятларини назарий жиҳатдан тушуниш масалаларини қисқача таърифлаб бериш фойдалидир. Тажрибани, билимларни бир-бирига ўргатиш — инсоният жамиятининг яшаши ва унинг олға қараб боришининг асосидир. Шунинг учун инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларидаёқ ижтимоӣ тажрибани аниқ мақсадни кўзлаб бир авлоддан иккинчи авлодга ўргатишга ҳамда таълим ва тарбия беришга киришилган. Бу иш катта ёшли кишиларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларига ўйин шаклида тақлид қилиш, мастер раҳбарлигида мәннат қуролларини амалий равишда ишлатилишни ўрганиб олиш, инструктив курсатмалар бериш назарда тутилган нутқ мулоқоти ҳамда эмоционал муносабатларни ифода этиш ва билимларни ўргатиш орқали амалга ошириб борилади. Оғзаки нутқ, реал предметларни ишлатиш, ҳаракатларни очиқ курсатиш — булар бари ўқитиш ва таълим беришининг табиий воситаларидир.

Дастлабки техника воситасида ўқитиш — бу ёзма нутқ бўлиб, ёзув орқали, визуал тарзда тасаввур қилинадиган, белгилар орқали берилган. Ёзма нутқдан фойдаланиш орқали ўқувчи ўз фикрларини қоғозга ёзиб бориш, фикр қилиш ва машқ қилиб билим олиш, оралиқ натижаларни, ёрдамчи ва пировард натижаларни тартибга солиб ёзиб бориш имкониятига эга бўлган. Ёзма нутқ, қўлёзма китоблар ўқитувчининг хотираси билан бирга қўшилиб ахборотларни сақлаш манбаига айланган. Китобларни қўлёзма ҳолида кўпайтириш техникаси тарихда минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Лекин матбая йўли билан чиқарилган китобларгина ўқитиш жараёнига ёзма нутқнинг сезиларли таъсир кўрсатиши учун шароит яратди. «Порох, компас, китоб нашр этиш — булар буржуазия даврини бошлаб берган уч буюк ихтиrolардир»<sup>1</sup>.

Китоб нашр этиш ихтиро қилинганидан кейин таълимга бўлган қизиқишининг ортиб кетиши илмий «китобий» билимларнинг амалий ишлар билан, одамларнинг касб-хунарга оид фаолияти билан бевосита алоқаси кучайиб бориши билан изоҳланади. Ке-

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Соч.—2-е изд.—47- том, 418- бет.

Йинчалик таълимнинг кўрсатмалилик принципи ишлаб чиқила бошлайди. Бу принцип Коменский педагогикасида аниқ-равshan ифодалаб берилади. Соддороқ қилиб айтадиган бўлсак, мазкур принципнинг моҳияти шундай иборатки, айтилган сўз ўқувчининг онгида ўша сўзга мувофиқ келадиган адекват образини пайдо қилмоғи керак.

Матбаа йўли билан босиб чиқарилган расмлар — кўрсатмаликнинг бир воситаси бўлиб — ўқитиш жараёнида муҳим техникивий восита сифатида хизмат қиласди. Предмет ёки ҳодисаларни таълим мақсадида тасвирий санъат асари шаклига келтирилиши дидактик расмлар деб атала бошланган. Ўқитувчи уз фикрини сўзлар орқали ифода этаётган вақтида ана шу расмларни ҳам кўрсатади. Сўз билан образнинг бундай алоқаси тафаккурни ривожлантиришнинг асосий механизмларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Бу ерда дидактик расмларни санъат асари билан араштириб юбормаслик керак. Тасвирий санъат асари кишининг эстетик эҳтиёжларини қондирувчи объект бўлиб, у ўқитиш воситаси бўлиб ҳисобланмайди. Дидактик расм — бу ўқув ахборотидан иборат бўлади ҳамда фақат ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади.

Таълимни техника воситалари орқали олиб боришда кино, граммофон ёзуви, телевидение, радионинг пайдо бўлиши принцип жиҳатдан янги аҳамият касб эта бошлади. Воқеаларни, ҳодисаларни, жараёнларни, одамлар образини кино лентасига, видеоплёнка, граммпластинкага, магнитофон лентасига ёзиб олиниши ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган ахборотларни сақлашнинг принцип жиҳатдан янги воситасидир.

Семинар машғулотларида шахснинг ривожланишига жамиятизмизда оммавий ахборот воситалари, энг аввало телевидениенинг тарқалиши қандай аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисидаги масалани қараб чиқиш керак. Телевидение оммавий равишда тарқалмасдан илгари атроф-муҳит (табиат ва предметлар, ижтимоий ҳодисалар) бола тасаввурини кенгайтиришнинг ягона воситаси бўлиб келган. Бундай образларга ўқиш натижасида ҳосил қилинган тасаввурлар қўшилган (яъни сўз асосида ўша воқеа-ҳодисаларнинг, предметларнинг иккинчи марта тасаввур қилиниши вужудга келтирилган), лекин бола то ўқишини ўрганиб олгунига қадар у катта ёшли кишиларнинг ихтиёрида бўлган. Телевидение бола идрок этадиган нарсалар дунёсини кенгайтиради, уни бевосита теварак-атрофдаги муҳит чегарасидан узоқ-узоқларга олиб чиқди. Бола то мактабга боргунига қадар фильмлардан, ўқув эшиттиришларидан инсон тўғрисида ва табиат тўғрисида кўп нарсаларни билиб олади. Бунда латент (яширин) билим олиш деб аталадиган ҳодисалар содир бўлади.

Латент тарзида билим олишнинг ўзиға хос хусусиятларидан бири билим олинаётганда ўша билим моҳиятини англаб етмаслик ва орадан бирмунча вақт ўтганидан кейин ўша билимнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Шундай тахмин қилиш мумкини, латент тарзида билим олиш ақлий акселерациянинг зарур шартларидан

бири ҳисобланади. Болаларнинг психик ривожланишига телевидениенинг курсатадиган бундай таъсири муҳит таъсири ҳисобланади ва у бевосита ўқитувчининг вазифасига кирмайди. Лекин айни пайтда ўқитувчи телевидениенинг оиласда ишлатилишига, кенгроқ маънода оладиган бўлсак, умуман мактабдан ташқарида ишлатилишига бефарқ қараб тура олмайди. Шу маънода ота-оналар ва юқори синф ўқувчилари билан телевидение курсатаётган қайси мавзудаги эшиттиришларни куриш ва қай тарзда куриш зарурлиги тўғрисида сұхбатлар ўтказиш, кўрилган мавзуларни синфда тегишли дарсларда муҳокама қилиш фойдалидир.

Тема юзасидан ўтказиладиган машгулотларда студентлар хозирги замон таълим воситалари системасида ўқитувчининг ўрнини тўғри тушуниб олмоқлари зарур. Диафильмлар, слайдалар, кодоскоп транспорантлари — хуллас, барча статик проекция ва товуш ёзиб олиш техникаси — булар бари ўқитувчининг қўлида курсатмалилик воситаси бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчи дарсга тайёрланар экан, шу воситалардан қайси бирини қўлланишини ўйлаб, ўз нутқидан қайси бир фикрларни курсатмали воситалар ёрдамида мустаҳкамлаши тўғрисида мулоҳаза қиласди. Фрагментлар, яъни парчалар ҳолида намойиш этиладиган кинофильмлар ҳам курсатмалилик воситаси ҳисобланади. Телекўрсатув ёки овозли фильмдан олинган бир қисм — бу билимларни баён этишининг аудиовизуал воситасидир. Бундай техникавий кўмакчиларга нисбатан бўладиган муносабатни қўйидагича ифодалаш мумкин: дарснинг муайян бир қисмида ўқитувчи ўзининг ахборот бериш функциясини техника воситаларига бушатиб беради. Таълим системасига ҳомпьютер техникаси жорий этилган вақтда ўқитувчи бу воситага умумлаштириш, контрол қилиш ва машқ бажариш функцияларини ҳам топширади.

Эркин воситаларидан фойдаланганда ўқув методикасининг тақдим этилиши ўқитувчи билан ўқувчи синфда бевосита мулоқотга киришгандагига қараганда бир қатор афзалликларга эга. Кинога олишда обьект умумий тарзда, ўртача катталикда, йирик планда курсатилиши мумкин, обьектнинг бирорта деталини алоҳида ажратиб курсатиш, шунингдек ўша обьектни ҳаддан ташқари йирик планда курсатиш ҳам мумкин. Объектни экранда турли томондан томоша қилиш, бунда идрок этилиши зарур бўлган асосий қисмни ажратиб курсатиш ва таъкидлаб ўтиш мумкин. Намойиш этилаётган фильм билан бир вақтда ёки обьект намойиш этилгандан кейин ўша заҳоти унинг тасвири устига ўша обьектнинг схематик расмини тушириш, мультиплексиядан фойдаланиш, обьект ичидаги бизнинг кўзимизга кўринмайдиган хусусиятларни ёритиб берадиган, обьектлар орасидаги ёки уларнинг қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни курсатиб берадиган расмларни намойиш этиш мумкин.

Кинога олиш ёрдамида жисмларнинг фазодаги кўринишини турли шаклларда намойиш этишдан ташқари, уларни кўрган кишида вақтни идрок этишда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади. Биринчидан, реал вақтдан «экран вақти» ёки «кино вақти» деб

аталадиган вақт ўртасида фарқ бўлади. Узоқ муддатни талаб қи-  
ладиган тажрибалар, намойишлар уларни ташкил этилаётганда,  
бошланиш ва тамом бўлиш вақтларида плёнкага туширилади. Бу  
эса воқеа, ҳодисаларни намойиш қилиб кўрсатиш вақтини анча  
тежайди. Иккинчидан, бунда фильмни секинлаштириб ёки тез-  
лаштириб кўрсатиш (суратга олиш), имконияти мавжуд. Бу эса  
одам оддий кўз билан кўра олмайдиган ҳодисаларни кузатиш им-  
кониятини беради. Экранга тикилиб турган кишининг кўз ўнгидаги  
гулнинг фунчаси очилгани ва яна юмилгани намойиш қилиб кўр-  
сатилади. Одам кўзи билан оддий шароитларда бундай ҳодиса-  
ларни кузата олмайди: биз реал шароитларда бундай секин бў-  
ладиган ҳаракатларнинг натижасинигина кўрамиз. Югуриш, сак-  
раш ва бошқа шунга ўхшаш одам томонидан бажариладиган ва  
жуда катта тезликда амалга ошириладиган ҳаракатлар техникаси-  
ни биз сеза олмаймиз. Агар мана шу ҳаракатлар плёнкага туши-  
рилса, уларни секинлаштириб кўрсатиш ва бутун тафсилотлари  
билан идрок этиш мумкин. Одамларнинг кино фазоси ва кино  
вақти билан мулоқотга киришиши шунга олиб келдики, инсоният  
маълум дараҷада реал дунёни ҳар хил планда кўришга ҳамда  
жорий — кундалик ҳаракатларни тез ва секин англаб этишга ўрга-  
ниб олди. Бундай таълим механизмини шунга ўхшатиш мумкинки,  
бирор нарсани, предметни катталаштириб кўрсатувчи ойна орқали  
томоша қилган киши унда илгари оддий кўз билан қарагандаги  
куринмаган деталларни кўра бошлагани сингари бу хилдаги ўқи-  
тишни жорий этилган вақтда ҳам шунга ўхшаш ҳол юз беради.

Ўқувчи нутқини магнитофонга ёзib олиниши таълим жараё-  
нида ўша ўқувчига техника воситалари кўрсатадиган таъсир  
имкониятларини оширади. Ўқувчи плёнкага ёзib олинган ўз нут-  
қини камдан-кам ҳолларда эшигади. Рус тили ва чет тили дарс-  
ларида сўзларнинг талаффуз қилиниши, ўқувчи жавобининг ман-  
тиқий структураси, бошқа барча фанлардан ўтилган дарсдаги  
нутқларнинг ифодалилиги ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи томонидан  
таҳлил қилиниши учун имконият яратилади. Афсуски, ўқитувчи-  
лар ёзib олинган овозлардан камдан-кам ҳолларда фойдалана-  
дилар.

Таълимнинг компьютерлаштирилиши ҳам шахснинг ривожла-  
нишига таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳозиргача таълимнинг бундай  
характерининг ўқиш жараёнига қандай таъсир кўрсатиши тўла  
ўрганиб чиқилмаган бўлсада студентларга шу йўналишда олиб  
борилаётган ишларнинг моҳиятини тушунтириб бериш керак.  
Компьютернинг имкониятларга қараб амалга ошириш мумкин  
бўлган ишларни, компьютерни ўқув жараёнида фойдаланишдан  
кузатилган мақсад нимада эканлигини уларга тушунтириб бериш  
керак. Шу муносабат билан ҳар хил типдаги компьютерларга бе-  
рилган характеристикаларни ҳамда таълим жараёнида фойдала-  
ниладиган бундай техника ўқитувчилар қуяётган талабларни  
таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари,  
компьютерлардан турли мақсадларда фойдаланишда ўқитувчи  
фаолиятининг характеристери қандай ўзгариб бориши тўғрисидаги

масалани ҳам қараб чиқиш фойдалы бўлади. Шунингдек, ўқув жараёнида болаларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга компьютерлар қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳамда ушбу функциялар мунтазам равишда компьютерлар орқали амалга оширилган вақтда бундай ҳол шахснинг хусусиятларига қайдаражада таъсир кўрсатишини аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Компьютер ўқитиш воситаси сифатида бошқа техника воситалариға қараганда ақлий фаолиятни бошқариш соҳасида янги-янги имкониятлар очиб беради. Тескари алоқа мавжуд бўлмаган телевидениенинг муттасил ахборотлар оқими ичиде реципент бу ахборотларни ўзича «истеъмол қилади» яъни компьютер ўша ахборотлар ичдан фақат шундай ахборотларни ажратиб олиш имконини берадики, улар айни чоғда, мазкур аудитория учун ёки айрим киши учун зарур мълумот бўлади.

Компьютер ёрдамида ўқитилган вақтда ахборотлар бир томонга йўналтирилган ўқув кинофильмлари ва телекўрсатувларига эҳтиёж қолмайди. Бунга компьютер ёрдамида қадамба-қадам тескари алоқа ўрнатиб бориш ҳисобига барҳам берилади. Шу иш фақат эгаллаб олинган билим натижалариға қараб эмас, балки ўша ўрганилаётган материал бўлагининг ўзлаштирилиш жараёнида қатъий назорат ўрнатиш орқали ҳам амалга оширилади. Компьютер техникаси ўзлаштириш жараёнини бошқаришнинг янги-янги методларини жорий этиш имкониятини очиб беради. Бунга энг аввало ўрганилаётган воқеа-ҳодисалар ёки жараёнларнинг тадқиқ этилиши ҳисобига, дарсни ўзлаштириш давомида пайдо бўладиган барча гипотезаларни текшириб чиқиш ва тўғри деб топилгандарини асослаб бериш ҳисобига эришилади.

Шу масалаларни ҳал қилиш учун ўтказилган маҳсус тадқиқотларнинг натижаларини студентларга ҳозирдаёқ тавсия этиш мумкин. Бунинт иложи бўлмаса, у ҳолда студентларга турли фанларни ўқитишда компьютерлардан фойдаланиш тажрибаси тўғрисида, ўқув жараёнида мана шу техника воситаси татбиқ, этилланлигига ўқувчиларнинг муносабатлари тўғрисида, ЭҲМ билан мунтазам равишда иш олиб бораётган кишиларнинг тафаккур услубидаги, уларнинг ақлий фаолиятни ташкил этиш усули ва бу жараённинг кечишини жадаллаштириш соҳасида мўлжалланётган ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилиб берувчи мақолаларни муҳокама қилишни тавсия этиш мумкин.

Мазкур темадан семинар машғулотлари ҳам, амалий машғулотлар ҳам ўтказиш мумкин. Семинар машғулотларида ўқитишнинг техника воситаларини жорий этишнинг назарий масалаларини муҳокама қилиш мумкин. Студентлар шуни яҳши тушуниб олишлари керакки, ўқитишга техника воситаларининг жорий этилиши қонуний бир ҳолдир. Ахборотни сақлаш ва қайта ишлашни амалга оширадиган янгидан-янги техника воситалари пайдо бўлиб, улар жамиятимизда мактаб таълимими амалга оширишда — мактаб доирасида ўқувчиларни тегишли ахборот олишга тайёрлашда мактаб ишининг ажралмас қисми бўлиб бормоқда. Бир

вақтлар китоб, ёзиб олинган овоз, кино, телевидение ҳам шундай мұхим роль үйнаган эди. ЭХМ билан иш олиб бориш үқувчиларни дарс пайтида ЭХМ ни ишлатишга үргатиши масаласи ҳам худди шундай тадбирлардан биридир. Үқувчиларни дарс пайтида ЭХМ билан мулоқотга киришиш илмиға үргатиши билангина ки-фояланиб қолмасдан, шу билан бирга уларни кино ва телевидение тиилини ҳам тушунишга, бундай оммавий ахборот воситаларидан үзи учун фойдалы маълумотларни ажратиб ола билиш маҳоратига ҳам үргатиб бориш керак.

Техника воситаларининг психикани ривожлантиришга күрсатадиган таъсири түғрисидаги қоидалар ҳам ғоят мұхим масалаларданadir. Телевидениенинг бир зумда объектни тасвирга айлантира олиши имконияти, уни ұша заҳоти бир жойдан иккинчи жойга узата олиши ва ундан истаганча фойдаланиш мүмкінлиги ҳозирги замон кишиларининг онгода сүз билан образ нисбатлари структурасини үзгартыриб юборди. Образ, турли даражадаги абстракцияларнинг схемаси, модель, график, чизма — булар бары аудиовизуал воситалар туфайли бизнинг кундалик ҳаётимизга катта қадамлар билан кириб келәттеган воситалардир. Компьютер билан мулоқотга киришиш имконияти алгоритмик ва ижодий жараёнларнинг оптималь нисбатлари учун, үқиш жараённанда олиб бориладиган тадқиқот ва ихтиrolар учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Мазкур темани үрганиш вақтида студентлар эътиборини жалб этадиган учинчи масала — үқитишининг техника воситалари бу қадар кенг жорий этилган бир шароитда үқитувчининг үрни ва роли түғрисидаги масаладир. Үқув ахборотларини узатиш воситалари қанчалик такомиллашган бўлмасин болаларга таълим-тарбия беришда үқитувчи асосий фигура бўлиб қолаётганлигини ҳозир ҳамма эътироф этмоқда. Бироқ, жамиятда оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалганлиги ва уларнинг мактабга кириб келганлиги үқитувчи функцияларини үзгартыриб юборди. Бир қатор дарсларда үқитувчининг үқувчиларга ахборот бериш функциясини бемалол техника воситалари орқали амалга ошириш мүмкин. Үқувчилар кундан-кунга кўп билимлардан хабардор бўлиб бораётганликлари туфайли илмни баён этишда үқитувчининг умумлаштира олиш қобилияти ғоят мұхим аҳамият касб этмоқда. Үқитувчининг бошқа вазифалари соҳасида ҳам үзгаришлар юз бермоқда. Семинар машғулотларида мана шу масалани қараб чиқиш ҳам фойдалидир.

Семинар машғулотларида ўртага қўйилган ва қараб чиқилган масалаларни амалий машғулотларда конкретлаштириш ва чуқурлаштириш лозим. Бундай машғулотларни ўтказишида мазкур темага оид етакчи масалаларни ажратиб олиб, булар түғрисидаги қоидаларни студентларга тушунтириб бериш мұхимdir. Бу ишларга студентларда ишонч, эътиқод ҳосил қилиш керак. Айни шундай эътиқодгина бўлгуси үқитувчилар техника воситаларини эгаллаб олишга ижобий муносабатда бўлиш ва ўзларининг келгуси ишларида шу воситалардан актив фойдаланиш истагини пай-

до қилишда асос булиб хизмат қиласы. Шунинг учун ҳар хил техника воситаларидан фойдаланиб ўтказилган дарсларга кириб күзатиш ва уларни таҳлил қилиш — амалий машғулоттарни ташкил этишининг энг тұғри ва мақсадда мувофиқ келадиган йүлидир.

## Семинар ва амалий машғулоттарниң планлари

### Адабиётлар

#### Биринчи машғулот (семинар)

##### *Үқитишининг техник воситалари құлланған шароитда үқувчиларниң ақлий ривожланиши*

1. Дарсда товушли-экран воситаларидан фойдаланилганда үқитуучи психикасиминың ривожлантырыш имкониятлары.

2. «Күрсатмали воситалар» деган түшүнчә билан «билимларни бағыттаудың аудиовизуал воситалари» деган түшүнчаның бирбүрідан фарқы.

3. Үқитуучи ва үқитишининг техник воситалари.

4. Таълим жараёнда үқувчилар томонидан кинонинг мазмұнини ифодалаган тасвирий тилнинг, математика тилининг ва программалаштирилган тилнинг әгаллаб олиниси.

**Ломов Б. Ф.** Научно-технический прогресс и средства умственного развития человека // Психологический журнал.—1985.— Т. 6. 6-сони, 8—28- бетлар.

**Прессман Л. П.** Основы методики применения экранно-звуковых средств в школе.— М.: Просвещение, 1979.

Психолингвистические проблемы массовых коммуникаций / Под ред. А. А. Леонтьева.— М.: Наука, 1974.

**Степанов А. А.** Психологические основы дидактики учебного телевидения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

Технические средства обучения в средней школе / Под ред. Л. П. Прессмана.— М.: Педагогика, 1972.

**Фирсов Б. М.** Телевидение глазами социолога.— М.: Искусство, 1971.

**Шахмаев В. М.** Дидактические проблемы применения технических средств обучения в средней школе.— М.: Педагогика, 1973.

**Шерковин Ю. А.** Психологические проблемы массовых информационных процессов.— М.: Мысль, 1973.

#### Иккинчи машғулот (семинар)

##### *Таълимни компьютерлаштириш шароитида үқувчиларниң психик ривожланиши*

1. Компьютернинг ҳисоблаш, назорат қилиш ва алгоритмларни үзлаштириш воситаси сифатидаги имкониятлары.

2. Чет әлларда таълимнинг компьютерлаштирилиши.

3. Ўйинлар ва компьютерларни қўлланиш билан таълим бериш вақтида билим олиш.
4. Компьютер тафаккурнинг қандай услубини шакллантиради?
5. Таълим бериш вақтида компьютерлардан фойдаланилганда ўқитувчи функциясини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Гутер Р. С., Полунов Ю. Л. От абака до компьютера.—2-е изд.—М.: Знание, 1981.

Ершов А. П. Компьютерный всеобуч: Пути реформы // Учительская газета.—1984, 11 сентябрь.

Зелинская Т. Я. Об оптимальной модели микрокалькулятора для школы // Математика в школе.—1984, 3-сони, 50—51-бетлар.

Ионов Г. Н. Микрокалькулятор как средство обучения и контроля // Математика в школе.—1984, 3-сони, 51—54-бетлар.

Ккиницкий Н. А. Алгоритмы вокруг нас.—2-е изд.—М.: Наука, 1984.

Кузнецов Е. Ю., Минкин Л. К. Виды микрокалькуляторов // Математика в школе.—1982, 4-сони, 35—37-бетлар.

Лавров С. Т. Творчество и алгоритмы // Наука и жизнь.—1985, 3-сони, 40—48-бетлар.

Монахов В. М., Кузнецов А. А., Смехалкин Д. О. Микропроцессорная техника в зарубежной школе // Советская педагогика.—1984, 8-сони, 117—121-бетлар.

Монахов В. М. Психологопедагогические проблемы обучения компьютерной грамотности учащихся // Вопросы психологии.—1985, 3-сони, 14—22-бетлар.

Машбиц Е. И. Компьютеризация обучения: Проблемы и перспективы.—М., 1986.

Новые задачи информатики / Под ред. А. П. Ершова.—Новосибирск, 1978.

Смолян Г. Л. Человек и компьютер.—М.: Политиздат, 1981.

### Учинчи машғулот (амалий)

#### Ўқув телевизион эшиттиришининг таҳлили

#### Уйга вазифа

1. Ўқув-телевизион эшиттиришини томоша қилиш.
2. Планга мувофиқ равишда кўрилган телевизион эшиттиришини таҳлил қилиш. Амалий машғулотда телеэшиттиришни муҳокама қилиш вақтида қўйидаги масалаларга эътиборни қаратиш:
  - а) видеорядни ташкил этиш;
  - б) теледарсда сўз билан образнинг бир-бирига нисбатлари;
  - в) видеоряд тузиш йўли билан ўқувчилар ақлий фаолиятини активлаштириш;
  - г) муқобил, жорий ва муддати кечиктирилган тескари алоқани уюштириш;
  - д) дарснинг тарбия берувчи ва ривожлантирувчи самараси.

Телевизион әшиттиришларни күриб үтказилған дарснинг таҳлили

Уйга вазифа

1. Үқув телевизион әшиттиришини томоша қилиш (қайси факультетда үқилишига қараб тарих, физика, химия ва бошқа шұнга үхшаш фанларга доир бериладиган әшиттиришларни күриш тавсия этилади).

2. Дарсни үтказиш планини тузиб, шу асосда телеәшиттиришни томоша қилиш.

3. Амалий машғулотда қуйидаги план асосида ишлашга тай-еरланиш:

а) үқитувчининг үқув телекүрсатуви күриладиган дарсга тай-ергарлик күриши;

б) теледарс томоша қилинган ҳамда үқитувчининг ахборот фаолияти амалга оширилған шароитларда янги материални баён этиш жараёни ва натижаларнинг қиёсий таҳлили;

в) үқитувчи томонидан теледарс күришнинг ташкил этилиши;

г) үқитувчи томонидан теледарс күрилганидан кейинги ишларнинг ташкил этилиши.

Алексеева З. Г. и др. Методические разработки к телевизионным передачам по математике для 8—9 классов.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1975.

Востокова Л. Г. Использование телевидения в преподавании математики во Франции // Математика в школе.—1968, 1-сони, 89—91-бетлар.

Гутовская Л. Г. и др. Методические разработки к учебным телевизионным передачам по географии для 7 класса.—Л., ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

Дрижун И. Л. Методические рекомендации к созданию и приёму учебных телевизионных передач по химии для 7 и 8 классов.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1979.

Дрижун И. Л., Орешенко Н. И. Методические рекомендации к созданию и приёму учебных телевизионных передач по химии для учащихся 9—10 классов.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

Загорская В. К., Тульчинская Н. А. Методические разработки к учебным телевизионным передачам по географии для пятого класса.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

Зебров Д. К., Немчонок И. С. Методические разработки учебных телевизионных передач по английскому и немецкому языку для 6 класса. Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1974; для 5 класса.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

Калинина М. И. Телевизионная передача на уроках математики в IV—VI классах // Математика в школе.—1974, 1-сони.

**Макагоненко Л. С.** Учебное телевидение при изучении драматургических произведений // Проблемы учебного телевидения: Республиканский сборник научных трудов.—Л.: Изд-во ЛГУ, 1979.

**Макагоненко Л. С.** Методические рекомендации к ТВ циклу передач «Автор и его герои», Н. В. Гоголь. «Мёртвые души».—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1974.

**Макагоненко Л. С.** Методические рекомендации к учебным телевизионным передачам по литературе: Д. И. Фонвизин, «Недоросль», 8-синф, Н. А. Островский, «Гроза», 9-синф.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1977.

**Монич А. А., Никитина И. П.** Методические разработки к телевизионным передачам по природоведению для 3-го класса.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

**Прицкер Д. П., Райцес В. И. Шадхан И. А.** Методическая разработка к учебным телевизионным передачам по истории для 8 и 10 классов.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1974.

**Полторак Д. И.** Опыт учебных телевизионных передач по истории // Советская педагогика.—1961, 12-сони.

**Полторак Д. И.** Применение телевизионных передач в преподавании истории // Известие АПН РСФСР.—1963.—Вып 128, 71—84-бетлар.

**Тимерманис Н. В.** Методические разработки к циклу телевизионных передач на уроки внеклассного чтения в 4-м классе. Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1978.

**Тульчинская Н. А., Никитина И. Х.** Дидактические материалы и методические разработки к учебным телепередачам по природоведению для 4 класса. Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1977.

**Точилкина Л. С.** Учебные телепередачи по физике для учащихся 9 класса.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

**Точилкина Л. С.** Методическая разработка к учебным телевизионным передачам по физике для 6—8 классов.—Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1971.

**Точилкина Л. С.** Учебные телепередачи по физике для учащихся 7-го класса.—Л.: ЛГПИ, им. А. И. Герцена, 1979.

### *Бешинчи машғулот (амалий)*

#### *Компьютерлар құлланиб үтиладиган дарс*

1. Дарсда компьютерлардан фойдаланишдан кузатилган мақсад.
2. Дарсда компьютерлардан фойдаланилганда үқитувчи фаолиятини ташкил этиш:
  - Дарсга тайёрланиш;
  - компьютерларни құлланишдан кузатилган мақсадни (тағлим бериш, ривожлантириш, тарбия бериш) англаб олиш;
  - үқитувчининг дарс пайтидаги фаолияти структурасига компьютер билан ишлашни киритиши.
3. Дарсда компьютердан фойдаланилган вақтда үқувчилар фаолиятини уюштириш.

**Гергей Т., Машбиц Е. И.** Психолого-педагогические проблемы эффективного применения компьютера в учебном процессе // Вопросы психологии.—1985, 3- сони, 41—49- бетлар.

**Гильде В., Альтрихтер З.** С микрокалькулятором в руках // Пер. с нем. Ю. А. Данилова.— М.: Мир, 1980.

**Горский В. Д.** Подготовка школьников к работе на ЭВМ // Школа и производство. 1983, 5- сони, 34—36- бетлар.

**Ломов Б. Ф.** Научно-технический прогресс и средства умственного развития человека // Психологический журнал.—1985, Т. 6- сони, 8—28- бетлар.

**Человек с микрокалькулятором //** Наука и жизнь.—1985, 2- сони, 60—61- бетлар; 1985.—4- сони, 120—122- бетлар; 1985. 6- сони, 38—43- бетлар.

### **Мұстақил ишлаш учун топшириқлар**

#### **Адабиётларга аннотация тузиши ва улардан конспект олиш**

**Житомирский В. Г.** Вычислительная техника и ее использование в учебном процессе.— Свердловск: Свердловский пед. институт, 1979.

**Монахов В. М.** Психолого-педагогические проблемы обеспечения компьютерной грамотности учащихся // Вопросы психологии.—1985. 3- сони, 14—22- бетлар.

**Степанов А. А.** Психологические основы дидактики учебного телевидения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

**Шахмаев Н. М.** Дидактические проблемы применения технических средств обучения в средней школе. М.: Педагогика, 1973.

**Шерковин Ю. А.** Психологические проблемы массовых информационных процессов.— М.: Мысль, 1973.

### **Реферат ёки докладлар учун темалар**

**1. Үқитишининг аудиовизуал воситалари аппаратларини классификация қилиш ҳамда ұқувларда умумий тарзда схемалаштирилган мана шу түшүнчә ва фигурал концептларни шакллантиришда уларнинг имкониятлари**

**Степанов А. А.** Психологические дидактики учебного телевидения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

Технические средства обучения в учебном процессе // Под ред. Б. Г. Сладкевич.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.

Технические средства обучения в средней школе / Под ред. Л. П. Прессмана.—М.: Педагогика, 1972.

**Шаповаленко С. Г.** О создании системы современного учебного оборудования для средней общеобразовательной школы // Советская педагогика, 1967, 6- сони.

## **2. Статик ва динамик тасвирлардан фойдаланиш вақтида тасаввурни шакллантириш**

**Ильин Р. Н.** Изобразительные ресурсы экрана.— М.: Искусство, 1973.

**Степанов А. А.** Психологическое значение различного видео-ряда в обучении // Средства и техника обучения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1975, 49—56- бетлар.

**Шахмаев Н. М.** Дидактические проблемы применения технических средств обучения в средней школе.— М.: Педагогика, 1973.

## **3. Бадий телевидениенинг бола ривожланишига таъсири**

**Ксенофонтов В. В.** А если в семье телевизор и... дети?— М.: Знание, 1973.

**Фирсов Б.** Телевидение глазами социолога.— М.: Искусство, 1971.

## **4. Ўқувчиларнинг кино ва телевидение тилини тушуниши**

Психолингвистические проблемы массовых коммуникаций / Под ред. А. А. Леонтьева.— М., Наука, 1974.

**Степанов А. А.** Психологические основы дидактики учебного телевидения.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1973.

## **5. Программалаштирилган таълим тарихи ва ўқитишда ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш**

**Машбиц Е. И., Бондаровская В. М.** Зарубежные концепции программированного обучения.— Киев, 1962.

Кибернетика и проблемы обучения / Под ред. А. М. Матюшкина и др.— М.: Прогресс, 1970.

Обзоры по основным направлениям развития педагогической науки и народного образования: Центр научной информации.— Школа и педагогика — М., 1981.— Вып 4 (31).

Новые задачи информатики / Под ред. А. П. Ершова.— Новосибирск, 1978.

**Раев А. И.** Управление умственной деятельностью и умственное развитие учащихся.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1972.

Умственное развитие школьников в условиях программируемого обучения / Под ред. А. И. Раева.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1970.

## **6. Таълимни компьютерлаштиришнинг психологик проблемалари**

**Гергей Т., Машбиц Е. И.** Психолого-педагогические проблемы эффективного применения компьютеров в учебном процессе // Вопросы психологии.— 1985, 3-сони, 41—49- бетлар.

**Монахов В. М.** Психолого-педагогические проблемы обеспечения компьютерной грамотности учащихся // Вопросы психологии.—1985; 3-сони, 14—22- бетлар.

**Ломов Б. Ф.** Научно-технический прогресс и средства умственного развития человека // Психологический журнал.—1985, Т. 6.—6- с они, 8—28- бетлар.

**Лядис В. Я., Тихомиров О. К.** Психология и практика автоматизированного обучения // Вопросы психологии.—1983, 6- сони, 16—27- бетлар.

## Психологик масалалар ечиш

### 1-масала

Аудиовизуал воситаларга қыйидагилар киради: радио әшиттириш, овоз ёзиб олиш, эпипроекция, транспарантлар, диапозитивлар, диафильмлар, овозсиз кинофильм, овозли кинофильм, телекурсатув, видеоЭуз. Аппаратларга қыйидагилар киради: кинопроектор, диапроектор, кадропроектор, графопроектор, проигрыватель, эпипроектор, телеприёмник, радиоприёмник, магнитофон, видеомагнитофон.

### Саволлар

1. Қандай аппаратлар үзи қайта курсатиши ва әшиттириши учун түрли воситаларни талаб қиласы?

2. Қандай воситалардан фақат күрсатмали қурол сифатида фойдаланилади, қандай воситалар үқитувчининг айрим функцияларини ўз зиммасига олиши мумкин? Қандай шароитларда у ёки бу восита қайси функцияларни бажара олиши мумкинligини изоҳлаб беринг.

### 2-масала

Үқитувчи дарс пайтида үқув темасидаги телекурсатувни қўлланар экан ёки үқув фильмининг иккى қисмини танаффусиз, ҳеч қандай шарҳларсиз намойиш қилиб кўрсатар экан, у үқитишининг бошқа экранли-товушли воситаларини мана шу воситаларга қўшиб, улардан комплекс ҳолда фойдаланиши мумкин.

### Саволлар

1. Қуйидаги тадбирларда қайси комплекс қўллангани абзал:

а) материални мустаҳкамлашда;

б) вербал, образли тарзда ўзлаштиришни назорат қилганда;

в) үқув ахборотини идрок этиш учун мотивлаштириш вужудга келтирилаётганда.

### **3-масала**

Мактабда микрокалькуляторлардан фойдаланиш тажрибасини таҳлил қилиш асосида ўқитувчи Т. Я. Зелинская<sup>1</sup> инженерлик ти-пидаги МҚ перспектив моделига қуйидаги талабларни қўйиб, шу талаблар асосида мазкур микрокалькулятордан мактабда фойдаланишин тавсия этади:

— бу операцияларни алгебраик шаклда ёзиб борадиган микрокалькулятор бўлмоғи керак;

— ўзича мустақил, яъни автоном тарзда ишлай олиши керак;

— у қуйидаги ишларни бажара олиш имкониятига эга бўлмоғи керак: тўртта арифметик амални бажара олиши, константа билан ишланадиган амалларни бажара олиши, сонининг белгила-рини ўзгартира олиши, қавслар қўлланиб бажариладиган ҳисоблашларни, асосий элементар функциялар қимматини ҳисоблаб чиқа олиши ва шу сингари операцияларни бажар олиши лозим.

— олдинги панелнинг катталиги камидаги  $90 \times 160$  мм бўлиши зарур.

### **Саволлар**

1. Юқорида таъриф берилган талаблар микрокалькуляторлардан фойдаланишнинг қандай мақсадларига мувофиқ келади?

2. Микрокалькулятор ёрдамида ҳал қилинадиган педагогик масалалар доирасини кенгайтириш учун яна қандай талабларни қўйиш керак?

### **4-масала**

Ўқитувчи Г. Н. Ионов дарсда микрокалькуляторларни ишлатиш тажрибасини умумлаштириб қуйидаги: «математика, физика, химия, дарсларида программалаштирилган микрокалькуляторлардан контрол қилувчи ва таълим берувчи восита сифатида фойдаланиши ўқув жараёнини интенсификациялаштириш имконини беради, ўқувчиларнинг мустақиллиги ва активлигини оширади, шунингдек, клавишили электрон-ҳисоблаш техникасини ишлатиш соҳасида қўшимча малакалар ҳосил қилишга кўмаклашади, деган холосага келди<sup>2</sup>.

### **Савол**

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятида ПМҚ билан иш олиб борилган бундай дидактик иш шароитларининг қайси бири бу хилдаги психик ўзгаришларга олиб келиши мумкин?

<sup>1</sup> Қаранг: Зелинская Т. Я. Об оптимальной модели микрокалькулятора для школы // Математика в школе.—1984, 3-сони, 51-бетлар.

<sup>2</sup> Ионов Г. Н. Микрокалькулятор как средство обучения и контроля // Математика в школе. 1984, 3-сони, 52-бет.

«Машғулотларда машина билан ўйин ташкил қилиш — бу бизга ҳам қувонч, ҳам ташвиш келтиради»— дейди Н. А. Садовская (мактаб информатика үқитувчиси). «Болаларнинг ўйинга қизишилари ниҳоятда кучли, уларни бу ўйинлардан чалғитиш жуда қийин. Чалғитаман десангиз, баъзилари ҳатто йиглаб ҳам беришади. Ўқитувчи бироз бошқа иш билан банд бўлиб, болалар бир дақиқа буш қолишиша, бас, шу заҳоти ўйинни бошлаб юборишади. Болалардаги бундай қизишишни кузатиб борар эканмиз, шундай фикр пайдо бўлди: болалардаги шу қизишишдан уларга таълимтарбия бериш учун фойдалансак бўлмасмикан? Жуда зур бўладику: бола мен ўйнаяпман деб ўйлайди, биз эса бу вақтда унга физикани ўргатаётган бўламиз. Ёки биз уни программалаштиришга ўргатаётган бўламиз...»

Биз болалар билан бирга анъанавий бошқотирма ўйини типида программа тушиб чиқдик. Үнда шундай дейилади:

«Бир сон ўйланг. Ўйлаганингизни иккига кўпайтиринг. Бешни айиринг, фалон сонни қўшинг. Энди сиз менга натижа неча чиққанини айтсангиз, мен (яъни машина) сиз қандай сон ўйлаганингизни айтиб бераман»<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Нима учун машиналар билан ўюштирилган ўйинлар ўқувчиларда ғоят катта қизиқиш ўйғотади?
2. Таълим жараёнида ўйин билан ўқитиши нисбатлари проблемасини перспектив тарзда ҳал қилишининг қандай йўллари мавжуд?
3. Ўқувчилар учун машиналар билан ташкил этиладиган ўйинларнинг қандай ижобий ва салбий томонлари бор?

### Курсда олиб бориладиган тадқиқотларнинг темалари

1. Ўқитувчи ўқув телевидениеси ва ЭҲМ дан фойдаланганда унинг функциялари структурасидаги ўзгаришлар.
2. Аудиовизуал воситалардан фойдаланилганда синфдаги педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. «Экран ўқитувчиси» олдига қўйиладиган психологик талаблар.
4. Экрандаги воситалар ёрдами билан воқеа-ҳодисаларни образли равишда қайта тиклашнинг ўқувчиларни эмоционал руҳда тарбиялашга кўрсатиладиган таъсири.
5. Экран воситаларидан фойдаланилганда ўқув материалини ўзлаширишнинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Экран воситаларининг ўқув материалини эсда сақлаб қолишига кўрсатадиган таъсири.
7. Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашда экран воситаларининг роли.

<sup>1</sup> Қаранг: Литературная газета.—1985, 10 апрель.

8. Болаларга экологик тарбия беришда техника воситаларидан фойдаланиш.

9. Билишнинг компьютерли жараёнида унинг умумий ва специфик белгилари.

10. Ўқувчиларда алгоритм маданиятини ривожлантириш ва таълимни компьютерлаштириш.

11. Компьютер ёрдамида ўқув фаолиятини бошқариш.

12. Компьютерлар қўлланган шароитда ўқитишни индивидуаллаштиришнинг психологик проблемалари.

## 12- тема. Ўқитувчи шахснинг ва педагогик фаолиятининг психологияси

### Методик кўрсатмалар

Ушбу тема юзасидан ўтказиладиган семинар ва амалий машғулотларда ўқитувчи меҳнатининг психологик хусусиятларини қараб чиқиши ҳамда жамиятнинг мана шу фаолиятнинг субъекти сифатида ўқитувчи шахсига қўядиган талабларни аниқлаб чиқиши лозим. Биринчи семинар машғулотини ўтказишида студентлар эътиборини ўқувчи ёшларнинг тарбиячи сифатида ўқитувчи фаолиятининг структурасига ва бу фаолиятнинг энг муҳим элементларига қаратиш лозим.

Техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш шароитида одамларнинг умумтаълим ва профессионал тайёргарлигига ҳар бир совет кишисининг меҳнатга энг биринчи ижтимоий бурч сифатида онгли, ижодий муносабатни шакллантиришга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ошиб боради. Ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тадбирлари мана шу талабларга жавоб беради. Мактаб ислоҳотини амалга оширишда ўқитувчи ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шуни айтиш керакки, ислоҳотда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш суръатлари ва кўлами ҳали бизни қаноатлантира олмайди. Йишиларни замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, уни интенсивлаштиришнинг етакчи йўналишларини ўрганишни янада пухтароқ йўлга қўйишни талаб этади. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини таъминлаш эса, айниқса зарурдир. Умуман, таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш принципини янада тўлароқ рўёбга чиқаришга, таълим бериш самарадорлигини оширишга, ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашга, замонамизнинг онгли қурувчиларини тарбиялашга янада қатъийроқ тарзда эришмоқ керак.

Мактабни ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида ўқув жараёни ҳисобланган дарс билан бир қаторда юқори синфларда, ҳунар-техника мактабларида ва ўрта маҳсус ўқув юртларида лекциялар ўқиши, семинар машғулотлари ўтказиш, сұхбатлар, практикумлар, консультациялар уюштириш зарурлиги таъкидлаб ўтил-

ган<sup>1</sup>. Булар бары фан ўқитувчиларидан ҳар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятлари түғрисида маълумотга ва чуқур билимга эга бўлишни: педагогик муаммоларни прогноз қилиш ва ҳал этишнинг методик жиҳатдан асосланган йўлларини қидириб топиш, ўқувчи шахсига педагогик таъсир кўрсатишнинг стратегик маҳоратини тацлай билишни талаб қиласди. Бироқ, ўқитувчининг функцияси у дарс пайтида кўрсатган фаолият билангина чекланиб қолмайди. Ўқитувчи ўқувчилар билан ўқишдан ташқари вақтларда бажариладиган синфдан ташқари ишларни ташкил этади, синф раҳбари вазифасини бажариб бориб болаларнинг ота-оналари билан иш олиб боради. Бундай шароитларда ўқувчиларнинг ўқув ва ўқишдан ташқари фаолиятини ягона таълим-тарбия жараёни сифатида планлаштириш ва ташкил қилишга нисбатан комплекс ва системали равишда ёндашишнинг ўқитувчи фаолиятидаги роли ортиб боради. Бундай фаолият ўқувчиларни билимлар билан қуроллантиришга ҳамда билиш, мулоқот ва меҳнатнинг онгли субъектлари сифатида улар шахсини шакллантириб боришга қаратилмоғи керак.

Ўқитувчи меҳнатини психолого-педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш шуни исбот этганки, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти самарадор-лигига педагогнинг шахсий фазилатлари ва унинг касбий тайёргарлиги ғоят катта таъсир курсатади. Ўқитувчининг илмий жиҳатдан билимдонлиги, унинг шахсига хос ижобий фазилатлар ўқувчиларга тарбия беришнинг, уларда онгли тарздаги активликни ҳамда мустақил равишда ижодий билишга бўлган интилиш фаоллигини шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Семинар машғулотларида шу масалалар муҳокама қилинаркан, студентларда уларнинг мактабда олиб борадиган ишлари чоғида касбга йўллашни шакллантириб боришга эътибор бериш лозим. Мана шундай барқарор касбга йўллаш студентларнинг ўқув фаолиятидаги билиш активлигини ва мустақиллигини оширишнинг, улар ўқитувчи меҳнатига ўзини пухта тайёрлаб боришини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Дастлабки семинар машғулотида совет ўқитувчиси касб йўналиши юзасидан қандай шахсий фазилатларга эга бўлиши кераклиги, бу касбнинг психологик моҳияти ҳамда касбий йўналиши структурасини қараб чиқиш лозим. Бунда ушбу масалани совет ўқитувчиси шахсини педагогик фаолиятнинг онгли, субъекти ҳамда фан-техника тараққиётининг ва жамият социал тараққиётининг фаол вакили, онгли субъекти сифатида ўрганиб чиқилмоғи лозим.

Тарбиячи сифатида ўқитувчи шахсининг роли ҳамда унинг шахсига хос фазилатларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирни масаласи қараб чиқилаётган вақтда студентларнинг эътиборини шу нарсага қаратиш керакки, идеологик курашнинг ҳозирги шароитида ўқитувчи илмий дунёқарашининг, ҳамда ўқитувчи

<sup>1</sup> Қаранг: Основные направления реформы общеобразовательной и профессиональной школы; Сборник документов и материалов.—1984, 46-бет.

шахсидаги барқарор ғоявий эътиқоднинг роли ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ даражада ортиб бормоқда. Ўқитувчининг дунёқараши — ундаги педагогик маданиятнинг ҳамда тарбиячи сифатидаги маҳоратнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчи — студентлар шуни яхши билишлари керакки, бугунги кунда ёшларда илмий дунёқарашини шакллантириш, ҳозирги замоннинг ғоят долзарб ва кескин муаммолари юзасидан баҳс — мунозаралар ўтказа олиш, одамларни ишонтира олиш, мустақил тўғри хулоса ва умумлашмалар чиқара олиш маҳоратини эгаллаб олишлари ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу маънода ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги фаолияти, унинг бошқа соҳалардаги билимлардан хабардор бўлиши, ўз фанига доир фундаментал билимга эга бўлиши ҳамда мактаб ўқувчисининг шаклланиб келаётган шахси психологияси, унинг қобилиятлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши, инсонлар оламида содир бўлаётган социал воқеа-ҳодисаларни тўғри идрок эта билиши ва уларга тўғри баҳо бера билиши, синф колективини яхлит ва ҳар бир ўқувчини пухта ўргана билиши, уларнинг хулқ-атвори ва социал фаолиятини олдиндан айтиб бера олиш маҳорати ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Семинарлар ва амалий машғулотларда студентлар шуни яхши ўзлаштириб олишлари керакки, совет ўқитувчиси юксак даражада билимдон ва тарбияланган бўлиши, унинг илмий дунёқараши, ва эътиқоди, болалар билан ишлай олиш маҳорати ва малакалари, меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги, болалар тарбияси учун жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини ҳис қилиши унинг педагогик маданияти ва маҳоратининг ажралмас элементлари ҳисобланади.

Машғулотларда ўқитувчига нисбатан мактаб маъмуриятидан, ишдаги касбдошларидан, ўқувчилар ва ота-оналардан кутиладиган социал муносабатларни муфассал қараб чиқиш лозим. Бўлажак ўқитувчи — студент шуни ҳам яхши ўзлаштириб олиши керакки, ўқитувчининг обруси унинг дарсдаги фаолияти, мактаб колективи уртасида олиб борадиган ишлари, ота-оналар билан мулоқоти — хуллас, ўз ахлоқий идеалига мувофиқ хатти-ҳаракатлари билан белгиланади. У ўз ўқувчиларида буюрилган иш учун юксак даражадаги социал масъулиятни ҳис қилиш одатини, олийжанобликни тарбиялаши, унинг интеллектуал камолатига эришиб, маънавий жиҳатдан мусаффо киши бўлиб тарбияланишига эришмоғи керак — бир сўз билан айтганда, у ўз ўқувчиларида жамиятимиз қандай ижобий фазилатларни куришни истаса, шундай фазилатларни тарбияламоги керак.

Ўқитувчи фаолиятида, унинг ўқувчилар турли ёш босқичларида улар билан қандай услубда иш олиб бориши катта роль ўйнайди. Психологик-педагогик адабиётларда мавжуд илмий тадқиқотлар асосида ўқувчиларга раҳбарлик қилишда тез-тез учраб турадиган қўйидаги беш хил иш услуби ажратиб кўрсатилади, хусусан: авторитор (яъни, ўз ҳукмини ўтказиши); авторитор (маъмурӣ); демократик (коллективга суняниш ҳамда ўқувчилар мустақиллигини рағбат-

лантириб бориш); рад этиш (ўқувчиларнинг фаолиятига раҳбарлик қилишдан амалда четлашиб қолиш, ўз вазифаларини номигагина бажариш); ноизчил (ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатлар системасининг вазиятга боғлиқлиги — яъни воқеа-ҳодисаларга қараб ташкил этиш) усуллари шулар жумласидандир. Семинар машгулотларида ҳар бир усулнинг психологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ўқувчилар хулқ-автори ва хатти-ҳаракатларига курсатадиган таъсирини очиб бериш зарур. Реал ҳаётда ва совет ўқитувчининг фаолиятида унинг раҳбарлик қилиш усули ҳар турли субъектив ва объектив омилларнинг таъсири остида шаклланаб боради. Бундай омиллар — педагогик фаолиятнинг бир субъекти сифатида ўқитувчининг юксак даражадаги педагогик маданияти қарор топиши учун зарур шартлардандир.

Педагогик мулоқотнинг психологик хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган амалий машғулотларда турли ҳаётий вазиятларда: дарсда, янги тема тушунтирилаётганда, синфда суҳбат ўtkазилаётганда, ўқувчилар билимини индивидуал тарзда текшириш ва баҳолашда, ўқишдан ташқари мулоқот пайтида, ижтимоий-фойдали ишлар бажарилаётганда ва шу сингари вазиятларда ўқитувчининг ўқувчилар билан ўзаро муносабатига оид хусусиятларни қараб чиқиш лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги турли хил вазиятлардаги ўзаро муносабатларни таҳлил килиш натижасида студентлар шундай хуносага келишлари керакки, болалар колективидаги психологик муҳит ва коммуникатив маданият ўқитувчининг ўқувчилар билан қиласидиган муомала стили ва унинг педагоглик назокатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Амалий машғулотларда ҳар хил педагогик вазиятларни моделлаштириш асосида психологик масалаларни ҳал қилиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу машқларни студентлар педагогик практика ўтказиш даврида ўқитувчи фаолиятини ўрганиш юзасидан олиб борган шахсий кузатишлар чоғида тўпланган материаллар асосида ўтказишлари мумкин.

Қараб чиқилаётган тема юзасидан ўтказиладиган учинчи машғулотни ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг психологик проблемаларига бағишлиш мумкин. Бу энди якунловчи машғулот ҳисобланади. Шунинг учун машғулотда студентларнинг педагогик маданиятини такомиллаштиришнинг актуал масалаларига ҳамда умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш талабларига кўра ёш ўқитувчиларнинг маҳорати масалаларига бағишлиланган реферат ахборотларини тинглаш ва муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай ахборотларга тайёргарлик кўриш ва семинарларда сўзга чиқиш учун студентлар адабий манбалардан ҳамда мактабда педагогик практика ўтказган пайтларида ўқитувчи ва ўқувчилар ишини кузатиш чоғида тўпланган материаллардан фойдаланишлари мумкин.

## **Семинар ва амалий машғулотларнинг планлари**

### **Адабиётлар**

#### **Биринчи машғулот (семинар)**

##### **Педагогик фаолият ва ўқитувчининг шахси**

1. Жамиятда ўқитувчининг ўрни ва вазифалари.
2. Ўқитувчи-ўқувчилар ҳаёти ва фаолиятининг ташкилотчиси.
3. Ўқитувчи шахсининг касб жиҳатдан аҳамиятга молик фазилатлари.
4. Ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари.
5. Ўқитувчини ўраб олган атроф-муҳит: мактаб маъмурияти, ишдаги ҳамкаслари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари унга нисбатан билдирган муносабатлари ва бу муносабатларнинг социал истиқболлари.

#### **Иккинчи машғулот (амалий)**

##### **Педагогик мулоқот ва унинг психологик характеристикалари**

Ушбу машғулот ўтказилгунига қадар студентлар «Ёш психологияси ва педагогик психология» дарслигининг «Ўқитувчи психологияси» деб аталган бобида баён этилган материални мустақил равишда ўрганиб чиқадилар ҳамда ўқитувчи билан ўқувчилар ишини дарс ва дарсдан ташқари вақтда кузатиб борадилар. Бу иш психология ўқитувчисининг тавсияси асосида тузиб чиқилган программа бўйича мактабда педагогик практика ўtkазиш чоғида амалга оширилади. Машғулотларда қўйидаги масалалар бўйича ўзлаштирилган янги материалларни муҳокама қилиш лозим:

1. Дарс пайтида ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотда бўлиши педагогик фаолиятининг таркибий қисми сифатида.
2. Педагогик мулоқот услубининг ўқув фаолияти самарадорлигига ҳамда ўқувчилар колективидаги шахслараро муносабатларнинг коммуникатив маданиятига кўрсатадиган таъсири.
3. Педагогик ҳодисалар ва уларни белгиловчи омилларнинг ўқитувчи томонидан идрок этилиши ва баҳоланишининг хусусиятлари.
4. Дарс пайтида савол-жавоб қилишнинг психологик ҳолатлари ва уларнинг ўқувчилар билиш активлигига таъсири.
5. Педагогик баҳо ва унинг ўқувчилар ўқув фаолияти ҳамда уларнинг хулқ-атворига таъсири.

#### **Учинчи машғулот (семинар)**

##### **Ўқитувчи педагогик маҳоратини такомиллаштиришининг психологик проблемалари**

Бу машғулотда студентлар ўzlари олдиндан тайёрлаб юрган реферат--ахборотлар ёки докладлар билан сўзга чиқадилар. Психология ўқитувчиси билан келишиб тайёрланган бундай нутқларда қўйидаги масалалар ёритилиши керак:

1. Ўқувчининг педагогик қобилиятлари ва уларни ривожлантириш.

2. Ўқитувчининг касбий-педагогик маҳорати, унинг шаклланиши ва ривожлантирилиши.

3. Педагоглик назокатининг психологик асослари ва унинг ўқувчилар ўқув фаолиятига ҳамда уларнинг хулқ-авторига таъсири.

4. Педагогик колективда соғлом психологик мұхит вужудга келтиришнинг шартлари.

5. Ўз билимини муттасил ошириб бориш ва ўз-ўзини тарбия қилиш билан шуғулланиш ўқитувчи фаолиятида мұваффақиятга эришишнинг шарти сифатида.

**Ленин В. И.** I Бутун Россия маорифчилар съездида 1918 йил 28 августда сұзлаган нұтқ // Тұла асарлар тұплами, 37-том.

**Ленин В. И.** Маориф ходимлари съездига // Тұла асарлар тұплами, 45-том, 355-бет.

**Крупская Н. К.** Воспитательская роль учителя // Пед. соч. М. — Т. 3.— 135—137-бетлар.

**Алов Г. Н., Виноградов Ю. И., Жегин Ю. В., Куценко В.Г. и др.** Организация учебно-воспитательного процесса в педагогическом взузе.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1984.

**Аганисьян В. М.** Развитие творческого мышления студентов-педагогов // Вопросы психологии. — 1982, 6-сони, 97—100-бетлар.

**Ананьев Б. Г.** Психология педагогической оценки // Издр. Психол. труды — М., 1980.— Т. 2.—129—267-бетлар.

**Ачилов М.** Нравственное формирование будущего учителя.— Ташкент, 1979.

Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979,— Гл. 9, 259—283-бетлар.

**Гоноболин Ф. И.** Книга об учителе.—М.: Просвещение, 1959.

**Кан-Калик В. А.** Педагогическая деятельность как творческий процесс: Исследование субъективно-эмоциональной сферы творческого процесса педагога.— Грозный: Чечено-Ингушский гос. ун-т., 1976.

**Крутецкий В. А.** Психология обучения и воспитания школьников.—М.: Просвещение, 1976.

**Кузьмина Н. В.** Формирование педагогических способностей.—Л.: Изд-во ЛГУ, 1961.

**Кузьмина Н. В.** Очерки психологии труда учителя.— Л.: Изд-во ЛГУ, 1967.

**Кулюткин Ю. Н.** Психологические знания и учитель // Вопросы психологии.—1983.—3-сони, 51—61-бетлар.

Курс общей, возрастной и педагогической психологии // Под ред. М. В. Гамезо.—М.: Просвещение, 1982.— Вып. 3, 165—174-бетлар.

**Леонтьев А. А.** Педагогическое общение.— М.: Педагогика, 1980.  
**Ломов Б. Ф.** Методологические и теоретические проблемы психологии. М.: Наука, 1984.— Гл. IV. 190—214-бетлар.

**Махмутов М. И.** Современный урок: Вопросы теории.— М.: Педагогика, 1981.

Методы изучения профессиональной направленности личности учителя / Под ред. Ю. Н. Кулюткина, Г. С. Сухобской.— Л.: НИИ ООВ АПН СССР, 1980.

Моделирование педагогических ситуаций / Под ред. Ю. Н. Кулюткина, Г. С. Сухобской.— М.: Педагогика, 1981.

**Петровский А. В.** Личность. Деятельность. Коллектив.— М.: Политиздат, 1983.

Психология труда и личности учителя / Под ред. А. И. Шербакова.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.— Вып. 1.—1977.— Вып. 2.

**Сластенин В. А.** Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки.— М.: Просвещение, 1976.

**Страхов И. В.** Психологические основы педагогического такта.— Саратов, 1972.

**Сухомлинский В. А.** Педагогическая культура учителя // Разговор с молодым директором школы.— М.: Просвещение, 1973.

**Шербаков А. И.** Психологические основы формирования личности советского учителя в системе высшего педагогического образования.— Л.: Просвещение, 1967.

**Шербаков А. И.** Совершенствование системы психологического образования будущего учителя // Вопросы психологии.— 1981, 5-сони.

**Шукина Г. И.** Роль деятельности в учебном процессе. Кн. для учителя — М., Просвещение, 1986.

### **Мустақил ишлаш учун топшириқлар**

#### **Адабиётлардан аннотация түзиш ёки конспект олиш**

Основные направления реформы общеобразовательной и профессиональной школы: Сборник документов и материалов.— М.: 1984.

**Сластенин В. А.** Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки.— М.: Просвещение, 1976.

**Шербаков А. И., Мудрик А. В.** Психология учителя // Возрастная и педагогическая психология. / Под ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 258—283-бетлар.

**Рефератлар ёки докладларнинг темалари.  
Адабиётлар**

**1. Фоявий эътиқодлилик — ўқитувчи-тарбиячи педагогик маҳоратининг энг муҳим компоненти**

**Ачилов М.** Нравственное формирование будущего учителя.— Ташкент, 1979, 8—50-бетлар.

**Боборыкин А. Д., Кожухов Ю. В., Петрова Е. В., Богословский В. В.** Краткая профессиограмма учителя истории и обществоведения средней общеобразовательной школы // Психология труда и личности учителя — Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1977.— Вып. 2.

**Сластенин В. А.** Формирование личности учителя советской школы в процессе профессиональной подготовки,— М.: Просвещение, 1976, 34—60-бетлар.

**Пискунов А. И.** О совершенствовании подготовки учителя-воспитателя // Советская педагогика.—1977, 8-сони.

**Шчербаков А. И.** Профессиограмма учителя советской школы // Проблемы подготовки студентов педвузов и университетов / Под ред. В. С. Грибова.— М.: НИИ ОП АПН СССР, 1976.

**2. Совет мактаби ўқитувчиси шахсининг касбий аҳамиятга молик фазилатлари**

Возрастная и педагогическая психология / Под ред. М. В. Гамзоз и др.— М.: Просвещение, 1984, 245—254-бетлар.

**Гоноболин Ф. Н.** О некоторых психических качествах личности учителя // Вопросы психологии.—1975, 1-сони.

**Кондратьева С. В.** Понимание учителем личности учащегося // Вопросы психологии.—1980, 5-сони, 143—148-бетлар.

**Кулемшова Л. Н.** Некоторые особенности познания учителем ученика в процессе обучения // Психология труда и личности учителя // Под ред. А. И. Шчербакова.— Л.: ЛГПИ им. Герцена, 1976, Вып. 1.

**Сластенин В. А.** Формирование творческой личности учителя // Советская педагогика.—1975, 1-сони.

**Степанова Е. И.** Умственное развитие и обучаемость взрослых. Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1981.

**Шчербаков А. И.** О методологии и методике изучения психологии труда и личности учителя.— Л.: ЛГПИ им. А. И. Герцена, 1976.— Вып 1, 3—29-бетлар.

**Шчербаков А. И.** Психологические основы формирования личности советского учителя в системе высшего педагогического образования.— М.: Просвещение, 1967.

**3. Педагог фаолиятида ижодий йўналиши.**

**Азаров Ю. П.** Искусство воспитывать. М.: Просвещение, 1985, 389—438-бетлар.

Возрастная и педагогическая психология / Под. ред. А. В. Петровского.— М.: Просвещение, 1979, 258—283-бетлар.

**Кан-Калик В. А.** Педагогическая деятельность как творческий процесс.— Грозный, 1976, З—66-бетлар.

**Поляков Е. М.** Решение педагогических задач как средство развития у студентов педагогического мышления // Вопросы формирования личности учителя в условиях педагогического института.— Саратов, 1970, 105-бет.

Творческая направленность деятельности педагога / Под ред. Ю. Н. Кулюткина, Г. С. Сухобской.— Л.: НИИ ОOB АПН СССР, 1978.

## Психологик масалалар ечиш

### 1- масала

Мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия ишларини ташкил этишнинг асосий шакли дарс ҳисобланади. Дарс — бу ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорликда амалга оширадиган коллектив фаолият бўлиб, бундай фаолият жараёнида ўқувчилар билимларни ўзлаштириб оладилар, дунёнинг ўзларича тушунажакларини шакллантирадилар. Ҳаётда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга, одамларга, уларнинг меҳнатига, фаолият субъекти сифатида ўз-ўзига нисбатан муносабатни ҳам шакллантириб борадилар.

Ҳозирги замон педагогик психологияси шуни таъкидлайди, ҳар бир дарснинг тарбиявий самараси ўқитувчининг дидактика принципларини қай даражада амалга ошириш маҳоратига ҳамда ўқитиш методларини тўғри таилай билишгагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки у ўқитувчининг ўқувчиларга муносабатларига, шаклланиб келаётган ана шу ўзаро муносабатларнинг характеристига ҳам боғлиқ бўлади. Бунда педагог ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини қанчалик моҳирона ҳисобга олиб бориши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Дарс пайтида ўқувчиларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, чуқур мазмунли ва аниқ пухта ташкил этилган ўқув фаолияти ўқитувчининг ўз ўқувчиларига тарбиявий таъсирининг ҳал қилувчи омилидир.

Ўқитувчи А. Гармаевнинг мақоласидан олинган қўйидаги парчани қунт билан ўқиб чиқинг ва берилган саволларга жавоб қайтаринг.

«...Мактабда биринчи марта йиглаб турган ўқувчи қизни курсаним ҳамон эсимда. Йиглашига «икки» баҳо олгани сабаб бўлган экан. Чунки «икки» баҳо дарсни билмаганлиги учун қўйилган бўлиб, уша вақтда мен бунга унчалик эътибор бермаган эдим. Мен ўша кезларда программани уддасидан чиқа олмаётган болаларга ҳам сира парво қилмай икки қўяр эдим. Билъакс, фаннинг мазмунига бироз бўлса ҳам тушунишга истак билдириган ўқувчилар билан вақтимни сира аямасдан шуғуллана бошладим. Ҳозир мен мактабда ишлай бошлаган ўша даврларни эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Чунки, энди мен ўқитувчи маҳоратидаги энг олий фазилатни ўша вақтда нотўғри тушунганилигим менга аён бўлиб қолган эди: ўшанда менинг кўзимга ўқув программасидан бошқа ҳеч нарса

қүрінмас ва мен, шубұласыз, шундай қилиш тұғри бўлади, деб үйлар әдим. Үқувчини эса деярли күз олдимга ҳам келтирмас әдим. Үз мустақил иш фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ана шу эңг катта фазилатни әгалаган педагогларга ҳавас қилсанг арзиди. Чunksи, улар қанчадан-қанча аянчли дақиқалардан үзларини ҳам, үқувчиларни ҳам қутқариб қолдилар!

... Бу гаплар газетада мақола босилиб чиққанидан кейин бошланди. Мақолани үқиб шундай бир янгиликни билиб олдикки, үз иши фаолиятида ёмон баҳодан деярли фойдаланмайдиган үқитувчилар ҳам бўлар экан. Бунинг устига улар үқувчиларнинг ишини оғзаки баҳолаётганларида эңг аввало ўша үқувчиларнинг озгина ютуқларини ҳам таъкидлаб кўрсатар эканлар. Бундай ютуқларни ҳатто ўрта баҳога зўрға илинадиган жавоблардан ҳам топишга ҳаракат қиласр эканлар. Болалар бундай үқитувчиларнинг дарсига зўр қизиқиш билан қатнашар эканлар.

Хуш, бу қанақаси бўлди? «Икки» баҳодан деярли бутунлай воз кечилса-я? Ўйлаб қараганда, бу ақлга сифмайдиган гап әди. Биринки бор дарс пайтида бунга ҳаракат қилиб ҳам кўрдим. Лекин сира уддасидан чиқа олмадим. Бироқ, кунлардан бир кун...

Синфдаги үқувчилар бир қарорга келишни жуда исташар әди-ю, лекин негадир сира бунинг уддасидан чиқиша олмас әди. Лекин бу таклифлар масалани ҳал қилишга яқинлашмас әди. Бирдан синф гуё ёришиб кетгандек бўлди — кимдир луқма ташлади. Бу луқмада гарчи ҳали масаланинг ечими бўлмаса-да, лекин ечимга олиб борадиган йўл топилгандай әди...

— Мана бу зўр! Серёжа! Баракалла, бопладинг!

Унинг кетидан синфда қўл кутарган ва; «Мен тушундим! Мендан суранг!» — деган үқувчиларнинг сони кўпайиб кетди.

Масаланинг ечилиш йўлини биринчи бўлиб топган Серёжа эса ўзини йўқотиб қўйди, у ишончсизлик билан атрофга аланглаб қарап ва ўзи қилиб қўйган ишни тан олишга қўрқаётганга, мана шу масаланинг ечилиш йўлини мен топдим дейишга ботина олмаётгандек ҳайрон бўлиб қаради.

Лекин ўша дақиқада менинг кўзимни ҳам очганини у үқувчининг ўзи ҳали билмас әди. Менда шу дақиқадан бошлаб педагогик уйғониши онлари бошланган әди. Ўзим шу вақтгача тұғри деб ҳисоблаб келган барча қарапшлар энді остин-устун бўлиб кетган әди. Мактаб программасини дорма сифатида идрок этиш, уни олий бир қимматдорлик деб идрок этиш ҳам аста-секин йўқолиб борди. Энди күз ўнгимда доимо Серёжа тураг әди. Фақат у эмас, шунга үхшаган жуда кўп үқувчилар ўз исми-фамилиялари билан, ҳар бири ўзига хос индивидуал хусусиятлари билан эңг олий қимматдорлик сифатида күз ўнгимдан кетмайдиган бўлиб қолдилар.

Бир нарса аён бўлиб қолди: ҳар дарсда үқувчиларга шафқатсиз равишда «уч» баҳолар қўяверишим оқибатида, үқувчиларнинг олға қараб ҳаракат қилиш туйғуси бутунлай йўқолиб бораётган әди. Үқувчи программанинг кичик бир қисминигина үзлаштириб борарди. Мен жуда секинлик билан бўлса ҳам үқувчи үзлаштираётган билим ҳажмини оширишга ҳаракат қилиб кўрдим. Бироқ,

дастлабки вақтларда мен бир нарсаны илғаб олдим: үтилган ҳар бир янги темадан ўрта баҳога үқийдиган бола ўша теманинг бир қысеминигина тушуниб олар экан. Бундай үқувчига нисбатан талаб-чанликни ошириб күрдим, лекин бўлмади. Бу унинг жаҳлини чиқарди ва бутунлай шуғулланмай қўйди. Кетма-кет бир нечта «иккиси» баҳо олди ва турли даражадаги танбеҳлардан ҳам қуруқ қолмади. Унинг тузалиши ва баҳосини ўзгартириши илгариги олиб юрган «уч» баҳосидан юқори қўтаришади. Шундан кейин навбатдаги яна бир қаттиқ тўқнашув юз бермагунича биз иккаламиз ҳам бир-биримизни кўрмагандек, вазиятни сезмагандек бўлиб юравердик.

Мана, энди үқувчи нима учун мендан ўзини олиб қочишининг сабабини тушундим. Кейинчалик у бошқа үқитувчилардан ҳам ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди, сунгра эса умуман мактабга келмасдан кўча болаларига, уларнинг тўдасига қушилиб кетди. У ўзининг бугунги куни билан кечаги кунини таққослаганда бугунги куни афзал деб биладиган йигитлар ва ўз тенгдошларига қушилиб кетди.

Бундай болаларнинг кўплари мактабга биз үқитувчиларга ишонган ҳолда ўзлигини таниш учун, биздан мадад олишга бир хил ҳоҳиш-истак ва ишонч билан келадилар. Кейин эса уларнинг аллақандай бир кичик қисми мактабни ёқтирмай қолади, мактаб билан бирга умуминсоний қимматдорликларни ҳам рад этадилар, бундан кўра ўзлари топган давра ва кўча болаларини афзал кўрадилар. Энг ёмони бунда улар «тарбияси қийин» бола деган ном олишдан асло уялмайдилар. Шунинг учун мен ўз үқувчиларида ғоят муҳим инсоний фазилат — ўқиши истагини сақлаб қола олган үқитувчиларнинг меҳр-муҳаббат ва диққат-эътиборига тасанно айтаман? Бундай фазилатни педагоглар қандай зўр ахлоқий кучга эта эканликларини ўйлаб уларга қойил қоламан!

Бундай үқитувчилар қирқ беш минут ичидаги ҳар бир үқувчига қандай қилиб эътибор бериши мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Бора-бора иш жараёнида бу ҳодиса ҳам менга тушунарли бўлиб қолди. Ахир, мен дарсда ўзлаштиримайдиган үқувчиларга уларнинг иззат-нафсига тегадиган баҳоларни дарсга «сиғдира олдим-ку». Айтидан, бошқачароқ йўл тутиб, бу баҳони болага эътибор бериш билан алмаштириш зарурга ўхшайди. Буни амалда синаб кўрмоқчи бўлдим — үқувчилар билан учрашувлар сони аввалгидан ўзгармай қолаверди-ю, аммо муносабатларнинг характеристири ўзгарди.

Хўш, энди боланинг билимига обьектив баҳо бериш қаёқда қолди? Бу саволга жавоб ҳам амалий ишлардан топилди. Мен бошлиғич синф үқувчиларини анча вақт кузатиб юрдим. Маълум бўлишича, уларга ҳамма нарса қизиқ туюлар экан, яна бир энг муҳим нарса улар «яхши бола бўлиш»ни жуда ҳам хоҳлашар экан. Бунинг маъноси шуки, улар ўзлари тўғрисида үқитувчи ва ўз тенгдошлари ижобий баҳо беришини истар эканлар.

— Қара, нуқтани қандай чиройли ёзибсан, мана энди «а» ҳарфини ҳам ёзишни ўрганиб олганингда эди, ҳамма ишлар жойида бўлар эди. Хўш, ўрганиб олсан бўладими?

Ҳа, бўлади. Мен ҳозироқ ўрганиб оламан.

Қизча беш минут давомида астойдил ҳаракат қиласы, ишлари битавермагач яна беш минутча уринади-ю, лекин бары-бир үзининг айтганини қилиб, «а»ҳарфини ёзишин үрганиб олади. Үқитувчанинг турли вариантылар билан үқувчиларга янгича ёндашиши юз марталаб тақрорланади. Лекин болалар буни пайқамайдилар. Улар учун муҳими бирор ютуқни құлға киритишdir. Бу ютуқ жуда кичкина — «микроютук» бұлса-да, лекин мана шу майда ютуқлардан катта ютуқлар вужудга келиб, болаларни хурсанд қиласы. Улар үлғайиб, ривожланиб бораётганларини ҳис қила бошлайдилар. Маълум булишича, бундай ҳис-түйізу уларда янги ютуқларга эришиш әхтиёжини уйғотар экан.

Бироқ, нүкта билан ҳарф үргатиши усулига үхшаган үқитиш усули, айтайлик, V синфда ҳам яроқлы усул булиб чиқса, VI синфда болалар билан ишлашнинг янги методини қидириб күриш лозим. Улар эришаётган ютуқлар реал ҳаётдаги воқеа-ходисаларга мутаносиб бұлмоғи керак. Яхшиямын, болаларнинг құлға киритаётган энг кичик ютуқлари ҳам уларга ижобий баҳо қойиши учун баҳона булиши мүмкін. Шундай қилиб, үқувчининг үсиб-үлғайиб бораётганларига бериләтган оғзаки баҳо унинг келгуси ҳаётида құлға кириладиган реал ютуқлари — олган билимларга қўйиладиган объектив баҳоларга яқинлашиб қолади.

...Мана шундай, «рағбатлантирувчи баҳолар» орқали үқувчиларда шундай бир ҳолат вужудга келады, улар бирон иш-харакатни биринчи булиб бажаришга үрганиб олиш учун аълочи булиш сира ҳам шарт эмас эканлигига ишонч ҳосил қиласылар. Караблизки, «уч» баҳоли үқувчи дурустгина ютуққа эришиб үзини ҳам, үртоқларини ҳам хурсанд қиласы, бутун синф биргаликда қувонади.

Ойлар үтди, бу орада мен (бутун синф) ахиллик билан енг шимариб ишга киришишга одатланиб қолганини пайқадим. Энди мен бу болалар баҳо олиш ёки үқитувчидан құрққанлари учун эмас, балки шундай қилиш кераклигини тушуниб олганларини учун ишлашларини билар эдим. Шундай ишлар орқали уларнинг ҳар бири үзича мустақил иш бошлаш ва уни поёнига етказишига үрганиб борарди. Шундай ҳаракат қилишга үрганиб олишда эса уларнинг ҳар бири үз шахснинг шаклланиб бораётганини аниқ қўриб турарди.

Шундай қилиб, синфиизда олиб бориладиган фаолиятимизнинг мазмуни үзгарди. Үқишининг бундай янгича мазмун касб этиши үсмирларни ҳам қизиқтириб қолди. Үқитувчи сифатида мен қиласытган ишлар ва менинг үқувчиларым машғул бұлған ишлар бирбирига құшилиб, битта умумий мақсадда хизмат қила бошлади, энди бизнинг ташвишларимиз ҳам, қувончларимиз ҳам умумий эди. Албатта, ҳали ҳамма ишлар күнгилдагидек бораёттир деб бұлмайди. Күп нарсаларни катта ёшли, тажрибали үқитувчилардан үрганишга, уларнинг тажриба ва маҳоратларидан фойдаланишга түфри келмоқда!.

<sup>1</sup> Гармаев А. Этот прекрасный урок // Правда.—1979, 12 июня.

## Саволлар

1. Мақола мұаллифи ўқытувчи мәхнатидаги әнг олий қиммат-дорликни нималарда күради?

2. Мақола мұаллифи ҳар бир мактаб ўқувчисини мустақил равишда актив ўқув фаолиятига жалб қылиш учун қандай метод ва усуллардан фойдаланишини тавсия этади?

3. «Еш психологияси ва педагогик психология»<sup>1</sup> дарслигидан фойдаланиб, дарс — бу шунчаки «ұқытувчи ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш формаси»гина әмас, балқы әнг аввал бу ұқытучининг ўқувчилар билан ҳамкорликда олиб борадиган ўқув-тарбия ишларидан иборат эканлигини ва улар билан мулоқотта киришадиган актив, ижодий субъект ролида майдонға чиқишини исбот қилиб беринг.

### 2- масала

Педагогик психология мактаб ўқувчиларида ұқишиңга бұлған қызықишини ва билим олишга әхтиёжни шакллантириш масаласига катта ақамият беради. Олиб борилған психологик тадқиқотлар шуни таъкидлайды, ұқишиң қызықиши ва билим олишга әхтиёж ўқувчиларда мустақил ўқув фаолиятига истак үйғотади. Мана шу истак жараёніда болада тафаккурнинг операцион ва мантиқи структураси ривожланиб боради, ўқувчи шахснинг эмоционал ирода соқалари таркиб топади. Үнда ұқишиңа нисбатан ижобий мұносабат шаклланиб, бола ўз фаолияти ва хүлқ-атворига баҳо беришларини истайды ҳамда ўз ютуқларига ўзи баҳо бера оладиган даражага етади. Ўқувчининг мустақил амалга оширадиган актив ўқув фаолияти — уннинг ақлини, ҳис-түйғуларини, ирода сифатларини ривожлантириб боришнинг теварак-атрофдаги воқеа-ходисаларни билиш ва уларни ўзгартыришнинг онгли субъекти сифатида ұқувчи шахснин шакллантиришнинг зарур шартидир.

Валуйки шаҳридан 3-кечки мактаб илмий бұлым мудири Л. Беспалькоңынг қуидаги мақоласини диққат билан үқиб чиқынг ва үртага құйылған саволларга жавоб топинг.

«Бундай қараганда ҳамма нарса ойдіндек равшан ва содда күринади: олий ўқув юртига кириб ұқишиңи истамайсанми, унда марҳамат, техникумга кириб ўқи. Техникумда ҳам ұқишиңи истамасаң ҳұнар-техника билим юртига кир. Ҳар сафар мана шу масала күтарилғанда баъзи бир болалар учун ниҳоятда мұраккаб проблемалар вужудға келади. Бу ерда гап асосан «ўртачилар», яъни нұқул «уч» баҳо олиб үқиидиган болалар тұғрисида бормокда.

Бир вақтлар «уч» баҳо, «икки» баҳонинг құшниси, күпинча у ниҳоятда шубҳали йүллар билан құлға киритилишини айтib үтганимизни бир әслайлик. Педагоглардан құплари, масалан, қуидаги сингари суҳбатларни гувоҳи бўлишган ёки бундай суҳбатларда ўзлари ҳам иштирок этган бўлишлари керак:

<sup>1</sup> Карап: Возрастная и педагогическая психология / Под ред. А. В. Петровского. 2-е изд. и доп. М., 1979, 272—280- бетлар.

— Мария Ивановна, С.нинг ҳамма баҳолари «уч», битта сиз унга «икки» қўйибсиз. Уни қанча қийнаманг, барибир тепса тебран-майдиган хилидан.

— Майли, мен ўйлаб кураман, Анна Петровна,— деб ваъда беради Мария Ивановна ва ўйлаб-ўйлаб охири ўша илтимос қилинган баҳони қўйиб беради.

Баъзан шундай бўлиб чиқадики, Мария Ивановна билан Анна Петровна бир-бирлари билан, ўзаро келишиб олганликлари натижасида бундан ҳам юқори баҳолар қўйилади.

— Т.нинг фақат битта «турти» бор экан, сизнинг фанингиздан, қолган баҳоларининг ҳаммаси «беш». Бир иложини қилиб бўлмасмикан-а?

Мария Ивановна ўйлаб кўришга ваъда беради ва қарабсизки, Т. аълочи бўлиб қолади.

Афсуски, шундай ҳоллар ҳам бўлиб туради. Лекин Анна Петровна ўз касбдошига бошқачароқ илтимос билан мурожаат қилган ҳоллар бўладими? Айтайлик, шундай илтимос қилсан:

— Мария Ивановна, С.нинг ҳамма баҳолари уч. Лекин, менинг назаримда, бу бола физикага қизиқиб қолганга ўхшайди. Унинг бу қизиқишини чуқурлаштириб бўлмасмикин? Эҳтимол, бу йигитчанинг тақдирини ҳал қилишда муҳим иш бўлар?

Мактабда узоқ йиллар ишлаб шундай воқеа бўлганини сира эслай олмайман. Нега шундай эканлиги ўз-узидан маълум. Уч баҳолиларнинг ёмон баҳо олиши ўзлаштириш курсаткичини умуман тушириб юборади. «Ортиқча» аълочи — мактаб ютуғига ютуқ қўшади. Ўқувчининг ўртача ўқиши ўқитувчилар колективининг ишига бериладиган характеристика учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Тасаввур қилиб кўринг, ана шу нуқул уч баҳо олган бола 8-синфни тугатяпти. Ҳали унга 9-синфда ўқишни давом эттириши мақсадга мувофиқ эмаслигини айтишмаган. Лекин бу гапни айтишмаса ҳам педагоглар унга қандай муносабатда бўлганликларини у жуда яхши билади. Қўпинча ўсмирнинг билими чала булиб қолади. Педагоглар унинг билимидаги камчиликларни тузатмай уни касб танлашга тўғри йўлламасдан, ўсмир билан хайр-хўш қиладилар. Боланинг олдида: энди қаёққа бориш керак?— деган савол кўндаланг бўлиб туради. У токарликка ўқиши истайди. Бироқ, ҳунар-техника билим юртида ўқиш учун физикани билиш керак. Бу фандан «уч» баҳони эса унга Анна Петровна «тилаб» олиб берган...

Шунда чиндан ҳам танг бир ҳолат юз берди: бола мактабга қайтиб боришни хоҳламайди, ҳунар-техника билим юртига киришга эса қўрқади. Унисига ҳам, бунисига ҳам бормайди-да — ўсмир кўча болаларига қўшилиб кетади. Шундай вақтларда беихтиёр бир савол туғилади: балофатга етмаган жиноятчилар, тартиббузарлар орасида нуқул» уч баҳо билан ўқиган болалар кўпчиликни ташкил қилиши тасодифий эмасмикан.

Хўш, бундай вазиятдан қутулишнинг йўли борми? Агар бизнинг рӯпарамизда нуқул учга ўқиган ўсмир турган бўлса, бизнингча,

уни энг аввало бирор нарсага қизиқтиришга уриниб күриш керак. Аввало синф раҳбари ўқувчи қайси фанлардан күпроқ муваффақият қозониши мумкинлигини белгилаб олиши лозим. Билим олишга қизиқиши ўйғотиш, жонли қизиқишининг дастлабки куртакларини авайлаб ўстириш, ўқитувчининг бевосита бурчидир. Ана шундан кейин Мария Ивановна билан Анна Петровналаримиз бирбирлари билан учрашишлари еа тахминан қўйидагида суҳбат қуришлари мумкин:

— Менинг «уччи» ўқувчим физикага қизиқиб қолганга ўхшайди. Сиздан илтимос, шу болага озгина ёрдам қилинг, унга қизиқарлироқ топшириқлар, бериб кўринг. Бу унинг учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Анна Петровна ҳам шундай жавоб қиласди:

— Хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида бўлади.

Қаранг, шундай қийин муаммони шу қадар осон ҳал қилиш мумкин эканми? Ҳа, жуда осон ҳал қилиш мумкин экан. Фақат бир нарсани ҳисобга олиш керак: оддий туюлган бу иш ижро этиш учун анча қийин. Бу ишни ўқитувчилик касбини бажариш учун ўзини-ўзи мажбур қилаётган кишилар эмас, балки ўқитувчининг касбидан фахрланадиган, ундан қониқиши ва қувонч оладиган кишиларгина уddaрай оладилар»<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Мақола авторининг уч баҳоли ўқувчиларни қизиқиши билан «даволаш» ҳамда «болаларда билим олишга қизиқиши ўйғотиш, жонли қизиқишининг дастлабки куртакларини авайлаб ўстириш — ўқитувчининг бевосита бурчидир» — деган фикрларининг психолого-гик маъноси нималардан иборат?

2. Ўқитувчининг ўқувчилар ўзлаштиришига қўядиган баҳолари объектив булиши учун ва ўқувчиларни ўз-ўзини ўстиришга рағбатлантириши учун ўқитувчи қандай шахсий ва профессионал фазилатларга эга бўлмоғи керак?

3. Ўқувчининг актив мустақил ўкув фаoliyatga жалб қилиниши унинг психик ривожланиши ҳамда ҳаётий позициясини шакллантиromoқ учун зарур шарт эканлигини исбот қилиб беринг.

## 3- масала

Психологлар ва тажрибали ўқитувчиларнинг таъкидлашича, мактаб ўқувчиларида ўқишига бўлган қизиқиши шакллантириш учун таълим жарабёнида дарснинг мазмуни ва ташкил этилиши орқали ҳосил қилинадиган қувноқ кайфият, шунингдек, ўқитувчи томонидан ўқувчи қўлга киритган ютуқларга берилган баҳолар характеристи туфайли вужудга келган кайфият катта аҳамият касб этади.

Ф. Эйсен шуни алоҳида таъкидлаб ўтадики, ўқувчининг муваффақиятини ўз вақтида пайқаш ва унга тўғри баҳо бериш ўқитувчи-

<sup>1</sup> Бесспалько Л. Как разбудить троекника? // Правда — 1979, 8 декабрь.

нинг муҳим малакаларидан ҳисобланади. Қўйида келтирилган Ф. Эйсен мақоласидан олинганд парчани диққат билан ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

«...Мактабни биладиган ҳар бир киши ўз тажрибасида шу нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилганки, ҳар бир бола, ҳар бир ўсмир қўлга киритаётган озгина, ҳатто жуда кичик ютуқнинг мақтаб қўйилиши, бу ютуқни ўқитувчи томонидан ўз вақтида пайқаб олиниши ва унинг рағбатлантирилиши ўқувчига ҳамма нарсадан кўпроқ ва самаралироқ таъсир кўрсатади. Бунинг устига бундай педагогик тадбири талабчанликни инкор этмайди, аксинча, ҳатто ўқувчига кўпроқ даражада талабчанлик кўрсатиш зарурлигини тақозо этади. Бунда энг аввало ўқувчига оддий талаблар қўйиш, уни берилган топшириқни албатта бажариш зарурлиги руҳида тарбиялаш, бунинг учун эса уни ўша топшириқни бажаришга тайёр бўлишга ўргатиш лозим.

Ўқишига бўлган хоҳиши ва қизиқишининг, ўқиши қувончининг сўниб қолишидан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ. Эрта билан туриб ўқувчи мактабга йўл олар экан, бу ерда уни фақат кўнгилсизликлар кутиб турганлигини олдиндан билиб туриш чиндан ҳам кишига дилхиралирдан бошқа нарса келтирмайди. Ҳар бир ўқувчидаги кучли томонларни илғаб олиш малакасига эга бўлиш ва келгусида ана шу кучли томонларга таяниш мумкин ва зарурлигини билган ҳолда иш юритиш ҳар бир педагогнинг зарур профессионал вазифаси бўлиб қолмоғи керак. Ўқиши давомида муввафқиятсизликларга эришавериб боланинг елкасидан тоғдек босиб ётган юкни олиб ташлаш вазифасини, ўқишида ўртоқларидан орқада қолиб кетган ўқувчини ўз тенгдошларига етказиб олиш вазифасини ўқитувчи бажармаса ким бажаради»<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Муаллиф «ўқиши қувончи» деган тушунчага қандай психолого-гик мазмунни сингдиради ва унинг психологик жараёнлар активлигига ҳамда ўқувчи шахсига хос бўлган хусусиятларга кўрсатадиган таъсири нималарда намоён бўлади?

2. Сизнинг фикрингизча, ўқувчининг ўқиши жараёнидаги қувноқ кайфиятини қандай омиллар белгилайди? Бу омилларнинг аҳамиятига педагогик характеристика беринг.

3. Ўқитувчининг болаларда ўқишига қизиқиши ва ўқув қувончини ҳис қилишга ўргатиш малакаси унинг профессионал маҳоратини курсатувчи ғоят муҳим элемент ҳисобланишини исбот қилиб беринг. Ўз кузатишларингиздан бунга мисоллар келтиринг.

## 4- масала

Совет психология фанида мулоқотни одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмashiшга қаратилган алоҳида фаолият

<sup>1</sup> Эйсон Ф. Створение радости // Известия.—1979, 8 июнь.

формаси сифатида қараб чиқиши расм бүлган. «Психолог учун мұлоқот,— деб таъкидлайди профессор Н. П. Ерастов,— бу энг аввало муайян мақсадни күзлаб ва муайян майший, ишлаб чиқариш, ижтимоий, үқув ва ҳатто үйин соҳасидаги амалий фаолият шароитида бир-бири билан мұлоқотга киришадиган кишиларнинг психик фаолияти қандай кечәётганинги күрсатиб берувчи қонунияттір»<sup>1</sup>.

Үқитувчи-тарбиячи учун үқувчилар билан мұлоқотга киришиш фақат болаларнинг психик фаолиятига хос бүлган хусусияттар түғрисида зарур ахборотларни олиш учун қулай шароит яратиб қолмай, шу билан бирга үша болаларнинг психик ривожланиши, уларнинг ички дүнёсида ёш динамикасини түфри тушуниш учун ҳам қулай шароит яратиб беради. Бусиз тарбия жараёнини бошқариш, үқувчининг ақл-идрокига, ҳис-түйғуларига ва иродасига ахлоқий жиҳатдан асосланған таъсир күрсатиши формаларини ташкил этиш мүмкін әмас.

Педагог Т. Королёва хикоясини диққат билан үқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

«Галина Алексеевна үқитувчилар хонасидан чиқиб, шахдам қадамлар билан синф томонға қараб кетди. Коридор деярли бүмбүш бўлиб қолган эди. Фақат химия кабинети олдида бир гуруҳ болалар тўпланишиб, Маргарита Михайловнани ўраб олишган эди.

«Ҳар сафаргидек яна жамоат жам — дея заҳарханда қилиб мийифида кулиб қўйди Галина Алексеевна.— Қачон қарасанг болалар унинг атрофида ўралашгани ўралашган. Буларни у нима деб ҳам атардп? Ҳа, «Менинг чебурашкаларим» деб эркалади. Шунчалик ҳам буладими? Мана, ҳозир ҳам болалардан ажралигиси келмаяпти».

— Салом, Галина Алексеевна,— хушмуомалалик билан деди ўз касбдошини курган Маргарита Михайловна.

— Салом. Ҳабаринглар йўқми, дарс аллақачон бошланди-ку.

— Вой, болажонлар,— ўзини йўқотиб қўйди Маргарита Михайловна,— дарсга қўнғироқ чалинибди-ю, бизлар бўлсан эшитмай қолибмиз. Тезда синфга киринглар. Ҳозир сизларда нима дарс? Физкультура бўлса керак-а? Албатта, Михаил Борисовичдан кечирим сўранглар.

Галина Алексеевна норози оҳангда бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Бу үқитувчи болаларни нега бунчалик эркаларкин-а? Ахир, болалар унинг елкасига миниб олди-ку! Тиқ этса унга телефон қилишади, ё бўлмаса, уйига боришади. Алланималарни гаплашиб сирлашадилар. Бирор үқувчининг яхши кўрган или йўқолиб қолса ҳам унга айтади. Бирор үқувчининг акаси армияга чақирилса ҳам у киши хабардор. Кеча театрга тушган бола ҳам таассуротини унга айтади, дўсти билан аразлашиб қолган бола ҳам келиб у билан ҳасратлашади. Кеча қарасам үқитувчилар хонасида бир ўзи ўтирибди, уйига кетадиган вақт бўлса ҳам кетмаяпти. Наденька Лавровани кутаётган эмиш, у қиз масалани тушунмаган эмиш, бу киши энди дарсдан кейин тушунтириб беришлари керакмиш.

<sup>1</sup> Ерастов Н. П. Психология общения.— Ярославль, 1979, 28-бет.

Бунақада одам обрүсини йүқотиб қўйиши мумкин. Йўқ, болаларни ўзингдан узоқроқ ушлаб турганинг маъқул.

... У шундай хаёллар билан синфга кирди. Аввало доскани текширди. Доска тозалаб артилган, бўр жойида турибди, латта ҳам шу ерда, ҳўллаб қўйилганга ўхшайди. Синф ҳам танаффус пайтида шамоллатилган бўлса керак. Қеч қолган ўқувчилар ҳам бўлмади. «Асосий нарса мана шу, Маргарита Михайловна»,— дея уз фикр-мулоҳазаларини хаёлан якунлади ўқитувчи.

Галина Алексеевна ўтган дарсни сўраш олдидан кечадиган дақиқаларни севар эди. У шошилмасдан журнални очар ва ўқувчиларнинг фамилияларига бошдан-охир нигоҳ ташлаб чиқар: Акимовдан бошлаб Яхонтовагача ўқиб чиқар эди. У ҳар сафар шундай қилар эди. Ҳар сафар ҳам бугун кимдан сўрашини анча олдин белгилаб қўйган бўлар эди. У ўзини гўё ўй-хаёлга толаётгандек, алланималардан шубҳаланаётган кишидек кўрсатишга ҳаракат қилар эди. Бундай вақтларда синфдаги болалар сув қуйгандек жим ўтиришар эди. Ўшанда Галина Алексеевна бошини журналдан кутарар ва бир қараашда жавоб бериш учун ким тайёр-у, ким тайёр эмаслигини кўрап эди. Мана Павлов, соchlарини ҳурпайтириб шоша-пиша дарсликни варақлаяпти, алланималар деб пичирлаяпти. Журавлёвачи? У худди ҳайкалдек қотиб ўтирибди. Унинг олдидаги на дарслик, на дафтар куринали. Кейинги вақтларда бу қиз ўқитувчига ёқмай қолган. Шундай ёқмайдики, у нима қиларини билмайди. Туппа-тузук ўқувчи «уч» баҳолилар қаторига тушиб қолди.

— Журавлёва!

Қиз ўтирган жойида бир сакраб тушди, лекин ўриидан турмай ўтираверди.

— Журавлёва, марҳамат қилиб ўрнингдан тур, ахир мен сени чақираяпман.

Киз хоҳламайгина ўриидан турди.

— Мен тайёр эмасман,— дейди қиз эшитилар-эшитилмас.

— Сен минғилламасдан, бундай тузукроқ гапира оласанми, йўқми?

— Мен дарс тайёрлаганим йўқ. Кечирасиз.

— Қандай дарсни? Бугунга тайёрлаб келиш учун нима берилган эди? Сен ҳатто шуни ҳам билмайсанми?

Синфда шовқин-сурон кутарилди, бир неча киши ўтирган жойида алланималар деб баравар гапира бошлади. Галина Алексеевна мана шу нарсанни жуда ёмон кўрап эди.

— Мен сизларга сўз берганим йўқ. Мен ҳозир Журавлёва билай гаплашайпман, илтимос, қолганлар жим туришсин.

Синфга жаҳл билан нигоҳ ташлаб тинчлик ўриатгач, у яна Журавлёва томонга бурилди.

— Албатта, бизлар энди ҳамма нарсанни биладиган катта қиз булиб қолганимиз-да, уй вазифаларини тайёрламасак ҳам бўлаверади. Шундай эмасми? Сен журналга бир қарагани: эрта-индин «иккиси» чилар қаторига қўшилиб қоласан. Кузьмин билан Малишевлар компаниясига қўшилишни истайсан шекилли?

— Нега бизларни ҳақорат қиласиз? — деб ўрниларидан туриб кетиши болалар.

— Овозларингни ўчир! Журавлёва, менимча, сен билан валақлашиб ўтириш бефойдага ўхшайди. Мактабга онангни айтиб келасан.

Қиз икки қўли билан юзларини беркитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди ва эшикка қараб отилди.

Синфда қандайдир кескин вазият — ҳаяжонли сукунат бошланди.

— Энди мана шунаقا лўлилик етмай турувчи. Ҳаммангиз жуда асабий кишилар булиб кетибсиз. Асаб фақат сизларда бор, ўқитувчининг асаби йўқ. Хўш, Шапочникова сен нега ғўдайиб турибсан? Мен сени турғизмадим, шекилли.

— Сиз қандай қилиб шу гапни айтдингиз, қандай қилиб айтдингиз... — қизнинг овози қалтираб айтмоқчи бўлган гапини айтолмай ҳаяжондан қийналарди. — Ахир Лена Журавлёванинг ойиси ўлиб қолган-ку Эшитаяпсизми, ўлиб қолган. Сиз эса, сиз айтами, кимсиз....

Қиз гапини охирига етказа олмади. Бутун синф ўқитувчига ғазаб ва нафрат билан тикилиб турарди.

... Вақт ярим тундан оғиб кетган. Галина Алексеевна эса уйқу дори ичиб ётгани билан ҳам барибир кўзига уйқу келмасди. Унинг қулоқлари остида: «Шу гапни қандай айтдингиз? Сиз айтами кимсиз», деган сўзлар тўхтовсиз жарангларди. Уни ҳаммадан ҳам кўра мана шу тугамай қолган жумла қийнарди. Яна бу гапни ким айтди денг? Бу ўқитувчи фаҳрланиб юрадиган, синфдаги энг ақлли, энг одобли қиз айтди-я! У ўз ўқитувчисини нималарда айбламоқчи бўлди-я?

Галина Алексеевна чуқур ўйга толди, кейин жаҳл билан ўзига ўзи шундай деди: «Ношукур бандалар, менга айб қўйиш сенларга қолдими? Журавлёванинг бошига бундай ташвиш тушганини мен қаёқдан билай?» «Шундай деб турганида тўсатдан миасига бир фикр келди: Менинг ўрнимда Маргарита Михайловна бўлганида ўқувчисининг бошига тушган бу қайгуни билган бўларди». У умрида биринчи марта ўз касбдошига ҳаваси келди<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Автор томонидан баён этилган вазиятдаги мулоқот вақтида ўқитувчи ва ўқувчиларда намоён бўлган психик фаолиятнинг ўзига хос хусусияти нималардан иборат эканлигини кўрсатиб беринг.

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар ташқи қиёфасидаги ва хулқ-авторидаги қандай хусусиятлар уларнинг фаолият субъекти сифатидаги характеристи, қобилиятлари, ишга, одамларга ва ўз-ўзларига нисбатан бўлган муносабатлари тўғрисидаги ахборотнинг ташувчилари бўлиши мумкин? Мисоллар келтиринг.

<sup>1</sup> Королёва Т. Сложная ситуация: Расстояние до сердца // Учительская газета.—1978, 17 ноябрь.

3. Үқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга киришишдан кузатилган мақсади? муваффақиятли равишда амалга ошириш учун қандай психолого-педагогик билимларга қандай педагогик күникма ва малакаларга, қандай муайян ақл-идрок, ҳис-стүйғу ва ирода сифатларига эга бўлиши зарур эканлигини исбот қилиб беринг.

### 5- масала

Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ўқувчи шахснинг шакллантиришга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг муҳим йўлларидан биридир. Бироқ, ўқитувчи фаолиятида ҳар доим ҳам ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатлар яхши бўлавермайди. Бу кўп жиҳатдан ўқувчилар фаолиятига қандай раҳбарлик қилиш услугига, ўқитувчининг характерига ҳамда унинг ўз тарбиявий функциясини қандай воситалар билан амалга оширишга боғлиқ бўлади.

Қўйида келтирилаётган Б. Узюмскийнинг «Призвание» («Мойиллик») повестида баён этилган ёш ўқитувчи дарсида содир бўлган воқеани диққат билан ўқиб чиқининг ва саволларга жавоб беринг.

«... Ўнинчи синфдаги барча ўқувчилар тема планини ёзиб олаётган вақтларида Балашов чўнтағидан тарофини олиб, анча вақтгача сочини тараб ўтиради.

— Ҳозир соч тараидиган вақт эмас,— деда танбеҳ берди ўқитувчи. Балашов бу танбеҳга ниҳоятда қўполлик билан шундай жавоб қайтарди:

— Мен болалар боғчасининг вакиласи насиҳатларига муҳтож эмасман.

«Бу бетамизни синфдан ҳайдаб чиқарсаммикин, ўзим чиқиб кетсаммикин...» деган хаёллар ёш ўқитувчининг кўнглидан ўтди, лекин у бир дақиқа ўйлаб турди-да, бошқа бир қарорга келди.

— Бетамизлик ҳеч қачон ақл-идрок белгиси бўлган эмас. Сиз мактаб шаънига доф туширяпсиз,— деди у ва дарсни давом эттиради.

### Саволлар

1. Сизнинг фикрингизча ўқитувчи тўғри қилдими?
2. Бу мисолда ўқитувчи уз характеридаги қандай хусусиятларни намоён қилди?
3. «Ёш психологияси ва педагогик психология» дарслигидан фойдаланиб, биз ўрганиб чиқсан ва тез-тез ўқитувчилар тажрибасида учраб турадиган синфга раҳбарлик қилишининг беш хил услубидан қайси бири ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар системасига ҳаммадан кўпроқ ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини исбот қилиб беринг.

<sup>1</sup> Ушбу парча қўйилдаги китобдан олинди: Иващенко И. Ф. Задачи по общей психологии.— Минск, 1979, 69-бет.

Педагогик психологияда шу нарса исбот қилинғанкі, үқувчининг хулқ-атворига үқитувчи томонидан объектив баҳо берилши үқувчига педагогик таъсир күрсатишининг тарбиявий самарасини оширади<sup>1</sup>. Үқитувчи томонидан боланинг хулқига нотұғри баҳо берилши уни қаттиқ хафа қилади, баъзан эса унинг норозилигига сабаб бўлади.

Л. Богопольский ҳикояларидан олинган парчани диққат билан ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

«Биринчи синфда тўполончи, иккинчи синфда безори ва учинчи синфда «тузалмас» деган ном олган бола дарс пайтида аксириб юборди. Бундан қаттиқ жаҳли чиққан үқитувчи, бола атайн дарсни бузиш учун аксириди деган қарорга келади ва уни синфдан чиқариб юборади. Шундан кейин мутлақо кутилмаган ҳол юз беради. Шу бола билан ёнма-ён ўтирган озғингина қиз ўрнидан туради, уни кўриб ҳамма ҳайрон бўлиб тикилиб қолади, чунки у шу пайтгача чурқ этиб овоз чиқармаган ва ҳар доим ҳадисираб, қўрқиб турадиган қизлардан бири саналарди.

— Ирина Ивановна, сиз нима учун Лапинни синфдан чиқариб юбордингиз? деди қиз үқитувчига мурожжат қилиб,— ахир у бир неча кундан бери шамоллаб юрибди ва атайлаб аксиргани йўқ.

— Булиши мумкин, лекин сен менга ақл ўргатмоқчимисан?— деб үқитувчи унга қараб бақирди.— Жойингга ўтириш бундан кейин бирорнинг ишига аралашма.

Лекин қиз ўтирмади.

— Ирина Ивановна, у шамоллаган ва ҳозир атайнин аксиргани йўқ. Мен сизга чин пионерлик сүзини беришим мумкин.

— Агар касал бўлса уйига кетсин,— деди баттар жаҳли чиқиб норози бўлган үқитувчи.

— У кетишга қўрқади. Агар уйига кетса, сиз уни қочиб кетди, дейсиз. Тўғри эмасми, шундай деб айтмайсизми?— деб сўзида туриб олди қизча.— Энди туғрисини айтинг. Сиз Лапинни нега ёмон курасиз? Ахир у жуда ўзгариб кетган сиз буни куришни истамайсиз.

Эндиғина мактабда иккинчи йил ишләётган үқитувчининг нуқтаи назарида бу унинг обрўсини тўқадиган, кўз кўриб қулоқ эшитмаган одобсизлик бўлиб туюлди. У кескин чора куришга қарор қилди ва танаффусда қизчани директорнинг олдига бошлаб борди.

Мактаб директори кўп йиллар ишлаган, тажрибали педагог бўлиб, бунақангидан ҳодисалардан кўпини кўрган ва ажойиб кишиларни тарбиялаб етиштирган. Тақдирни порлоқ бу кишилар директордан доим миннатдор бўлиб юришади. Ҳозир ҳам ҳар томонга тўзиб кетган соchlарини ҳатто йиғишириб олишга ҳам улгурмаган бу ўжар қизга тикилиб турди-да, унга ҳеч нима демасдан үқитувчига мурожаат қилиб, унинг синфга боравериши мумкинлигини, Катя билан эса (қизнинг исми шундай эди) ўзи сухбатлашишини айтди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ананьев Б. Г. Психология педагогической оценки.— Л., 1935.

Дарсга киришга құнғироқ чалинган вақтда Катя синфға қайтиб келди. У жимгина үз жойига бориб үтирди-да, бошқа чурқ этиб оғиз очмади.

Дарсдан кейин директор ҳалиги ёш үқитувчи ёнига келиб гап бошлади:

— Ирина Ивановна, мен сизга шуни айтмоқчи әдимки... — деб гап бошлаши биланоқ Ирина Ивановна унинг гапини булиб:

— Бояги қизнинг ота-онасини чақириш керак демоқчимиңдиз? — деди.

— Ық, мен сизга бошқа гапни айтмоқчи әдим. Мен болаларни яхши тарбия қилаётганингиз учун сизга ташаккур айтмоқчи әдим. Сиз тарбия қилаётган болалар ҳалол, ростгүй булиб үсишяпты. Энг мухими, улар бир-бирини ҳимоя қилишни билишади. Мен сизнинг Катянгизни ҳали мақтаб қўйдим. Қийин аҳволда қолган ўртоғини ёқлаб чиқишига журъат этгани учун уни мақтадим. Ҳойнаҳой ундаги бу ажойиб фазилатни сиз тарбиялаётган бўлсангиз керак, шундай эмасми? — деб сўради директор ва устомонлик билан Ирина Ивановнага қараб қўйди<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Катя деган қиз үқитувчи Лапинни жазоламасликни сўраб үқитувчига мурожаат қилган вақтда қандай фикр-мулоҳазаларга асосланди?

2. Үқитувчи ва мактаб директорининг хатти-ҳаракатларига баҳо беринг.

3. Үқитувчининг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-авторига тўғри баҳо бериш ҳамда педагогик жиҳатдан үзини оқладиган жазо чораларни қўллай олиш учун үқитувчи ва мактаб директори қандай фазилатларга эга бўлмоғи керак?

## 7- масала

Педагогик психологияда үқитувчининг обрусини оширишда унинг үқитувчиларга нисбатан самимий муносабатда булиши ҳар хил вазиятларда болалар кўнглини топа билиши ҳамда улар билан бўладиган үзаро муносабатда педагогик одобга риоя қилиши ғоят катта аҳамиятга эгалиги исбот қилинган.

Драматург Виктор Розов үз үқитувчиси ҳақидаги хотираларида бундай деб ёзган эди:

«Ҳар бир инсон үз үқитувчиси тўғрисида олам-олам хотиралар билан юради. Менинг ҳам үз үқитувчиларим тўғрисидаги хотираларим бир талай. Бу хотиралар ҳам ғоят хилма-хил. Мана, масалан, адабиёт үқитувчимиз — менинг энг севимли үқитувчиларимдан бири Евгения Николаевна Перкон тўғрисидаги хотираларим ҳам унтилмасдир. Бир кун бизга үқитувчимиз: «Мактабдаги энг унтилмас кун» деган мавзуда ишо ёзиши топширган эди. Үшандা

<sup>1</sup> Богопольский Л. Добрый порыв // Правда.—1978, 18 февраль.

мен дүстүм Қирилл Воскресенский билан бирга иккаламиз, Кастро-малик иккى ўқувчи, қиши кунларининг бирида эрта билан мактабга кетаётганимиэда узоқдан мактабимизда ёнғин чиқиб, унинг ловуллаб ёнаётганини кўрган эдик. Мен ўша воқеани кўрганимизда иккаламиз жуда севиниб кетганимизни ҳикоя қилиб бердим.

Евгения Николаевна мен ёзган ишни ўқиб чиқди-да:

— Виктор, мен сизлар мактабни ёнаётганини куриб хурсанд бўлганларингга ишонмайман,— деди. — Лекин ўша мактабда иккалангиз ҳам ҳойнаҳой яхши ўқиган бўлсангиз керак: ёзган ишларингизда сира ҳам хато йўқ... «Беш» баҳо қўйдим.

Мен рост гапни ёзиб берганлигимни айтдим.

Энди ўша воқеани ўйласам ғалати бўлиб кетаман. Ўшанда ўқитувчимиз Евгения Николаевна нақадар ҳақ бўлган эди. Лекин барибир негадир бизнинг бемаъни, ғоясиз иншомиз мазмуни учун баҳони пасайтиргаган эди...

Бугунги кунга келиб, анча улғайиб қолган вақтда болаликдаги ўша қувончларим энди ғалати бўлиб туюлишини яхши тушунаман, албатта. Лекин булар менинг оламни болаларча тушунишим эди. Болаликда бундай севинчлар одатда ҳамиша кутилмаган ҳолда пайдо бўлади. Евгения Николаевна ҳам буни яхши биларди. У менинг мана шу болаларга хос соддадиллигимга асло ҳалал бермади. Билъакс, менинг бундай ҳис-туйгуларимнинг эркин ривожланишига ҳатто ёрдам ҳам берди. Болалигимдан менга азиз ва қадрдан бўлиб қолган Евгения Николаевна билан ҳозиргача ҳам дўстлик алоқаларини узмай келаман<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Ўқитувчи Евгения Николаевна ўқувчи В. Розов иншосини баҳолаётган вақтда қандай педагогик фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда иш тутди?

2. Мактабдаги ёнғин ҳодисаси юзасидан ўқитувчи ўқувчиларинг «очиқ қўнгиллиги»да болалар дунёқарашига хос бўлган қандай психологияк хусусиятларни кўрди?

3. Ўқувчилар билан мулоқотга киришилган вақтда педагогик одобга риоя қилиш ўқитувчи обрусиини оширишининг энг муҳим шарти эканлигини исботланг.

## 8- масала

Синф раҳбари бўлиш ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитувчи-тарбиячининг ғоят муҳим вазифаларидан биридир. Бу иш ўқитувчининг доимо ота-оналар билан алоқа қилиб туриши, ўқувчи ёшларни тарбиялаш ишида мактаб билан оиласининг ягона ва аниқ мақсадни кўзлаган программасини вужудга келтириш мақсадида болаларнинг оиласидаги турмуш шароитини ўрганиши билан боғлиқдир.

<sup>1</sup> «Учительская газета».—1976. 2 октябрь.

Үқитувчининг синф раҳбари вазифаларини муваффақиятли адо этиши ундан жуда катта назокат ҳамда унинг шахсига хос бўлган юксак профессионал фазилатларга эга бўлишни талаб қиласди.

Қўйида келтирилган «Учительская газета» саҳифаларида эълон қилингандай Е. Сермяжконинг «Ўқувчи оиласига бориши» деган мақоласининг муҳокамаси юзасидан уч газетхонининг нутқларидан олинган парчаларни диққат билан ўқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

**Ф. Ридош.** Кемерово темир йўл бошлиги ҳузуридаги инспекциянинг катта инспектори: «Мен ҳам бир вақтлар ўқувчи бўлганман; битта мактабнинг эмас, балки кўпгина мактабларнинг ўқувчиси бўлганман. Одессадаги, Тернополдаги ва Запорожье обlastидаги мактабларда ўқиганман. Ушанда менга жуда қийин бўлган: бизнинг оиласиз бу ёқларга Польшадан эвакуация қилингандай бўлиб, мен рус тилини билмас эдим. Ота-оналарим бу масалада менга ҳеч қандай ёрдам бериша олмас эди. Яхшиям ўқитувчилар бор экан. Агар улар бўлмаганида мен ҳозиргидек масъул бир киши бўлиб етишиниш даргумон эди. Сирасини айтганда педагоглар фақат бир менгагина шундай муомалада бўлишмасди. Барча ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига ана шундай самимий муомала қилишар эди.

Кейин мен улғайиб ота бўлдим. Серёжа ва Наташа деган фарзандларимни ўстириб катта қилдим. Ўларнинг ўқитувчилари бизнинг ўйимизга тез-тез келиб туришар эди. Биз ҳам ҳар сафар уларни самимий кутиб олардик. Мен фарзандларимни ўқитаётган кишилардан ҳеч қачон ҳеч нарсани яширмас эдим. Улар билан болалар характерига қандай қилиб яхшироқ таъсир кўрсатиш, уларнинг ўқишига қандай ёрдам бериш тўғрисида гаплашар эдик. Буларнинг бари менинг болаларим давримизнинг муносаби кишилари бўлиб ўсишига ёрдам берди.

Ҳозир биз женж қизимиз Любашани тарбия қилаяпмиз. У тўртинчи синфда ўқыйди. Уни ўқитадиган педагог ҳам бизнинг биринчи маслаҳатчимиз. Биз ҳар бир ўқитувчи ўзи тарбия қилаётган ўқувчи ҳаётини яхши билиб олиши, унинг оиласидаги муҳит қандай эканини ўрганиши, оиласидаги муносабатлар психологиясининг тағига этиши нақадар қийин эканлигини тушунамиз. Шунинг учун менинг назаримда ўқитувчининг ўёки бу оиласига кириб келиши жуда муҳим ва олижаноб иш деб баҳоламоғи керак.

Бу ерда ҳамма нарсани чуқур мулоҳаза қилиб кўриш керак, ҳар бир ахборотни ақл тарозисига солиб, чамалаб кўриш лозим. Ўқувчининг ота-оналари қаерда ишлаши, нималар билан қизиқиши, бир-бирлари билан қандай муносабатда эканликлари тўғрисида муфассал маълумот олмоғи керак.

Учрашув чоғида ҳамма нарса оддий, табиий ва жуда хушмуомалалик билан амалга оширилмоғи керак, чунки ўқитувчи фақат ўқувчигагина эмас, балки ота-оналарга ҳам ёрдам беришни хоҳлайди. Бироқ бу ёрдам боланинг отаси ёки онасининг иззатнафсига тегадиган бўлмаслиги керак. У ота-оналарни нодонлиқда, педагогикадан бехабарликда, бола тарбиясини билмасликда айбла-

маслиги керак. Шундай тақдирдагина үқитувчи ҳар доим ҳар бир хонадонда энг азиз меҳмондек кутиб олинади».

А. Султонбеков, психология фанлари кандидати: «Менинг фикримча, ота-оналар ҳузурига қандай бориш тұғрисида үйлашдан ҳам күра мана шу учрашув чоғида улар билан нималар тұғрисида гаплашиш масаласыға күпроқ әътибор бериш керак. Мен шундай ҳодисани әслайман. Менга таниш бұлган муаллим жаһұл билан шундай бир воқеани сұзлаб берди. У Вова (1-сinf үқұвчиси) она-сининг «ақлини киргизиб қўйиш» учун қылған барча уринишлари беҳуда кетганини айтди. Унинг «насиҳатлары»га Вованинг онаси қулоқ солмабди. Унинг гапларига сира әътибор бермай, ҳеч қандай чора тадбир күрмай юравериби. Бола эса кундан-кунга бешбаттар ёмон бўлиб боравериби.

«Тоқат қилиб бўлмас» Вова текшириб кўрилган вақтда энг оддий болалардан бўлиб чиқди. Масала ва мисолларни яхши ечди, бехато ёзи. Унинг ташқи кўриниши ҳам яхши: ювиниб, тараниб, одоб билан ораста юради. Фақат битта айби партада тинч үтира олмас экан; гоҳ үрнидан туриб кетар, гоҳ ялпайиб ётиб олар, гоҳ ёнида үтирган ўртоғининг жигига тегар экан. Нима учун шундай қилас экан?

Мен мана шу боланинг үйига бордим. Унинг онаси билан узоқ вақт гаплашиб үтирганимиздан кейин у менга сирини айтди: Вова угай отасининг қўлида ўсган экан. У қўпол ва бераҳм киши экан. У билан неча йил турган бўлса, шунча йил ўғлини хўрлаган, унга кучли руҳий жароҳат етказган. Энди она-бала икковлари туришади. Володяни руҳий жароҳатнiga малҳам бериб, уни айни тузатадиган пайтда янги ташвиш пайдо бўлди. Энди уни муалимма худди угай отасига ухшаб ҳақорат қилиб, хўрлай бошлади. «Бу үқитувчи мен билан ҳам қўпол муомалада бўлади,— деб қўшиб қўйди Вованинг онаси,— мени ҳам гўё бир айб қилиб қўйган үқұвчисидек силтаб гапиради».

Оила билан алоқа ўрнатилишининг шунга ўхшаш «методикаси» яхшиликка олиб келмаслиги тұғрисида гапириб үтираса ҳам бўлади. Бир вақтлар Ушинский ҳақли равища таъкидлаб үтганидек, болани қуруқ насиҳат билан тарбия қилиб бўлмайди, бола оиланинг бутун турмуш тарзи орқали тарбияланади. Оилани яхши билиб олиш учун унинг аъзолари билан дўстлашиш, уларга маслаҳатчи булиш, уларнинг катта-кичик ишларida беғараз ёрдам кўрсатиш, оиласининг қувонч ва ташвишларига щерик бўлиш керак.

Афсуски, кўпчилик педагоглар ҳаммага ақл ўргатишни, бирорларнинг әътироz билдиришига йўл қўймасдан қаттиқ-қурим гапиришни ўз вазифалари деб ҳисоблайдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, негадир бўлғуси педагоглар — олий үқув юртлари ва ўрта маҳсус билим юртларининг студентлари ҳам «насиҳатгўйлик методи»ни ўзларига қурол қилиб олмоқдалар. Улар ўзлари үқиётган билим даргоҳида турли педагогик фикр-мулоҳазаларни үқиб ўрганиб олганларидан кейин (ўқишини битирмасдан, ҳали практикада юрган пайтларидаёқ) үқувчиларнинг оиласларига бориб, ўзларини ўша оила аъзоларидан кўра билимдонроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат

қиладилар. Ваҳоланки, улар шу оиласа ёрдам күрсатиб, уни қуллаб-қувватлашлари керак. Бундай нотүғри мұлоқот натижасыда мактаб манфаати учун курашадиган фаол дүст киши үрнига үзининг бутун күч-ғайратини сизга қарши ишлатадиган рақиб етишиб чиқади.

Е. Желуницева: «Мен ёзмоқчи бұлган үқитувчининг фамилияси ни бу ерда көлтиришни истамайман. Агар у газета орқали ёзилған ушбу аччиқ ҳақиқат тұғрисидаги мактубни үқиб чиқса, шундан кейин унинг қаҳрамони үзи эканligини билиб олади, деб үйлайман. Үзини таниганидан кейин эса бұлиб үтган ҳодиса тұғрисида чуқурроқ үйлаб күрса керак, деб умид қиламан.

Яқында мен нон дүконида набирам Таняning синф раҳбарини учратиб қолдим.

— Сизни учратиб қолганим жуда яхши бұлди-да,— деди бор овози билан бақириб тарбиячи. Унинг овози шу қадар кескин ва ҳақоратлы тарзда әшитилдікі, беихтиёр магазиндаги барча кишилар бизга қараади.

— Бирон гап бұлдими?— деб сұрадым құрқиб.

Хозирча ҳеч нима бұлғани йүқ, лекин мен сиз билан анчадан бери гаплашмоқчи бўлиб юрган әдим.

Шу ернинг үзіда ёш, күрнишдан зиёли туюлған бу аёл ҳаммага әшиттириб неварамнинг «айбларини» санай кетди: дарс пайтида шарф үраб үтирап экан, болалар билан макулатура йиғишига боришдан бош тортиби. Унинг айбларини айтиб танбеҳ бермоқчи бўлсалар, чурқ этмай тураверар эмиш. Үндан на «ҳа» на «йүқ» деган жавобни олиб бўлмас эмиш. Ердан бошини кутармай тураверар эмиш. Үқитувчи шу алиозда үн минутча тұхтовсиз гапирди.

Мен педагогига неварам яқында касалдан турғанлигини айтиб унга аҳволни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Тушунди деб үйлайсизми? Бунинг үрнига менинг үзимни ҳам айбдор қилиб қўйишиди, гўё мен мактабнинг «обрусины» тұкаётган, неварам Таняни бутун синфга қарши қилиб қўяётган эмишман. Ниҳоят, үқитувчи сухбатга якун ясад бундай деди:

— Мен сизни учратиб қолганим жуда яхши бұлди, энди уйларингга бормасам ҳам бұлади. Сиз менинг әзтиrozларимни неварангизнинг ота-онасига айтиб қўйинг.

Албатта, мен набирам Таня билан гаплашиб олдим лекин үқитувчининг «әзтиrozларини» Таняning ота-онасига айтмадим. Қизим билан күёвим үз қизларининг синф раҳбари тұғрисида ёмон фикрда бўлишларини истамадим. Ахир, улар бу үқитувчини фақат мактаб ота-оналар мажлисларида курганлар. Уларнинг назаридан үқитувчи доимо табассум билан юрадиган, хушмуомала педагог. Шунинг учун қизлари Таняга қараб: «Сенинг үқитувчиндан яхши үқитувчи йўқда,— деб қайта-қайта такрорлашдан чарчамайдилар. Майли, ҳамиша ҳам шундай фикрда бўлақолишсин. Мен эса энди нон олгани бошқа дўконга бормоқдаман»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Учительская газета». — 1980, 24 февраль.

## Саволлар

1. Ф. Ридошнинг «Үқитувчи томонидан у ёки бу оилага бориш масаласи бу жуда муҳим ва олижаноб иш» деган фикрининг қанчалик тұғрилиги хусусида үз мұлоҳазаларингизни айтинг. Агар сиз шу фикрни тұғри деб үйласаңгиз, у ҳолда нима учун шундай әканлыгини күрсатиб беринг.

2. Нима учун мақола муаллифлари А. Султонбеков ва Е. Желуницаева үзларининг оила билан алоқа үрнатыш «методикаси» тұғрисидаги фикр-мұлоҳазаларидан үқитувчи-тарбиячи ота-оналарга насиҳат қылмаслиги кераклигини, устига-устак «йүл қүйіб бұлмайдын оқанғда», «кескин ва құпоп» гапиришлари асло мүмкін әмаслигини айтғанларини изоҳлаб беринг.

3. Үқитувчи шаклланиб келаётган үқувчи шахсини тарбиялаш ишида мактаб билан оиланың күч-ғайратларини бирлаштириш вазифасини мұваффақиятли равиша ҳал қилиш учун қандай шахсий фазилатларға ва профессионал хислатларға зәға бұлмоғи кераклиги тұғрисида үйлаб күринг. Шахсан үзингиз кузатиб юрган ҳәеттій воқеалардан мисоллар көлтириң.

### 9- масала

Хозирги замон совет мактабида күпчилик үқитувчилар тарбия жараёнининг ташкилотчилари бұлған синф раҳбары вазифасини бажарадилар. Бу мұраккаб ва масъулиятли иш бўлиб, үқитувчидан чуқур психологик билимга зәға бўлишни, педагогик маҳоратни ҳамда болалар билан ишлаш малакасини талаб қиласди. Маълумки, үқувчи үз ҳәети ва фаолияти жараёнидан жуда күп одамлар группаси билан, айrim шахслар ва колективлар билан учрашади. Улар болага тарбиявий таъсир күрсатади. Ағсуски, бундай таъсир ҳар доим ҳам болаларга таълим ва тарбия бериш тұғрисидаги давлат программаси талабларига мувофиқ келавермайди. Бундай ҳолларда синф раҳбарининг вазифаси бола шахсини шакллантириш жараёнига тұғри раҳбарлық қилишни таъминлашдан, уни ҳар хил ташқи тарбиявий таъсирлардан мұхофаза қилишдан ҳамда зарур тадбирлар үтказиб болани тұғри үйлуга бошлашдан иборат бўлади.

Педагогик практика шуни күрсатадики, синф раҳбарининг тарбия соҳасидаги вазифаларини мұваффақиятли ҳал қилиши аввало унинг шахсий фазилатларига ва профессионал хислатларига, унинг мактаб колективи ҳәети ва фаолиятини тұғри ташкил қила олишига, үқувчилар үртасида уларнинг үзаро шахсий муносабатлари соғлом булишига, үқувчиларда ташаббускорлик ва ижтимоий активликни уйғота олишига боғлиқ бўлади.

Қуйида көлтирилган Волгоград шаҳар, Дзержинский район ҳалқ маорифи мудири В. Қатықалованинг И. М. Силантьеванинг синф раҳбари сифатида олиб бораётган ишлари тұғрисидаги ҳикоясини диққат билан үқиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

«Үқув иили тугашига қанчалик оз күнлар қолса, синф мураббийларининг ташвиш ва қувончлари, ҳаяжонлари шунчалик күпроқ бўлади. Улар үзларига нисбатан илгаригидан кўра күпроқ талаб-

чан бўлиб қоладилар. Улар ўз-ўзларига савол бериб: мен нима ишлар қилиб улгурдим, мен олиб борган тарбиявий ишларнинг натижаси қандай бўлди?— деб ўйланиб қоладилар. Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Нега десангиз педагогик тарбия ниҳоллари дарров ҳосил бериб, ўзини кўз-кўз қилолмайди. Улар муайян муддатдан кейин ўзини кўрсатади. Тарбия бошоғи буғдой бошоғидан кўра кечроқ етилади. Бу ҳосил **фақат** синф раҳбаригина эмас, балки қўпчилик педагогларнинг ҳамкорликда қилинган меҳнатлари, парваришлари билан етиштирилади.

— Ирина Михайловна, мана сиз ўзингиз тарбия қилган, уч йиллик машақатли меҳнатингиз синган 10-синф ўқувчилари билан хайрлашиш арафасида туриб ҳозир нималарни ўйлаяпсиз? Сиз ўз тажрибаларнингиздан қандай хулоса чиқардингиз. Бу тўғрида ҳамкасларга нималар дея оласиз?— деб сўрадим мен Волгограддаги 70-мактабнинг 10-«в» синф раҳбари И. М. Силантьевадан. Албатта, бундай катта саволни бериб қўйиб мен унга тез ва қисқа жавоб берилишини кутмадим. Ўқитувчи билан бирга унинг уч йил мобайнинг олиб борган тарбиявий ишлари тўғрисида, бу ишининг барча деталларини муфассал тушуниб олишга ҳаракат қилдим.

И. М. Силантьева бу синфга биринчи бор кириб келган вақтда болалар умуман унда яхши таассурот қолдирган, ҳаммалари меҳнаткаш, ишchan болалар бўлишган, лекин синф уччалик жипслашмаган ва ҳали етарли даражада уюшмаган бўлган. Кейинчалик маълум бўлишича, синфдаги болаларнинг каттагина бир группаси мактаб ўқитувчиларини ташвишга солиб қўйган экан. 8-синф ўқувчиларида ўз мураббийлари билан мулоқотга киришиш бобида муайян бир тажриба тўпланган. 4-синфдан бери уларга бир неча киши синф раҳбари бўлган экан. Албатта, бундай кўнгилсиз ҳол янги тайинланган синф раҳбарининг ишига ҳам салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Ирина Михайловна синфда рисоладаги муҳитни вужудга кеътириш учун, ҳар бир ўқувчи ўзини мана шу синфдаги бутун бир коллективнинг ажралмас қисми деб ҳис қилиши учун, фақат ўзи учун эмас, балки бутун синф коллективи учун масъулиятни ҳис қиласиган бўлиши учун ишни нимадан бошлаш кераклиги тўғрисида жуда кўп ўйлади.

Унинг ўқувчилари комсомол сафига қабул қилиндилар. Бу эса уларнинг ғоявий етуклигини белгилашда янги бир босқич эди. У энди мана шу босқичга таянишга аҳд қиласиди. Maxsus план тузиб, унда ўзи қандай ҳаракат қилишини энг кичик деталларигача ўйлаб қўяди: жумладан, саккизинчи синф ўқувчиларига уларнинг жанговар авангарди бўлган синф комсомол ташкилоти бюросини тузишда яқиндан ёрдам бериш, бюро аъзоларини ўзига ҳамфир қилиб олиш, комсомоллар билан бўладиган муомалада ўқитувчилар буйруқ оҳангода гаплашмаслигига эришиш сингари ишлар мўлжаллаб қўйилган эди. Шундай қилинганда болаларни педагогнинг талаби эмас, балки коллективнинг иродаси, унинг қарорлари амалий ишларга руҳлантиради.

Дарсдан кейин улар кўпинча синф раҳбарлари билан бирга қолиб, кундалик турли ташкилий ишларни бажаришарди. Бир-бири-

га ишонч руҳида ўтадиган сұхбатлар учун бундан яхши вақтни топиб бўлмайди, деган қарорга келади Ирина Михайловна. Шундай қилиб, хеч қайси планда кўзда тутилмаган норасмий сұхбатлар бошланиб кетади. Бундай сұхбатлар кун сайн тобора кўпроқ, тобора узоқроқ вақт давом этадиган бўлиб қолди. Улар кўпинча бурч ва виждон ҳақида, диёнат ва масъулнят, нима учун одам боласи бефарқ бўлмаслиги тўғрисида ўтказилар эди. «Нима учун», «нега», «қандай қилиб» деган саволлар юзасидан синфда ўтказиладиган диспутлар қизғин баҳс ва муноzaраларга айланиб кетар, бундай масалаларни коллектив бўлиб ҳал қилишга интилиб, ўша муаммоларни коллектив фикрлаш предметига айлантириб юбориilar эди...

Ҳар бир сұхбат асносида жонли фикр алмашув ётар ва у албатта умумий аҳамият касб этиб, бутун синфи ташвишга солаётган муаммоларни ҳамда болалар уртасидаги узаро муносабатларга онд масалаларни ҳал қилишга қаратилар эди. Афтидан, худди мана шунинг учун бу ишлар кундан-кунга авж олиб, барча болаларни қизиқтирган ва улар учун муайян аҳамиятга эга бўлган ишларга айлана борди. Бунда гап оддий мажлислар тўғрисида борса ҳам, деворий газетани безатиш ҳақида ёки фотокўргазма ташкил этиш тўғрисида бўлса ҳам, конкурслар ва спорт мусобақалари ўтказиш тўғрисида бўлса ҳам, адабий кечаларда сўзга чиқиш тўғрисида бўлса ҳам, барибири, бундай сұхбатлар ҳамма учун қизиқарли бўлиб, уларнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилар эди. Ирина Михайловна болалар учун: «Бюро шундай қарор қилди», «Бюро менга топширди», «Мен бюрога сўз бердим», «Комсомол мажлисида менинг ҳисоботим эшитиладиган бўлади»... деган сўзлар ва бошқа шунга ўхшаш расмий иборалар тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб борганлигини қониқиш билан таъкидлаб ўтади.

Бу ишларнинг натижаси тезда куринди. Синф инсценировка қилинган қўшиқлар конкурсида ғолиб чиқди, металлом ва макулатура тўплашда ўзини кўрсатди. Шанбалик ўтказилган куни мактабга оталиқ қилувчи корхонада ишлаб келганликлари учун корхона партия ташкилотидан фаҳрий ёрлиқ ва ташаккурнома олдиilar...

Синф раҳбарининг Макаренко айтган «четдан туриб актив раҳбарлик қилиш» методи ўзини тўла оқлади. Ирина Михайловна комсомол аъзоларини улар ҳар куни бажараётган ишлар орасидан энг муҳимини ажратиб ола билишга ўргатди, уларнинг ўзлари комсомол мажлисларининг актуал темаларини белгилай оладиган бўлиб қолдилар, докладлар ва нутқларни ҳам болаларнинг ўзлари тайёрлай бошладилар. Ўқитувчининг ўзи эса унинг ёрдами жуда зарур бўлиб қолганлигини ва уни сира кечикириб бўлмаслигини курган вақтлардагина бу ишларга аралашар эди.

Коллективда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг қанчалик тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги маълум. Лекин бир-бири билан ўзаро дўстона алоқаларда бўлган йигит ва қизларни қандай қилиб танқидий руҳда нутқ сўзлашга ургатиш мумкин? Бу саволга жавоб топиш учун Ирина Михайловна шу воқеага ўхшаб кетадиган ҳоди-

саларни гүё тасодифий равища мұхокама қила бошлайды. Бундай вақтларда одатда табиий реакция вужудга келади: «Нима, бизнинг синфимизда бунақа воқеалар бұлмаган дейсизми?!» — деган гаплар бошланади. «Келинглар, бұлмаса шу тұғрида бир комсомолчасыга гаплашиб олайлик — дея суҳбатни давом эттиради синф раҳбари,— шундай қилайлики, танқид учун ҳеч ким бир-биридан хафа бұлыб юрмасин. Аксинча, ҳар бир киши танқидни тұғри тушунсын. Танқид қилаётган үқувчи бу масала уни қаттық ташвишлантыраётгандылыгы учун сұзға чиққанлигини, үртоғининг камчилиги бутун колективге халал берәётгандыгини айтиш учун сұзға чиққанлигини ҳамма тушуниб олсин».

Ирина Михайловна ҳар бир үқувчи үз ишига фақат талабчанлык билан танқидий муносабатда бұлыб қолмай, айни пайтда үз қадр-қимматини билишга үргатиши тұғрисида ғамхұрлық қилиш зарурлігини бир дақықа ҳам әсідан чиқармади. Шундай бир пайтлар бұлған әдікі, ҳамма болалар Геннадий Ч. тұғрисида ёмон гапирадыған бұлыб қолиши: «У боладан нимани ҳам талаб қилиш мүмкін... үтакетган лоқаид ва пассив бола у» дейишарди.

Синф раҳбари Геннадийнинг отаси юрист эканлигини ва үзи ҳам юридик адабиётларга қызықишини яхши биларди. Шунинг учун үқитувчи турли юридик масалаларни сұраб келиш учун үқувчиларни атайин Геннадийнинг олдига юбора бошлади. Геннадий синф коллективининг үзиге әзтибор берәётгани ва уни ҳұрмат қилиб унга мурожаат етәётганини ҳис этганидан кейин үртоқлари ишончини оқлашга ҳаракат қила бошлади.

Сергей Р. деган үсмир ҳам үқитувчига озмунча ташвиш көлтируды. У ҳеч қандай сабабсиз мактабга келмас, келган вақтда ҳам дарсларга кечикиб киради, фанлардан уриниб-суриниб зұрға үрта баҳога үқириди, жамоат топшириқтарини эса бажармас әди. Мактаб ҳаёти, синфдошларининг манбаатлари бу үсмирни мутлақо қызықтирасы әди. Сергейни, асосан, күч болаларининг ҳаёти қызықтирашынан кече-кундуз күчанинг ҳаёли билан яшар әди. Чүнкі у ерда уининг дүстлари, уни күтиб турған бутун бир компанияя бор әди.

Ирина Михайловна Сергейнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, улар билан яқындан танишиб олғач, шу нарсаны англадыки, үсмирнинг ота-оналари тарбия масаласини түрлиша тушунишар экан. Собиқ фронтчи бұлған ота қаттиққұллар билан болага талабчанлық қиласы, онаси эса ота ман этганды ішларға рухсат берар экан. Сергей ота билан она үртасидаги бундай муносабатдан усталык билан фойдаланашып, тарбияның қызықтырылышынан қалай ҳамда фойдалы ішларнигина қылар әди.

Ирина Михайловна үсмирнинг онаси билан суҳбатлашиб унга бундай қилиш тұғри әмаслигини ётиғи билан тушунтируди. Ҳамкорлікта қилинган сай-харакатлар туғайли ойлада ота билан она үртасидегі бола тарбиясы хусусида мустахкам алоқа үрнатылды. Боланинг отаси ҳам, онаси ҳам синф раҳбарининг тавсияларында қулоқ солады, уининг маслаҳатларында амал қылады. Лекин Сергей барыбір «күч»ни тарк эта олмади. Нима учун?

Маълум бўлишича, худди мана шу кўча болалари ичида, у ердаги ўз тенгдошлари орасида Сергей машҳур бўлиб кетган экан. У гитара чалар ва ашула айтар экан. Хуллас, кўча болалари компаниясида Сергей жуда керакли экан.

Ирина Михайловна синфдаги драма тўгараги аъзоси бўлган болалар билан гаплашиб Сергейни ҳам тўгаракка жалб қилишларни ва саҳналаштираётган спектаклларда унга каттароқ роль беришларини тавсия этди. Бу гапга Сергей дарров рози бўлақолмади, лекин бир нечта репитицияларга келиб иштирок этди. Бир куни тўсатдан репитицияга келмай қолди. Болаларнинг бир қисми ҳар томонга уни қидириб кетишиди. Уни узоқ кутишиди. Ҳамманинг қории очиб кетди, ҳамма кута-кута чарчади. Ниҳоят, ўртоқлари Сергейни топиб уни синфга бошлаб келганларида Ирина Михайловна унга қараб вазминлик билан шундай деди: «Серёжа, сенинг отанг жанг пайтида ҳеч қачон ўртоқларини ташлаб қочмаган бўларди...» Бу сўзлар Сергейнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Ўртоқлари утказаётган тадбирларга келмай қолиш ёки кечикиш ҳолати ҳеч қачон бошқа тақрорланмади.

Болаларда ғоявий эътиқодни шакллантиришда синф раҳбари бу ишни ҳар доим синф учун, мактаб учун, район ва шаҳар учун зарур бўлган конкрет колектив меҳнат билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда олиб боради. Болаларни бундай ишларга жалб қилишда комсомол мажлислари катта роль ўйнайди. Масалан, «Она-Ватан фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш — ҳар бир кишининг виждон ишидир», «Ўзингни меҳнатда кўрсат» деган мавзуда ўтказилган комсомол мажлислари ана шулар жумласидандир. И. М. Силантьеванинг ўқувчилари меҳнат қилиш маромини биладилар. Улар биргина шанбалик кунининг ўзида Ф. Э. Дзержинский номидаги трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасида 70 та кабинани йиғиб бердилар. Мактабда уларнинг қўли билан аъло дарражада жиҳозланган чет тили ўқув кабинети барпо этилди.

Ирина Михайловна ўз синфидаги комсомоллар билан иш олиб борган вақтда доимий равиша шу нарсага итиладики, Ленин васиятлари болалар ёдлаб оладиган қуруқ сўзлардангина иборат бўлиб қолмай, балки уларнинг онг-шуурига сингиб кетган эътиқодлар амалий ишларни бажаришга йўл кўрсатувчи қўлланмага айлансан. Бунинг учун ўқитувчи турлича синов тадбирларидан усталик билан фойдаланди. Унинг ҳар бир босқичи синфда умумий кўтарики руҳ билан ўтказилар, болаларга келажак ғояларни сингдириш ишига ҳаммадан кўра кўпроқ ҳисса қўшар эди. Синфдаги ўқувчиларнинг ярмидан кўпига «4» ва «5» баҳоларга ўқийди, бенстисно ҳамма Солалар комсомол топшириғига эга бўлиб, уни бажаришда фаоллик кўрсатадилар. Энг яхши комсомол аъзолари 1919 йилда Царицин шаҳрига тақдим этилган ва ҳозирги вақтда Мудофаа музейида сақланаётган Бутуниттироқ Марказий Ижроия Комитетининг Қизил Байроби ёнида суратга тушишдек фахрли ҳуқуққа сазовор бўладилар. Мактабнинг кўпгина битирувчилари синов аълочилари бўлишди, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Нишонлари, ВЛКСМ область, шаҳар, район комитетларининг

фаҳрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. Мактаб бўйича амалга ошириладиган жамоат ишларининг энг масулиятли участкаларини Ирина Михайловнанинг ўқувчилари бошқариши ҳам тасодифий эмас»<sup>1</sup>.

### Саволлар

1. Ўқувчи ёшларниң тарбиячиси сифатида план тузиб олган Ирина Михайловна Силантьеванинг синф раҳбари сифатида олиб борган ишларидан кузатилган мақсад нималардан иборат эди?

2. Сизнинг фикрингизча, ўқитувчининг шахсига хос бўлган қандай характерологик хусусиятлар (темперамент, ирода сифатлари, эмоционаллик ва ҳоказолар), шунингдек унинг ҳаётий тажрибасига хос бўлган қайси аспектлар (педагогик фаолият соҳасидаги тажрибаси, конкрет ўқувчилар колективи билан мулоқотга кириша олиш тажрибаси, конкрет ўқувчилар билан ишлай олиши, синф колективи фаолиятига раҳбарлик қилиш услуби ва ҳоказолар) ўқувчиларда ижтимоий активликни оширишга кўпроқ ёрдам берганигини сўзлаб беринг.

3. Синф раҳбари вазифасини муваффақиятли бажариш учун ўқитувчининг ўз ўқувчиларига нисбатан ўрнатган муомала қондадари, болалар колективидаги социал-психологик мұхитни яхши билиш ҳамда ўзининг, ўқувчи-ёшларниң ўқитувчи-тарбиячиси сифатидаги социал ролини чуқур англаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини исбот қилиб беринг.

### 10- масала

Психология фанида шу нарса исбот қилинганки, боланинг психик ривожланишидаги ҳар бир ёш даври ўзининг характерли хусусиятларига эга бўлади. Болалар психикасининг бундай ёш хусусиятлари боланинг психик ривожланишидаги субъектив омиллар, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади. Бола шахсидаги ижобий хусусиятларни эҳтиёт қилиб сақлаш ва барқарор позитив белгиларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш ёш авлод ўқитувчи, тарбиячисининг энг мухим вазифасидир. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчи турли ўшдаги болаларни тарбиялаш жараёнини бошқариш малакасини эгаллаб олмоги керак.

Новосибирск шаҳридаги педагогика институтининг доценти ва 10- мактаб ўқитувчи Э. Горюхинанинг қўйидаги фикр-мулоҳазаларини ўқиб чиқинг ҳамда саволларга жавоб беринг.

«Болалик — бу алоҳида бир олам. У маълум даражада катта ёшли кишилар дунёсидан фарқ қиласди. «Катта ёшиллар—болалар» ўртасидаги муносабатларниң энг характерли шаклларидан бири: болалар бизлар учун ғамхўрлик, диққат-эътибор ва ғам-ташвиш

<sup>1</sup> Катькалов В. Ориентир — гражданская ответственность. Забота классного руководителя // Учительская газета.—1980, 29 апрель.

объектидир деган шаклдаги сұзлардан иборат бұлиб қолган. Бундай муносабатнинг бир томонлама эканлыгынинг үзінші болани әл-бурутдан истеъмолчи позициясига тусириб құяды.

Құпинча катта ёшли кишилар болалардаги инфантлизмдан, уларнинг пассивлыгидан шикоят қиладилар. Нима ҳам дер әдик. Бу — хақ гап, биз боя айтганимиз бир ёқламалилик қоидасининг меваларини, унинг ҳосилини йиғаяпмиз. Бироқ, бунда бизнинг ҳаммамиз ҳам — болалар ҳам, катта ёшли кишилар ҳам үз қобиғимизга уралиб қолиб, үзимиз яратған ёш түсифига рұбару келиб күп нарсани бой беріб құймаётғанмеканмиз. Сиз улғайиб бораётған болаларга бир назар ташланғ: улар кичкінтой укаларининг ҳаётіга мутлақо қызықмай қоладилар. Улар бу кичкінтойларни «сувараклар» деб менсімай қарайдилар ва улар билан нима туғрида ҳам гаплашиш мумкин деб ҳайрон бұладилар. В. Тендряковнинг «Баҳор үзгаришлари» деган китобчасидаги юқори синф үқувчиси Левка Гайзер Дюшкә Тягуновни худди мана шундай менсімасдан «суварак» деб чақиради.

Бироқ бизнинг реал ҳаётимизда мана шу ҳаёт хусусиятларининг үзидан келиб чиққан холда белгиланадиган ёш чегараларини бузишнинг иложи йүқмикан? Турли ёшдаги одамлар үртасидаги алоқаларни маҳсус ташкил қилишнинг иложи йүқмикан?

Бизнинг Новосибирскдаги педагогика институтимиз совет киносаңытатини пропаганда қилишнинг Farbий Сибирь областлараро бұлыми билан ҳамкорликда мана олти йилдирки, турли ёшдаги кишилар үртасида алоқа үрнатыш клубига раҳбарлық қилиб келмоқдалар. Биз бу клубнинг номини ҳам үзига яраша «Диалоглар» деб атадик.

Уннинг тарихи қуйидагича. Кино клубида «Ойналар ёнидан үтар поездлар» деган фильм күрсатиларди. Одамлар уша фильмдаги үсмирларнинг хатты-ҳаракатларини муҳокама қилиб бир-бирлари билан бағылаша кетдилар. Тұсатдан хаёлға шундай фикр келди. Хүш, мана шу фильм қаҳрамонларининг тенгдоши бұлған үсмирлар бу ҳодисаны қандай изохлашар экан?

Ұшанда мен 10- мактабға бориб у ердан үзимга таниш бешинчи синф үқувчилари — ҳозир үнинчи синфда үқиётған болаларни чақириб келдім. Улар биз билан биргә фильмни томоша қылдилар, кейин эса студентлар берган саволларға жавоб қайтардилар. Ұшанда биз әшитған гаплар ва биз күрган ҳодисалар күтилганидан ҳам зиёда булиб чиқды. Маълум булишича, бешинчи синф үқувчиси томонидан очиб берилған фильмдаги мұраккаб психологик түгүнлар боланинг үзи ҳақида үзи сұзлаб берган ҳикояси бұлғын чиқди. Бизларға үз тенгдошларининг хулқ-атворини, уларнинг катталарға бұлған муносабатини тушунтириб беришга ҳаракат қылған бола аспини олганда үзи ҳақида үзи сұзлаб берар әди.

Кишининг үз ёшига хос бұлған қувонч ва ташвишлар түғрисида бундан күра ёрқинроқ, бундан күра ҳаққонијроқ ва истасанғиз бундан ҳам тавба-тазарру билан сұзлаб берилған ҳикояни топиш қиійин. Айнан пайтда үзға бир киши түғрисида сұзлаб берилған бу

хикоя шу ёшдаги ўсмирнинг ички дунёсини ҳар қандай ташқи тазйиклардан ишончли равишда ҳимоя қиласди.

Биз «Баҳор ўзгаришлари» фильмини кўрганимиздан кейин шундай қарорга келдик: бу фильмни дастлаб 10- мактабдаги «Дюшка Тягуновлар»га кўрсатайлик-да, кейин шу кинони 10- синф ўқувчилари кўрсинг. Сўнгра эса студентлар муҳокама қилиб умумий бир холосага келсинлар. Шу тариқа иш тутиб кичкитойлардан кейин фильмни 10- синф ўқувчилари гурбатиши гали келганда ҳозир Новосибирск университетининг студенти, ўша вақтда 10- синф ўқувчиси бўлган Серёжа Павленко бизнинг клубимизга асос қилиб олинган ғояни ўзига хос аниқлик билан шундай ифодалаб берди: «Қанчалик кулгили бўлмасин мен бу фильмга ҳеч нарсани қўшимча қилиб айта олмайман. Унда ҳамма нарса муфассал айтилган. Ҳозир мен фильм тўғрисида эмас, балки бизнинг кичкитойларга бўлган муносабатимиз тўғрисида ўйлаб қолдим. Улар мактабда ў ёқдан бу ёққа югуриб юришади. Биз эса уларни назар-писанд қилмай уларнинг устидан «хатлаб» ўтамиш. Қани энди мана шу «сувараклар»ни тутиб олсанда бир чеккага олиб чиқиб ўзинг билан ёнма-ён ўтқазиб, ҳаёт тўғрисида суҳбат қурсанг, менимча зўр иш бўлар эди-да».

Шунга ўхшаган ажойиб суҳбатлар бизнинг клубимизда озмунча бўлганми? Мангу мавзу деб ном олган масалаларга турли ёшдаги кишилар ўз муносабатларини билдирган кезларда шундай «теша тегмаган» гаплар чиқиб қолади. Мана шундай учрашувлардан кейин ўзимиз холоса чиқариб олган биринчи сабоғимиз шу бўлдики, биз, қайси бир масалани муҳокама қилмайлик, ўша масалага энг аввало болалар кузи билан қараб қўришни машқ қилишимиз, ўзимизни шунга ўргатишимиш керак экан. Бу қанчалик қийим иш бўлмасин лекин барибир шундай қилиш зарур экан. Бу шунинг учун ҳам зарурки, шундай қобилиятга эга бўлмаслик кўпинча педагогик нодонликни (ота-оналар нодонлигини) келтириб чиқарар экан.

Кўпинча биз-кatta ёшли кишилар болалар ҳақида мулоҳаза юритиб: «яхши тушунмабди», «фаҳми етмабди», «англаб олмабди» деган гапларни ишлатамиш ва бизнинг «ундай қилмабди-бундай қилмабди» деган норозилигимизнинг чеки бўлмайди. Мана шу энг оддий ёш мантиқини, бизнинг тасаввуримиздаги тушунчалардан фарқ қиласидиган мантиқни тушуниб олиш — бизнинг ўй-фикрларимизни фарзандларимиз томонидан тушуниб етишга олиб борадиган ягона йўлдир...

Бизнинг клубимизда турли ёшдаги кишилар ўртасида алоқа ўрнатиш имкониятлари хусусида фикр-мулоҳазалар юритиш бизда шу нарсага ишонч ҳосил қилдики, пировард натижада бизлар ўзимиз орзу қилган энг асосий нарсага — яъни чинакам мулоқотга киришиш малакасини эгаллаб олишга мусассар бўламиш. Бу ерда бизнинг ҳар биримиз учун шу нарса мутлақо равшанки, ҳаётимиздаги энг муҳим соҳа бўлмиш мулоқотга киришиш масаласида ўқитувчининг роли ғоят катта бўлганидек, бу соҳада кино санъатининг роли ҳам бекиёсдир. Болалар кино санъатидаги образлилик, эмоционаллик

хусусиятлари туфайли ўзларидан уйғонган ҳис-туйғулардан қувончга тұлған ҳолда кино қаҳрамонлари билан, фильм муаллифлари билан диалогга киришадилар. Ҳар бир фильм бизнинг мулоқот даражамизни оширади.

Инсондаги ниҳоятда қимматбақо фазилат бүлмиш ўзгалар фикрини тушуна олиш малакаси, ўзга кишиларнинг фикр-мулоқазалары қай йўлдан бораётгандигини англаб олиш салоҳиятини тарбиялашда кино санъатининг роли беқиёсdir. Болалар «Душанбагача омон бўлсак» деган фильм қаҳрамонлари оғзидан эшитган формула: «Бахт — бу одамлар сени тушунишлари», — деган сўзларни қайта-қайта такрорлашни яхши кўрадилар. Агар болалар ҳам, катталар ҳам мана шу баҳтдан, яъни бир-бирини тушуниш баҳтидан баҳраманд бўлсалар, қандай соз бўлур эди.

Сухомлинский «хис-ҳаяжон орқали ақл-идрокни уйғотиш» түғрисидаги фикрни қатъият билан таъкидлаб утган эди. У бундай ақл-идрок уйғониши гўзалликни биргаликда ҳис этиш туфайли, бирор нарсани биргаликда тушунишга интилиш туфайли вужудга келади деб ҳисоблар эди. Ҳамкорликда ишланган вактда шундай бўлади — масаланинг моҳияти ҳам ана шунда! Катталар билан ҳамкорликда ишлаш натижасида болалар кўп нарса ўрганади. Биз ўзимизнинг жажжи болаларимизни ўқитиб ўргатамиз ва ўзимиз ҳам экрандан бизга қараб мурожаат қилаётган муаллифнинг овозини эшишиб, уни тушуниб англашга ўрганамиз. Турли ёшдаги кишилар ўртасида бўладиган сұхбатлар — ўзга кишилар қувончиға бизни шерик қиласидиган, экран бизга ҳикоя қилиб берган ўзга кишиларнинг ғам ва ташвишларига бизни ҳам қўшилишимизга хизмат қиласидиган механизмдир. Шу тариқа кинога ижодий муносабатда бўлиш түйфуси вужудга келади, шу тариқа ахлоқий ва эстетик тушуниш туғилади, шу тариқа биз ўзимизни ўша кинодаги воқеаларни идрок этишга психологик жиҳатдан тайёрлаймиз. Ҳолбуки, бусиз санъат билан чинакам мулоқотга киришиш мумкин эмас.

Хўш, унда болалар-чи? Аввалига бу ишдан фақат катталаргина манфаатдордек туюлган эди бизга. Лекин аста-секин кичик дустларимизни кузатиб бориш, уларнинг гапларига қулоқ солиш натижасида биз қувонч билан шу нарсани англаб олдикки, у учрашувдан бу учрашувгача болаларда каттагина ўзгаришлар содир бўлиб бораарди. Болалар одатдагидан бошқачароқ бўлиб борашарди. Уларнинг катта ёшли кишилар билан мулоқотга киришишлари уларга ўрганиш бўлиб қолган одатдаги ҳаётий позицияларини кутилмаган тарзда ўзгартириб юборади. Аслини олганда боланинг ҳаёти шундай тузилганки, фақат у сўрайди, катта ёшли киши эса унинг бу саволига жавоб қайтаради. Бунда шундай тасаввур пайдо бўладики, яъни катта ёшли киши ҳамма нарсани биладиган энг сўнгги инстанцияга ўхшайди. Энди бирданига бунинг акси бўлади, катта ёшли киши беҳосдан болага савол билан мурожаат қила бошлайди. Катта ёшли киши бола билан маслаҳатлашади, уни тушунишга ҳаракат қиласиди, боланинг нарсаларга, оламга, одамларга қандай қарашини билиб олишга интилади.

Бундай позицияни бола миннатдорлик билан қабул қиласы да у биринчи синф үқувчиси қодир бұлған даражада бутун масъулият-ни үз зыммасига олиб, үзининг ҳәёти, кундалик ишлари тұғрисида ҳикоя қилиб беради. Бола турлы насиҳатгүйликлар қылмасдан ва сизга ақл үргатмасдан сұзлайды. У үзидан катталар қандай нигоҳ ва хулқ-атворт нормалариде туриб сұзлашни кутаётган бұлсалар, худди шу тахлитда туриб гапиришга үрганиб олади. Унинг үзи мана шу талаблар томон боради, чунки шундай қилишни унинг ҳозиргина дуч келган янги позициясы тақозо этади. Бу позиция — диалог позициясы. Бу бир-бирига тенг бұлған иккى томоннинг позициясы. Бу бизнинг клубимиз ҳәётидаги муҳим моментдир. Бу, аслини олганда, шу вақтгача бизнинг болаларга бұлған нотұғри мұносабатимизнинг, уларга нисбатан лоқайдылғымизнинг, боланинг тақдиди учун жавобгар бўлишни истамаганимизнинг аксидир...

Оммавий ахборот воситалари бизнинг болаларимиз ҳәётига, ҳатто әнг кичик ёшдаги жажжи үғил-қызларимиз ҳәётига ҳам кириб келиб, одатдаги педагогик қараашларни ва ота-она қараашларни аллақачон бир-бирига аралаштириб юборди. Бу воситалар ҳозир шундай бир канал вазифасини ұтамоқдаки, бу канал орқали болалар катталар дүнёсини тушуниб олишга интилмоқдалар. Бу ишни улар бизнинг ёрдамимизсиз, үзларича қылмоқчи бўладилар. Кўпинча бу ишга якка-ёлғиз ҳолда, бир үзларни киришадилар. Уларни ҳеч ким ҳеч нарсага йўллаб турмайди ва уларни ҳеч ким ҳеч нарса билан бошқариб бормайди. Улар ҳатто бизнинг сұхбатларимиз, бизнинг диалогларимиздан фойдаланмайдилар.

Мана шу ҳақиқатни бизнинг ҳаммамиз тушуниб олишимиз керак бұлған пайт келди. Шундай қылайликки, мұжизакор кино фарзандларимизнинг иқболи учун хизмат қылсан. Бунинг учун биз «Кино ва болалар» деган проблемага тик боришимиз ва бу муаммонинг үткир қырраларини қырқиб ташламасдан ҳал қылмоғимиз керак. Фильмларимиз болалар билан мулоқотга, бизнинг үзимиз билан мулоқотга киришиш учун хизмат қылсан, улар бизда донолик, гражданлик ва гўзалликни тарбиялашнинг, фарзандларимизда, бизнинг үзимизда ана шундай фазилатларни тарбия қилишнинг ишончли гарантияси бўлиб хизмат қылсан»<sup>1</sup>.

## Саволлар

1. Муаллиф турлы ёшдаги кишилар ўртасида алоқа ўрнатишнинг фойдаси катта эканини нималарда кўради?
2. Болаларга ахлоқий тарбия бериш воситаси сифатида кино ва телевидениенинг роли тұғрисида үз фикрингизни айтинг ҳамда кино ва телевидение ёрдамида болаларда ҳәётий позицияни ва хулқ-атворт нормаларини шакллантириш йўлларини очиб беринг.
3. Үқувчиларга тарбия бериш ишидаги муваффақиятлар үқитувчидан ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг ички дүнёсини кўра билиш, унинг ўй-хаёллари ва

<sup>1</sup> Горюхина Э. Диалог у экрана // Правда 1980, 25 апрель.

орзу-истакларини тушуна олиш малакасини талаб қилишини исботлаб беринг. Бунга мисоллар келтириңг.

### **Курсда олиб бориладиган тадқиқот ишларининг темалари**

1. Умумий таълим мактаби ўқитувчисининг психологик табиати ва унинг фаолиятига хос бўлган қонуниятлар.
2. Гоявий эътиқод — совет ўқитувчиси шахсида ижодкорликни шакллантиришнинг муҳим компонентидир.
3. Олий мактаб таълими жараёнида ўқитувчи шахси учун зарур бўлган муҳим профессионал фазилатларининг студентлар томонидан баҳоланиши ва уларнинг ўз-ӯзларини баҳолаш динамикаси.
4. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш воситаси сифатида янги информациялар излаш ва янги билим манбалари танлаш учун ўқитувчини рағбатлантирувчи мотивлар.
5. Ўқитувчи педагогик мулоқот услубининг ўқувчилар ўқув фаолияти самарадорлигига таъсири.

## МУНДАРИЖА

<i>Редактордан . . . . .</i>	3
<i>Кириш. Студентларнинг мустақил ишларини ташкил этишга доир умумий методик тавсиялар . . . . .</i>	5
<b>I БҮЛЛИМ. ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ . . . . .</b>	<b>28</b>
<b>1- тема. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг предмети ва вазифалари . . . . .</b>	<b>28</b>
Методик курсатмалар . . . . .	28
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	31
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	33
<b>2- тема. Ёш психологияси ва педагогик психологиянинг методлари . . . . .</b>	<b>42</b>
Методик курсатмалар . . . . .	42
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	49
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	66
<b>3- тема. Психик ривожланиш динамикаси ва қонуниятлари ҳамда ўқувчи шахсининг шаклланиши . . . . .</b>	<b>86</b>
Методик курсатмалар . . . . .	86
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	91
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	94
<b>II БҮЛЛИМ. ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ . . . . .</b>	<b>103</b>
<b>4- тема. Боланинг мактаб ёшигача бўлган даврдаги психик ризоҷланиши . . . . .</b>	<b>103</b>
Методик курсатмалар . . . . .	103
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	111
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	115
<b>5- тема. Кичик мактаб ёшидати ўқувчи шахсининг психик ривожланиши ва шаклланиши . . . . .</b>	<b>122</b>
Методик курсатмалар . . . . .	122
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	125
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	127
<b>6- тема. Ўсмирилик ёшининг психологик хусусиятлари . . . . .</b>	<b>143</b>
Методик курсатмалар . . . . .	143
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	152
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	152
<b>7- тема. Ўсмирилик ёшида шахсни қарэр толтиришнинг психологик хусусиятлари . . . . .</b>	<b>167</b>
Методик курсатмалар . . . . .	167
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	176
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	179

<b>III БҮЛЛМ. ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ . . . . .</b>	<b>189</b>
<b>8- тема. Тарбия психологияси ва ўз-ўзини тарбиялаш психологияси шахсими шакллантиришдаги мақсадга қаратилған жараён сифатида</b>	<b>189</b>
Методик күрсатмалар . . . . .	189
Семинар машғулоттарининг планлари. Адабиётлар . . . . .	196
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	205
<b>9- тема. Таълим—одам билиш фаолиятининг маҳсус формаси сифатида</b>	<b>219</b>
Методик күрсатмалар . . . . .	219
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	227
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	229
<b>10- тема. Умумтаълим ва ҳунар мактабида билим олиш психологияси ва уни оптималлаштириш шартлари . . . . .</b>	<b>235</b>
Методик күрсатмалар . . . . .	235
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	242
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	245
<b>11- тема. Ўқув фаолиятида техника воситаларидан фойдаланишининг психологияк асослари . . . . .</b>	<b>257</b>
Методик күрсатмалар . . . . .	257
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	263
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	267
<b>12- тема. Ўқитувчи шахсининг ва педагогик фаолиятининг психологияси</b>	<b>272</b>
Методик күрсатмалар . . . . .	272
Семинар машғулотларининг планлари. Адабиётлар . . . . .	276
Мустақил ишлар учун топшириқлар . . . . .	278

Еш психологияси ва педагогик психологиядан практикум: Пед. ин-тларининг студентлари учун ўқув қўлланма / А. И. Шчербаков таҳрири остида; Авт. колл. А. А. Алексеев, И. А. Архипова, В. Н. Бабий ва бошқ; Тақризчилар: М. В. Гамезо, М. Г. Данильченко.— Т.: Ўқитувчи, 1991.— 312 б.

Практикум по возрастной и педагогической психологии.

ББК 88.8я73

*На узбекском языке*

АНАТОЛИЙ АНДРЕЕВИЧ АЛЕКСЕЕВ,  
ИРИНА АНАТОЛЬЕВНА АРХИПОВА,  
ВАЛЕНТИНА НИЛОВНА БАБИЙ и др.

ПРАКТИКУМ ПО ВОЗРАСТНОЙ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
ПСИХОЛОГИИ

*Перевод с издания «Проповеди», 1987 г.*

*Ташкент «Ўқитувчи» 1991*

Таржимон Н. Умаров  
Мухаррир Б. Қодиров  
Бадий мұхаррир А. Лукьянов  
Техмухаррир С. Турсунова  
Мусаҳидлар Олимова М., Зоиржонова Х.

ИБ № 4446

Теришга берилди 19.07.89. Босишга рухсат этилди 15.11.91. Фәрматы 60x90/16.  
Тип. көғози №2. Кегль 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усу-  
лида босылды. Шартли б. л. 19,5. Шартли кр-отт. 19,5. Нашр.л. 19,84. Тиражи  
15000. Зак. 2247. Баҳси 4с. 10т.

«Ўқитувчи» нашриети. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12-10-89.

Ўзбекистон Жумҳурияти Матбуот давлат комитетининг Тошполиграф комбинати.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1991.

Узбекистан. Ташкент, ул. Навои, 30.  
Тошполиграфкомбинат Государственного комитета по печати Республики